



# Шарк Ҳақиқати

*Ойлик адабий-бадний, ижтимоий-сиёсий журнал*

---

*Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи*

---

**6. 1983**

*52-йил чиқиши*

---

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

# МУНДАРИЖА

Уйғун. Умр чорраҳалари. Шеърлар	3
Асқад Мухтор. Илдишлар. Ҳикоя	7
Шукрулло. Жавоҳирот сандиғи. Давоми	30
<b>ШЕЪРИЯТ</b>	
Сами Абдуқаҳҳор. Шафтоли; Сафар Барноев. Робот ҳақида ўғлимнинг сўроқлари; Анвар Ҳожи. Тол; Умида Абдуазимова. Ургатарлар; Файзи Шоҳисмоил. Оймома; Шоди Саттор. Чанг-ютар; Рауф Толиб. Чинорлар ва ниҳоллар. Шеърлар	51—56
Анвар Обиджон. Аламазон ва унинг пиёдалари. Эртак-қисса	57
<b>ИЛК ҚАДАМЛАР</b>	
Яҳё Тоғаев. Шу Ватан сизники. Шеърлар	106
<b>ПУБЛИЦИСТИКА</b>	
Нурали Қобул. Биз ўзлигимизча қоламиз	109
<b>ПАРТИЯ ҚАРОРЛАРИ ЖАСОРАТГА ЧОРЛАЙДИ</b>	
Намоз Саъдуллаев. Чўпонга ҳам қанот керак	118
<b>ОЧЕРК</b>	
Евгений Березиков. Чиял бозор	122
<b>ЖАҲОН ТАРАҚҚИЯПАРВАР АДАБИЁТИ</b>	
Алекс Ла Гумә. Бир қултум қаҳва. Ҳикоя	125
<b>ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА</b>	
Ҳамдам Содиқов. Ёдгорликлар ҳикояси	130
<b>САНЪАТ</b>	
Баҳодир Жўраев. Қардошлигимиз саҳнаси	137
<b>БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ</b>	
Николай Заболоцкий. Васият	140
Наим Каримов. Ҳазалхон булбул	140
<b>МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА</b>	
Нажмиддин Комилов. Илҳом ва муҳаббат фарзанди	145
<b>ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
Оллоберган Худойберганов. Очеркдан романга	151
Ҳалима Худойбердиева. Қувонч юки	155
Маҳмуджон Нурматов. Ҳаёт ва ғазал	158
<b>ТАҚРИЗЛАР</b>	
Собир Мирвалиев. «Ҳамза»—роман-эпопея	161
Тоҳир Қаҳҳор. Сўз ҳақиқати	164
Мирпўлат Мирзаев. Илк тўплам мукофоти	169
Рустам Шарипов. Излайман ўзимни	170
<b>НОДИР САҲИФАЛАР</b>	
Илёс Низомиддинов. «Ҳасиҳ солномаси»	171
Шамсиддин Шукуров. «Таржумон»—ўзбек тилида	173
<b>МЁРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ</b>	
Комрон Мирзо. Ҳазаллар	176
Нодира. Ҳазаллар	178
<b>САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА</b>	
Юрий Ковалев, Алексей Карасек. Бўри из қолдиради. Қисса Охири	179
<b>ГУЛҚАЙЧИ</b>	
Умринисо Асқарова. Бедаво. Ҳикоя	203
Болалар ижодкорлари куйлаганда	204
Маданий ҳаёт	206
Адабий журналлар июнь ойида	207

## УМР ЧОРРАҲАЛАРИ

### Умр

Дерлар: бу дунёнинг дарвозаси йўқ,  
Биров келади-ю, биров кетади.  
Биров умри тугаб тушиб қолади,  
Биров ўз йўлида давом этади.

Гап умрнинг озу кўплиги, ёки  
Узун, қисқалиги — сонда эмас.  
Агар умр бекор, фойдасиз ўтса,  
Унақа умрни умр дейилмас!

Баъзи одамлар бор, дунёга келиб,  
Ўтиб кетишади бефойда, изсиз.  
Баъзи одамлар бор — дунёнинг кўрки,  
Баъзи одамлар бор бефаҳм, ҳиссиз.

Баъзи одамларнинг ўзи кетса ҳам,  
Номи йўқолмайди, номи қолади.  
Баъзи одам ўтгач, унинг ишидан  
Асрлар, насллар ўрнак олади.

Нодон ўйлар фақат ўз роҳатини,  
Нодоннинг фойдаси тегмайди элга.  
Нодонлар етмайди ҳаёт қадрига,  
Умрини беҳуда совураб элга!

Яхшидан боғ қолур, яхши ном қолур  
Ва лекин ёмондан доғ қолур, дерлар.  
Яхшининг дунёда қолдирган иши —  
Чаман-чаман бўлиб яшнаган ерлар!

Хавф остига қўйиб ўз ҳаётини,  
Ўзганинг жонини сақлаган киши.  
Ҳурматга сазовор бўлади доим,  
Бундай иш ҳақиқий инсоннинг иши!

Доно учун узун умр ҳам оздир,  
Нодон учун эса оз умр ҳам кўп.  
Асл умр, аъло, инсоний умр  
Яхши фазилату мазмун билан хўб.



Ҳа, ҳар хил бўлади ҳар кимнинг умри:  
Биров узоқ яшар, биров оз яшар.  
Одамлар келади, кетади, аммо  
Абадий яшайди дунёда Башар!

## Лабиҳовуз бўида

Бир чойнак чой беринг, ҳо, самоварчи,  
Ҳузур қилиб ичай Лабиҳовузда.  
«Чойи кабуд» бўлсин, каҳрабо рангли,  
Мазаси умрбод қолсин оғизда.

О, қандай хушҳаво, хушманзара жой,  
Қумуш фавворалар отилиб турар.  
Толиққан танингга роҳат бағишлаб,  
Ҳовузнинг шифобахш салқини урар.

Яхшилаб нонушта қилай, келтиринг  
Бир коса қаймоғу битта иссиқ нон.  
Келтиринг қандолат, парварда, пашмак,  
Обиновот, ёнғоқ, пистаи хандон.

Сахий Бухорода ҳаммаси мавжуд,  
Ҳаммаси тансиғу ҳаммаси лазиз.  
Қани, нонуштага марҳамат, менга  
Ҳамтовоқ бўлингиз, дўстони азиз!

Қайтадан яшнаган майдон, хиёбон  
Бўлсин қиёси йўқ сўлим сайилгоҳ.  
Бухорога келиб, Лабиҳовузда  
Бир чойнак чой ичмай кетишлик гуноҳ!

Жуда ҳам бошқача лаззат бағишлар  
Дўстлар билан бирга ейилган таом.  
Қани, келинг, дўстлар, Лабиҳовузда  
Бир маза қилайлик, хулласи калом!




## Тош эҳром

Ажойботлар кўп Арманистонда,  
Бири: тошга ўйиб ишланган эҳром.  
Ҳа, агар устаси топилиб қолса,  
Тош ҳам мўъжизага айланар тамом.

Сиртдан қараганда билиб бўлмайдди,  
Сиртидан қарасанг — оддий бир қоя.  
Аммо ичкараси жуда ғаройиб,  
Бошдан-оёқ гўзал билониҳоя.

Деворлари, шипи, таги ҳам тошдан,  
Нуқул тошдан эрур бутун вужуди.  
Инсон даҳосининг, инсон фикрининг,  
Инсон хаёлининг борми ҳудуди?..





Бунда тошдан бўлак бирор нарса йўқ,  
На ёғоч, на мих бор — тош эрур яхлит.  
Бу юксак санъатнинг ифодасидир,  
Бу бир обидаким, мўъжиза тахлит.

Бу ерда неки бор — ҳаммаси тошдан,  
Жамики безаклар, устунлар ҳам тош.  
Ижод қудратини намойиш қилмиш  
Эҳромни безаган, гул солган наққош.

Эҳромни томоша қилганда бирга,  
Роҳиб ўйлагандир парвардигорни.  
Мен эса танг қолиб, ҳайратга тушиб,  
Фақат ўйлар эдим уста меъморни!..

## Утинаман

Ешлигимни қайтиб бер, замон!

Кексаликнинг оғир юкидан  
Ғоз қоматим бўлмасин камон.  
Утинаман, иложи бўлса  
Ешлигимни қайтиб бер, замон!

Илтимосим, бевақт кетмасин  
Кўзимдан нур, белимдан дармон,  
Тарк этмасин куч-қувват мени,  
Ешлигимни қайтиб бер, замон!

Қарзларим кўп халқдан, ҳаётдан,  
Қарзни узиш муқаддас армон.  
Ниятимга етай, мадад қил,  
Ешлигимни қайтиб бер, замон!

Эзгу бурчни тўла бажармай  
Бевақт тўхташ жуда ҳам ёмон.  
Бурчларимни бажариб олай,  
Ешлигимни қайтиб бер, замон!


Қиладиган ишим ҳали кўп,  
Ижод учун бўлайин омон.  
Илҳомимни қаритма зинҳор,  
Ешлигимни қайтиб бер, замон!

Юзга кирай дейман камида,  
Юрагимда шу орзу ҳамон.  
Орзуларим рўёбга чиқсин,  
Ешлигимни қайтиб бер, замон!

## Тинчлик қучоғида

Ўтмишдаги уруш даҳшатларини  
Кўрмаган, кўрмасин ҳозирги ёшлар.  
Бўлди, тўкилмасин урушда қонлар,  
Етар, кесилмасин қиличда бошлар!

Майли, ёшлар билсин ўтган урушни  
Кинолардан кўриб, китобдан ўқиб.  
Кексалар ёшларга сўзлаб берсинлар  
Қонли урушлардан эртақлар тўқиб...



Бундан сўнг ҳам ёшлар қонли урушининг  
Жабру жафосини кўрмасин ҳеч вақт.  
Бу ёруғ дунёда инсонлар учун  
Тинчлик огушида яшамоқ зўр бахт!

Уруш даҳшатини асло кўрмасдан,  
Тинчлик қучоғида яшарсин олам.  
Урушда ўлдириш, ўлиш учунмас,  
Яшаш учун келар дунёга одам.

Оппоқ кабутарлар қарх уриб, ўйнаб,  
Мудом парвоз этсин мусаффо кўкда.  
Тинчлик, омонликда яшаганларнинг  
Дунёда умрбод армони йўқ-да!

Бутун чораларни кўриб бўлса ҳам,  
Дунёни сақлайлик атом жангидан.  
Атом урушида жаҳон ёнмасин,  
Қиёмат кўнмасин Ерда янгидан!

Уруш оловида ёнмасин боғлар,  
Осмону фалакни қопламасин дод!  
Хавфу хатарлардан холи, тинч-омон  
Умрини яшасин бахтиёр авлод!

\* \* \*

Невский ухлаган буюк бешикда  
Уйғонмоқ ўзи ҳам олий бир ҳавас.  
Пушкин пайдо бўлган ҳар бир эшикда,  
Навоий шарафи яшар муқаддас.

Ҳамид ОЛИМЖОН

\* \* \*

Шеър қуёши дерлар — эмас беҳуда,  
Сўзлари дилларни қуёшлантитар:  
Қуёшдек баланду тантидир жуда;  
Нафасидан мудом ёш кўклам эсар.

ОИБЕК


\* \* \*

Нақадар нуроний — ўйчан инсонлар,  
Ҳар қайси — одамзод севган мард ўғил...  
Ҳам Пушкин, ҳам Гёте, Шота, Алишер,  
Мадад ол, мадад ол, э ўйчан кўнгил!

МИРТЕМИР

Асқад Мухтор,

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси



## ИЛДИЗЛАР

**У**лар Ешлик уйи рўпарасидаги гавжум хиёбоннинг бетон йўлкасидан қўл ушлашиб келар эдилар. Баҳорнинг сўнгги кунларидан бири, осмон тиниқ, нафас енгил, момотолнинг қизғиш момик гуллари нафис атрини таратиб тебранади. Бу обод хиёбондан ясан-тусан ёшлар кўн ўтиб турса ҳам, айниқса, бир жуфт ёшга ҳамма ўзгача эътибор ва ҳавас билан тикилиб қолар эди. Иккаласининг ҳам бўйи баланд, қадди расо, хушбичим: қизнинг эгнида тўпиқдан келадиган узун оқ-ҳарир кўйлак, кичкинагина кўк бахмал нимча эса ихчам сийнасини таранг тортиб турибди: йигит қимматбаҳо кулранг костюмда, пошнаси баланд туфлиси бетон плитада тўқ-тўқ этади, қуюқ қора сочи янги модага мувофиқ елкасига тушиб чиройли қайрилган.

Одам ёшликдаги бундай бахтли онларини ўша дамнинг ўзида унча англаб етмайди, уни кўпинча улғайгандагина қўмсаб эслаймиз. Лекин булар ҳам бахтли, ҳам бир-бирларига муносиб эканликларини ва ҳамманинг ҳавасини келтираётганликларини ҳозироқ яхши билар эдилар, чамаси. Бу уларнинг мағрур юришларидан, ошкора фахр ҳисси билан бир-бирларига қараб қўйишларидан, ёниб турган кўзларию чеҳраларидаги қувонч жилваларидан билиниб турар эди.

Офтобда кўп қиррали биллур қадаҳдай товланиб кўринган Санъат саройи ёнидан ўтарканлар, танишлардан кимдир ишора қилиб кинога таклиф этди шекилли, йигит қизга савол назари билан қаради. Қиз жилмайиб бош силкиганида, елкасида икки ўрим сочи аста тўлганиб қўйди: «Йўқ».

Чиндан ҳам улар ҳозир кинотеатрнинг қоронғи залига сиғадиган эмас эдилар. Ҳаяжонли кайфиятларини атрофдагиларга ҳам юқтириб, бамайлихотир кенг кўчага чиқиб бордилар ва қўл ушлашганча, машиналар орасидан югуриб, нариги йўлгага ўтдилар. Хайрлашиш пайти келди чоғи, бир-бирларига қараб тўхтаб қолдилар.

— Хайрлашиб кетаверамизми, шундай куни-я, Муҳсина? Ҳеч бўлмаса бир қултум шампань...

— Вой, ана!— деди Муҳсина ҳазиломуз ҳайрат билан кўзларини катта очиб.— Бунақада синовдан ўтолмай қоламиз-а.

Улар кула-кула яна қўл ушлашиб, янги маҳалланинг торроқ кўчасига кириб кетдилар. Бу кўча камқатнов, икки ёнига чинор кўчатлари экилган, нариги боши кўп қаватли оппоқ биноларга бориб тақалар эди. Улар овозларини баралла қўйиб, бемалол чақчақлашиб, ўша бинолар томон юрдилар.

— Синов мўддати... алмисокдан қолган янгилик!— деди йигит.— Синалмаган отнинг сиртидан ўтма, деган гап бор. Отни синайди, молни синайди, одамни синаш... айниқса, севган кишингни атай синаш... Бу — камситиш, хўрлашга ўхшаб кетади, ўлай агар!

— Қўрқаётган бўлманг яна, Марат ака?— деб чиройли кулди Муҳсина.

— Ўзингиз ўйланг, севиш учун ошкора синаш... одамнинг иззат-нафсига теғмайдимми?

— Йўқ,— деди Муҳсина узун, чиройли оёқларига ўзи ҳам суқ билан қараб, бир текисда одим ташлаб бораркан,— мен қаердадир ўқиганман: бир одамни чинакам севсанг, уни ҳар қадамда янгитдан кашф этаётгандай бўларкансан, янги-янги фазилатлари очилавераркан. Одам, умуман — сир. Севган кишинг эса — айниқса! Чексиз мўъжиза!

— Бу тўғри,— деди Марат,— мана, сиз менинг учун, синасам-синамасам, бари бир ажойиб мўъжизасиз!— Улар ушлашган қўлларини сиқиб қўйдилар.— Лекин бу бошқа нарса. Гап синов ҳақида. Синов... одамни худди тарозида тортиб олаётгандай... Кейин, бир ойлик синов билан иш битадимми? Сиз бир умр синанг мени, Муҳсина!

— Олдин дастлабки бир ойлигидан эсон-омон ўтиб олинг!

Иккалалари ҳам қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордилар, қаршидаги тўққиз қаватли бинолардан акс садо келди.

— Утаман, шон-шараф билан ўтаман. Сина...— Марат севгилисининг бундай эркаловчи исмини ўзи чиқарган, ёлғиз қолганларидагина шивирлаб айтар эди.— Шу бир ой ичида фақат яхшилик, фақат яхшилик қилганим бўлсин. Муносиб ошиқ бўламан, сизни иззат-ҳурмат билан қўлимда кўтариб юриб ўтказаман бир ойни!

У ҳазиллашибми-чинакамигами, қизни қўлларига кўтариб олмоқчидай интилди.

— Вой ўлай, одамлар нима дейди!— деб қиз шўхлик билан ўзини олиб қочди. Улар яна роҳат қилиб кулдилар.

— Сиз жуда ҳийлагарсиз! Бир ой иззат-ҳурмат... ҳа кейин-чи?

Марат бирдан жиддий тортди:

— Ана, кўрдингизми?! Билмадим, синов кимдан чиққан гап... Балки бир ой эмас, бир йил керакдир, балки ўн йил керак бўлар? Умуман, бемаъни гап — синов!

Муҳсина бежиримгина лабларини чўччайтирди — қаттиқ эътироз билдирмоқчи эди, йигит терак соясига келиб қолганларидан фойдаланиб, уни қучиб олди.

— Синаш эмас, севиш керак!..— деди шивирлаб.

Қиз унинг бағридан юлқиниб чиқди, лекин бўшашиб, парйшонроқ бўлиб қолганини ўзи ҳам дафъатан пайқамади; тўққиз қаватли бинонинг йўлагида лифт ёпилиши билан эса, яна ўзини йигитнинг оғушида кўрди, унинг эҳтиросли бўсасига ёниқ лаблари билан жавоб қилди, тийиб юрган ҳиссиётларига биринчи марта эрк берди.

Мана, бешинчи қават ҳам... бир бўсалик йўл экан...

Маратнинг бир хонали уйи деярли бўш: рулонлар, ўралган ватман



ва тахта-тахта қоғозлар билан тўла очиқ жавон, дераза томонга қий-шайтириб қўйилган чизмакашлик столию бир янги дивандан бўлак ҳеч нарса йўқ.

— Иккинчи бундай қилманг, Марат ака,— деди қиз юзини четга буриб, бир оз зардали оҳангда. Диванга ўтирганларида Маратнинг уни энди кўраётгандай тикилишини пайқаб, чўчиброқ яна такрорлади:

— Иккинчи бундай қилманг. Синовимиз энди бошланяпти.

— Шу биринчи кунни нима биландир нишонлаш керак, деб ўйладим, бўлмаса эсда қолмайди, кечиринг, Муҳсина.

Жимлик чўкди. Чиндан ҳам тарихий кун. Улар энди бир-бирлари-га ҳар қачонгидан ҳам кўра яқинроқ... Лекин бу жимлик...

— Чой қўяйми?— деди қиз сапчиб туриб. Бирдан ҳаммасини кечиргандай очилиб кетди.

— Қаҳва бор.

Муҳсина ошхонага ўтди. Бу уй унга унча-мунча таниш. Марат билан энди танишганларида унинг илтимоси билан келиб, кўриққа қўйилажак бир лойиҳасини оққа кўчириб берган эди. Ушанда ҳам шу мўъжазгина ошхонада чой дамлаб, бирга ичган эдилар. Кейинроқ, қандайдир баҳона билан яна бир кириб, икки минутгина ёлғиз қолишган эди. Муҳсина келганда, Марат негандир доим қаттиқ ҳаяжонланади, қувонгидан шу бўм-бўш кенг уйда ҳам нимагандир қоқинади, нимадир қилмоқчи бўладию бесўнақай ҳаракат билан, албатта, бир нарсани ағдаради ёки синдиради. Ҳозир у катта хонада дераза пардаларини очяпти, Муҳсина уни кўрмаса ҳам, ҳаяжонга тушганидан шошаётганини сезиб турибди, «Шу топда гулдонни тушириб чилпарчин қилади», деб ўйлаб, пиқ этиб ҳовучига кулиб қўйди.

Йўқ, Марат бу гал ҳеч нарсани синдирмади. Муҳсина қаҳва қайнатиб чиққанида, чизмакашлик столига оқ қоғоз ёйилган, икки бўлак торт билан иккита фужер қўйилган; уй эгаси эса шампань шишасини очишга уринар эди. Муҳсина қаҳва билан балдоқли пиёлалар ва ликопчаларни столга қўйиб, бармоқларини тишлади.

— Нима бўлди?— деди Марат ҳовлиқиб.

— Қўлимни куйдириб олдим...

Марат дарров келиб, унинг бармоқларини лабига босди, пуфлади, яна лабига босди.

— Мен янги лойиҳаларимда шу кухняю плиталарни йўқ даражага келтирмоқчиман!— деди у қизни стол ёнига ўтқазиб. Чаққонлик билан кўпиртириб, шампань қуя бошлади.

— Қандай қилиб?

— Хўш. Одам корхонада ишлайдими — бас. Уйда ҳам ишламасин-да энди. Ҳозирги одамлар ижтимоий фаол, доим банд, иш билан яшайди, уйга дам олгани, ухлагани келади, холос.

— Ошхонасиз...

— Ошхонасиз уйнинг ҳавоси мусаффо, уй эгаси ортиқча жиз-биз, ҳид, ис, лаш-лушу ташвишлардан холи бўлади. Шундоққина пастда ресторан, ошхона, қаҳвахона... Бу чиройли биноларни нега қуриб қўйибди ахир?

— Уйники бошқа-да...

— Уша ерда ҳам уйникидай қилиб тайёрлаш керак! Шу ҳам муаммоми?

— Оида, болалар...— қиз ерга қаради.

— Гап келажак лойиҳалари ҳақида. Бориб-бориб оилаларда болалар... камаяди. Статистика шуни кўрсатяпти. Замонавий урф, йўналиш, таомил шунақа. Мен лойиҳаларимда турмушдаги асосий йўналишларни, айниқса, техноэволюцияни кўзда тутяпман, Муҳсина. Қани, ичайлик.

Фужерларга қўйилган шампандан кичик-кичик пуфакчалар живирлаб чиқиб турарди. Муҳсина ушлаб қўяди-ю, фикри бўлиниб яна ичмайди.

— Йўналиш деганингиз ўз йўлига, баъзан камчиликлар ўсишлар-

нинг давомидан иборат бўлади. Мен, масалан, оилада болаларнинг кўп бўлишини истайман...— деди у. Деди-ю, қизаринқираб, ерга қаради. Марат унинг стол устидаги қўлини ушлаб, кулди:

— Сиз ўзингиз боласиз, кичкинаман...

— Ҳазилга олманг, жиддий гапиряпман... Мен уй ишидан ҳам қўрқмайман, ҳозир аёлларнинг рўзғор тутиши осон бўлиб қолган, машина...

— Ҳа, бундан эллик йил аввал буюк Қорбюзье айтган: келажакда уй тирикчилик машинасига айланади. Мана, унинг айтгани келди: ҳозир оддийгина хонадонда ҳам камида йигирма хил мотору агрегат ишлаяпти — кир ювғич, чанг ютғич, ҳаво тозалайдиган, уй совутадиған, соч қуритадиған, қаҳва туядиған, ахлат шиббалайдиған, майса тарашлайдиған, соқол оладиған, шарбат сиқадиған, овоз кучайтирадиган машиналар, холодильник, телевизор, радиоприёмник, магнитофон, электр дазмол, электроплита... Кичик ЭВМ ўрнатилган электроплита бир юз йигирма хил овқат тайёрлаш программасини қабул қила олади. Терморегуляторли това ҳозир сотиляпти...

— Осон бўлиб қолган, дейсиз. Буларни сотиб олиш, жойлаш, бошқариш, бузилса тузатиш осон эканми! Уй бекаси эмас, йил сайин мураккаблашиб борадиған бу технологияни эгаллаган инженер бўлишингиз керак. Бу машиналарнинг техноэволюцияси қўл-оёғингизни чамбарчас боғлаб қўяди. Бунинг устига, булар бари буюм, ахир. Ҳар бир буюмга жой керак, буюмга қараш, уни асраш, оқ-қо-о... Одам ўзига қулайлик яратаман деб, буюмга муте бўлиб қолади.

— Нима қилиш керак бўлмаса?

— Нима қилиш кераклигини ҳаётнинг ўзи кўрсатяпти. Уйларни иситиш марказлашди — печка-танчадан қутулдик. Уйларни ёритиш, газ, бошқа коммуникациялар марказлашди — яна қанча ортиқча лашлушдан ҳоли бўлдик. Энди хоҳ совуқ, хоҳ иссиқ сув бўлсин, девор ичидаги қувурлардан оқи келади. Жўмракини бурасангиз, бас. Бундан буён ҳам шундай бўлади. Мана, телевизор. Жиҳоз сифатида у бизга керакми? Йўқ. Бизга унинг ахбороти керак. Келажакда деворда унинг экрани қолади. Мана, холодильник. Бизга унинг бир ярим газлик гавдаси эмас, совуғи керак, шундайми? Келажакда совутиш агрегати марказлашади, токчада фақат бизга керак даражадаги ҳарорати қолади. Уйларни бўғиб турадиған барча жиҳоз ва ташвишлар маиший хизмат комбинатларига кўчади.

— Китоб...

— Катта кутубхонага китоб буюрасиз, унинг варақлари истаган вақтингизда уйдаги экранингизда акс этади. Уйда буюм эмас, пульта тугмачалари... тушуняпсизми? Эндиликда янги лойиҳалар мана шу йўналишларда ишланиши керак, мен бунга аминман!

Муҳсина унинг қалин қошларини чимириб, берилиб гапиришига маҳлиё эди. Бир оз ўйлаб туриб, деди:

— Шундай экан, Марат ака, нима учун лойиҳаларингизнинг душманлари кўп? Улардан нолиганингиз-нолиған, ҳар мажлисда сизнинг жанжалингиз...

— Ҳар бир янгиликни ўз вақтида тушунавериш осонми?

— Мана, мен ҳам тушунмаяпман. Сезяпманки, сиз айтган уйлاردан... фаришта қочади.

Марат қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Ана холос, яна бир душман! — фужерни қўлига олиб тагин кулди у. — Ҳамма душманларим сиздек бўлсин, олинг, Муҳсина! — У ичиб юборди. Қиз ҳам лабига теккизиб, қўйиб қўйди. У негадир бевозта, эътирози кўп-у, топиб айтолмаётганга ўхшар эди. «Фаришта»... чиндан ҳам кулгани далил. Марат эса ўз фикрларидан рағбатланиб, гапида давом этди:

— Агар шу сафар атиги битта экспериментал микрорайоним лойиҳаси кўргазмага қабул қилинса, душманларим икки баробар камаяди! Бироқ комиссияда ҳар хил одамлар бор, Муҳсина...

— Яланғоч уйларда туришни истамаганларми?  
— Яланғоч уй?  
— Яланғоч ва совуқ.  
— Муҳсина, илиқлик буюму машинада эмас, илиқлик қуёш нурида, жоним. Менинг уйларим тўла қуёш бўлади! Қуёш ва ҳаво! Келажак уйлари бу! Уларда одамни муте қилиб қўядиган эмас, одамга хизмат қиладиган ихчам ва қулай жиҳозларгина қолади. Одат бўлиб кетган нарсалардан воз кеча билиш керак. Биз ҳаммамиз негадир оёғимиздаги кишанларни яхши кўрамиз...

— Уйга фақат ухлагани келадиган одамлар бориб-бориб оилани ҳам, хусусий ҳаётни ҳам, ҳис-туйғуларни ҳам кишанга чиқаришмасмикин?..

Марат ўрнидан туриб, қизга яқинроқ келди.

— Жонгинам,— деди аста Муҳсинани доим таслим этадиган қуюқ, ширали овоз билан. Муҳсина ҳам ўрнидан турди.— Сизга аталган ҳис-туйғуларим кишан бўладиган бўлса, мен уларни бир умр судраб юришга тайёрман. Лекин... Сизга бир умрлик муҳаббат ваъда қилган кишига бу гапингиз... ўринли эмас. Ҳис-туйғу эса...— у қизни бағрига тортиб, сочлари билан бўйинларини қитиқлади, лаблари билан ёноқларини, лабларини қидирди. Муҳсина бошини эгиб, аста унинг кўксига қўйди. Шу ҳолатда анча турдилар. Қиз сочларининг атридан меҳри товланган Марат шундай куни азиз меҳмони билан «ўринсиз мавзуда ўринсиз гап» очганига узр сўради.

— Гап унда эмас, сиз лойиҳангизни бари бир ҳар қаерда ҳимоя қилишингиз керак...— деди Муҳсина.— Аксинча, мен сизга қўпол гапирдим, кечирасиз. Лекин ҳалигиндай лойиҳаларингиз менга тушса, олмайман, бошқа қизлар кўчирсин,— у бошини кўтариб кулиб қаради.— Мени кузатиб қўясизми?

Икки кундан кейин чизма залининг жимжит йўлагида телефон жириқлади.

— Муҳсина!— деб қичқирди навбатчи аёл.

Чизмачи қизларнинг ҳаммаси бирдан қайрилиб қаради: эрталабдан Муҳсинани ҳеч ким телефонга чақирмас эди. Нима гап? Муҳсинанинг ўзи ҳам ҳайрон — Марат унга фақат ишдан кейин телефон қилар, «Соғинишни ҳам сира биласизми?», «Кечқурун нима ишлар қиласиз?», «Кузатиб қўядиган борми?» каби ҳазил-ҳузул билан ҳолаҳвол сўраб қўяр эди. Бу эрталабки қўнғироқни ким қилди экан?

Маратнинг овозини дарров таний олмади. Овози қандайдир бошқача, нотаниш туюлди. Гўё жуда узоқдан гапираётгандек.

— Нима гап? Институтдан гапиряпсизми?— Муҳсинанинг кўнглига негадир «лойиҳасига бир нима бўлган», деган фикр келиб кетди. Марат ишхонасига бундай барвақт келмасди.— Тинчликми?

— Тинчлик. Қишлоққа бориб келишим керак. Мирзачўлга!— деди Марат яна узоқлардан қичқиргандай.— Аям чақиртирибдилар, тоблари йўқ экан.— Марат фарғонача одатга кўра, онасини «ая» дер эди.

— Нима бўлибди?

— Қаттиқроқ ётганмишлар, бормасам бўлмайди.

Орада анчагача жимлик давом этди.

— Менга қаранг, Марат ака, мен ҳам сиз билан бораман,— деди Муҳсина.— Қачон кетасиз?

— Йўғ-е, мен тезда қайтаман, биласиз-ку, комиссия ишляпти, мен шу ерда бўлмасам бўлмайди.

— Йўқ, мен бораман.

— Жинни бўлманг, ишдан ким жавоб беради сизга, ундан кейин...

— Сиз ўрингизда бўлинг, мен ҳозир етиб бораман, телефонда битмайдиганга ўхшайди.

У телефон дастасини қўйди-ю, чизма залидаги синчков дугоналарини ҳайратда қолдириб, зумда сумкасини қўлтиқлаганча югуриб чиқиб кетди.



Лойиҳачилик институти шундоққина муюлишда эди. Муҳсина кўчага ҳам чиқмай, ҳовлини кесиб ўтиб, хизматчилар юрадиган йўлакдан кирди-да, зинадан учинчи қаватга югуриб чиқди. Қизил пойандоз тўшалган коридорлар бўм-бўш, илмий ходимлар ишга кечроқ келишадди, Маратнинг эшиги эса очиқ. У Муҳсинани оёқ товушидан таниб, пешвоз чиқди. Безовта ва паришонроқ кўринади. Муҳсина уни сочи таралмаган, галстуксиз, бундай «хонаки» ҳолатда илгари учратмаган эди. Шунгами ўзини йўқотган ёш йигитчадай кўришиб кетди унинг кўзига.

— Нима гап?— деди Муҳсина ҳам ташвиш билан.

— Билмадим... лекин сиз «бораман»ингизни қўйинг, мен тезда қайтаман.

— Тезда қайтолмасангиз-чи?

— Мен бугун кетаман, соат иккидаги экспрессда, сиз эса ишда-сиз.

— Мен ҳозир бориб ўз ҳисобимдан жавоб оламан, бир ҳафта етадими?

— Бу ортиқча ташвиш кимга керак, Муҳсина?

— Баҳонада мени оингизга кўрсатасиз, ёқсам тузалиб кетадилар.

Маратнинг ўнғайсиз ҳолатда кулиб юборишига сал қолди, лекин қараса — қиз жуда ҳам жиддий гапиряпти.

— Сиз албатта ёқасиз, Муҳсина.

— Бўпти-да, ана шунда тузалиб кетадилар.

— Бироқ «кўрсатгани» олиб бориш... Буюмни кўрсатадилар...

— Майли, мен буюм бўлай, мол бўлай... Қани, бундай ўтирингчи,— деди Муҳсина ўзи юмшоқ креслога чўкиб.— Архитекторнинг шундай чиройли кабинетига тикка туриб гаплашмайлик. Келини куёвнинг онаси, албатта, кўриши керак. Бу азалий удум, Марат ака.

— Ҳа, кўҳна урф. Лекин энди зарур эканми? Эски вақтда зарур эди: хонадон бир, қозон-товоқ бир, тирикчилик бирга. Энди-чи, сиз билан мен бирга яшаймиз, шуниси муҳим.

— Бир хонадонда яшамасак ҳам, бегона бўлмаймиз-ку. Ота-она боласини умид билан, азоб билан катта қилади. Оқибатда эса бегонадай... Ўзингизни ота ўрнига қўйиб кўринг.

— Менинг онам ёлғиз, биласиз...

— Демак, у киши сизга ҳам ота, ҳам она. Шундай бўлгандан кейин...

— Очиғи, ўша сиз айтгандай, «олдиндан кўриниш берганлар»ни ҳам биламиз. Ҳамма гап ёшларнинг ўзига боғлиқ, қанча мустақил бўлсалар, иш шунча пишиқ бўлади қайтага. Ота-онага боғлиқ эканми? Олтмиш фоиз ажрашганлар қайнона-келин жанжали туфайли. Ўзингиз ҳам айтган эдингиз, ҳов чизмачи дугонангиз... Умидамиди?.. Эри «Ё онагни дейсан, ё мени» деб, кеткизворган экан-ку. Кўриниш берган билан, баъзилар бари бир бегонадан баттар бўлади.

— Менга қолса,— деди Муҳсина ўйчанлик билан столнинг четини тирноқлаб,— менга қолса, қайнонасига рўйхуш бермаган келин ўз онасига ҳам муносиб эмас.

Марат бу босиқ гапга дарров жавоб қайтаролмай, қизнинг қўлини кафтига олиб, ўйлаб қолди.

— Ҳарҳолда...— деди кейин у,— муҳаббат, тотувлик аввало икки севишганнинг ўртасида бўладиган гап. Учинчи киши ким бўлса ҳам бегона.

— Биз она ҳақида гапиряпмиз, Марат ака. Мени бормагин деяпсиз... Шуми?

— Жуда ҳам шарт бўлса...

— Мана, меникилар билан танишмиз,— дея севиниб, юмшаб давом этди Муҳсина.— Қандай яхши. Уларнинг юзидаги ишончини, мамнунликни кўрдингиз. Доим бахт-саодат тилашади, ҳар кўрганда қу-

вониб дуо қилишади. Оқ фотиҳа бердилар. Бунда қандайдир эзгулик бор.

— Наҳотки дуога ишонсангиз?— деб кулди Марат.— Дуою фотиҳа билан бахтли бўладиган бўлса — оҳ-ҳо!

— Тўғри, балки бунга боғлиқ эмасдир-ку, лекин ҳарҳолда, кўн-гил...

Маратни ҳамиша тўлқинлантирадиган бу овоз қандайдир сирли уни доим мана шундай муросага келтирар эди. Йигит бир талпиниб ўрнидан турди-ю, лекин қизни қучишдан ўзини тийди, ҳар қалай хонаси эмас.

— Вой соддагинам-эй,— деди қизнинг тубсиз чашмадағи сёҳрли кўзларига қараб,— майли, боринг, отланақолинг, кетамиз.

Қиз очилиб, чеҳраси чарақлаб кетди, чўлп этиб Маратнинг юзидан ўпиб, эшикка отилди.

Эшик кесакисига суяниб қолган Марат шивирлар эди:

— Шириним...

Совхоз шаҳарчасининг клуб майдонидан кириладиган боши берк кўчадаги кўк эшикни Марат узоқдан таниди. Дарвозахонада уларни қизил «Запорожец»нинг сиртини артаётган кенг ёноқли хипча йигит қувонч билан кутиб олди.

— Марат ака!— деб қичқирди у қўлидаги мойли латгани ташлаб қулоч ёзаркан.— Ҳой, ким бор? Марат ака! Марат акам келиб қолдилар! Ҳой...— акасининг ёнида нотаниш қизни кўриб, босиққина саломлашди-да, ёш боладай қизариб, меҳмоннинг костюмига доғ юқтирмадимми, дегандай бир оз ёсанкираб тургач, яна «Ҳой!» деб қичқирганча ҳовли томон югурди. Марат уни:

— Латиф, Латиф, менга қара!— деб чақирса ҳам, йигитча буни эшитмади.

Ҳовли жуда кенг, саришта, боғдай серсоя, обод эди. Кўча томонда баланд пойдеворга қурилган айвонли уйдан ташқари, ўнг қўлда ҳам қатор эшиклар, ундан нари — омбор, ўчоқбоши, қазноқ, кўмирхона, оғил. Этакда эса яна кичкина ойнабанд айвонли безатиғлик янги уй. Уртадаги катта сўри атрофига гулу райҳон экилган, ариқ бўйларида қовжираб тўкилган олма гули ер билан битта бўлиб ётибди. Муҳсина қошларини чимириб тикилиб қолди: бу жойлар азал-азалдан бордай, қадимий қишлоқ ҳовлиларига ўхшайди, Мирзачўлда бундай катта, тегли хонадонлар қачон пайдо бўлиб улгурди?

Бироқ ҳовлида ғалати жимлик ҳукмрон эди. Латифнинг қувончли сурони ҳам унча кор қилмади шекилли, ҳеч ким ичкаридан отилиб чиқмади. Муҳсина хижолатда тугунчасини қаёққа қўйишини билмай, нуқул ўзини Маратнинг панасига оларди. Йўл бўйи «Унинг яқинларига қандай кўринаман, нима дейман, ўзимни қандай тутишим керак?» деган ўйлар билан бўлиб, борадиган ҳовлисидо оғир касал борлигини хаёлидан чиқараёзган экан. Ҳозирги жимлик ўйлаган ўйларини аллақаёққа учуриб юборди.

Гиштин йўлкада Марат бирдан «Тоға!» дея олдинга интилди. Сўри томондан чаккаларига оқ тушган, чақмоқ мўйловли, кўйлак устидан энли камар тортиб, эски этик кийган, чап қўли протезли, лекин ирғайдек чайир, бақувват одам чиқиб келди. Марат билан босиққина қучоқлашиб, ёнидаги зебо қиз билан аста бош эгиб омонлашди-да, ичкарига бошлади.

— Қани, қани, зап келибсизлар-да. Савоб иш бўлибди келганингиз, Маратвой. Аячам йўқламайдилар-у, аммо кўз тикканларини сезамиз. Қани, қизим, дадилроқ босаверинг.

Улар қозикчаларга боғлаб кўтарилган эртаги помидор жўякларини бўйлаб бориб, насосли қудуқ ёнида тўхтадилар. Тоға насос дастасини босиб, шариллатиб сув тортди. Елкасига гулдор сочиқ ташлаб, айвондан тушган юм-юмалоқ, семиз аёл, тоғанинг хотини, ёшларининг кифтига қоқиб, қувониб омонлашди.

— Ёшариб кетибсиз, Файзинисо келинойи!— деди Марат, сал шўртакроқ артезиан сувини сачратиб ювинаркан. Унинг бу ҳазиломуз гапини унча қувватлашмади. Файзинисо келинойи ҳам ҳол-аҳвол сўраб, шаҳарларни жиндак суриштиргандан кейин, ўчоқ томонга ўтиб кетди.

Йўл чангини ювиб, артинишгач, тоға катта уйнинг айвони томонга йўл кўрсатди:

— Аввал аянгишнинг дуоларини олайлик.

Катта-катта деразалари айвон томонга қараган ёруғ хона жуда саришта (Файзинисо келинойи шу уйдан кечикиб чиқди), дераза яқинидаги каравотда ётган бемор ҳам хабардёр қилинган экан чоғи, боши оқ ёстиқлар билан кўтарилган, интизор кўзлари ёшланган эди. Девордаги қизил чамангул палак олдида оппоқ чойшаблар, онанинг оқ оралаган сочлари, кўпдан буён кун юзини кўрмаган рангпар чехраси, айниқса, янги келганларга оғир таъсир қилди. Марат беморнинг бошига бориб тиз чўкди, онанинг заиф қўлларини олиб юзига босди. Унинг ёнида тоға турарди, Файзинисо келинойи билан Мухсина — пойгакда. Улар она-боланинг кўришишига ҳурмат билдириб, курсиларга ҳам ўтирмай, узоқ жим қолдилар. Фарзанд нафасига қонган она бир манзилга етгандай, кўз юмиб ором олди, кейин ўглининг дийдорига тағин бир тикилиб, яна кўзини юмди.

— Баракалла, болам, келибсан, тан-жонинг омонми? Ўртоқларинг, ишинг... Шаҳар қураман деган эдинг, қурдингми?..

Марат маъюс кулимсиради-да, шаҳардаги ишларидан, тирикчилигидан қисқа гапириб, сўради:

— Аяжон, қаерингиз оғрияпти, юрагингизми?

— Кексалик, болам. Юрак оғримаса бошқаси оғрирди, биз, қарияларнинг иши шунақа, ҳечқиси йўқ... Ўзингдан гапир.

Мухсина Марат учун хижолат тортиб, қўрқиб, «Қасал бўлмасам келиб хабар ҳам олмайсан», дея ўпка-гина қилишини кутган эди. Йўқ, она ҳеч қандай ўпка-гина қилмади. Қайтага, уни деб одамлар келиб турганига, ҳатто узоқлардан ҳам кимдир йўқлаб келганига хижолат тортгандай, уйда тикка турганларга ожиз бир назар билан қаради.

— Айтгандай... ая,— Марат Мухсинанинг ёнига бориб, уни олдинроққа етаклади,— мана, Мухсина... институтимизнинг чизмакашлик корхонасида ишлайди. Биз... ЗАГСга ариза берганмиз.

Тоға билан Файзинисо келинойи бунинг шундай эканини ҳалиёқ тахминлашган эди. Она эса бу хабардан ҳаяжонланиб; бир оз қўрқитди: дард тутган пайтларидагидек кўзини юмаркан, қовоқлари баттар сарғайиб кўринди. Бирпасдан, кейингина дармонсиз қўлларини қиз томон чўзиб, интизор талпинди. Марат Мухсинани тўртди. Мухсина ҳам юбкасининг елпигичдай этакларини ёйиб, каравот олдида тиз чўкди-да, онага кифтини тутди, бўртиб турган иссиқ лабларини юзига тегизди. Онанинг унга тикилган кўзлари ёшга тўлди. Унинг юз-кўзи ҳам, товуши ҳам Маратникига шу қадар ўхшар эдики, Мухсинага худди эски қадрдондай туюлди.

— Бир-бирларингга ёққан бўлсанглар, мингдан-минг розиман, болам, кўша қаринглар... Бу кунларга етказганига шукр.

Бўлгуси келин тоға билан Файзинисо келинойига ҳам ёқди: қадди зебогина эмас, одобли, оқила ҳам экан. Унинг меҳр тафти билан беморга ҳам жиндек ранг югургандай бўлди, она ҳақиқатан ҳам бахтиёр эди, фақат қувончини изҳор этишга қурби етмасди. Ширин туйғулари билан ором олиб, анчагача жим ётди. Шундан кейингина, соғ вақтларидагидек, анча тетик товушда:

— Файзинисо, меҳмонларга қозон осдингизми, ўзингиз қаранг уларга, яхши дам олишсин...— дея, ҳаммага жавоб берди. Охирроқда қолган тоға унинг кўрпасини тузатаркан, пастроқ овозда:

— Ана, энди опоқ бўлиб кетасиз, аяча, келин муборак, во!— дея,

соғ қўлининг бош бармоғини кўрсатиб, опасига солдатча шўхлик қилиб, чиқиб кетди.

Она чиндан ҳам кейинги вақтларда ҳеч қачон ўзини бундай енгил ҳис қилгани йўқ эди. Толиқдими, негадир, ёлғиз қолгиси келди. Ширин хаёлларнинг оппоқ парқув ёстиқларида сузиб кетаётгандай, роҳатдан бўшашиб, уйқуга кетди.

Ташқарида қоронғи тушган, дам еган ош ҳиди анқир эди. Учоқ-бошидан Латифнинг товуши келди:

— Чорпояга жой қила қолинг, дада.

Тоға сўри тепасидаги чироқни ёққанида маълум бўлдики, Файзинисо келиноий аллақачон сўрига янги кўрпачалар ташлаб, дастурхонни эртаги гилосу қулупнайлар билан чўғдай қилиб ясаиб қўйган экан. «Беташвиш пайтлар бўлганда, роса очилиб чаққақлашадиган оқшом эди-ю, ҳозир... Афсус, ўшандай пайтларнинг қадрига етмай-миз». Марат болалигини, дадаси барҳаёт йилларни эслади. Армиядан янги қайтган тоғаси шўх, ҳали хипчагина келинчак Файзинисонинг қўлида Латиф, рўзгорни измига олган «аяча» ошни ҳамиша ҳафсала билан ўзи дамлар, эркаклар ночоргина ҳовлидаги мана шу сўрида «қиттак-қиттак» қилишиб, ширин гурунглар ярим кечагача чўзилар эди. Энди у пайтлар қайтиб келмайди. Хонадоннинг оғирини енгил қилиб турган аяжони бу аҳволда... Ҳовлининг файзи қочгандай, нимадир етишмай турибди...

Латифнинг катта лаганда кўтариб келган зарчували оши сўрида буғланиб анча турди, эркаклар руҳсизгина бир-бирларини қистаб чиқиб ўтиришгандан кейин ҳам Латифнинг овозидан бўлак сас чиқмади. Латиф «меҳмон опа»сини дастурхонга қистар эди. Файзинисо келиноий ичкаридан чиқмагани учун, Муҳсина даврага қовушолмайроқ турди. Кейин эса:

— Мен... ичкарига кирай,— деб илтимос қилди. Вазминлиги ёқиб қолган бемор она кўз ўнгидан кетмас эди.

— Ҳозир ухлайптилар, нима қиласиз...— деб Марат эътироз билдирган эди, тоға қиз боланинг кўнглини тушунди:

— Уйқулари қуш уйқу. Кириб, майли, келиноийнингиз ўша ерда, кира қолинг сиз ҳам, қизим.

Уларга ошни ичкарига беришди.

Сўрида эса гурунг ўнча юришмай, ош ҳам совиб, ахир, гап бари бир ўша кутилган кўнгилсиз мавзуга бориб тақалди.

— Докторлар нима деяпти?— сўради Марат.

Тоға негадир индамади. Латиф шунча қувониб дамлаган оши увол бўлаётганига алам қилиб, ўртадаги товоқ билан овора эди, дам гўштини тўғрайди, дам устихонни ликопчага олиб, меҳмон томон суради.

— Қасалхонага ётсалар, балки тезроқ тузалар эдилар,— деди яна Марат. Унга овқат татимади. Онасини бу қадар ночор алфозда, деб ўйламаган эди, гарангсibroқ қолди.

— Ётдилар... узоқ ётдилар қасалхонада,— деди тоға.— Қасалхонамиз яхши, янги, ёруғ. Аммо зерикдилар, уйга олиб кетинг, деб туриб олдилар.

— Докторлар...

— Докторлар ҳам кўнишди.

— Нимага?

— Уйда даволанишларига.

— Вақти-вақти билан яна ётқизилса... врачлар назоратида, ҳар-тугул...

— Кўп у ёқ-бу ёққа уринтириб юришнинг хосияти йўқ экан, юрак...

Маратнинг назарида тоға ниманидир яширяпти, ниманидир биллади-ю, очиқ айтгиси йўқ, индамайди, гапни айлантиради.

— Улар нима дейишяпти, ахир?— яна сўради Марат.

Тоға, бу саволга нукул чап бераётгани ўзига ҳам аён бўлиб қол-  
гач:

— Улар... улар ҳеч нима дейишмаяпти, — деди. Оҳангига қараб,  
бу жавобнинг маъноси чуқурроқ эканини пайқаш мумкин эди. — Эр-  
какча гап мана шу, жиян. Ноумид шайтон, умид билан яшаб туриб-  
миз. Қани, ошга қаранг.

Улар онда-сонда ошга қўл узатиб, сўниқкина суҳбатлашишаркан,  
кўнгилсиз мавзудан четга чиқишга уринишар, лекин нима ҳақда гап  
бошласалар, гаплари қовушмай, гурунг яна тўхтаб қолар, тунги суку-  
нат Маратга аллақандай ёт туюлар, тенадаги катта чироқнинг зирил-  
лаши юрагини сиқар эди. Қон-қардошларнинг айтгани гап тополмай,  
бир-бирларига тикилиб ўтириши ўзларига ҳам ноқулай, турган-битган-  
ни азоб эди. Латиф тоқатсизланиб, туриб, чой дамлаб келди. Чойдан  
кейин сўридагилар шу ернинг ўзига жой қилиб, ётиб қолишди, ичка-  
ридагилар — ичкарида. Кечаси билан гап ҳам бўлгани йўқ, эҳтимол —  
уйқу ҳам...

Эрталаб Марат юз-қўлини чайибоқ, онасининг олдига шошди.  
Аёллар ухлашмаган шекилли, худди кечагидай гурунглашиб ўтири-  
шар, беморнинг чеҳраси тиқиқ, ланг очиқ деразадан айвон устунига  
осилган тўрқовоқдаги бедананинг питпилдиги эшитилар эди.

— Кел, айланай болам, яхши дам олдингми? — деди онаси  
тетик овоз билан.

— Қуллуқ. Ўзингиз тузукмисиз, ая? — Марат каравот ёнидаги кур-  
сига ўтирди. Файзинисо: «Вой ўлай, кун кўтарилиб қолибди, тоған-  
гизни ишга кузатиб қўяй», деб шошиб чиқиб кетди.

— Хўп яхши гаплашиб ўтирдик, болам, меҳмон қизимга уйқу  
бермадим-у, жуда ёзилдим аммо, — деди она андижон шевасида, — се-  
нинг ҳам қулоғинг зап қизигандир.

Марат билан Муҳсинанинг кўзлари тўқнашди; йигитнинг қараши-  
даги илиқ миннатдорликни пайқаган қиз кўзларини аста ерга тикди.

— Сени шу кеча жуда соғиндим, болам. Илгарилари ундай эмас-  
дим... Оқшом кўрдим-у, келватинг кечаси билан кўз ўнгимда турди...  
Мана, Муҳсина қизим ишларингни қувониб гапириб берди, ниятла-  
рингни энди тушуняпман, болам...

— Кўп гапиряпсиз, аяжон, чарчаб қолманг тагин, — деди Муҳси-  
на ораларига райҳон қистирилган ёстиқларни тузатиб.

— «Аяжон» деган тилларингга жоним тасаддиқ... — деди она унинг  
қўлини ушлаб. — Қизим менга жуда маъқул бўлди, айланай болам,  
худоё бахтларингни тугал берсин.

— Ая, чиндан ҳам сиз бугун кўпроқ гапиряпсиз, дорингизни ич-  
дингизми? — деди Марат гапга чап бермоқчи бўлиб.

— Сизларнинг бахт-толеингизни кўриш бизга энг яхши дори,  
болам. Мана, келдинглар, туппа-тузук бўлиб қолдим. Энди анави Ла-  
тифнинг ҳам иши бир ёқлик бўлса эди... Файзинисо ҳам ичига ютиб  
юрибди-ю, куйиб адо бўлди шўрлик.

— Латиф? Латифга нима бўлган?

— Сизларга айтишмабди-да, бундан чиқди... — деди бемор кўзини  
четга олиб. Бир оз нафас ростлади. — Нима бўлганини ўзим ҳам  
билмайман. Кичкина тўй қилиб, уйлаб қўйган эдик.

— Латифни-я? Қачон? — ҳайрон бўлди Марат.

— Тўрт ой бўлди. Ўзи хоҳлаб олган эди...

— Хўш?

— Кеткизворди. Эртасигаёқ...

— Нимага, ахир? Ёмон қиз эканми?

— Лоладеккина қиз эди, анави пастдаги янги совхоздан.

— О Латифи тушмагур-э, индамайди-я! Тўйга айтмагани майли,  
кечадан бери индамагани-чи, вой писмиқ! — деб сонига урди Марат.

— Бизларга ҳам гапирмайди. Бир кунда айниди-қўйди, вассалом!  
Бу қанақаси, болам, ўзинг бир акалик қилиб, қўйнига қўл солиб кўр.

балки сенинг маслаҳатингга кўнар, йўл топарсизлар, бош кўтаролмай қолдик-ку!

— Бизнинг жиян шунақа сирли шахс денг ҳали! — Марат кулди. — О, писмиг-ей! Албатта, гаплашиш керак. Сиз бу аҳволда бўлсангиз. Айтгандай, отаси-чи, тоғам?

— Отаси аскар. Гапирганга шартта жавобини бериб кетаверади. Келин туширган биз — хотин-халажга қийин. Гаплаш, болам, уканг бўлади, йўлга сол...

— Ҳаммаси жойида бўлади, ташвиш тортманг, — деди Марат қўлларини бир-бирига ишқалаб ўрнидан тураркан.

У онанинг топширигини бажариб, кўнглини тинчйтиш учун астойдил бел боғлади. Лекин Латиф ҳали далада эди. Марат ҳовлида айланиб юрди, бетоқат бўлди, зерикди. Муҳсина беморни ухлатиб чиққанида унга Марат гап қотди:

— Кўрдингизми! Булар ҳам бир ойлик синовдан ўтишган, албатта. Лекин оқибат... — қўлларини ёйди у. — Севдим дедингми, бир-бирингни ҳурмат қил. У ҳам шахс, бу ҳам шахс. Ҳайдавориши нимаси?

— Сабабини билиш керак, Марат ака, унгача бир нима дейиш...

— Сабаби! Сабаби — қишлоқчилик-да!

Бу вақт Латифнинг ўзи келиб қолди. У «Запорожец»ни дарвозахонага киргизиб, устини ёпди-да, илжайиб кириб келди. Ақасини кўрган заҳоти бир нимани сизди шекилли, юзида кулгиси қотиб бирпас тургач, ошхона томон ўтмоқчи бўлди.

— Қани, буёққа юринг-чи, тракторчи! — деди Марат ҳовли этагидаги янги уй томонни кўрсатиб.

— Овқатимни еб олай.

— Овқатни кейин қиласиз.

Латиф ноилож эргашди. Улар келин-куёвнинг ясатиғлик уйига олдинма-кетин кириб кетдилар.

Муҳсина хавотир олиб, берироқдаги ўрик соясида ўша эшикка тикилганча, туриб қолди. Марат Латифдан олти ёшча қатта, тергаса ҳаққи бор, албатта. Лекин важоҳати бир хил бўлиб кириб кетди, бу нозик ишда қош қўяман деб, кўз чиқариб қўймаса бўлгани.

Ака-уканинг «музокара»си анча чўзилди. Лекин ичкаридан адибади товуш эшитилмади, хайрият. Ётиғи билан гаплашиб, мурасага келишсин, ишқилиб.

Муҳсина шундай деб турганида, эшик бирдан тарақлаб очилиб, Марат чиқиб келди. У қизариб кетган, сочларини панжаси билан асабий тароқлар, ўзининг одатдаги зиёли қиёфасига ярашмаган товuşда қичқирар эди:

— Тракторчи эмиш тағин! Механизатор! Аравакаш экансан, механизатор эмас!

— Ака, ахир... — деб гап қотмоқчи бўларди унинг кетидан оплоқ оқариб чиқиб келган Латиф. Лекин Марат унга гап бермади:

— Тағин ўзини оқлайди бу! Йигирмага кириб-кирмай ота-боболарнинг алмисоқдан қолган бидъатини қаёқдан юқтирақолдинг? А? Менга қара...

— Ота-боболарнинг айби йўқ... Нима қилса яхши бўлсин, деб қилган.

— Менга қара, қайси замонда яшаб турибсан ўзи, шуни биласанми?

— Замона яхши, қизлар унга муносиб бўлишлари керак, — Латиф журъатсизроқ бўлса ҳам, босиқ овозда жавобини қайтариб турарди.

— Бундай ашаддий қолоқ тушунчали сендек нодонга хотин ҳайф! Бир каминг қиз чиқмади деб, шўринг қурғурни кўча-кўйда сазойи қилиш қолганмиди?

— Ака, ахир, мана ўзингизни қўйиб кўринг менинг ўрнимга... — Латиф шундай деди-ю, сал нарида турган Муҳсинанинг кўзига кўзи тушиб, бирдан чўчигандай тўхтаб қолди. Бир дам ғалати қараб туриб.

бехосдан юзини ёлқин ямлагандай, кўзини енги билан тўсиб, йиғлаганча шартта орқасига қайрилиб уйга кириб кетди.

Марат Муҳсинанинг ҳаяжондан нурланиб, яна ҳам чиройли бўлиб кетган кўзларига қаради-ю, бош эгди.

— Нима қилиб қўйдингиз, Марат ака?..— деб унга яқинлашди Муҳсина.— Кўрмаяпсизми, изтиробни ўз бошидан ошиб ётибди. Ич этини еб, билдирмай юрган, яхши кўради қайлигини... Сиз бўлсангиз, «ўлганнинг устига тепган» қилиб...

Муҳсина Латиф кириб кетган эшикни тақиллатди, аста очиб ичкарига қадам қўйди.

Бу маҳал тоға ишдан қайтиб, узоқдан Маратга бир оз кўз солиб турди-ю, дарвозахонада дук-дук этиб этиқларининг чангини қоқди. Кейин насосли қудуқдан сув тортиб, соғ қўли билан юзини чайаркан:

— Нима гап?— деб сўради. У бўлиб ўтган шовқиндан нима гап эканини пайқаган эди.

— Ҳеч гап йўқ. Латиф билан жиндек гурунглашиб олдик...— деди Марат.

— Хўш?

— Ҳайронман, сиз ота бўлиб, нега индамай юрибсиз? Шундай ашаддий бидъатга йўл қўйиб...

Тоға қора чарм қўлқоп кийган протезли қўли билан сочиқни олма шохига иларкан, Маратга чимирилиб қараб қўйди.

— Аянғиз тузукмилар?

— У кишининг ётиб қолишига ҳам сабаб бўлганга ўхшайди бу боланинг нодонлиги.

Тоға секин бориб сўрига чиқди, сочиқ бостириб қўйилган чойнакни ёнига олиб, чой қайтарди. Марат ҳам келиб кўрпачанинг четига омонат ўтирди.

— Ундан чиқди, бизнинг авра-астаримизни роса ағдарибсиз-да, «қишлоқилар», у-бу, деб...— салмоқлаб гапирди тоға.— Латифни уришмадим эмас, уришдим ҳам, ўгитладим ҳам. Лекин... Менга қолса, бола тўғри қилган.

— Ана холос! Сиздек жаҳонгашта солдат, Европагача кўриб келган одам-а?

— Биз Европага ҳар хил модаларни кўргани бормаганмиз, жиян. Мана, чой ичинг,— тоға унга пиёла узатди.

— Қанақа мода?

— Мода эмиш-ку, ҳозир... ўрта мактабдаёқ...— тоға сўз тополмай қийналиб қолди.— Унингчи синфгача иффатини сақлаб юриш қоқоқлик, маданиятсизлик ҳисобланармиш.

— Ифвогарларнинг гапи... Сизга ярашмайди.

— Бўлса бордир. Лекин сиз ҳимоя қилаётган «замонавий» келинимиз ўқишни энди битирган эди.

— Ана, кўрдингизми, ёш! Алданган бўлиши мумкин.

— Латиф уни алдангани учун эмас, алдагани учун жазолаяпти.

— ...Бу қадар шафқатсизликни унга сиз ҳам эп кўрибсиз-да?

— Шафқатсизлик... Ота-боболаримиз бунинг учун қизларни тошбўрон қилишган. Мен буни маъқулламайман, албатта, лекин номусни шу қадар баланд қўйишларини маъқуллайман. Ор-номусни ёшлиқдан ардоқлаган ота-боболаримиз. Эплаганча ардоқлаган. Сиз Европани гапирдингиз. Тўғри, кўрдик. Европа ҳам ҳар хил экан. «Озод севги» деган чиркинликларни ҳам эшитганмиз. Лекин ҳар бир юртнинг ўз ахлоқи, ақидаси бор, жиян. Биз ота-боболарнинг яхши удумларини ҳурмат қиламиз. Бунинг устига, муҳаббатни улуғлайдиган катта-кичик, эски-янги китоблар бор, ўқигансиз. Биз унча кўп ўқиёлмади-гу, лекин турмушда, урушда бунинг нима эканини билдик. Эзгу, ўтли туйғу. Қизлик иффати ҳам ана шу эзгуликка кирмайдими? Виждон, имон ҳаётда ёш қизлар учун шундан бошланмайдими?

— ...Энди... шундай бўлиб қолган бўлса-чи, нима қилиш керак? Бир умрга шарманда қилиш шартми?

— Бу гапингиз қалтис, жиян. Уни ҳар томонга бурса бўлади. Мана, биз — яшириб кетсак, бошқа биров — кечириб кетса, сизга ўхшаган яна биров «нима бўпти?» деса... Бу ахлоқий иллатнинг ёппасига авж олишини қўллаб-қувватлашга биргина қадам қолади-ку?!

— Энди унинг ота-онасининг аҳволини ҳам кўз олдингизга келтиринг, тоға, Қудаларингиз, яна қишлоқ жойда...

— Шаҳарми, қишлоқми — ахлоқ бир. Ота-она эса шунчаки сўз эмас. Унинг масъулияти бор. Яъни жавобини ҳам беришга тўғри келади. Севги дегани кучли нарса, унинг қасоси ҳам ўзига яраша-да. Биз нима қилайлик?

— Латиф... яхши кўрар экан шекилли, орада сиз айтган ўша эзгу ўт — муҳаббат ҳам қирбон бўлиб кетяпти.

— Яхши кўрса — бориб олиб келади. Беш болали хотинга ишқи тушганлар ҳам бор. Севса олаверсин. Мен сиз ўйлагандай тақводорлардан эмасман. Гап ёшлик иффати, номус, ибо ҳақида кетяпти. Иффат — севгининг онаси. Ахлоқий нопоклик жазосиз қолмаслиги керак, мен шунни биламан.

— Мен ҳам шунни биламанки, шахсий туйғулар — дахлсиз, тоға. Ҳозир баъзан буни «интим» дейдилар. Ҳар нарсани оммалаштириб, маҳрам ҳисларга қўпол аралашиб шахсга ҳурматсизлик бўлади. Ўтмишга эмас, келажакка қараш керак. Айниқса, хотин-қиз масаласида. Жазо, қасос деган гапларингиздан сарқитнинг ҳиди келади.

— Ҳай... тушунтиролмадим, — деди тоға бўшаган чойнак-пиёлани нари суриб. У ишдан келганида анча тетик эди, энди юзлари салқи, ҳорғин тус олди. Ажинларига оқшом сояси тушди. — Аммо менга ҳам сингмади гапларингиз, жиян. Ёшимиз ўтиб қолганга ўхшайди. Фақат ўша «интим»ларингиз ачиб кетмаса деб қўрқаман.

Шу пайт этакдаги янги уйдан Муҳсина чиқиб келди. У бояги ҳаяжонли ҳолатдан қутулган, юз ифодалари сокин, майин, ўзини босиб олган эди.

— Саломалайкум, тоға, яхши келдингизми?

— Қуллуқ, қизим, қани, чой ичинг.

Қиз раҳмат айтиб, айвон томон бормоқчи эди, Марат уни тўхтатди.

— Гаплашдингизми?

— Ҳа... — деди Муҳсина ўйланиб туриб. — У жуда баъмани йигит экан. — Қомати расо қиз шу май оқшомидай сеҳрли, сўлим қарашлари билан тоғани ҳам суқлантирди. — Сухбати ширин. Ун тўртта мамлакат филателистлари билан хатлашиб тураркан. Коллекциясини кўрсатди.

— Марка томоша қилдим денг ҳали? — кесатди Марат.

— Ҳа, — деб Муҳсина соддалик билан давом этди: — У сиз айтгандай... Нодон йигит эмас, Марат ака. Биласизми, жаҳон океанларида сизнинг исмингиз билан боғлиқ иккита кема сузиб юрибди экан... Маркаларда ўша кемаларни кўрдим. Қани, топинг-чи, у қанақа кемалар?

Йигит истехзоли жилмайиб, деди:

— Инқилобчи Жан Поль Марат номидаги кема...

— Иккинчиси-чи?

— Иккинчиси...

— Билмайсиз! Ана, Марат бўлсангиз ҳам билмайсиз. Жан Поль Маратнинг қотили номига қўйилган кема ҳам, афсуски, бор экан, — деди Муҳсина йигитни «мот» қилганига болаларча қувониб. Унинг дуркун қаддига ер остидан ҳавас билан қараб: «Наҳотки бу қиз ҳам ёшлар ахлоқи ҳақида Марат билан хамфикр бўлса?» деб ғалатироқ разм солиб турган тоға ҳам энди сал очилиб, жилмайиб қўйди.

— Ҳа энди, қотилни ҳам билиш шарт эмас, — деди Марат. Сўридан тушиб, қизни айвон томон бошлади. — Хўш, уни қўйинг-бунни қўйинг, Латиф масаласида аямга нима деймиз?

Улар ёнма-ён юриб, бемор ётган уйга кириб кетишди. «Ҳаммаси жойида бўлади, арзимаган гап экан», деб юпатишди. Лекин онанинг



кўнгли ҳамма нарсани сезиб, билиб турар, тасаллиллар шунчаки кўнгил учун эканини тушуниб ётар эди. Қирди-чиқди, яқин-йироқдан кўнгил сўраб келганлар, хастадан хабар олувчилар кўп, ҳаммаси тасалли учун бир гап айтади, лекин беморнинг аҳволи ўша-ўша. Одам киргандagina заъфарон қовоқларини аста очади, икки оғиз гапдан толиқиб қолади, кузги япроқдай узилишга шай бўлиб ётибди. Лекин у ҳамиша озода, сочлари таралган, рўмоли беғижим, юзи мрамардай соф, чойшабу болиш жилдлари сутдай оппоқ, рўмолчасигача дазмоллаб ёнига қўйилган. Файзинисо унинг табиятини билади: она ҳамиша шундай озода эди, ҳозир ҳам, гўё бир маърака тараддудини кўраётгандай, ўзи ҳам, ётган жойи ҳам саришта бўлишини истайди.

Бемор билан кундузлари кўпинча Муҳсина қолар эди. Унинг назарида, она бировларни кўп ташвишга солаётганидан хижил, «тезроқ омонатини олақолса», деяётгандай беҳаловат. Одамлар узоқлардан келиб кетишяпти. Мана бугун бешинчи кун, Марат ҳам ҳовлида бетоқат у ёқдан-бу ёққа юриб турибди. Одам узоқ кўришмаса бегоналашади шекилли, кирса гаплашгани гап тополмайди. Шунинг учун онаси ёнида узоқ ўтиролмайди ҳам: ҳадеб касаллик ҳақида гапириш, ҳадеб тасалли қидириш... Чиқиб ҳовлида юради.

Муҳсина уни баъзида беихтиёр кузатиб туради. Ана, юриб чарчади. Сўрига бориб ўтирди. Чекмас эди, ҳар замонда Латифнинг сигаретидан олиб тутатяпти ҳам. Зерикапти. Соатига қаради...

Муҳсина ғалати бўлиб кетди: нега соатига қарайди? Нимани кутяпти?

Унинг бетоқатлигини тушунса бўлади, албатта. Ахир, бир-икки кунга деб келган эди. Энди онани бу аҳволда ташлаб кетиб бўлмаса... Шаҳарда муҳим ишлари қолиб кетди. Лойиҳасини кўрикка топширган, комиссия нима қарорга келди? Тақдири ҳал бўладиган кунларда у ипсиз боғланиб бу ёқда юрибди. Бундоқ қараганда, унинг аҳволини тушунса бўлади.

Лекин... унинг соатига бетоқатлик билан бир қараб қўйиши ҳозир Муҳсинанинг кўнглига бир муз парчасини ташлагандек бўлди. Наҳотки...

Марат яна турди, қўлини орқасига қўйиб, гуллар орасидаги йўлкада тагин у ёқ-бу ёққа юра бошлади.

— Зерикапсизми, Маратжон?— деб сўради ошхона томонга лапанглаб ўтаётган Файзинисо.

— А? Йўғ-е...— деди Марат, бир тўхтади-ю, қаердалигини аниқламоқчи бўлгандай атрофга аланглаб, яна юра бошлади. Муҳсина зўр бериб хаёлидан қуваётган фикр яна муздек бўлиб, юрагини увиштирди: кутяпти, тезроқ бир ёқли бўлишини...

Муҳсина пешонасини совуқ деворга тираб, юрагининг хунук «гуп-гуп»ига қулоқ солиб турди. Беихтиёр югуриб, бемор ёнига кирди. Она оқ чойшаб, оқ ёстиқларга кўмилгандай, кўзини юмганча, юпқагина бўлиб ётар, унинг заиф юраги ором олар эди. Муҳсина эса хонадондаги жимликни бутун вужуди билан сезиб, яна ўз юрагининг «гуп-гуп»ини эшитди-ю, бир нимадан қўрққандай югуриб чиқиб, Маратнинг ёнига борди. Марат қайрилиб унга қаради. Қиз ўзича унинг бир хабар кутаётганини кўзидан тахминладими, яна даҳшатга тушди.

— Нима гап, Муҳсина?

Унинг овози илгаригидек таниш, қадрдон эди. Аллақандай совуқликни кутган Муҳсина ўзига келди. Кўнгли ҳар галгидай меҳр ҳисси билан илиди.

Марат ҳақида ёмон хаёлга борганига ўзи ҳам хижолат. Онасининг тузалиб кетишини кутади-да. Кутмай қаёққа боради? Қолаверса, шундай бекорчиликда вақт ўтказишнинг ўзи ҳам бир нимани кутишга ўхшайди. Маратга ҳам осон эмас. Бу азобларнинг охири борми, деб ҳар ким ҳам ўйлайди, ахир. Лекин... шундай бўлса ҳам, «бир нимани кутиш...» Ҳозирги вазиятда мана шунинг ўзи... Нима қилиш керак бўлмаса?

— Ҳеч гап йўқ, ухляптилар...— деди Муҳсина. Лекин ўзининг товушида қандайдир бегона бир оҳангни бари бир пайқади-ю, яна таъкидлаб қўйди:— Яхши, чамамда, анча яхшилар.

Бу ясамароқ чиқди. Умуман, қиз сездики, уларнинг муомалаларида биринчи марта аллақандай сунъийлик қалқиб қўйди: ўйлаганларини бир-бирларига тўла айтмаптилар. Маратнинг бугун, айниқса, руҳи сўник. Нега? Онанинг бу аҳволигами ёки ўз режаларининг бузилганигами? Муҳсина Марат ҳақида бу хилдаги қутсиз саволни ҳеч қачон кўнглига келтирган эмас эди.

Эртасига улар беморнинг олдида узоқ ўтирдилар. Уларга қараб онанинг нурсиз кўзлари бир оз жонланар, боласининг бахтини кўриб тўймас эди.

— Шу ярашган қадди-қоматларингни даданг раҳматлик кўролмадилар...— деди товуши товланиб...— Бугун гира-шира саҳар палласи тушимгами, ўнгимгами келиб, кўриниш бердилар, чорлайптилар чамамда...

— Ая!— деди Марат бир қалқиниб, норози оҳангда.— Қўйинг, қаёқдаги гапларни...

— Хўп, болам. Лекигин, бари бир ўлимни алдаб бўлмас экан,— деди она чўзинчоқ юзини Муҳсина томон буриб. Очиқчасига, соддалик билан гап бошлади.— Бу ерларга янги кўчиб келган пайтларимиз қазо қилганлар. Баданларида иккита темир парчаси билан қайтган эдилар урушдан. Қамнишзорни қуритамиз деб, кузни куни созликда сув кечиб...— ўша кунларнинг оғир хотираси бутун вужудини совутиб, она анчагача гапини давом эттиролмади...— Уч кун ётдилар, холос. Атрофда уч-тўрт қапаю ертўла, қамишу шўр шамолдан бўлак нарса йўқ... Бу ерларга ҳали меҳнатимиз сингмаган, теримиз томмаган. Қабристон тугул, биронта дўмпайган гўр ҳам йўқ. Бегона жойда қолдиргимиз келмади... Туғилган қишлоғимизга олиб кетдик. Ўша ерда ётибдилар...

— Ая... бошқа гаплардан гаплашайлик,— деди яна Марат. У бошқа мавзуга ўтишни чин кўнгилдан хоҳлар, лекин ўзи тузукроқ мавзу ҳам, гап ҳам тополмас эди.— Мана, тузалиб кетганингиздан кейин, биз...

— Муҳсина қизимнинг кўнглини оғритма, болам, ҳеч қачон, нима бўлсанглар ҳам... Мана мен нима учун дадангни эслаяпман? У киши кўнглимга чироғ ёқиб кетганлар. Бошлаган ишлари чала қолмади, бу жойларни обод қилдик. У кишига шуни айтиб, димоғларини чоғ қилишни керак. Мени дадангнинг ёнларига...

— Ая... деб Марат ўрнидан туриб кетди.

Бемор ҳақиқатан ҳам «икки дунё» оралиғидаги ўз олаmidан чиқолмай қолган, унинг гаплари ростга ҳам, иситма пайтидаги алаҳлашларга ҳам ўхшар эди. Муҳсина ҳам ўрнидан туриб, унинг ёстиқларини тузатиб, кўрпа қатидан тушиб ётган сўлғин, лекин хушбўй райҳон шохчаларини жой-жойига қистирган бўлди.

— Аяжон, бунақа гапни қўйинг дедим-ку,— Марат яна ўтириб, ёлворган товуш билан онасини ёш боладай юпата бошлади.— тезроқ тузалинг, сизни шаҳарга олиб кетамиз, тўйни сизсиз ўтказмаймиз...

Муҳсина сесканиб кетди. Бундай пайтда тасалли берилади, тасаллилар кўпинча ёлғонга ҳам ўхшайди-ю, лекин бу гал онанинг вазиятнома сўзини бўлиб айтилган бу гап жуда ҳам ясама, совуқ туюлди унга. Ўз тўйи ҳақидаги гап бундай ёқимсиз эшитилишини ким хаёлига келтиради, дейсиз.

Лекин бу оғир ҳолатни ҳам яна онанинг ўзи юмшатди.

— Тўй дегандек... қизим, шу сандиқни оқинг-а,— она тахмон ёнидаги ёски сандиқни кўрсатди.— Энг тагида, бурчакда бир қутича бор...

Муҳсина сандиқ устидаги самовар билан патнисни четга олиб, қопқоғини очди.

— Энг тагида, болам.

Муҳсина ялпиз, атирсовун ҳиди келиб турган қат-қат оқ сурп,

сочиқ, қора бахмал, яна аллақандай газмол, бурунги камзул, тангали қопқоқлар тагидан кичкина сирланган тунока қутини топиб, сандиқни ёпди-да, икки қўллаб онанинг ёнидаги курсига қўйди. Она ётган жойида заиф қўллари билан қутини очиб, рўмолчага тугилган қадимий тақинчоқни олди, уни икки қўллаб тутиб, узоқ томоша қилди. Кумуш зебигардон нафис ишланган, лекин оғир, зангламайдиган ўйма гуллари қорайиб кўринар эди.

— Қайнонам раҳматлик, жойлари жаннатда бўлсин, никоҳ куним кўксимга осиб қўйган эдилар. Келин бўлиб тушганларида қайноналари совға қилган экан. Жуда кўҳна мол. Бир умр асрадим, ҳеч қаерда бошқа мунақасини кўрмадим.

— Чиройли!— деди Муҳсина ҳам беихтиёр.— Келинчақлик найтингизда сизга жуда ярашган бўлса керак!

— Жуда. Ҳамманинг ҳаваси келарди.

— Бахтли экансиз,— деди Муҳсина.

— Бахтлийдим.

Улар зебигардоннинг қорайиб йилтиллаган-қадимий кумуш нақшларини қайта-қайта томоша қилдилар. Мавзунинг ўзгарганидан мамнун бўлиб турган Марат ҳам уларга кўшилиб, нозик нўқра занжирларини ушлаб-ушлаб кўрди.

— Қани, берироқ кел-чи, қизим...— она узоқ ёшлигининг қадрдон ёдгорлигини икки қўллаб ёйиб кўтарди,— эгил,— деди. Муҳсина энгашганида зебигардонни бўйнидан ошириб кўксига тақиб қўйди. Қадимий оғир тақинчоқ Муҳсинанинг баланд кўксига, ихчам, таранг сийнасига ёпишиб тушди, зебо қоматига шундай ярашдики, она киприкларидаги қувонч ёшларини артмай, кўзини юмганча, узоқ ётди. Тиниқ ёш кўз атрофларидаги тарам-тарам ажинлар оралаб ёйилди. Онанинг кўз ўнгига ҳозир ҳаётининг қайси бахтиёр онлари келди экан!

Ёшлар ҳам бир-бирларига қараб туришар, юзларида шу зумнинг аралаш-қуралаш туйғулари жилваланар, вазиятни унутаёзган эдилар.

— Сенга мендан ёдгорлик бўлсин, қизим,— деди она ҳамон кўзини очмай,— оиламизнинг қутлуғ мероси.

— Вой ўлай, менгами?!— деб шивирлади Муҳсина ишонмай, икки кўлини кумуш безак устидан кўксига босди.

— Бахтли бўл, болам, умрингдан барақа топ.

Муҳсина негадир дилдан қувона олмади. Раҳмат айтиб, онани қучиб, юзларидан ўпди-ю, худди вилолашаётгандаги совуқликни сезиб, кўрқиб кетди. Марат ҳам негадир бетоқат, бу ердан тезроқ чиқиб кетгиси келаётгандай, Муҳсинага қарар эди. Қиз тақинчоқни қутичага жойлади-ю, қаёққа қўйишини билмай, кўксига босганча тураверди. Марат секингина унинг тирсагига туртиб:

— Толиқтириб қўйдик, дам олсинлар,— деди паст овозда.

Она кўзини юмиб ётганча қолди. У уйғоқмиди, уйқудами, билиш қийин...

Кечқурун одатдагича сўрида чой ичдилар, айвон устунига осифлик тўрқовоқда бедана охири марта сустгина сайради-да, тинди. Сўридагилар ҳар хил гаплардан узоқ гаплашиб ўтириб, зебигардонни ҳам қўлма-қўл узатиб, томоша қилдилар. Охири эснашиб, ёшлар, аёллар жой-жойларига тарқалишди, бугун ҳеч қанақа баҳс, аччиқ-тизиқ гап бўлгани йўқ, тинч оқшом тубсиз қоронғи тунга уланиб кетди.

Фақат тоға ётмади. У зебигардонни этагида ёйиб ушлаганча, сўрида ёлғиз узоқ ўтириб қолди. Ҳамма уйқуга, кетгандан кейин оёқ учидан юриб, аячасининг эшигига борди. Бирпас қулоқ солиб туриб, яна орқасига қайтди. Файзинисони уйғотмоқчи бўлди шекилли, тагин тўхтаб, айвон устунини ёнида ўтириб қолди. Ҳорғин қиёфасида кекса солдатга хос бўлмаган саросима бирпасдан кейин бесабр изтиробга, сўнгра аллақандай сўлғинликка айланди. Узоқ, кўнгилсиз хотиралар босиб келгандай, салқи юзйда қуюқ соялар ўйнади. Эшик тепасидаги

электр чироқ зириллаб ёнар, зина тагида чирилдоқ чириллар эди. Тоға туннинг жимлигига чидолмагандай ўрнидан турди-да, яна аячасининг эшигига борди. Очиб, остонадан ичкарига ҳатлади, орқасидан ой шуъласидай енгил, оқ эшик секин гирчиллаб ёпилди...

Саҳарда ҳамма бирваракай уйғонгандек, бирқасда ҳовли қўни-қўшнига тўлиб кетди. Одам кўп-у, ичкаридаги хотин-халажнинг йиғи-сиғисидан бўлак овоз йўқ, ҳеч ким «жони узилди», «қазо қилди» ёки «ўлди» деган гапни оғзига олмади. Тоға, Латиф бошлиқ қўшни йигит-яланг ҳамда қариялар бел боғлаб тараддудга тушган, ҳар ким маросимнинг савоб юмушларига қўл ургиси келар, фақат Марат гангиб, нима қилишини билмай, бир чеккада туриб қолган эди. У чиндан ҳам ўзини йўқотиб қўйди. Марҳуманинг энг яқин кишиси, бирдан-бир жигарбанди ҳамма ташвишни ўз қўлига ололмаганига одамлар ажаблангани йўқ, она ахир, онаизордан жудо бўлиш ҳар қандай йигитни ҳам эсанкиратади.

Марат кечагина ўзи узоқ гаплашиб ўтирган хонага кўпчилик қатори мундоқ бош суқиб, онасининг оқ ёстиққа чўккан кичик гавдасига, сап-сарик юзига бир қаради-ю, кўзини олди, орқага чекинди. Шушу қайтиб кира олмади. Муҳсина хотин-халаж орасидан чиқиб, унинг елкасига тўн ёпди, кўпроқ унинг яқинида бўлишга ҳаракат қилди. Чунки қараса, ҳамма нима биландир банд, у эса ёлғиз, нимага қўл уришини билмайди. Агар онасининг олдига кирадиган бўлса, Муҳсина унинг ёнида бўлиб, далда бериб турмоқчи эди, лекин Марат кирмади, киролмади. Одамлар марҳума билан видолашаётганда бир-икки марта эшик томон совқотгандай, юзи кўкариброқ турар, Муҳсинага гоҳо бу ердан қаёққадир отилиб чиқиб кетгиси келаётгандай туюлар эди.

Тушга яқин тоға келиб, унинг белини қийиқ билан танғиб қўйди, кейин дарвоза томон бошлаб чиқиб, «шу ерда бир оз туриб, келган-кетганини кутинг, таъзиясини қабул қилинг», деди. Марат тоғасининг айтганини қилди, шу ерда бир-икки соат турди.

Ташвишлар ва одамлар сал товсилгандан кейин ҳовли ичкарисидаги гулзор ёқасига қўйилган кичик чорпояда бир-иккита қария марҳуманинг эзгу одатларидан, дунёнинг ишларидан гаплашиб ўтиришди. Бири маҳалланинг энг кекса ветерани, бири пенсиядаги муаллим, кейинроқ тоға ҳам келиб қўшилди. Кимдир «ҳозирги ёшлар»дан гап очганда, Муҳсина суҳбатга беихтиёр қўлоқ тутиб қолди.

— Улим кутилган бўлса ҳам, ҳаминиша кутилмагандай... — деди оқсоқол, — унинг қаршисида ҳамма ҳам ўзини тутабилвермайди...

— Булар нима, булар бамисоли вокзалга чиққан кузатувчиларда... Кузатгани келган. Раҳми келади, йиғлайди, ҳар ким эплаганича,

— Нима қилса, нима деса ҳам, ўлим қаршисида беўхшов кўринавераркан. Улар учун ҳозир энг муҳими — мусибатдан тезроқ холи бўлиш, бари тезроқ ўтиб кета қолса... Бунинг ножоизлигини ўзи ҳам биледи. Нима қилсин, инсон шу экан-да, тирик тирикчилигини ўйлайди...

— Улимга атайлаб шайланмайди-да одам. Худди боқий қолади-гандек юраверасан...

— Мен сизга айтсам, домла, — деб аралашди тоға, — бу — ҳозиргиларда бир касал... Биладики, у дунёда ҳеч вақо йўқ, буни ўйлашнинг ўзи даҳшат, албатта. Қўрқади. Улимни кўришдан ҳам, ўйлашдан ҳам қочади.

— Шунинг учун ўлимнинг ларзаси ҳам суст, аҳамияти ҳам...

— Аҳамияти?

— ...Ҳа, аҳамияти десам ҳам хато бўлмайди. Мана, урушда одам ўқдан, ярадан ўларди. Бордию шунчаки ўлса... Бир воқеа ҳали-ҳали ёдимда. Хитово деган қишлоқни эгалладиг-у, эрталаб командиримиз билан ҳовлиларни айланиб юрсак, бир қоронғи даҳлизда кексароқ киши ўлиб ётибди. «Ким ўлдирди?», деб сўрадик қўшниларида. «Ўзи ўлиб қолди», дейишди. Ҳаммамиз ҳанг-манг бўлиб тикилиб қолибмиз.

«Қаранг-а!» деди командиримиз анчадан кейин, гүё ўз ажали билан ўлган одамга ҳавас қилгандай.

— У даврларда шунақа эди. Ҳозир...

— Ҳозир одам ўқдан эмас, ярадан эмас, ўша урушнинг бутун оқибатларидан, ўз ажалидан, бахтсиз ходисадан ўлади. Бу — урушда ҳалок бўлишдан кам эмас-ку. Нега унинг ларзаси сусаяди, нега ундан юз ўгириб, тезроқ четлашишга ҳаракат қиламиз?..

Дарвозахонада жонланиш сезилди. Ҳовлида дастадари сийқаланиб кетган эски тобут пайдо бўлди. Юраги дуқиллаб, негадир, ваҳимага тушган Муҳсина одамлар орасидан ўтмаслик учун қозиқчаларга боғлаб кўтарилган помидор кўчатларини оралаб, Маратни қидириб кетди.

Марат ҳамон дарвоза ёнида кирган-чиққанга қўл қовуштириб турарди. Муҳсина уни имлаб четроққа чақирди.

— Нега айтмадингиз, эсингиздан чиқдими? — деди нимранг юзига тикилиб. Марат тушунмади. — Аянгизнинг айтганлари-чи... Дадангизнинг ёнларига қўйишни...

Марат бармоқлари билан пешонасини сиқди:

— Ҳа, энди, айтдилар-қўйдилар-да... Мураккаблаштирманг.

— Ахир, она васияти...

Марат ён-верига қараб, қизни яна четроққа ундади. У жунжуккандай, ранги кўкишроқ, кўзлари қизарган, бугун соқолини ҳам қирмаган, тароқсиз сочи чопон ёқасига тушиб турар эди.

— Қанақа васият? Қанақа васият?! Ўзингиз ўйлаб кўрсангиз-чи, ҳозир Мирзачўлга энди қапа тикилган пайтлар эмас, ахир. Одамлар кулмайдами?

— Айтганларини қилсангиз, руҳлари бёзовта бўлмасди дейманда, — қиз унга раҳми келиб, товушини пасайтди, бош эгди.

— Одам ўлди-кетди. Ё чиндан ҳам руҳга ишонасизми?

— Ўзингизнинг кўнглингиз тинч бўларди...

— Қанақасига тинч бўлади: ўликни шундан шувёққа олиб бориш яна уч кунлик ташвиш-ку, биласизми шуни? Ҳали шундоқ ҳам...

Муҳсина ўзи ҳам совотгандай дийдираб кетди. У бундай маросимда биринчи марта бевосита қатнашяпти. Кўзига ёш келди. «Ўлик...» «Кечагина «Ая» эди. «Ая» — қандай яхши, илиқ сўз. Марҳуманинг «қизим менга жуда ёқиб қолди», деб сўлғин жилмайиши кўз ўнгига келди. Улим бу қадар шафқатсиз! Наҳотки, одамлар унинг қаҳрини жиндек бўлса ҳам юмшатомайдилар?

Мана, қабристонга бориш олдидан айрим ёшлар аста-секин ҳар томонга тарқаб кетишди. Марҳумани сўнги йўлга кузатиб бордилар, баъзилари одобга кўра кўзларини артиб қўядилар. Орада энг ёши Марат, лекин у бу нарсалар ҳақида ўйлаётимикин ҳозир?

Ҳаммаинг хаёли бир жойдан чиқиши қийин, ҳатто икки киши ҳам бир хил ўйлаши шарт эмас, албатта. Айниқса, бундай мусибатли дамларда фикрларнинг учини тутуш, бир нуқтага жамлаш осон эмас; хаёллар яллақаёқларга улоқиб кетади. Қовоқлари қизарган Марат хассакашлар орасида бош эгиб тураркан, негадир, қабристоннинг совхоз шаҳарчасига жуда яқин экани ҳақида ўйларди. Кейин хаёли ўз лойиҳаларига кетиб қолди: янги шаҳар лойиҳаларида қабристонни қаёққа мўлжаллаш маъқул? Узоқроққа, шаҳардан йироққа, албатта. Токи одамлар фақат ҳаётни ўйласинлар. Маратнинг рақиби, шубҳасиз, бунга қарши чиқади: ўлим ҳам тирикларга хизмат қилиши керак, дейди у, қабр шаҳар ичида гулларга кўмилиб ётиши, умр қисқа — дам фанимат эканини эслатиб туриши керак, деб даъво қилади...

Хаёлдаги бу баҳс Маратга атрофдаги мудҳиш жимликдан, бундай вақтда юракка чиркин ҳашоратдек ўрмалаб кирадиган тупроқ шитиридан, гоҳи нарироқда бирдан кўтарилган аччиқ йиғи товушидан холироқ бўлишга ёрдам берарди. У кўзини ерга тикиб турди, ҳеч нарса қилолмади, боя тобутни кўтаришда энди қаторга кирганида, Ла-

тиф келиб жойини эгаллаган эди, ҳозир белкурак ушлаганида яна Латиф чаққонлик билан келиб қўлидан олди. Латиф ҳар жойда ҳозир; тажрибали қарияларнинг қўлтиғига кириб, ҳамма қора ишни ўзи қилди.

Марат она қабрига бир сиқим тупроқ ташлагач, қўлини барига артиб, четга чиққанча қабр томонга бошқа қайрилиб қарай олмади. Негадир, Муҳсинанинг дарвоза олдидаги гапи, кейинги кўз қараши ёдига келди: «Кўнглингиз тинч бўларди...» Қандай тинч бўлади? Улимга бирон нима билан бошқа маъно бериб бўлар эканми? Улим ўлима. Уни руҳу удум, эски урфу ривоятларга чулғамасдан, одатдаги бор нарса деб қарайвериш керак.

Таъзия кунлари улар бирга бўлолмадилар. Бу ноқулай ҳол бўлар эди. Лекин гап бундагина эмас. Муҳсина бу кунлари Маратга кўрингиси келмади, у ўзининг ҳолатини биларди. Хотин-халаж орасида ивирсир, қўлидан келганча дастёрлик қилар, лекин бир нимасини йўқотгандек паришонҳол эди. Бир-иккита коса, пиёла қўлидан тушиб синди ҳам. «Худди ўз онасидан жудо бўлгандай, шўрлик, кўнгилчан қиз экан», дейишарди хотинлар.

Онанинг «уч»ини ўтказгандан кейин йўлга отланишди. Марат фақат шу кунни кутгандай, эрталабдан ошиқиб нарсаларини йиғиштира бошлади. Сумкалари битта, Марат кўтариб келган. Марат кўтариб кетади. Муҳсина ёдгорлик совғани — қадимий кумуш зебигардон солинган тунука қутини кўксига босиб олиб келди. Марат қўлига олиб, бир қутига, бир қизга қаради-да, сумкага жойлади.

— Муҳсина... — деди аста, ерга қараб. У кечадан бери қизнинг сўлғинроқ юришини кузатиб, унинг олдида ўзини нима учундир айбдордай, нима учундир узр сўраши керакдай сезар эди. — Сизни олиб келмасам бўлар экан... Уриниб қолдингиз. Бундай бўлишини билганимда...

— Ундай деманг... Шундай кунда мусибатингизга шерик бўлишим — сизга ҳам, менга ҳам керак эди, Марат ака.

Шу билан улар автобусда ҳам йўл бўйи бир-бирларига деярли гап қотмадилар. Совхоздагилар билан қандай хайрлашганлари ҳам ёдларида қолмади.

Фақат, бир соатча юргандан кейин, Муҳсина беҳосдан сўради:

— Дадангизнинг қабрларида бўлганмисиз?

Марат унга бир қараб қўйди-ю, кейин деразадан кўзини олмай, қоziққа кўтарилган бетон ариқлар соясида қовжираб улгурмаган лолақизғалдоқларни томоша қилгандай, анчагача жим ўтирди. Қизнинг сумка устидаги қўлига кафтини қўйиб:

— Эски гапларни қанча тезроқ унутсанг, келгусидагиларни ўйлаш учун шунча кўпроқ имкон туғилади... — деди жавобни мужмалроқ қилиб.

— Дадангиз ярадан ўлганлар. У киши шу билан балки мени ҳам қутқазгандирлар. Мени яхши кўрасиз-ку...

— Чуқур кетдингиз. Бундай ўйлайвериш... Бундай яшаш... Ўзи шундоқ ҳам ҳаёт осон эмас.

Йўлдаги гап бор-йўғи шу бўлди. Нима ҳам дейишсин, мусибат ёш, нафис туйғуларни ҳам карахт қилиб қўяр экан. Гапнинг қовушмаганини иккаласи ҳам мана шунга йўйишди.

Шаҳарга куннинг тиғида етиб келдилар. Тиқилинч кўчаларнинг иссиқ, губорли ҳавоси, чорраҳалардаги сурон, мотор, ҳуштак овозлари, тошқин шаҳар ҳаёти Маратни сал илгариги ҳолатга қайтаргандай бўлди-ю, аммо Муҳсина ҳамон ўзига келолмас, ҳорғин кўринар, камгап эди. Кўришганда ҳам, хайрлашганда ҳам одамлар кўзини шамғалат қилиб, тезгина ўпишиб оладиган ёшлар бу гал вазиятга мувофиқ босиқ ажраллишди: «Дамингизни олинг», «Хабарлашармиз», «Телефон қилинг...»

Икки кундан кейин Муҳсина у-бу нарсаларини баҳона қилиб, Ма-

ратнинг уйига келди, у ҳали ҳам ўша-ўша, сира дам олмагандай, ориқлаб, кўзлари янада катгароқ бўлиб қолган эди. Маратнинг бўса-сига ҳам илгаригидай эҳтирос билан жавоб бермади.

— Сина... нима бўлди?— деб сўради Марат.

— Ҳеч нима...— дея ҳазинроқ жилмайди қиз.

— Яхшилаб дам олишингиз керак эди,— деди Марат, кўнгли бир оз жойига тушиб.— Нима ўқиясиз?— У Муҳсинанинг қўлтиқлаб келган китобини олиб кўрди: Чингиз Айтматов, «Асрларга татигулик кун».— Яхши китобми?

Муҳсина ҳам ўқимаган эди, елкасини қисди.

— Ўқиганингизда менга ҳам ҳикоя қилиб берарсиз. Ҳозир вақт шундай зиққи, гирдобга тушиб қолгандайман. Кўргазма комиссияси ишини яқунлаяпти, ҳамма шу атрофда гирдикапалак, сизга айтиб қўя қолай: яхши хабарлар бор!

Муҳсина сафар сумкасидаги ўз нарсаларини ажратаркан, бирдан тўхтаб, ниманидир қидириб қолди. Унинг бу ҳолати Маратнинг қувноқ товушини бўлди.

— Нима?

— Аянгизнинг совғалари...

— Зебигардонми?!— деб қўл силтаб кулди Марат.— Институтда оғзимдан гуллаб қўйган эканман, драм тўгаракдаги ҳаваскорлар қўярда-қўймай келиб олиб кетишди. Тарихий-маиший мавзулардаги спектакллар учун бебаҳо реквизит эмиш!

— Марат ака, ахир...— Муҳсина унга ғалати тикилиб қолди, уни энди кўраётгандай, юз-кўзида ҳайрат...

— Нима қилай, ахир, ҳаваскорлар деган билан, бири кандидат, бири доктрант, келиб туриб олишди...— у Муҳсинанинг оқаринқираган юзига қараб гапдан тўхтади. Ёнига борди. Қучди — Муҳсина, наҳотки, шунга хафа бўлсангиз, сиз уни тақиб юрармидингиз, ахир, бурунги замоннинг кампирларидай...— у хахолаб кулиб ҳам қўйди, кулгиси сунъий чиқди, Муҳсина ҳам ўша-ўша — хастадай рангпар, эшик томон қадам қўйяпти.— Муҳсина! Сизга тақинчоқ керак бўлса, мен тилласидан олиб берай, ажойибдан...

Нарсаларини пала-партиш қўлтиқлаган Муҳсина остонада паришонҳол «Хўп, хайр» деди-да, чиқди. Марат орқасидан шошиб чиққанида, лифт эшиги ёпилган эди. Иккинчи лифтнинг тугмасини босди, аксига олиб у ҳам келавермади. Зинапоядан югуриб, бешинчи қаватдан пастга тушди-ю, йўлка тўла одамлар оқимида қаёққа юришни билмай турганиб, бирпас гангиб тургач, орқасига қайтди.

Ажаб, Муҳсинага нима бўлди? У билан гаплашиш тобора қийинлашиб кетяпти. Ҳаётни мумкин қадар соддалаштиришга, оёққа илашган ўтмишдан, урфу удумлардан, шартли боғланишлардан холи бўлиб, фақат келажакка интилиб яшашга аҳд қилган Марат гўё қумлоқ йўлга тушиб қолгандай, қадами унмаяпти. Муҳаббатга мана шундай изтироблар муқаррар йўлдошмикин? Наҳотки, бу ҳам бир юк бўлса? Соф ўзи йўқми?

Бундай ўйлар Маратни бир-икки кун қийнади-ю, кейин институтда, кўргазма комиссияси атрофидаги машмашалар, талашув-тортишув, тарафкашлик, кўмма оқимлар билан бўлиб, барини унутиб юборди. Бир неча республикада шаҳарлараро кўчиб юриши мўлжалланган бу кўргазманинг ҳар бир муаллиф учун аҳамияти жуда катта эди. Унга лойиҳалар танлашда комиссия биринчи галда ижодий ўзига хосликни, оригиналликни мезон қилиб олди. Охири маълум бўлдики, танлаб олинган ўн тўққиз лойиҳа ичида Маратнинг «Микрорайон»и ҳам бор экан.

Буни эшитгандан кейин Маратнинг кўнглидан ҳамма хираликлар тумандай кўтарилиб, энг ширин орзулари, Муҳсина ва соф муҳаббатнинг ўзи қолди, холос. Ҳамкасбларининг қўтловларига жавоб ҳам бермай, кабинетига, телефонга югурди.

— Сина! Салом! Табриклашингиз мумкин! А? Ҳаммаси ўзим айт-

гандай бўлди! Ҳаммаси жойида!.. Раҳмат... нега овозингиз бундай? Нега сустсиз деяпман? Менга қаранг, хиёбонга чиқинг, мен зумда етиб бораман, ҳа, ҳозир!

У стол тортмаларини наридан-бери бекитиб, енгил ёмғирпўшини олдию югурди.

Ҳаво булут, дим эди. Ёгадиганга ўхшайди. Майли, ёғса ҳавонинг губорини олади, дарахтлар ҳам барглари йилтиллаб, яшнаб кетади, Муҳсина яхши кўрадиган терак ҳиди анқийди. Марат ҳозир ёмғирдан кейинги мусаффо, хушбўй хиёбонни кўз ўнгида кўргандай бўлди.

Бироқ ёз бошидаёқ анча тўзон йиғиб улгурган теракзор хиёбонда ҳаво димиққан, йўлкаларни соя-салқин ўрнига булутли кун ғирашираси босиб турар эди. Улар одатда учрашадиган сал майишиқ кўк скамейка бўш, ишхонаси шундоққина рўпарада бўлса ҳам, Муҳсинадан ҳали дарак йўқ эди. Марат узоққа кетмай, шу атрофда у ёқ-бу ёққа айланиб турди. У ҳали ажойиб хушхабарнинг таъсирида эди. Ижодий ҳаётида бу — ҳозирча энг катта воқеа. Унинг худди шу вақтга, Муҳсина билан ораларида гап қочган кунларга тўғри келиши айна мундоо бўлди. Энди ҳаммаси жойига тушади. Муҳсина унинг қувончини юз баробар ошириб юборади. Маратнинг бутун ҳаракати, уйқусиз тунлари ҳам, комиссия ишлаётган кунлардаги бесабр ҳаяжонлари ҳам — бари Муҳсинанинг бир қувонишини кўришга қаратилган эди. Мана энди ўша кун келди!

Муҳсина чизмакаш қизларнинг кўк батист комбинезонида шошмасдан чиқиб келди. У одатдагидек зебо, билагида эркакча оғир соат, нимдошроқ енгил коржома белларини сиқиб турар, ўзига жуда ярашган эди, уна-элик кўрмаган юзи бир оз оқишдан келган, катта кўзларида сокин табассум.

— Табриклайман, Марат ака,— деди. қўл бериб, босиққина.— Энди ниятингизга етасиз...

— Йўқ, биласизми, қачон ниятимга етаман?— деди Марат қизнинг қўлтигидан олиб сайр йўлкасига бошларкан. У Муҳсинанинг ўзи кутганчалик қувонмаганини сезарди, лекин буни ўтган сафарги кўнгилсиз гапларнинг таъсири деб ўйлади.

— Қачон?

— Биласиз-ку, бу — сизга боғлиқ, Муҳсина.

Қиз индамади. У очилмаяпти. Бундай қолдириб бўлмайди. Уни энг муҳим, энг қувончли, бошқа гапларни сиқиб чиқарадиган асосий масала билан банд қилиш керак.

— Мен катта қувончлар, орзулар билан келган эдим, ёзилиб гаплашмаяпсиз, Муҳсина...

— Йўқ, нега, гапиринг.

— Албатта, баъзилар айб қилиши мумкин, «азадан кейиноқ...» «у-бу» деб...— секин, одатдаги ёқимтой овози билан бошлади Марат.— Лекин биз у эски гаплардан устунроқ тура оламиз. Қувончимизга қувонч қўшилсин, Муҳсина. Бахт-толеимиз ўз қўлимизда. Анави... синов ойи ўтиши билан... бир кичкина, замонавий ўтириш қилиб... деган таклиф бор. Нима дейсиз?

Муҳсинанинг нафаси ичига тушиб кетди. У ердан кўзини олмай, туфлисининг учига қараб қадам босар, билагини ушлаган қўлидан йигитнинг ҳаяжонини сезиб, ўзининг иккилана бошлаганини пайқайди. Пайқайди-ю, гўё яна жим юраверса кейин кечикиб қоладигандай, юрак ютиб, айтадиганини айтди:

— Биласизми, Марат ака... Мен... мен аризани қайтиб олдим. Кечирасиз... бу билан дўстлигимизга путур етмас деб ўйлайман.

Марат ҳанг-манг бўлиб тўхтаб қолди. Рўпарасида ерга қараганча, қиз ҳам тўхтади. Ҳамма нарса аниқ эди. Ҳазил ҳам йўқ, англашилмовчилик ҳам. Йигит юрагининг қайсидир бир четида шунга ўхшаш хунук гап эшитиш хавфи яшаганини энди англаб, энди тан олди.

— Муҳсина... нималар деяпсиз?! Ахир, илгариги гапларингиз... Ахир, мен сизни яхши кўраман, Муҳсина!— у асабийлик билан қиз-



нинг икки билагидан беихтиёр қаттиқ ушлади. Муҳсина унинг юзига бир кўз солиб, оқаринқираб кетганини кўрди-ю, юмшамади:

— Яхши кўриш... Марат ака, бу ҳам жуда эски гап-ку. Эскилик, ахир. Келажак эмас, ҳар қалай, сизнинг... келажагингиз эмас. Мен буни пайқадим.

Марат шафқатсиз кинояни англади.

— Келажак, келажак деб киноя қиласиз... Бу айб эмас-ку, ахир. Дарахт ҳам офтобга интилади, одам эса — келажакка.

— Дарахтларнинг илдизлари она заминда. Бўлмаса интилол-масди.

Марат дарров жавоб тополмади, ожизлигини сезиб асабийлашди. Муҳсина билан бўлган аввалги баҳсларини ҳам эслади-ю, ўзини тутолмай, ачитиб гапиргиси келди:

— Мен тақводорлигингизни юзингизга солгим йўқ эди. Тегадиган йигитингизга менга берган ўпичларингиз ҳақида гапириб беришни унутманг! — деб шартта тескари қаради.

Муҳсина хафа бўлганини билдирмаслик учун хазинроқ жилмайиб қўйд.

— Ана гапингиз ҳам, товушингиз ҳам дарров бошқача бўлиб кетди.

— Ахир, уч ҳафта ўтмай шунча ўзгардимми, ёмон бўлиб қолдимми?!

— Йўқ.

— Бўлмаса ким ўзгарди?

Улар келган йўлларига қайтдилар. Энди қўлтиқлашиб эмас, қўл ушлашиб ҳам эмас, шунчаки ёнма-ён бўлиб...

— Сиз... ўша-ўшасиз, Марат ака, — деб анчадан кейин ўйчан сўз бошлади Муҳсина. — Билмадим нима ўзгарди... Биласизми, мен кўп ўйладим, ҳаётимизнинг қандайдир ахлоқий сарчашмалари, ота-боболарнинг руҳий удумлари бор. Уларни оёқ ости қилган одам самимий бўлолмайди. Уша кун сиз кўрган китобда бир жазо усули тасвирланади. Уша жазодан кейин одам хотирасини тамом йўқотиб, эл-юртини ҳам, ерини ҳам, насл-насабини, ҳатто онасини ҳам унутар, танимай қолар экан. Манқурт дер эканлар шундайларни... Манқурт бўлгим келмайди...

Марат моҳиятига тушунмаган бу гаплар унинг бошига гўё тўқмоқдай бўлиб тушганини сизди. Гайгиди. Ҳар қандай гап хаёлига келган эди-ю, бунчалигини кутмаган эди. Бояги қувончлари ҳам қаёққадир буткул учиб кетди. Муҳсинанинг жўнаб қолганини у узоқдаги тўқтўқ пошна товушдан пайқади. Қиз катта ишни охирига етказгандай, ҳар замонда чаққонлик билан соатига қараб қўяр эди. Нозиккина, жондан азиз бу кичик-вужудда бу қадар шафқатсизлик...

Марат, тепасидан нимадир зил босиб тургандай, жойидан жиллолмасди.

Она қазо қилди.

Муҳсина кетди.

Ижодий қувончлардан асар ҳам қолмади...


Кетма-кет бу зарбалар қаёқдан келяпти — Маратнинг карахт ақли етмасди. Боши қизиб кетди. Хиёбон дим, ҳаво ғуборли, нафас оғир. Ёмғир ёғолмаяпти. Ҳозир бир қуйиб берса эди...

*Муҳсинанинг  
ҳаёт - ҳар вақт, унинг  
душманларини, унинг  
хурмат қилиши  
олиши билан  
еясини, дарахт билан  
биргиларига, касал билан  
олиши билан билан  
бу ҳаётини билан  
юзуни билан*

— *убунда билан билан,  
билан билан билан.  
27.11.83*



# АВОҲУРАТ САНДИҒИ



## РИВОЯТ

Қадим замонларда амал-мартаба ишқибозларидан бири, кимнингдир пинжига кириб, кимларгадир зиёфат бериб, хуллас, амаллаб элликбойи бўлиб қолибди-ю, аммо кексайиб, бечорага шон-шуҳрат, амал лаззатини ўзоқроқ суриш ҳам насиб қилмабди, элликбошиликдан тушибди.

Йиллар ўтиб, «Отдан тушса ҳам эгардан тушмас» деганларидек, амалдор бўлган чоқларини эслаб, буйруқ беришларини қўмсаганда бечора маҳалла ҳовузининг бир чеккасига келиб, қўлларини белига қўйганича керилиб туриб оларкан-да, сув олгани келган ёш болами, кексаларга:

— Ҳой, ўйлаб иш қил, сувни у ердан олма, бу ердан ол, сенга айтяпман,— деб буйруқ бериб, ўзини амалдордек ҳис қилиб, бир дамгина бўлса ҳам хумордан чиқаркан.

Билимсизлик билан бировларнинг ёрдамида ёришилган амал кишига юбрў келтирмайди, кулги қилади.

— Яхшини ёмон, ёмонни яхши деб нопоклик билан топилган амал кишига шон-шуҳрат келтирмайди, нодонлигини элга ошқор қилади.

— Дунёда амал-мартабанинг кетидан қувмай, холис меҳнат қилиб яшайдиган ювғичи билан ўзим экан-да,— деб ҳазил қилган эди Камол гўрков. Буни эшитган оғайниларида бири унга:

— Мартаба-амални тиригида эмас, ўлгандан кейин ҳам орзу қиладиганлар йўқ дейсизми?— деди.

## ҲИКОЯТ

Яқинда кўпдан қўрмаган дўстларимдан бирини кўчада учратиб қолдим.

Ёшлигида жуда қувноқ ва серкулги бўлган бу одам нима учундир кўзларимга ҳозир жиддий ва ўйчан бўлиб кўринди. Гаплари ҳам қисқа, кескин бўлиб қолган эди. Руҳидаги бу ўзгаришнинг сабабини билмоқчи бўлиб гап бошлаган эдим, у шартта:

— Ростини айтсам, кулиб гапирадиган одамлар, кейинги вақтда менга ёқмайди, кўзимга хунук кўринадиган бўлиб қолган...— деб жавоб қилди.

Давоми. Боши ўтган сонда.

— Очиқчехраликнинг нимаси ёмон? Унда мен ҳам қовоқ солиб гаплашайми?— деб ҳазиллашдим.

— Очиқчехралик, очиққўнгиллик бошқа, тавозе, хушомад бошқа. Ясама табассумдан аччиқ бўлса ҳам лўнда гап яхши. Бизлар билан бирга ўқиган Умар «ҳи-ҳи»ни эслайсанми? Хув, анави, сочини бир ёққа ётқизиб, фарқ очиб тарайдиган-чи? Сочига ўхшаб ўзи ҳам кимни кўрса қуллуқ қилиб, бир ёққа эгилиб турарди? Ўз ишига ақли етадиган, анчагина билармон бўлгани учун мен трестга бошлиқ бўлганимдан кейин уни ҳам ёнимга ишга олдим. Бир куни отпускасидан қайтиб, кўзида ёш билан хонамга кирди-да, «Бошингга ташвиш тушиб қолибди, яхши бўлмапти», деб гап бошлаб қолди. Унинг гапини эшитиб, бошимга қандай ташвиш тушган экан, деб олдинига ҳайрон бўлдим. Сабабини сўрасам, нима дейди дегин: «Итинг ўлиб қолибди, яхши бўлмабди, зотли ит эди», деб, аzza-баzza таъзия билдирди-я!

Итимнинг ўлгани эсимдан ҳам чиқиб кетган эди, унинг гапларини ҳазилга йўйиб, хўш, ўзинг қалай дам олдинг, деб ҳол-аҳвол сўрасам ҳам тинмайди, менга ачинган киши бўлиб нуқул жаврайверди:

— Мол эгасига ўхшамаса ҳаром ўлади, деб бекор айтмаган. Ўзинг ҳаммага меҳрибон раҳбарсан. Сенинг тарбиянгни олган итинг ҳам эшигингдан кирдимми, оёқларимга суйкалиб, қувонч билан кутиб оларди. Ўлгани ёмон бўлибди. Сен ҳам унга ўрганиб қолган эдинг. Сенга қийин бўлибди-да!

Унинг авзойини кўриб, ярми ҳазил, ярми чин қилиб:

— Ёлғиз қолганимга жуда ачиниб кетган бўлсанг, итимнинг занжири ҳали ҳам жойида турибди, ўрнига бориб туриб берарсан, десама хафа бўлиш ўрнига «ҳи-ҳи»лаб: «Итинг бўлсам қошки эди», деса бўладими?! Буларнинг ҳаммаси кейинчалик билсам, «Мени ўзингга муовин қилиб ол», дейиш учун қилинган хушомадлар экан.

Ҳамма гапингга хўп, деб тиржайиб турадиган одамларни ёмон кўриб қолганимнинг сабаби шу, дўстим!.. Уларнинг кулгиларини кўрсам, кулгиларини тагидан худди узун қўл чиқиб бир нарса тилаётгандек туюладиган бўлиб қолибди. Ҳамманинг олдида ўзингни пастга уриб, хор қилиб, топилган амалдан нима фойда?

Унинг гапларини эшитиб, ҳовуридан туширмоқчи бўлиб:

— Оғайнижон, амал-мартабани дунёда ёмон кўрадиган одам бўлмаса керак... Ахир, ёнма-ён ўсган иккита дарахт ҳам бири иккинчисини туртиб, ундан баландроқ бўлсам дейди, юксакликка интилади, шундай эмасми? Умар «ҳи-ҳи» сенга муовин бўлишини илтимос қилган бўлса, мартабага кўтарилиш маъносидамас, балки бола-чақаси кўпдир, бирор моддий манфаатни ўйлаб қилгандир?— дедим.

— Бола-чақани ўйлаш қаяёқда?! «Сенга муовин бўлсам, ўлганимда мени ҳам тузукроқ қабристонга обрў билан қўйишади», дейди. Тавба!.. Ўлганимда дабдаба билан кўмишсин, деб тирик чоғида бировларнинг ити бўлишга рози бўлиб яшаш керакми, а?! Ана шухратпа-растлик!

Сухбатимиз интиҳосига етмасдан, кутилмаганда келиб қолган Гафур Гулом:

— Шукрулло, яхши кўриндинг. Юнусвой акани сен ҳам яхши биласан, академик бўлганлари билан табриккладингми? Қани, мен билан юр, ҳам табриклаб, ҳам музика эшитиб келасан,— деб бирга олиб кетди.

Юнус Ражабийнинг академик бўлганини эшитганда қувонмаган одам бўлмади. Аммо уни жуда яхши билган, энг яқин одамларнинг ўзлари ҳам кутилмаган иш бўлгандек, бир нафас ҳайронликка тушиб: «Вой, тавба!», «Ана, холос!..» деганлари ҳам рост! Лекин бунда заррача ғараз йўқ эди. Бу «Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин экан», деган яхши маънодаги ҳайратдан эди. Ҳатто мен ўзим ҳам эшитганимда беихтиёр: «Ана, вой-бў...» деб юборганим ёлғон эмас!

Юнус Ражабийнинг ўзини ҳам, акаси Рихсивойни ҳам ёшлигимдан танирдим. Булар катта почтам Нуъмонхон билан Назирхон де-

ган қариндошимизга боғ қўшни бўлиб, кўпинча, шу боғда тез-тез йиғилишарди...

Боғлар ичида Назирхон амакимнинг боғидек боғни кўрмаганман. У боғларни ҳали-ҳали эсласам, жаннатни билмайман-у, аммо, жаннат ҳузурини тотгандек бўламан.

Боғнинг бир томони олмазор, бир томони шафтолизор, қаторма-қатор кетган ишкомлар, узумларнинг хилини энди қўяверинг. Эртапишар чиллаки-ю, даройидан тортиб, ҳасайни-ю, ҳусайнигача товланиб ётарди. Боғнинг пойгагида чакалак бўлиб ётган маймунжонлар, жондан бўлак ҳамма мева топиларди.

Боққа кираверишда шийпон бўларди. Лим-лим ҳовуз атрофидаги ноклар тагида турли гуллар очилиб, ҳовузга эгилиб ётарди. Туш қизиғи вақтида шийпон ҳам, теварак боғлар ҳам жимжит... У пайтларда на радио, на телевизор, на машина товуши эшитиларди, на бензин ҳиди келарди. Теваракда қушларнинг овозию ариқнинг шилдираши, турли мева-чеваларнинг исидан бошқа нарса бўлмасди. Уқтин-ўқтин саратон сукутини гумбурлаб отилган қўшоғиз милтиқнинг овози бузарди. Буни эшитганлар «ака-ука Алғий билан Асқарнинг мусалласи етилган шекилли, меҳмонларига чуғурчуқ отиб, кабобга тайёргарлик қиляпти», дейишарди.

Шундай ёз кезларида Назирхон амакимнинг боғига бириси танбур, бириши най кўтарган ака-ука Рихсивой билан Юнусвой акалар, бир ёқдан укаси Асад қори билан дуторуғижжаклар кўтариб поччам чиқиб, кўнгил тортадиган овқатга уннаб, у пишгунча машқ бошлашарди.

Буларнинг орасида ёш жиҳатдан каттаси Рихсивой ака: «Қани, нима қилдик, «Эшвой»ми, «Насруллоий»ми, деб танбурни кўлга олиши билан бошқалар унга қараб чолғуларини созлай бошларди. Бир дам сукутдан кейин «Чўли проқ» ёки «Наврўзи ажам»га маҳлиё бўлганимча соатлаб ҳовуз бўйида ўтириб қолардим.

Оламда музика овози-ю, боғу роғлардан бошқа ҳеч нарса йўқдек туюларди.

Ҳали-ҳали музика эшитсам, кўз олдимдан фарқ пишган ўша боғлару гада-гада чуғурчуқлар, Алғий ва Асқарларнинг милтиқларининг гумбурлаган овози эшитилиб, ҳовуз бўйида очилган қахрабо гуллар ўтади. Айниқса «Танавор»ни эшитганимда қўшни боғдаги ариқ қирғоғида қуроқ кўрпача ташлаб, синиқ ойна парчасига қараб қошига ўсма қўяётган қўшни қизлару келинчаклар, оқшом чоғлари қўлида кетмон, почасини тиззасигача шимариб сув бўғаётган кишилар кўз олдимда жонланиб, бутун вужудим яйраб кетади.

Отам музика эшитганида кўзларини юмиб, кўз ёшлари соқолларидан чак-чак томиб турарди:

— Музика фақат моддий дунё эмас, у ҳар кишининг руҳий дунёси!.. Музика гоҳо севги оқшомлари, ёшлик баҳорларини, гоҳо марҳум ота-онанг, дўстларининг хотирангга тиклайди. Музика баъзилар ўйлагандек вақт ўтказиш учун эрмак эмас, музика — тилсиз фалсафа! Унинг тили бор. Мана мен «Ушшоқ» ёки «Чоргоҳ»ларни эшитганимда кўз олдимдан — Регистон, Улўғбек ва Навоий... Уламоларнинг баҳслари, дабдабали нақшин сарой... тантаналар, бошларида тиллақош, нозик қомаглари атлас-кимхоблар билан безалган беқиёс нозик, аммо боқишларида қандайдир дард ва маъюслик билан рақс тушаётган гўзаллар... Гоҳо кимларнингдир нолалари, бутун тарих манзаралари ўтади. Кўзни юмиб музика эшитиш, сўзнинг мазмунини аниқроқ англашга ёрдам беради, бу ашуланинг таъсир кучини оширади,— дерди.

Баъзи ашулаларни эшитишга тоқат қилмай, радиони ўчириб:

— Олган таъсирим бузилмасин. Бу ашула эмас, оддий гап-ку! Оҳанг йўқ, маддоҳлик, қуруқ бақириниш-ку,— деб бирдан туриб кетарди.

Тамбурчи Рихсивой ака:

— Дунёда кишига музикадек самимий дардкаш бўлмайди, у ҳам-

гинларнинг қайғусини енгиллаштириб, таскин топтирса, бахтиёр кишиларнинг шодлигига ҳамоҳанг бўла оладиган дўст,— дерди.

Музыка санъати ҳақида баҳс кетганда баъзан поччам, баъзан Асад қори, ўз билганлариғи сўзлардилар-у, аммо Юнусвой ака ўйла-ниб ўтираверарди. Бирор нарса деганини эслай олмайман. У камгап, хаёлчан эди.

Мени таажжубга соладиган нарса шуки, Юнус Ражабийдан маълумотлироқ, кўпчилик орасида ундан ўзини бадандроқ қилиб кўрсатадиганларнинг баъзилари оддий созанда, баъзи бирлари эса мозорга шайх бўлиб қолди-ю, аммо кўринишда ҳаммадан содда Юнусвой ака, ҳа йўқ, ҳу йўқ, академик бўлди-кетди!..

Юнусвой ака институтларда ўқиб, турли фанлардан маълумот ҳам олган эмас. Инқилобдан илгари эски мактабда савод чиқарган. Ўзининг айтишича, бутун олган илми ёшлигимдан ўрганган Навоийнинг:

**Одами эрсанг демагил одами,  
Ониким йўқ, халқ ғамидин ғами!—**

мисраларининг маъзини чақиш-у, умр бўйи шунга амал қилиб, музикани севиш бўлган экан...

Юнус Ражабий билан танишганим, у билан бўлган суҳбатлар ҳақида хаёлга берилиб, унинг уйига қандай етиб қолганимизни ҳам билмай қолибман.

Эшикдан кириб, Юнус акани кўриш билан, Фафур Ғулом:

— Сизга овоз берганлардан бири, академик Фафур Ғулом, биз бўламиз. Мен овоз бермасам балки, ўтмасмидингиз!.. Ҳаммани бир марта бўлса, бизни икки марта зиёфат қиласиз! Ҳа, шундай эмасми?— деб ясатилган дастурхон атрофида ўтирган домла Ҳабибий ва бошқа меҳмонларга ҳазил назари билан қаради.

Ўтирганлар Фафур Ғуломнинг бу ҳазилига ким қандай жавоб қиларкин дегандек, бир-бирларига нимкулги билан ўйчан тикилишди-ю, аммо ҳеч бири гап бошламади. Чунки буларнинг ҳар бири сўзамол бўлишига қарамай, ҳазил-ҳузулга шунчаки кулги деб эмас, балки ақл ва доноликнинг синови, деб қарарди.

Айниқса, Фафур Ғуломдек сўзамол ва обрўли одам билан ҳазил қилишга, албатта, ҳамма ҳам ботинавермасди. Чунки кулдираман, деб ўйламай-нетмай оғзига келган гапни айтиб қўйиб ўртада ўзи кулги бўлиб қолишдан ҳамма қочарди. Буни ўзи учун катта ор санашарди. Айниқса, Фафур Ғуломнинг руҳи баянд вақтларда унга унча-мунча одам бас келмасди. Буни сезган Юнусвой ака:

— Зиёфатдан қочмаймиз-у, лекин, тўғриси айтсам, академик бўлиш, етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди...— деб жиддийроқ оҳангда гап бошлаган эди, Фафур Ғулом, давомини эшитмаёқ:

— Ҳали қўйиб берсак, «академик бўлмасангиз бўлмайди, деб ялинишди, мажбур қилишди» ҳам дерсиз,— деб гапни яна ҳазилга бурди. Яна ўртада кулги бўлди. Лекин Юнусвой ака ҳаммага қўшилишиб кулиш ўрнига Фафур Ғуломнинг ҳазилини тушунмади ёки тушунса ҳам у билан айтишиб енгил қийин, деб ўйлаганиданми, ниманидир ўйлагандек бош тебратиб, унга жиддий тикилди. Умуман, Юнус Ражабий ҳар нарсага кулавермасди. Ҳатто ўзи бирор қизиқ гапни айтгандек бўлганда ҳам, баъзилардек олдиндан ўзи кулмасдан, аксинча, жиддий бир гапни айтаётгандек ўйчан ҳолатга кириб, бошқаларнинг эътиборини ўзига тортиб олиш одати бўларди. Бу сафар ҳам худди шундай қилдим, Фафур Ғуломга тикилиб:

— Энди, Фафур, нима десам?! Академик бўласан, деб мажбур қилишга ҳеч ким мажбур қилгани йўқ-ку, аммо ўзим мажбур бўлганим рост!— деди.

Бундай жавобни кутмаган ва буни ҳазилми, чин эканини ҳам тушунолмади, ҳамма қатори кулиш, кулмаслигини билмай, таажжубланган Фафур Ғулом:

— Тавба, нега мажбур бўласиз? Мажбуран ҳам одам академик бўларканми?— деган эди, Юнусвой ака:

— Бўларкан, бўлади! Мени халқ мажбур қилди! Мажбур бўлганим шуки, ўзинг биласан, музикамиз бой, битта «Танавор»нинг неча хили бор. Халқ куйларимизни биров ўзича қайта ишлаяпти, бировлар ўзича чалиб ётибди... Яқинда бир тўйда «Ушшоқ»ни Навоий газали билан ашула қилиб айтаётганларини эшитиб қолдим. Навоийда йўқ «Жонингдан-эй», «Айланиб кетай» сўзларини ўзидан қўшиб айтяпти. Зарбларни, энди асло қўяверасан, боши-кети йўқ. «Ушшоқ» эмас, нон ушоғи бўлиб кетган. «Ахир, Навоийда бундай сўзлар ҳам йўқ, «ушшоқ»да бундай зарблар ҳам йўқ-ку?», десам у:

— Ҳой, уста, бу тўйчилик, баъзиларнинг кайфи ҳам бор, уларга шунақа сўзларни қўшиб, шўхроқ қилиб чалмасангиз обрў топасизми, чапак чиқадими,— деса бўладими? Ахир, санъатимизнинг тақдирини, уни шунчаки бир эрмак, деб тушунадиган, енгил шўхрат йўлини излаган ўшанақа ўткинчи созандаларнинг қўлига ташлаб қўйиб бўладими? Қўлимдан келганча музика бисотимизни нотага кўчириб ёзиб чиқишга мажбур бўлдим. Хўш, бу мажбур бўлиш эмасми?— деб атрофидагиларга табассум билан назар солди.

Юнусвой аканинг ҳазил баҳона йўлини топиб ўз қилган ишларини усталик билан айтиб берганига тан берган Ғафур Ғулوم:

— Мажбур бўлганингизни тушундик, шу билан қора қўйни сўйишдан қутулдим, демоқчи бўлсангиз, майли, шу қилган хизматингиз учун мен сўйиб бераман,— деди.

Икки буюк билимдоннинг ҳазил-ҳузулига зеҳн солиб, бир чеккада кузатиб, унча-мунча гапга аралашмайдиган, аралашганда ҳам Навоийнинг:

**Сиҳат тиласанг кўп ема,  
Иzzат тиласанг кўп дема!..—**

ҳикматига амал қилиб, керакли гапни айтадиган Ҳабибий домла ўзига хос мулоимлик ва одоб билан:

— Ғафур ака, сиз билан Юнусвой ака топган шон-шўхрат, обрў ҳақиқий, боқий! Айрим ўткинчи ашулачилардек, енгил-елпи мақтовга берилиб, унга мағрур бўлиш, бу айрим шоирларнинг қўчқор уриштиришда топган обрўйдик гап.

«Қўчқор уриштириш нима? Ҳабибий домла буни нимага ишора қилиб айтди?», ўтирганлар тушунолмаб бир-бирларига ҳайратомуз тикилишди.

Ҳабибий домла одатда улфатчилик ёки кўпчилик орасида бирор нарса ҳақида узундан-узоқ тафсилот билан гапиришни фаросатдан, деб билмасди. Айниқса, бошқалар гапираётганда сўзини бўлиб, ўзи гапириб кетишни мутлақо беодоблик санарди. Умуман, кўпчилик ўзбек мўйсафидларидек домла Ҳабибий ҳам биров гапирганда қўл қовуштириб, бош силкиганча сукут сақлаб тингларди. Сўзловчининг ҳикояси жуда авжига чиққанда ўз муносабатини билдириш учун ўқтин-ўқтин гап орасида қисқагина «бай-бай-бай», ёки «ҳой-ҳой!», деб бош тебратиб қўярди. Аммо бу кесатиқми, мақтовми, унча-мунча одам дарҳол фарқ қилмасди. Бунинг фаҳмига Ҳабибий домланинг феълени билган Ғафур Ғулум, Юнус Ражабий етарди-да, «бўлди, домла, кесатманг, бу ёғига ўтмай қўяқолинг», деганда, буларнинг зийраклигига тан бериб, «хўп», деб домла ҳам кулиб юборарди.

Ҳозир ҳам домла «қўчқор уриштиришга ўхшаган...», деб гапнинг учини чиқарди-ю ўтирганларнинг юзларида «Бу нима деганингиз?», «Қани, гапиринг!» аломатини сезмагунча сукут сақлаб тураверди.

Ҳабибий домланинг ҳозирги ҳолатини кўриб, бир воқеа хотирамдан кечди.

Ешлардан иккитаси тўртта эзманинг суҳбатига кириб қолибди. Урнидан турай деса, гапнинг кети кўринмасмиш. Охири, бирининг

юраги ёрилгудек бўлиб, беодоблик бўлса ҳам ўрнидан туриб, чиқиб кетибди. Иккинчиси эса ўтираверибди. Оғайниси ундан, узундан-узок, ҳаммага маълум гапларга ичинг пишмай қандай чидаб ўтирдинг, деса, у:

— Мен уларнинг гапларини эшитганим йўқ, қулоқ солгандек бўлиб, ўзимнинг қиладиган ишларимни ўйлаб ўтирдим. Ухлаб қолмаслик учун унда-бунда бошимни лиқиллатиб «ҳа-ҳа», деб қўйдим, холос,— деган экан.

Ҳабибий домла киши руҳиятини чуқур фаҳм этадиган одамлардан эди: Ҳозир ҳам «қўчқор уриштириш» деган гапни айтди-ю, тафсилотини айтиш эзмалик бўлмасмикан, деган андиша билан сукут сақлади. Аммо кишилар чеҳрасида ҳайрат ва «қани, гапиринг» аломатини сезгандан кейингина қўчқор уриштириш ривоятини айтиб берди.

## РИВОЯТ:

Қадимги вақтларда наврўзи олам байрамида, одамлар сайилга чиқиб, катта-катта майдонларнинг бир томонида дорбозлик, бир ёғида қўчқор уриштириш, яна бир ёғида мушоиралар бўларди. Бир неча шоирлар мушоирада шеър ўқиш учун келсалар, шеър ишқивозлари жуда кам, йиғилиб, кўпчилик эса қўчқор уриштириш-у, дор томоша қилишга кетиб қолибди. Буни кўрган шоирлардан бири шерикларига:

— Бу ерга кам одам йиғилибди, бу ерда нима қиласанлар, бизлар билан юрларинг, гулдурос қарсак қўчқор уриштирадиган жойда бўлади,— деганда, бошқа бир шоир:

— Сенларга қарсак керак бўлса, бораверинглар, у ердагилар қарсакни сенларнинг шеърингга эмас, қўчқорнинг уришганига чалади. Биз шеъримизни ўнта бўлса ҳам, уни тушуниб, ундан завқ оладиганларга ўқиймиз. Уринсиз мақтовдан ўринли танқид афзал,— деган экан.

Ҳабибий домланинг ҳикояси шу ерга келганда, арузда ёзган бирикки ғазалини қўшиқ қилдириб, «шоирман!», деб гердайиб юрганлардан бири Юнусвой акани табриклаш учун келиб қолди. Бундайларни Ғафур Ғуломнинг жини ёқтирмасди. Лекин Ғафур ака у одамни кўриши биланоқ нимадандир қувонгандек «қани, келинг, ўтиринг!» деб бир чеккадан жой кўрсатди-да, ҳозирги ҳикояни бу одам эшитсин учун Ҳабибий домлага яна қайтадан айттирди. «Келиним, сен эшит», дегандек, Юнусвой акага қараб:

— Ахир, Юнусвой ака, сиз қўлга чолғу, мен қалам олган вақтларимда на телевизор, ҳаттоки на дурустгина радио бор эди. Ҳозирги айримларга ҳайронман, тўртта шеър, иккита музика ёздими, дарров радио-телевизорга чиқиб, ўзини халққа кўрсатиб, кўз-кўз қилгиси, ном чиқаргиси келади. Кўчада кўрганларнинг ана палончи келяпти, дейишларига интилади!— деди.

Ғафур Ғуломнинг бу гаплари, албатта, ҳозиргина кириб келган кишига ишора эди. Буни сезган Юнусвой ака келган меҳмонни хижолатдан қутқариш мақсадида бўлса керак:

— Одамлар ҳурмат қилса, палончи келяпти, деб ўрнидан туриб юқоридан жой кўрсатса, бу жуда яхши, лекин...— деб гап бошлади. Аммо Ғафур Ғулом унинг гапини бўлиб:

— Бутун гап ўша «лекин»ида! Тўғриси айтганда, ҳа, яна ўзини мақтаяпти деманглар-у, ахир, сиз билан мен қаерга бормайлик, Қозоғистонми, Тожикистонми, ҳатто Москвами... башарамизни кўрмаган бўлсалар ҳам номимизни эшитганидан, китобларимизни ўқиб, ашуламизни тинглаб маъқул бўлганидан, ана Ғафур Ғулом, ана Юнус Ражабий деган зўр композитор, шоирлар келяпти, деб ҳурмат қилган,— деди.

Юнусвой ака:

— Халқимиз «Тамагир — ҳамиша ғамгин», деб бекор айтмаган,

йиғилиб турган тўртта одамга кўзинг тушганда, «ана ўшалар ҳозир мени роса мақташаётгандир, ҳавас билан мен ҳақимда гапираётгандир», деб ўзича гердайиб, мақтов таманда яшашдан ҳам оғир дард борми? Ундай одамларнинг хаёли ижод ўрнига мақтовда бўлиб тама адо қилади. Тама ёмон,— деган эди, Юнусвой аканинг гапини тугашига сабри ҳам етмай, айтмаса бўлмайдиган бир гап топгандек Али посонги гапира кетди:

— Яқинда магазинлардан бирига кириб, икки-уч одамнинг жанжалли устидан чиқиб қолдим:

— Беш юз грамм ўрнига тўрт юз тортдинг-ку!

— Эй, олиб кетавермайсизми, жанжаллашмасдан!

— Акт ёзаман.

— Эй, амаки-е, қайси бирига акт ёзасиз?

— Ҳамма жойда шундоқ демоқчимисан?

— Ҳаммамиз ҳам фаришта эмасмиз! Еки ўзингиз маошга яшайсизми?

— Ҳаммани ўзингга ўхшатма!

— Қайтадан торттириб арзимаган нарсага вақтни олманг!

— Ундан юз грамм урса, арзимаган нарса деб кетаверсак, бундан 50 грамм урса, индамасак... Қимнинг ёнини оляпсанлар?! Шу муттаҳамни бойитишимиз керакми?

Бу гапни эшитган сотувчи бирдан ўдағайлаб ўз ҳақини талаб қилиб, ҳақиқатни айтган одамга: «Сен ўзинг кимсан? Қўлингдан келганини қил! Сени ундай қилиб юбораман, мундай қилиб юбораман», деб ҳақорат қила кетди.

— Бу манманлик унда қаердан пайдо бўлган? Нимага ишониб дўқ қилади? Бизлардан ўғирлаб орттирган бойлигимми? Ҳа, уларни унча-мунчани менсимайдиган, тилини узун қилиб қўйган бизларнинг ҳақларимиз эмасми?— десам, ёнимда турганлардан бири:

— Бўлди, акажон, жанжаллашманг, вақтимизни олманг,— деб сотувчининг ёнини олса бўладими?! Сабабини билсам, бу «менга яхшироқ молдан берсин», учун ўша муттаҳам сотувчига бўлаётган хушомад экан.

Ўтирганлар «Бу гапни нега айтяпти», дегандек, ҳайрон бўлганларини сезган Али посонги:

— Мен бу гапни Юнусвой акамни академик бўлганларига чин кўнглимдан севиниб кетганимдан айтяпман. Ахир, ўз нафси, ўз шуҳрати, амали учун сотувчига ўхшаган нопок одамларни «Сиз олижанобсиз, меҳрибонсиз», деганлар озми? Одамзодга амал-мартаба, шуҳрат ўзи нимага керак? Эл ичида обрў топиш, ном чиқариш учунми? Қилган ишинг халққа фойдаси тегмаса, минг ном чиқарма, унинг шуҳрати дарров сўнади, ўлади. Юнусвой акага ўхшаб халққа хизматни қойил қилиб, ҳалоллик билан академик бўлиш!.. Эҳ-ҳа!.. Ҳаммагаям-чи!.. Буни инсоф дейди! Инсоф— деб Ҳабибий домлага назар солди. Буни куйиб-ёнганини сезган Ҳабибий домла:

— Ҳай-ҳай. Албатта, инсофда гап кўп! Ахир:

**Дунёни обод қиладиган ҳам, барбод қиладиган ҳам Инсон,  
Инсонни одам қиладиган ҳам, адо қиладиган ҳам Инсоф!—**

деб бекор айтилмаган!..— деди-да, «Эшитганлар нима деркин», дегандек ўз одати бўйича бош тебратиб сукут сақлади.

Хаёлимдан «Наҳотки одамни одам қиладиган меҳнат, илму хунар, истеъдод эмас, инсоф бўлса! Инсоф ўзи нима?», деган фикр ўтди. Аммо шу орада келди-кетди меҳмонларга қараб, бир чеккада ўтирган Юнус Ражабийнинг акаси Рихсивой ака:

— Ахир, мўйсафидларимиз тўй-томоша, маъракаларда тилак тилаганларида, узундан-узоқ «Тани-сиҳатлик, хотиржамлик, узоқ умр, бахт-саодат берсин», деб ўтирмасдан қисқагина «Ҳаммангга инсоф берсин», деб бекор айтадиларми? Инсоф бўлмаса орттирган давлатнинг



ҳам, тошган илму амалинг ҳам бекор...— Бунга мисол сифатида яна нимадир айтмоқчи эди, одати бўйича ҳамманинг гапига ё аралашиб, ё қўшимча қилиб турадиган Али посонги худди оғзидан биров гапни олиб қўяётгандек шошилиб:

— Рихсивой ака, бизнинг бир қўшнимиз бор эди, яқинда қамалди. Тинтув вақтида уйдан олтин-кумуш каби қимматли идишлардан ташқари, юз минглаб пулу тилла заёмлар ҳам чиқибди. Қамалишидан икки-уч кун олдин бир қўшниси муҳтожликдан ўн сўм сўраса: «Эй, ортиқча пул менда нима қилсин, ўн сўмим бўлса, шу ерда турармидим деб», бермаган экан. Одамларга ҳайронман, бир сиқим ошга шоҳ ҳам, гадо ҳам тўяди. Шу ошни олтин товоқда единг нима, сопол товоқда единг нима? Олтин товоқда ейман, деб ўғирлик қилиб, хавфу хатар билан яшашнинг нима гашти бор. Тавба! Инсоф бу — ҳаддан ошмаслик! Ахир, халқимиз «Ғар бўл, ўғри бўл, инсоф билан бўл», деб бекорга айтмаган,— деб одати бўйича бош тебратиб ўтирган Ҳабибий домлага гапим маъқул бўлди шекилли, дегандек қаради.

Ҳабибий домла «Ҳай-ҳай-ҳай-ҳай! Ҳикмат, ҳикмат! Лекин ҳаммага инсоф берсин. Лаббай? Хўш?», деб атрофга назар солиб қўйди.

Ҳабибий домла «Ҳаммага инсоф берсин», деган гапни ўзингиздан катта, билармон одамлар олдида ҳадеб маҳмаданалик қилиб, оғзингизга келганини гапираверманг», маъносида айтган бўлса ҳам, лекин Али посонги унинг «ҳай-ҳай-ҳай-ҳай» деб бош силкишини «қойил қилдингиз» маъносида тушуниб, инсоф нималиги ҳақида яна гапирмоқчи эди-ю, Юнус Ражабий Ҳабибий домлага «Ҳадеб буни жавратаберманг», дегандек қараш қилди.

Али посонгини ҳадеб маҳмаданалик қилиб, бошқаларга гап бермай жаврашидан гаши келиб турган Ғафур Ғулом:

— Инсофда ҳам инсоф бор, домла! Баъзан инсоф ҳақида гапирамиз-у, аммо асли инсоф нималигини ўзимиз билмаймиз. Асли инсоф ҳар бир нарсанинг меъёрини билишда. Масалан, ёлғон билан ростгўйлик бор.

#### ЁЛҒОН ВА РОСТГЎЙЛИК ҲАҚИДА:

Донишмандлардан бири икки кишининг жанжали устидан чиқиб: «Хўш, нима гап бўлди?», деб сўраса, уларнинг бири:

— Бу ноинсоф мени ёлғончи деб ҳақорат қилди,— дебди.

Донишманд:

— Қани, инсоф билан ўзинг айт-чи, ҳеч умрингда ёлғон сўзламаганмисан?

— Ёлғон сўзлашдан худо асрасин, астафтурулло!

— Худди шу ерда ёлғон сўзладинг! Инсофсизлик қилдинг! Қани, менга айт-чи, сен ёш болага дори ичирган чоғингда «Бу жуда аччиқ, бемалол ичавер», дейсанми ёки ширин дейсанми? Албатта, унинг фойдасини ўйлаб, аччиқ бўлса ҳам «ширин» дейсан. Хўш, бу ёлғонми, ростми? Албатта, ёлғон!— дебди донишманд.

Ёки:

— Бирор беморни йўқлаб борганингизда, унинг оғир аҳволини кўриб, кўнглини овлаш учун ёлғондан бўлса ҳам «Тузалиб қолибсиз», тариқасида гапирасизми ёки ростини айтиб, «Чўп-устихон бўлиб қолибсиз, кўзларингизда нур қолмапти, рангингиз заъфарон, киши қараса қўрқадиган даражага келиб қолибсиз», тариқасида рост гапларни айтасизми? Албатта, бундай демайсиз! Ҳар бир ишда ҳам, гапда ҳам инсоф бўлиши керак,— деб Али посонгига ишора қилди.

Одати бўйича Али посонги бунга қўшимча қилмоқчи эди. Ғафур Ғулом гапида давом этди:

#### ЯХШИ ВА ЕМОН НИЯТЛИ ОДАМЛАР ҲАҚИДА РИВОЯТ:

— Бечора тилаб-тилаб, мана охири кексайганида фарзанд ҳам кўрибди. Қувончини қўяверасан!

— Ҳали жуда ҳам қувонавермасин! Олдинда қорачечак, қиза-миқдек не-не офатлар бор!

— Эй, ниятинг қурсин!

— Тўғри гапни айтсам, ёмонми?

— Тўғрини ҳам инсоф билан-да!

— Фалончи мукофотга қўйилибди, жуда яхши бўпти, тақдирлашга лойиқ эди.

— Эй, мукофотни эмас, ўз соғлиғини ўйласин, эртага ўзи борми-йўқми?

— Нафасингни иссиқроқ қил!

— Менинг отам тўғри гапиришни ўргатган!

— Отанг тўғри гапиришни ўргатибди-ю, аммо инсофдан дарс берманпти!

Инсоф — фақат ҳақиқатни айтиш эмас, кишиларнинг кўнглини топа билиш, меҳрибонлик...

Ғафур Ғуломнинг рост билан ёлғон, инсоф ҳақида чиқарган хулосаларига қойил қолиб, тинглаб турган Малик файласуф, нимадир демоқчи эди, «тарки одат—амри маҳол» дегандек, Али посонги ўз одати бўйича орага суқилиб:

— Ғафур ака, агар инсоф одамга меҳрибонлик бўлса, унда «инсон» «инсоф» сўзидан келиб чиқмаганмикан?— деб савол ташлаб қолди.

Али посонгининг беодоб, эзмалигидан ўз фикрини айтолмай ранжиган Малик файласуф:

— Агар «инсон» «инсоф» сўзидан келиб чиққан бўлса, унда сиз нимадан келиб чиққан бўласиз?— деди. Малик файласуфнинг ҳазили қаттиқ кулгига сабаб бўлди. Менинг хаёлимдан эса икки жиддий воқеа: Орпо жиннининг тўйдаги ўйини билан, қирғовул фожиаси ўта бошлади.

## ҚИРҒОВУЛ ФОЖИАСИ

Қунлардан бир кун Мирзачўлдан ўтадиган канал ёқасида уч-тўрт одамнинг қандайдир нарса устида диққат билан уймалашиб турганига кўзим тушди-ю, машинални секинлатдим. Юзларидаги наришонликни кўриб, минг ҳаёл билан ёнларига яқинлашдим.

Ерда қирғовул ётарди.

У шафақдек товланган қанотларини йкки ёнига ёйиб, мунчоқ кўзларини бир нуқтага тикканча одамлар борлигига ҳам парво қилмасди. У жон бераётган эди.

Мен бу ерларда бир вақтлари анчагина яшагандим. У маҳалларда қишлоқдан район марказига боргунингча тепангдан турли-туман қушлар, тўда-тўда ўрдагу ғозлар йўлингни кесиб, қирғовуллар йўрғалаб ўтарди. Шарпангни сезган тулки орқа оёқларида тик туриб, кўзларини жавдиратиб сени сеҳрлади-да, дам ўтмай худди ўқ теккандек бир ерда чир-чир айланиб, хаёлингни йиғиб олгунингча ҳам бўлмай-қир ортида ғойиб бўларди.

Бу ерларда оқшом чоғлари атроф-тўқайзорлардан чиябўриларнинг бола йиғисидек чўзиқ увлаши эшитиларди. Жимжит тун қоронғисида туйнукдан тушган ёлқиндек бўриларнинг кўзлари ялтиллаб қоларди.

Теварагингда инсондан ташқари яна қандайдир ҳаёт борлигини ҳис қилардинг. Даҳшат аралаш қандайдир гўзалликни сезардинг. Қалбингда меҳр билан бирга нимадир сени курашга ундарди. Сенда қандайдир куч уйғонарди. Ойдин ёз кечаларида чиябўриларнинг увлашларида ҳам қандайдир фароғат нафаси бордек туюларди.

Кейинги йиллари бу ерларга тез-тез чиқиб туришимга қарамай, шу вақтгача на бирон бўри ва на бирон қирғовулни учратган эдим.

Бугун далалар бўйлаб оқаётган канал ёқасида жон бераётган қир-

говулга дуч келиб, унинг ўлимидан ҳам кўра бу ерда қандай пайдо бўлиб қолгани мени кўпроқ ҳайрон қилиб қўйди.

Одамларнинг бири жон бераётган қирғовулни қўлига олиб, атласдек товланган қанотларини ёйиб кўздан кечирди.

— Сочма ўқ теккан десам, изи йўқ.

— Жўжалайдиган фаслда ким отарди, дейсан?

— Одамларда шафқат йўқ!

— Ахир, ов таъқиқланган!.. Қонун бор-ку!

— Қонун бўлган билан инсоф керак!.. Инсоф...

— Қасалланиб, тўдасидан ажралиб қолганмикан?!

— Ғўзага сепилган доридан заҳарланганмикан?!

— Балки!..

Шу вақтгача қанотларини йиғиштиришга ҳам ҳоли келмай жим ётган қирғовул гўё одамларнинг бу гапларини эшитгандай парда босган кўзларини ярим-ёрти очдию нимадандир бирданига даҳшатга тушиб, худди қочмоқчи бўлгандек, қанотларини куч билан ерга уриб питирлатди. Учмоқчи бўлди! Учолмади. Аммо бўйнини олдинга чўзиб, оёқларини орқага узатди. Учаётгандек бўлдию жон берди.

Аттанг!..

Албатта, ҳаётда юз берадиган не-не катта фожиалар, кўнгилсизликлар олдида балки бир қирғовулнинг ўлими ҳеч гапмасдир. Аммо, қирғовул ёки бошқа жониворларни нимадандир заҳарланиб, бевақт йўқ бўлиб кетиши, кичкина гапми? Инсофданми? Бир қирғовулнинг фожиаси ҳеч гапмас-у, лекин бу менинг кўнглимга ўз замирида катта-катта фожиалар бордек ваҳима соларди.

Ахир:

*Кичкинагина икки боланинг уришиши, гоҳо бир неча қўшнилари-нинг жанжалига сабаб бўлмаганми?*

*Баъзан, бир учқундан бутун ўрмонга аланга кетмайдими?*

\* \* \*

**Баъзан сизиб оққан кичик бир томчи,  
Упирган-ку, буюк кўприкларни ҳам.  
Кичик деб қараймиз баъзи нарсага  
Ахир, яралган-ку заррадан олам!**

\* \* \*

**Бир бевурдлик — топган қадрингни  
Совутишга қилар кифоя.  
Кичик ишга ихлос, эътибор  
Буюк ишга бўлар бир поя!**

Мана кичик нарсаларнинг оқибати!

Уйларим интиҳосига етмасдан қирғовул тепасида тўпланганлардан бири ҳазил қилди:

— Ҳой, қани кетдик ё бўлмаса бир қирғовул деб бел боғлаб, «вой жигарим»лаб аза тутасанларми!

— Тўрт йигитнинг биттамизда ҳам пичоқ йўқ экан-а! Ҳаром ўлдириб, қараб ўтирибмиз, сўйиб юборганимизда қиттай қилиб чакак қимирлатишга ярарди.

— Пичоқ деган нарса, қадим қовун полизлару чайлаларда қовун-тарвуз сўйишу йўл-йўлакай бўримиз, тулки ҳужум қилмасин, деб тақиларди... Энди-чи?..

— Жониворларни қириб ташладик, қовун полиз бўлса, ҳалиги ўзинг билгандек...

— Эй! Шафқатсиз бўлиб кетдик!

— Қонунга қарамай қўйдик!

— Қонун чиқариб ҳаммани кетидан биттадан одам қўйиб қўядими? Инсоф ҳам керак-да! Узингда инсоф бўлмаса!..

— Инсоф қаердан? Инсоф ўзи нимадан пайдо бўлади?

## ОРПО ЖИННИНИНГ УИИНИ

Донишмандлар:

— Отингнинг учқурлигини биламан десанг, пойгага сол,  
Илмингни синамоқчи бўлсанг, уламоларга улфат бўл,  
Ҳақиқатни билмоқчи бўлсанг, халқ ичига кир!

деб бекор айтмаган.

Одамлар орасига кирсанг, ҳақиқатан ҳам етти ухлаб тушингга кирмаган не-не доно гапларни эшитасан. Айниқса, маҳалладаги тўю-томошаларда, идораларда бўлаётган ишлардан, ҳаммомдаги жанжал-гача хабардор бўласан. Албатта, бир маҳалла — тобуткаш бўлганиндан кейин одат бўйича аравакашдан министр-гача тўй бўлаётган хондонга бирров бўлса ҳам ҳорманг, бор бўлингга кириб чиқади.

Бундай маъракаларда ҳол-аҳвол сўраш баҳона, дунёдаги бўлаётган ҳодисалару ашула айтаётган хонандаю раққосадан тортиб, кўзингга чалинган қиз-жувонларгача ўрни келиб қолганда ҳазил-ҳузул гаплар гапирилади.

Тўйлардан бирида маҳалламиздаги анчагина ёшга бориб қолган Орпо жинни бирданига ўйинга тушиб кетди. Албатта унинг ўйинини ўйин деб бўлармиди! На башара, на ҳаракатлар музикага қовушарди. Бу бир томондан кулгиликдек кўринса ҳам, аммо жуда ачинарли ҳол эди. Орпо жиннининг ўйинга тушиши сабаб бўлиб, Нодир доктор одамлардаги хусусиятларнинг наслдан-наслга ўтиши, ирсият ҳақида гап бошлаб қолди. Уни Нодир чўзма ҳам дейишарди. Чунки битта «йўқ» деган жавобни қайтариш учун, гапни йўқликнинг сабабидан бошларди.

Гапнинг даромади узунроқ бўлганидан Нодир докторга ҳазил-вонлардан бири ичи пишиб:

— Сергаплик ҳам ирсиятдан бўладими?— деган эди. Бошқаси:

— Ирсият «Қозонда бори, чўмичга чиқади», дегани экан-да,— деб кулги қилди.

Бошқаси:

— Демак, ирсият — олма уруғи олма, қалампир уруғи қалампир,— деб қўшимча қилди.

— Ҳар қандай яхши уруғни ҳам асфальтга ташлаб кетсанг, уна-вермайди. Парваришу жойини топмаса, зотли уруғ ҳам чириб тамом бўлади.

— Тушунарли, ташламанглар! Уша сизлар айтган зотли уруғ қандай пайдо бўлган? Осмондан ўзи тушиб қолганми? Уни ҳам биров парваришлаган, зотли бўлган. Ахир, қадимги газ бўйи келадиган оқ уруғ амирий, пичоқ тегса ёриладиган ананас қовунлар қаёққа кетди? Кимёвий дориларни меъёрида ишлатмай ҳаммасини барбод қилдик. Бўз ерга уруғ эксанг ҳам энди аслидек ҳосил бермайдиган бўлиб қолди, таъми ҳам ўзгарди. Гиёҳванд одамдек химикатларга ўрганиб қолди. Қовунларнинг янги, замонавий бемаза нави пайдо бўлди. Кўпроқ ҳосил олишни ўйладигу инсофни унутдик. Ҳозирги замонда ҳаммадан ҳам кўпроқ инсоф уруғини экиш керак. Келажак авлodge кўпроқ инсоф «ген»дан қолдириб кетаёлик. Шукруллохон, бунга нима дейсиз?— дегандек менга қараш қилди.

Ўтирганлардан бири:

— Инсоф «ген»дан пайдо бўлса, «ген» ўзи қаердан пайдо бўлади?— деган саволни берди.

— Ота-онангдан!

— Ота-онангга қаердан келган?

— Замондан.

— Замондан бўлса, нега битта замонда яшаганлар ҳаммаси бир хил эмас?

— Бу ҳамманинг эътиқодиданми?

— Эътиқодидан...

Юнусвой аканинг уйидаги баҳс вақтида бу гаплар хаёлимга келиб, Фафур ака эътиқод масаласида нима деркин, деб гапга оғиз жуфтлаган эдим, ammo бир масала устида узундан-узоқ майдалаб, эзмаланиб гапиришни ёқтирмайдиган Фафур Фулом:

— Юнусвой ака, бугун бизлар инсоф нима, қандай қилиб шон-шуҳрат топдингиз, қандай қилиб академик бўлдингиз, деб интервью олиш учун мухбирликка келганимиз йўқ. Академикчасига қилиб «Насруллои»ни олинг, академик бўлиб қўлингиз танбурга келмайдиган бўлиб қолган эмасми? Шуни билгани келдик,— дедию, қўлига ликопча олиб:

**Оймома хилла,  
Қанотлари тилла!  
Умр берсин бизга  
Инсоф берсин сизга!..—**

дея ашула қилиб айтиб Юнусвой акага «Сиздан ҳам эшитамизми?», дегандек ишора қилди.

Бунга Юнусвой ака кулиб:

— Ҳаммамизга инсоф берсин, тўғри! Менинг интервьюим ҳам тасомом,— деб ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтариб, Фафур Фулом севадиган куйни чала бошлади.

Фафур Фулом аввалига дуторга қўшилиб хиргойи қилиб турса ҳам, завқини ичига сиздиrolмай, мақом қилиб ўйинга тушиб кетди. Уша кун Юнусвой ака нима машқлар қилди, кимлар қандай ашула айтди, инсоф билан гапирсам, бирортаси қулоғимга киргани йўқ. Бутун фикри-зикрим:

**Дунёни обод қиладиган ҳам, барбод қиладиган ҳам Инсон!  
Инсонни одам қиладиган ҳам, адо қиладиган ҳам Инсоф —**

деган ҳикмат эгаллаб, қулоғим остида:

— Инсоф берсин! Инсоф берсин! Инсоф!.. Инсоф!.. деган садо янграйверди.

\* \* \*

Қайси бир йили, аниқ эсимда йўқ, Москвада Чингиз Айтматов, Мустай Карим, Қайсин Қулиев, Михаил Дудин билан учрашиб, суҳбатлашиб қолдик. Шу суҳбат устига келиб қолган Давид Кугультинов газета редакцияларидан биридан келаётган, ҳеч қандай мақсадсиз айрим ёшлар орасида содир бўлаётган жиноятлар, уларнинг сабаблари ҳақида ўз фикрини баён қилувчи бирор мақола ёзиб беришини сўраганлари ҳақида гапириб, редакцияга келган айрим хатларнинг мазмунини айтиб ўтди.

Хатлардан бирида икки ўспирин йигит кўчада келаётган эр-хотиннинг йўлини тўсиб пул сўраганликлари, улар қаршилиқ кўрсатганда ўлар даражага келтирганларини, худди шу йигитлар кейинчалик темир йўл стрелшигидан пул сўраганлари, акс ҳолда келаётган поездларни тўқнаштириб юборажақларини, ёшлардаги бу шафқатсизлик жиноятларга бу қадар масъулиятсизлик билан қараш қаердан пайдо бўлгани, унинг сабаблари ҳақида редакция фикрини билмоқчи бўлиб ёзганликларини гапириб берди.

Михаил Дудин:

— Инсон тарбиясида энг муҳим омиллардан бири она ерга муҳаббат деган фикрни билдирди.

Мустай Карим:

— Инсонда, албатта, ниманидир севиш — нимадандир нафратланиш ҳисси бўлиши керак. Тарбияда энг асосий нарса — кўпчилиқнинг нафратидан қочиш, ор қилиш ҳиссини уйғотиш...

Чингиз Айтматов ана шунинг эътиқод эканини, уни мустаҳкамлаш зарурлигини айтди.

Ҳаёт, ҳаётни билиш нима? Албатта, бу ГЭС, кўп қаватли бинолар, завод-фабрика, пахтазорда олинган юксак ҳосил эмас, албатта. Бу ўшаларни яратган одамлар ва уларнинг руҳиятини, ички дунёларини,

улар «энг муҳими» деб нималарни тушунишларини билишдан иборат эканлиги ҳақида гапирди.

Менинг назаримда инсон учун ҳаммадан энг муҳим нарса — эътиқод бўлиб туюлди.

Халқимизда:

— Умрингда битта нон кўтариб, битта беморнинг кўнглини овлаганмисан?

— Савоб учун у ердаги нарсани бу ерга олиб қўйганмисан?

— Эътиқоди суст одамда инсоф нима қилсин?— деган гаплар бор.

Отам:

— Кимдандир чўчиб ёки қонундан қўрқиб гуноҳдан ўзини тийиш, гуноҳ қилмаслик покликка кирмайди, бу зўрма-зўрақи поклик! Ҳақиқий поклик кишининг эътиқодидан туғилиши керак. Эътиқод эса бу сенинг ички дунёинг дерди.

Бунга мисол тариқасида отамдан эшитган бир ривоятни айтиб бергунимча ҳам бўлмай, дўстларимдан бири ҳазиллашибми ёки чинданми:

— Расулга ўхшаб сен ҳам отангни доно қилиб юборибсан, унинг отаси шоир ҳамда олим бўлгани ҳаммага маълум, у отасининг номидан ҳар қанча гапирса киши шубҳа қилмайди. Энди, сеники... деган эди, аниқ эсимда бор, Қайсин Қулиев:

— Бу гапларни отаси эмас, Шукруллонинг ўзи тўқиб, отаси номидан гапиряпти демоқчи бўлсанг, хато қиласан. Чунки Шукруллонинг отаси доно одам ўтмаган бўлса, бу ақлли гаплар Шукруллога қаердан келарди. Ахир, «ген» деган нарса бор-ку!— деган эди, ҳамма унга қўшилиб:

— Қани, отанг айтган ривоятни эшитайлик,— деди.

Мен айтиб бердим.

#### РИВОЯТ:

Қадим замонларда мўйсафид бўлиб қолган бадавлат оталардан бири вояга етган беш ўғлини ёнига ўтқазиб: ўғрилик, порахўрлик, одам ўлдириш, киши ҳақиқа хийнат, тухмат, бегона хотинларга кўз олайтириш гуноҳ эканини тушунтириб, бунга амал қилмаганлар жазога тортилиши ва меросдан маҳрум қилинишини айтибди.

Қунлар ўтиб, ўғилларининг ҳалоллигини синаб кўриш ниятида шаҳардан нарига сайилга олиб чиқибди-да, ҳар ер-ҳар ерга ичига олтин солинган ҳамёнларни ташлаб қўйибди.

Айримлари буни кўрмаган бўлса, кўрганлари эса, отам буни синаш мақсадида қилган бўлса, кўриб қолиб меросдан маҳрум этиши мумкин, деб олишга журғат этмабди.

Аммо кичик ўғли олтин ҳамённи кўриши биланоқ қўлига олибди-ю, атрофига олазарак кўз югуртирибди. Ҳеч ким йўқлигини сезгач, дарҳол кўздан ғойиб бўлибди. Буни кузатаётган акаларидан бири ўз поклигини билдириш ниятида дарҳол отасига бўлган воқеани маълум қилибди.

Бундан ҳайрон бўлган ота сукутга тушибди, аммо бирор гап айтишига шошилмабди.

Кечқурун ўғиллари жам бўлгач, воқеани суриштирганда, кичик ўғил:

— Мени сизлардан ажралиб, кеч қолишимнинг боиси шуки, ҳамён ичида олтин тангалар борлигини кўришим биланоқ йўқотган одамнинг аҳволи, не ниятлар билан буни топиб йиққанлиги-ю, йўқотган чоғидаги нолаю қарғишлари хаёлимга келиб, уни топиш ниятида одам изи тушган томонга югурдим. Эгаси чиқмагач, кўпчилик ичида бир фақирга хайр қилдим,— деган жавобни айтибди.

Буни эшитган ота:

— Баракалла, офарин, бутун мерос сизга,— деганда, катта ўғил:

— Ота, ахир, бу инсофдан эмас-ку! Ердаги ҳамённи мен ҳам кўр-

ган эдим, лекин бировнинг ҳақи, ҳаром бўлади, деб олмаган эдим! Мерос менга эмас, нега бунга бўлади?— деганда, ота:

— Сенинг олмаслигинг, бировнинг ҳақидан қўрқишинг, раҳм қилганингдан эмас, олганимни кимдир кўрса, бундан отам хабар топса, меросдан маҳрум қилади, деган ҳисдан туғилган. Қонун суёт жойда сендек одамлар жиноятдан тоймайди. Уканинг қилмиши эса, қонуний жазодан қўрққанлигидан эмас, ички эътиқоддан, инсонга меҳрдан,— деган экан.

Менинг колхоз раиси икки оғайним бор. Иккаласи бир вақтда колхозга раис бўлган. Мамарасул Қўчқоровнинг раис бўлганига мана йигирма беш йилдан ошган бўлса, колхозга битта клуб ҳам солгани йўқ. Клуб у ёқда турсин, битта болалар боғчаси қуролмайди. Болалар толга, тутга осилган беланчакда ётади. Иморатлар ҳам, кўчалар ҳам, ернинг гектари ҳам аслида қандай бўлган бўлса ҳали ҳам ўша-ўша. Битта ўзгариш шуки, раисликка сайланганида колхоз пахтадан 20 центнердан ҳосил олган бўлса, кейинчалик 30 центнерга кўтарилди. План ва мажбуриятни бажариб, район раҳбар ташкилотлари олдида берган ваъдасининг устидан чиқдими, бас... Стадион, клуб қуриш, кўчаларни асфальт қилиш, хонадонларга газ келтириш, бирор янгилик устида бош қотиришга асло тоқати йўқ. Плани бажариб, қулоғи тинч бўлса бўлди.

— Одам кўрса яйраб ҳавас қиладиган бирор қурилиш, тузукроқ боғ-роғ, шийпон қилмайсанми,— десам:

— У ёққа югуриб-бу ёққа югуриб, бировга яхши, бировга ёмон кўриниб, бировга ялиниб, биров билан уришиб, бирор хато қилиб қўйиб, бошимга бало орттиришга тоқатим борми!.. Энг муҳими — пахта! Пахта планини бажардимми, ҳеч ким менга бир нарса деёлмайди — амалимни ҳам тортиб ололмайди,— деган жавобни қилди.

Аммо, иккинчи оғайним, Аҳмаджон Одилов эса бутунлай бунинг акси. Тиниб-тинчимаган, ўзини ўт-сувга урмаса туролмайдиган одам.

Наманган область Поп районигаги Ленин колхозини ҳозир Ленин номли аграр-саноат комбинатига айланган. Комбинатнинг бир учи Наманган областида бўлса, бир чеккаси тоғлар оша Тошкент областининг Паркент районига келиб қолган. Аҳмаджон колхозга раис бўлганда, колхознинг ер майдони 1500—2000 гектар бўлган, ҳозир эса 270000 гектар. Бир неча районнинг майдонига тенг. Иш ҳам шунга яраша ортган.

Чўлда Навбахор номли шаҳар ҳам пайдо бўлган. Техникум, музика мактабларигача очган. Духовой оркестргача бор. Аллақеълардан кўтос, ёввойи тоғ эчкиси, турли-туман жониворларни келтириб, тоғ бағирларини қўриқхонага айлантирган. Тоғлар тепасидан бир-бирига туташтирадиган яқин йўллар очган, геодезист ҳам, режа тузувчи инженер ҳам ўзи. Шундай режа тузганки, ўзининг ҳикоя қилишича йўллар текинга тушган. Қандай?

Унинг ҳикоя қилишича, пахтанинг парвариши қилиб бўлингандан кейин, айнақса, август ойларида колхозчиларнинг бир неча ҳафта қўли бўшайди. Бундай пайтларда колхозчилар ўзларининг рўзгор ишларига қараб оладилар. Биров уй солади, биров ремонт қилади. Ҳозирги кунда бундай ишларга уларнинг эҳтиёжи йўқ. Иморатни ҳам ремонтни ҳам қилиб берадиган алоҳида бригадалари бор. Хўш, бўш вақтда нима қилишади? Бекор юрмаслиги учун бирор иш топиб бериш керак-ку! Шундай вақтда ўзида мавжуд бульдозерларни ишга солади, йўллар очади, машиналарда шағаллар ташишади. Хўш, бу чиқимларга маблагни қаердан олади? Йўллар министрлигидан. Уларга «Тоғ тепасидан мунча километр йўл қилиб беринглар», деса, албатта: «Бу йил планимизга киритолмаймиз», дейиши турган гап. Шунинг учун ўз кучи билан йўлларни қилиб, йил охирида улар билан учрашади, аҳволларини сўрайди. Улар, айрим колхоз-совхозлар йўл қуриш ишларини бу йил қилолмай, министрлик планини бажаришга

ШУКУРullo ◆ ЖАВОҲИРОТ САНДИГИ

халақит берганларини нолиб айтишади. Одиловдан юз-икки юз километр йўл қурганини эшитгач, уларга жон киради:

— Уша, ўз кучингиз билан қурган йўлингизни бизнинг ҳисобга ўтказинг, ҳақини тўлаймиз, планимиздан камини бажаришимизга ёрдам ҳам бўлади,— дейишади. Шундай қилиб қарабсизки, йўл ҳам битади, меҳнат ҳақи ҳам унади.

Албатта, Аҳмаджон ном чиқариш учун қонунсиз йўллар билан иш битиряпти деганлар ҳам бўлди. Аммо, у ҳеч маҳал бундан талвасага тушмаган. Чунки бу машаққатларни, бу ишларни ўзи учун эмас, халқ учун қилаётганига суюнади. Халқимизда «чумчуқдан қўрққан тарикъ экмайди» деган мақол бор. Ақл бўлган билан ўзингга ишонч, журъат бўлмаса, янгилик яратилмайди.

Аҳмаджоннинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олиши ҳам, СССР Олий Совети депутатлигига бир неча бор сайлангани, ҳам-ма топаётган обрў-мартабаси ҳам унинг шу эътиқодидан!

Отам:

— Эл ичида ҳалоллик билан эътибор топаман, десанг, бир нарсага баҳо берганда «Шу масалага виждон амри билан ёндашяпманми? Ўз нафсим нуқтан назаридан қараётганим йўқми?», деб ўзингга савол бериб кўр. Ҳақиқий эътиқод ана шундан туғилади. Ўз шуҳрати, нафсини ўйлаган уламодан, бозордаги мешкоччи афзал! Чунки унда эътиқод бор,— деб таълим берарди.

### ШАРОБ ИЧМАС ДОМЛА ҲАҚИДА ҚИССА:

*Дам олув кунларидан бирида, бир оз кайфим ҳам йўқ эмас эди, кўнгил тортадиган, ҳазилвон оғайниларимдан бириникига бориб қолдим. Эшикдан киришим билан кайфим борлигини кўрган оғайним шийпонда ўтирган ўрта ёшли, салла ўраган кишига ишора қилиб:*

*— Хотинимнинг амакиси, қишлоқда домлалик қилади, унга башарангни кўрсатма, ўзи ҳам ичмайди, ичганларга ҳам хуши йўқ. Фарзандимиз йўқлигини бизларнинг гуноҳкорлигимиздан, деб қарғаб кетмасин!..— деди.*

*Яқин дўст бўлганим учун:*

*— Хуши йўқ бўлса, менга қуйиб беравер, панада ўзим ичаман,— дедим-да, уйга кирдим. Дўстим мен билан бир оз ўтиргач, чиқиб кетди.*

*Елғиз ичиб бўладими, нима гашти бор! Шайтон васваса солиб, кўнглимга бир фикр келди-да, бир шиша очилмаган шаробни ёнимга солиб, шартта домла ўтирган шийпонга бордим. Мени кайф билан кўрган дўстим, нима қиларини билмай гангиб қолди. Аммо мен:*

*— Ассалому алайкум вараҳматилло, ваборакотух,— деб қироат билан салом бериб, домла билан кўришдим. Гап орасида «астафхуруллоҳ, лоховла волақуввата»ни ўқиб қўйдим. Қироат маъқул бўлган домла:*

*— Қуръондан хабарингиз борми?— деб сўради.*

*— Қуръони шарифни биламан, демакнинг ўзи ҳам гуноҳи азим бўлади. Бир вақтлари, инқилобдан олдин, Маккаи Мадинада, кейинчалик Бухорои шарифда озми-кўпми таҳсил кўрганмиз, тақсир,— дедим-да, ёнимдан бир шиша шаробни олиб, «ассалотий вассалом, аз ризҳи куллпаякун», деган оғзимга келган сўзларни қироат билан ўқиб пиёлаларга қуя бошладим. Бунга ҳайрон бўлиб, кулишини ҳам, коийшини ҳам билмай қолган дўстимга кўз қисиб, домлага шароб тутдим. Домла аввалига сапчиб тушди. Мен эса жиддий оҳангда арабча ўқиган «сурамнинг мазмунини» таржима қилиб бердим:*

*— «Дунёда неки яратилган неъмат бўлса, ҳаммаси худонинг амри билан. Шу жумладан шароб ҳам. Бунга мункирлик қилиш худонинг қудратига шак келтириш», дейилган қуръони шарифда! «Банияти шифо», деб ичиш гуноҳ эмас, қани олинг,— деб, қўлимдаги вонони узатдим.*



Қироат билан айтилган менинг жиддий гапларимдан гангиб қолган домла, гуноҳ бўлмасин деб, мен билан баробар ичиб юборди. Хуллас, ўша куни ҳаммамиз ичдик. Домла ҳам маст бўлди.

— Юракка сингиб бормаган эътиқод кишини кулги қилади,— деган эди, оғайним ўшанда.

Буни эшитган дўстларимдан бири:

— Фақат кулги бўлишдан эмас, ҳатто шармандалиқдан сақлайдиган ҳам эътиқод!— деди-да, хорижга қилган сафари вақтида меҳмонхоналардан бирида юз берган воқеани айта бошлади:

— Меҳмонхонага кириб ювиниб-таранганимдан кейин, йўлдан чарчаб келганим учун, овқатни хонамга буюрдим. Ниҳоятда келишган официант аёл бир оз коньяк билан емиш олиб чиқди. Одамгарчилик юзасидан унга:

— Қани, мен билан ўтиринг, бир оз қуяйми?— дедим. Аммо, у менинг гапимни бошқа маънода тушунди шекилли, «Хотинлар масаласида бу ерда эҳтиёт бўлинг, касаллари бор»,— деган гапни айтиб, мен тутган коньякни миннатдорчилик билдириб ичди.

Мен унга ётарга бир-икки шиша қатиқ ва меҳмон келиб қолса деган мулоҳаза билан яна бирор шиша ичкилик буюрдим.

Орадан кўп ўтмасдан қатиқ ва коньяк кўтарган ўша аёл орқасида бир ёш қизни бошлаб кириб келди. Мен уни қизни бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Лекин официант аёл орқасидаги қизни кўрсатиб:

— Мен сизга жонон топдим. Ун беш ёшда, ҳозиргина ҳаммомдан чиққан,— деса бўладими!

Бу гапни эшитдим-у, қулоқларимга ишонмай ҳайрон бўлиб қолдим. Хаёлимдан «Бу бахтсиз қиз қайси бир бечоранинг фарзанди, нега бу аҳволга тушиб қолган? Нима мажбур этган? Менинг ёшимдаги қайси ноинсоф фарзанди тенги қизга яқинлашади?!»— деган фикрлар чақмоқдек ўтди-да, эшик ёнида турган қизга:

— Сен эшикка чиқиб тура тур,— дедим-да, официантга ҳозир меҳмонларим келишини, илож йўқлигини баҳона қилдим. Официант:

— У узоқ қутолмайди...— деди.

Мен ҳудди бир ёққа шошилгандек коньяк шишасини очиб, унга ва ўзимга қўйдим-да, ичиб юбордим. У ҳам ичди. Худди ростдан ҳам меҳмонлар келадигандай, шошилиб ҳаққини бердим. Чиқиб кетди. Аммо мен ўзимга яна бир қадаҳ тўлдириб қўйиб ичдим. Бўлаётган бу ишларга ҳам кулгим, ҳам йиғлагим келарди. Хаёлимдан ёшгина қиз ва унинг тақдири кетмай қолган эди.

— Одамни одам қиладиган, уни ҳайвондан ажратадиган эътиқод!— деди дўстим ҳикоясининг сўнггида.

Бу ҳикояни эшитган Қайсин Қулиев қадаҳларга шароб қўйиб:

— Эътиқоди мустаҳкам одамлар учун,— деб мен билан уриштирди. Буни кўрган Мустай Қарим унинг сўзини бўлиб:

— Шукруллонинг ичмай қўйиши ҳам албатта эътиқоднинг мустаҳкамлигидан,— деб ҳазил қилди.

Михайл Дудин унга эътироз билдириб:

— Бу — эътиқодга кирмайди. Бу — Шукруллонинг иродасидан. Аммо икки соат бўлса ҳам сени кўриб, гаплашиш учун Москвадан қиш совуғида Уфага бориб келиши, мана бу ҳақиқатан ҳам дўстликка чин эътиқоддан,— дея қулиб ҳазил қилди.

Давид Кугультинов эса, Уфага қилган икки соатлик «сафар»им ҳақида Мустай ўз мақоласида жуда яхши фикрлар билдиргани, умуман, бир-биримизни шундай йўқлаб туришимиз кераклиги ҳақида доно фикрлар айтди.

Инсоф ва эътиқод ҳақида ярим ҳазил, ярим чин фикрларни жиддий тушуниб, ҳали ҳам ўша тўғрида ўйлаб ўтирган Чингиз Айтматов:

— Ҳар қандай эътиқод инсонга меҳр-муҳаббат, шафқатдан туғилган бўлиши керак. Бунга асосланмаган эътиқод халқ ичида узоқ яшолмайди. Асарларимизнинг умри ҳам шуни қандай тушунишимизга боғлиқ деб фикр билдирди.

— Инсонга эмас, ўзимизга бино қўя бошладикми, ўша ерда ҳар қандай истеъдод сўна бошлайди. Уша ерда асар заифлашади.

— Шунинг учун шарқда шоирларни «дарвиш» дейишади.

— «Фақат дарвиш эмас, ҳатто озгина девона бўлмаса шоир бўлармиди!..», деган гап ҳам бор,— деб қўшимча қилдим.— Бунда жон бор. Бу бесабаб айтилмаган. Абу Али ибн Сино подшолардан бирининг касалини даволаб тузатгандан кейин, подшо тила тилагингни деганда, у:

— Кутубхонангиздаги китоблардан фойдаланмоққа рухсат этсангиз кифоя,— деган талабни қилган экан.

Буни эшитган амалдорлардан бири ёнидагига:

— Бу табиб девонароқ шекилли. Соғ бўлса вазирликни сўрамай, бир уй қоғоз сўрармиди!— деган экан. Албатта, бу ҳаётда ўз нафси, ўз шуҳрати учун яшайдиган нафспараст, шуҳратпарастлар назарида таажжуб кўриниши табиий эди.

Сино ҳақидаги бу ривоятни эшитиб, Ойбекнинг икки минг сўмлик гиламни икки ярим мингга олгани, (Ҳа, янглишаётганим йўқ, ҳайрон бўлманг) ҳамда Ойбекнинг рафиқаси Зарифа опанинг у ҳақдаги ҳикояси ҳаёлимдан ўта бошлади.

## ҲИКОЯЛАР:

*Ойбек билан Ўзбекистон ёзувчилар союзида 1946—1948 йилларда бирга ишлаганман. У вақтларда Ойбек ака Ёзувчилар союзида раис, мен консультант эдим.*

*Союз биносининг олд томони ойнабанд бўлиб, деярли ҳамма хоналарга шу ердан ўтиларди. Мен ишлайдиган хонанинг эшиги айвонга қарагани сабабли ўтган-кетган кўриниб турарди.*

*Баъзи пайтларда Ойбек ака ҳордиқ олиш учунми, қандайдир хаёллар билан айвонга чиқиб, у ёқдан-бу ёққа юриб қоларди. Баъзида ўзича қандайдир куйни беихтиёр хиргойи қиларди. У хаёлга шу қадар берилиб кетардики, ҳатто хонамнинг очиқ эшикларидан мен шундоқ кўриниб туришимга қарамай, бор-йўқлигимни ҳам сезмасди.*

*Бундай маҳалларда унинг қуюқ жингалак сочлари яна ҳам паршинороқ, йирик-йирик ёрқин кўзлари яна ҳам чақнаб, менга мўъжизавор туюларди. Унинг ҳар бир ҳаракатида ҳайқириқ солаётган ички бир тугён, катта фикрларининг залвари акс этиб турарди.*

*Бирдан менга кўзи тушарди-ю, «Сиз шу ердამидингиз?» дегандек, тикилиб хонамга кирарди. Чуқур хаёлга берилганидан, бир-икки соат илгари кўришганимизга қарамай, мен билан худди энди учрашгандек «эй, келиб қолибсиз-ку, келиб қолибсиз-ку», деб яна ҳол-аҳвол сўрашарди.*

*Ойбек ака одати бўйича бирор нарса тўғрисида гапиргудек бўлса, икир-чикирларгача эзмаланиб сўзламасди. Ҳамсуҳбатининг гаплари кўнглига маъқул бўлиб қолгудек бўлса, завқ билан, ўшанда ҳам қисқа қилиб «И-я, яхши!.. Яхши!.. «Ёқмаса, қўлларини силкитиб: «Эй, бўлмаяпти!.. Бўлмаяпти!..»— деб қўяқоларди.*

*Бугун менинг хонамга кирганда, столим устидаги даста-даста консультацияга келган шеърларни кўздан кечириб, ниманидир ўйлагандек, кўзлари чақнаб, қўллари ҳаракатга келди-да: «Иш кўп! Кўп!.. Ўзингиз ҳам ёзинг!.. Яхши ёзинг!.. Талантлар борми?»— деб, ўзи зарур ҳисоблаган ҳамма гапларини қисқа қилиб айтиб қўя қолди.*

*Менинг жавобларимга у:*

*— Ҳа, ҳалоллик яхши!.. Ҳа, ҳаллоллик!— «Ҳалоллик» сўзига алоҳида урғу бериб одати бўйича уни бир неча бор такрорлади. Бир оз ўйланиб, кўнглидан нималар ўтказиб, эҳтирос билан:*

*— Ижодкор ҳалол бўлиши керак!.. Ҳа, яхши!.. Ўзингиз ҳам ёзинг!.. Ҳа, ёзинг!..— деб чиқиб кетди.*

*Ойбек ака «ҳалол» сўзини қай маънода: союзнинг ишларига нисбатанми, ижодда ҳам, ҳаётда ҳам, ёшларнинг асарларига нисбатан*

ҳам тўғри гапни айтишни назарга олиб гапирдим, албатта, ўшанда мен аниқ бир хулоса чиқаролмаган эдим. Аммо Ойбек ака ўзининг ҳаёт ва одамларга муносабатини айтгани аниқ эди.

\* \* \*

Тахминан Улуғ Ватан уруши тамом бўлган кейинги йилларда бўлса керак. Ойбек ака гилам олиш учун бозорга тушибди. У гиламни кўрибди, бу гиламни кўрибди-ю, кўнглига ўтиришмабди. Содда харидорнинг исини сезган бозор даллоли, чойчақалик бўлиб қолиш ниятида бир аёлнинг гиламини мақтаб кўрсатибди. Гилам эгаси ўша вақт нархи билан йигирма беш минг сўрабди. Даллол олдиниға ўн саккиз минг, сотувчи кўнмагандан кейин йигирма икки мингга чиқибди. Хуллас, талашув-тортишув билан гилам эгаси сўраган йигирма беш минг эмас, йигирма икки мингга «бор барака!» қилишибди.

Пулни олатуриб, хотин:

— Бу гиламни эрим яхши ниятлар билан болаларнинг тўйига атаб олган эди. Урушда ўлиб, беш етим қолмаганда ўттиз мингга ҳам сотмасдим. Йўқчилик!.. Бунинг пули ҳам қанчага етарди!..— дебди.

Аёлнинг кўз ёши билан нолиб, пул олаётганини кўрган Ойбек ака, бир томони унинг ҳолига раҳмдиллик, бир ёғи даллоллар ўз нафслари учун уни алдаб арзонга соттириб, бечорага жабр қилмадиларми деган андиша билан:

— Гиламингиз яхши!.. Ҳақиқатан яхши!— деб йигирма икки минг ўрнига дастлаб сўраган йигирма беш мингени берган экан.

Гиламни кўраган уйдагилар, баҳосини эшитиб, «нархи қимматроқку», деб оғринганларида, Ойбек:

— Эри урушда ўлган кўн болали бева экан,— деб жавоб айтибди.

#### ОЙБЕК АКАНИНГ РАФИҚАСИ ЗАРИФА ОПА ҲИКОЯСИ:

Сафарда чоғимиз эди. Адабиётга аралашиб юрадиган Ойбекнинг танишларидан бири мени учратиб, минг сўм қарз сўради. Мен Ойбек келсин, имконият бўлса албатта, берамиз деган жавобни қилдим.

Ойбек келгач, пулимиз оз қолгани, кетгунимизча ўзимизга етмаслигини, беш-олти юздан ортиқ қарз бериш имконимиз йўқлигини айтдим. Ойбек рози бўлди. У одам келгандан кейин 600 сўм бердим. Пулни олиб, раҳмат айтиб чиқиб кетди. У кетиши билан Ойбек ўтирган жойидан туриб, чапак чалиб:

— Куйдинг, куйдинг! Бермайди, бермайди! Мендан олиб ҳам бермаган!..— деса бўладими!

— Шундай феъли бор экан, биларкансиз, нега олдинроқ айтмадингиз,— деса, у:

— Сен ҳам бир куй дедим!— деб ўзича завқ билан қотиб-қотиб кулди.

Албатта, Ойбек ака буни Зарифа опани куйдириш учун атайин қилмагани ҳаммага аён. Ойбек буни бошқа ҳис билан қилган эди.

Ойбек ўзи куйса ҳам бировларнинг куйишини истамасди. Унинг буюклиги шунда эди. Аммо бу ҳис унда қаердан туғилган?

\* \* \*

Уруш тамом бўлгандан кейинги йиллари ғалаба кунлари байрамлари кўпинча ёзувчилар союзида нишонланарди. У вақтларда пиво ҳам танқис бўлиб, бир амаллаб бирор бочка пиво олиб келиниб буфет ҳам ташкил қилинарди. Оз-моз ичкиликка, дастурхонга литфонд пул ажратарди.

У нима бўларди, дейсиз! Хоҳлаган одам ўз пулига буфетдан олиб еб-ичарди. Албатта, биз ёш шоирларда бу имкон ҳам у вақтларда йўқ эди. Бундай маҳалларда кўпинча Ғафур Ғулумни «эритардик». Айниқса, Ойбек аканинг буфетчига бир оғиз: «Менинг ҳисобимдан бир

кружкадан буларга беринг»идан жуда унумли, тўғрироғи, зиёфат охиригача фойдаланардик.

Ҳисоб-китоб вақтида харажатнинг ортиқчалигидан бизлардан ташқари буфетчининг ўзи ҳам уриб қолганини сезса-да, «Нега бундай бўлди», демасдан «ҳа-ҳа!» дерди-ю, ортиқча гапирмай тўлаб кетаварди.

Ахир, ўзининг «Навой», «Қутлуғ қон» каби романларида не-не уста, фирибгар, маккорлар образини яратган, бу тоифа кишиларнинг бутун қилмишлари, уларнинг ич-ичларини бошқалардан кўра мукамалроқ билган Ойбекни содда ёки лақма деб бўладими? Йўқ, у тубан одамлар билан майда нарсалар устида талашиб-тортишиб ўтиришни ўзига эп кўрмасди. Булар ҳаммаси унинг каттакўримлиги, ҳаётда катта мақсад ва ўйлар билан яшашидан туғилган эди.

\* \* \*

**«Хўп топиб ёзади киши қалбини,  
Нозик шоир» дейди шеърини ўқиб...  
Шу гапнинг маъносин олмасдан ўқиб,  
Соддага йўяди кўрганда уни.**

**Не-не фирибгарлар кирдикорини  
Бир қалам учиде очолган шоир  
Сенинг юрагингда нелар борини,  
Наҳот, англамас деб ўйласанг, ахир!**

**Гоҳи чимирилиб, гоҳ лабда кулгу  
Уни сеҳрламоқ бўлади, бироқ,  
Макр билан эмас, ақл билан у  
Сени кузатади, солади қулоқ.**

**Камтарлик, дўлворлик, беозорликдан  
Наҳот, фарқ этмасанг лақмалик нима!  
Шундай тубанликка тушганлигиндан  
У хаёлга толса бефаҳм дема!**

**Унинг сукунати-ю, жим боқишидан  
Домимга солдим деб ўйлама асти!  
Аёл инсонлиқнинг тарозусида  
Сени ўлчаб кўриб қайтар ихлоси!**

**Йўқ, шоир ҳиссини бўлмайдди алдаб,  
Сиртдан баҳо бериб бўлмас кишига.  
Инсоф ва виждонинг тошида ўлчаб  
Унинг қимматин бил қараб ишига!**

\* \* \*

Холамнинг ўғилларидан бири жуда сермулозамат, ҳар қандай одамнинг қўйинини пуч ёнғоқ билан тўлата оларди. Унинг қилиқларини кўрган отам:

— Мулозамат, ширин сўз билан кишиларнинг кўнглини овлаш доноликка кирмайди, бунга катта илм керак эмас, бу ҳар бир лаганбардор, маккорнинг қўлидан келадиган иш. Ундайларга ҳавас қилма, ўғлим, мағрур бўл, деб таълим берарди.

Олимлар йиғилган гурунглардан бирида Ойбек ҳақида гап кетди.

— Ойбекдек инсофли одам кам!

— Ойбек оламдан ҳалоллик билан ўтди.

— Шон-шуҳратни ҳам хўп орттирди.

— Шон-шуҳратни жуда севарди, топишни ҳам биларди.

Бу гаплар мени бир оз ҳайрон қилиб қўйди. Чунки бу фикр Ойбек аканинг содда ва камтарлигига бутунлай зид эди. Уша даврада бошқа бир олим:

— Унинг ғурури зўр эди, мағрур одам эди, — деган фикрни айтди.

Ўзим кўрган, билган, ниҳоятда камтарин, умрида мақтаниш нималигини билмаган Ойбекка нисбатан «мағрур», «шон-шуҳрат» каби дабдабали сифатларнинг ёнма-ён қўйилиши, менга мутлақо англашилмовчиликдек туюлди. Лекин Ойбекни жуда яхши биладиган, унга қадрдон шарқшунос олим Порсо Шамсий:

— Шон-шуҳратга интилиш ва ғурурни кўпинча салбий тушунамиз. Қошқийди, ҳаммада ҳам шу ҳис бўлса! Қошки, ҳамма буни Ойбекдек тўғри тушунса!

Тўғри, унча-мунчага салом бермай, қўл учиде кўришадиганлар, гаплашганда ҳам турли артистона ҳолатларга кириб, ўзини бошқалардан баландроқ қўйиб кўрсатишга интилувчилар йўқ эмас. Булар сиртдан мағрурдек кўринадилар. Бироқ бу мағрурликка кирмайди, буни кибр дейилади. Бундайлар ўз манфаатлари деганда ҳар қандай одамга ҳам сажда қиладилар. Унинг кўнглини овлаш учун минг хил тавозе билан яхшини ёмон, ёмонни яхши дейишдан тап тортмайдилар. Бу ғурурми? Мағрурликми? Йўқ, бу тубанлик!

Ойбек эса, ҳар қандай ҳолатда — бахтиёр онларида ҳам, бошига оғир кунлар тушганида ҳам, кишиларга бир хил муносабатда бўлди. Табиати тортган одам билан, у аравакашми ёки министрми — фарқи йўқ — яйраб гаплашарди. Ўзини эркин ҳис қиларди. Кимдир мени мақтармикин деб, тама билан яшамасди. Мана бу гурур эмасми? Бу унинг ўз меҳнати, истейдодига ишончидан, талабчанлигидан эди!

## ҲИКОЯТ:

1966 йил Тошкент зилзиласи муносабати билан ер олиб, янги иморат қурмоқчи бўлдим. Тезроқ кўчиш мақсадида ҳовлимнинг бир томонига фин уйи ўрнатдим. Албатта, бу қўни-қўшнилар учун кутилмаган янгилик эди. Афсуски, яхши маънодаги янгилик бўлмади. Маҳаллада «Шоир Шукрулло пастак тахта иморат қуриб кўчамизнинг ҳуснини бузди», деган гап тарқалибди. Бу гапда ҳам жон бор эди. Атрофимдаги иморатларнинг кўпи пишиқ ғиштдан, баъзилари хом ғиштдан кўкракдор — баланд қилиб, дид билан солинган бўлиб, уларнинг олдида менинг тахта уйим ҳақиқатан ҳам ер бағирлаб қолган эди.

Бундай миш-мишларни эшитган уйдагиларимнинг ҳам, бу эски иморатимиздан ҳам хароб-ку, деб кўчишга раъйи бўлмади. Бундан ташқари фин уйи ҳаммамизнинг яшашимиз учун торлик ҳам қиларди.

Шу гаплар сабаб бўлиб, унинг ёнига мен ҳам пишиқ ғиштдан қўшниларимникидан бир оз баландроқ уй қурдим. Тахта уй қурганимда «Шукрулло деган шоир келиб кўчамизнинг ҳуснини бузди», деганлар энди янги иморатимни кўриб «Шоир Шукрулло кўчамизнинг ҳуснига ҳусн қўшди, дидига балли», дейдиган бўлишибди.

Бу мақтовларни эшитиб севиндим.

Кунлардан бир кун кўпни кўрган, жаҳон кезган оғайниларимдан бири уйимга келиб қолди. Мақтаниб унга:

— Уйим қалай, деб сўраб, «Боплабсан, қойил қилибсан», деган мақтов эшитаман десам, мақтов қаёқда, совуққонлик билан:

— Ҳа, дуруст, ёмон эмас, — деди-қўйди.

Унга:

— Маҳалладагилар ҳаммаси қойил қолишяпти, десам:

— Мен жаҳонни кезавериб шунақанги биноларни кўрганманки, уларнинг олдида сени уйинг... Бу ёғини ўзинг тушунарсан... — деб жавоб қилди.

Бу воқеани ҳозир эслашимдан сабаб шуки, баъзан биз ўз ижодимизни тўртта-бешта китоб ўқиган, дунё адабиётидан беҳабар, маҳалла савиясидаги оғайниларимизнинг диди билан ўлчаб ўзимизча қувонамиз, гердайдиг юрамиз. Катта ўлчов билан ўлчамаймиз.

Ойбекнинг унча-мунча мақтовларга учмаслиги, камтарлиги шундаки, у ўткинчи, майда-чуйда шон-шуҳратлардан боқийликни ажрата биларди. Муҳимдан номуҳимни фарқ қила оларди. Бу унинг юксак талабчанлигидан эди. У оламшумул шуҳрат нималигини биларди.

*Ном чиқариш бошқа, мерос қолдириш бошқа!*

Сухбатларда Ойбек буни кўп такрорларди.

Ўз ишининг ҳақиқий баҳосини билмоқчи бўлсанг, сени танимаган, сени билмаган кишилар назари билан унга қараб кўр!..

Асарларинг савиясини ўлчамоқчи бўлсанг, уйингдагиларнинг ҳам фикрини бил! Аммо, буюк одамларнинг ўқишларини ҳам кўз олдингга келтириб кўр!

*Отам:*

— Умрнинг узун, гапнинг қисқаси яхши, — дерди.

*Шеърларимни тўплам қилаётганимни кўриб:*

— Катта ёзувчи бўлиш учун катта асар ёзиш шарт эмас. Бир-икки яхши асар яратиш кифоя. Умар Ҳайёмнинг тўплами сенинг ёзганларингдан оз. Тўплагингга ҳамма ёзганларингни киритаверма, яхшисини

топгунча китобхон хазон ичидан ёнгоқ қидирган одамдек диққат бўл-  
масин,— дерди-да, ўйланиб туриб:

— Телеграмма ёзганигда ўз фикрингни қисқа ҳамда тушунарли  
бўлишига интиласан, жон куйдириб, сўзларни танлайсан, чунки чиқим  
кам бўлади, кам пул тўлайсан, шундайми? Асар ёзганигда эса, кирим-  
ни ўйлаб уни чўзаверма! Бу сенга пул келтирадию обрў келтирмайди.  
Е пул билан бўл, ё обрў билан. Агар чиндан ҳам сени пул қизиқтир-  
май, муҳим деб ўйлаган гапингни рубойда баён этиш қўлингдан келса,  
қучоқ-қучоқ асар ёзишингни фойдаси йўқ. Очарчилик йиллари сомса-  
пазларнинг сомсасини очлар олиб қочарди-ди, тутиб олиб бўлпосласа  
ҳам сомсани оғзидан қўймасди!.. Шунга ўхшаш, танқид қилишса қили-  
шаверсин, бир амаллаб ёзганларимни китоб қилиб чиқарсам бўлди, де-  
ганларга асло ўхшама,— деб таълим берарди.

Ҳурматли отамнинг жон куйдириб айтган насиҳатларини яна бу-  
гун бир бор эсладим у ўйланиб қолдим.

Мен учун энг муҳим нарса — ушбу китобни ёзиш эди.

Бундан мақсад — шон-шухрат, эътиқод ва севгига менинг муно-  
сабатим ҳақида китобхонларим берган саволларга жавоб қайтариш  
эди. Уларнинг мактублари шарофати билан қўлимдан келганча ки-  
тобхонларим ва ўзим учун энг муҳим ҳисобланган кўнглимдаги фикр-  
ларимни айтишга ҳаракат қилдим, борди-ю, баён қилганларим уларга  
заррача манзур ва кўнгилларига малҳам бўла олса — муродимга ет-  
ганим. Мен учун энг муҳими мана шу!

5/1—1981 — 21/X—1982 йил. Тошкент.

Радищев фалсафасин  
ва Пушкин лирикасин  
Тонглар ўқиб ўтириб  
қалбим топаркан ҳузур,  
Менинг оғам рус бўлур!  
виждоним буюрганин  
Шу шеърга ёзолсам,  
виждондек дуруст бўлур!  
Ғафур ҒУЛЮМ

\* \* \*

Унинг шеъри мисоли олтин:  
Очилади ўқиган сайин.  
Унинг шеъри қиличдан ўткир,  
Чақмоқдан тез, ипакдан майин.

УИҒУН

\* \* \*

Мен — шарқлик.  
Шарқликлар удуми шундай:  
Азиз кишимизни Сиз деб атаймиз,  
Россия тунидан туғилган кундай  
Дилимиз ёритиб яшар даҳонгиз...

ЗУЛФИЯ

1 июнь —

болаларни

химоя қилиш

Халқаро куни

Сами Абдуқаҳҳор

## Шафтоли

Танишим бор — бир боғбон,  
Исмидир Рустамполвон.  
Боғбон бобо кўп қизиқ,  
Табиати эмас зиқ.  
Уста эртақ, мақолга,  
Кўкси тўла соқолга.  
Ёшлари бир кам етмиш,  
Кўрган «бир чинор» демиш!  
Қишлоғидир Яккасой,  
Хушҳаво ва сўлим жой.  
Боғи тўла яшил тоқ,  
Пишиб ётар олма, нок...  
Гулзори гўё гилам,  
Таърифига минг сўз кам...  
Бир куни у бобога —  
Боғига — соф ҳавога  
Дам олиб ўйнагани  
Невараси келганди.  
Хурсанд бўлиб денг бобой,  
Боғига кириб атай,  
Ўзиб чиқди шафтоли,  
Қизғиш ойдек жамоли.  
Сариқ тукли — жўжа денг,  
Мазаси асалга тенг!  
Номи экан «Зарғалдоқ»,  
Оғирлиги уч қадоқ.  
Невара бу «жўжа»ни —  
Олиб зўр мўъжизани,  
Томоша қилди андак:  
— Бобомдан совға, демак!  
Шохим чиқарми есам,  
Соз-ку опамга берсам!  
Шундай деди болақай  
Опага элтди атай,  
Опа қувонди роса.  
Қўлига разм солса,  
Чиндан мўъжиза турар,  
Анвойи ҳид гупурар.

Келса ҳамки егиси,  
Ўз меҳрининг белгиси —  
Дадасига илинди.  
(Эркалиги билинди).  
Дада совғани олиб,  
Ғоят ҳайратда қолиб,  
Минг ташаккур билдирди,  
Матал айтиб кулдирди...  
Ўйлади олдинига,  
Сўнг деди хотинига:  
— Зўр совға берди қизим,  
Сенга келтирдим ўзим.  
Сен есанг — мен еганим,  
Сен деганинг — деганим...  
Ҳа, олтиндай «Зарғалдоқ»,  
Томоша қилди узоқ.  
Сўнг она бу совғани  
Икки қўллаб, шу они  
Элтди ўз онасига —  
Кампирнинг хонасига.  
Бу ерда кампир-буви  
Чоли билан иккови  
Ўлтирар суҳбатлашиб,  
Гаплашиб, чақчақлашиб.  
Кампир боқди маҳлиё:  
— Жаннатда битганми ё?  
Дея чолга узатди  
Ўзи зимдан кузатди.  
Боғбон чол — Рустамполвон,  
Совғани таниб шу он,  
Деди: Қани неварам,  
Қизинг, эри? Аввалам,  
Барин йиғиб кел тезроқ,  
Бизни кутар «Зарғалдоқ!»  
Баракалла, боларим,  
Раҳмат сизга, болларим!  
Шундай яшамоқ керак,  
Бўл оқибатли, демак!

## Робот ҳақида ўғлимнинг сўроқлари

Ада, айтинг, роботлар ҳам сўзлайдими?  
 Уйнайдими?  
 Куладими?  
 Сизлайдими?  
 Катталарни ўз ўрнида кўрадими?  
 Кичикларнинг бошин силаб юрадими?  
 Қариндоши,  
 Уртоғини суядими?  
 Чоллар келса, қўлига сув қуядими?  
 Биладими, нима ўзи салом-алик,  
 Ёки доим юрадими ғўдайиб, тик?  
 Кўзларида меҳр борми унинг жиндак,  
 Юрагида қаҳр борми унинг жиндак?  
 Айтинг, ада,  
 Мени бир чол робот деди,  
 Бу айтганим сенга бўлсин сабоқ деди.  
 Ада, ада, бу сўзни мен «сотиб» олдим,  
 Кўрмадингиз,  
 Тош сингари қотиб қолдим.  
 Икки дўстим жанжаллашди  
 Ёқавайрон.  
 Мен уларни ажратмасдан турдим бир он.  
 «Менга нима» дедим, рости, тикилдим жим.  
 Ажратишни сира-сира ўйламадим.  
 Чол келди-ю, улар кетди икки томон,  
 «Робот» дея мени койиб кетди ёмон.  
 Чол дедики, йўқолмоқда меҳр-шафқат,  
 Бугун ўйлар ўз-ўзини ёшлар фақат.  
 Ана шу сўз, ада, менга қилди алам,  
 Таъсирини кейин билдим мен ўзим ҳам.  
 Кўрмадингиз,  
 Чол қанчалар қари эди,  
 Жуда қари, юз ёшдан ҳам нари эди.  
 Болаларга темир таъсир қилди деди,  
 Қайдан пайдо бўлди робот сабил деди.  
 Ада, сиз ҳам мана, ҳар кун робот дейсиз,  
 Бу — ихтиро.  
 Элга бўлар қанот, дейсиз.  
 Темир одам ясайман деб қувонасиз,  
 Биздан кўра темирга сиз парвонасиз.  
 Дейсиз, бундай юради у,  
 Дейсиз, бундай кўради у,  
 Ишимизни бундай қилар энгил, дейсиз,  
 Керак эмас унга кийим-энгил, дейсиз.  
 Сенга ясаб бераман деб робот ука  
 Ишингиздан шодланасиз жуда-жуда.  
 Қувонаман,  
 Кўплар аданг олим дейди,  
 Бувам бўлса: Сўрамайди ҳолим, дейди.  
 Иш кўп дейсиз,  
 Мен ҳам дейман ишлари кўп.  
 Бувам дейди,  
 Адангнинг ёз-қишлари кўп,  
 Раҳмат сўзин мен роботга алмаштирдим,  
 Қаранг, ада, сўзларни ҳам адаштирдим.  
 Ада, айтинг; роботлар ҳам сизлайдими?  
 Адажон деб,  
 Онажон деб, сўзлайдими?  
 Биз адашсак тўғри йўлга соладими?  
 Темирман деб, темирликча қоладими?  
 Қуёш, юлдуз, ой ҳам унга бари бирми?  
 Ада, ада, айтиб беринг, менга сирни;  
 Йўк, мен робот эмасман, деб чолга айтай,  
 Чол нимага робот деди менга атай.  
 Йўқса, робот ука менга керак эмас,  
 Нима учун қўярканман унга ҳавас.



Юрмоқчиман  
Уйнаб-кулиб, меҳрим тошиб,  
Чол айтгандек кетмайин-да роботлашиб.  
Ада, айтинг, роботлар ҳам куладими?  
Уйнайдими?  
Уйлайдими?  
Сўйлайдими?

## Шўрданақ

Шўрданагим, шўрданақ,  
Қандай эдинг зўр, данак.  
Зўрман дединг, чақдилар,  
Сен ўзингдан кўр, данак.

## Дадам ҳақида қўшиқ

Дадам бирор иш қилсалар,  
Кулиб қўшиқ бошлайдилар.  
Бу қўшиғим сизларга, деб,  
Бизга нигоҳ ташлайдилар:  
«Болаларим соғ бўлсин,  
Доим кўнгли тоғ бўлсин,  
Юрадиган йўллари  
Гул бўлсин,  
Гулбоғ бўлсин.  
Йўлбарсдек қўрқмас бўлсин,  
Ёвни йўлатмас бўлсин.  
Болаларим баланд бўлса,  
Ёмон деган паст бўлсин».  
Дадам бизни ана шундай  
Эркалатиб қўядилар.  
Гап талашсак ака-ука,  
Ранжиб, қовоқ уядилар.

Биз ҳам бир кун ака-ука  
Қўшиқ ёздик адамдақа:  
«Адажоним соғ бўлсин,  
Доим кўнгли чоғ бўлсин.  
Чарчаш деган, ғам деган  
Адамдан йироқ бўлсин!  
Ахир улар яхшилар,  
Адолатчи-ҳақчилар.  
Чўчиб яшар адамдан  
Ёвузлару ваҳшийлар».

Дадам тинглаб қўшиғимиз,  
Секин кулиб қўйдилар.  
«Кам бўлманг-ей, қўчқорларим»,  
Дея бизни сўйдилар.  
Биз суямиз дадамизни  
Бизни суяр дадамлар.  
Мана шундай яшяпмиз,  
Кўриб қўйинг, одамлар!

## Анвар Ҳожи

### Тол

Эшик олдига қатор,  
Қаламчалаб, тол экдим.  
Иссиқ қилганда безор,  
Соясида мириқдим.

Эшик олди кўп шинам,  
Ўтса ҳар ким қарайди.  
Бобомга новдаси ҳам  
Ҳассаликка ярайди.

### Йиғлоқи

Эй, йиғлоқи-йиғлоқи,  
Ларзада уйнинг тоқи,  
Йиғлайсан то ётгунча,  
Ётгандан — тонг отгунча.

Кулиб бир қарашинг йўқ,  
Аммо кўзда ёшинг йўқ.

Йиғлашинг бари ёлғон,  
Бу ишни ташла, нодон!

Ҳаммани қийнадинг-ку,  
Ахир қандоқ боласан?  
Йиғлашингни қўймасанг,  
Ука, ўсмай қоласан!

## Ёнғоқ

Мен ёнғоқман,  
Ёнғоқман.  
Ичим тўла  
Мой-ёғман.

Чақиб есанг  
Мазадир —  
Витаминнинг  
Ўзидир.

## Сут булоғи

Шамол ўз қанотида  
Булутни букиб келди.  
Булут ҳам бисотидан  
Ёмғирни тўкиб келди.

Ёмғир тупроқни чертди,

Бошин кўтарди майса  
Ва чорлади сигирни,  
Сигир сут берди роса.

Сут бўлди челақ-челақ,  
Қаймоғи ундан керак.

## Уйқу

У чалғитар доим ишингдан,  
Киприкларни этар зил-замбил.  
Китоб олсанг, тортиб бошингдан  
Гўё дейди: — Ёстиққа эгил!

Мен қаршиман уйқу ишига,  
Йўлига ғов соламан энди.  
Мен унгамас, уни измимга  
Аста-секин оламан энди.

Сезиб уйқу хуруж этганин,  
Физкультура машқин бошладим.  
Совуқ сувга ювиниб обдан,  
Тетикликнинг йўлин хушладим.

Шунда мендан енгилди уйқу,  
Қаергадир қочиб йўқолди.  
Балки бирор ялқов болани  
Авраб-авраб бағрига олди.

## Яна келди каникул

Бошланди таътил чоғи,  
Маза лагерь кучоғи.  
Тонгда қушлар овози,  
Ундан ҳам зўр парвози.  
Чуғур-чуғур тили бор,  
Сайрашнинг минг хили бор.  
Мана шундай бизнинг ёз:

Қушлардек қилиб парвоз,  
Ёз гаштини сурамиз,  
Ҳар кун тонгда турамыз.  
Ёз тонгининг завқи зўр,  
Қуёш боқар дарчадан,  
«Ухлаб қолмадимми?» деб  
Хабар олар барчадан.

Рауф Толиб

## Чинорлар ва ниҳоллар

Чинорларга ниҳоллар  
Таъзим этишар бажо:  
— Омон бўлингиз сизлар  
Бахтимизга доимо.

Энг оғир кунимизда  
Бўлмасангиз сиз қалқон,  
Элтиб ташларди қайга  
Чирпирак қилиб бўрон?

— Сиздан ҳам умид катта,  
Ўсиб-улғайиб дурқун,  
Ўрнимизни, албатта,  
Босиб қоласиз бир кун.

Сизга бўлсак бепарво,  
Ҳимоя қилмасак гар,  
Ўзимизга, аввало,  
Зўр келади муқаррар.

Қарабсиз, эрта-индин  
Биздан кетар куч-дармон.  
Чўчимаймиз биз лекин,  
Бор-да, сиздай паҳлавон!

Қайтарлидир бу дунё,  
Сизлар бизнинг эртамыз.  
Боғимиз шонини то  
Асрларга элтасиз.

## Жавоб

— Уғлим, нима қиялпсан,  
Совиди овқат?  
— Муроджон ўртоғимга  
Ёзиб қўйдим хат.

— Билмайсан-ку ёзишни,  
Тўғрими, Нодир?  
— Ўртоғим ҳам ўқишни  
Билмайди ахир!

## Уч овчи

[Халқ юмори]

Бутазорни оралаб,  
Ҳар томонга мўралаб,  
Борар эди уч одам,  
Овчидир учови ҳам.  
Биринчи овчи, қаранг,  
Эди карқулоқ — гаранг.

Иккинчиси бақалоқ,  
Битта оёғи оқсоқ.  
Учинчиси эмас ёш:  
Ялтилларди тақир бош.

Дўстларига ташлаб кўз,  
Бошлаб қолди гаранг сўз:  
— Қаердадир... шу чоғда  
Бўри увилламоқда...  
— А,— деди шошиб оқсоқ, —  
Қочиб қолайлик тезроқ!

Қувгандай худди ажал,  
Жуда кўрқиб кетди кал:  
— Нима деяпсан, ука,  
Сочларим бўлди тикка.

## Ўн уч ёшимда

Ёш дилимда ҳаяжон,  
Тинч қўймас ҳеч хаёллар.  
Олам сирли — кўзимга,  
Туғилар минг саволлар.

Бугун, ўн уч ёшимда,  
Минг хил орзу бошимда.

Умидларим бир жаҳон,  
Қанча билсам — шунча оз.  
Яшаш қандай завқлидир,  
Қуриш, излаш қандай соз!

Бугун, ўн уч ёшимда,  
Минг хил орзу бошимда.

Тинглаб олам оҳангин,  
Юриб қадам-бақадам,  
Ўзим учун мен янги  
Очмоқдаман бир олам.

Бугун, ўн уч ёшимда,  
Минг хил орзу бошимда.

Ҳавас мени етаклар,  
Ҳаётимга бергум зеб.  
Сабоқ олиб бугундан,  
Яшаяпмиз эрта деб.

Бугун, ўн уч ёшимда,  
Минг хил орзу бошимда.

## Шоди Саттор

### Чангютар

Электрга  
Улаб қўйсанг,  
Қулоғимни  
Бураб қўйсанг,  
Уринтирмай  
Деб ойингни,  
Бир зумдаёқ  
Уй-жойингни  
Ярақлатиб,  
Соф этаман.

Гард қолдирмай,  
Чанг ютаман.  
Чангютар бор  
Экан дея,  
Чаққон дастёр  
Экан дея,  
Чангга лекин  
Ётиб келма,  
Кир-чирларга  
Ботиб келма.

## Кўршанпалак

— Ойи, нега кўршанпалак  
Кўрқиб-писиб юради?  
Қоп-қоронғи кулбаларнинг  
Шифтларида туради?

— Бир вақтлар у, ўйламасдан,  
Ёмон йўлга қайрилган.

Қуёш нурин тўсаман деб,  
Кўзларидан айрилган

Шунинг учун уялади  
Қуёшли бу оламдан,  
Кундузлари яшириниб  
Юрар доим одамдан.

Душанба

## Файзи Шоҳисмоил

### Оймома

Қишлоғимиз устига  
Аста чўкканда оқшом,  
Терагимиз учига  
Оймома қўнмиш, боқсам.

Кўчалар ойдин-ойдин,  
Сутдай оппоқ ҳаммаёқ.  
Атрофни ёритмоқда  
Оймома — олтин чироқ.

Беркинмачоқ ўйнадик  
Мен, Аҳмад тўйиб-тўйиб.

Бизларга нур сочарди  
Оймома сўйиб-сўйиб.

Беркиндим том ортига,  
Оймома ҳам беркинди.  
Аҳмад мени қидириб,  
Топиб кўрсин-чи, энди?

Аҳмад излабди мени,  
Излаб роса толибди.  
Ҳаттоки, Оймома ҳам  
Топмай, кетиб қолибди.

## Умида Абдуазимова

### Ўргатарлар

Қушларга энг аввало  
Учишни ўргатарлар,  
Сичқонларга мушукдан  
Чўчишни ўргатарлар,  
Хўрозларга қичқириш,  
Чўқишни ўргатарлар,  
Болаларга, даставаал,  
Ўқишни ўргатарлар.  
Катта бўлгач, албатта,  
Қушлар учиши керак.

Мушук еб қўймасин деб,  
Сичқон чўчиши керак.  
Ҳамла қилган душманни  
Хўроз чўқиши керак.  
Болалар яшаш учун  
Аъло ўқиши керак.  
Аълочи ўқувчилар  
Енгилмайди ҳеч қачон,  
Ҳамма-ҳаммадан ботир  
Билимдондир, билимдон!

### Қандай сиғамиз?

Бизлар телевизорда  
Концерт берар эканмиз.  
Қўшиқ айтса Шаҳзода,  
Ўйинга тушар Наргиз.

Ун беш бола бўлсак ҳам,  
Боғча опам дер: — Каммиз!  
Қизиқ, телевизорга  
Қандай сиғар эканмиз?

### Қиммат

Ойи, сиёҳ қимматми,  
Айтинг, қимматми?  
Кўйлагига тўкилди  
Ахир Қимматнинг!  
Ойи, коса қимматми,  
Айтинг, қимматми?  
Синиб, сути тўкилди

Ахир Қимматнинг!  
Энди сути ҳам йўқдир.  
Сиёҳи ҳам йўқ.  
Улар арзон экан-ку  
Гуноҳи ҳам йўқ  
Қимматнинг...

Анвар Обиджон

# АЛАМАЗОН ВА УНИНГ ПИЁДАЛАРИ

Эртақ-қисса<sup>1</sup>

Муаллифдан:

*Кўринишидан сизга ўхшаб кетадиган шўх бола ушбу қиссамнинг бош қаҳрамони. У кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғаройиб саргузаштларни бошидан кечиргани учунгина бундай зўр мартабага эришгани йўқ. Унинг сиз билан бизга ўрнатган бўлғулик ажойиб фазилатлари борки, ростгўй ёки алдоқчи эканлигини билиб олиш учун, ёзганларимни бир бошдан ўқиб чиқишингизга тўғри келади.*

*Асло чўчиманг, китоб ўқиш деган нарса бармоқ билан оддий усулда мураббо ялашдек осон ва ҳузурбахш бир иш. Фақат мурабболи идишининг қопқоғи очилаётган дақиқаларда асқатадиган сабр-тоқатга эга бўлсангиз кифоя.*

*Қани, бошлаймизми? Иштаҳангиз қарнай бўлсин, кичик дўстларим!*

## **Тоштақалик қиличбоз ёки муқаддима**

Тоштақа қишлоғи Елкантоғнинг тик ва улкан қоялари билан уч тарафдан қуршаб олинган. Баланд тепаликдан туриб қарасангиз, қишлоқ Алпомиш тулпоридан тушиб қолган баҳайбат тақанинг ўртасида турганга ўхшаб кўринади.

Тақанинг очиқ қисмини Қўчқорсойнинг асов тўлқинлари кескир шамширдек тўсиб турар, бу сой кунчиқардаги қоя устидан таралиб тушадиган шаршаранинг давоми бўлиб, у кунботардаги ўрқач остига етганда, айлана ҳосил қилганича шимолга томон бурилиб кетарди. Жаннатариқдан оқадиган бир тегирмон сув шаршара бўлиб пастга

<sup>1</sup> Журнал варианты

отилгач, бирдан улкан сойга айланиб қолиши қишлоққа биринчи марта келганларни қаттиқ ҳайратга солар, лекин шаршара остидан биқиллаб булоқ чиқиб туриши фақат шу ерда яшайдиган кишиларгагина маълум эди.

Қишлоқнинг пастқам иморатлар тобора сийраклашиб борган жанубий қисмида Елкантоғ этакларига қадалувчи яйлов моллар олдига ёйиб қўйилган улкан дастурхондек ястаниб ётарди. Тоғ чўққилари пойига қўйилган пиллапояни эслатувчи ўрқачларнинг биринчиси пистазор бўлиб, унинг кунгай жойларида исириқлар қалин ўсар, бу жойнинг ҳар бир гиёҳи шифобахш эди.

Иккинчи ўрқачга кўтарила борганингиз сари яккам-дуккам арчалар учраётгандек туюлади, лекин нафасни ростлаб олиш учун бир оз тўхталиб, атрофга назар солган пайтингизда қалин ўрмон ичига кириб қолганингизни сезиб, бирдан ҳайратга тушасиз. Энгашиб олиб, юксакка ўрлашнинг мана шунақа ғалати сеҳри бор.

Бу жойларга қадам босган киши ер юзида тобора камайиб бораётган попукдор ҳилолкакликларнинг тиниқиб сайрашини эшитиб, ҳузур қилганича, беихтиёр айиқтовонлар оғушига ястанади. Кекса овчилар бу ноёб парранда галаси шу ўрқачдаги Жандағорда қишлаб, ўша жойда болаласа керак деб тахмин қилишар, чунки ғор ичида ҳилолкакликларнинг рангдор патлари тўзғоқдек сочилиб ётарди.

Ундан кейинги ўрқачни тоштақаликлар «кашта» деб аташади. Ўрқачда қизил, сариқ, пушти лолалар оила-оила бўлиб очилар, бодроқдек гуллаган чечаклар кўк матога сочилган гулларни эслатар, ҳатто бу ернинг капалаклари ҳам ранго-ранг эди. Елкантоғнинг ям-яшил ўрқачлари узра қад кўтариб турган кумуш чўққилар «кашта»дан янада кўркам бўлиб кўринар, бу манзарага маҳлиё боққан кишининг кўз ўнгида сокин денгиз уфқини қамраб олган сонсиз елканли қайиқлар карвони намоён бўларди.

Мустақкам қалъани эслатувчи бу жаннатмакон қишлоққа фақат битта йўл орқали кирилади. Кўчқорсой устига қурилган кўҳна осмакўприк Тоштақанинг фахрий дарвозаси ҳисобланади.

Биз ўзимизни ўша осмакўприкда тургандек фараз қилайлик. Кўприкдан бир оз нарироқдаги япасқи харсанг устига ўтириб олиб, кўпиктил тўлқинларга оёқларини обжувоз тўқмоқларидек, галма-гал чапиллатиб ураётган қийғиркўз бола қиссамизнинг бош қаҳрамони Аламазондир.

«Аламазон» тоштақаликлар шеvasида гуркираб ёнаётган гулханни англатади. Тўй ва базмларда уйқусизликдан гандираклар юрувчи қишлоқ болалари учун давра ўртасидаги гулханга мой сепилган пайтда «аламазо-о-н, гулдирама-з-о-н» деб чапак чалиб ирғишлашдан ортиқроқ завқ бўлмас, бундай қийқириқлар мунтазам равишда қиссамиз қаҳрамонининг жигига тегиб келар, шу туфайли у бирон баҳона топиб, бу анъанавий маросимни оммавий муштлашишга айлантириб юбориш пайида юрарди.

Аламазон учта нарсани хуш кўради: биринчиси — футбол ўйнаб чарчагач, чўзилиб олиб китоб ўқиш; иккинчиси — китобда ўқиганлари ҳақида санғиб хаёл суриш ва хаёл суришдан жунбишга келган туйғуларини қоғозга тўкиб шеър машқ қилиш; учинчиси — оқ қоғозга термилишдан кўзи тинган пайтда, дунёдаги барча ташвишлардан воз кечиб, силласи қуригунча яна тўп тепиш. Лекин киши ўз истақларига осонликча эришганини ҳали ҳеч ким кўрмаган. Бу фикрни, жумладан, Аламазон ҳам тасдиқлаши мумкин. У тўп тепавериб тупроққа беланиб қайтган пайтда, аясидан «қулоқчўзма» олади; ёшига тўғри келмайдиган китобларни ўқигани учун, акаси тирақайлатиб қувиб қолади; хилватроқ жойга писиб олиб шеър машқ қилиш ва узоқроқда чўзилган санғишлар эса, дадасининг шимдан камар сугуриши билан якунланади. Бу етмаганидек, қаҳрамонимизнинг аллақачон тўқсонни уриб қўйган бувиси ҳар учала ҳолатда ҳам «бунақанги маҳмадонанинг тизгинини тортиб қўйиш керак» деб, тергагувчиларга далда бериб тура-

ди. Узингиз ҳам сезиб турибсизки, қаҳрамонимизнинг меъдасига тегиб кетган нарса унга ўз меҳрибонлари томонидан қилинадиган таъқиблардир.

Ҳаммадан ҳам, одамларга ўхшаб хоҳлаган китобини танлаб ўқий олмаслиги Аламазонга жуда алам қиларди. Бола-фақир Чиполлино, Буратино, Том Соьер, Гек Финн, Билмасвой, Ҳошимжон каби қаҳрамонлар билан «Алифбе»ни ёд олгандан буён ошно. «Робинзон Крузо» билан «Маугли»ни азбаройи бошқа китоб йўқлигидан, уч-тўрт марта-лаб ўқиб чиқди.

Охири, бир куни таваккал қилиб, акасининг китоб жавонига хужум бошлади. Жавоннинг Аламазон учун таъқиқлаб қўйилган қисмидан «Ўтган кунлар» деган китобни шартта суғуриб олди-ю, уч кун дегадана маза қилиб ўқиб чиқди. Бу воқеа бундан роппа-роса бир йил бурун, у бешинчи синфни тугаллаб, худди ҳозиргидек таътилга чиққан пайтда юз берган эди.

Кунлар ўтаверди. У акасидан ҳадиксирай-ҳадиксирай «Сароб», «Қазаклар» ва «Эл қизи»ни ўқиб чиқди. «Анна Каренина»нинг биринчи қисмини тугаллай деб турган пайтда, ниҳоят, ўша хунук воқеа юз бериб, кутилмаганда акаси уни қўлга туширди. Бу — қаҳрамонимизни келгусида кутаётган саргузаштларнинг бошланиши эди, холос.

Болалар учун ёзилган китоблардан Аламазон одамларга яхшилик тилашни ўрганган, ҳақиқат ва эзгулик, ёлғон ва олчоқлик устидан ғалаба қилиши муқаррарлигини тушуниб етганди. Катталарга аталган китобларни ўқиган сайин унда одамларга бевосита яхшилик қилиш истаги кучая борди, ҳақиқат ва эзгуликнинг ғалаба қилиши учун ёлғон ва олчоқликка қарши курашиш лозимлигини тобора чуқурроқ англай бошлади. У одамларга иложи борича кўпроқ яхшилик қилиш ва унинг бу иши кам дегадана, бутун бир мамлакат миқёсида катта «шов-шув»га сабаб бўлишини истарди.

Аламазоннинг яна бир ғалати хислати шу эдики, у бирон-бир китобни ўқиб чиққач, ундаги бош қаҳрамонга беихтиёр тақлид қила бошларди. Масалан, у «Ҳамлет»ни ўқиб юрган пайтида бир оз парижонхотир ва босиқ бўлиб қолди. Муаллимлар «Шумтакага инсоф кирганга ўхшайди», деб севиниб юришган пайтда, у «Шум бола»ни ўқишни бошлаб юборди-ю, яна айниб кетди. «Спартак»ни тугатгандан кейин эса, ёғоч қилич билан синфдоши Қарим кўчирмачининг бошини ёриб қўйгани ҳақида бутун қишлоққа «миш-миш» тарқалди. Бундан хабар топган мактаб қиличбозлик тўғарагининг раҳбари «Менга мана шунақа тиришқоқ талаба керак эди», деб уни зўрлаб тўғаракка аъзо қилди.

Дадиллик ва чаптастлик Аламазоннинг туғма қобилияти эди. Кўп ўтмай, у ўзи истамаган ҳолда (унинг кўнгли ҳамон футболни тусарди), мактабдаги энг моҳир қиличбоз бўлиб қолди. Бошланғич синфдаги болалар уни кўришганда: «Ана, энг зўр қиличбоз келяпти», деб ўзаро шивирлашиб қўйишарди. Лекин қиличбозликдан қанча обрў-эътибор топган бўлмасин, рақибга «укол» санчиш ўзгалар дарвозасига тўп киритишчалик завқ беролмасди. Шу боисдан бўлса керак, Аламазон бора-бора тўғаракдаги машғулотларга аҳён-аҳён келадиган бўлиб қолди. «Алвидо, қурол!» деган китобни ўқиб чиққандан кейин эса, қиличбозликдан бутунлай воз кечиб, яна футболга берилиб кетди.

Янглишмасам, сиз билан биз ҳозирча Кўчқорсой устидаги осмакўприкда турибмиз. У ёқ-бу ёқни кузатишда давом этайлик. Аламазондан тўрт қадамча нарида сўппайиб ўтирган, сой ёқасида ўсган ит-узунларни қафтлаб ютаётган лавоққина бола бош қаҳрамонимизнинг инжиқ пиёдаси — Эшмат ишма бўлади.

Эшмат ўзини ортиқча уринтириб юрадиган лақма болалардан эмас. У фақат битта нарсани хушлайди ва бор-йўғи битта нарсанигина ёқтирмайди. У яшашни тўйиб-тўйиб овқатланиш деб тушунади ва шу нуқтаи назардан кавшанишни ҳаддан зиёд яхши кўради.

А. ОБИДЖОН ♦ АЛАМАЗОН ВА УНИНГ ПИЕДАЛАРИ

Мақтабга қабул қилинмасдан аввал Эшмат бирон нарсани астойдил ёмон кўрмаган. Лекин синфга «Арифметика» муаллими кириб келган биринчи кундаёқ дунёда одамларнинг асабини эғовлаш учун атайлаб яратилган воситалар борлигини у дарҳол фаҳмлаб етди. Қитмир арифметик рақамлар мужмал алгебраик белгиларга айлана борган сари, Эшматнинг математикага муносабати тобора совуқлаша бошлади, охири, бу фанни у юрак-юракдан ёқтирмай қўйди.

Энди осмакўприкдан аста узоқлашайлик-да, келгусида гаройиб саргузаштларни бошдан кечириши лозим бўлган қахрамонларимизни ўз ҳолларига қўййлик.

## Эшматнинг Френсис бўлгани

— Нималарни ўйлаяпсан, ҳей, Аламазон? — итузумни қафтлаётиб сўради Эшмат.

— Хазинани.

— Ие, ие, қанақа хазина?

— Қанақа бўларди, ростаками-да, — Аламазон оёғини сувдан олиб, шериги томонга ўгирилди. — Нима, китобни ўқиб бўлмадингми ҳали?

— Ўқиб кўрдим.

— Шундан кейин ҳам хазина тўғрисида ўйламайман дегин?

Аламазон таътилнинг дастлабки кунларида Жек Лондоннинг «Уч қалб» деган китобини ўқиб чиққан, қоронғи гор ваҳималарини заррача писанд қилмайдиган, ҳатто ўлим даҳшатидан ҳам титрамайдиган қувноқ ва қайсар хазина қидирувчилар жасорати уни қаттиқ ҳаяжонга солганди. Шундан сўнг «Уч қалб»ни мақтаб-мақтаб Эшматнинг қўлига тутқазди. Қизиқ! У китобни ўқиб тугатибди-ю, бари бир итузумдан бошқа нарсани ўйламайпти.

— Йўқ нарсага бошимни оғритиб жинни бўпманми! — кавшанганича жавоб қилди Эшмат. Сўнг лунжидагини ютиб, қўшиб қўйди: — Очигини айтсам, ўша хазина ахтарадиганларнинг менга ёқмади. Тилла топаман деб, ўлиб кетишларига сал қолди-я. Тагин, оч қолиб кетишганини айтмайсанми.

— Бир ўйлаб кўргин-а, — жаҳлини ичига ютиб, иложи борича силлиқроқ гапиришга тиришди Аламазон, — ҳиндунинг горида хазина бўлади-ю, ўзбекида бўлмайдими? Қулогимни гаровга тикиб айтаманки, ўзимизнинг Жандағорда ҳам хазина бижиб ётибди. Уни топадиган одам йўқ, холос.

Аламазоннинг офтобда қорайган юзларида кулдиргич ўйнади.

— Ўша хазинани топиб олсак борми, эҳ-ҳей, одамларга қанча яхшилиқлар қилиш мумкин бўларди-я!

Кейин у асосан қандай яхшилиқлар қилиш мумкинлигини санай бошлади. Биринчи галда яйлов этагига ўн минг кишилиқ стадион қуриладиган бўлди.

— Ие-ие, — таажжубдан кўзлари олайди Эшматнинг, — қишлоғимиздаги одам жуда борса икки мингтадир. Бошингга урасанми мунақа стадионни?

— Кейинчалик одам кўпайиб кетади, — сира иккиланмай башорат қилди Аламазон. — Масалан, Ориф тоғанинг ўн битта боласи бор. Унинг ҳар қайси боласи яна ўн биттадан бола кўради. Болаларининг болалари яна ўн биттадан. Ҳисоблаб кўр-чи.

Эшмат ўзини математика дарсида ўтиргандек ҳис қилиб, афтини бужмайтирди. Аламазон ўзича хомчўт қилиб кўрса, бунақада одам жуда кўпайиб кетаркан. Қишлоқда эса жой тор. Шунда у топилиши мўлжалланаётган хазина ҳисобидан бирмунча кўп қаватли уй қуриб ташлаш керак, деган қарорга келди. Мармар деворли каттакон чойхона қишлоқ қариялари кўп тўпланадиган гузарда қад кўтарадиган бўл-



ди. Ҳамма кўчаларга асфальт ётқизиблиб, Қўчқорсой устидаги кўприк янгиланиши керак эди. Кўприкнинг панжаралари соф кумушдан бўлармиш. Эшмат шу тўполонда қишлоққа, битта дурустроқ ошхона ҳам қуриб қўйиш кераклигини кистириб ўтди.

— Аҳмадали отага атаб, терак бўйи ҳайкал ўрнатамиз,— қатъий аҳд қилди Аламазон.

Бутун умри бошланғич синфларга дарс бериш билан ўтган Аҳмадали ота бундан икки йилча бурун, пенсияга чиқишига бир ойгина вақт қолганда тўсатдан вафот этганди. Унинг собиқ ўқувчиларидан иккитаси урушда қаҳрамон бўлган, биттаси ҳозир, министрмиш, яна биттасини шаҳардаги ёғ заводида директор дейишади. Узоққа бориб ўтирмайлик, шахсан Аламазоннинг ўзини ҳам биринчи синфда Аҳмадали ота ўқитган.

«Яна нима қилсам экан?— ўйланиб қолди Аламазон. Сўнг ўзича қўл силтаб қўйди.— Ҳа майли, хазина топилгандан кейин дурустроқ ўйлаб кўрарман. Назар пиён вайсаганидек, пулинг кўпайган сари сарфинг ҳам ошиб бораверади».

— Борамизми, ошна?— Эшматнинг кўзига тикилди Аламазон.

— Қаёққа?

— Қаёққа бўларди, хазинани топгани-да.

— Ўзинг боравер,— ияк отиб минғирлади Эшмат.— Форда пишириб қўйибдими?

— Қўрқоқ! Тағин сени Френсис деб чақирмоқчи бўлиб юрибман-а. Хайф сенга бу ном!

«Уч қалб»даги хазина қидирувчилар орасида икки асосий қаҳрамон бўлиб, улардан бирининг исми Генри, иккинчисиники Френсис эди. Френсис! Агар имконини топса, Эшмат ўзининг «ишма» деган ёқимсиз лақабини жон-жон деб френсисликка алмаштирган бўларди. У ўйланиб қолди.

Эшматга бу номни ваъда қилишдан олдин Аламазон ҳам анчагина бош қотирганди. Унинг фикрига кўра, Эшмат на генриликка ва на френсисликка лойиқ эди. Ҳар иккала номга ҳам фақат Аламазоннинг ўзигина муносиб эди. Аммо инсоф юзасидан биттасини бари бир Эшматга беришга тўғри келарди.

«Майли, унга биттасини бераман,— кўнглидан ўтказди Аламазон.— Лекин у мендан ортганини олади».

У аввал френсисликни танлади. Френсис — ақлли, ботир. Бунинг устига аслзода. Генри-чи? У ҳам мард ва жасур бўлса-да, Френсисдек сермулоҳаза эмас.

Шу пайт китобдаги бир воқеа дабдурустан Аламазоннинг эсига тушиб қолди. Унда, енгилганининг қулоғини кесиб олиш шarti бўйича олишувда Генри Френсисдан ғолиб келган ва у рақибининг қулоғини кесмай олижаноблик қилган эди. Биргина шу нарса Френсиснинг барча афзалликларини сариқ чақага чиқариб қўйди. Аламазон Эшматдан кўра маданиятсизроқ бўлишга чидаши мумкин эди, аммо олишувда келиб-келиб шу ишкамбадан мағлуб бўлишдек иснодни ўз гарданида кўтариб юролмасди. Хуллас, у генриликни танлади.

— Дарров жирракилик қилаверма-да,— дабдабали лақабни ўзиники қилиб олиш умидида дарҳол мулойимлашди Эшмат.— Жандафорингда тилла бормикин ўзи?

— Бор. Ишонмасанг, қулоғимни гаровга қўяман. Хазина ўша горнинг охиридаги Зимистонсаройда бўлиши керак.

— Сен ғамлаб оладиган нарсаларимизни аниқроқ қилиб гапирмаяпсан,— ғорга боришга рози эканини билдириш билан бирга, нафси учун қайғуришни унутмади Эшмат.— Нима, қорнимиз очмайдими?

— Ташвишланма, мен пиёдаларимнинг ғамини еб қўйганман,— Аламазон шундай дея харсанг устига чиқиб, қадини ростлади. Кейин бошини баланд тутиб, тантанавор оҳангда эълон қилди.— Тайёрлан, Френсис. Муқаддас юришни бошлаймиз. Олдинда — Жандафор!

Улар эртасигаёқ барвақт сафарга отланишди. Пистазордаги чан-

галларга бет-қўлини тирнатиб юрмаслик учун, Аламазон Эшматни кунчиқардаги қояларга тирмашган илонизи сўқмоққа бошлади. Улар шаршара ёнидан юқорига кўтарилиб олишгач, Жаннатариқ ёқалаб йўлга тушишди. Бу ариқ Жандағорнинг шундоққина устидан оқиб ўтарди.

## Зимистонсарой

Форнинг ичи совуқ ва зах эди. Ўзидан кучлироқларга ем бўлган ҳайвонларнинг қоқмоч суяклари оёқ остида қалашиб ётар, ҳилолкакликларнинг тўзғоқ патлари киши нафас олаётган пайтда гоҳ лабга учиб келиб ёпишар, гоҳ бурунни қитиқларди.

Тугмачироқларни ёқиб олган хазина қидирувчилар форга сарбозлардек кеккайиб киришган эса-да, бир оз ўтгач, энгашиб, кейинроқ букчайиб юришга мажбур бўлишди. Охири, циркдаги қизиқчиларга ўхшаб эмаклай бошладилар.

Френсисликни чин юракдан қабул қилган Эшмат ҳарсиллаганича эмаклаб бораркан, «Уч қалб»да тасвирланган фордаги йиртқиш ўргимчак беихтиёр эсига тушиб кетди-ю, олдинда эмаклайётган Аламазон унинг кўз ўнгида ўша қонхўр маҳлуқ бўлиб гавдаланди. Эшмат, яъни жасур Френсис тажовузкор ўрмалаб бораётган йиртқични нишонга олиб, тўппончадан кетма-кет ўқ уза бошлади. Унинг қўлидаги бодрингнусха тугмачироқ шу тобда тезотар тўппончага айланган, қисқа-қисқа ёниб-ўчаётган чироқнинг қизғиш нурлари эса товушсиз учаётган ўқлар вазифасини бажараётганди.

— Ке, ошна, пича тамадди қилайлик,— деди Аламазон, форнинг кенгроқ жойида тўхтаб...— Балқ бунақа қулай жой бошқа учрамас.

Эшмат ҳансираганича, индамай ёнбошлади. Аламазон тугмачироқни ёқиб, кавакдаги тоқчага қўйди-да, халтачанинг оғзини очди. Қаттиқ нонга қўшиб, озгинадан калла гўшти ва тухум ейишди. Кейин сувдондан сув ичишди.

Овқатланиб бўлишгач, форнинг тобора торайиб, туйнукка айланиб бораётганини назарда тутган Аламазон халтачани шу жойда қолдириб кетиш керак, деган қарорга келди.

— Сувдонни олиб, чўнтакларга озгинадан қаттиқ нон солиб одамиз,— деди у буйруқ оҳангида.

Эшматнинг френсисликдан кўнгли тобора совиб бораётганди. Бу ерда бекордан-бекор эмаклаб юриш ғирт аҳмоқлик эканини очиқ гапиришга ботинолмагач, қурбақага ўхшаб ўзимизни хор қилиб юрамизми, дея аста-гап бошлади ва орқага қайтиш ҳақида таклиф килтиди.

— Галварс!— шу заҳоти уни жеркиб ташлади Аламазон.— Биз орқага қайтсак, Аҳмадали отага ким ҳайкал ўрнатади? Стадион-чи?

— Бир оз шошилмай турсанг, давлатнинг ўзи бизга зўр бир стадион қуриб берарди.

— Давлатга ҳадеб ўлигингни ортаверма,— ўшқирди Аламазон.— Сендақа текинхўрлар кўпайиб кетса, давлатнинг уйи куйди деявер. Биласанми, сен қанақа одамсан? Хоҳласанг, кимлигингни тушунтириб қўяман.

Эшмат «керакмас» дегандек, нохуш қўл силтади. Агар Аламазон истаса, хоҳлаган одамани ҳар қандай йўл билан айбдор қила олишини у яхши биларди. «А» синфда ўқийдиган Бўтавой деган боланинг бўйнига йўқ нарсадан айб қўйганини Эшмат ўз кўзи билан кўрганди.

Ушанда Аламазоннинг беҳига отган тоши қайтиб тушиб, дарахт тагида турган Бўтавойнинг пешанасини ғурра қилган эди. Агар суриштирадиган бўлсангиз, девонадан тортиб донишмандгача «айб Аламазонда» деб айтади. Аламазон эса, Бўтавойни юпатиш ўрнига, бирдан унга дағдаға қилиб қолса бўладими.

— Нега физикани ўқимайсан?— дея дўқ ура бошлади у Бўтавой-га.— Нега дарс вақтида анқайиб ўтирасан?

Бўтавой дарс пайтида анқайиб ўтирадим, йўқми — бунисини билмаймиз-у, лекин Аламазоннинг гапидан кейин у ҳақиқатан ҳам анқайиб қолди. Эшмат ҳам ғурра бўлган бошга физиканинг қандай даҳли бўлиши мумкинлигини тушунолмай гаранг эди. Ҳарҳолда даҳли бор экан.

— Уқишим билан нима ишинг бор?— кўз ёшини артатуриб чийиллади Бўтавой.— Нима демоқчисан?

— Физикадан балони ҳам билмайсан, демоқчиман.

— Бекорларни айтибсан!— айтаётган гапи ўз бошига кулфат бўлиб ёғилишини хаёлига ҳам келтирмай шангиллади Бўтавой.— «Беш»-га биламан ўша физикангни.

— Бундан чиқди, ернинг тортиш қонунини ҳам билар экансан-да,— баттар қизишди Аламазон.— Вой, муғамбир! Вой, муттаҳам! Терапага отилган тошнинг ерга қайтиб тушишини биларкансан-ку.

Бўтавойнинг тили ғулдираб қолди. Бундан фойдаланган Аламазон пўписани янаям кучайтириб юборди.

— Нега дарахтнинг тагидан қочмадинг? Нега мен отган тошнинг тагига қасддан бурнингни тикасан? Ё мени дадамга калтақлатмоқчи бўлувдингми? Ниятинг шумиди ҳали?

Бечора Бўтавой ўшанда нима дейишини билмай, кўзи гўлайганича туриб қолувди...

— Ке, энди изимизга қайтайлик,— яна илтижо қилди Эшмат.— Бу туришда бирор жойда қисилиб қолиб қетмайлик тағин.

— Қўрқма, туйнук ҳали кенг,— бамайлихотир гапирди Аламазон.— Ҳазина энди унча узоқ бўлмаса керак.

— Мени ҳалиям анчагина лақиллатдинг,— ниҳоят кўнглидагини очик-ойдин тўкиб солди Эшмат.— Мунақа сассиқ жойда тилла бўларканми?

— Тағин пионермиш бў киши! Вой қўрқоғ-ей!

— Нима десанг деявер, мен қайтаман.

— Сотқин!— Аламазоннинг жазаваси тутиб қолди.— Ҳайф сенга френсислик, сен Эшмат ишмасан!

— Френсисингни пишириб егин!

— Шунақами? Унда жўнайқол!— бақириб берди Аламазон. Сўнг олдинга эмаклашда давом этаркан, қўшиб қўйди.— Тезроқ кет, қорангни бошқа кўрмайин. Ўзи ҳаво етишмай турибди, сен уни баттар бузаясан.

Эшмат орқага қайтишини ҳам, олдинга эмаклашини ҳам билмай, иккиланганича анча вақт туриб қолди. Олдинга эмаклаш хатарли, орқага ёлғиз қайтиш эса ваҳимали эди.

«Шу ярамаснинг гапига негаям кўнақолдим-а,— йиғлагудек бир аҳволда ўз-ўзини койий кетди у.— Бунинг ниятини биламан, одамларга яхшилиқ қилиш керак дейди-ю, бундоқ қараганда, тилла топиб, ўзи газетада чиқмоқчи. Мақтанчоқ!»

Шу пайт олдиндан Аламазоннинг қичқириви эшитилди. Йўл-йўлакай акс садоларга бўлиниб кетган бу қичқирик гувлаганича келиб, туйнукни тўсиб турган Эшматнинг устига ёприлди. «Френсис! Менинг паҳлавон пиёдам!» дея қичқирарди Аламазон.

«Яна бошланди,— деб қўйди ўзича Эшмат.— Энди бурнимдан ип ўтказиб етаклаб бўпсан».

— Бу ёққа кел, ошна!

— Аммангни сўраб қўй, Аламазон!

— Зардангни йиғиштир, Френсис. Ҳазина топилди, хазина!

Эшматнинг бирдан чеҳраси ёришиб кетди.

— Ие-ие!

— Мен Зимистонсаройда турибман. Келақол.

— Ҳозир!— суюниб жавоб қилди Эшмат.— Мана, кетяпман-ку,

Аламазон.

Туйнукнинг охири шунақаям тор эдики, калласини Зимистонсарой томонга чиқарганча, замбаракка солинган ўқдек қисилиб қолган Эшматни Аламазон зўр-базўр ичкарига тортиб олди. Бу ер салқин ва баҳаво эди. Эшмат тўйиб-тўйиб нафас оларкан, қаламушнинг инидек тор туйнукда ҳаво йўқлигидан бўғилиб ўлмаганининг сабабини ниҳоят тушуниб етди.

— Гувиллаётган нима?— хавфсираб сўради у, шилинган елкаларини силаётиб.— Чироғингни ёқвор-чи. Меники анави торт-тортда па-чақланиб кетди.

— Бу сувнинг гувиллаши,— Аламазон тугмачироқ нуруни улкан ғор шифтидан гувиллаб тушаётган шалолага тўғрилаган пайтда, у кумуш нарвондек ярқираб кетди. Ғордаги оромижон муҳитнинг сабабчиси — ана шу зилол шалола ҳосил қилган серкўпик ҳовуз бирдек лимиллаб турар, ортиқча сув қаерга оқиб кетаётганини билиб бўлмасди. Деворлари пўпанак босиб ётган бу ғор ўзининг шифтга бориб тақалган арчасимон тош устунлари, катта-катта тоқчаларни эслатувчи сон-саноксиз кавак-қаңдиқлари билан ҳашаматли ва бўм-бўш саройга ўхшаб кетарди. Теварак-атрофда ярқираган бирон нарса кўринмагач, Эшматнинг диққати ошди.

— Тилла қани?— сўради у ҳовлиқиб.

— Саройни топдик, унияма топамиз;— жавоб қилди Аламазон.

Хазина қидирувчилар дуч келган кавакни бир бошдан тимискилашга тушдилар. Қалла суқилмаган каваклар сони камайган сари Эшматнинг тўйиб-тўйиб йиғлашга бўлган хоҳиши шунча кучая борди. Охирги кавак ҳам диққат билан титкиланиб, безовта қилинган сўнги калтакесакнинг зорланиб чириллаши эшитилган пайтда унинг кўзларидан ёш сиза бошлади.

— Ҳеч вақо йўқ, битта пачоқ қумғон топганимиздаям алам қилмасди,— пиқиллади Эшмат.— Энди нима деган одам бўлдик?

— Бунча пўнғиллайсан, ҳей, ишма!— ўшқириб берди Аламазон. Тошларни титкилайвериш кўчиб ва қонаб кетган тирноқларидаги оғриқ зўрайиб, шу тобда унинг жаҳли чиқиб турганди.

Шундан сўнг у Зимистонсаройнинг чағир деворларини тугмачироқ нури билан қайта кўздан кечириш бошлади. Улар саройга кириб келган туйнукнинг қарама-қарши томонидаги пастдан шифтгача чўзилган ёриққа кўзи тушиб, яқинроқ борди. Аламазон чироқ нуруни ичкарига қаратди ва бир қаричча келадиган бу ёриқ икки қулоч жойгача тора-йиб боргандан кейин жипслашиб қолганини кўрди. Ёшлигида бувисидан эшитган Али бобо ҳақидаги эртақ бирдан ёдига тушиб, икки-уч қадам орқага тисарилди-да, «Сим-сим, оч эшигингни!» деб қичқирди. Тош ўрнидан силжимаганидан кейин ҳам Аламазон умидсизликка тушмади.

— Биласанми, хазина қаерда?— қайсарлик билан Эшматни шалола тарафга етаклади у.— Ана шу ҳовузнинг таги тиллага тўлиб ётипти. Ишонмасанг, қулоғимни гаровга қўяман.

«Ҳужум қилувчилар»нинг фикрига кўра, Зимистонсарой кавакларидан ётган хазинани ўлжа қилиш учун эрта тонгда Жандағор оғзидан бошланган уриниш энди ҳовузда давом эттирилди. Вазият ўпкага иложи бориша кўпроқ ҳаво тўплаб, мумкин қадар чуқурроқ шўнғишни талаб этарди. Охири шу нарса аниқландики, ҳовуз тубидан олиб чиқилган бир неча сиқим намуна ташқи кўринишидан Кўчқорсойдаги шағалларга жудаям ўхшаб кетаркан.

Муздек сувга шўнғийвериш дилдираб қолган хазина қидирувчилар шоша-пиша кийимларига бурканишди.

— Энди дорини ишга соламан,— охирги ўқи қолган жангчидек асабий қиёфада чўнтагини кавлай бошлади Аламазон.— Балки тоғам мендан хафа бўлар, лекин бошқа иложим йўқ.

Машҳур профессор Оғабек Турканий — Аламазонга тоға бўларди. Профессор дам олгани Ҳиндистонга кетаётиб, синглисини йўқлаб ўтиш

учун кеча Тоштақага келганди. Чамаси, у «эртага кечки пайт шаҳар аэропортига етиб боришим керак», деяётгандек бўлган эди.

Аламазон кеча ғорга бориш ҳақида Эшмат билан келишиб олгандан сўнг, уйга қайтиб тоғаси билан анча гаплашиб ўтирди. Бир пайт профессор чўнтагидан кумуш қутича чиқариб, уни аста токчага қўйди. Аламазон унинг нима эканини сўради.

— Дори,— деди тоғаси ва жилмайганича қўшиб қўйди.— Уни ичган киши худди эртақлардагидек мурод-мақсадига етади.

— Дўхтир тоғангда ана шунақа ажойиб дорилар бор,— кулди Аламазоннинг ойиси.— Шунинг учун ҳам тоғангингн ошиғи олчи.

Аламазоннинг алламаҳалгача уйқуси келмади. Унинг миясида «ўша дорини ичиб олсанг, хазинани албатта топасан», деган бир жумла қайта-қайта такрорланар, ичига бир жуфт сарғиш ҳапдори солинган кумуш қутича унинг кўз олдида суратдек қотиб турарди.

«Ҳар эҳтимолга қарши дориларни олиб олсаммикан?— ўйлади у.— Ё сўрамай олганим учун тоғам хафа бўлармикин? Бе-е, дўхтирларда нима кўп, дори кўп».

— Ие-ие,— кўзлари жовдираб, Аламазоннинг қўлидаги сарғиш тугмачаларга тикилди Эшмат.— Нима бунинг?

— Дори деяпман-ку. Буни ичган киши ниятига етади.

— Зап лоф урасан-да.

— Ишонмасанг, ўзингга. Мен ҳозир ичаман-у, ниятимга етаман.

Бирон нарсани тотиб кўриш имкониятини шу пайтгача қўлдан бой бермай келган Эшмат, тугмачаларга суқланиб қаради.

— Иккаласиниям ўзинг ичасанми, Аламазон?

— Биттасини сен ичасан,— кўнглингдагини сезиб турибман дегандек, унга муғамбирона кўз ташлади Аламазон.— Чунки иккаламизнинг ниятимиз бир.

Улар дориларни ичиб олишгач, мурод-мақсадларига етишдан олдин ҳовуз бўйида ёнбошлаб, бир оз ҳордиқ чиқармоқчи бўлишди.

— Ўзиям роса чарчабмиз-ей,— пишиллади Эшмат.— Чўзилиб ётиш бирам хуш ёқяптики...

Бу пайтда Аламазон ҳам ўзини сархуш ҳис қилаётган эди. Унинг этлари ёқимли жимирлаб, пайлари тобора бўшашиб борар, бутун вужудини тўйиб-тўйиб ухлаш истаги қамраб олаётганди.

## Қонхўр қоялар

Момақалдиरोқни эслатувчи гулдироқ товушдан Зимистонсарой ларзага келди.

— Ие-ие,— қулоғини динг қилиб, Аламазоннинг пинжига тикилди Эшмат.— Ер қимирляяптими?

Аламазон тугмачироқ нурини гулдироқ товуш келаётган томонга тўғрилади ва боя ўзи «Сим-сим, оч эшигингни!» деб қичқирган жойдаги ҳарсанглар икки томонга силжиб бораётганини кўриб, донг қотиб қолди.

Харсанг силжишдан тўхтагач, момақалдироқ ҳам тиниб, унинг ўрнини зириллоқ товуш эгаллади. Бу товуш бўш пақир ичига тушиб қолган саратон қўнғизининг зўр бериб қанот қоқишини эслатарди.

Хазина қидирувчилар силжувчи харсангларга яқинроқ боришиб, бу жойда бир киши зўрға сигадаган торгина йўлак пайдо бўлганини кўришди. Йўлакнинг зўрға икки томонидаги қояларда камалакранг нурлар жилоланиб турарди.

— Гавҳар шунақа товланади,— тажрибали заргарлардек ишонч билан гапирди Аламазон. Сўнг ҳаяжондан товуши титраб, Эшматни олға юришга даъват этди.— Муқаддас юриш давом этади, менинг тўлпоқ пиёдам. Олдинда — хазина!

Эшмат оёғи тортиб-тортмай унга эргашди. Улар олдинга юрган-

лари сари йўлак кенгайиб борди, аини пайтда зириллоқ товуш тобора авжга минаётганди.

«Бу ўша очкўз ўргимчак!—«Уч қалб»даги ўрмаловчи махлуқни эслади Эшмат.— Товушига қараганда, оғзи тандирдан кичик бўлмаса кефак».

Йўлак ичидаги ҳарорат қадам-бақадам ошиб бораётгани сабабли улар терга пишиб кетишди, бора-бора иссиқлик этни ачиштирадиган даражага етди, яна бир оздан сўнг улар сочлари жизиллаб куяётганини ҳис қилишди. Нафас олиш жуда оғирлашиб кетди.

— Яна ўн қадам юрсак, сариёғдек эриб кетамиз,— иссиқдан юзлари қизариб қичқирди Эшмат.

Аламазон енги билан пешонасидаги терларни артиб, юқориға — зириллоқ товуш келаётган томонга қаради. Чамаси, иссиқлик ҳам ўша томондан уфураётганди. Деворларда товланаётган камалакранг нурлар гавҳарлардан эмас, балки жуда баланд жойда зириллаб ёнаётган қандайдир нарсадан таралаётганини у бирдан англаб етди. Девор терак бўйи юксакликкача тик силжиб, кейин ўнг томонга оғиб кетгани туфайли нур таратаётган нарсани пастдан туриб кўриб бўлмасди. Аламазон умидсизликдан бўшашиб, аста деворга суянди ва шу заҳоти «ух» деганича елкасини чангаллади. Девор офтобда қолган темирдек қизиб кетган эди.

— Бу жаҳаннамдан тезроқ жилиш керак,— оташ ва тап-тақир жаҳаннам ҳақида бувисидан эшитган афсонани эслаб, Эшматнинг дилидаги гапни айтди Аламазон.— Жаҳаннамда гавҳар бўлмайди.

Шу пайт зириллоқ товуш кескин сусая бошлади. Девордаги жилокор нурлар ҳам аста-секин хиралашиб, ҳарорат пасайиб бораётгандек туюлди. Хазина қидирувчилар нима воқеа юз бераётганини англаб улгурмай, яна момақалдироқ гумбурлади. Тепадан майда тошчалар дўлдек қуюла бошлади. Эшмат сувдонни ташлаб юбориб, иккала қўли билан бошини тўсди. Деворнинг юқори қисми ўнг томонга оғиб кетгани учун тош ёмғирлари фақат чап девор бўйлаб ёғилаётганди. Бу қулайликдан фойдаланган Эшмат биринчи бўлиб, ўнг девор ёқалаб қочишга тушди.

Ландавурлик кишига ҳар қадамда панд беради. Олдинда дуппа-дуруст шаталоқ отиб бораётган Эшмат бирдан тошга қоқилиб кетиб, ерга чалпак бўлиб йиқилди. Бунинг устига шошилишда, Аламазон унинг қоқ белидан босиб ўтди-ю, эндигина ўрнидан қўзғалаётган Эшмат яна ерга қапишиб қолди.

— Сенга нима бўлди, Эшмат?— Аламазон тугмачироғини ерга қўйиб, унинг қўлтиғидан кўтарди.— Қани, турақол. Ҳадемай Зимистонсаройга етиб оламиз.

Эшмат инқиллаб ўрнидан тургач, бир қўли билан бошини пана қилиб, иккинчи қўлини шилинган тиззасига тираганича, оқсоқланиб олдинга юрди. Аламазон энгашиб, тугмачироққа қўл чўзди-ю, ҳайратдан серрайиб қолди. Деворга қадалиб турган тугмачироқ тош қуйқумларини сурганича аста судралиб бораётганди. Аламазон деворларга диққат билан разм солди. Икки забардаст қоя бир-бирига тобора яқинлашиб келаётганини кўриб, юраги орқага тортиб кетди. Йўлакнинг боши аллақачон беркилиб қолганини тушунгандан кейин юраги баттар гупиллаб, «нима бўлсаям, ичкарига, фақат ичкарига қараб юриш керак», деган фикр бошида қуюндек чарх ура бошлади.

— Эшмат, қайт орқага!— жон-жаҳди билан қичқирди у.— Қайт! Уласан!

«Уласан!» деган сўздан қаттиқ таъсирланган Эшмат ҳаққалаганича, дарҳол ортга қайтди.

— Ҳей, нима деяпсан?— сўради у гезариб. Аламазон вазиятни лўнда қилиб тушунтираркан, икки тарафдан қисиб келаётган қоя Эшматнинг кўзига оғзини имиллаб ёпаётган баҳайбат қонхўр махлуқ бўлиб кўринди.

Улар ҳаллослаганларича, яна ичкарига юришди. Оқсаётган Эш-

матнинг қўлтиғига кириб олган Аламазон уни судрагудек бўлиб, жадал юришга ундарди.

Аламазон ерда ётган сувдонни кўрмай данғиллатиб тешиб ўтаркан, боя ўзи жаҳаннам деб атаган жойга етиб келишганини англади. Бундан бир неча дақиқа олдин бу ерда арава сиққулик йўлак бор эди, энди эса бир қулочча жой қолганди, холос.

Хазина қидирувчилар тўхтовсиз олға интилишар, қаёққа бораётганларини ўзлари ҳам билишмас, лекин нима учун бораётганлари аниқ эди. Улар дунёдаги жамики лаззатлардан минг марта ширинроқ бўлган ҳаёт илинжида бутун онг ва вужудлари билан олдинга, фақат олдинга интилишаётганди.

## Ажал панжасида

Кутилмаганда, юқоридан дўлдек қуйилиб турган тошчалар оқими аста-секин тўхтаб, майда-майда илиқ сув томчилари тома бошлади ва у бир оздан сўнг расмана ёмғирга айланди. Иссиқлик сал пазаси, нафас олиш анча енгиллашган шароитда хазина қидирувчилар янада жадалроқ ҳаракат қила бошладилар.

Евуз қоялар эса ҳамон уларни икки тарафдан қисиб келаётганди. Ёнма-ён юришнинг иложи қолмагач, Эшматга ёрдам бериш имкониятидан маҳрум бўлган Аламазон подачидек орқага ўтволиб, «чаққонроқ юр, чаққонроқ!» дея ярадор пиёдасини қисташга тушди.

Улар йўл-йўлакай умид билан олдинга тикилишар, лекин йўланинг охири кўринмасди. Бир-бирига жудаям яқинлашиб қолган қоялар орасида кўндаланг юришга мажбур бўлишган пайтда «энди ишнинг пачаваси чиқди», деб ўйлади Аламазон юраги дукиллаб.

— Ғорда ўладиганга ўхшаймиз! — нафаси бўғзига тикилиб хирқиради Эшмат ва бўғин-бўғинларидан бўшашиб, ўзини ерга ташлади.

— Нега ётиб олдинг? — Эшматнинг елкасидан тортиб қичқирди Аламазон. — Турсанг-чи, тўнка!

— Тиллаларингга қўшилиб гумдон бўл энди, — Эшмат бир силтаниб, унинг қўлидан чиқиб кетди. — Менга тегма! Тегма!

Аламазон йиғламас, лекин ўлим даҳшати уни ҳам анча мадорсизлантириб қўйганди. Омадсиз Генри ёмғирларнинг салқини урган деворга суяниб, жон талвасасида ҳиқиллаб ётган сохта Френсисга дилдидан ачинганича туриб қолди. Бу пайтда шундай ҳам жуда хираллашиб кетган камалакранг нурлар батамом сўниб, ғорни қоронғилик қоплади. Бу янада ваҳимали эди.

Аламазон тугмачироқни ёқиб, ўзининг поёнсизлиги билан уларни ўлимга маҳкум этаётган ваҳимали йўлакка мунгли назар ташлади. Чироқ нури қоялар остини ёритган пайтда унинг қийғир кўзлари сўнгги умид учқунларидан олмосдек чақнаб кетди. Бир-бирига яқинлашиб келаётган қояларнинг пастки қисми борган сари юқорига кенгайиб, ичкарига эса чуқурлашиб борарди. Аламазон бир қарашдаёқ қоялар жипслашган пайтда уларнинг остида туйнук ҳосил бўлишини пайқаб қолди.

«Бу ерда ҳосил бўладиган туйнукка одам сиғмайди, — ўйлади у, — тезроқ яна олдинга сўлжиш керак».

— Биз тирик қоламиз, ошна! — бутун ғорни бошига кўтариб қичқирди Аламазон. — Жонингдан умидинг бўлса, олдинга юр!

Эшмат жонидан умидвор эди. У ярадорга хос бўлмаган чаққонлик билан ўрнидан туриб, тўпиғига чиқиб қолган сувни шалоплатганича илгариларида.

— Тезроқ, тезроқ! — унинг елкасидан тинмай турткилай бошлади Аламазон. — Лаллаймасанг-чи, ишма!

Бу бўралашлар ўз фойдасига айтилаётганини ҳис қилган Эшмат турткилардан хафа бўлмай, жон-жаҳди билан ликонглаб борарди.

Қоялар хазина қидирувчиларнинг кўкрагини ҳар икки томондан қисиб келганда, Аламазон Эшматнинг елкасига қаттиқ мушт урди.

— Ёт!

Эшмат ўзини гурс этказиб ерга ташлади.

— Нега чалпак бўлиб олдинг?— яна куюнди Аламазон.— Эмакла! Бошингни кўтармай эмакла, тўнка!

Улар тобора кенгайиб бораётган каваклар бўйлаб эмаклай кетишди. Ниҳоят, момақалди роқ кучайиб, иккала қоя қарсиллаганича бир-бирига урилди. Ёмғир таққа тўхтаб, ҳаммаёқ бирдан жимжит бўлиб қолди. Шу сукунат ичида ўзининг тирик эканини ҳис қилган Эшмат севинганидан яна йиғлаб юборди.

Туйнук кенгая бориб, охири тик юрса бўладиган ғорга айланди. Бир оз юришгач, ғорнинг бир четидан тарнов бўлиб тушаётган сувни кўришиб, чанқовбости қилишга ошиқишди, лекин сув негадир қайноқ эди. Уларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Аламазон чўнтагини кавдаштириб, уч дона қаттиқ нон бурдасини топди, иккитасини Эшматга берди.

— Менимча, Елкантоғ ортидаги биронта дарадан чиқсак керак,— деди у нонни ҳузур қилиб чайнардан.

— Бу томонлардаям чўпон-мўпонлар бордир,— энди унча оқсоқланмай бораркан, оғзи сувлашиб минғирлади Эшмат.— Бир пишлоқ-хўрлик қиладиган бўлдик-да!

Аламазон насия гапларга ҳеч қачон «ҳа» деган эмасди, бу сафар ҳам индамади.

«Бу ишкамбага овқат бўлса, бас,— нонни чайнаб бораётиб хаёлидан ўтказди у.— Шундан бошқа шерик қуриб кетувдими менга?»

Аламазон, кўпинча, Эшматдан нолиб юришига қарамай, бўш вақтининг талай қисмини у билан бирга ўтказарди. Чунки Аламазон яшайдиган оила қишлоқ марказидан анча четда жойлашган етти хонадоннинг бири; бу атрофда унинг Эшматдан бошқа тенгдоши йўқ эди. Шунингдек, спартакликка иштиёқи баланд қаҳрамонимиз ўзининг итоаткор пиёдаларига эга бўлишни ҳам туну кун орзу қилар, Эшматнинг гўл ва бўйсунувчанлиги унинг учун айни муддао эди.

Эшмат иккинчи бурдани ҳам ямлаб бўлган пайтда ғор ёруғлаша бошлади. Бора-бора тугмачироқ ёқиб юришга ҳожат қолмади. Балон қазолардан омон қолиб, бу мудҳиш ғорда соғ-саломат чиқиб бораётганига қарамай, Аламазоннинг кўнгли ғаш эди.

«Эҳ, тайёр ғордан хазина тополмай қайтйпмиз-а,— алам билан ўйлади у.— Аттанг, стадион қуриш энди давлатнинг гарданига тушадиган бўлди».

## Тиртиқ ва Шилпиқ

Улар ғордан чиқибоқ, ҳайратдан анграйганларича тўхтаб қолишди. Аламазон ўзини юзлаб прожекторлар нури билан ёритилган улкан саҳна қаршисида ҳис қилди. Агар бу чинданам саҳна бўлса, у шунчалар зўр маҳорат билан безатилган эдики, кўриниб турган нарсаларнинг ҳаммаси табиий эканига кишининг ишонгиси келарди. Уфққа ажиб тус бериб турган қизғиш туман, туман остидан элас-элас кўринган пастқам адирлар ва бу адирлар қуршовида ястаниб ётган кўм-кўк водий кишини оҳанрабодек ўз бағрига чорлар, Аламазон эса, ўзи сезмаган ҳолда, бу фусункор оғушга тезроқ отилишни жуда-жуда истарди.

Ғордан бир оз четроқда баҳайбат харсанг устидан тушаётган шовванинг гувиллаши, шовва остидан бошланиб, адирнинг камалакранг туман бутунлай тўсиб қўйган қисмига сингиб кетувчи сой сувининг жимирлаши ҳам табиий эди. Фақат саҳна устида чарақлаб турган сон-саноқсиз юлдузларнинг сохталиги яққол сезилиб турар, бу



юлдузлар орасида ойнинг йўқлиги саҳна безатувчининг бирдан-бир хатоси эди.

Сеҳрлангандек қотиб қолган хазина қидирувчилар ногаҳон аллакимнинг оёқ товушидан сесканиб, ўзларига келишди. Форнинг ўнг тарафидаги жарликдан қуролланган икки сипоҳи чиқиб, найза ўқталганларича уч-тўрт қадам нарида тўхташди ва уларга бошдан-оёқ разм солишди.

«Қаерга келиб қолдик ўзи? — баттар ҳайратланиб ўйлади Аламазон. — «Ўрта асрлар тарихи»-ку бу!»

Сипоҳилардан бири девсифат қоматидан талтайиб, болакайларга гўдайиб боқар, паканасининг эса, қизил чопони этаги ерга судралиб, каттакон сариқ салла остида букчайиб турарди. Новчасининг лаби тиртиқ, паканасининг кўзи шилпиқ эди.

— Хих, тфу!

Учрашув маросими ҳеч бир миллий луғатда қайд этилмаган, лекин барча миллатга бирдек тушунарли бўлган ана шу «халқаро сўз» билан очилди.

— Қимирлама, хўп-па! — тупуриб бўлгач, тумшуғи гажак этигини ерга дўпиллатиб буйруқ берди Тиртиқ.

— Хўп-па! — такадек ирғишлаб, чийиллади Шилпиқ ҳам.

— Ашқол-дашқолингни ташла, хўп-па!

— Хўп-па!

Аламазон, гап унинг қўлидаги тугмачироқ устида бораётганини фаҳмлаб, «қурол»ини аста ерга ташлади.

— Қимсан иккаланг? Хих, тфу! Нима қилиб юрибсанлар бу ерда?

— Нима қилиб юрибсанлар, жунбошлар?

Ранги бўздек оқариб кетган Эшмат мунғайганича гўлдиреди:

— Шундай, айланиб...

«Қочоқлар! Ёш болаларни қўрқитиб, хумордан чиқишмоқчи, — гинжиниб ўйлади Аламазон. — Сенларга майна бўлиш учун атайлаб фордан ўтиб келадиган аҳмоқ энди туғилади».

Кир-чир уст-бошларга бурканиб олган ирkit сипоҳиларнинг аҳволини кўриб, булар ўрдани ташлаб қочган аскарлар бўлса керак, дея ўзича тахмин қилиб қўйганди Аламазон.

— Бундан баландроқ дўқларни ҳам эшитганмиз, — сипоҳиларнинг кўзига тик боқди Аламазон. — Ўзларинг ким бўласизлар?

Тиртиқ бароқ қошларини нақ тўрт энли юқори кўтариб, мушукнинг думидек келадиган узун мўйловини силаганича, Аламазонга ўқрайиб қаради. Шилпиқ қизғиш кўзларини бир Тиртиққа, бир болаларга тикар, чамаси, у шеригининг ҳукмини кутаётганди.

Чақчайган кўзлар бир оз қисилиб, бароқ қошлар томдан пўстак ташлагандек, яна ўрнига қайтиб тушгач, Тиртиқ «хеҳ» деб кулиб қўйди. Бу ерга келгандан бери расмиятчиликка кўниқолмай бетоқат жалпанглаб турган Шилпиққа кўнгил ёзиб олиш учун ниҳоят баҳона топилди.

— Хих-хих, хий-й-й, — Аламазонга бармоғини бигиз қилиб қийқирди у. — Бу жунбош бизнинг кимлигимизни сўраяпти. Энди сен унинг саволига жавоб беришинг керак. Ва-а-а...

У қорин кучиб куларкан, бақатўн босган ҳовузни эслатувчи кўзларидан итбалиқдек ёш тома бошлади.

Аламазон эса қўққис берилган иккинчи зарба билан уларнинг хашагини очиб ташлашга уринди.

— Иккалангиз ҳам қочоқсиз!

Шилпиқнинг кулгиси томоғида тиқилиб қолди. Лекин Тиртиқ бу сафар пинагини ҳам бузиб қўймади. У «ҳийла овсар экансан-ов» дегандек, Аламазонга диққат билан пича тикилиб турди.

— Яхшийми, қорним тўқ, — бурнини жийриб, масхараомуз гап бошлади у. — Йўқса, сен зумрашани сихга тортардим-да, бир ўтиришда хомталаш қилиб еб ташлардим. Вох-хох-хо...

— Қорним оч бўлганда, мен ҳам битта-яримтангни еб қўярдим,— тўтиқушликни давом эттирди Шилпиқ. Сўнг ўзини ваҳший кўрсатишга тиришиб, асирларга тиш ғижирлатди. Ранги ўчиб кетган Эшматнинг кўзига боқиб, кўнгли бир оз таскин топган бўлса, Аламазоннинг ҳамон гердайиб турганини кўриб, хўрлиги келди.

— Сенга гап таъсир қиладими, сурбет?— қўрқмагунингча қўймайман дегандек, жирракилик билан Аламазонга яқинлашди у.— Ҳазиллашяпти деб ўйлаясан-да, а? Шартта еб қўйсам, аттанг қилиб юрмагин тагин.

— Э-э-э,— бепарво қўл силтади Аламазон,— бари бир еёлмайсиз.

Шилпиқ найзасини жаҳл билан ерга дўқиллатиб, шанғиллади:

— Нега еёлмас эканман, жунбош!

— Одам одамни емайди-да.

Чиндан ҳам одамни еёлмаслиги Шилпиққа жудаям алам қилди, шекилли, асабий типирчилаб, айюҳаннос солди:

— Мен... одаммасман! Мен одамхўрман! Мен... Мен...

— Юм оғзингни, хўп-па!— калваклигинг билан менинг обрўйимни ҳам икки пул қилдинг дегандек, шеригини жеркиб ташлади Тиртиқ. Сўнг ўша жаҳл билан Аламазонга юзланиб, жиддий қиёфада сўради:

— Қаёқдан келяпсанлар, ярамаслар?

Тиртиқнинг совуқ боққан кўзларида ҳақиқий ёвузлик белгиси яққол акс этиб турарди. Аллақачон тиззаси қалтирай бошлаган Эшмат «жон ошнажон, шулар билан ўчакишмагин», дегандек, Аламазонни аста туртиб қўйди.

«Робинзоннинг Жумавойини тириклайин емоқчи бўлганлар ҳам одамлар эди,— ўйлади Аламазон.— Ҳарҳолда сал-пал эҳтиёт бўлиш керак».

У бирдан мулойимлашиб, Тиртиққа самимий жилмайиб қаради.

— Мана, сиз билан яйраб гаплашса бўлади,— «похол солиш»ни бошлаб юборди у.— Чунки сиз анави чийиллоққа ўхшаган пандовақи эмассиз.

Шилпиқ аламдан увлаганича, кўк белбоғига қистирилган ханжарга қўл чўзди-ю, шеригининг «Кишт!» деганини эшитиб, дарров шаштидан қайтди. Тиртиқ ўз шахсига қаратилган мақтовнинг давомини эшитиш мақсадида Аламазонга умидворлик билан қаради.

— Зўр одамлигингизни шунданам билса бўладики...

«Маугли»даги лаганбардор чиябўри Табоқига тақлид қила бошлаган Аламазон Тиртиқни зўр бериб иширишга тушди. Тиртиқ бошидан дўлдек ёғилаётган пойма-пой мақтовларни ҳеч бир ўнғайсизланмасдан қабул қилар, Шилпиқнинг эса ҳасаддан кўзлари сузилиб бораётганди. У «кўрмайин ҳам, куймайин ҳам» дегандек, мақтовхўр шеригидан аста узоқлашиб, теваракда бир зум ивирсиб юрди, сўнг Эшматни секингина ёнига имлади. Эшмат оёғи қадтираганича унга яқинлашди.

— Мендан қўрқасанми, йўқми?— кўзларини соққадек ўйнатиб, паст товушда ўдағайлади Шилпиқ.

Эшмат елкаси оша Аламазонга қайрилиб қаради. У авваллари ҳам, яъни математика муаллими қалтисроқ савол берган пайтда Аламазонга ана шундай умидворлик билан қараб қўярди. Ҳамроҳининг Тиртиққа «похол солиш» билан овра эканини кўрган Эшмат, бўйинни қисганича аста минғирлади:

— Қўрқаман.

Ундан ҳам қўрқадиган одам борлигидан севиниб кетган Шилпиқ шоша-пиша яна бир поғона юқори кўтарилди.

— Сени еб қўйсаммикин?

— Мени еманг, жон тоғажон!

— Майли, емайман,— дарров мурувват қила қолди Шилпиқ.

— Раҳмат, тоғажон. Жудаям яхши одамга ўхшаяпсиз.

Аламазоннинг Тиртиққа тинмай узатиб турган «масаллиғи»га

нисбатан анча таъмсиз бўлса-да, бу ҳам ҳарҳолда мақтов эди. Шил-пиқнинг чеҳраси ёришди.

Яхши гап билан итнинг оғзидан суякни олиш мумкинлигига ишонч ҳосил қила бошлаган Аламазон бу пайтда Тиртиқни ҳаддан зиёд тал-тайтириб ташлаганди.

— Ёмон болага ўхшамайсан,— мамнун лаб ялаб қўйди мақтовлардан қорни тўйган Тиртиқ.— Лекин, хафа бўлма-ю, бари бир сизларни хуфия ишлар бошлиғи Фисқиддиннинг ихтиёрига топширишимиз керак. Вазифамиз шунақа, хих, тфу!

— Нега энди?

— Чунки иккаланг Аждарғордан юборилган жосуссанлар. Айтма-санглар ҳам ақлим етиб турибди.

«Аждарғор яна қаер бўлди?— ўйлади Аламазон.— «Ўрта асрлар тарихи»да бунақа жой йўқ эди, шекилли».

— Яна уч кундан кейин ўрнимизга бошқа соқчилар келишади,— давом этди Тиртиқ. Кейин ёрнинг қуйироғидан бошланган чакалакзор ўртасида элас-элас кўзга ташланиб турган кулба томонга қўл чўзиб, деди:

— Унгача ўша хужрада Ҳумо Хартум билан яшаб турасанлар.

— Ким у... Ҳумо Хартум?

— Жиннироқ бир чол,— хиёл тиржайиб қўйди Тиртиқ.— Бир пайтлар ҳамма унга эгилиб салом берарди. Кейин, омади кетди-ю, ҳамма уни масҳара қиладиган бўлди. Хих, тфу! Аслида сенларни унга қўшмасак бўларди-ю, бошқа илож йўқ. У жиннининг алжирашларига қулоқ солманглар.

Тиртиқ шеригини пойлоқчиликда қолдириб, тутқунларни сўқмоқдан пастга бошлади.

— Қани, кетдик, хўп-па!

— Хўп-па!— қувлик билан унинг гапини такрорлади Аламазон ва Эшматга қараб қичқирди:

— Шимингни баландроқ кўтар, менинг тўлпоқ пиёдам. Муқаддас юриш давом этади. Олдинда — Ҳумо Хартум!

## Ҳумо Хартум

Ҳумо Хартум деганлари мирзатеракдек новча ва ингичка бир чол экан. Унинг ноксимон калласи бўйин устида эмас, елкалари орасида қистириқлик турганга ўхшарди. Сипоҳи болаларни эргаштириб унинг хужрасига кириб борган пайтда у қандайдир эски китобни шоша-пиша тахмога устига қўяётган эди.

— Қалайсан, чол?— дўриллади Тиртиқ.— Аждарғорлик жосусларни ушладик. Кулбангда кун кўриб туришар. Кейин буларни Тандирга олиб кетамиз.

«Тандир» сўзини эшитиб, қапалаги учган Эшмат кўзи жавдираб Аламазонга қаради, унинг бепарво турганини кўриб гаши келди.

Чол жосусларга разм солмоқчи бўлди-ю, лекин очиқ эшикдан тушиб турган нурдан кўзи қамашиб, уларнинг афт-ангорини таниб ололмади.

— Сенга айтиб қўяй, буларнинг жуфтани ростлаб қоладиган бўлишса, кетидан қувиб етишга ҳолим йўқ,— жавобгарликни бўйнидан соқит қилди Ҳумо Хартум.

— Қаёққа қочишарди,— «хих» деб қўйиб, қаёққа тупуришини билмай бир оз галдираб тургач, тупугини ютиб юбориб, давом этди Тиртиқ.— Иссиқгорнинг оғзида биз турибмиз. Аждарғорга борадиган биттаю битта йўл — Қоратуйнук. У ерни пошшоликнинг камончилари қўриқлашапти.

Чол қовоғини уйиб, бошини қуйи солди. Чамаси, унинг жосусларни сақлаб туришдан кўра зарурроқ ишлари кўп эди.

Тиртиқ болаларни ташқарига чиқариб юбориб, чолга тугмачироқни узатди.

— Буни жосуслардан ўлжа олдик. Сандиққа солиб қўй.

Сипоҳи чиқиб кетгач, чол тугмачироқни қизиқиб кўздан кечира бошлади. Уни аввал қулоғига яқин тутиб силкиб кўрди, сўнг шишасини авайлаб чертди, охири ботиниб-ботинмай тугмачани босди. Хужра деворида чақмоқ чақнагандек бўлди-ю, чол чироқни қўлидан ташлаб юборди. Бир оз ўйлашиб тургач, миясида қўққис пайдо бўлган фикрдан қаттиқ ҳаяжонга тушиб, ҳаллослаганича ташқарига чиқди. У болаларни синчковлик билан бошдан-оёқ кўздан кечириб чиққач, кела солиб Эшматнинг қўйлак ва шимини сийпалади, унинг оёғидаги ботинкага бутун диққатини бериб тикилди.

— Қаёқдан келдиларинг?— Эшматга мурожаат қилаётган пайтда унинг хира тортган кўзлари бир лаҳза ёрқин чақнаб кетгандек бўлди.

— Биз... биз...— гўлдиради Эшмат.— Шундай...

— Сизга айтишди-ку,— Эшматнинг жонига ора кириб, гапга аралашди Аламазон.— Аждарғорлик жосуслармиз.

— Ёлғон!— Аламазонга ўгирилиб қичқирди чол.

Аламазон Тиртиқ билан суҳбатлашиб ўтирган пайтдаёқ, ўрта аср тимсолидаги қандайдир бошқа бир оламга келиб қолишганини англаб етган, масала равшанроқ бўлгунга қадар ўзимиз ҳақда ҳеч нарса гапирмай туриш керак, деган қарорга келиб, буни йўл-йўлакай Эшматга ҳам шипшитиб қўйганди.

— Бўлмаса, қаерданмиз?— наҳотки, бу телба бирон нарсани пайқаётган бўлса, дегандек бир оз хавотирланиб сўради Аламазон.

— Ёлғон гапирясан!— узун ва қалтироқ бармоғини Аламазонга бигиз қилди чол.— Сизлар ёруғ дунёнинг одамларисиз!

— Қизиқ-ку,— жилла пинак бузмай, зарбани даф қилди Аламазон.— Ёруғ дунё деганинғиз нимаси?

Эшмат ҳам қатордан қолмаслик учун «ие-ие» деб қўйди, сўнг кўзини чолдан олиб қочиб, устма-уст бурун тортди.

— Салламно-о-о-о!— ёқа ушлаб Аламазонга термилди чол.— Шу ёшингда-я! Бошинг омон бўлса, сендан ё номдор арбоб, ё бедаво каззоб чиқади. Сурбетлигинг шундан далолат бериб турибди.

Аламазоннинг аллақачон тўқсонни уриб қўйган бувиси, «бу маҳмадана қирқ ёшли одамнинг гапини гапиради-я», деб куюнишида жон бор эди. Аламазон «таъқиқланган» китоблардан бирмунчасини ўқиб чиқишга улгургани, хатти-ҳаракати ва нутқида ўша китоблардаги қаҳрамонларга тақлид қилишни ёқтиргани учун бўлса керак, кўпинча, ўзини вазмин, салобатли тутар, ёшига хос бўлмаган баландпарвоз гапларни кўп ишлатарди. Лекин ўйинқароқлик ва хаёлпарастлик бари бир унинг болалигини ошкор қилиб қўярди.

Хумо Хартум қовоғини уйиб, секин орқага бурилди. Туядек лўкиллаб ҳужрасига кириб бораркан, остонада бир оз тўхтаб тургач, яна ортга ўгирилиб, аламзадалик билан деди:

— Марҳум отамни чақимчи сифатида ҳамма ёмон кўрарди. Отам қолдирган мерослардан фақат унинг хислатинигина олмаганман. Яширгиларинг келаётган бўлса, менинг ҳам ҳеч кимга индамаганим бўлсин. Лекин сизларнинг ёруғ дунё одамлари эканлигингиз Онаюлдузнинг боқийлиги каби ҳақиқатдир.

Шундай дея, у ичкарига кирди ва қоронғи хужра ичида бир лаҳза кўзга чалиниб тургач, тош деворлар қаърига шарпа мисол сингиб кетгандек туюлди.

— Вой, жинни-ей, ёруғ дунёдан келгансизлар дейди-я,— минғирлади Эшмат.— Нима, биз ҳозир у дунёда юрибмизми?

— Биз томонларни булар «ёруғ дунё» деб аташса керак,— деди чолнинг кетидан паришонхотир тикилиб қолган Аламазон.— Лекин бу чол жинни эмас.

— Гапирасан-да,— қўл силтади Эшмат,— кўрмадингми, сал бўлмаса ботинкамни ечиб оларди.

— Тўнка! — Эшматнинг анқовлигидан аччиқланди Аламазон. — Ҳамлетни ҳам эси кўплиги учун жинни дейишган. Чолдан кечирим сўраш керак, билдингми?

У шеригининг фикр билдиришини кутиб ўтирмай, хужрага қараб юрди. Эшмат шумшайганича унга эргашди.

— Бизни кечиринг, Ҳумо Хартум, — деди Аламазон, остонадан ҳатлаётган Эшматни ҳам қаторга қўшиб. — Биз...

— Менинг исми ҳазрат Ҳумо Хартум, — унинг гапини бўлди чол. — Сен мени «ҳазрат Ҳумо» деб чақир. Чунки мен шу мамлакатдаги жамики ўрмалаган зот ва уларнинг подшоҳидан ҳам минг қарра ақллиман.

Эшмат «айтмовдимми» дегандек, Аламазонга маънодор қараб қўйди.

— Биз ёруғ дунёнинг фарзандларимиз, — фахр билан маълум қилди Аламазон. — Сиз тўғри топдингиз, ҳазрат Ҳумо.

Чол ярқ этиб болаларга қаради. Чамаси, у қайсарларнинг бунчалар тез инсофга келишини кутмаганди. Ҳаяжондан кўзларига ёш келган ҳазрат Ҳумо тутқунларни қайта-қайта қучоқлаб, галма-гал ўпакетди. У ёруғ дунё, қуёш, ой, кўм-кўк осмон ва турфа булутлар ҳақида пала-партиш саволлар берар, гоҳ меҳр тўла кўзларини болаларга қадаганича бирпас жимиб қолар, ора-сира «ишқилиб, мен мияси суйилган қарияни алдамаяпсизларми?», дея сўраб қўярди.

— Шу ёрдан бир кунмас-бир кун ёруғ дунё одамлари келишини билардим, — чол кўз остидаги ажинларга тўпланиб қолган тиниқ ёшини артиб, мунгли жилмайди. — Шу боис, қувғинди бўлганимдан сўнг, тўғри шу ерга — Иссиққорга яқинроқ жойга кўчиб келдим. Лекин ёруғ дунё одамларини кўриш менга насиб қилмай қолишидан қўрқардим. Ахир, неча замонлардан бери бу ёрдан биз томонга ҳеч ким ўтиб келмаган.

— Мана, биз келдик, — бошқалар эплай олмаган ишни биз уддаладик, деган оҳангда гап қотди Аламазон.

— Яратган эшакка салламно, — деб қўйди чол товуши қалтираб ва шу заҳотиёқ қўл силтади. — Тил қурғур ўрганиб қолган-да. Мен ҳам бошқалардек аҳмоқ бўлиб, бир умр шу зоти паст маҳлуққа сиғиниб келибман-а.

— Қанақа маҳлуққа? — Аламазон чолнинг оғзига тикилди.

— Эшакка-да.

Ҳазрат Ҳумонинг эс-ҳуши жойидалигига ҳануз шубҳа билан қараётган Эшмат, унинг сўнгги гапидан кейин «энди ишонгандирсан», дегандек Аламазонга зимдан қараб қўйди.

— Эшакка дейсизми? — Эшматнинг ишорасига парво қилмай, таажжубланиб сўради Аламазон.

— Бизнинг Юлдузистонда ҳамма эшакка сиғинади, — афсус-надомат билан бош тебратиб қўйди чол. — Бизнинг бобокалонларимиз дастлаб бу ерга кириб келишган пайтда ўз дини ва худосини чала-чулпата танийдиган ёшда бўлишган...

Чол гапини тугатмай, ўрнидан қўзғалди.

— Ҳа майли, бу тўғрида кейинроқ гапириб берарман. Аввал сизларни меҳмон қилишим керак. Атайлаб ёруғ дунёдан келиб, Ҳумо Хартумнинг зиёфатида бўлмаслик — уят.

Меҳмонлар ҳам бу маросимни орзиқиб кутишаётганди. Дастурхонга нон, яхна гўшт, туршак ва мева қоқи тортилиб, учта бўш коса билан жигарранг суюқлик тўлдирилган кўза келтириб қўйилди. Ҳазрат Ҳумо чой деб узатган бу совуқ суюқлик лимонли қандчойни эслатарди.

Зиёфат давомида меҳмонлар чурқ этмай ўз вазифаларини сидқидил ва кутилганидан бирмунча тез уддалашди. Уларни узлуксиз равишда чой билан таъминлаб турган мезбон болаларнинг исм-шарифларини сўраб олишга зўрға ботинди. Бир оздан сўнг дастурхонда ушоқ,

суяк ва данакларгина қолди, холос. Ёруғ дунёликлар мева қоқиларни ҳам паққос туширишди.

— Ҳазрат Ҳумо, ишқилиб, бор-шудингизни таламон-тандир қилмадикми?— қорни тўйгандан кейингина чолнинг турмуши билан қизиқди Аламазон.

— Жулдур чопонда бўлсам ҳам, сизларга ўхшаган меҳмондан яна ўнтасини боқишим мумкин,— косадаги чойни ҳўплаётиб кулиб қўйди чол.— Ҳозир сизларни ўзимнинг хўжалигим билан таништираман. Кейин Юлдузистон тўғрисида гаплашсак ҳам бўлади.

Болалар чолга эргашиб, ташқарига чиқишди. Улар чакалакзор оралаб боришаркан, ҳазрат Ҳумо шакарқамишга ўхшаган ўсимликни кўрсатиб, унинг чой эканини айтди. Бу ўсимликнинг бир бўлагини совуқ сувга ташлаб қўйилса, бир оздан сўнг у бутунлай эриб, тап-тайёр чой ҳосил бўларкан.

Пича юришгач, чакалакзор тугаб, буғдойзор бошланди. Қизиғи шундаки, бу мамлакатда экин сугориш, дон сочиш деган гаплар йўқ экан. Буғдойлар ўзи униб чиқиб, ўзи пишиб ётавераркан.

Орқага қайтиб келишгандан кейин чол хўжра ёнидаги қўлтегирмон ёрғичоқда буғдой тортиб кўрсатди. Ёрғичоқдан бир оз нарида қайнарбулоқ бўлиб, юлдузистонликлар гўштни тўғридан-тўғри шу булоқда пиширишар, хамирни ҳам унинг сувида қоришаркан. Булоқнинг суви салгина шўр бўлгани учун масаллиқнинг тузини ўзи ростлаб қўя қоларкан.

— Мамлакатда юзлаб мана шунақа булоқлар бор,— изоҳ берди чол.— Булоқ қаерда кўп бўлса, ўша жойда одамлар зич яшашади.

Булоқнинг ёнгинасига қўйилган кўктошнинг ажойиб хусусияти бўлиб, у кечқурунлари илмилик турар, кундузи эса ҳаддан зиёд қизиб кетар, юлдузистонликлар нонни шу тошга ёпар эканлар. Бундай тошларни ўша Иссиққорнинг тепа қисмидан кўчириб келишаркан.

«Бу тошга гўшт ёпиб есанг, росаям маза бўлади-да», деб ўйлаб қўйди Эшмат, сўнг ўша масаллиққа гўштни қаердан олишини суриштирди.

— Чорвам йўқ,— жавоб қилди чол.— Лекин бу ерда паррандалар кўп. Уларга тузоқ қўяман.

Чол қўли билан сой тарафни кўрсатиб, қўшиб қўйди:

— Бу томонлар — мевазор. Бекорчиликда бир айланиб келарсизлар.

— Бу ерда ҳеч ким оч қолмас экан,— атрофга ҳавас билан қараб қўйди Аламазон.— Фақат қишга кўпроқ дон ғамлаб олишингиз керак, ҳазрат Ҳумо. Хоҳласангиз, биз ёрдам берамиз.

— Қиш? Нима у?— сўради чол.

«Наҳотки, бу ерда қиш ҳам бўлмаса», дея таажжубланди. Аламазон, сўнг дарс бераётган муаллимдек ўзини эркин тутиб, завқ-шавқ билан тушунтира бошлади:

— Қиш, бу — қаҳратон. Ҳаво совиб кетади, ер музлайди, экин ва майсалар қуриydi, дарахтлар ёппасига барг ташлайди. Одамлар беш қаватдан кийим кийиб олишсаям, тишларини такиллашиб дилдирайверишади, дилдирайверишади.

— Бишда совуқ ва иссиқ сув бор, аммо совуқ ҳаво йўқ,— ўз мамлакатини номидан гапира бошлади чол ҳам.— Юлдузистонда ҳеч бир экин ёппа қуриб кетмайди, ҳеч бир дарахт буткул яланғочланиб қолмайди. Буғдойзорда битта поя қуриса, ёнидан бошқаси униб чиқади, дарахтдан қовжираб узилган барг ўрнини эндигина ниш уриб келаетган янги куртак эгаллайди.

Аламазон бу фаройиб мамлакат ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлишга ошиқар, чол айтиб беришни ваъда қилган Юлдузистон ҳақидаги ҳикоянинг бошланишини сабрсизлик билан кутарди.

Ҳазрат Ҳумо ёруғ дунёликларни хўжрага таклиф қилди.

# Қўтирлар сулоласининг

## инқироzi

Хумо, Хартум шаҳаншоҳ Қўтир Тўртинчининг ҳукмдорлик даврида туғилиб, вояга етди. Унинг отаси саройда бош айғоқчи лавозимини эгаллаб тургани учун, улар машҳур лаъл қасрнинг шинам хоналаридан бирида истиқомат қилишар ва шаҳаншоҳлик томонидаги яратилган бир қатор имтиёзлардан баҳраманд эдилар. У ҳукмдорнинг яккаю ягона ўғли Қўтир Бешинчи билан тенгдош бўлиб, улар саройда бир устоддан таълим олишар, бўш вақтларини доимо бирга ўтказардилар.

Қўтир Бешинчи йигирма бир ёшга тўлган пайтда отаси оғир касалликдан вафот этиб, у тахтга ўтирди ва эртаси куниеқ Хумо Хартум бош вазирлик мансабига тайинланди. Подшоҳ кўпчилик билан кенгашмай туриб, мамлакат миқёсида ҳеч бир ишни амалга оширмас, ўзининг мулоҳазалилиги ва тадбиркорлиги билан кейинчалик ҳазрат Хумо деб ном олган бош вазир унинг биринчи маслаҳатчиси эди.

Қўтир Бешинчининг қирқ йиллик ҳукмдорлик даврида юрт фаровонлашиб, вилоятлар кўркамлашди, илму фан соҳиблари қадр топиб, маърифат юксалди, маъмурчилик ошиб, қурилишлар авж олди.

Юлдузистон икки йirik вилоятдан иборат бўлиб, шулардан бири Тандир ўзининг олтин сарой ва лаъл қасрлари, кўркам кумуш бинолари, гавҳар фавворалари, сон-саноксиз мрамар ҳайкаллари билан ажралиб турарди.

Иккинчи вилоят — Аждарғор эса, асосан Қўтир Бешинчининг ҳукмдорлик даврида кенгайди ва ободонлашди. Бу хушманзара жойдаги пастқам тошкапалар ўрнида ярақлаган кумуш ва мрамар бинолар қад кўтарди. Яйлов ва чакалакзорларда тарқоқ ҳолда яшаб келаётган оилаларнинг асосий қисми марказ атрофига тўплана бошлади.

Баланд ва сип-силлиқ қоялар тизмаси Тандир билан Аждарғорни бир-биридан ажратиб турар, вилоятдан-вилоятга фақат Қоратуйнук деб аталувчи улкан туйнук орқалигина ўтиш мумкин эди.

Дон, гўшт, мева ва каноп мамлакатнинг асосий бойлигини ташкил этиб, асосан Тандир шаҳри атрофида уюлиб ётган лаъл, олтин, гавҳар сингари ярқироқ тошлардан сарой ва қасрларни баш, тақинчоқлар ясаш учунгина фойдаланиларди. Юлдузистоннинг энг қадрли моли каноп эди. Каноп Аждарғор ва Тандир вилоятларининг жуда кичик қисмида ўсар, бирор ўсимликни кўчириб экиш, экин майдонини кенгайтириш бу мамлакатда ҳали одат тусига кирмаганди. Бўзчилар канопдан юпқа ва қалин газламалар тўқишиб, уларни турли гиёҳлар ёрдамида ҳар хил рангларга, жумладан оқ рангга ҳам бўяр эдилар.

Мамлакатда ҳайвонотнинг бор-йўғи тўрт тури мавжуд бўлиб, уларнинг биринчи ва иккинчиси — қўй-эчки, учинчиси — тақдирнинг ҳазили туфайли хўрликдан зўрликка кўтарилган бахтиёр эшак, тўртинчиси — худо сифатида ҳам, таом сифатида ҳам яроқсиз деб топилган шўрпешона мушук эди.

Аҳолининг асосий қисмини деҳқон, чорвадор ва соҳибкорлар ташкил этар, бу юртнинг косиб-хунармандлари бўзчи, меъмор, наққош, мисгар, дурадгор, кулол, этикдўз, бичиқчи кабилардан иборат эди. Созанда, хонанда, шоир, сураткаш, ҳайкалтарош, айниқса, табиблар эл ичида энг нуфузли кишилар ҳисобланишарди.

Қўтир Бешинчи узоқ вақтгача фарзанд кўрмади. Унинг хотини Маликаи Мистон бош лашкарбоши Бурбулитнинг опаси бўлиб, жудаям устамон ва муғамбир аёл эди.

Шаҳаншоҳ охири Аждарғор вилояти ҳокими Нодим Улуғнинг ёш ва сулув синглиси Маликаи Рузвонга уйланди. Саройда ёш келин пай-

до бўлгандан кейин, тақдирнинг тақозоси билан Маликаи Мастон ҳам қутилмаганда ҳомиладор бўлади ва Маликаи Рузвоннинг кўзи ёришишидан уч кун аввал уни ҳам тўлғоқ тутди. Шундай қилиб, шаҳаншоҳ бирин-кетин иккита ўғил кўрди. Каттасини Фonus, кичигини Феруз деб атай бошладилар.

Маликаи Мастон шундан кейин бошқа фарзанд кўрмади, Маликаи Рузвон эса яна битта қизлик бўлди. Унга Хазина деб исм қўйишди.

Қари ва жоҳил маликаи Мастоннинг ҳаддан зиёд эркалатиши натижасида, шоҳзода Фonus ишەқмас, инжиқ ва овсар бўлиб улғая бошлади. У юз-қўлини ювиш, ечиниб-кийиниш, ҳатто бурнига келиб қўнган пашшани ҳайдашга ҳам эринар, муаллимлардан димоғ-фироқ билан сабоқ олар, камон отиш ва қиличбозлик машқларидан умуман бош тортарди.

Шаҳзода Феруз, аксинча босиқ, одобли ва тиришқоқ эди. Унинг суҳандонлиги ва зеҳн-фаросатининг ўткирлиги сарой олимларини ҳайратга соларди. У ўн ёшидаёқ камон ўқини ҳалқага бехато санчадиган бўлди, ўн бир ёшида қиличбозлик санъатини пухта эгаллаб, устодларини ҳам қойил қолдирди. Унинг аниқ ва чаққон ҳаракатлари бир пайтлар Юлдузистондаги энг шоввоз қиличбоз ҳисобланган Барри Бараканинг такрорланмас услубларини эслатарди.

Хазина эса ўзининг қўғирчоқдай ёқимтойлиги, ширинсуханлиги ва покиза хулқ-атвори билан саройдагилар меҳрини қозонганди.

Ўғиллари ўн икки ёшга тўлганда Қўтир Бешинчи тўсатдан вафот этди. Шундан сўнг тож-тахт талашишлар бошланди. Шаҳаншоҳ тахтни Ферузга васият қилиб қолдирган бўлишига қарамай, бош лашкарбоши Бурбулит ўз жиянини ёқлаб чиқиб, Феруз Фonusдан уч кунлик кичик, мамлакат тақдирини муштдек болага ишониб топшириш ақлдан эмас, деган даъвони илгари сурди.

Бош вазир Ҳумо Хартум, Аждарғор вилояти ҳокими Нодим Улуғ ва шу вилоят лашкарбошиси Палахмон полвонлар шаҳаншоҳнинг васиятини бузмасликни талаб қилишди. Лекин хуфия ишлар бошлиги Фисқиддин, бош айғоқчи Исабтопар, Таңдир вилояти ҳокими Хидир Хум ва ана шу вилоят лашкарбошиси Шаламон Шилдир кабилардан иборат нуфузли кучларни ўз атрофига тўплаб олган Бурбулит охири қолиб чиқиб, тахтни шоҳзода Фonus эгаллайдиган бўлди.

Бундан қаттиқ ранжиган Нодим Улуғ синглиси ва жиянларини олиб, Аждарғорга жўнади. Палахмон полвон ўз лашкарлари билан унга эргашди. Шу тариқа Юлдузистон ўз тарихида илк бор икки ҳокимликка бўлиниб, Таңдир ва Аждарғор вилоятлари ўртасида кўриқланадиган чегара пайдо бўлди.

— Мана, икки йилдирки, кунимиз ўша инжиқ гўдакка қолган, — чуқур хўрсиниб қўйди Ҳумо Хартум. — Бу давр ичида оддий авомнинг аҳволи жуда оғирлашиб кетди. Янги подшо энг серҳосил мевазорларни, энг серўт яйловларни, энг бўлиқ бугдойзорларни ўз арбоб-уламо-ларига тақсимлаб берди. Саройдаги бир тўп лаганбардор машшоқ ва шоирларни ҳисобга олмаганда, илму фан аҳли хор бўлиб, санъаткорларни ҳеч ким қадрламай қўйди. Хуллас, Исқирт Биринчининг пойқадами эл-юрт учун қутлуғ келмади.

— Исқирт Биринчи дедингизми? — сўради Аламазон. — Қим у?

— Бу ўша Фonusнинг янги дабдабали исми, — захарханда билан кулиб қўйди чол.

## **Исқиртлар мамлакати**

Тож-тахт учун бўлган можаро Бурбулит тарафдорлари фойдасига ҳал бўлган кун қувончдан ўзини саройга сиғдиролмай қолган Маликаи Мастон омадли шоҳзода Фonusни ўпиб-ялаб эркалашга тушди.



— Эртага эрталаб санга тож кийдиришади, ширингинам,— рўмол-часи билан эндиликда Қўтир Олтинчига айланган Фonusнинг бурнини артатуриб гап бошлади малика.— Энди олдингда ҳамма етти букилиб таъзим қилади, сан бўлсанг кеккайиб тураверасан. Кеккайиб тургин, хўпми?

— Тоғам ҳам манга таъзим қиладими?— завқланиб минғирлади Фonus.

— Бурбулитми?— ўз укасининг номини назар-писандсиз тилга олди малика.— Буюрсанг, оёғингни ялайди.

Шундан сўнг малика унга ҳаммомда яхшилаб ювиниб олиши лозимлигини айтди. Фonusнинг капалаги учиб, бунга ўлса ҳам рози эмаслигини маълум қилгач, малика одамларнинг кўзига шу аҳволда кўриниш уят эканини уқтириб, ҳеч бўлмаганда юз-кўлингни ювиб олишинг керак, деб туриб олди. Фonus маликанинг юрагига гулгула солиб, «ювинадиган бўлсам, подшолик қилмайман», дейишгача бориб етди. Бу можаронинг устига Бурбулит кириб қолди.

— Ювин дегандан кейин, ювингин-да,— хотин билан эркакнинг гапи ўртасида от билан эшакча фарқ борлигини опасига кўрсатиб қўйиш учун жиянини дабдурустдан ўдағайлашга тушди у.— Эртага тож киясан-а, тирмизак!

— Бор, тижингни тер!— кутилмаганда унга шанғиллаб берди Фonus.— Тож кийганимдан кейин, санга оёқларимни ялашни буюраман.

Бурбулитдек такаббур ва совуққон банда бу гапни эшитиб, хийла довдираб қолди. У ўзининг қаршисида тирмизак бўлишига қарамай, агар истаса, эртага чиндан ҳам кир оёқларини ялатиши мумкин бўлган ҳукмдор турганини чуқур ҳис қилди.

— Нималар деяпсиз, жиян?— тездаёқ ҳовуридан тушиб, жиянини умрида биринчи марта сизлай бошлади Бурбулит.— Шунчаки жигарчилик қилиб айтдик-қўйдик-да. Хоҳласангиз ювининг, хоҳламасангиз...

— Хоҳламайман!

— Балли! Мана бу ҳақиқий шаҳаншоҳнинг зардаси,— Бурбулит сохта тиржайиш билан Маликан Мастонга юзланди.— Ҳали кўрасиз, опа, жиянимдан шундай бир ҳукмдор чиқадики, бунақасини ҳали кўҳна Юлдузистон кўрмаган, қайтиб кўрмайди ҳам.

Бу гапдан сўнг Фonus анча юмшади.

— Сизни бош вазир қилиб олсам керак,— деди у Бурбулитга нописанд боқиб.

— Вой, «олсам керак» деганинг нимаси, ширингинам?— ўғлини енгил-елли тергаб қўйди малика.— Сани тахтга ўтқазгунча тоғанг озмунча куйиб-пишдим. Ювиниб ол, дегани — санга қайишгани. Саройдагилар жиянимнинг исқиртлигидан кулишмасин деяпти-да.

— Кулишади?— хонани бошига кўтаргудек бўлиб шанғиллади Фonus.— Унда ман ўшаларнинг ўзлариниям ёппасига исқирт қиламан!

Эртаси куни у ишни шундан бошлади. Тож кийдириш маросими тугагач, тахтга дурустроқ ўрнашиб улгурмай, ўзининг дастлабки фармонини эълон қилди. Фармон жуда қисқа бўлиб, унда «Вилоятдаги ҳамма ҳаммомлар аямасдан бузиб ташлансин!» дейилган эди. Шаҳаншоҳнинг бу кескин фармони туфайли мамлакатга келадиган наф нимадан иборат эканини тушунолмай қолган арбоб-уламолар ўзаро вижир-вижирни бошлаб юборишди.

— Жим!— тахтдан йиқилгудек бўлиб қичқирди янги ҳукмдор.— Ҳамманг билиб қўй, бугунча индамайман, эртадан бошлаб кир-чир юрмаган одам саройда кўзимга кўринмасин. Бу — биттаси. Иккинчиси ман энди шоҳзода Фonus ҳам, Қўтир Олтинчи ҳам эмасман. Ман — Исқирт Биринчиман. Ҳамманг шунақа деб чақирасан. Хўш, кимда қандай гап бор?

Ҳеч ким чурқ этмади. Эндиликда бош вазирлик лавозимини эгаллаб турган Бурбулит ранги оқариброқ кетган бўлишига қарамай, ҳукмдорга сиполик билан таъзим қилди.

Саройнинг эртанги кунидан кўнгли тўқ ҳукмдор энди мамлакатдаги авомни тартибга солиш ҳақида қайгура бошлади. Бир оздан сўнг ўнлаб жарчилар бозор ва гузарларда шаҳаншоҳнинг янги фармонини жар солиб, овоза қилишга тушдилар:

— Хе-хе, хе-е-е-й! Эсилару нодонлар, хафалару шодонлар, гўнг ҳидлаган чўпонлар, гул ҳидлаган жувонлар, эшитмадим демангларо-о-в! Исқирт Биринчи падари олийлари мамлакат аҳолисига катта ғам-хўрлик кўрсатиб, бугундан эътиборан уларни ювиниш ва чўмилишдек ташвишдан бутунлай озод қиладилар. Авомга берилган бу катта имтиёздан баҳраманд бўлмай, ўзининг пок бадани билан шаҳаншоҳликнинг саховатини ҳақорат қилганлар дарҳол қамоққа олиниб, тавбасига таянгунича дўппосланади. Қасддан ювинаётган ёки чўмилаётган пайтда қўлга тушганлар эса, хавfli ғалаёнчи сифатида қоронғи зиндонга ташланадилар. Хе-хе, хе-е-е-й!!!

Сарой арбоблари туни билан ухламай чиқишди. Улар шошилини равишда иложи борича дурустроқ ирқитлашиш чораларини кўра бошладилар. Чунки улар ўзларини қанчалар расволаштиришса, ҳукмдор олдида шунча кўп эътибор қозонишларини сезиб туришарди. Бири тинмай қумтупроққа юмалар, иккинчиси баданига елим суртиб, кейин устидан чанг тўзғитар, яна бошқа бирови уқаланадиган қоратош билан вужудини ишқалашга киришганди. Аслида, аввал сувга шўнғиб олиб, сўнг қоратош суртилса, иш анча осон кўчган бўларди. Лекин у ҳали қоратош суртишга улгурмай туриб қўлга тушгудек бўлса, чўмилаётган хавfli ғалаёнчи сифатида зиндонга ташланиши турган гап эди. Айғоқчилар ҳар қадамда изғиб юришарди.

Арбоб-уламолар эртаси куни ахлат титиб чарчаган пўмқарғалардай қаторлашиб, ҳукмдор ҳузурига кириб келишди.

— Мана энди ҳаммамиз бир хилмиз,— тумшугини юқори чўзганича, бўридек увлаб кула бошлади Исқирт Биринчи.— Энди бир-биримиздан куладиган жойимиз қолмади. Ув-ув-ув-ув...

Таомилга кўра, келибоқ ҳукмдорнинг ўнг ёнбошидан жой олган Бурбулит қоратош тимдалаган дўрдоқ лабларини ишшайтириб, тавозе билан бош эгди. Бошқалар шатмоқ бурунларини ерга теккизгудек бўлиб, таъзим қилишди. Шундан сўнг бир кечадаёқ қораялоққа айланиб улгурган сарой шоири Дуторий уч-тўрт қадам олдинга чиқиб, шаҳаншоҳга қайтадан таъзим бажо келтиргач, хезланиб деди:

— Агарким жоиз десалар, суманрухсор шаҳаншоҳимизнинг нусрати ҳувайдоларига бағишлаб иншо қилган ғазалимни ўқиб берурдим.

— Қани, ўқи-чи,— талтайганича руҳсат берди Исқирт Биринчи. Дуторий ҳошиядор салласига қистириқлик қоғозни олиб ўпгач, ғазални ўқишга киришди:

**«Ювилмаган бетингиз мунча чиройли...»**

Шоир ўз одатига кўра бир оз тўхталиб, четдан ёғиладиган раббатларни кутди. Лекин бу ҳақоратомуз мисра арбобларнинг энсасини қотирган бўлса керак, улар миқ этмай тураверди. Биринчи: бўлиб ҳушини йиғиб олган Бурбулит «Офарин!» дея хитоб қиларкан, дадилроқ бўлсаларинг-чи, дегандек пастдагиларга ўқрайиб қўйди.

Дуторий иккинчи мисрани ўқиди:

**«Моғор босган этингиз мунча чиройли...»**

— Баракалла!— хириллади бош айғоқчи Искартопар.

— Ҳай-ҳай-ҳай!— деб қўйди лашкарбоши Шаламон Шилдир.

Бундан кўнгли кўтарилган Дуторий кейинги байтни завқ-шавқ билан куйлади:

**«У ёнингиз кир эрур, бу ёнингиз кир,  
Олдингиз ва кетингиз мунча чиройли...»**

Арбоблар бу сафар анча уюшқоқлик ва дадиллик билан хитоб қилишди:

- Офарин!
- Тасанно!
- Ҳай-ҳай-ҳай!

Аслзодалар янги тартибга жуда тез мослашишди. Лекин оддий авомни иркитликка кўниктириш анча мушкул кўчди. «Қирлаштириш»нинг дастлабки пайтларида қамоқхона ва зиндонлар маҳбусларга тўлиб кетди. Тавбасига таянганлар зудлик билан озод этилиб, уларнинг ўрнига қайсарларнинг янги тўдаси ҳайдаб келинар ва беаёв калтакланарди.

Орадан бир йилча вақт ўтгач, аҳолининг асосий қисми шаҳаншоҳнинг янги имтиёздан тўла-тўқис фойдалана бошлади. Дуч келган тақдирга тан беравермайдиганлар тоифаси эса, ҳануз қамоқ ва зиндонларда азобланиб ётишарди...

— Сиз Нодим Улуғ билан Аждарғорга кетсангиз бўларди-ку, — таажжубланди Аламазон.

— Кетавермабсиз-да, ҳазрат Ҳумо, — гап қистирди Эшмат ҳам.

— Бирга кетамиз, деб Ферузнинг менга ёпишиб олганини кўрсангиз эди, — ўша сонияни ғамгин ёдга олди чол. — Мен бўлсам, унга бу ерда қолаётганимнинг сабабини айтолмай қийналардим.

Чол ўрнидан туриб, токчадан сарғайиб ва титилиб кетган эски китобни олди. Китобнинг варақлари ўта дағаллигига қараганда, ҳали одамлар дурустроқ қоғоз ясашни билмаган даврларда ёзилган эди.

— Мени бу ерда қолишга мажбур этган нарса мана шу китоб, — дея чуқур хўрсиниб қўйди чол. — Буни ёруғ дунёдан илк марта Юлдузистонга кириб келган бобокалонларимиздан бири Мажиддин Равшаний ёзган.

## Биринчилар

Кўтир Бешинчининг вафотидан бир ҳафта олдин, Ҳумо Хартум сарой ҳаммомидан чиқиб келаётган пайтда гўлаҳ унга мана шу эски китобни тутқазди.

— Эски тошқапани бузаётиб топиб олдим, — деди гўлаҳ. — Жуда қадимий китобга ўхшайди.

Бош вазир Ҳумо Хартум китобнинг дастлабки бетига кўз югуртибоқ, «Салламно-о-о!» деб қўйган бўлса, эртаси куни гўлаҳни чақиртириб, унга сарупо кийдирди.

Ҳумо Хартум даставвал китоб билан батафсил танишиб чиқиб, пухта мушоҳада қилиб олгач ва ўзини айрим саволларга жавоб қайтаришга қодир деб билгандан кейингина бу ноёб топилма ҳақида шаҳаншоҳга гап очишни мақсад қилиб қўйганди. Бевақт ўлим туфайли Кўтир Бешинчи бу сирдан воқиф бўлолмай қолди.

Бу китоб топилгунга қадар барча юлдузистонликлар каби Ҳумо Хартум ҳам ўзи туғилиб ўсган мана шу улкан ғорни олам деб тушунарди. Кейинчалик у ўзини баҳайбат оғилхона ичида ивирсиб юрган бефаросат маҳлуқдек ҳис қила бошлади.

Болалар билан ёруғ дунё ҳақида, уларнинг Жандағор оғзидан бошланиб, Иссиқғорда давом этган саргузаштлари тўғрисида гап-лашгандан сўнг чолнинг бу китобга эътиқоди янада ортди. Ёруғ дунёнинг табиати, Жандағорнинг тузилиши, Иссиқғордаги силжувчи харсанглар ҳақида болалар берган маълумот Мажиддин Равшанийнинг китобида баён этилган гапларга деярли мос тушарди, лекин ёруғ дунё одамларининг турмуш шароити тўғрисидаги янги ва эски маълумотлар ўртасида жуда катта тафовут бор эди.

Равшанийнинг «Ғурбатнома» китоби тинч ва обод Тоштақа қишлоғига бир гала очкўз хорижийларнинг бегона тилда шовқин-сурон кўтарганларича қўққис бостириб кирганидан бошланган бўлиб, унинг дастлабки саҳифаларида тепаликда пода боқиб юрган қишлоқи болаларнинг босқинчилар таъқиби остида Жандағорга қараб қочганлик-

лари, курак ва оёқларига камон ўқи санчилиб йиқилганларнинг зорланиб чинқиришлари, улардан бор-йўғи тўққиз нафари ғорга соғ-омон етиб кела олгани тасвирланган эди.

Кейинги саҳифаларда баён қилинишича, ёвнинг таъқибидавом этаётганини сезган болалар даҳшатдан эслари оғудек бўлиб, тобора ғорнинг ичкарисига қараб қоча бошлашибди. Тор туйнукдан ўтиб, бир томондан шалола гувиллаб ётган улкан ғорга киришгач, деворларида камалакранг нурлар жилоланиб турган йўлакка дуч келишибди. Қаердандир келаётган зириллаган товушга бирпас қулоқ солиб туришгач, жон илинжида яна олдинга қараб югуришибди.

Омон қолганларнинг йўл бошловчиси ўн бир ёшлар чамасидаги Жаброил исмли бола бўлиб, у ўз тенгдоши Руқия деган қизнинг тўрт ёшли укаси Мадумарни опичлаб олган, қолганлар — ёшлари тўққиз-ўннинг атрофида бўлган ўғил-қизлар эса, иссиқдан нафаслари бўғилганича, унинг кетидан чопиб боришарди.

Яна бошқа бобларда ҳикоя қилинишича, Юлдузистонни кашф этганлар дастлабки пайтларда жуда қийналишибди. Улар асосан мewa, буғдой ва ёввойи паррандалар тухуми билан овқатланишар, тандирдан янги узилган нон тез-тез тушларига кириб тураркан. Онанинг кенжатоғи бўлгани учун ҳанузгача эмиб юрган Мадумар эса «бувимга бораман, бувимга», дея ҳар куни тикилич қиларкан.

Болалар қайнар булоқ ва кўктошнинг хусусиятини билиб олганларидан кейин ишлари бирдан юришиб кетибди. Уларнинг дастурхонини пиширилган гўшт, қайнатилган тухум ва энг муҳими — нон безай бошлабди.

Шунга қарамай, улар аллақачон култепага айланган қишлоқларини соғинишар, ваҳшийларча қириб ташланган ота-оналари ва укаларини эслашиб эзилишар, бундай пайтда эл-юртни душманлардан сақлай олмаган ландавур подшоларини аямай лаънатлашга тушишарди.

— Бизнинг подшомиз ҳам йўқ, — деб қолибди бир куни болалардан бири. — Дунёда бунақа мамлакат бўлмаса керак.

Шунда тили чучук Мадумар гердайиб туриб, «мен подшоман» дебди. Ҳамма кулиб юборибди.

Бир пайт Жаброил ғалати таклиф киритибди.

— Келинлар, шуни пошшо қилиб сайлаб қўя қолайлик, — дебди у. — Бари бир уни боқишимиз керак.

Шундан кейин ҳаммага эрмак топилиб қолибди. «О, подшоҳим, тустовуқ овлашга ижозат берсалар» — унинг қаршисида тиз чўкиб ёлғондан илтижо қиларди бири, «Балиқни хомлигича еймизми, пиширибми?» — бош эгиб сўрарди бошқаси ва шоҳнинг «пишириб бер», деган жавобини эшитиб, қотиб-қотиб кулишарди.

Қизлар баъзида уни харсанг устига ўтқазиб қўйишиб, атрофида ҳолдан тойгунча рақс тушишар, сўнг «Энди пича дам олсак майлими, шоҳим», дея қиқирлашганича рухсат сўраган пайтларида туғма овсар Мадумар қовоғини очмасдан аста бош қимирлатиб қўярди.

Охири ҳазилнинг тағи зил бўлиб чиқибди. Мадумар ўз нонини ўзи топиб ейдиган ёшга етгандан кейин ҳам тахтдан тушишни истамабди. Тоштақадаёқ муштумзўрлиги билан донг таратган Жаброил унинг опаси Руқияга уйлангандан кейин эса, бошқаларнинг подшоҳга тобелиги янада ортиб, натижада Юлдузистоннинг биринчи ҳақиқий шаҳаншоҳи пайдо бўлибди.

Равшаний бундан кейинги саҳифаларда Юлдузистонга келганига йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтгач, ўттиз белгидан иборат ҳарфлар мажмуасини тузиб, ўзининг ва бошқаларнинг фарзайдларини саводли қилишга бел боғлаганини айтиб ўтган эди.

Улар бунга қадар ёруғ дунёга қайтиб чиқиш умидида Юлдузистоннинг барча қавак-кандикларини қайта-қайта тимирскилаб чиқишибди. Озодликдан умидларини узишиб, тақдирга тан берганларидан сўнг, келажак авлод бу ердан чиқолмагани ҳолда, нурафшон оламга

армон билан талпиниб яшамасликлари учун болаларига ёруғ дунё ҳақида сўзламасликка онт ичишибди.

Мамлакатда қачонлардир ёруғ дунё сари йўл оча оладиган қудратли кучлар юзага келишига умид боғлаган Равшаний ўзининг узок зурриётига аталган бу китобни Юлдузистондан ташқарида инсон орғусидек бепоён олам борлиги, улар яшаб турган юрт эса ўша чексизликнинг буғдой донасидан кичик бир зарраси эканини маълум қилиш билан яқунлаган эди.

## Эшмат Ишманинг кашфиёти

— Демак, ёруғ дунё сари йўл ҳозирча битта, — Мажиддин Равшанийнинг «Гурбатнома»сини ёпиб, ўйга чўмди Ҳумо Хартум. — У ҳам бўлса — Иссиқғор.

— Тўғри, йўл бор эди, — ноумид бош силкиб деди Аламазон. — Энди беркилиб қолди.

— Иссиқғор Равшанийлар ўтгандан кейин ҳам беркилиб қолган эди, — деди чол. — Сизларга қайтадан очилди. Бу йўл ўн икки йилдан кейин яна очилади.

Эшматнинг энсаси қотиб, кўзлари олайиб кетди.

— Вой, ву-у-у-й! Яна икки ойдан кейин биз мактабга борамиз-ку, ҳазрат Ҳумо.

— Қаёққа шошиляпсан? — мийиғида кулиб қўйди Ҳумо Хартум. — Ўн икки йилдан кейин Иссиқғор очилди ҳам дейлик. Аммо бу ёруғ дунёга йўл тайёр деган гап эмас-да.

Иссиқғор устидаги кўктош ҳар ўн икки йилда бир марта куярди. Бу ҳодиса юз берадиган кунни сарой олимлари «Мажиддин жадвали»га асосланиб аниқ айтиб беришар, лекин аҳоли кўктош куядиган кунни олимларнинг жадвалисиз ҳам яхши биларди. Чунки тошқуйди бошланишидан пича олдин мамлакатдаги бор ҳайвон ва паррандалар жонҳалпида ўзларини пана жойларга ура бошлашарди. Улардан ўртак олган одамлар зудлик билан уй-уйларига тарқалишиб, бу безарар ёнғиннинг тугашини бетоқат кутиб ётишарди.

Мамлакат осмонидаги энг нурафшон юлдуз — Онаюлдузнинг нур устунни одатда сойнинг юқори қисми томон силжиб бориб, шоввадан бир оз юқори кўтарилган пайтда бирдан сўниб қоларди. Кўктош куядиган кунда эса бу нур янада юқорироқ кўтарилиб, Иссиқғорнинг устки қатламигача етиб борарди. Шундан кейин мамлакат шунақаям чароғон бўлиб кетардики, бу ҳодисани биринчи марта кузатаётган ёш болаларнинг айримлари борлиқни бирдан аланга қоплади деб ўйлашиб, додлаб юборишарди. Бир неча дақиқадан сўнг Юлдузистонни чулғаган нурафшонлик аста-секин сўна бошларди.

— Иссиқғор устидаги кўктош нега фақат нур тушган пайтда куяди? — таажжубланди Ҳумо Хартум. — Қояларни икки тарафга суриб юборадиган куч наҳотки ўша кўктош бўлса?

— Тўғри! — қичқирди Аламазон. — У иссиқдан кенгайди. Қулоғимни гаровга қўйиб айтишим мумкинки, ўз остидаги қояларни ўша кўктош силжитади.

— Иссиқдан кенгайди? — ҳайратланди чол.

— Ҳа, кенгайди, — такрорлади Аламазон. — Кейин, совуқдан тораяди. Масалан, тахтачага орасидан танга бемалол ўтадиган қилиб, миҳ қоқамиз. Кейин тангачани қиздирсак, у бояги миҳлар орасига сиғмай қолади...

Ҳумо Хартум «Физика»дан бир оз сабоқ олгач, унинг қаршисида ёруғ дунёнинг боласи, лекин Юлдузистоннинг етук олими ўтирганини пайқаб қолди.

Кекса ва ёш олим алламаҳалгача қизғин суҳбатлашиб ўтиришди ва ёруғ дунё фани ютуқларига таянган ҳолда айрим фаройиб ҳодисаларнинг сирини очиб, Юлдузистон ҳақида иложи борича аниқ тасав-

А. ОБИДЖОН ♦ АЛАМАЗОН ВА УНИНГ ПИЕДАЛАРИ

вур ҳосил қилишга муваффақ бўлишди. Эшмат эса математика дарсида ўтиргандек, аввал эснай бошлади, сўнг пишиллаб уйқуга кетди.

Кейинчалик Юлдузистон номини олган бу улкан ғорда одамлар кириб келмасдан бир неча асрлар илгари ҳам ҳаёт мавжуд бўлиб, бундай муҳитнинг юзага келишига асосан Онаюлдуз ва сув сабабли эди. Онаюлдуз — ғор шифтида қачонлардир ҳосил бўлган туйнук эди. У ғорга қуёш нури олиб кирганди. Туйнук қуёш йўналишига нисбатан тасодифан жудаям қулай жойдан ўпирилган бўлиб, ундан тушиб турган нур сой сувлари юзасида Иссиқғор тарафга қараб бир неча соат давомида ҳаракат қилар ва ҳар гал ғор устидаги кўктошлар қатламига яқинлашган пайтда бирдан ғойиб бўларди.

Туйнукдан ғорга қуёш ва ой нури ёғилар, сўнг сув сатҳида жи-  
лоланиб, Юлдузистон шифтидаги ярқироқ маъданларда (балки, ол-  
мосдир) минглаб призмалар ҳосил қилар ва қудратли ёруғлик дара-  
жасига етарди.

Онаюлдуздан қуёш нури тушиб турган пайтда мамлакат уфқи қизғиш товланар, ой нуридан эса кулранг тусга кирар, ёруғ дунёда тимқоронғи бўлган пайтда Иссиқғор устидаги кўктош ўзида тўпланган ёруғликни юрт билан баҳам кўрарди.

Ёруғликка ўта таъсирчан бу номаълум маъдан — кўктош ўзига илк бор ёруғлик нурини қабул қилган пайтдаёқ ниҳоят катта куч билан «керишиб» ўз атрофидаги тош қатламларини қаттиқ ларзага солганди. Қуёш нури сўниб, у торая бошлаган пайтда устки қатламдан ажралиб, остки харсанг устига дўппидек кийилиб қолган эди. У ёнламасига кенгайган пайтда ўша остки харсангни тарс иккига бўлиб юборган, натижада табиатнинг мўъжизаси билан маълум бир вақтда очилиб-ёпилиб турадиган баҳайбат тошдарвоза ҳосил бўлганди.

Тошдарвоза очилган тақдирда ҳам бу ёқдан ёруғ дунёга ўтишнинг иложи йўқ эди. Чунки кўктош дарвозанинг Юлдузистон тарафдаги қисмига жойлашган эди. Шунинг учун ҳам бу томондан борган киши ҳали ғорга кириб улгурмаёқ жизғинак бўлиб қолиши турган гап эди. Ёруғ дунё тарафдан келувчиларни ҳалокатдан сақлаб қоладиган омилнинг биринчиси — кўктошнинг узоқлиги бўлса, иккинчиси — Аламазон билан Эшмат ажал чангалидан қутилиб қолгандан кейин учратган — ғор деворидан тарнов бўлиб тушаётган ўша иссиқ сув эди. Чамаси, қояларнинг силжиши натижасида юқоридан, харсанглар оралиғидаги асрий тарновчалардан сизиб келиб, Иссиқғор ёнидаги шоввада бирлашувчи ўнлаб ирмоқлардан бири беркилиб қолар ва қаердадир улкан ҳавза бўлиб тўплана бошларди. Тошдарвоза ёпилаётган пайтда эса, тўпланиб қолган сув тошқин ҳосил қилганича кўктош устига ёпирилар ва унинг одатдагидан тезроқ совишига сабабчи бўларди. Бу тошқиннинг бир қисми тошдарвоза деворларини ювиб оқа бошлар, қизиб ётган харсангда пешма-пеш буғланаётган сув қоянинг пастки қисмига ёмғир томчилари сифатидагина етиб келарди. Ҳамма нарса ўз ўрнига қайтгач, ирмоқ яна аввалги ўзини топиб оларди.

Босириқиб қолган Эшмат чўчиб кўзини очган пайтда Ҳумо Хар-  
тум билан Аламазон қуёш нури кўктошга нега фақат ҳар ўн икки йилда бир мартагина урилиши устида бош қотиришаётганди.

— Бувам раҳматли одам ҳар ўн икки йилда бир мучал яшайди деб айтувди,— уйқусираб туриб гап қистирди Эшмат. Сўнг «бор га-  
пим шу» дегандек, яна бошини буркаб олди.

Аламазон ярқ этиб Эшмат тарафга ўгирилди ва беғам шеригининг нафас олишига монанд кўтарилиб-пастлаётган кўрпачага тикилганича, бир зум ўйланиб қолди. У бундан бир неча ой олдин ёруғ дунёдаги қўшниси Воқи вайсақининг гузарда ўтирган чолларга мучал ҳақида нималарнидир уқтираётганини тасодифан эшитиб қолувди, ҳозир ўша гапни эслашга ҳаракат қилди.

«Илгариги одамлар ҳам анойи бўлишмаган,— деганди ўшанда Воқи вайсақи,— улар мучални ҳар ўн икки йилда такрорланадиган тартибда тузишган. Орадан юз йиллар ўтиб, маълум бўлдики, Ер...»

— Сен катта кашфиёт қилдинг, Эшмат!— қайтадан хуррак ота бошлаган шеригини турткилай кетди Аламазон. Сўнг, шоша-пиша кўзларини ишқалаётган Эшматга парво қилмай, Хумо Хартумга юзланди.— Ҳар ўн икки йилда Ер Қуёш атрофида бир марта айланиб чиқади. Тушуниясизми, ҳазрат Хумо?

— Тушундим ҳам дейлик,— унинг сўзини бўлгиси келмай жавоб қилди чол.— Хўш, кейин нима?

Аламазон пешонасини тириштирганича, бош қашиб қўйди.

— Кўктошнинг ҳар ўн икки йилда куйиши шунданмикин, деб турибман. Тагин, ким билади, балки бошқа сабаби бордир. Ёруғ дунёда бўлсак, буни дарров аниқлаб олардик.

Етишдан олдин Аламазон ташқарига чиқиб, бир оз сайр қилди. Ой нурининг кичик бир парчаси билан улкан ғорни чароғонлаштириб турган Онаюлдузга термилиб, ёруғ дунё нафасини ҳис қилди-ю, аъзон бадани ёқимли жимирлаб кетди. Юлдузистондаги мавжуд тошларнинг ҳаммасини бир жойга қалаганда ҳам бу олис туйнукка етиб бўлмасди.

«Наҳотки, ёруғ дунё сари бошқа йўл йўқ бўлса,— ўйлади Аламазон.— Паррандалар бу ерга Онаюлдуз орқали кириб келишган деб тахмин қилайлик. Лекин қўй-эчкилар, айниқса, эшак қаердан пайдо бўлиб қолдйкин? Балки, бир замонлар каттароқ ғор йўли мавжуд бўлиб, кейинчалик зилзилалар натижасида беркилиб қолгандир...»

Сой тарафдан балиқларнинг шапир-шупир сакрашлари эшитилди, ҳилолкакликлар тиниқиб сайрай бошлашди.

## Эшакнинг парвардигор бўлгани

Хумо Хартум меҳмонлари билан нонушта қилиб ўтирган пайтда, ташқаридан Тиртиқнинг анъанавий «хих, тфу»си эшитилди.

— Қани, кетдик, зумрашалар,— ҳовлида туриб буйруқ қилди у,— ҳозир Тандирга жўнаймиз.

Аламазон билан Эшмат биттадан тугун орқалаб, ташқарига чиқишди. Уларнинг кетидан китобларни қўлтиқлаб олган Хумо Хартум кўринди.

— Мен Тандирга кўчиб кетяпман,— дея ўз мақсадини тантанавор эълон қилди чол. Энди унинг Иссиқғор яқинида қиладиган иши қолмаганди.

Тиртиқ жосуслардан олинган ўлжа — тугмачироқни суриштирган эди, чол «тагин бу одамни заҳарлайдиган нарса бўлмасин», деб ўйлаб, уни сойга ташлаб юборганини айтди.

— Хих, тфу! Шунақаям қўрқоқ бўласанми, чол!— жаҳл билан тўнғиллади Тиртиқ ва уларни олдинга ўтишга имлади.— Қани, кетдик бўлмаса, хўп-па!

— Хўп-па!— шанғиллади Шилпиқ ҳам.

Улар сой ёқалаб йўлга тушишди. Чакалак, мевазор ва бугдойзорларни орта қолдириб, Қоратуйнук яқинига етиб келишгач, шохлари тарвақайлаган чинорсимон букри дарахт соясида ўтириб, ҳордиқ чиқара бошлашди.

Шунда Эшмат Тиртиққа мурожаат қилиб, аста минғирлади:

— Майлими, анави дўнгликнинг орқасига ўтиб келсам?

— Дўнглик орқасида пишириб қўйибдими?— жеркиб берди Тиртиқ.

Эшмат кўзларини бўзрайтириб, тарвузнусха қорнини силади.

— Майда-чуйда ишим бор демайсанми, жунбош,— унга қараб тиржайиб қўйди Шилпиқ.— Борақол, хўп-па.

Эшмат дўнгликнинг орқасига ўтиб улгурмай, хумдек бошига моғор салла ўраган пакана киши қиличини судраганича, уларнинг ёнига келди. У Қоратуйнук яқинидаги камончи-чегарачилар сардори

Кандир Қалта эди. Сипоҳилар дарҳол ўринларидан туриб, унга таъзим қилишди-да, аждарғорлик жосусларни Тандирга олиб кетишаётганини айтишди.

— Ҳалиям тирик эканлар-да,— бемалол ёнбошлаб ётган Ҳумо Хартумга қараб, бурнини жийирди Қандир Қалта.— Киши ҳазар қиладиган тоза оёқлар билан қаёққа кетяптилар? Зиндонгами? Унда, кўрпа-ёстиқ ортиқчалик қилмасмикан?

Ҳумо Хартум чегарачилар сардорига масхараомуз назар ташлади.

— Товушинг анча таниш,— дея гап бошлади у.— Адашмасам, бундан икки йил олдин оёғимни уқалаб ўтириб, мени роса мақтаган эдинг.

— Ҳей, чол!— қиличининг сопига қўл югуртириб қичқирди Қандир Қалта, лекин қиличини қинидан суғуришга журъат этолмай, лаблари титраганича сўзсиз туриб қолди.

— Шу жинни билан ўчакишиб нима қиласиз, сардор,— Қандир Қалтага хушомадгўйлик билан таскин берди Тиртиқ, сўнг «хих, тфу» деб, четга бўйин чўзиб қўйди.

— Жинни — жинни-да,— ялтоғланди Шилпиқ ҳам.

Қандир Қалта ўзини босиб олиш учун қўйнидан носқовоқ чиқариб, нос қафтлади-да, «ма, чеквол» дея, қовоқни Тиртиққа узатди. Тиртиқ носни отиб олгач, атрофига кунгурадор садаф қадалган қовоқни завқ билан кўздан кечирди.

— Уста Халил безаганми дейман бунини?— сўради у гўлдираб.

— Ҳа, яқинда ясаб берди,— унинг гапини тасдиқлади сардор.— Аввалгисини қўлимдан сойга тушириб юборсам бўладими.

Аламазон худди шунга ўхшаган носқовоқни илгари ҳам қаердадир кўрган эди. У яна бир оз ўйланса, қаерда кўрганини аниқ эслаб олиши мумкин эди, лекин чегарачилардан бирининг жонҳолатдаги қичқириғи унинг фикрини бўлди.

— Оғайнилар, қаранглар, қаранглар!— қўли билан дўнг томонни кўрсатиб, айюҳаннос сола кетди чегарачи.— Парвардигорни миниб юрибди!

Ҳамма дўнг томонга қараганча, донг қотиб қолди. Эшмат дайди эшаклардан бирининг ёлига маҳкам ёпишиб олганича, устида зўр-базўр йиқилмай турар, бундай ҳақоратга кўникмаган «парвардигор» эса ўзини шаккок бандадан соқит қилиш мақсадида тинмай шаталоқ отарди. Охири Эшмат оёғи осмондан бўлиб, гурсиллаганча ерга қулаб тушди. У лат еган оёғини силаганича, аста ўрнидан тураркан, пастдан ўзига ҳайрат ва ғазаб билан тикилиб турган ўнлаб кишиларга кўзи тушди-ю, жойида серрайиб қолди.

— Ушланглар муттаҳамни!— қатъий буйруқ берди Қандир Қалта.

Шунда Шилпиқ бир қадам олдинга чиқиб, қўлларини икки томонга ёйганича қичқирди:

— Тўхтанглар, хўп-па! Биз уни жаноб Фисқиддиннинг қўлига тирик топширишимиз керак.

Хуфия ишлар бошлиғининг исми тилга олингандан сўнг, Қандир Қалта шаштидан қайтди.

— Майли, унга тегманглар,— дея қўл силтаб қўйди у.— Унинг ўзи парвардигорнинг қаҳрига учрайди.

Энди бу ерда узоқ туриб бўлмасди, улар яна йўлга тушишди. Қўм-кўк яйлов бошланиб, улар ёйилиб юра бошлашган пайтда Аламазон Ҳумо Хартумни бошқалардан четроқ юришга имлади.

— Эшак қанақасига худо бўлиб қолган ўзи?— елкасидаги тугунчани бир силтаб қўйиб сўради у.

Чол кинояли жилмайиб, мошкичири соқолини силаганча бир неча қадам индамай йўл босди, сўнг аста ҳикоя қила бошлади.

Мажиддин Равшанийнинг «Фурбатнома»сида баён этилишича, улар Юлдузистонга кириб келган дастлабки кунлардан бирида ёш Мадумарнинг яйловда ўтлаб юрган қари эшакни эмаётганини кўриб қолишибди-ю, болакайнинг ҳам, эшакнинг ҳам роса таъзирини бери-



шибди. Мадумар улғайиб, подшо бўлгач, бу исноддан қутулиш учун эшакни худо деб эълон қилибди ва муштумзўр поччаси Жаброилнинг ёрдамида бошқаларни ана шу махлуққа сиғинишга мажбур этибди. Эшак худо бўлгач, уни эмган Мадумарни пайгамбар деб атай бошлабдилар.

Ҳумо Хартум ҳикоясини тугаллаган пайтда минглаб юлдузларнинг нурида деворлари турли рангда ярақлаб турган муҳташам сарой бинолари ғира-шира кўзга чалина бошлади. Улар Тандирга жуда яқинлашиб қолишганди.

Улар шаҳарга кириб боришдан олдин яна бир марта дам олиш учун чўпонлардан қолган ташландиқ тошкапа ёнига чўзилишди.

— Бу аҳволда сизларни саройга олиб боришгайм уялади киши,— тўнғиллади Тиртиқ.— Баданларинг топ-тоза. Сал одамга ўхшаб олсанглр-чи. Қирликларинг ҳурмати балки зиндонга ташламай, шунчаки қамаб қўйишар. Хих, тфу!

— Зиндон нималигини биласанларми, жунбошлар?— ваҳимали оҳангда гап бошлади Шилпиқ.— Айтиб қўяй, ҳов, зиндон — зах ва қоп-қоронғи бир жой.

— Шаҳарга яқин қолдик. Ўзимни қанақасига дарров кир қила оламан?— зиндонни кўз олдига келтириб, титроқ босган Эшмат Аламазон билан маслаҳатлашиб ўтирмай, ўз жони учун қайғура бошлади.

— Бу қийинмас, жунбош,— жонкуярликни давом эттирди Шилпиқ.— Мана бу майсаларни баданингга ишқаласанг, бир зумда биздан ҳам чиройлироқ бўлиб қоласан, вассалом.

Эшмат озгина майса юлиб олиб, уни билагига суртиб кўрган эди, билагининг бир қисми пўпанак босган ошқовоқ тусига кирди.

— Зиндонда овқатларниям тузукроқ беришмаса керак,— мунгли қиёфада Аламазонга юзланди у.— Озгина тасқара бўлиб олсак нима қипти? Хўп десанг, сенга ўзим майса суркаб қўярдим.

«Бу қўрқоқ бари бир уларга сотилиб кетади,— йиғламсираб турган Эшматга боқиб ўйлади Аламазон.— Ишқилиб, мени сотмай турса бўлди. Усиз ҳам бир куним ўтар».

— Биламан, сен овқат емасанг жудаям қийналиб кетасан,— ачиқланганини сездирмай гап бошлади у.— Сен суркайвер. Мен... Қани, кўрамиз-да...

Эшмат бир оз иккиланиб турди, сўнг кўйлагини ечиб, ишга киришди. Салдан кейин кулранг маймун қиёфасига кириб олгач, Аламазонга қараб «хоҳламасанг, ўзингдан кўр», дея пўнғиллаб қўйди. Аламазоннинг кулгиси қистади, айна пайтда, негадир, унинг Эшматга раҳми келди.

Улар йўлга чиқишга шайланган пайтда Ҳумо Хартум Тандирга бормай, мана шу тошкапада қолишга қарор қилганини билдирди.

— Бир куним ўтиб турар,— деди у Аламазон билан хўшлашаётиб.— Ажабмаски, яхши кунларни кўриб ўлсам.

Ёруғ дунё фарзандининг руҳи баланд эди.

— Яхши кунларни кўрасиз, ҳазрат Ҳумо,— қувлик билан жилмайди у.— Одамларни кир-чирликдан мана мен қутқараман.

Ҳумо Хартум софдил ва довурак болага бир дақиқа меҳр билан тикилиб турди.

— Қийин ва хатарли бўлса ҳам, сени бу йўлдан қайтаришга ҳаққим йўқ,— Аламазонга умидвор боқиб гапирди чол.— Энг аввало, нима қилиб бўлсаям, авомнинг олдида Исқирт Биринчининг обрўйини тўкиш керак.

— Майли, ишни шундан бошлайман,— Юлдузистон аҳли унинг фармонларига мунтазир тургандек, бамайлихотир сўзлади бола. Сўнг Ҳумо Хартум билан қучоқлашиб хайрлашди.

«Одамларни зўравонлардан қутқариш қандай шарафли-я!— йўл-йўлакай юраги тўлқинланиб ўйлаб борарди Аламазон.— Мен энди ҳақиқий Спитомен бўламан.— Мен — Спитоменман!»

— Бошингни баландроқ кўтар. менинг шатмоқ пиёдам,— хомуш

одимлаб бораётган Эшматнинг елкасига туртиб қўйди у:— Муқаддас юриш давом этади. Олдинда — Тандир!

## Исқирт Биринчи

Аждарғорлик икки жосуснинг ҳибсга олингани тўғрисидаги хабар Фисқиддинни беҳад қувонтириб юборди.

— Мана бу бошқа гап,— қўлларини бир-бирига ишқаб қўйди Фисқиддин.— Салтанат хавфсизлиги учун нақадар керакли одам эканимни фақат ҳоқонга эмас, бутун сарой аҳлига ҳам яна бир бор билдириб қўяман энди.

Ҳозир бу ишни амалга оширишнинг айна пайти эди. Саройдаги ишратхонада шаҳаншоҳга озиқ тиш чиққани муносабати билан катта базм бўлаётганди.

У шоша-пиша ишратхонага кириб келган пайтда шоир Дуторий шаҳаншоҳга атаб ёзилган ғазалнинг сўнгги байтини ўқиётган эди:

**«Эй, Дуторий, онангга суйканмагил кўп,  
Сенинг пушти-паноҳинг — Исқирт Биринчи».**

Ишратхона атрофига ёзилган дастурхонлардаги ноз-неъматларни тинимсиз кавшаб ўтирган сарой арбоблари — ғазални эшитганлару эшитмай қолганлар таомилга кўра «Офарин!», «Тасанно!» дея бир-бир жавраб қўйишди.

Хуфия ишлар бошлиғининг «юрт бошига катта фалокат тушиб турибди-ю, сизлар айш-ишратдан бўшамайсизлар», деган маънони англатувчи зардали қиёфада hodшо ҳузурига йўналгани кўриб, дутор-ғижжагини нолага шайлаган созандалар, шўх хониш олдидан томоқ қираиб турган хонандалар, хиромонга эндигина қадам жуфтлаган раққосалар бирдан тисарилиб қолишди. Арбоб-уламолар овқатни чайнашдан тўхташиб, Фисқиддиннинг навбатдаги совуқ хабаридан огоҳ бўлиб қолиш учун қулоқларини динг қилишди. Жиянининг ёнида гердайиб ўтирган Бурбулит силамоқчи бўлган мўйловининг бир томонини бармоқлари орасига қистирганча, ҳаракатсиз туриб қолди. У хуфия ишлар бошлиғига «наҳотки, менинг иштирокимсиз шаҳаншоҳга бирон янгиликни айтишга журъат қилган бўлсанг», дегандек хўмрайиб қараб турарди. Бош вазир билан зимдан кўз уриштириб олган Фисқиддин унинг нигоҳидаги ана шу таънани дарров уқиб олди. У тахт пиллапоясига қовоқбошини теккизгудек бўлиб, подшога таъзим бажо келтиргач, кўзларини чақчайтирганча, бурро-бурро қилиб гап бошлади:

— Салтанатимиз бобокалонлари бўлган жамики ҳукмдорларнинг энг одили ва энг доноси Сиз падари олийларига муқаддас эшакдан омад тилаб, бир неча калима сўз айтишга ижозат сўрайдирман.

— Майли,— деди Исқирт Биринчи, бурнини енгига арта туриб.— Гапир-чи.

— Мамлакатимиз оройишининг буюк жонкуяри бош вазир Бурбулит жанобларининг махфий топшириғига биноан ҳар эҳтимолга қарши Иссиқғор яқинига пистирма қўйган эдим. Зукко ва тадбиркор бош вазирнинг Аждарғордан Иссиқғор тарафга лаҳим қазилиши эҳтимоли тўғрисидаги тахмини исботланиб, айнан ўша жойда икки хавфли жосус қўлга олинди.

Хуфия ишлар бошлиғи гапни тугатиб, Бурбулитга муғамбирона қараб қўйди. Кўнгли таскин топиб, ниҳоят мўйлабини силай бошлаган бош вазир унга миннатдорчилик билан кўз сузди. Бундан «мен учун шу ёғи етади, энди ўзингни ўйлайвер», деган маънони англаган Фисқиддин яна муболағага зўр берди.

— Алоҳида таълим ва тайёргарлик кўрган икки фидойи сипоҳи ашаддий жосусларни жуда усталик билан қўлга тушириб, мамлакат осойишталигини ҳавф остига қўйиши мумкин бўлган катта офатнинг олдини олгани ва шаҳаншоҳлик йўлида мислсиз қаҳрамонлик кўрсатгани учун уларнинг ҳар бири ўттиз бошдан қўй билан мукофотланишга лойиқ деб ҳисоблайман.

Исқирт Биринчи кўзлари жавдираб, Бурбулитга қаради. Бурбулит хуфия ишлар бошлиғи иккала «фидойи» сипоҳига биттадан қўй бериб, қолганларини ўз подасига қўшиб юборишини пайқаб турган бўлса ҳам, розилик берган маънода бош ирғади.

— Бўпти, берамиз,— бурнини тортиб қўйди Исқирт Биринчи.— Уша жосусларни кўрсат-чи, бизга.

Хуфия ишлар бошлиғининг ишораси билан сарой ясовуллари жосусларни турткилаганча, ичкарига олиб киришди. Исқирт Биринчи уларни қизиқиш билан кўздан кечираркан, Эшматга боқиб, чеҳраси очилгандек бўлди ва ундан сўради:

— Кўринишдан дуруст болага ўхшайсан-у, нега унақа... жосуслик қиласан? Бошқа иш қўриб кетувдимми санга?

Эшмат дам Аламазонга, дам шаҳаншоҳга қараб, тили гўлдираб турган пайтда Бурбулит уни жеркиб берди:

— Падари олийлари сенга сўз исроф қияптилар. Жавоб бер, ҳароми!

— Ҳали шуни жосус деяпсизларми?— Эшматга қараб бармоғини бигиз қилиб, бирдан қаҳ-қаҳ отиб кула бошлади Аламазон.— Бу — Эшмат ишма-ку. Шатмоқлиги билан у Аждарғорда ҳаммага масҳара бўлиб юрарди. Юввош бола бўлгани учун унга раҳмим кўзиб, ўзибон мамлакатга етаклаб келдим.

— Айтдим-ку, биттаси яхши болага ўхшайди деб,— билағонлигидан фахрланиб чийиллади Исқирт Биринчи.— Нима, мани каллам ишламайдимми?

Шаҳаншоҳнинг аҳмоқона мурувватидан безовталана бошлаган Фисқиддин «биттасини қўлдан чиқарганим ҳам етар» дегандек, шоша-пиша Аламазонга дағдаға қила кетди:

— Хўш, ҳали ўзим ҳам жосус эмасман дерсан? Сенга ишониб бўл-миз, аблаҳ покбадан.

— Мен жосусман, бу — тўғри.

Хуфия ишлар бошлиғи енгил нафас олиб, қаддини ростлади ва айни пайтда Бурбулитга умидвор қараб қўйди.

Фисқиддин жосуслардан бирининг қўлдан чиқиб кетганига қаттиқ ачинаётганини сезган Бурбулит шаҳаншоҳ тарафга эгилиб, ўз рўмолчаси билан унинг бурнини артаркан, Эшматни кўрсатиб деди:

— Бу сурбет бизни лақиллатаётган бўлмасин тагин. Жосуслар жудаям туллак бўлишади.

— Унинг кирлигини қаранг, тоға,— Эшматни ёқлаб инжиқланди Исқирт Биринчи.— Кўриниб турибди, у ўзимизникилардан.

Яна пича жаҳлини чиқарса, жиянининг ҳўнграб йиғлаб юборишидан чўчиган Бурбулит тезда тўнини тескари кийди.

— Гапингиз тўғри, шаҳаншоҳим, ҳарҳолда бир синаб кўрайлик дегандим-да.

— Ҳа бўпти, уни синаб кўрамиз,— Исқирт Биринчи тоғасига розилик билдириб, Эшматнинг кўзига тикилди.— Қани, манга айт-чи, Эшмат Ишма, ҳалиги... Нодим Улуғ қанақа одам?

— Уми?— ер остидан Аламазонга қараб бирпас чайналиб қолди Эшмат. Алмазоннинг «бу ёғини боппайвер энди», дегандек боқиб турганини кўриб, руҳи кўтарилди.— У... у — ҳаммомга тушган така!

— Ув-ув-ув-ув,— тиззасига уриб кула бошлади Исқирт Биринчи. Сарой арбоблари бирин-кетин унга жўр бўлишди:

— Хи-хи-хи-хи.

— Вах-хах-хах-ха.

— Хўх-хўх-хўх-хў.

— Қий-ёв!

Исқирт Биринчи кулгидан ўзини базўр тўхтатиб, гердайданича сўради.

— Энди айт-чи, ман кимман, ман?

— Сиз... Сиз — Юлдузистондаги энг зўр, энг эси кўп, энг яхши боласиз, — дастлабки муваффақиятдан янада руҳланиб, баралла сайрай кетди Эшмат. — Сиз-менга ўхшаган мусофирларга одамгарчилик қиялпсиз. Акамсиз! Акамсиз!

— Нима дединг, ҳароми? — ҳали ҳам ишни чаппасига айлантириб юбориш мумкинлигидан умид қилиб, Эшматга ўшқирди Бурбулит. — Забардаст заковати билан бутун бир мамлакатни тебратиб ўтирган шаҳаншоҳга сен ялангоёқ, ўзингни ука қилиб кўрсатмоқчимисан ҳали?

Лекин Эшмат ҳаддан зиёд расво афт-ангори билан шаҳаншоҳни ўзига тамоман мафтун қилиб қўйганди.

— Тегманглар мусофирга! — ўжарлик билан чинқирди Исқирт Биринчи. — Бечора манга суяняпти. Шундай ажойиб болани зиндонга ташлаб бўладими?

— Сиз гоят мурувватлисиз, офарин! — яна тездан вазиятга кўра иш тутди Бурбулит.

Теваракдан ҳам «Офарин!», «Тасанно!», «Тасанно!», «Ҳай-ҳай-ҳай!» деган хитоблар янгради.

— Ке бу ёққа, Эшмат ишма, — карами беқиёслиги билан бошқаларни янаям қойил қолдиришга тиришиб, Эшматга қучоқ очди шаҳаншоҳ. — Ке, ошна бўламиз.

Эшмат Аламазонга ўнғайсизланиброқ қараб қўйганидан сўнг, қўпол ҳаракатлар билан Шаҳаншоҳнинг бағрига отилди.

— Фақат, ўпишмаймиз, — Эшматни огоҳлантирди Исқирт Биринчи. — Бетимиздаги кирлар тушиб кетмасин тагин.

Подшо мусофир ошнасини тахт пойидаги гиламчанинг бир четига ўтқазиб, чап қўлини унинг ўнг елкасига тираганича хуфия ишлар бошлиғига юзланди.

— Энди анави жосуснинг ниятини билайлик-чи.

Фисқиддин терговни жосуснинг номи-шарифини сўрашдан бошлади. Унинг исмини билиб олгач, «қонун бўйича тўлиқ айт», деб ўшқирди.

— Аламазон-Гулдирамазон, — ўйланиб ўтирмай жавоб қилди қув болакай.

— Ха-а-аш, падари лаънати Аламазон-Гулдирамазон, — тишларини омбирдек ғижирлатиб сўради хуфия ишлар бошлиғи Фисқиддин, — ювиниш ва чўмилишдан озод этилган бахтиёрлар мамлакатига қандай ёвуз ниятлар билан келгансан?

— Мен шаҳаншоҳнинг тожини ўғирлашим керак эди, — бир зумда «ният»ини ҳам тўқиб ташлади Аламазон.

— Буни сенга ким буюрди?

— Шаҳзода Феруз.

— Ферузга... Ферузга — чўпоннинг қалпоғи! — иршайиб чийиллади Исқирт Биринчи. — Ув-ув-ув-ув!

Дастурхон атрофида ўтирганлар шу заҳоти унга жўр бўлишиб, қийқириқ кўтарганларича, маза қилиб кулишди. Хуфия ишлар бошлиғи ҳам кўпчиликка қўшилиб илжайиб қўйган бўлса-да, яна дарров жиддийлашиб, жосусни тергашда давом этди. У Аламазон бу ишни қандай амалга оширмақчи бўлганини сўради. Аламазон ҳамма ширин уйқуда ётган пайтда сарой ясовулларининг кўзини шамғалат қилиб, тожни ўтариб кетишни мўлжаллаганини айтди.

— Жосуснинг нияти нақадар хатарли эканини энди англаб етгандирсиз, жаноб арбоб-уламолар, — ғурур билан қошларини кериб, атрофдагиларга мурожаат қилди Фисқиддин. — Мамлакатимиз ҳукмдори тожсиз қолишининг ўзи мислсиз фалокатдир. Лекин бу ўша мудҳиш кечада юз бериши мумкин бўлган бошқа бир фожиа олдида ҳеч гап эмас. Бу писмиқ жосус ҳатто шаҳаншоҳнинг ўзини...

Фисқиддин гапни шу ерда бир оз тўхтатиб, шаҳаншоҳга зимдан бир қараб қўйди. Сўнг яна арбоб-уламоларга юзланиб, сўзлашда давом этди.

— ...У ҳатто шаҳаншоҳнинг ўзини чавоқлаб кетиши мумкин эди.

— Зиндонга!— даҳшатдан кўзлари олайиб, асабий ҳолатда чинқирди Исқирт Биринчи.— Тезроқ зиндонга ташланг уни!

Аламазон икки барзанги ясовулнинг найзалари орасида ишратхона эшигидан чиқиб бораркан, унинг ортидан термилиб қолган Эшмат йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тийиб турарди. Уни қанча балоларга гирифтор қилган бўлмасин, у ўша жасур дўстини бари бир яхши кўрарди.

## Аламазоннинг сағир пиёдалари

Ясовуллар арқоншотини ишлатиб ўтиришга эринишиб, зиндоннинг панжара-қопқоғини очибоқ, Аламазонни пастга итариб юборишди. У гурсиллаганча намхуш похолнинг устига тушди ва бир оз ғужанак бўлиб тургач, лат еган тиззасини аста ишқалай бошлади.

Аламазоннинг кўзи қоронғиликка кўникиб улгурмай, унинг шундоққина ёнгинасидан хириллоқ товуш эшитилди.

— Қимсан, ҳей, тасқара?

Аламазон бутун Юлдузистонга машхур номни тилга олаётгандек, кеккайиб туриб ўз исмини айтди.

— Вой, вў-ў-ўй, ўзинг зиндонда бўлсанг ҳам бурнинг осмонда ку,— деворга чапланиб турган шарпанинг калла қисмида бир жуфт кўз чақнади.— Қани, маҳмаданачилик қилмай берироқ кел-чи. Хўш, увишиб кетган оёқларимни бир уқалаб қўй.

— Аввал ўзимнинг тиззамни уқалаб олай,— қайсарлик билан бамайлихотир жавоб қилди Аламазон.

Қоронғида мушукникидек ёниб турган кўзлар остида энди тиржайиб, йилтиллаётган тишлар ҳам пайдо бўлди.

— Қўнишни билмасанг, учиб нима қилардинг?

Зиндонда қийқириқ кўтарилди. Эндиликда қоронғиликка кўзи аңча мослашиб қолган Аламазон ортга ўгирилиб, бу тарафда ҳам иккита маҳбуснинг чўзилиб ётганини кўрди. Бу ердагиларнинг ҳаммаси тахминан ўзи қатори болалар эканини сезган Аламазон уларга қўшилиб кула бошлади. Сал ўтмай апоқ-чапоқ бўлиб кетишгач, Аламазон уларнинг исмини суриштирди.

— Етимчада исм нима қилади,— дея гап бошлади, боя оёғимни уқалаб қўй деган бола.— Мени ёшлигимдан Шалпанг деб чақаришадди. Чунки, бурним пучуқ бўлсаям, қулоқларим каттагина. Булар ака-ука созандалар. Каттасининг лақаби — Шиппак, кичкинасиники — Масалан. Ҳаммамиз етимчамиз.

Бу етимчалар тўйма-тўй юрадиган саёқ яллачилар бўлиб, ташландиқ тошкапада бирга яшашиб, топганларини ўзаро баҳам кўришаркан. Бир куни баданлари ҳаддан зиёд қичишиб кетганидан кейин сойда роса чўмилишибди. Шунда ҳар ерда ҳозир нозир айғоқчилар уларни қўққисдан тутиб олишибди.

— Бизни зиндонга ташлашган пайтда бу ер одамларга лиқ тўла эди,— ижирғаниб эслади Шалпанг.— Айтмоқчиманки, оғзинг сувлашса, ўрнингдан туриб, ўзинг ўтирган жойга тупуришга тўғри келарди. Хайрият, улар бирин-кетин тавба қилишиб, бизга жой бўшатиб кетишди.

— Сизлар-чи?— сўради Аламазон.— Нега тавба қилиб қўя қолмадиларинг?

— Эшитишимизга қараганда, Исқирт Биринчининг оёғини ўпма-

санг, тавбанг ижобат бўлмасмиш,— дея четга туфлаб қўйди Шалпанг. Уша ифлос мушукнинг терисини ялаш бизга зарур кептими.

Болаларнинг қайсар ва довиорақлиги Аламазонга ёқиб қолди. «Бунақа пиедалар билан ҳеч қачон доғда қолмайсан», деб ўйлаб қўйди у. Айниқса, кичкинтой Масалан ниҳоятда ёқимтой бўлиб, у ҳақиқатанам ҳар икки гапнинг бирида «масалан» деган сўзни қўшиб гапирар, қувноқ ва очикқўнгил эди. У захга кўниқолмай, бир оз бетоб бўлиб қолган, тунлари ўқчиб-ўқчиб йўталар, шунга қарамай, шерикларининг шарткесарлигидан нолишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Шиппак бадқовоқ бўлса ҳам, дадил ва тўғрисиўз эди. Шалпангнинг айтишича, унинг бирон даврага келиб қўшилгани ёки туриб кетганини ҳеч ким пайқамай қолар, шарпасиз юришга одатлангани туфайли Шиппак деган лақаб орттирган экан.

Аламазон туни билан ўйланиб чиқди. Қандай бўлмасин, одамларни исқиртликдан қутқариш керак эди.

«Энг олдин Исқирт Биринчининг обрўйини тўкиш керак,— Ҳумо Хартумнинг хўшлашув олдидан берган насиҳатини эслади Аламазон.— Аввал одамларни унга қарши қайраб кўрайлик-чи, қолгани бир гап бўлар».

Эрталаб у ўзининг сағир дўстларига бир илож топиб, бу ердан қочиш лозимлигини айтди.

— Қочганинг билан қаёққа борардинг?— Аламазоннинг таклифни нохуш қарши олди Шалпанг.— Узоғи билан бир ҳафтада айғоқчиларга «ем» бўласан. Айтмоқчиманки, мамлакатда яширинадиган дурустроқ жой йўқ.

— Нега беркинадиган жой йўқ дейсан?— гапга аралашди кичкинтой.— Масалан, ҳў ҳалиги ўра-қудуқ-чи?

— Ақлингга балли, Масаланвой!— бирдан севиниб кетди Шалпанг.— Дарров эсимга келмаганини қара-я.

Саёқ яллагилар бир куни тўйдан қайтишаётиб, сой бўйидаги тошлоқ жойга келишганда Шиппакнинг бир оёғи қандайдир тешикка тушиб кетибди. Қарашса, битта одам зўрға сиғадиган бу тешикнинг таги беш-олти киши бемалол узала тушиб ётиши мумкин бўлган ўра экан. Болалар ўшанда ўрақудуқ эшигини катта чағиртош билан ёпиб кетганларича, у томонга қайтиб йўллари тушмаганди.

— Ушандай зўр жой турганда, бу оғилхонада нима қиламиз?— шерикларининг юрагига ўт ташлади Аламазон.— Зиндондан тезроқ қочиб қолиш керак.

Улар қандай қилиб қочиш кераклиги ҳақида узоқ бош қотиришди. Тирноқлаб лаҳим кавлаб бўлмасди. Мабодо бирон асбоб топилган тақдирда ҳам бу жуда узоқ вақтга чўзиладиган иш эди.

Кутилмаганда Аламазоннинг калласига ғалати бир фикр келиб қолди.

— Топдим!— деб қичқирди у, Шалпангнинг биқинига туртиб.— Сен Шиппак полвоннинг елкасига минасан, мен бўлсам, сенинг елкасига минаман.

— Мақсадинга тушунаётган бўлсам ўлай агар,— дея анграйиб боқди Шалпанг.— Айтмоқчиманки, нега энди менинг елкамга минаркансан?

— Хоҳласанг, менинг елкамга минақол,— кулди Аламазон.— Лекин, билиб қўй, қанча баландда бўлсанг, йиқилганда шунча қаттиқ зарба ейсан.

Буни кесатиқ деб тушунган бўлса керак, Шалпанг ҳам жилмайиб қўйди. Аслида, ғаройиб ҳўққабозлик ўйинини бошлашга шайланаётган Аламазон унга гапнинг тўппа-тўғрисиини айтиб қўяқолганди.

Бу — жазоланувчилар кўпайиб кетган пайтларда шошилинич қурилган қўшимча зиндонлардан бири бўлса керак, унчалар чуқур эмасди. Аламазоннинг мўлжалига кўра, агар уч киши ҳўққабозлардек бир-бирининг елкасига миниб олса, энг тепадаги одамнинг панжарақопқоққа бемалол бўйи етиши мумкин эди. Ясовуллар уни зиндонга

ташлашаётган пайтда панжара-қопқоқнинг ҳеч қанақа қулфи йўқлиги ва панжара гирдига боғланган арқоншоти қопқоқнинг шундоққина ёнига турмаклаб қўйилганини Аламазон яхши эслаб қолганди.

— Энг тепадаги хўққабоз арқоншотини панжарадан аста ичкарига тортиб олса, бўлди,— уқтирди Аламазон.— Кейин шотига ўрнашиб олиб, панжара-қопқоқни бемалол кўтариш мумкин.

Кечга яқин улар мувозанат сақлашни анча ўрганиб олишди. Яна бир неча бор ҳаракат қилишса, бас, туйнуккача йиқилмай боришга эришишлари мумкин. Лекин ҳаддан зиёд шалпайиб қолган хўққабозлар ҳансираганларича похолнинг устига чўзилишди.

## «Бай-бай-бай» ансамбли

Аламазон бошлиқ сағир пиёдалар ўрақудуққа кирибоқ, ўзларини ерга отишди. Сурункали хўққабозлик машқлари ва зиндондан чиқиб олгандан кейинги тинимсиз югуришлар уларнинг тинка-мадорини кўришиб ташлаганди.

Ўра-қудуқ ҳатто тепадаги туйнук очиб қўйилган пайтда ҳам зиндондан бешбаттар қоронғи бўлса-да, лекин зиндондек зах ва сассиқ эмасди. Болалар бир қучоқдан бугдойпохол олиб келишиб, тагларига тўшаб олишгач, бу махфий кулба янаям ҳузурижон бўлиб кетди.

Искабтопарнинг айғоқчилари инига кесак отилган арилардек, ҳамма жойда тўзғиб юришар, уларнинг товуш ва шарпалари гоҳи ўра-қудуқ атрофида ҳам эшитилиб қолар, ўша исковучлардан бири, ҳатто туйнук оғзига суриб қўйилган тошни дўқиллатиб босиб ўтганди. Бундай пайтда болалар соатлаб ўрадан чиқмай ётишар, яқин орада айғоқчи йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилганларидан кейингина аста ташқарига чиқишиб, тирикчилик ташвишига тушишарди. Шалпанг сойдаги камарларга қўл тикиб, зўғорабалиқларни тутиб оларди, уларни яқин орадаги қайнарбулоқлардан бирида пишириб келарди. Аламазон диққат билан атрофга алаңлаб, мева-чева тераётган пайтда кичкинтой Масалан тустовуқларни ҳуркитиб, уларнинг тухумини йиға бошларди.

Шиппакнинг узоқ йўқ бўлиб кетганидан хавотирлана бошлаган болалар унинг бир даста нон қўлтиқлаб келганини кўришиб, қувониб кетишди. Улар нонни жуда соғиниб қолишганди. Шиппак вилоят четидаги маҳаллалардан бирига бориб, одамларнинг кўктошга ёпиб қўйган кулчаларидан бир қисмини йиғиштириб келганини айтди.

— Биз одамларни вақтинча талайпмиз,— Шиппакнинг хатти-ҳаракатини оқлаб, нонга биринчи бўлиб қўл урди Аламазон.— Қулоғимни гаровга тикиб айтаманки, биз уларни бахтиёр қилиб, қарзимизни узамиз.

Аламазон асосан писиб ётиш билан ўтаётган бу қимматли вақтларини беҳуда кетказмади. Исқирт Биринчини масхараловчи «Бай-бай-бай» деган шеър ёзиб, уни пиёдаларига ёд олдирди. Ака-ука созандалар ташландиқ тошкапада қолиб кетган чирманда ва сурнайний олиб келишгач, шеърни куйга солишиб, айғоқчилар таҳдид солмаган пайтларида паст товушда куйлаб ўргана бошладилар. Қўшиқни Шалпанг айтар, Аламазон билан Масалан эса унинг «бай-бай-бай» нақоратига жўр бўлиб туришарди. Шиппак қўшиқнинг ана шу нақоратида сурнайни янада сайратиб юбориши керак эди.

— Ансамблимизни қўшиқнинг исми билан атай қолайлик,— қўшиқ тайёр бўлгач, таклиф қиритди Аламазон.— «Бай-бай-бай» ансамбли. Зўр, а?!

— Аждарғорликларнинг кийими ғалати десам, гапийам, бошқачароққа ўхшайдими?— тўнғиллади Шиппак.— Ансамбль деганинг нима?

— Яллачилар бир жойга тўпланса — ансамбл-да.— ўйлаб ўтирмай жавоб қилди Аламазон.

Шундай қилиб, Исқирт Биринчига дастлабки зарбани беришга аҳд қилган Аламазон ўз пиёдаларини биринчи жангга тайёрлай бошлади.

Бош айғоқчи Искартопар соҳилдан топилган қалпоқчага асослашиб, ҳолдан тойган жосус ва унинг шериклари шошилишда ўзларини сойнинг нишаб жойига отиб, чўкиб ўлганликларини каромат қилган куннинг ўзгинасида «Бай-бай-бай» ансамбли куппа-кундузи вилоят бозорларидан бирига кириб келди. Улар зиндонда қиёмига етказилган хўққабозлик ўйинини бозор ўртасидаги супада давом эттиришди. Бир зумда оломон йиғилгач, Масалан «бақ-бақа, бўм-бўм»га уриб турган чирманда оҳангини «дака-дунг, дака-дунг»га ўзгартирди. Унинг ёнига сурнай овози қўшилгандан кейин, Шалпанг ёқимли товушда куйлай бошлади:

**«Ана, Исқирт Биринчи,  
Аҳволини кўринг-чи,  
Бай-бай-бай!»**

**Бошда ифлос салласи,  
Ишламасмиш калласи,  
Бай-бай-бай!..»**

Даставвал одамлар у ёқ-бу ёққа аланг-жалаң қарашиб, хавотирланганларича бир оз серрайиб туришди, кейин аста-секин илжая бошлади. Қўшиқ эса давом этарди:

**«Шоҳнинг битта сири бор,  
Етти қават кири бор,  
Бай-бай-бай!»**

**Бурбулитга улфатдир,  
Эл бошига кулфатдир,  
Бай-бай-бай!..»**

Олдинда турганлардан бири қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Бошқалар ҳам анча жонланиб, «хиринг-хиринг»лар эшитилди. Бундан руҳи кўтарилган Шалпанг янада баралла куйлай кетди:

**«Керилиб гап сотармиш,  
Бурнин биров артармиш,  
Бай-бай-бай!»**

**Ҳаддан ошди тирмизак,  
Унганмайди урмасак,  
Бай-бай-бай!»**

Қўшиққа берилиб кетиб, айғоқчилар ҳақида ўйламай қўйган оломон энди қийқириб кула бошлади. Саёқ яллагилар бирдан қаёққадир ғойиб бўлиб қолганларидан кейин ҳам одамлар тарқалишмай, бу фавқулудда томошани ҳазил-мутойиба сўзлар билан анчагача муҳокама қилиб туришди.

Шундан сўнг «Бай-бай-бай» ансамбли ўз гастролларини сурункали давом эттирди. Айғоқчилар қарийб икки ҳисса кўпайтирилганига қарамай, саёқ яллагилар кутилмаган жойда пайдо бўлишар ва жуда усталик билан изни чалғитиб кетишарди.

Саёқ яллагиларнинг таъзирини бериб қўйиш юзасидан кескин чоралар кўрила бошлаган пайтда улар бирдан зим-зиё бўлиб кетишди. Туллагиларнинг туллагги ҳисобланган Бурбулитнинг таъбирича, бу жуда шубҳали бўлса ҳам, Исқирт Биринчининг кўнгли анча таскин топди, энди Искартопарнинг айғоқчилари шаҳар кўчаларида камроқ изғийдиган бўлишди. Фақат Эшматгина кутилмаганда ғойиб бўлган Аламазоннинг тақдирдан хавотирлана бошлади.



# Жасоратга ундовчи хат

Аламазон тошкапа остонасидан ўтибок, чолга салом берди. Хира кўзларини пирпиратиб турган Ҳумо Хартум уни товушидан таниб, ўзида йўқ қувониб кетди. Улар қуюқ кўришиб, бир-бирларидан ҳолаҳвол сўраб бўлишгач, кўрпачага ёнбошлаганларича гуруннга зўр беришди. Аламазон Тандирга келиб, кўрган-кечирганларини бир бошдан сўзлаб берди.

— Салламно-о-о!— деди Ҳумо Хартум ҳайратдан ёқа ушлаб.— Бундан чиқди, каламушларнинг инигаям чўп суқиб юрган айғоқчилар сизларни ахтаришган экан-да?

— Улар бу ергаям келишдими?

— Кунига ўн марталаб тумшуқ суқишарди. Ҳайронман, кейинги пайтда дараклари йўқ.

— Сизга битта ишим тушиб келувдим,— деди Аламазон.— Менга ёрдамнингиз керак бўлиб қолди, ҳазрат Ҳумо.

Бу гапдан кейин чолнинг чеҳраси ёришиб кетгандек бўлди. Чамаси, одамларга нафи тегмайдиган яроқсиз жуссага айланиб қолмаганини у шу тобда қайтадан ҳис қилганди.

— Ҳўш?

— Сиз менга арвоҳларнинг башараси қанақа бўлишини айтиб беролмайсизми?

— Буни фақат парвардигор билади,— кулди чол.

— Уша парвардигорлардан биттаси тошкапанинг орқасида турибди,— улардан бир иш чиқармиди, дегандек қўл силтаб қўйди Аламазон.— Мен уни бу ёққа миниб келдим.

Аламазон ҳақиқатан ҳам бу мамлакатдаги муқаддас эшаклардан бирини ўзига бўйсундириб олишга муваффақ бўлган, унинг сағир пиёдалари эса, яна ўнтача «парвардигор»ни тўплаб олиб, уларни думини икки боғдан похол судраб юришга ўргатишаётган эди.

— Унда, ҳеч бўлмаса, сал ваҳималироқ гаплардан беш-олтитасини ўргатиб қўйинг менга,— жиддий қиёфада илтимос қила бошлади у.— Масалан, Мадумар пайғамбарнинг арвоҳи ҳозир шу қапага кириб келса, гапни қаердан бошлаган бўларди?

Чол Аламазоннинг гапларини кула-кула тинглагач, одамларнинг арвоҳлар ҳақида тўқиб чиқарган ривоятларидан бир нечтасини сўзлаб берди. Кейин, «булар сенга нега керак бўлиб қолди?», деб сўради таажжубланиб.

— Бунинг таърифи узоқ,— ҳўққабозликдан ҳам ажойиброқ ўйин бошлашга шайланаётгани Аламазоннинг кўзларидан яққол сезилиб турарди.— Яқинда ўзингиз ҳаммасини кўрасиз.

— Шошма,— қайтишга тарадудланган Аламазонни тўхтатиб, тошкапа қавакларидан бирини тимирскилай бошлади чол.— Омонатингни олиб кетсанг бўларди.

Чолнинг қўлида ярқираб турган тугмачироқни кўриб, Аламазоннинг севинчдан кўзлари чақнаб кетди.

— Дарёга ташлаб юбордим демаганмидингиз?— тугмачироқни қўлига оларкан, ҳовлиқиб сўради у.— Тиртиқни лақиллатган экансиз-да?

— Бу чақмоғингни ўзинг орқалаб келган кўрпанинг астарига тиқиб қўювдим,— чол одамзодга хизмат қила бошлаган парвардигорни ўз кўзи билан кўриш учун Аламазонга эргашиб, ташқарига қараб юрди.— Қани, бўлмаса сени кузатиб кўяй-чи.

Аламазон ўра-қудуққа қайтиб келгач, унинг сағир пиёдалари тугмачироқни қизиқиб томоша қилишди.

— Искирт Биринчини суваракка ошна қилганимиздан кейин, масалан, шу нарсани менга беролмайсанми?— сўради кичкинтой.

— Майли, ўшанда сенга совға қиламан,— қатъий ваъда берди Аламазон.— Лекин, олдин сен битта зўр топшириқни бажаришинг керак.

— Нима, яна эшак тутиб қеламанми?— Аламазоннинг кўнглида- гини топишга ҳаракат қилди Масалан.

— Йўқ, саройга борасан,— деди Аламазон.— У ерда битта шил- дирвоқи бшнам бор. Мана бу хатни ўшанинг қўлига тутқазасан.

Кечки пайт сарой олдидаги майдонда ивирсиб юрган Эшмат ўзи- га ўхшаб баданини майса суртиб кирлатган гадой болага йўлиқди.

— Мен ҳамма нарсани биламан,— кемшик тишларини кўрсатиб илжайди гадой.— Сен Эшмат шилдирвоқисан.

— Йўлингдан боравер!— ўшқирди унга Эшмат.— Сенга айтиб қўяйин, аччигим чиқса, ичагингни бошингга салла қилиб ўрайман!

— Нега мени ҳайдаяпсан?— овсарлик билан бурнини жийирди га- дой.— Масалан, сенга хат олиб келган бўлсам-чи?

Гадой Эшматнинг қўлига эҳтиёткорлик билан тутқазган мактуб- да қуйидагилар баён қилинганди:

«Салом, ошна! Охири сенга ҳам ишим тушиб қолди. Қўшинларим- нинг хужумга ўтиши учун чойшаб, дастурхон сингари матолар етиш- май турибди. Сен буларни саройдан ўмарининг керак. Матолар ило- жи борича ранг-баранг бўлсин. Хатни олиб борган пиёдам сенинг хизматингга бўлади. Кўришгунча хайр, деб: дўстинг Аламазон».

Аламазоннинг соғ-саломатлигини билиб, Эшматнинг қувончдан юраги ҳаприқиб кетди.

— Саройнинг орқасига ўтиб, какликдек писиб тургин,— у ёқ-бу ёққа жаланглаб, гадой қиёфасидаги Масаланга уқтирди у.— Мен сенга қубба ёнидаги олтин дарчадан тугун итқитаман. Тушундингми, пиёда?

Кейин у салобат билан қадам ташлаб, саройга қараб юрди. Қа- ердалиги ва сон жиҳатдан қанчалиги номаълум қўшиннинг хужумга ўтиш-ўтмаслиги эндиликда Эшматнинг қахрамонлик кўрсатишига боғ- лиқ бўлиб қолган, умрида илк марта «катта жасорат»га бел боғла- ётган Эшмат эса, бундан ҳақли равишда фахрланаётган эди.

## **Мадумар пайғамбарнинг арвоҳи**

Аламазон бет-қўлига ун чаплаб, ясама соқол-мўйловни қўндириб олгач, устига оқ чойшаб ёпиниб, бўйнига ҳарир кўк рўмол боғлади. Шалпанг каттакон ола-була дастурхонни дид билан унинг бошига ўраб, таканинг узун бурама шохини салланинг икки четига маҳкам қистириб қўйди.

— Сен эшакни ясантир,— Шиппакка қип-қизил ҳарир матони узатиб буюрди Аламазон.— Буни устига ёп. Кейин тўртала почасига сариқ латта ўра.

— Масалан, жуда қизиқ томоша бўларкан-да, а?— Аламазоннинг ҳам ваҳимали, ҳам кулгили қиёфасига завқ билан тикилиб сўради Масалан.

— Пайғамбар билан парвардигор томоша кўрсатмайди,— кичкин- тойни тергади Шалпанг.— Айтмоқчиманки, улар томоша кўришади.

Буни эшитиб, мамлакатда ўзини пайғамбар деб эълон қилиш ара- фасида турган Аламазон кулиб юборди. Кейин пиёдаларига тайин- лади:

— Кўпроқ темир-терсак йиғиб қўйиш керак. Эрка-арзанда эшак- лар думида энгилгина похолни судраб юришгани етар. Уқдиларингми, сағир пиёдаларим?

Онаюлдузнинг симобранг нур устунни ҳаддан зиёд хиралашиб кет- ган, сойнинг боя сутранг ҳимарилаётган тўлқинлари эндиликда қо- рамтир товланаётган, нариги соҳилга яқин Қоратуйнук кўзга элас- элас чалинаётган сокин кечада чегарачилар қароргоҳи ёнида даҳшат- ли бир шарпа пайдо бўлди. Уни биринчи бўлиб букри дарахт остида

ётган қоровуллар кўришди ва «Эна!» деб бақиринишга ҳам мажоллари етмай, жойларида сўлжайиб қолишди.

Бошдан-оёқ оппоқ товланиб турган бир шохдор махлуқ қизғиш туманга ўралган сариқпоча парвардигорнинг устига миниб олиб, уларга тобора яқинлашиб келар, унинг бўйнига илондек чулғанган кўк туман эса туғ каби ҳилпираб турарди. Шохдор махлуқ қоровуллардан бор-йўғи тўрт-беш қадам нарида тўхтаб, тустовуқнинг оппоқ тухумига ёпиштирилган садафни эслатувчи кўзларини чақнатганча, хитоб қилди.

— Ҳей, сиз, тўппа-тўғри йўлдан адашган кир-чир бандалар, мени таниб қўйинг, мен Мадумар пайғамбарнинг арвоҳиман. Уғри мушукдан тарқаган Исқирт Биринчининг ноғорасига ўйнашни тўхтатмасаларинг, қулоғимни гаровга қўйиб айтаманки, қўлимдаги манави юлдузнинг нурлари билан кўзларингизни ўйиб оламан.

У шундай дея, оппоқ қўлларини олдинга чўзиб, тугмачироқ нурини қоровулларнинг кўзига тўғрилади. Утакаси ёрилаёзган қоровуллар юзларини шоша-пиша четга буришди.

Шундан сўнг пайғамбар эс-ҳушларини йиғиб олиб, Исқирт Биринчига хизмат қилишдан воз кечишлари, тоза кўнгил ва пок бадан билан яшашга қайтишлари учун уларга тўрт кун муҳлат бериб, кўзларини мўлтиллашиб турган сариқпоча парвардигорни йўрғалатганича, кўздан ғойиб бўлди.

Чегарачилар қароргоҳида эрталабдан бошланган шов-шув кечга яқин васасага айланди. Мадумар пайғамбарнинг арвоҳи ҳақидаги ҳикояни у билан тўқнашганларнинг ўз оғзидан эшитишга иштиёқмандлар сони кўпая боргани сари тобора қадрли ошаётган тунги қоровуллар ўзларини янада вазминроқ тутишга ҳаракат қилишар, бу ҳикоя қанча кўп такрорланса, шунча узайиб ва ваҳимали тус олиб бораётганди.

Индинига худди шу пайтда эса, пайғамбарнинг арвоҳи вилоятдаги бадавлат хонадонлардан бирида бўлаётган тўйга қўққис бостириб кирди.

— Яна икки кундан кейин мен ўша Олтинсаройнинг кулини кўкка совураман! — гапни тантанали ваъда беришдан бошлади у, — ювуқсиз арбоб-уламоларни яхшилаб савалашда бизга ёрдам бериш учун ҳамма одам биттадан таёқ йўниб қўйиши керак. Тагимдан сизга қараб турган парвардигорнинг номидан айтаманки, бизга эргашмаган иккиюзламачиларни бир қарғашда кўзини кўр, оғзини қийшиқ қилиб ташлаймиз.

Узоқдан, ўз қариндошларидан бирининг овозини эшитиб қолган бўлса керак, қизил чойшаб ёпинган эшак ер депсиб ҳанграй бошлади. Атрофдагилар икки қўлларини кўксига босганларича, итоатгўйлик билан таъзим бажо келтиришди.

Мадумар пайғамбарнинг арвоҳи билан боғлиқ миш-мишлар оғиздан-оғизга, қулоқдан-қулоққа ўтиб, мамлакатдаги барча тирик жоннинг юраги така-пука бўлди, ўзининг аҳмоқона ишлари билан парвардигору пайғамбарларни ҳам безовта қилган Исқирт Биринчи оломоннинг оммавий қарғишига дучор бўлди. Салтанатга қарши жангга пайғамбарни елкалаб олган парвардигорнинг ўзи шахсан бошчилик қилишини эшитган халқ, арвоҳнинг даъватига кўра, ёппасига биттадан таёқ йўнишга киришди.

## Нотинч кун

Исқирт Биринчи саройда хонама-хона қочиб юрганмиш, ёппасига таёқ билан қуролланган оломон уни зинғиллатиб қувиб келаётганмиш. Бир қарашда, одамлар жуда имиллаб чопишаётганга ўхшармиш, лекин ёш ҳукмдор қанчалар жон-жаҳди билан югурмасин, бари бир

улардан олислаб кетолмасмиш. Охири, у ишратхонага кириб, эшикни ичкаридан тамбалаб олибди. Бир пайт орқага ўгирилса, қўшмугузли ўша арвоҳ кип-қизил туманга ўралган парвардигорни миниб олганича, унинг қаршисида ваҳимали тиржайиб турганмиш. Бу орада оломон эшикни пачоқлаб ташлаб, «ур-ҳо, ур!» билан ичкарига ёпирилиб кира бошлабди.

— Шошманглар, одамлар!— дея оломонга қараб қичқирибди арвоҳ.— Аввал мен унинг кўзларини ўйиб оламан, ана ундан кейин савалайверасизлар.

Исқирт Биринчи томоғи йиртилгудек бўлиб, «Бувижо-о-он!» деб қичқирган эди, «мен бувингиз эмас, ошнангиз Эшмат ишмаман», деган товушдан қўққис уйғониб кетди.

Қабулхонага ланж ва моғамсаро қиёфада кириб келган Исқирт Биринчи ҳали тахтга ўтириб улгурмай, Бурбулитга қараб ўшқирди:

— Нега анқаясиз, тоға? Пайғамбарингиз мени тинч қўядими, йўқми?

— Буларнинг ҳаммаси қуп-қуруқ васваса,— шаҳаншоҳни юпата бошлади Бурбулит.— Мен олди-қочди гап тарқатаётганларни ҳибсга олишни, уларга ишонаётган ҳаромларни аямай калтаклашни буюрдим.

— Яна-чи?— бу тадбирлардан кўнгли тўлмайд сўради ҳукмдор.

— Қолаверса, пайғамбарнинг бебош арвоҳини гумдон қилиш чораларини кўряпмиз,— тап тортмай гапирди Бурбулит.— Бу ҳақда хуфия ишлар бошлиғи Фиқиддинга, бош айғоқчи Искартопарга, лашкарбоши Шаламон Шилдирга махсус топшириқлар бердим. Кандир Қалтага махфий хат жўнатдим.

Чегарачилар сардори Кандир Қалта бош вазирнинг мактубини эрта тонгдаёқ олган эди. Мактубда бундай дейилганди:

«Мадумарнинг арвоҳи қароргоҳинга яна тумшуқ суқадиган бўлса, камончиларнинг билан дарҳол қуршаб олиб, у безбетни тилка-пора қилиб ташлашингни буюраман. Пайғамбарнинг ёнини олиб, тўполон қилган ёки қаттиқ ҳанграган тақдирда, салтанатимиз шавкати йўлида парвардигорни ҳам аямай қиличдан ўтказ. Айтганларимни бажарсанг, мартабанг улуг бўлади.

### Бурбулит».

Сардор мактубни ўқиб бўлиб, ўйланиб қолди. Бурбулитнинг парвардигор ва пайғамбарни қатл этишга ундовчи совуқ гаплари унинг энсасини қотирди. Лекин «мартабанг улуг бўлади», деган охирги жумла унинг юрагига дадиллик бағишлади.

«Балки, бош айғоқчи бўларман,— тўлқинланиб ўйлади у.— Э, бор-е дейишса, лашкарбоши бўлиб кетишим ҳам ҳеч гапмас».

Мансабпарасглик Кандир Қалтанинг туғма касали эди. Ҳозир у ўша касаллик иситмасида алаҳсираб, ўзи шу пайтгача сифиниб келган илоҳий сиймоларга бўлган ҳурматини нафрат билан алмаштирди ва қиличининг сопидан чангаллаганча, «ўлдираман уларни» дея, чираниб қўйди.

Бу пайтда тўрт кундан буён ҳаловат нималигини билмай қолган чегарачилар ўртасидаги баҳс тобора кучайиб бораётганди. Ҳақ йўлга ўтиб олиш учун уларга пайғамбарнинг арвоҳи томонидан берилган муддат бугун кечқурун тугаши керак эди.

— Арвоҳ билан жанг қилсак, обрўйимиз икки пул бўлади,— дерди биринчи камончи.— Унга қилич ҳам ўтмайди, ўқ ҳам.

— Борди-ю, пайғамбарга отган ўқинг хато кетиб, парвардигорнинг ўзига тегадиган бўлса, унда нақ энангни кўрасан,— дея, шошилишда юз бериш эҳтимоли бўлган фожиали хатони олдиндан каромат қилди иккинчиси.

Бошқаси эса уларни калтабинликда айблаб:

— Камонни мўлжалга олгунингча, арвоҳ бечора лаллайиб тураркан-да. Қўлидаги юлдузнинг нури билан кўзингни ўйиб олади, ҳов!— деди.

— Кандир Қалтанинг гапига кириб, ўлиб кетадиган аҳмоқ йўқ,—

ниҳоят дадиллик билан биринчи бўлиб мақсадга кўчди Хабар.— Жонидан тўйган бўлса, арвоҳ билан унинг ўзи уришсин.

Пойтахтдаги ўрдада ҳам васваса авжга минганди. Бутунлай тарқалиб кетишга юраги бетламай, ҳаяжонланганларича ивирсиб юрган сипоҳилар «парвардигор ҳамма нарсани кўриб-билиб туради, биз унга ўқ отмасак, у биринчи бўлиб бизга ёмонлик қилмайди», дея ўзаро шивирлашиб қўйишарди. Лашкарбоши Шаламон Шилдир ўрдада интизомни мустаҳкамлаш учун жон куйдираётгандек бўлиб кўринса-да, аслида нодон сипоҳиларнинг пайғамбарга ҳамла қилиб, ишнинг пачавасини чиқариб қўйишлари мумкинлигидан қаттиқ хавотирланаётган эди.

Дуч келган васвасачини дарҳол зиндонга тиқаверадиган айғоқчилар ўз бошлиқлари Искартопардан ўртак олишиб, салтанат муҳри кимнинг қўлига ўтиши ҳали номаълум бу алғов-далғов кунда бировга озор беришдан ўзларини тийиб туришарди. Улар хўжа кўрсинга кўча айланиб юришар, ҳатто уларни эрмаклар, орқаларидан ҳуштак чақиб қолганларга ҳам парво қилишмасди.

Хонасида пишиллаганича бемалол ухлаб ётган Эшматни ҳисобга олмаганда, саройдаги муҳитни ҳам осойишта деб бўлмасди. Бу пайтда шахсан Исқирт Биринчининг ўзи «пайғамбарнинг манда қанақа қасди боракан», дея Маликаи Мاستоннинг пинжида йиғлаб ўтирарди.

Қозикалон Хидир Хум эрталабданоқ ишга киришиб, яхшилаб йўнилган таёқ ва деҳқонча кийим-бошни аллақачон тайёрлаб қўйганди. У тўс-тўполонда кўпчиликка қўшилиб, парвардигор қўлидаги юлдузнинг шафоатидан баҳраманд бўлиб қолишни мўлжаллаётганди.

Арбоблар ичида энг туллаклардан ҳисобланган хуфия ишлар бошлиғи Фисқиддин иложи борича саройдаги ишларга аралашмай туришнинг энг осон йўлини топди. У кеча кечқурундан бошлабоқ, ўзини бетобликка солиб олган ва ишнинг нима билан тугашини ўғри мушукдек пойлаб ётарди.

Шоир Дуторий эса, хонасини ичкаридан тамбалаб олиб, янги ғазал битиш билан овора эди. У эртага шу пайтда саройда бошқа бир ҳукмдор зиёфат беражагини бор вужуди билан ҳис қилиб турар, ёзиб тугаллаётган оташин мадҳия ўша номаълум зотга аталган бўлиб, қўйидаги мисралар билан бошланарди:

**«Келди пок, гулгун замон, ҳаммомга бошланглар мени,  
Ё суви лим-лим ҳовуз, ё жомга бошланглар мени...»**

Лекин бош вазир Бурбулит ҳар қачонгидек совуққон ва дадил кўринар, қаттиқ асабийлашаётганини хонада тинмай у ёқдан-бу ёққа юриб туришидангина пайқаб олиш мумкин эди. У пайғамбарнинг арвоҳи ҳақидаги ваҳимали гапларга ҳозир ҳам ишончсизлик билан қарар, бу ғаройиб ишларнинг ҳаммаси қандайдир муғамбирнинг жуда усталик билан қилаётган найранглари эканини фақат ўзигина сезиб турарди.

## **Тандирнинг ишғол қилиниши**

Чегарачилар сардори Қандир Қалта арвоҳлар фақат кечалари изғий олишларини назарда тутиб, Онаюлдуз хиралаша бошлагандан кейингина камончиларини жангга сафлади.

— Дадил бўлинглар, менинг азамат такаларим!— ерда судралиб юрган қиличининг сопини ушлаб, камончиларга далда берди у.— Уша арвоҳ кўзимга кўринди дегунча, уни сомсабоп қилиб қиймалаб ташлайман.

Камончилар «қўйиб беринглар, ўзидан кўрсин», дегандек бир-бирларига маънодор қараб қўйишди. Сардор садафгул қовоқдан нос чекиб олгач, камончилар сафи бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Ора-сира «бунақа арвоҳларнинг кўпини кўрганмиз», «мен уни бир шарманда қилайинки...» дея кўкрак керганча ғўлдираб қўярди.

Газотга чиққан пайғамбарнинг шамоибли намоён бўлишдан бурун борлиқни унинг ваҳимаси қамраб олди. Дўнглик ортидан даставвал жангира-жунгир овозлар эшитилиб, кейин унга сурнайнинг қайғули ноласи ва чирманданинг «дака-дунг»и қўшилди. Бирон-бир марднинг биринчи бўлиб қочилни бошлаб беришига мунтазир турган камончилар ён-беридагиларга умидвор жаланглай бошладилар. Кутилмаганда сардорнинг тиззасига ҳам қалтироқ кирди. Лекин «мартабанг улуғ бўлади», деган сеҳрли сўз унинг миясида тинимсиз такрорланиб турар, у ўзини иложи борича дадилроқ тутишга ҳаракат қиларди.

Шовқин-сурон борган сари кучайиб, охири дўнг ортидан ўша шохдор махлуқнинг оппоқ танаси аста-секин балқиб чиқа бошлади. Унинг кетидан думида алланарсаларни судраб келаётган зангбоз парвардигорлар сафи кўринди, ва ниҳоят, бири сурнай пуфлаб, иккинчиси чирманда урганча пиёда келаётган яна иккита оқ арвоҳ пайдо бўлди. Пайғамбар бошчилигидаги бу тўполончи гала аралаш-қуралаш садолар остида дўнгдан пастлаб келаркан, мақтанчоқ Кандир Қалтанинг ияги шақиллаб; илгидан мадор кетди ва аста-секин орқага тисарилиб, камончилар сафига чап берди.

Мадумар пайғамбарнинг арвоҳи бир-бирига қапишиб турган камончилар тўдасига яқин келиб, салобат билан парвардигори оламнинг юганини тортди. Орқадаги зангбоз парвардигорлар ҳам ҳаракатдан тўхтаб, сурнай ва чирманда садолари бирдан тиниб қолди.

— Нега қаторлашиб турибсизлар, мушуклар?— гапни жуда қалтис бошлади арвоҳ.— Сизларни менга қарши қайраган бароқ қани?

Ҳамманинг нигоҳи беихтиёр Кандир Қалтага қадалди. Ваҳимали садолар эшитила бошлаган пайтда оғзидаги носни туфлаш ҳам эсига келмай қолган сардор, уни «ғўлқ» этказиб ютиб юборди.

— Таппа босинг уни!— қичқирди пайғамбарнинг арвоҳи.

Аламзада Хабар биринчи бўлиб ўзини сардорнинг устига отди. Кейин бошқалар ҳам унга ташланди. Кандир Қалта ҳаш-паш дегунча, қуролсизлантирилиб, оёқ-қўли чандиб бўлингач, унинг оғзига латта тикиб қўйиш лозимлиги ҳақида пайғамбардан қўшимча буйруқ олинди.

Бир неча дақиқадан сўнг ўз қўшинини юз нафар камончи ҳисобига мустаҳкамлаб олган Аламазон Тандирга юриш бошлади.

Бу пайтда аллақачон Қоратуйнукдан ўтиб олган Шалпанг Аждарғор маркази томон чопқиллаб борар, у Нодим Улуғни сўнгги янгиликдан тезроқ хабардор қилишга ошиқаётганди.

Шаҳар четидаги ялангликда тўпланиб турган жанжалмаҳалликлар Мадумар пайғамбарнинг арвоҳини биринчи бўлиб кутиб олишди. Аввалига улар асир олинган камончиларни пайғамбар бизни калтаклашиш учун ҳайдаб келаётган бўлса керак деб ўйлашиб, жуда севиниб кетишди. Вазият ойдинлашгандан кейин эса, камончилардан ҳам олдинроққа ўтиб олишиб, таёқларини қиличдек ўйнатганларича шаҳарга қараб юришди. Йўл-йўлакай уларга бошқа маҳаллаларнинг одамлари ҳам қўшила бориб, бақир-чақирлар кучайгандан-кучайиб-кетди. Тарафдорларнинг тобора кўпайиб бораётганидан руҳланган арвоҳ созандалар янада шўхроқ куйни бошлаб юборишди. Эшакларнинг думига боғлаб қўйилган темир-терсақлар эса шаҳарнинг тошлоқ кўчаларида майсазордагига нисбатан ўн баравар кучлироқ данғиллай бошлади.

Мадумар пайғамбарнинг арвоҳи сифатида оломонни Тандирга етаклаб бораётган Аламазоннинг боши ногаҳоний бир зарбдан қаттиқ силкиниб кетди. Қўли билан салласига санчилган ўқ ёйни силтаб суғуриб олди. Саллани ҳаддан зиёд катта қилиб ўрагани учун шу топда у Шалпангдан жуда миннатдор эди.

Сипоҳиларини сарой олдидаги кенг майдонга сафлаб қўйиб, тал-

васага тушганини сездирмаслик учун қовоғини уйиб олганча, лашкарлар сафи олдида айланиб юрган лашкарбоши Шаламон Шилдир узоқдан келаётган ҳайқириқ ва «дангир-дунгир» садоларни эшитиб, қулоғини динг қилди. Бир оздан сўнг уларга таёқ дўлайганча олд-кетига қарамай, ёпирилиб келаётган оломон кўринди. Оломон тўлқини узра пайғамбарнинг ваҳимали оппоқ жуссаси кўзга чалинган пайтда у аввалига бир оз иккиланиб турди, кейин лашкарлар сафини чаққонлик билан ёриб ўтиб, номаълум томонга қараб қочди. Унга доимо содиқлик билан эргашиб келган сипоҳилар бу сафар ҳам қўмондонларини ёлғиз қолдиришмади.

— Улар қочиб кетишяпти, оғайнилар!— куюниб қичқира кетди Жанжалмаҳалланинг оқсоқоли.— Улар билан муштлашмасдан қайтиб кетадиган аҳмоқ йўқ.

— Ана, қочишди!— севиниб чапак чалди оломон ичида ўралашиб юрган Ҳожимат жинни.— Энди ҳамма қувлаш ўйнайди, вах-вах-вах...

Оломон юзлаб таёқларни ҳавода ўйнатганча, лашкарнинг кетидан қувиб кетди. «Ур, сол!», «Ур-ҳа, у-ра!» деган бақириқ-чақириқлар ҳам-маёқни ларзага солди.

Шиппак хабар етказган палладаёқ жадал йўлга чиқиб, пайғамбар пиёдалари билан изма-из шаҳарга кириб келган Палахмон полвон бошлиқ Аждарғор қўшинлари Тандирни ҳеч бир талафотсиз иш-гол қилишди.

## Ҳожимат жиннининг таклифи

Юрт ирkitликдан тамом халос бўлган қутлуғ кун тонгида Онаюлдуз ҳам одатдагидан равшанроқ чақнади. Тандир шаҳрининг қуйи қисмидаги Йилтироқдалада шағалдек ёйилиб ётган дур-жавоҳирларнинг камалакранг жилоси уфқни яна товус патидек тўсиб қўйди.

Олтинсарой саҳнидаги мраммар майдон ўртасидаги шоҳсупа остида чумчуқдек тўлиб кетди. Оломон майдон ўртасидаги шоҳсупа остида чумчуқдек ҳурпайиб турган Исқирт Биринчи ва унинг арбоб-уламоларига мушт ўқталиб, асабий қиёфада тинмай ҳайқирар, бундан бир неча дақиқа олдин ўз жиянлари билан биргаликда шаҳарга етиб келган Нодим Улуғ, кўзи тириклигида яхши кунларни кўришга муяссар бўлган Ҳумо Хартум ва довюрак саркарда Палахмон полвонлар шоҳсупа устида ниманидир ўзаро муҳокама қилиб ўтиришарди.

Чамаси бу тантананинг асосий қаҳрамонлари кеча тўполонда бирдан ғойиб бўлиб қолганларича ҳануз бедарак юрганлари, шунингдек, ҳибсага олинган сарой арбоблари орасида бош вазир Бурбулитнинг йўқлиги уларни жиддий ташвишга солаётганди.

Бу орада шовқин-сурон янада кучайиб, халойиқ арбоб-уламоларнинг қаттиқ жазоланишини талаб қила бошлади.

— Уларни тошбўрон қиламиз, тошбўрон!— қичқирди кимдир.

— Ўзлари қурган зиндонда ўзлари сулайиб ётишса яхши бўларди,— шахсий фикрини билдирди яна бошқа биров.— Бир ачиган ювинди ичиб кўришсин-чи!

— Яхшиси, уларни бизга қўйиб беринглар,— маҳалладошлари номидан гапирди Жанжалмаҳалла оқсоқоли.— Биз ўша бўйни йўғонлар билан яккама-якка солишамиз.

Оқсоқолнинг невараси эса бобосининг пинжида туриб, ўзидан бирикки ёш каттароқ Исқирт Биринчига қараб, ҳўмрайганча чинқирди:

— Биттага битта чиқасанми?

— Ҳей, одамлар, келинлар, уларни қувлаймиз,— дўпписини яримта қилиб, қулоғига хащак қистириб олган Ҳожимат жинни ҳам ўз навбатида таклиф киритди.— Унисини ушлаб бурнига чертамиз, буни-сини ушлаб бурнига чертамиз... Мазза, а? Вах-вах-вах...

Одамларнинг фикри ҳар хил бўлиб, Ҳожимат жиннидан тортиб

жанжалмаҳалла оқсоқолигача — ҳамма энг тўғри таклифни мен киритяпман, деб ўйлаётган эди.

Халойиқ тўлқинланиб ҳайқираётган ҳаяжонли сонияда майдоннинг бир четидан сурнай ва чирманданинг шўх садоси янгради. Бу таниш оҳангни эшитган кишиларнинг лабига беихтиёр табассум қўниб, бирин-кетин аста жимиб қолишди, ҳибсага олинган арбоб-уламо-ларнинг эса афти буришди.

Икки тарафга ажралиб, уларни қизгин олқишлай бошлаган оломон ўртасидан тўғри шоҳсупа сари йўл олган «Бай-бай-бай» ансамбли ўзининг машҳур қўшиғини сўнгги бор куйлаб келаётганди:

**«Ана Исқирт Биринчи,  
Аҳволини кўринг-чи,  
Бай-бай-бай!..»**

Шу пайт дурустгина кийиниб олган лавоқюз бир бола халойиқ ичидан сирғалиб чиқиб, «Аламазо-о-он!» деб қичқирганича, ўзини қувноқ яллагилардан бирининг бағрига отди. Бу узоқ айрилиқдан сўнг қаҳрамон юртдоши билан қайта дийдор кўришишга муяссар бўлган бахтиёр Эшмат эди.

## **Бурбулитнинг қасоси**

Икки вилоят ўртасидаги чегара йўқолиб, Юлдузистон аввалгидек яхлит мамлакатга айланди. Палахмон полвон Аждарғорга, Нодим Улуғ эса Тандир вилоятига ҳоким этиб тайинланди. Ҳумо Хартум яна бош вазирлик лавозимини эгаллади. Саройда бош айғоқчи ва ҳуфия ишлар бошлиғи деган мансаблар бекор қилинди. Сарой учун ясовуллар ажратиб олиниб, қолган лашкар тарқатиб юборилди.

Шаҳзода Феруз тахтга чиққан дастлабки кундаёқ халқ қатор имтиёзлардан баҳраманд бўлди. Исқирт Биринчининг арбоб-уламо-лари эгаллаб олган ерлар одамларга бўлиб берилди, яйлов ва мевазорлар жамоат мулкига айлантирилди, мамлакатда кўплаб ҳаммомлар қуришга киришилди. Иркит авом пок баданга тоза кийим кийиб, қичишиш азобидан батамом халос бўлди. Бу ишларни амалга оширишда ёруғ дунёдаги эркин мамлакат фарзанди Аламазоннинг маслаҳатлари Ферузга жуда қўл келди.

Аламазон сарой аҳли билан биргаликда Палахмон полвонни Аждарғорга кузатиб қўйгач, ўзининг сағир пиёдаларини етаклаб, сарой ишратхонасига олиб кирди.

— Мана шу хона энди сизларга, — деди у данғиллама кошонани анқайиб томоша қилаётган болаларга қараб. — Шалпанг сизларга бошлиқ бўлади, маҳаллалардан яллагичликка ишқибоз болаларни топиб, катта тўгарак тузасизлар. Сарой яллагичлари эндиликда шаҳаншоҳга эмас, авомга томоша кўрсатади.

— Шуларнинг ҳаммаси бизгами? — ишонқирамай сўради Шалпанг. — Айтмоқчиманки, олтин деворлар-у, зумрад дарчаларга тегишмайдимми?

— Деворларни бузиб, дарчаларни кўчириб кетишадиган бўлса, сен ялангда қоласан-ку, галварс, — Шалпангнинг пешонасига чертиб қўйди Аламазон.

— Тўғри. Дарров эсимга келмаганини қара-я.

Сағир пиёдалар янги қароргоҳларининг жавоҳир шифтини кўздан кечира бошлашган пайтда Эшмат Аламазонни турткилаб, аста маслаҳат сўради:

— Сен нима дейсан, шуларга қўшилиб ғижжак-пижжак чалиб тураверайми, а?

— Ғижжакни чалиб нима қиласан? — ҳазиллашди Аламазон. —



Қулоғимни гаровга қўйиб айтаманки, сендан ажойиб карнайчи чиқади.

Шу пайт ташқаридан кимнингдир «Аҳ, баттол!» деган товуши ва гурсиллаб ерга йиқилгани эшитилди. Аламазон югурганича зумрад дарчанинг ёнига бориб, ташқарига қаради ва сарой ортидаги майсазорда орқасига ханжар санчилган Ҳумо Хартумнинг мукка тушиб ётганини, узоқда — майсалар бўлиқ ўсган жойда кимнингдир энгашиб қочиб бораётганини кўрди. Аламазон чаққон сакраб, дарчадан ташқарига чиққан пайтда юқоридан Ферузнинг «нима гап, ҳей Аламазон», деган овози эшитилди.

— Қиличингни бу ёққа ташла, Феруз! — қичқирди Аламазон. — Ҳазрат Ҳумони пичоқлаб кетишди.

У ёш ҳукмдор ташлаган қилични ҳаводаёқ илиб олиб, «ҳазрат Ҳумодан бохабар бўлинглар», деганча сой тарафга чопди.

Аллақачон Ялтироқдалага чиқиб олган қотил оёқ остида қалашиб ётган жавоҳирларни ғирчиллатганича сой ёқалаб қочар, гоҳ марваридлар уюмига дуч келиб, сирганиб йиқилар, уни таъқиб этаётганларини кўриб тургани учун яна тезда оёққа қалқиб, югуришда давом этарди. У олтин харсанглар орасига кириб борган пайтда қадам олиши янаям сустлашди, таъқиб этувчи эса харсанглардан чаққон-чаққон сакраганча, тобора унга яқинлашиб келаётганди.

Сой тугаб, олдинда Юлдузистон осмонига туташиб кетган лаъл девор пайдо бўлгач, қаёққа қараб қочишни билмай қолган қотил ноилож орқасига ўтирилди.

— Мана, қотил ким экан! — енгил ҳансираб қичқирди, изма-из етиб келган Аламазон. — Жонингдан умидинг бўлса, ўзингни ҳимоя қил, Бурбулит!

— Эшакка минг қатла шукурки, ўз оёғинг билан панжамга тушдинг, — атрофга аланг-жаланг боқиб, қиличини қинидан суғурди Бурбулит. — Қани, берироқ кел-чи, ҳароми.

Аламазон қиличини ҳавода бир-икки визиллатиб қўйгач, хотиржамлик билан Бурбулитга яқинлашди. Иккала рақиб бир-бирларининг кўзига тикилиб олганларича, бир жойда давра қуриб айлана бошлашди.

— Биламан, бу ғалваларнинг ҳаммасига Ҳумо жинни билан сен сабабчисан, — рақибини чўчитиш учун хомаки ҳамла қилиб, тишларини ғижирлатди Бурбулит. — Муғамбир калланг танангдан жудо қилинса, сен жосус жуда безарар бўлиб қоласан.

У шундай дея, зарб билан қилич селпиди. Аламазон ҳозиржавоблик билан ўзини ҳимоя қилган чоғда, икки қилич ўртасидан чарсиллаб учқун сачради. Аламазон биринчи зарбани усталик билан қайтарган бўлса-да, рақибига нисбатан жисмонан кучсиз эди. Унинг суякларини зинғиллаб кетди ва муваффақият қозониш учун кейинги зарбаларга илож борица чап бериб, аввал рақибни батамом чарчатиш лозимлигини англади. Шундан кейин у олтин харсанглар устидан сакраб-сакраб қоча бошлади, Бурбулит «ана санчдим, мапа янчдим», деб уни қадам-бақадам таъқиб қила кетди. Лекин унинг аниқ мўлжалли олиб селпиган қиличи ҳар сафар рақибининг бирон жойини ялагудек бўлиб ўтар, бундан мувозанатини йўқотган Бурбулит гоҳ ўрнида чирпирак айланар, гоҳ муккаси билан ерга йиқиларди. У ўрнидан туриб, қайта ҳамлага ташланаркан, бу сафар уни албатта чопиб ташлайман деб ўйларди-ю, яна ноумид қоларди.

Аламазон аста-секин чекина бориб, сой суви вақирлаганча лаъл девор остига кириб кетаётган гирдоб ёқасидаги олтин харсанг устида тўхтади. У яна бир қадам орқага юргудек бўлса, томоғи тақиллаб турган гирдобга ем бўлиши мумкинлигини тушунди.

— Охири қўлга тушдинг-ку, ҳароми, — ўпкаси оғзига тиқилаёзган Бурбулит тиржайганча унга яқинлаша бошлади. — Эндиям орқага сакраб кўр-чи.

У бор кучини жамлаб, рақибининг қаншарига қараб қилич торт-

ди. Аламазон бу сафар ҳам совуққонлик билан ҳимояланиб, боши устида визиллаган қилични осоңликча четга сирпантириб юборди. Лекин у кутилмаганда қиррали харсанг устида мувозанатини йўқотиб, бир дақиқа ҳимоясиз қолди. Бу — шайтон боланинг бутун жанг давомида йўл қўйган бирдан-бир хатоси эди. Мана шу бир лаҳзалик қулай имкониятни кўпдан буён зориқиб кутаётган Бурбулит рақибининг ҳимоясиз кўкрагини кўзлаб, ўлжага ташланаётган йиртқич ҳайвонга хос ўқирик билан олдинга отилди ва қиличини зарб билан мўлжалга ниқтади. Қилич қовурғаларни синдириб «ҳаёт, ҳаёт ҳаёт» дея, тинимсиз зорланиб турган ўша бегона юракка санчилиши керак эди, негадир санчилмади. Ҳимоясиз қолган ўша кўкрак қиличдан тилка бўлишига бир баҳя қолганда, Бурбулитнинг кўз ўнгидан зумда йўқолди ва Бурбулит қандай жодугарлик юз берганини англаб улгурмай, ўзини ёвуз гирдобнинг чангалида кўрди.

Аламазоннинг навбатдаги найрангига лаққа тушган Бурбулит бор баста билан олдинга сапчиган пайтда Аламазон қушдек энгил сакраб, ён томондаги харсанг устига ўтиб олди-да, мақтанчоқ рақибининг сойга қандай калла ташлаётганини бемалол кузатиб турди. Даҳшатдан кўзлари олайиб кетган собиқ бош вазир Бурбулит қичқириққа оғиз жуфтлаган пайтда аллақачон бўғма илондек чирмашиб олган гирдоб уни зудлик билан домига тортди ва кейин гўё ҳеч нарса кўрмагандек, яна ўз маромида буралиб-буралиб ўйнай бошлади.

Тапир-тупир қадам товушларини эшитиб, Аламазон кескин ортга ўгирилди, ёрдамга ошиққанларича ҳарсиллаб чопиб келаётган сарой ясовулларини кўриб, беихтиёр ҳамлага шайланган қиличини аста пастга туширди.

— Қойил, жаноб Аламазон, баракалла!— энди ясовулча кийиниб олган Тиртиқ кечагина эски гина-кудуратларни унутиб, у билан пича чақчақлашиб олган эски танишидан бир оз нарида тўхтаб пишиллаганича ҳайрат изҳор қилди.— Хих, тфу! Биз югуриб келаётиб, барини кўриб турдик. Қойил-е!

— Ҳа, кўриб турдик,— гирдоб тарафга бўйланиб, одатдагидек кўпира кетди Шилпиқ.— Сиз у жунбошни бошингиздан ошириб, сойга қараб улоқтирдигиз. Ҳатто машҳур қиличбоз Барри Барака ҳам бунақа жанг қилолмаган бўларди.

Учинчи ясовул нафасини ростлаб олиш учун харсанглардан бирига ўтириб, қўйнидан садаф гулли носқовоқни чиқарди-да, ҳафсала билан нос чекди. У Қоратуйнук ёнидаги унутилмас тўқнашувда пайгамбар арвоҳининг амри билан ўз сардори Қандир Қалтанинг устига биринчи бўлиб отилган ўша шаддод камончи эди. Аламазон унинг қўлидаги носқовоққа яна қизиқиб қаради ва «бир кўрсам майлими», дея аста қўл узатди. Бу пайтда ниманидир ўйлаб ўтирган ясовул унинг бу гапларини эшитмай қолди.

— Ҳей, Хабар!— унга қараб ўшқирди Тиртиқ.— Жаноб Аламазон носқовоғингни сўраяптилар. Қани, ирғит-чи, хўп-па!

— Хўп-па!— шанғиллади Шилпиқ ҳам.

Аламазон гулдор носқовоқни ҳавас билан кўздан кечираркан, аввал ҳам худди шунга ўхшаган қовоқни қаерда кўрганини эслашга ҳаракат қилди. Эслади-ю, бирдан юраги ҳаприқиб кетди. Улар ҳали Жандағорга юриш бошламасларидан бир неча кун илгари Қўчқорсойда чўмилиб юрган болалар сувдан худди шунга ўхшаш носқовоқ ушлаб олишганди.

— Буни қаердан олдингиз?— ясовулдан сўради Аламазон.

— Қандир Қалтадан эсдалик бу,— нос ачиштираётган тилини килдиратиб жавоб қилди Хабар.— Очигини айтсам, қовоқни ундан шилиб олганман. У жоҳилга бунақа чиройли нарсалар ҳайф.

Шунда Қандир Қалтанинг битта носқовоқни эҳтиёсизлик қилиб сойга тушириб юборгани ҳақида Тиртиққа айтган гаплари ҳали Аламазоннинг ёдига тушди.

«Бундан чиқди, Қўчқорсой мана шу гирдобнинг давоми экан-да».

дея ҳозир шу ердан шўнғиса, бир оздан сўнг Тоштақа шаршараси остидаги булоқдан чиқадигандек, қувониб ўйлади у.

Бу ёруғ дунёга олиб чиқиши мумкин бўлган учинчи йўл эди.

## Ёруғ дунё ҳақида қўшиқ

Аламазон савол назари билан тикилиб турган Нодим Улуғга ҳамма иш жойида деган маънода бош қимирлатиб қўйиб, Ҳумо Хартум ётган ўриндиқ ёнига тиззалади. Чол зўриқиб-зўриқиб нафас олар, табиб унинг ярасига гиёҳ сувини томизган пайтда зорланиб ихрар, дам-бадам кўзини очиб, атрофдагиларга маъносиз назар ташларди. Унинг юзларидан тинимсиз қўйилиб келаётган терни Маликаи Рузвон пешма-пеш артиб қўяр ва пешонасига бармоқларини босиб, унинг иситмасини чамалаб кўрарди.

Бу ерга киргандан бери фикру ёди чол билан банд Аламазон мунчоқкўз Хазинанинг анчадан буён миқ этмай унга тикилиб тургани, унинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатаётганини сезмади ҳам.

— Жароҳат унчалик хавfli эмас,— деди табиб Ҳумо Хартумнинг ярасини боғлаб бўлиб,— лекин кўп қон кетган. Қария буни кўтара олармикан?

Сўнг, дори-дармонларини йиғиштириб халтачага соларкан, «унга парвардигорнинг ўзи шифо берсин», дея илтижо қилди. Бечора табиб парвардигорнинг энг яқинларидан бири бўлган Мадумар пайғамбарнинг арвоҳи ўзидан бор-йўғи бир қадам нарида турганидан тамоман беҳабар эди.

Аламазон лоҳас одим ташлаб, саройдан ташқарига чиқиб бораётган пайтда, «Аламазон» деган ипакдек майин ва ёқимли товушни эшитиб, сеҳрлангандек тўхтаб қолди.

— Аламазон,— Ҳазина қўнғир сочларини селкилатганича келиб, унинг ёнида тўхтади.— Ҳазрат Ҳумони ким чавақлабди? Тутдиларингми уни?

«Қанийди, шу қиз яқин ўртоғим бўлса»... Майин товушидан санимийлик, порпироқ кўзларидан меҳрибонлик акс этиб турган хуштабиат қизга бир лаҳза тикилиб ўйлади Аламазон. Ҳазина ўзининг нозик жуссаси, юз тузилиши ва ҳулқ-атвори билан Аламазоннинг ёруғ дунёдаги синфдоши Азизага жудаям ўхшаб кетар, фақат маликаларга хос башанг кийим-боши-ю, ярқироқ тақинчоқлари билангина ундан фарқланиб турарди.

— Қотилни ушлолмадик,— юришда давом этиб, нохуш жавоб қилди Аламазон.— У нариги дунёга қочиб қолди.

Улар сарой майдонига чиқишиб, мрамар ҳайкаллар қаторлашиб турган майсазор томон юра бошладилар.

— Нега хафасиз, Аламазон?— боядан бери ниманидир ўйлаб, жим одимлаб келаётган Аламазонга синчковлик билан боқди: Ҳазина.— Соғиняпсизми... ёруғ дунёни?

— Ҳа!

Ҳазина ёруғ дунё ҳақида унга турли-туман саволлар бера бошлади. Саволлари шунақаям содда, шунақаям жўн эдики, Ҳумо Хартумнинг аҳволи оғирлигидан кўнгли гашланиб турган Аламазоннинг беихтиёр кулгиси қистаб кетди. Айниқса, Ҳазина «ёруғ дунёга чиқсак, акам ўша ёқда ҳам шаҳаншоҳ бўладими?», деган пайтда, у қаҳ-қаҳ отиб юборишдан ўзини зўрға тийиб қолди.

— Феруз жуда эсли-бола,— сир бой бермай жавоб қилди Аламазон.— Балки, кейинчалик министр бўлиб кетар. Лекин дастлабки пайтларда маҳаллага оқсоқоллик ҳам қилолмайди.

Шунда Ҳазина министрнинг кимлигини сўради. Аламазон ми-

нистрнинг катта одам эканини, телефонда узоқ-узоқларга буйруқ бериши мумкинлигини тушунтирди. Буни эшитиб, Хазинани телефон қизқитириб қолди. Охир, унинг фикри айқаш-уйқаш бўлиб кетиб, ёруғ дунёда ғаройиб тилсимотнинг кўплигидан ташвишлана бошлади.

Шу пайт сарой тарафдан Шиппакнинг дўриллаган овози эшитилди:

— Ҳов, Аламазон!

Аламазон Ҳумо Хартумни кўргани кирганда, у ҳануз беҳуш ётарди. Шундай бўлса ҳам, унинг боягидан кўра анча текис нафас олаётганини кўриб, Аламазоннинг кўнгли бир оз таскин топди. Бу орада сарой табиби келиб, беморнинг жароҳатига яна малҳам қўя бошлади. У ҳам чолнинг аҳволи яхшиланаётганини мамнун таъкидлаб ўтди.

Табиб чиқиб кетгач, Аламазон олтин дарча пардаларини кенг очиб қўйиб, Ялтироқдаланинг қамалакранг уфқига сингиб кетаётган суронли сойнинг шовуллашига қулоқ солганча узоқ-узоқларга термилиб туриб қолди.

— Нималарни томоша қиляпсиз, Аламазон?— унга яқин келиб, ўша ёқимли товушда сўради Хазина.

— Кў, сой тугаган томонга қарагин-а, Хазина, — қўли билан ўша ёқни кўрсатди Аламазон. — Лаъл деворни кўряпсанми?

— Ҳа, кўряпман, — аввал ҳам минг марта кўрган ўша Ялтироқ қояларга бу сафар негадир диққат билан тикилди Хазина.

— Қизиқ, а?

— Вой, унинг нимаси қизиқ?

— Шуниси қизиқки, ўша деворнинг орқасида лаъл ва жавоҳирлардан ҳам чиройлироқ ёруғ дунё бор. Лекин ярқироқ тошлар уни кўзимиздан тўсиб турибди, — Ҳумо Хартум бир пайтлар Мажиддин Равшанийнинг «Гурбатнома» китобидан ўқиб берган жумлани такрорлади у.

Хазина бир оз жимиб қолди. Кейин уларнинг бу мамлакатга нима сабабдан келиб қолганликларини сўради. Аламазон ғорлар ичида беркиниб ётган хазинани топмоқчи бўлганликларини айтди. Хазина дейилганда, Юлдузистонда фақат одамнинг исми тушуниларди. Шу туфайли «Қим у... Хазина?» деб савол берди қиз ва бирдан қиздириб кетди. Аламазон ўз ёнида турган қизнинг исми ҳам Хазина эканини шундагина эслаб, аста жилмайганича, «у — сенсан», деди.

— Мени алдаяпсиз, Аламазон, — қувониб кетгандек кўринган бўлса-да, Аламазоннинг лоф ураётганини авайлаб юзига солди Хазина. — Сиз мени илгари кўрмагансиз-ку.

— Кўрмаганман, тўғри, — том маънода рост, кўчма маънода ёлгон гапира бошлади Аламазон. — Лекин, Хазина шу тарафда бўлса керак деб тахмин қилганман. Ишонмасанг, Эшматдан бу ёққа нима учун келганимизни сўраб кўр. Агар у «Хазинани қидириб келганмиз» демаса, қулоқларимдан кечганим бўлсин.

— Ёруғ дунё ҳаққига қасам ичинг-чи.

— Ёруғ дунё ҳаққига қасам ичиб айтаманки, мен бу ёққа Хазинани топиш учун келганман.

Хазинанинг ҳаяжондан кўзлари пирпираб кетган пайтда пастдан ёқимли мусиқа садоси янграб, унинг аллаловчи оҳанги бутун сарой хоналари бўйлаб тарала бошлади. Аламазоннинг шоввоз пиёдалари унинг ёруғ дунё ҳақидаги шеърини басталаб бўлишиб, энди уни юрак-юракдан баралла қуйлаётган эдилар:

Олисдаги чақинсан,  
Ҳей, Ёруғ дунё!  
Кўнглимизга яқинсан,  
Ҳей, Ёруғ дунё!

Ғорларга нур тутиб тур,  
Ҳей, Ёруғ дунё!  
Бизни бир оз кутиб тур,  
Ҳей, Ёруғ дунё!..

## Ноёб дори ёки хотима

Қиссанинг бош қисмидаги боблардан бири Аламазон билан Эшмат профессор Оғабек Турконийнинг сеҳрли дорисини ичганларича Зимистонсаройда ухлаб қолишган пайтда тугалланган эди. Яна ўша жойга қайтишга тўғри келади.

Ширин табассум билан аста кўзини очган Аламазон ўзини Зимистонсарой ичида кўриб, сесканиб кетди.

«Бу ерга қандай келиб қолдик?— бирдан юраги хижил тортиб, атрофга аланглаганча ўйлади у.— Бошқалар қани?»

Дунёни сув босса тўпирга чиқмайдиган Эшматнинг бемалол пишиллаб ухлаётгани ва тинимсиз оғиз чапиллатаётгани унинг баттар жаҳлини чиқарди. Эшмат лунжини ишириб ямланганича, «энди кавобни опкелавер», деб ҳирқираган пайтда, у ортиқ чидаб туролмади. Мабодо шапалоқ есалар қалай бўларкин, дея ғижиниб ўйлади Аламазон ва Эшматнинг иккала елкасидан тутиб, қаттиқ силтай бошлади.

— Қани, тур ўрнингдан, тур деяпман сенга! Ўлиб қолганмисан? Кўзингни оч, ҳей! Кўзингни очсанг-чи, ишма!!

Кўзини ним очган Эшмат бирдан алаҳсираб валдирай бошлади:

— А? Нима? Қўйвор! Нимага бузясан, ярамас? Бузма ошхонани!

— Ҳалиям овқатнинг дардида юрибсанми, ишкамба?— уни силташда давом этди Аламазон.— Феруз билан Хазина қани? Ҳумо Хартум-чи?

— Нималар деяпсан ўзинг?— кўзлари олайиб ўшқирди энди анча ўзига келиб қолган Эшмат.— Қанақа хартум?

— Мана бунақа хартум деб гарданинга қараб тортайми ҳозир?— куюниб кетди Аламазон.— Нима, танимай қолдингми уни? Сен билан қўшиқ айтаётган сағирларим қани? Ҳали уларни ҳам билмайман дерсан?

— Қилар ишни қилиб қўйиб, гапни бошқа ёққа бурма. Олдин менга айт-чи, нима учун ошхонамни бузиб ташладинг?

Улар бир-бирига бақира-чақира, туйнукдан соғ-омон ўтиб олишиб, осмақопчиқларини унутиб қолдирганларича, Жандағордан чиқиб келишадиган ва мастлардек гандираклаб ўрқачдан тушиб бораётган пайтларида ҳам бир-бирларини бўралашда давом этишди.

Дом-дараксиз кетган бу икки дайдини қидириб, туни билан мижжа қоқмай чиққан қишлоқ аҳлининг бир қисми бу пайтда тоғда тентираб юришганди, болаларнинг товушини эшитиб, ҳаллослаганларича улар томонга югуришди. Болалар эса уларга парво ҳам қилмай, жанжаллашганларича, қишлоқ тарафга юриб боришарди. Яйлов этагида ивирсиб юрган одамлар ҳам узоқдан уларнинг қорасини кўришгач, ғала-ғовур кўтарганларича юқорига қараб чопишди. Иккала саёқ бир зумда оломоннинг қуршовида қолди.

# ИЛК ҚАДАМЛАР



Яхё  
Тоғаев

## Шу Ватан сизники

Вали ҒАФУРОВга

Вали ака,  
Нега кўзларингиз кўрмайди,  
Сочларингиз нимадан оппоқ?  
Нега юролмайсиз ҳассасиз,  
Қаёқлардан бу машъум қийноқ?

Уруш шунча қийин бўлганми,  
Тўқлик қиммат тушганми шунча,  
Белдан мадор, билакдан қувват,  
Кўзингиздан нур йўқолгунча,  
Уруш қийин бўлганми шунча?

Вали ака,  
Бошингизга раҳматлар ёғиб,  
Қошингизда тиз чўксин соғлар!  
Осмонлигин унутсин осмон,  
Пойингизга йиқилсин тоғлар!

Шу Ватан сизники,  
Шу қадр сизнинг,  
Бизнинг раҳматимиз —  
Қарзимиз бизнинг.

## Отам ҳақида достон

«Отам қарибдилар... Менинг отам-а!»

Эркин АЪЗАМОВ

Қартайибди отам бечора,  
Отам қариб қолибди.

Кечагина икки қоп унни  
Ердан шартта узволадиган,  
Сал мундоғроқ деворни  
Битта урса бузворадиган  
Отам қариб қолибди.

Бир арава пичанни  
Якка ортиб келавергувчи,  
Ханггиси ҳориб қолса,

Ўзи тортиб келавергувчи  
Отам қариб қолибди.

Беш йил дайди ўқни оралаб,  
Урушдан ҳам соғ-омон чиққан,  
Ҳар кўкламда ток кўкартириб,  
Ҳар кўкламда шафтоли эккан  
Отам қариб қолибди.

Билмай курорт, «балниса» нима,  
Фақат бизнинг ғамимизни еб,  
Болаларим рўшнолик кўрсин,

Болаларим одам бўлсин, деб,  
Отам қариб қолибди.

Катта бўлиб «болалари» бугун  
Юртни сўрай деб турганида,  
Мен уйланиб, қизлари «чиқиб»,  
Рохат кўрай деб турганида,  
Отам қариб қолибди.

## II

Нима эди кутгани мандан,  
Кўнглидаги одам бўлдимми?  
Кимни орзу қилган эди-ю,  
Бугун кўриб турибди кимни?

Айтганига кирмадим баъзан,  
Байрамларда қилмадим тортиқ.  
Хузурда кўп бўлолмадим  
Улфатлардан, шеъримдан ортиб.

Бугун эса қариб қолибди,  
Кўзларида камайибди нур.  
Қартайгани — хатомми менинг,  
Қартайгани бағрим эзар-ку...

## III

Гумайлар шир тўкилар эди,  
Қулочкашлаб ўроқ тортсангиз.

Бугун эса алп қаддингизга  
Тиргак «бўпти» ирғай ҳассангиз.

«Зангор тепа» қалқиб кетарди  
Кетмонингиз зарбидан, ахир...  
Шошмасангиз нетарди, ота,  
Яна ўн йил... яна бир аср!

Мени кутиб кўзингиз толди,  
Сизни кутиб толмадим-а мен.  
Қарадингиз кўнглимга доим,  
Кўнглингизни олмадим-а мен.

Белингизга бўлмабман мадор,  
Шу эди-ку ишим дунёда!  
Бугун бошын силаб, гуноҳкор  
Ўғлингизни кечириб, ота.

## IV

Кечагина икки қоп унни  
Ердан шартта узволадиган,  
Сал мундоғроқ деворни  
Битта урса бузворадиган  
Отам қариб қолибди.

Қарибди-ю, сўзлари дадил,  
Бизга ҳазил-ҳузул гап қилар.  
Мен эшитиб ўтираман-у,  
Бир изтироб ични кемирар —  
Отам қариб қолибди...  
Отам... Отажоним!

## Икки лавҳа

### ЧИРОҚЛАР

Жимирлайди само дурлари,  
Шабнамга юз чаяр туйгулар.  
Ой нурини олар қучоқлаб  
Симёғочда очилган гуллар.

### Қўшиқ

Бир зўр қўшиқ ёзмоқчи эдим,  
Бир қўшиқки, не десам экан...  
Сенинг киприқларингдай ўткир  
Ва ҳижрон дардидай сертикан.

Бир зўр қўшиқ қилмоқчи эдим  
Сени кута-кута толганларимни,  
Тонготарда уйимга қайтиб  
Онамга айтган бор ёлгонларимни.

### Кутмиш

Оёғинг музлайди, қўлинг музлайди,  
Аъзойи-баданингга югурар титроқ.  
Шамоллаб қолишдан қўрқмайсан: «Майли»,  
Чиқмай қолишидан қўрқасан бироқ.

Қоронғи тушади, қатнов тўхтади,  
Учар улкан уйда энг сўнги чироқ.  
Жоҳил отасидан қўрқмайсан: «Майли»,  
Чиқмай қолишидан қўрқасан бироқ.

### ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Вижир-вижир тўлар самога  
Дунёда энг қувноқ кулгулар.  
Кўкламини қутлаб кулади  
Симёғочда очилган гуллар.

Бир зўр қўшиқ қилмоқчи эдим  
Ёниб бўса олганларимни,  
Уятдан юзларинг ловиллаб,  
Уятдан кичрайиб қолганларингни.

Бир зўр қўшиқ ёзмоқчи эдим,  
Бир қўшиқки, не десам экан...  
Сенинг сочларингдай у-зу-ун  
Ва менинг севгимдай чинакам.

Чинакам бир қўшиқ ёзмоқчи эдим...

Сен — кутиб толмайсан, куттириб — гулинг,  
Тун энди бошланди, тонг ҳали узоқ.  
Васлингга чиқишдан қўрқмас севгилинг,  
Лаънати «гап-сўз»дан қўрқади бироқ.

## Мирзо хотираси

I

Қорбўрон ўйнардик қийкириб,  
Қорқизлар ясардик, болалар.  
Қизларни қорларга белардик,  
Қувониб яшардик, болалар.

Яхмалак отардик талатўп  
Дунёни унутиб, болалар.  
Бир четда гал тегмай ўксиган  
Мирзони унутиб, болалар.

II

Мен бугун Мирзони эсласам,  
Бўғзимда ёнади нолалар.  
У ахир гал тегмай, гал тегмай  
Кўкайи синарди, болалар.

Чанага ўтириб йиғласа,  
Аямоқ ўрнига, кулибмиз.  
У давра истабди, биз эса,  
Биз эса масхара қилибмиз.

Билардик, чанаси соз эди,  
Кўнгли оқ эди-ку, болалар.  
Нега гал бермасдик нега, ҳей,  
Мирзо тоқ эди-ку, болалар.

III

У бир кун мактабга келмади,  
Келмади. Эслаб ҳам кўймадик.  
Ҳеч кимнинг кўнглида сезмадим,  
Сезмадим хавотир ё ҳадик.

...Томоғи шамоллаб қолганмиш,  
Михланиб қолганмиш тўшакка.  
Кутганмиш кимнидир зориқиб,  
Термилиб толганмиш эшикка...

Шу йили қиш қаттиқ келганди,  
Кўкламга етмади Мирзомиз.  
Тўшакдан турмади шу йили,  
Саккизга ўтмади Мирзомиз...

IV

Кеч билдик, болалар, кеч билдик,  
Кетибмиз Мирзодан йироқлаб.  
У бир ҳол ётганда, ортидан  
Уйига бормабмиз сўроқлаб.

Дард оғир, ғам оғир, болалар,  
Елғизлик оғирлик қилибди.  
Болалик қилибмиз биз яна,  
Бу баттар бағрини тилибди.

V

Бугун-ку эсимиз жойида,  
Беҳуда ўйлардан йироқмиз.  
Ёшликни эсласак гоҳида,  
Ўйларга ботамиз бироқ биз.

...Болалар, бўйимиз кўрганда,  
Онаси суюнар ҳалиям.  
Мирзони кўргандай қувонар,  
Ич-ичдан қувонар ҳалиям.

Бефарқмиз, баъзида сезмаймиз,  
Оналар қалбини, болалар.  
Муштипар аёлни кўрганда,  
Кетмаймиз қалқиниб, болалар.

VI

Мирзонинг синглиси яқинда  
Турмушга чиқибди бўй этиб.  
Тўйида Мирзонинг ўрнини  
Билдирмай турдикми ўй этиб?

VII

Ҳай майли, ҳаёт ҳам ўтади,  
Ким ғамгин, ким қувноқ, болалар.  
Атрофга қарайлик, атрофга,  
Қолмасин ҳеч ким тоқ, болалар.

Яхшилар кўпайсин дунёда,  
Ёмонлик бўлмасин, болалар.  
Мирзо-ку қайтмайди энди ҳеч,  
Оқибат ўлмасин, болалар.

---

Яҳё Тоғаев 1957 йилда Тожикистоннинг Кол-хозобод районида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетида сиртдан ўқийди. Айни пайтда Ўзбекистон ССР, Маданият министрлигининг халқ ижоди ва маданий-оқартув ишлари республика илмий методик марказида катта методист бўлиб ишлайди.



Нурали Қобул

## БИЗ ЎЗЛИГИМИЗЧА ҚОЛАМИЗ

[Жангчи Аҳмаджон Азизов кундаликларидан]

### Уруш бошланган кун

**М**ен ҳар куни дадамнинг Мирзачўлдан келишини кутардим. Ҳали-бери келмасликларини билсам ҳам, бари бир кутаверардим. Тушларимда эса, дадам чўлдан ҳам олисроқ жойларга кетиб қолган эмиш. Мени кўриб, кўрмасликка олармиш.

— Тушингда кўришмасанг, ўнгингда юз кўришасан. Ҳадемай дадажонинг келиб қоладилар,— дерди ойим ҳар гал ҳорғин ва паст овозда менга таскин берган бўлиб.

Шундан кўп ўтмай хуржунларининг икки кўзини тўлдириб дадам келиб қолардилар. Биз қувончдан қичқиришиб, отнинг устидаги хуржунга ёпишардик. Ойим эса кўзлари ёшланиб бир дадамга, бир бизга мўлтираб қараб ўтираверардилар. Хуржунда нон, қанд, туршак, бир неча қадоқ гўшт ва гуруч бўларди. Ойим фақат дадам келганларида палов дамлар, қолган кунлари мошхўрдами ёки шунга ўхшаш овқат қилардилар.

Уша куни тонгда дадам билан баробар уйғондим. Тонгги салқиндан жунжикиб турган отни эгарлаб бўлган дадам наридан-бери чой ичди-да, жўнаш тараддудига тушди. Чўнтагини кавлаб менга эллик тийин танга берди. Ҳаммамиз чуғурлашиб дадамни кузатдик. Қуёш кўтарилганда кўчага чиқдим. Уша пайта бизнинг бор-йўқ овунчоғимиз бўлган Жангобдаги маданият ва истироҳат боғига қараб жўнадим. Истироҳат боғига кириш учун йигирма тийин тўланарди. Қолган ўттиз тийинга «Агар эртага уруш бошланса» деб аталган фильмга билет олдим. Сўнгра боғ айланиб юрдим. Кайфиятим ёшимга ярашмаган даражада оғир ва ҳорғин эди. Кишилар сайр қилиб юришар, боғ тўрида дорбозлар томоша кўрсатишарди.

Ҳаво очик, осмон тиник, олис-олислардаги қорли тоғлар қуёш нурида юракни орзиқтириб товланарди. Гапириб турган радио таққа тўхтаб қолди. Бир оздан сўнг рус тилида юракни ғулғулага соладиган қатъий оҳангда, «Диққат! Диққат!» деган сўзлар эшитилди. Радиокарнай атрофига тумонат одам тўпланди. Ўзини йўқотиб қўйган кишилар бир-бирларини туртишиб, йиқилиб-суришиб, усиз ҳам боғнинг ҳамма гўшасидан баралла эшитилаётган радиокарнай томон талпинишарди. Улар ёшли кўзларини дастрўмоллари, еңглари, қўллари билан артишар, пиқиллаб йиғлашарди. Кўпчилик рус тилида нималар дейилаётганини тушунмаса-да, гап нима ҳақда бораётганини англаб, саросимага тушиб қолганди.

Мен рус тилини унчалик тушунмасдим. Дикторнинг нима деяётганини, одамларнинг кўз ёшини тўкаётган ташвиш боисини ҳис этсам-да, бирдан чуқур англай олмадим. Бир неча дақиқадан сўнг ўзбек дикторининг овози худди ўшандай қатъий ва ички ҳаяжон билан янграй бошлади. Радиодан СССР Ташқи Ишлар министри Молотовнинг фашистлар Германияси уруш эълон қилмасдан юртимизга хоинона бостириб кирганлиги ҳақида баёноти ўқилмоқда эди.

Одамлар хомуш бўлиб, оғир-оғир қадам босганларича боғни тарк этишарди. Боғ тўридаги дорбозлар ҳам жой-жойларида қотиб қолишган, дорда ўйнаётган бола сим устида ўтирганча пиқ-пиқ йиғларди: акаси армияда экан. Бир зумда боғ хувиллаб қолди. Ҳамма тезроқ уйига етиб олишга шошилар, шу дамда ҳар қандай хатти-ҳаракат, гап-сўз ортиқчалик қиларди.

Оёғимни судраб босиб, уйга келдим. Ойим ўчоқ бошида куймаланарди.

— Уруш!— дедим алланечук қалтироқ овозда.

— Қанақа уруш!— деди ойим менга, «соғмисан» дегандек тикилиб.

— Немислар бизга қарши уруш бошлашибди,— дедим йиғлаб юборишдан зўрға ўзимни тийиб.

— Бор ухла, узоқ ўйнаб, толиқибсан,— деди ойм ҳорғингина.

...Ешим бир жойга бориб, сочим оқарганда «уруш бошланибди» деган сўзимга ишонмаган, содда ва оддий, меҳр-муҳаббатли, ҳаётдан эрта кўз юмган онагинани эслар эканман, вужудимни оғир бир ўй ва туйғу қоплайди. У пайтларда, ҳали кўпчилик саводли бўлмаса-да, одамлар нақадар тўғри, содда, фидойи, меҳр-оқибатли ва олижаноб эди. Улардаги бир-бирига бўлган ишонч, партияга, Сталинга садоқат, бировлар учун жонини жаборга беришга тайёрлик... Улуғ Ватан урушида биз қозонган тарихий ғалабанинг бошида ана шу буюк инсоний фазилатлар турганди. Фан ва техника ривожланиб, кишилар ғоят мураккаблашиб кетган бугунги кунда бу ҳислатларни сақлаб қолиш ва камол топтириш бизга сув ва ҳаводек зарур.

Уша пайтларда, болалигимга бориб «уруш» деган сўзнинг туб моҳиятини хира-роқ тасаввур этардим. Бу тасаввур ўқиганимиз, ҳали ў қадар мураккаб бўлмаган мактаб программасидаги ўрта аср жанглари ва граждандар урушида қатнашган қишлоқдошларимнинг босмачилар ҳақидаги жонли хотиралари билан уйғунлашиб, ярим мавҳум бир тушунча шаклида эди. Бир неча кундан кейин бу сўзнинг маъносини бутун вужудим билан ҳис этдим. Кўп ўтмай одамлар нон ва керосин учун тизилишиб навбатга тура бошлаганларида «уруш» сўзи бор даҳшати билан кўз олдимда намоён бўлди.

Отам Сирдарё районидаги Ворошилов номли колхозда раис бўлишига қарамай, ана шу ўзундан-узоқ навбатларга ёзилиш бизнинг оиламиз чекига ҳам тушди. Илк бор онам мени ишчилар шаҳарчасига керосин олиб келгани юборди. Мени кўча эшигигача кузатди-ю, «Яхши бориб, кел!» ҳам демай юзини тескари ўгирди. У жиққа ёш кўзларини менга кўрсатмаслик, ҳўнграб юбормаслик учун юзини ўгирган эди. Мен ҳам ўзимни йиғидан тийиш учун ҳеч нарсани сезмагандай ортимга қарамай кета-вердим. Тун ярмидан оққанди. Икки юзу йигирманчи бўлиб навбатга ёзилдим. Навбат рақамлари бетон деворларга, қўлларга, гоҳида кишиларнинг елкасига бўр билан ёзиб қўйиларди.

Биз бари бир ғўр ва содда бола эдик. Болалигимиз тутиб ўйинқароқлик қилардик. Ҳар хил эрмаклар ўйлаб топиб, вақтимизни хуш қилишга интилардик. Лекин бу вақтичоғлик урушдан илгаригидек серзавқ ва кўнгилли эмасди. Табассумимиз ҳам оғир ва ҳазин эди. Деярли ҳамма болалар ўз-ўзидан босиқ ва ақлли бўлиб қолганди. Қариялар эса кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу даҳшатли уруш воқеаларидан, қўшинларимизнинг чекинаётганидан даҳшат ва ҳайратга тушиб, секингина баҳслашишар, мудрашарди.

Каллаи саҳарда магазин очилиши билан титилган арқондай чўзилиб кетган навбатчилар тўдаси идиш-товоқларини тарақлатиб, шовқин-сурон билан олдинга силжирди. Кўча четида ухлаб қолиб, навбатидан адашган болалар йиғлашар, бирорта инсофли киши унинг навбатини тиклаб қўймаса, шу йиғлаганича уйига қуруқ қайтарди.

Чехралардаги шоду хуррамлик аста-секин сўниб борарди. Одамлар ўйчан ва ташвишли оҳангда ҳол-аҳвол сўрашишарди. Ҳамма қандайдир муҳим воқеани кутаётгандай бир-бирига нажот кўзи билан қарарди. Мен бу интиқ назарларнинг боисини урушга кириб, беповён Россиянинг қип-қизил қонга бўялган чексиз даштларида нафасим бўғзимга тиқилиб, полкдошим Матёқуб Қўшжонов билан ярадор дўстларимизни панароқ жойга ташиётганимда англадим.

Оиламизда ўн жон эдик. Отам, онам, опам, Хадича, мен, Маҳмуд, Эргашвой, Салима, Йўлдош ва Муҳаббат. Тирикчилик кун сайин оғирлашиб борар, мактабда биттадан бўлочка беришарди. Кўп ўтмай карточка системаси (заборний) пайдо бўлди. Нон сотиб олиш учун қора шомдан тонггача навбатда туришарди. Ёш болаларга навбатда туриб нон олиш эса, осон эмасди. Қитмир, йўқ ердан жанжал қидириб топадиган худобезори, ҳеч кимга яхшилик қилишни истамайдиган кимсалар доимо оддий, содда, бечораҳол ва ёрдамга муҳтож кишиларнинг номини яримта қиларди. Улар бўлар-бўлмасга шовқин солишар, атайлаб навбат тартибини бузишар, тўс-тўполондан фойдаланиб ўзларини олдинга уришарди. Шундай кунлар ҳам бўлардики, биз кийим-кечакларимиз йиртилган, шалвирганча ярим кечада уйга қуппа-қуруқ қайтардик. Менинг аҳволимни кўрган онам йиғлаб юбормаслигимиз учунгина зўрға кўз ёшини тиярди.

Деярли ҳар куни мошхўрда қайнарардик. Киши бошига бир кечаю кундузга ўлчаб берилган етти юз грамм нонни доимо бир ўтиришда еб қўйгим келаверарди. Онам егуликларни қаттиқ ҳисоб-китоб билан тақсимлар, нон ва қанд-қурсларни қулфлаб қўярди. Дадам ҳар келганида колхоз фаоллари билан ҳамкорликда фронт учун озиқ-овқат тайёрлаш ва жўнатиш билан шуғулланаётганини айтар, бироқ ундан бизга наф бўлмасди. Бу қаттиққўллик оқибатида оиламизда вужудга келган темир интизом: кичикларнинг катталарга бўйсунуши, ҳар қандай қийинчиликка ҳам чидаш тўрт йил давом этган уқубатли уруш йиллари бизни ҳаётга ва келажақка тоблади.

Ташкент, умуман Ўзбекистон барча шаҳар ва қишлоқларини фашистлар босиб олган Украина, Белоруссия ва россиялик ўн минглаб қардошларни қабул қиларди. Бир куни дадам мени Сирдарёга олиб кетди. Кечқурун темир йўл вокзалига чиқдик. Вокзалда минглаб кесалар, болалар ва аёллар эртанги кунларига умид билан уйма-лашиб турардилар. Улар юпун, кийимлари кир-чир эди. Яхшиямки, ёзда етиб келишгани, қиш бўлса нима қилишарди, дея ўйлардим ачиниб.

— Дада, анави болаларни уйимизга олиб кетайлик,— дедим очликдан кунжара бўлагини ютоқиб еётган икки болани кўрсатиб.

— Ҳаммасини олиб кетамиз. Бу ерда ҳеч кимни қолдирмаймиз, — деди дадам.

Радиодан эшитилаётган хабарлар бир-биридан хунук ва совуқ эди. Навбатда турганлар орасида орқа-олдига қарамай гапирадиган, енгилтак, эътиқоди суст одамлар ҳам бўлиб, улар: «Гитлер Тошкентга ҳадемай етиб келмасайди», деб ваҳима қилишарди. Тўғри, бундай тескари ташвиқотчилар, ваҳимачилар қаттиқ жазоланмоқда эди. Бироқ бунинг ўзи етарли эмасди. Омма орасида тарғибот-ташвиқот ишларини фаол олиб бориш, Гитлернинг фронтдаги устунлиги вақтинча ва совет халқининг ғалабаси муқаррар эканини кишилар юрагига, онгига етказиш зарур эди. Шундай бўлди ҳам. Ишлаб чиқариш корхоналари ва муассасаларида ҳарбий даврга хос темир интизом жорий қилина бошланди. Ишга ўн бир минут кечикиб келган киши шароит талабига мувофиқ қонуи олдидан жавоб берарди.

Халқ фашизм устидан қозонилажак ғалабага қатъий ишонч билан яшар ва меҳнат қиларди. Кишилардаги интизом ва фидойиликни кўриб ялагинг, курашгинг ва энгнинг келарди. Ҳамма ғалабани сабрсизлик билан кутар, айниқса Сталиннинг радио орқали сўзлаган нутқи, унинг «биз, албатта, ғалаба қиламиз, душман шак-шубҳасиз тор-мор бўлажак, бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўлади», деган сўзлари кишиларни ақл бовар қилмас даражада руҳлантириб юборган эди.

Армияга кузатиш дақиқалари ҳар бир оила, ҳар бир киши учун оғир, қайғули ва ҳаяжонли эди. Фронтдаги яқинларидан «қорахат» олган оилаларни кўриб, бошқаларнинг ҳам хат ташувчини кўрса юраги така-пука бўлаверарди.

Қирқ биринчи йилнинг охири оиламиз бошига мусибат олиб келди. Укам Эргаш ва синглим Салима кетма-кет ҳаётдан кўз юмди. Қўни-қўшчиларимиз ўз суянган тоғлари — оталари, эрлари, рўзғор бошлиқларидан жудо бўлмоқда эдилар.

Укам Эргашнинг вафоти мен учун ниҳоятда оғир эди. Мен уни чин дилдан севардим. У кетиб, дунё менга ҳувиллаб қолгандай туюлди. Йиглайвериб кўзларимда ёш қолмади. Укамнинг ўлимига бағишлаб шеър ҳам ёздим. Афсуски, бу шеърни урушда йўқотиб қўйдим. Эргаш ғоят ақлли, ўз ёшига нисбатан улугроқ кўринарди.

Унингчи синфдалигимизда, ўзимча, анча катта бўлиб қолдим, деб ўйлардим. Бошимизга тушган мусибат, оиламиздаги барча болалар қатори, мени ҳам бирдан улғайтириб қўйган эди. Мен қандай бўлмасин бизни тезроқ армияга жўнатишларини кутардим. Болалигимдан ҳарбийларга ва ҳарбий хизматга бўлган қизиқиш мени тинч қўймасди. Гоҳида эса юрагимга таҳлика ва қўрқув соя ташлаб ўтарди. Мактабда бизга, фронтдан ярадор бўлиб қайтган, Абдуллин деган киши ҳарбий машқларни ўргатарди.

Қирқ иккинчи йилнинг олтинчи июнь кuni битирувчилар кечаси бўлди ва ўша кунинёқ ҳаммамизга ҳарбий хизматга чақириқ қоғози берилди. Чақириқ қоғозида икки кунга етарли озиқ-овқат ғамлаб, Киров район ҳарбий комиссариатига етиб келишимиз топширилганди. Уша йилнинг январь ойида ҳарбий комиссариатга биринчи марта чақирилган эдим. Лекин комиссия «ўнинчи синфни битиришинг керак», деб ярим йил муддатга қолдирганди.

Комиссариатда мени Пиёдалар ўқув юртига ажратишди. Минглаб тўрасини орқалаган ёш-ялангларни эшелонга жойлаштириб, Самарқанд томонга жўнатишди. Поездда кетиб борар эканман, онам ва отам, укаларимни шундай қаттиқ кўмсардимки, буни сўз билан тасвирлаб бўлмайди. Мен энди она даргоҳимдан илк бор ажралиб, мустақил йўлга тушган эдим. Бу йўл шунчаки Ишчилар шаҳарчасидаги навбатчилар сафига ёки биз эшак миниб, хашак олиб келиш учун борадиган далага элтмасди. Бу йўл элимизнинг ор-номуси, шон-шарафи учун қон кечиладиган оила манзилга бошларди. Мен руҳан ва виждонан бу манзилга тезроқ етишга тайёр эдим. Бу туйғидан вужудим алангаланар, бу йўлда қурбон бўлиш ҳам гўзалдек туюларди.

Йўл олис ва зерикарли эди. Кечаси билан ҳаяжонланганимдан уйкум келмади. Бир пайт Самарқандга етиб келдик. Лекин эшелондан тушишга рухсат бўлмади. Яна йўл босдик. Эртаси кuni, тунда эшелонимиз Каттакўрғон станциясига келиб тўхтади. Орамиздан саралаб курсантликка қабул қилишди.

Эрталаб соат тўртда туриб, кеч соат унда ётардик. Машғулотдан қўлимиз бўшамас, тонг саҳардан қора тунга қадар ўқиш ва ҳарбий машқ билан банд эдик. Командирларимизнинг айтишича, тарихда ҳеч бир уруш пайтида бу қадар тигиз ва машаққатли машқлар ўтказилмаган экан. Бундай қатъий ва шошилич тайёргарликни вақт талаб қиларди. Немислар Сталинград остонасига яқинлашиб қолган, Ленинград қамалда эди. Сталиннинг «Ортга бир қадам ҳам чекинмасин!» деган буйруғи ҳамма учун эътиқодга айланиб қолган эди. Биз ҳам жанг майдонига ошиқардик. Ўқув юртини муддатидан анча олдин тугалладик. Қирқ иккинчи йилнинг август ойида бизга сержант ва старшина ҳарбий унвонлари берилиб, фронт учун шай қилиб қўйилди.

Кўп ўтмай бизни юк вагонларига уч қатордан қилиб ўтказишди. Поезд Москвага йўл олди. Юра-юра, Тихвин шаҳарчасига келдик, сўнгра Волховга қараб кетдик. Тихвиндаёқ фашистлар бизни бомбардимон қила бошладди.

Тунги тревога ҳаммани оёққа турғазди. Ўзбек кавалерия дивизиясининг жангчилари билан бирга яна эшелонга чиқдик.

Пулдин вагониди ярадор кишилар ва отлар аралаш-қуралаш бўлиб ётар, уларни бир-бирдан ажратиб олиш осон эмасди. Бирор мартагина тўйиб жанг қилмасдан ярадор бўлиш солдатларга алам қилар, ўлганларнинг юзида эса «Бизда нима гуноҳ?» деган алам ва даҳшат қотиб қолган эди.

Тун бўйи тинмадик. Уст-бошимиз ярадор одамлар ва отларнинг қони билан бўялган эди. Ярадорларни вагондан тезроқ олиб тушиш учун отларни ётган жойида пешонасидан ота бошладик. Манзара ғоят даҳшатли ва қўрқинчи эди. Қон ва тер ҳидидан бош айланар, уруш бу қадар даҳшатли бўлишини тасаввур этмаган айрим

солдатлар саросимага тушиб, нима қилишини билмай, серрайиб туришарди. Ваҳимага тушганлар ҳам бўлди. Кўпчиликнинг қалбида эса, босқинчиларга нисбатан ғазаб ўти ёнарди. Бу талафот — урушга киришдаёқ ўлган ватандошларимизни кўриш, ярадорларнинг аянчли аҳволи кўзимизни очганди. Биз — «Фақат енгиш керак, бошқача бўлиши мумкин эмас! Қасос олиш керак! Қасос!» деган хаёлда эдик.

Эртасига эшелонимиз яна йўлга тушиб, Парголово станциясига етиб келди. Вокзалда взвод-взвод бўлиб сафга тизилдик. Бизни Волхов фронтидаги иккинчи зарбдор армия 19-гвардиячи ўқчилар дивизиясининг 61-гвардиячи полки кутарди.

## Синьявино қуршови

Немисларнинг шундоққина тумшуғи остида, улар ўрнашиб олган жойнинг бери-роғидан каттароқ бир ертўла топиб, ўқ ёмғири остида ярадорларни таший бошладик. Ертўлага ҳаётдан бутунлай умидини узган жуда кўп бошқа ярадорлар ҳам тўпланган эди. Тиббий ёрдам халтасидаги дори-дармонлар, докалар ишлатиб бўлинган, яраларни боғлаш учун ички кийимлардан фойдаланардик. Баъзи солдатларнинг яраларидан оқаётган қон тўхтамас, яраларни боғлаш ҳам бефойда эди. Одамларда ўз кучига ишонмаслик, иккиланиш кайфияти пайдо бўла бошлади. Жисмоний ҳолсизлик устига фашист самолётлари ташлаб кетаётган варақалар маънавий таъсир кўрсатарди. Уларда «Қаршилик кўрсатиш бефойда, таслим бўлинглар!» деган гаплар ёзилган бўларди. Бундай юзлаб варақаларни шамол ертўла оғзига учуриб келар, ҳар бир варақа кўзимизга битта фашист солдати бўлиб кўринарди.

Солдатларимизга алам қилар, ҳамманинг кўнгли ғаш эди. Ахир, ленинградликларга етиб олишимизга бир неча километр қолган эди-да! Биз, Волхов фронтдан бўлганимиз учун, ўзимизни волховликлар, Ленинград fronti жангчиларини эса, ленинградликлар деб атардик.

Ниҳоят олдинги марралар тинчиб қолди. Ким ғолиб-у, ким мағлублиги номаълум. Энг қулай марраларни эгаллаб олган фашистлар шундоққина кўз ўнгимизда истеҳкомларини мустаҳкамлай бошладилар. Улар алланималар деб фўлдирашар, шохшаббалар билан ҳарбий техникалари устини беркитишарди.

Ярадорларнинг аҳволи оғирлашарди. Вазият қанчалик мушкул бўлмасин, ҳеч ким нолимасди. Кечқурун ертўлага, кўринишидан белорус бўлса керак, лейтенант кириб келди. Қадди-қомати келишган, бошини дока билан ўраб олганди. У: «Биз қуршовдамиз. Оғир ярадорлар шу ерда қолади, енгил ярадорлар қуршовдан чиқиш учун уриниб кўрамиз. Қаршимиздаги ботқоқликдан, немисларнинг нақ тумшуғи остидан шовқин-суронсиз ўтиш керак!»— деди аниқ-аниқ қилиб.

— Ҳозир ўтиб бўлмайди, ҳаммаизни бир бошдан қийратишади. Қулайроқ пайтни пойлаш керак,— деди ертўланинг тўрида ётган кексароқ солдат.— Шу ерда бирор сутка овоз чиқармай ётишимиз керак. Шунда бу ерда руслар бўлишини улар хаёлларига ҳам келтиришмайди. Кейин бир иложини қилса бўлади.

Маслаҳатни бир ерга қўйиб, эртаси куни кечқурун йўлга чиқишга қарор қилдик. Сиқилишиб ётганимиздан унчалик совуқ қотмасдик. Лекин ҳамма оч. Оғизга илинадиган нарса йўқ. Шундай бўлса-да, солдатлар бир-бирларининг гапларига жим қулоқ солар, орзу-умидларини бўлишишарди. Уларнинг ўша дақиқаларда ертўла оғзидан тунд осмонга тикилиб умид ва энтикиш билан айтган сўзлари ҳамон қулоқларим остида жаранглайди.

**Окружно:** Оғайнилар! Хлопцы! Агар мен тирик қолсам, ўзим туғилиб ўсган колхозга бориб, она қишлоғим тупроғини кучиб ўпаман!

**Қодиров:** Мен тирик қолсам, пашшага ҳам озор бермайман! Ҳаётнинг қадрига энди етдим. Ер юзида ҳаётдан, яшашдан қадрли нарса йўқ экан!

**Кулишбоев:** Мен Қозоғистон яйловларига етиб олсам бас! Қўй-қўзиларнинг маърашини бир марта эшитсам бўлди!.. Сўнг, ўша яйловда оёғимни узатиб, маза қилиб ўлишга ҳам розиман!

**Краснов:** Агар мен тирик қолсам, Сибирдаги ҳар бир қарағайни бағримга босиб ўпаман, юзларимга босаман! Уларни оҳиста силкитиб, ёнғоқларини тушираман-да, териб олиб экаман. Чумолига ҳам озор бермайман!

Солдатлар орзусининг чеки йўқ, уларнинг сўзларидан Ватанга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат ёғиларди. Афсуски, улардан кўпларининг орзуси армонлигича Синьявино ёнидаги ботқоқлик қаърида қолиб кетди...

Шу ерларда ўсаётган ҳар бир туп арча ёки қарағай, дуб ёки қайинда Ватан учун жонини фидо қилган солдатларни — азиз дўстларимни, уларнинг нурдек пок орзу-умидларини кўргандек бўламан.

## Музыка ва ўлим

Биз Ленинград яқинидаги Синьявино қишлоғи ёнида турардик. Деярли ҳар куни окопларимиз устида буюк композиторларнинг ҳаётбахш куйлари янграар, сўнгра фашистларнинг «Ахтунг! Ахтунг!— Дикқат! Дикқат!» деган сўзлар билан бошланадиган муржоаати ўқиларди.

Фашистлар аввал окопларимизни миномёт, милтиқ, автомат ва тўплардан беаёв ўққа туттишар, сўнгра радио тўлқинларини ишга солишарди. Улар «Сталин капут» деган ёзувли варақани кўрсатиб, асир тушишни таклиф этишарди. Баъзи варақалар солдат-

ларимизни қўрқитишга мўлжалланган бўларди. Масалан, бир варақада Черчилль, Сталин ва Рузвельт катта стол атрофида ўтиришар, ўртадаги столда қора қонга беланган, устига чодир ёпилган рус солдати тасвирланган бўлиб, сурат остига «асир тушмаган ҳар бир рус солдатининг аҳволи шундай бўлади» деб ёзилганди. Ҳаводан ташланадиган бундай варақаларни ҳар ким ҳар нарсага — бировлар мохорка ўрашга, кўпчилик бошқа зарурий мақсадларга ишлатарди...

...Яқинда мен Тошкентдаги ўн олтинчи болалар музика мактабида бўлганимда, уларнинг чексиз эҳтирос билан қўшиқ айтаётганларидан ҳаяжонланиб, кўзим жикқа ёшга тўлди... Кўз олдимдан 1942 йилда Синьявино яқинидаги окопларда ётган қуролдошларим ўта бошлади. Шопен ва Бетховен асарлари ижро этилганда беихтиёр тажрибасизликдан окопдан бошларини кўтариб, фашист ўқидан кўз юмган солдатлар...

Мен музиканинг, санъатнинг сеҳрини, қудратини шунда кўрган эдим...

Жаҳон тарихидаги энг даҳшатли жангу жадал кетмоқда эди. Айниқса, Ленинград остоналаридаги жанглр шиддатли ва серталафот кечарди. Теварак-атроф ботқоқ, шароит оғир эди. Фашистлар катта қурбонлар, талафотлар эвазига бўлса ҳам Ленинградни, Синьявино ва унинг атрофидаги қўшинларимизни қуршаб олишга эришган эди. Уларнинг техникаси ва кучи кўп, бунинг устига ботқоқликлар бизга қулайроқ маррани эгаллаш имконини бермасди.

Заҳматқаш пиёдаларимиз Синьявино ботқоқликларида 1943 йилнинг ўн биринчи январигача, Ленинград қамали ёриб ўтилганга қадар истеҳкомларини тарк этмай, мудофаани ушлаб турдилар. Мен бу қуршовда ҳаётда илк бор орттирган дўстим — жангчи, ўзбек шоири Қодиржон Имомовдан ажралдим. У менинг қўлимда жон берди. Ҳамон кафтимда Қодиржон танасининг иссиқ тафтини сезаман.

Яқинда полкдошим Неъмат Пўлатов билан Синьявино жангини эсладик. Бу жангнинг ўша вақтда «мясорубка» деб аташарди. Ҳа, одамлар жуда кўп қурбон бўлгани учун уни шундай дейишарди.

...Ботқоқликлар ўрнида бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган Новгородда узоқ кездим. Ўзбекистонлик ирригатор ва қурувчилар дўстларига ботқоқ ерларни ўзлаштиришга кўмакка келдилар. Инқилоб билан туғилиб, Улуғ Ватан уруши жангларида мустаҳкамланган бу қудратли дўстлик ўзининг янги қирраларини жаҳонга кўз-кўз қилаётганидан қалбим қувончга тўлди.

## Катюша

Қирқ иккинчи йилнинг иккинчи октябрида қадрдон пиёдалар полки билан хайрлашдим. Эслаш оғир. Синьявино жангларида энг яхши дўстларимиздан ажралдик. Ҳатто айрим ярадор ўртоқларимизга ёрдам ҳам кўрсата олмадик. Чунки фашистлар оғир ярадорларни кўздан қочиришмас, уларга яқинлашгани беҳато отишарди. Қоронғи тушишлари қутишга тўғри келарди. Аммо тунда ҳам фашистлар мушак билан атрофни ёритиб, олдинги маррани бетиним кузатишарди. Синьявинода мен ҳам яраландим.

Ҳарбий комиссия соғайганимдан сўнг жангга яроқлилигимни айтди. Комиссия аъзолари орасида ўтирган подполковник унвонига эга бўлган ҳарбий врач аёл тўсатдан шундай деди:

— Вой товба, бу менинг ҳамшаҳарим Аҳмад Азизов-ку! Бундан энди қанақа жангчи чиқади! Уни соғайиб келаётганлар батальонига жўнатишлар!

Афсуски, бу аёлнинг исми-фамилияси ёдимда қолмаган. Ленинград fronti шароитида соғайиб келаётганлар батальони — толиққанлар, энгил яраланганлар учун эди. Фронтчилар уни ҳамон ҳазиллашиб «озикланиш базиси» деб эслашарди. Бу батальонда еган мазали таомларнинг таъми ҳеч қачон оғзимдан кетмайди.

«Озикланиш базиси»да бир оз ўзимизга келгач, ҳарбий комиссияга рўбарў бўлдик. Комиссиядан ўтганлар саф тортиб турарди. Саф олдида истараси иссиқ, кенг пешонали бошқирд йигит келиб: «Лейтенант Иброҳимов!» деб ўзини таништирди. Сўнгра бирма-бир ҳаммамизнинг маълумотимизни сўраб чиқди.

— Сизлар йигирманчи гвардиячи полкнинг 210-алоҳида гвардиячи миномётчилар дивизионига қабул қилинасизлар! Ватан сизларга ниҳоятда сир бўлган қудратли қуролни ишониб топширади! Немислар аллақачон уни қўлга киритишни мўлжаллаб юришибди! — деди у бурро-бурро қилиб. Гап оҳангидан «ҳеч қачон бу қуролни қўлга тушира олишмайди», деган қатъий маъно акс этарди. Секин-аста бу кайфият ундан бизга ҳам ўтди.

Махсус кўрсатма асосида бизга топширилаётган бу қурол «БМ-13» қурилмаси, яъни афсонавий «Катюша» эди. Биз тезда унинг сир-асрорларини ўзлаштирдик. Шу қурол билан ишлаётганимиздан фахрланиш туйғуси бизга куч-қувват, бағишларди. У бир қарашда каттақон қурбақага ўхшарди. 1942 йилнинг биринчи ноябрига қадар мен «Катюша»ни тўлиқ ўрганиб бўлдим. Мени қурол командири қилиб тайинлашди.

Бизнинг асосий рақибимиз немисларнинг олти нилли миномёти эди. Отишмадан сўнг немислар ҳам бошлаб жавоб беришарди. Бизнинг «Катюша»миз анча тез ҳаракат қиладиган ва маневрли қурол бўлгани учун, уни жангга тайёрлашга атиги уч-тўрт минут кифоя қиларди. Отиш учун эса ўн олтита снарядни 1—16 шкаласи бўйича айлантирилар, рельс бўйича бу 30—60 секунд мобайнида бажариларди. Ўт очиб пайтида эса аниқ ҳисоблаш нуқтаси қуролдан 50—100 метр олислашар ва қисқа муддатда қуролга ғилоф кийгизиб, ўз позициямизга олиб кетардик.

Кўнги́л тўлмайдиган ягона нарса шу эдики, биз ўз ишимиз натижасини тезда кўролмас эдик. Аммо кўшинларимиз фашистлар позициясига бостириб кирганда снарядларимиз портлашидан ҳосил бўлган хандақларни, немис солдат ва офицерларининг ўликларини, абжағи чиққан техникаларини кўриб, ўз ишимиздан мамнун бўлардик. 1943 йилнинг январида олиб бораётган отишма ҳисобидан ҳам адашдик. Жанг олдиндан ҳар бир кўролга 640 тадан снаряд тайёрлаб кўярдик. Тугаб қолганини билмай қолибмиз.

«Катюша»ни ўрмонга, ғўлалар орасига тун мобайнида узунлиги беш метр ва кенлиги уч метр ҳажмда хандақлар қазиб, тонггача яширишга улгурардик.

Қирқ учинчи йилнинг март ойида мен севимли «Катюша»м ва кўролдош дўстларим билан хайрлашдим. Кейинчалик жангларда қатнаша олмадим. Аммо иккинчи эшелонда (контрразведкада) юриб, полкимиз фашистларни ўз яяси — Берлинда ер билан яқсон қилганини кўрдим. Биринчи май куни Берлиндаги Гитлер империяси канцеляриясини кўришга бордик. Барча солдат ва офицерлар қатори мен ҳам Рейхстагдаги мағлуб бўлган «Ғалаба колоннаси»га «Азизов» деб номимни ёздим. Агар Берлинга йўлим тушса ўз фамилиямни қониқиш билан назардан ўтқизаман.

## Биз ўзлигимизча қоламиз

Бизнинг миномётчи полкимиз олдинги маррага жойлашган эди. Январь. Қаҳратоннинг авжига чиққан палласи. Қимирламасанг турган жойингда тарашадек қотиб қоласан. Кечаси билан «Катюша»ни яшириш учун хандақ қазиб, шу баҳона исинамиз. Тўпчилар командаси ернинг музлаган устки қатламичи мисранг ва чўкичлар билан уриб майдалашарди. Муз қатлами кўчгач, белкурак билан ишлаш бир оз енгиллашарди. Тонг пайтидагина қўроллар ва тўпчилар учун хандақлар тайёр бўларди. Немис артиллерияси сезиб қолмаслиги учун, кундузи хандақлардан чиқиш мумкин эмасди.

Бу тadbирлар ва тайёргарликлар қирқ учинчи йилнинг саккизинчи январидан ўн саккизинчи январигача чўзилди. Тўққиз юз кун давом этган Ленинград қамалини ёриб ўтишнинг бошланиши эди... Ун биринчи январдан бошлаб снарядлар ғамлаб олишга киришдик. Ҳар куни саккиз, ўн машинадан снаряд келтирилди. Тўпларни кетма-кет ўқлаш ва отиш олдиндан эллик-олтмиш метр узоқликдаги пистирмаларга қочиб бориб беркинардик. Аста-секин бутун фронт бўйлаб илгарилай бошладик.

«Катюша»лар зарбасидан пайдо бўлган хандақлар илгарилашимизни қийинлаштиради. Илгарилар немисларга снаряд ёғдириб, сўнг орқага чекинган бўлсак, энди ҳамон олға босардик. Ниҳоят, ўн саккизинчи январда, момақалдиқдек гумбурлаб «Ура!» садоси янгради. Синьявино районида Ленинград ва Волхов фронти кўшинлари учрашди.

Дуч келган солдат бир-бирини қучоқлар, ҳазиллашар, кулар ва йиғларди. Айниқса, кексароқ жангчилар қувончдан кўпроқ йиғлашар, бизни «ўғилгинам, ғолибларим» дея, қайта-қайта ўпишарди...

...Синьявинода шу шонли воқеа шарафига ёдгорлик ўрнатилган. Яширмайман, ёдгорлик олдида анчагача ўзимни кўлга ололмадим. Ахир йиғлай олиш ҳам бахт-ку! Мен умуман йиғлай олмайдиган, туйғусиям, ақлиям тошга айланиб қолган одамларни биламан. Табиат шундан сақласин, деб кўяман. Дунёда қувонч билан қайғунинг қўшилиб кетишидан қудратли туйғу бўлмас экан.

Мана энди орадан қирқ йил ўтиб, ўша маҳал ёши улуғроқ кишилар нега обидийда қилишганини тушуниб турибман. Улар ўзларини бахтли ҳисоблардилар. Яқин ўртада болаларини, хотинларини кўришдан умидвор эдилар. Афсуски, кўзда ёши билан бизни қучоқлаб бағрига босган бу кекса солдатлар умрида сўнги бор инсон зотини бағрига босиб, ўз бахти ва бахтсизлиги учун кўз ёш тўкаётган эдилар...

Уларнинг умидлари биз — тирик қолганларга насиб этди...

Бизга ўша дақиқаларда ғалаба яқинлашиб қолгандай туюларди. Даҳшат ва ўлимларни кўравериб кўзи пишиб қолган солдатларга хос ўзимизни жасур ҳис қилар, бардам қадам ташлардик. Шундай кайфият ва кўтаринки руҳсиз жанг қилиш мумкин эмасди. Ҳатто техника ва одам кучи кўп бўлса-ю, шу рух бўлмаса жангда ғолиб чиқиш бўлмасди. Тушқунликка тушиб, ўқ отишиниям, отмаслигиниям билмай, ўзини йўқотиб қўйганлар душманнинг ўқиға нишон бўлишдан ташқари, қолганларга ҳам халақит беришарди. Жанг кўравергач, киши кўрқув ва довдирашни унутар экан.

Куршовни ёриб чиққаннимиздаёқ назаримизда уруш тугагандек эди. Синьявино атрофидаги қишлоқлар учун бўлган жангларда биз кўпгина кадрдон дўстларимиздан жудо бўлдик. Уларнинг шинеллари чўнтагида меҳрибон оналаридан, умр йўлдошларидан, энди мактабга борган фарзандларидан, қайтишини кўзи тўрт бўлиб кутаётган яхши кўрган қизларидан олган хатлари бўларди. Улар бир кунда бир неча бор бу хатларни ўқир, энтиқиб бахтли кунларни кутардилар. Бу беғубор туйғулар, бу покиза қалблар бир зумда ер билан битта бўлиб кетишини ҳечам ақлга сиғдириб бўлмасди. Улар Ватан учун мардларча жон берган тенгсиз азиз инсонлар эдилар!

1971 йилда Синьявино посёлкасини бориб кўрдим. Бу ерлик аҳоли урушдан кейин ўз она ерларига қайтгач, кўплаб солдатларнинг жасадини қишлоқ ўртасига олиб келиб қайтадан дафн этишибди. Аммо ҳаммасини олиб келишга улгуришолмабди. Ҳамон бу ерларда торф қазилса, солдатларнинг жасадлари ва кўроллари чиқар экан.

Ҳа, биз, тирик қолган солдатлар яшайпмиз! Ҳалок бўлган дўстларимиз доғи, ҳасрати ва халқ бошидан кечган кулфатларнинг аччиқ хотираси билан яшайпмиз!.. Биз биламиз, вақтлар ўтиши билан дунёдаги барча халқлар бир-бирига фақат дўст

кўзи ва меҳр-муҳаббати билан қарай бошлайди. Шундай кун келади, ҳамма бир-бирини севади ва бошига кўтаради! Дунёнинг меҳрдан обод бўлмаган бирор гўшаси қолмайди!.. Мен шундай деб ўйлайман ва шундай бўлишига ишонгим келади. Аммо биз ўзлигимизча қоламиз. Ниманики кўрган, бошимиздан кечирган бўлсак, улар вужудимизда кезиб юрибди... Оғир туйғулар, чекилган кулфат ва азобларни ўзимиз билан олиб юрибмиз! Улар биз билан бирга кетишидан мамнунмиз!..

## Полковник Чугуновга

Ленинград блокадаси ёриб ўтилди. Кайфиятимиз ёмон эмас. Бироқ хурсандчилигимизни ичимизга ютамиз. Сабаб, кўз олдимизда биз билан бирга ётиб, бирга туриб, гаплашиб юрган юзлаб одамлар йўқ. Улар энди ҳечам қайтиб келмайди. Уларнинг руҳи урушни бошлаганларни қарғаб, қор босиб ётган ўрмон узара кезиб юргандек...

Бутун полк олға силжимоқда. Ленинградга яқинлашиб қоляпмиз. Энди бизнинг вазифамиз фашистларни Ленинград вилоятидан қувиб чиқариш.

Армияда янги, погонга тақиладиган нишон жорий қилинди. Менга тўсатдан биринчи батарея (210-гвардиячи дивизияга қарашли 20-гвардиячи миномётчи полк) командири, лейтенант Орлов шундай деди: Азизов, сени 2-зарбдор армиянинг «Смершь» контрразведкаси бошлиғи, полковник Чугунов ҳузурига чақиршияпти. Мана, телефонограмма.

Уша пайтларда «Чугунов, Иванов, Дмитров хўжаликлари» деб ёзилган тахтачалар кўзга чалинарди. Иккинчи куни мен Чугунов хўжалиғига етиб бордим. Дуч келган офицердан Чугуновнинг ертўласини сўрадим. У «Хў ана, кўряпанми, бир неча офицерлар Чугунов билан гаплашиб туришибди», деди. Ўзимча кимнинг погониди юлдузча кўп бўлса ўшанинг унвои юқорироқ деб ўйлаб, «Уртоқ полковник, буйруғингизга биноан келдим», дея бировига доклад қилдим.

Погониди тўртта юлдузи бор киши гапимни бўлди:

— Кечирасиз, мен капитанман,— деди имо билан полковник Чугуновни кўрсатиб.

— Халақит берма, Лазаренко, у тўғри қияпти. Чунки сенинг погонингга тўртта юлдузча бор, меникида эса учта,— деди Чугунов кулиб.

— Сержант Азизов буйруғингизга биноан келди!— дея рапорт бердим полковникка юзланиб.

Ҳамма офицерлар кулиб юборишди. Чугунов қаердан келганлигимни сўради. Сўнг ертўла томон юрдик. У мен тўғримда батафсил суриштира бошлади. Қаерликман, ота-оналарим кимлар, рус тилини қаерда, қачон ўрганганман ва ҳоказолар.

— Яхши, ҳозир овқатлан. Ошхонага бориб Чугунов айтди дегин. Сўнгра суҳбатни давом эттирамиз.

Хурсанд бўлиб кетдим. Чунки ўлгудек оч эдим. Чугуновнинг ертўласидан чиққанамда тўпланишиб турган офицерлар тарқалишган, қаршидаги ёғоч уйга, ошхона бўлса керак, бир офицер кириб кетди. Мени полковникнинг бу қадар босиқлиги ва очик чеҳралиги ҳайратга солди. Одатда иродали, айтган ишини қиладиган, мард ва шавкатли одамлар шундай бўлади. Унинг қиёфасидан мен «Парво қилма, оғайни, Гитлерни одам бўлганига пушаймон едирамиз», деган қатъий фикрни ўқдим.

Ёғоч уйнинг эшигини очиб, ичига мўраладим. Коридорда ҳеч ким йўқ. Чап томондаги хонанинг эшиги ярим очик. Ҳалиги кириб кетган киши овқатланаётган экан. Карам шўрва ва қовурилган гўштнинг хушбўй ҳиди димоғимга урилди. Қадрдон ва ёқимли ошхона ҳидини деярли унутган эканман. Эшикни тақиллатиб очгандим, янги погон таққан генералга кўзим тушди. Бир оз каловланиб тургандан сўнг қаддимни ростлаб, мени полковник Чугунов овқатлангани юборганини айтдим.

— Қани, жангчи, мен билан ўтир-чи, сени яхшилаб қорнингни туйғизишади!.. Хўш, олдинги (линиядан бўлсанг керак-а?— деди генерал ёқимли жилмайиб.

— Ҳа, Синьявино ёнидан!— дедим генералнинг табассусидан дадил тортиб.

— Яша, тирик қолибсан. Шунинг учун ҳам сени мукофотлаш керак,— деди «Қандай тирик қолдинг?» дегандек ҳайрат билан тикилиб.

Менинг диққатимни клеёнка қопланган стол, ичи нонга тўла катта ваза ўзига тортганди. Нондан кўзимни зўрға узиб турардим. Унинг ёқимли ҳидидан бошим айланар, беихтиёр култ-култ ютинардим.

— Ўтир, ўтир!— деди генерал ҳолатимни сезиб.— Нина!— чақирди. у ошхонага караб.— Жангчи Азизовни яхшилаб овқатлантир!

Бир оздан сўнг Нина тарелкада карам шўрва олиб келди. Мен хижолат бўлиб, тортинибгина овқатни ича бошладим.

— Ол, уялма. Солдатчасига ич!— деди генерал.

Генералнинг сўзидан руҳланиб, нон билан карам шўрвани тушира кетдим. Бир пайт қарасам, ноннинг ярмидан кўпини еб қўйибман. Дархол ўзимни тортдим.

— Нондан ол, яна олиб келади,— деди генерал менга завқ билан тикилиб.—

Нина! Нон олиб кел!

Мен карам шўрва билан ноннинг ҳаммасини еб тугатган ҳам эдимки, Нина димланган гўшт билан бўтқа олиб келди.

— Ҳозир компот ҳам олиб келади. Олавер. Биламан, олдинги маррада компот беришмайди.

— Компот қаерда дейсиз!

— Қалай овқатландинг? Тўйдингми?— сўради генерал овозида раҳмдиллик ва меҳрибонлик барқ уриб.

— Ҳа!— дедим хурсандлигимни яширолмай.

— Бор энди. Чугунога генерал Бистров билан овқатландим дегин,— деди кўзини маъноли қисиб. (Генерал Бистров Ленинград фронти «Смершь» контрразведкаси бошқармасининг бошлиғи эди).

— Қаерда эдинг?— деди Чугунов ертўласига киришим билан.

— Овқатландим.

— Менга ошхонадан, «Азизов овқатлангани келмади» дейишди-ку?

— Мен генерал Бистров билан овқатландим,— дедим Чугуновдан бир оз ҳайиқиб.

— Ие, қандай қилиб? Нега?— ҳайрон бўлди Чугунов.— Ҳўш, гапириб бер-чи? Ҳаммасини гапириб бердим.

— Сен, Азизов, бало экансан, генералнинг ошхонасига кирибсан-а!— деди хузур қилиб куларкан.

Эртасига фронт йўли билан Волховга қараб жўнадик. Йўлда бомбардимонга дуч келдик. Бомбардимон пайти ҳамроҳим Комаров машинадан сакраганча яқиндаги окопга қараб югурди. Мени ҳам орқасидан юришга буйруқ берди.

— Мен машинада ўтираман,— дедим.

Немис самолётининг овози ўчгач, Комаров қайтиб келди. Уст-боши ҳўл ва лой эди.

— Энди қандай қиламан?— деди у шинелини ечаркан.

— Мен битта шинелимни бераман,— дедим иккинчи шинелимни унга кўрсатиб.

Эрталаб Комаров билан капитан Боцокиннинг ҳузурига етиб келдик. Комаров капитанга таржимон олиб келганлигини айтди.

— Сержант Азизов Аҳмаджон Муҳаммаджонович!— дедим честь бериб.

— Кечирасану сержант, бу исм-фамилияни айтишга жуда қийналаман,— деди Боцокин.

— Йўли бор,— деди Комаров.— Аҳмаджон — Алексей, Муҳаммаджонович — Михайлович бўлади-қўяди.

— Жуда яхши,— деди юзига табассум югуриб Боцокин.

Рўпарамда бир кичик лейтенант аёл ўтирарди. У менга шу қадар маъюс ва меҳрибонлик билан тикилардики, қанчалик уринмайин ўзимни унинг нигоҳидан олиб қочолмасдим. Кейин суриштирсам фамилияси Терентьева экан.

— Лёша, фронтда қийин бўлдимми?— деб сўради у юзидagi маъюсликка монанд синиқ ва ёқимли овозда.

У менга қараб шу саволини бир неча бор такрорлади. Аммо мен Лёша ким эканини англай олмадим.

— Вася, Лёша дегани ким у?— сўрадим тушлик қилаётганимизда ҳамроҳим Вася Филиповдан.

— Алексей деган исми эркалаб айтилиши,— деди у кулиб.

Шундан сўнг мен Терентьевадан кечирим сўрадим. У менга тез-тез ҳазиллашар, «Сен Лёша эмас, Алексейсан» дерди юзидан ўша маъюс меҳрибонлик барқ уриб.

— Бир кунмас-бир кун мени фашистлар бурдалаб ташлайди,— дерди ҳадеб Вася Филипов, ғашимга тегиб.

— Кечаю кундуз шу ҳақда ўйлайверсанг, ўз-ўзидан уларнинг ўқиға дучор бўласан ёки ваҳима босиб ўласан!— дедим охири жонимга теккач.

— Уйламай десам ҳам беихтиёр ўйлаб қоламан,— деди у паст овозда кўзлари мўлтираб.

Мен эса хотиржам эдим. Фақат уйқуда тез-тез босинқираб, қичқириб уйғониб кетардим. Синьявино атрофидаги қонли кунлар, қайғу ва аламдан янада қорайиб кетган тунлар тушимга кирарди.

Менга кўшимча овқат паёғи беришди. Бу икки юз грамм сариеғ, ўн пачка «Беломорканал» папироси, икки пачка «Московское» печеньеси ва беш юз грамм шакардан иборат эди. Паёкни олгач, бир ўтиришдаёқ ҳаммасини еб қўйдим. Энди хар куни шунчадан овқат беришади деб ўйлабман. Эрталабки нонушта пайти мендан бошқа ҳамма офицерлар кеча олган паёқларини ейишарди.

— Лёша, сенинг паёгинг қани?— сўради Вася.

— Еб қўйдим,— дедим ҳайрон бўлиб.

— Паёк ўн кунга берилади,— деди кулиб менинг «сир»имни фош қиларкан.

Ҳамма офицерлар менга ўз улушларидан оз-оздан беришди. Мен энди офицерлар сафида эдим. Шу-шу, ҳозиргача озиқ-овқатни тежамкорлик билан сарф-лайман.

## Қайинзорда қолган орзулар

Совинформбюронинг бешинчи майдаги хабарига кўра, ғалаба дақиқалари кундан-кун яқинлашарди. Бизнинг қисмимиз фронт линиясидан анча орқада эди. Бироқ артиллерия садолари шундоққина қулоғимиз остида эшитилиб турарди. Олдинги маррада аъвсиз жанглр давом этмоқда. Қисмимиз устидан учиб ўтаётган бомбар-



димончи ва қирувчи самолётларни ҳар кўрганамизда юрагимиз ҳаприқади. Шу самолётлар билан бирга учиб бориб душманни тезроқ ер билан яксон қилгинг келади.

Кайфиятимиз яхши. Биз енгаётган, ғолиб келаётган халқнинг вакиллари сифатида бошимизни баланд тутиб юрамиз. Ҳаётда маълум бир нарсага эришиш учун иккинчи бир нарсадан кечишга тўғри келади. Бироқ энгиш учун, ҳар қандай душмандан она тупроғингни сақлаб қолишинг учун ҳамма нарсадан кечишинг керак.

Олдинги маррадан узоқроқда бўлганимиз учун урушнинг бор даҳшатини тўлиқ тасаввур қилолмасдик. Ортада қолган қонли жанглар манзараси гоҳо хаёлдан кўтариларди ҳам. Биз толиққан эдик. Бу толиқишни бир ой мобайнида ухлаб ҳам ёзиб бўлмасди. Бу дардимизни битта нарса — ғалаба даволарди, холос. Биз ана шу улўф бахтни кутардик!

Бўлинмамиз командири подполковник Иглицин, вологдалик Василий Васильевич Восков эса политрукимиз эди. Унинг грузин хотини бизга қўшиқлар айтиб берарди. Дўстларим — Василий Васильевич Москвич, Константин Константинович Максимов ва қозоғистонлик Макс Нуриддиновлар билан чарчаш нимаалиғини билмасдик. Қалбимизга ғалаба сурури бахш этаётган, сўз билан ифодалаб бўлмас бир туйғу тинчлик бермасди. Бундай пайтларда ўлиш алам қилса-да, уни мардонавор қарши олган йигитларни эслаб, уйга толаман.

Гоҳида фронт ҳаёти ҳақидаги киноларни кўриб ўтириб, фильмга ярим сунъий ёпиштирилган муҳаббат эпизодларидан таажжубга тушаман. Рўйрост айтиш керак, ҳақиқий жанг қилганларнинг, Ватан учун қон кечганларнинг ишқ-муҳаббатга вақтлари йўқ эди! У пайтда битта севги — она-Ватан севгиси бор эди!..

Тўққизинчи Май куни эрталаб Иглицин ҳаммамизни ўз хонасига чақирди. Ҳаяжондан унинг юзи қизариб бўғриққан, тез-тез хона ичида юрарди.

— Сизларни ғалаба билан табриклайман! Яна бир неча соатдан сўнг ҳукумат ахбороти бўлади! — деди у энтикиб.

У сўзини тугатиши билан хонага оғир жимлик чўкди. Ҳамма нафас олмай бир-бирига тикилиб қолди. Шунда худди портлагандек «Ура» садоси янгради. Иглицинга бақрайиб қараб турган Макс Нуриддиновнинг худди бошидан биров бир пиёла сув қўйиб юборгандек икки кўздан шашқатор ёш оқа бошлади. Ҳамма бир-бирини кучоқлай кетди. Қувончдан ҳамма қўзёш қилар, дуч келган киши бир-бирини кучоқлаб ўпиб, табрикларди. Аёлларимиз эса ҳўнграб йиғлашарди.

Биз ғалабадан, қувонганимиздан кўзёши қилардик. Бу фақат урушда ғолиб чиққанлигимизнинг қувонч ёши бўлмай, жангларда ҳалок бўлган миллион-миллион совет кишилари, дўстларимиз, қуролдошларимиз, ота-оналаримиз ва фарзандларимизга тутаётган азамиз ҳам эди.

Тўққизинчи май — Ғалаба куни! Урушда тирик қолган кишилар ва уларнинг қариндош уруғлари учун энг ёрқин ва бахтли кун. Лекин биз учун бу қувонч урушда ҳалок бўлган йигирма миллион ватандошларимиз ғам-ҳасрати билан ёнма-ён туради. Биз ҳаёт эканмиз, ғалаба туйғуси билан бирга уларнинг пок руҳларини қонимизда, қалбимизда, вужудимизда олиб юрамиз.

\* \* \*

...Синьявино атрофидаги кейинзорларда ёлғиз кезиб юрибман. Бир-биридан еазмин ва хаёлчан оқ қайинлар. Улар ҳали бирорта қизга муҳаббатини изҳор қилолмай, изҳор қилган бўлса ҳам бу бегубор туйғуни ўзи билан бирга ер қаърига олиб кетган дўстларим, полкдошларим... Она еримизнинг бугуни ва келажаги учун жон фидо этган азиз инсонлар... Улар менинг қайинзорда қолиб кетган орзуларим... Ҳар куни мен сизлар билан яшайман! Сизнинг ўрнингизга ҳам яшайман! Сиз ҳалок бўлганингиз йўқ, покизалик ва садоқат рамзи — оқ қайинларга айланиб қолдингиз!.. Дилимдан оқ қайин ҳақидаги қўшиқ ўтади...

**Зангор ўрмон бағрида мағрур ўсган оқ қайин,  
Сенга келдим атайин, кел, қўшиғим айтайин.  
Сени кўрдим, эсладим, оқ билак малагимни,  
Ёшлиқнинг тор йўлида йўқотган тилагимни.  
Орзуим шамолида сарҳўш ҳисларим елар,  
Сарҳўш ҳислар қатидан, бахт деган қўшиқ келар.  
Ҳавасим келар сенга, оқ гўзалим, оқ қайин,  
Кўм-кўк сочинг сийпалаб, ёмғир бўлиб оқайин!..**

**Сен ҳам мендек ёлғизми, ё муҳаббатинг тайин,  
Бағритошлар бор ҳали, қилмишлари атайин;  
Индамасанг тананга болта уришар тайин...  
Эҳтиёт бўл, қайинжон, улар сени кесмасин,  
Танангни ёғоч қилиб, баргинг ҳазон этмасин.  
Улар қалби қорадур, уларга ишқдир ўйин,  
Сен эса бўлгин ўктам, ёвларга эгма бўйин.  
Зангор ўрмон бағрида мағрур ўсган оқ қайин,  
Сенга келдим атайин, кел, қўшиғим айтайин!..**

1980—1983 йиллар

## Партия қарорлари жасоратга чорлайди

Намоз Саъдуллаев

# ЧЎПОНГА ҲАМ ҚАНОТ КЕРАК

**Ғ**аффор ота на ўтовда, на кўрада бўлади. Мудом кўй боқиб яйлов кезади. Қария қайқи таёғини белидан ўтказиб олиб, сурув олдиди аста-аста одимлаб боради. Оёғида кирза этик, эғнида яқтак, белида одми белбоғ: унга носқовоғини қистириб олган. Узун бўйли, яғриндор, офтобда қорайиб ажин оралаган юзлари ва ҳйла киртайган кўзлари. Гўё мудом чорвадан, яйловдан сўйлаётгандек. Туғма чўпон деб шунақа кишиларни айтсалар керак-да!

— Оббо, ўғлим-эй, — деди ота эҳтиром билан. Унинг қўнғир кўзларида илиқ бир нур чақнади. — Бизни эсингиздан чиқармабсиз, раҳмат. Газетда ёздингиз, радиодан ўқишди, ҳаммасидан хабарим бор. Яхши иш бўлди. Мана ҳозир ўша яйловлар — биргина Нуротада ўн минг гектарга кенгайиб, етти ярим минг гектар жойга сув чиқди. Уйламай-нетмай бузиб ташланаётган шувокзорлар омон қолди. Изенишя ўтлоқлар ўрнигамас, ўт-ўлани кам, қашшоқ, қақроқ, яйдоқ жойларга экишяпти.

— Сиз бугун, ота, менга бир нарсани айтинг, қўй жонивор ўзи қаерда яхши яйрайди: изендами, шувокдами?

— Айй, ўғлим-эй, саволингиз қалтис бўлди-ку? Уларнинг бирини яхши, бирини ёмон деб бўладими? Икковиям соз, маъқул. Айниқса изенъ — янгилик... Уни фақат 400—500 гектардан яхлит-яхлит майдон қилиб, атрофини сим тўсиқлар билан ўраб қўйишади — загон деймиз. Далада ёз кунлари 600—800 бош қўй-қўзини 3—4 киши, қиш кунлари 5—6 киши боқса, загонда 1—2 чўпон кифоя. Уч-уч ярим минг бош қўйга кўпи билан 7—10 киши етиб ортади. Чунки унда юмушнинг кўпи механизация гарданида бўлади.

— Механизмларни ишлатиб турадиганлар ҳам бўлади, денг?

— Йў-ўқ, чўпоннинг ўзи бошқараверади.

— Бошқаришни билишадими?

— Аа, а-наа, шуни сўрашингизни билиб турувдим. Худди шу ери ишқал. Кўў-п чўлиқлар бунн билмайди. Чорвага ҳам ўқувли-ўқувли одамлар керак.

— Нима, районингизда чўпонлар камми?

— Бе-е, келиб-келиб ота-бобоси чўпон ўтган юртдаям чўлиқ тақчил бўладими? Мен бояги механизмлар билан «тиллашадиган» одамлар кам деяпман. Билсангиз, улар ҳатто зоотехникликдан ҳам унчамунча хабардор бўлиши керак, ахир.

— Малакали денг.

— Отангизга балли!... Ҳозир бизнинг

районда бир ярим мингга яқин чўлиқ бор. Шундан 30—40 киши ўрта маълумотли, 400 чўпон ТУМ мактабни (тўлиқсиз ўрта мактаб — Н. С.) битирган. Қолганлари нарибери... Уларга ҳалиги талабларни қўйиб бўладими?

— Ҳунар-техника билим юртларида ўқитиб олинса...

— Бо-оо, гапниям оласиз, — ота алланечук таажжуб билан жилмайди, — қани ўша мактаб? Чўпонликка ўқитадиган мактаб борлигини ҳали эшитмадик. Қурувчи, темирчи, телепончи, тиливизор устаси, ошпаз қилиб тайёрлайдиганлари бор, чўпонликнинг машқини берадигани йўғ-ов... Гапнинг индаллоси, «чўпон» деса баъзилар чаласавод, дунё беҳабар, дала-дашда саргайиб, хас-чўп илашган чопонини судраб юрган одамни тушунишади.

— Жуда ошириб юбордингиз ота, — унинг алам билан сўзлаганини кўриб тасалли бердим, — унчаликмас. Ҳозир чўпонлар ҳукумат аъзоси, қанчадан-қанчаси қаҳрамон. Айтмоқчи, районингизда чорвачиликка ихтисослашган ҳунар-техника билим юрти бор, дейишади-ку?

— Бор! — кесиб гапирди у. — Анчадан бери бор. Локин у хат-саводли чўпонмас, ҳали нимамайди, силос кирқадиған, дағал хашак майдалайдиган машиналар бор-у, шуларга механизатор тайёрлайди. Ўқиб келганлари на зоотехникликни билади, на чўпонликни. Оқибатда, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, сўнги ўн-ўн беш йилда биззи жойда ёшлар қўлимиздан таёғимизни олаётгани йўқ. Бобокалони чорва ортидан нон еган одамлар учун бу уят! Уйлаб-уйлаб баъзан алам қиларкан кишига. Ахир чўпонлик ҳам касб! Унғаям иштиёқ керак, ўғлим...

Ота кўнглида чўкиб ётган гапларини айтиб, жим қолди.

— Тўғри айтдингиз, иштиёқ, касбга меҳрмуҳаббат керак. Қолаверса, маҳорат, тажриба, тadbиркорлик, деган гаплар ҳам бор. Сизнингча, нима қилиш керак?

— Ишни нимадан бошлаш керак, де-моқчимисиз?

— Ҳа.

У бир оз хаёлга толди. Кейин вазмин сўз бошлади:

— Икки йилми, уч йилми, олдинам шундай бир гап бўлувди. Кейин, бояги ўзингиз айтган ҳунар мактабининг Тошкентдаги казо-казолари: Томди, Конимех, Нурота, Қўшрабод, Советобод, Хатирчи районлари оралиғида шундай бир мактаб очамиз, деб ваъдаям беришувди. Газетадаям чикувди шекилли. Локин, ҳали-ҳали йўқ! Унисиям

майли-я, — қўлини силтаб қўйди у, — сиз биласизми, йўқми, етмиш бешинчи йилда тирамада (кузда) Самарқандда қоракўлчиларнинг катта бир йиғини бўлувди. Бутун жаҳон келди-ёв! Симпозиум дейишди...

— Учинчи халқаро Симпозиум, — дедим отага ёрдамлашиб.

— Ҳа, Симпозиум. Ушанди қоракўлни яхши биладиган зўр бир олим Қозоғистоннинг чорчасини кўп алқади. Иши яхши экан-да! Уларда кўзини сўйиш, терисини шилиш, тузлаш, қуришти сингари юмушларни механизация қилайкан. Соатига қирқ-қирқ беш, унданам кўп тери кўлдан чиқиб кетаверайкан. Яна орасталгини айтмай-сизми? Биздаям шундай қилса бўмай-дими? Бўлади. Локин, бунинг учун хўнари бор, машқини олган бўзболалар керак...

Иккимиз кенг яйловда — сурув ёнида турибмиз. Атрофимизни кўк, қора, малла кўзичоқлар ўраб олишган. Жўнлари бир оз кирланган, тиканакли хас-хашакларни юнгига илаштириб олган қўйлар хансираб нафас олади, қуёш тафтидан бардоши тугаб, бошларини сояга тортишади. Сурув оёқлаётган томон — худудсиз чўл этакларида ҳаво жимирайди...

Қаршимизда турган қўйлардан бири қалин ўсган саксовул ортига қараб ҳадеб маърай бошлади. Мен унга разм солдим-у, ҳеч нарса пайқамадим. Ота эса дарҳол хўшёр тортиб, шу томон юрди.

— Гуноҳ-гуноҳ дейишади! — Йўл-йўлаккай гапириб борарди у. — Аммо кечагина туғилган мана бу кўзичоқнинг қандай гуноҳи борки, майиб бўлиб яралди. — Чўпон мажрух кўзини кўтариб, қўйнинг ёнига келтирди ҳамки, гапдан тўхтамасди. — Буни қаранг, маймоқ! Бошқа кўзлар чопқиллашиб йўнаб юрганларида бу бечора мўлтираб қараб тураверади. Биттагина бўлса кошқийди... нариги отарда оғзи-бурни йўқ ўлик кўзи туғилди, ишонасизми, ўзим кўрдим.

Отанинг кайфияти бузилиб, қош-қовоғи осилди. Сухбәтимиз бузилиб қолмаслиги учун сўрадим:

— Хўш, бу ниманинг оқибати экан?

— СЖКнинг!

Ота кўзларини бир нуқтага қадаб, жим қолди. Кейин сўзида давом этди:

— Она қўйнинг семиз-ориқлигига қарамай, СЖКни (бия қонидан тайёрланган зардоб Н.С.) кўл бериб юборишган. Гапнинг рости, ўғлим, шу ишни топиб берган олимларга йўлиқиб: «СЖК»ларинг Совлиқнинг Жонига Кафан дегани экан. Энди бас, тўхтат», дегим келиб юрибди. Тасаввур қилинг: бир-икки кўзи ўрнига пишакнинг боласидай-пишакнинг боласидай уч-тўртта яримжон кўзичоқлар туғилади. Насл — ёмон, тери — бир қарич, жун — ярим тутам... Улар катта бўлиб қайга борарди! Бир қарич тери ичига эт битармиди? Илгарги 40—50 килогача тош босган қоракўл қўйлари бўларди. Ҳозир-чи? Нарин борса 20—25 килога етади. Қўй ҳам жонзот, меҳри бор, шафқат кутади. Айби — тили йўқ!

— Сиз айтган ўша яримжон кўзичоқлар терисининг нархи қанақа?

— Норма бўйича терининг сатҳи 1200 квадрат-сантиметр бўлиши керак экан. Шунда битта сўр терига 33 сўм атрофида тўлайди. Локин, ҳозир уларнинг айримлари 900—950 квадрат-сантиметр, ҳатто ун-

данам кичик бўлиб қоляпти-да, ўғлим. Нормасига тўғри келмайди, ушоқ. Бундай терига 13 сўмдан ҳақ берилади. Энди қаранг, ушоқ терининг иккитаси битта расо терининг ўрнини босмас экан. Иқтисодга зарар, яна беирой, чидамсиз... Қоракўлга қон бўлган юртимиз шаънига шу ярашиқми?

Гапга тушиб кетган ота шу кунларда уни кўпроқ ташвишга солаётган ва, айни пайтда, мамлакат Озиқ-овқат программаси билан мантиқан боғлиқ бошқа муаммолар ҳақида ҳам яхши фикрлар айтди. Баҳорги жун қирқимидан тортиб, серўт яйловларнинг пайхон бўлиб кетаётганини, улардан навбатлаб фойдаланиш вақти етганлиги тўғрисида куйиниб сўзлади. Гап орасида чўпонларнинг талаб-истагига қулоқ солмаётган баъзи бошлиқларни койиди. Айниқса, кейинги пайтларда айрим жойларда молхоналар бетондан қурилаётганини қаттиқ қоралади.

— Молхоналарни тез қуриш учун бетон плиталар қулай эмиш. Остини супуриб туриш ҳам, ҳар йили ремонт қилиш ҳам осонмиш! Арзонмиш! — Унинг борган сари жигибирони чиқарди. — Утган йили об-ластандан бир маслаҳатгўй келиб: «Қўраларни бетондан қуришлар, чиқими кам», деса бўладими? Оғзим очилиб қолди...

— Ия, бетонга ётган мол ўпкасида айрилади-ку? Қолаверса, насли... — дедим мен.

— У киши шундай «новатор» экан-да.

Отанинг бу нозик кесатиғи жуда ўринли бўлдики, кулгидан ўзимни тиёлмадим...

Гаффор ота сурувдан узоқлашиб кетаётган ёлдор серка томон «ҳайт» деб товуш қилди-да, ердан муштдек тош олиб отди. Серка кўнғироғини жаранглатиб, унинг измига тушди. Ортидан сурув ҳам эргашди.

— Энди қўрага ҳайдайсизми?

Ота гапимни «Энди ўтовга қайтаемизми», маъносиди тушуниб жавоб қилди:

— Шу кеча-кундузда қўрага қамасаям бўлади, кунлар анча исиб қолди. Беш-олти кундан бери қамаётганимизам йўқ. Толиқса даланинг ўзида ётқизиб оляпмиз.

— Қишда-чи?

— Қишда қамаймиз, албатта. Бу ерларнинг совуғи қаттиқ бўлади, ўғлим.

Ота ёнгинамиздаги тошдан қурилган айланма қўрага ишора қилиб сўзида давом этди:

— Бизда қўралар масаласининг ўзиям бир дoston. Неча йилки, замонавий қўралар қурамыз, деб айтишади, ёзишади, натижаси — гум!

— Нега энди? — қизиқсиндим.

— Беш йилча олдин райком бова намунали қўралар қуриш керак, деб район актипларини тўлади. Ҳаммадан «Қандай таклифингиз бор?» деб фикр олди. Катталардан тортиб чўпонларгача борди. Планини чизиб берадиган олимлар нақ Самарқанддан келганакан...

Отанинг ҳикояси район активларидан бири айтиб берган худди шу мавзудаги бир баҳсни ёдимга солди. Бундан беш йилча муқаддам, чорвадорларнинг таклиф ва истакларидан келиб чиқиб, райондаги мавжуд қўй қўраларини қайта қуриш, улар ёнида ёрдамчи бинолар ҳам барпо этиш таклифи ўртага ташланибди. Табиийки, ҳозир бундай бинолар майдаланган дағал

хашак, концентрат озукалар ва бошқа хил емишлар тайёрлаш учун жуда-жуда зарур. Масала район партия комитетида муҳокама қилинибди. «Қўралар қандай бўлиши керак», деган мавзуда «Давра столи» ўтказилибди. Учрашууга хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, илғор тажрибали чўпонлар, «Узгипросельстрой» илмий-текшириш институтининг Самарқанддаги филиали лойиҳачилари (у пайтда район Самарқанд областига қарашли эди), область совхозлар трестининг капитал-қурилиш бўлимидан вакиллар таклиф қилинибди. Ҳаммаси келишибди. Учрашув қизиқарли ўтиб, кўпгина баҳслар бўлибди. Қоракўлчилар қурилажак намунали қўраларнинг турли хил вариантларини таклиф қилишибди. Бир неча хомаки лойиҳа қизғин муҳокамаларга сабаб бўлибди. Лекин Ҳануз на лойиҳадан, на жавобдан дарак бор экан.

Тўғри, район раҳбарлари суриштириб кўришибди, институт филиали: «Чизмалар бор, трестга айтинглар, ўзларига маъқулини танлаб берсин, қўрани қўрадиган улар», деб жавоб беришибди. Трест эса: «Бу чизмалар жуда қиммат, совхозларга оғир тушади», каби баҳоналар таклиф қилибди. Бир неча чорвадорлар аниқ жавоб ололмабди. Утган йилнинг октябрь ойида институт филиалига яна мурожаат қилишибди. Филиалдагилар, ҳар галгидек, яна қуруқ ваъдалардан нарига ўтишмабди. «...Масала бизни ҳам ташвишга соляпти, — деб ёзма жавоб беришибди улар. — Область қоракўлчилик совхозлари трестининг буюртмаси билан бир қатор амалий тадбирлар ишлаб чиқдик. Жумладан, белгиланган индивидуал лойиҳалар техника советида муҳокамадан ўтиб, қурилишга тавсия этилди...». Орадан йил ўтибди. Областлар ва районларнинг адреслари ўзгарибди (Нурота райони янги ташкил этилган Навоий областида, ундан ажралиб чиққан Қўшрабод райони эса Самарқанд области территориясида қолди). Институтда ҳам, трестда ҳам ўзгаришлар бўлибди. Бироқ намунали қўралар қуриш муаммоси муаммолигича қоллаверибди. Чорвадорлар ҳамон ёрдам кутмоқда эканлар...

— Шу йилларда анча чарчаган ҳўринаман, — орага чўккан жимликни бузди ота, — салкам қирқ йилдан бери қўй боқиб дала кезган бу оёқларда энди ҳаққим қолмади, — у пахталик шими устидан сонларига уриб-уриб қўйди. — Тунов кунни директорнинг олдида бордим. Уришса уришар дедим-у, таёғимни столи устига қўйиб: «Айтинг, кимга топширай?» дедим. Директор ақлли киши. Жаҳл устида борганимни сездим. Кулиб туриб: «Менга, мен эса яна ўзингизга топшираман», деди. Ҳовримдан тушиб, чарчаганимни айтдим, ёрдамчи сўрадим. Бечора: «Одам қани? Кимни берай?» дегандай қийналиб турди. Аслини олганда ишониб топширадиган одамнинг ўзи йўқ. Чўпонликнинг асл ишқибози кам.

— Ёшлар-чи?

— Бе-е, қизиқмаган одам чўпонликни қойил қилармиди! Қўйиб берсангиз унақалар «Жигули» миниб боқмоқ бўлишади. Бу дунёга ҳеч ким устун бўлмаган. Биз ҳам бўлмаймиз...

Чўпоннинг кайфияти бузилган эди. Мен тасалли бермоқчи бўлдим.

— Унчалик хафа бўлмаг, ота, — дедим, — қанотингиз бақувват. Район чўпонлари сафида Меҳнат Қаҳрамонининг ўзи тўрт киши. Бундан ташқари, ундан зиёд хизмат кўрсатган ва қўша-қўша орденли қанчадан-қанча чўпонлар бор. Ҳаммаси сизнинг шогирдингиз, қанотингиз.

— Мен... Мен эртанги қанотлар ҳақида гапиряпман, ўғлим, сиз бўлсангиз...

Унинг бу сўзида «Сиз ҳам мени тушунолмайсиз», деган маъно бор эди. Отага фикримни уқтириш учун сўзни узокдан бошладим.

— Тўғри, чўпонлик осон эмас. У бутун умрини оёқда ўтказди. Саратонни қаҳратонга, қаҳратонни саратонга улайди. Бошқалар ширин уйқуда ётганда чўпон сурув ҳайдаб яйлов кезади. Партия ва ҳукумати миз бу соҳа равнақи учун алоҳида ғам-хўрлик қиляпти. Бултур Пленумларда чорвачилик равнақиға оид жуда муҳим гаплар айтилди. Уларнинг, албатта, ижроси бўлади.

— Баракалла, ўғлим. Биларкансиз. Минг раҳмат. Бошқалар ҳам шунчалик тушунсайди.

— Тушунади, — дедим мен ёнимда олиб келган газетани қўлга олиб, — ҳали яхши гаплардан хабарингиз йўқми?!

— Қандай гаплар?

Мен район газетасида ёзилган самимий ва илиқ сатрларни ўқиб бердим:

— «Нурота» совхозининг бош чўпони Гаффор Файзанов 725 бош совлиқнинг ҳар юзтасидан 180 тадан қўзи, баҳорги жун қирқимида эса бир қўйдан салкам 2 килограммдан жун қирқиб олиб, хўжалик чорвадорлари ўртасида пешқадам бўлди. Тадбиркор чўпоннинг кўксини Ленин ордени беэаб турибди. Укиси Абдусаттор Файзанов унга қанот бўлмоқда».

— Қизиқиб кетдим, ўғлим, узр... Мен ҳамма ёшларни ёмонлаётганим йўқ. Уларнинг орасида ҳар хили бор-да!..

— Тўхтанг! — сўзини бўлдим унинг. — Ҳали сиз айтган яйловлардан навбатлаб фойдаланиш тўғрисида ҳам яхши гапларни ёзишди.

— Уқингчи? — беихтиёр қизиқди чўпон.

«...Районимиз чорвадорлари туғилган барча урғочи қўзиларни ўстиришга қолдириб, қолганларини тери ҳисобига топширишни режалаштирганлар. Натижада чорва туёғи йил сайин ўсиб, бир отар қўйнинг икки отар бўлиши, маҳсулот харид қилишининг тобора ошиб бориши таъминланади.

Хўш, яйловлар-чи? Яйловлар ҳам ордими? Чорвада туёқ сонининг кўпайиб бориши, энг аввало, яйловга, озуккага боғлиқ-ку!

...Аниқ маълумотларга кўра, айрим хўжаликлар йил охирида қарздор бўлиб қоляптилар. Битта қоракўл тери учун пландаги 17—18 сўм ўрнига ўртача 21—22 сўмдан сарфланаётгани кўпчиликка маълум. Хўш, сабаб нима? Бош сабаблардан бири хўжаликларда озук базасининг етарли ва мустаҳкам эмаслигидир. Яйловлардан навбатлаб фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, ер экологияси қонуниятларига кўра иш тутиш каби қатор жараёнларга етарли эътибор берилмаяпти. Маълумки, агар экологик жараёнларга амал қилинмаса, табиатда мувозанат ҳам бузилади. Кўп-

чилик айрим йиллари яйловларда рўй бераётган озуқа танқислигини обҳавонинг қурғоқ келиши билан боғлашга уринмоқдалар. Бу — субъектив сабаб, холос. Мутахассисларнинг фикрича, чўл ва ярим чўл зоналарида (Нурота яйловлари чўл ва ярим чўл зоналарига киради Н. С.) битта қўй учун 2—2,5 гектар яйлов зарур. Бизда эса атиги 1—1,2 гектар яйлов тўғри келади, холос. Бунинг устига, аҳолининг шахсий моллари ҳам худди шу яйловларда боқилади. Натижада, тўёқ сони кўпая бориб, яйловлар изма-из топталавериш, кўп йиллик ўт-ўланларнинг баъзи хиллари мутлақо йўқолиб кетмоқда. Бу қол, ўз навбатида, туپроқ эрозиясини кучайтириб юборяпти. Эрозияга учраган туپроқда эса нам камайиб, ер ости сувлари анча чуқурлашиб кетмоқда. Бир вақтлар ёзини қишин бирдек барқут тусли тоғ, қирларимиз бугунги кунда яланғоч бўлиб қолаётганлигининг, ям-яшил далаларимиз бир қадар қашшоқлашиб кетаётганлигининг боиси ҳам шунда эмасмикан?..

...Хулоса қилиб айтганда, масалага — атроф-муҳит, табиат, хусусан, яйловларни муҳофаза қилиш, уларни янги-янги изензорлар, саксовулзорлар ҳисобига кенгайтириш нуқтаи назаридан ёндашиш пайти келмадимикан? Демак, бизнинг вазифамиз — табиат саҳоватини ошириш, унинг ҳаётий кучлари тўлароқ намоён бўлишига кўмаклашишдан иборат. Қолаверса, бу — бугунги авлод учунгина эмас, келажак авлод учун ҳам энг муҳим бурчдир».

— Зап гапни айтибди-да! — деди дик-

қат билан тинглаб турган ота. Чала қолган гапни унга эслатдим:

— Ёшлар орасида ҳам ҳар хили бор, деб эдингиз!..

— Ҳа, ҳар хили бор. Масалан, укам — Абдусатторни олинг. У мендан ўзиб кетди. Ҳозир алоҳида отарга бош. Кўрсаткичлари йил сайин яхшиланмоқда. Азалдан чўпон ўтган авлодимизнинг фахри-да! Ота-боболаримиз уқувли-уқувли фарзандлари, ака-укалари, шогирдлари билан ўзларини бамисли бургут чоғлашган. Минг қилсаям, танамизда уларнинг қони бор. Биз ҳам ўзимизни бургут чоғласак, бургутдек парвоз қилсак деймиз...

Ота «гап гали сизга» дегандек, жим қолди. Мен обкомда эшитганим — комсомол-ёшлар ташаббуси ҳақида сўз очдим:

— Область мактабларини битираётган 240 йигит-қиз чорвачилик фермаларида ишлаш истагини билдиришибди, эшитдингизми?

— Ростданми?! — Ғаффор отанинг кўзларида бирдан қувонч чақнади, юзи нурланиб кетди. — Ҳазиллашаётган бўлманг.

— Беҳазил! — унинг руҳини кўтара олганим учун қувондим, — келиб-келиб сизга ҳазиллашаманми, бор гапни айтяпман...

— Икки юз қирқ киши денг! Икки юз қирқ қанот-а!

Ота гўё йўқотган нарсасини топиб олгандек шод, бахтиёр эди. Унинг бу шодлиги, наздимда, умр бўйи чорва боққан кўп сонли чўпон сулоалари шодлигининг давоми бўлиб, у тоғ-тошлар, кенг яйловлар, сергурунг ўтовлар бағрида авлоддан авлодга ўтиб борарди.

Нурота райони

## ҚАҲРАМОННИНГ КОСТЮМИ

Бир пайт Лондонда машҳур адиб Вальтер Скотт шарафига бал-маскарад ташкил қилишипти. Мазкур базмда қатнашадиганлар ёзувчи асарларидаги адабий қаҳрамонларнинг костюмларини кийиб келиши шарт экан. Иттифоқо, бу мароқли базмга Вальтер Скоттнинг ўзи ҳам ташриф буюрипти. Аммо у персонажлар костюмини эмас, балки кунда кийиб юрадиган одми костюмини кийиб боришти. Бал-маскарад ташкилотчиларидан бири ундан: «Сиз қайси персонажнинг костюмини кийиб келдингиз?» дея ҳайрон бўлиб сўрапти. Шунда адиб: «Мен барча асарларимда ҳамиша иштирок этган қаҳрамоннинг костюмини кийиб келдим», дея жавоб қилипти.

# ЧИЯЛ БОЗОРИ

Этнографик очерк

**М**енимча, ҳар бир кишида саёҳатга табиатан мойиллик бор. Одам умр бўйи кезиш ва билишни орзу қилади, қир, тоғ, денгиз ортидаги манзилларни кўриш ҳаваси билан яшайди. Энг аввал кашф қилиш бахти ҳаммага ҳам муяссар бўлавермайди. Менинг эса омадим бор экан. Авваламбор, шуни айтиб қўяйки, бу саёҳатим ҳар қандай хавф-хатардан холи, бунинг учун уч денгиз оша афсонавий ҳинд мулкига сафарга отланган тврлик савдогар Афанасий Никитинга ўхшаб, карвонни қуроллантириш зарурати йўқ, инглиз сайёҳи Жеймс Кук сингари Тинч ва Атлантик океанларидаги мамлакатлар ва оролларни очиш учун кемаларга қурол-аслаҳаларни юклаб, йўлга чиқиш ҳам шарт эмас.

Мен Чиял бозори сари йўлга чиқдим. Бу гўшага саёҳат қилиш, бир қарашда ғоят зерикарли бўлиб туюлиши мумкин. Аслида ундай эмас, аксинча, ана шу ёққа келиб қолган киши гўё ўтган замонларга қизиқарли, кўнгилли саёҳат қилган бўлади. Бу мозий таркиб толган оила, халқ урф-одатлари, одамларнинг ўзаро муносабатлари орқали етиб келгандир. Инсоният мавжуд экан, унда дунёни ва халқларни англаш ҳамда ўрганишга бўлган ташналик тоабод сақланиб қолади.

Чиял бозори Қашқадарё областининг ғаллакор Чироқчи районига қарашли бир неча ўйдан. Иборат чоққина чўл қишлоғи — Чиял яқинида жойлашган. Чиял қишлоғи неча асрнинг гувоҳи бўлганини ҳеч ким билмайди: балки унинг ёши минг йилга тенгдир, балки бундан ҳам улўғдир... Минг йил — кўплаб авлод ва маданиятларнинг, миллионларча кишилар тақдирининг алма-шиниб туриши, демакдир. Минг йил!.. Тасаввуримизда қадимги ёдгорликлар, сарой қолдиқлари ва каналлар, қалъа деворлари ва бошқа иншоотлар намоён бўлади. Самарқанд Регистони, Ҳиндистон Тожмаҳали, Греция Акрополига ўхшаш қадимги ажойиб меъморлик намуналари ёдга тушади.

Чиялда буларга ўхшаш беқиёс осорياتи қалар, меъморлик обидалари йўқ, албатта. Ёнатрофингизда ҳайхотдек дала ястаниб ётибди, холос. Бу гўшанинг қадим-қадимдан қизиқ ва ўзига хос бозори диққатга сазовод.

Чиял бозори ҳақида бундан анча бурун эшитган эдим. Уни қашқадарёликлар ва бухороликлар, сурхондарёликлар ва самарқандликлар ҳам билишади. Уларга бу бозорнинг таърифини келтириб, ҳайратга тушираман, деб ўйламанг: овора бўласиз. Чунки чўл бозорига ҳар якшанба ҳатто олис Тожикистондан одамлар тўпланади. Туркменистон чорвадорлари кўп асрлардан бери унинг доимий мижозидир.

Қадимий бу бозорнинг меҳригиёси нимада? Минг-минг йиллар давомида доимо гавжум бу бозор, бизнингча, шарқ одами-нинг ўзга кишилар билан алоқасини юзага келтирган, бир-бирларини англаш ва тушунишларида, шу билан бирга, ўзларининг энг яхши жиҳатларини бир йўла намоиш қилишларида асқотган.

Чиял бозори хусусида турли-туман фикр юритишади. Бу ердан дунёдаги жамики нарсаларни топиш, дукон пештахталаридан исталган ноёб ашёни сотиб олиш мумкин, деган гап ҳам тарқалган. Лекин Чиял бозори бугун фақат ана шу томонлари биланги на жозибадор эмас ва у мижозларини ҳамда менга ўхшаш илк марта келганларни фақат ўша жиҳатлари билангина ўзига жалб этмайди, албатта. Унинг ўзига хос бошқа ажойиб хусусиятлари ҳам бор.

Бир қақирим нариданоқ Чиял бозорининг иссиқ нафасини ҳис этасиз. Тасмадек чўзилиб кетган йўл буғдой сепилган лалмикор далани қирқиб ўтган. Аҳён-аҳёнда тепаликларга дуч келасиз. Узала тушган камқатнов йўл Чиял бозори яқинлашган сари тўлиб-тошиб боради. Бозордан қайтаётган баъзи бировлар қаршимиздан чиқиб қолади. Мана, эшак минган чол ёнимиздан уловини қичаб ўтиб кетди. Унинг ортидан белини чивқица билан боғлаган ялангоёқ бола эргашган, эшакка маталган новвос эса, майда юриш қилиб борарди. Ичи хотин-халаж ва болалар билан лиқ тўла «Жигули» ҳам чанг-тўзон кўтариб ўтди. Ҳамма шодон, хушчақчақ, кўрганлари ҳақидаги таассуротларини гапиришиб, бахшлашиб боришади.

Мана, шаҳардан йироқда, чўлда жойлашган Чиял бозорига ҳам етиб келдик. Биз гўё чумолининг каттакон инига тушиб қолгандек эдик. Одамларнинг ғала-ғовури

оламни тутади, ҳамма шошилади, уймала-нишади. Ҳар кимнинг ўз юмуши, таъвиши бор. Машиналар, араваги тракторлар, мо-тоцикллар ва бошқа техникалар сон-са-ноқсиз.

Машиналар уюмидан ўтиб, чоққина од-дий четан дарвоза орқали кенг ёйлатоққа чиқиб қолади киши. Худди шу ер — бозор майдони. Одамлар бозорда расталар бўй-лаб ўз хоҳишлари бўйича жойлашган. Ба-ландликда қурилган дарвозадан бутун бо-зор худди кафтда тургандек кўринади. Ма-на, алвон-алвон гиламлар растаси, ундан сўнг эса, мол бозори алоҳида жойлашган. Кейинги растада анъанавий шарқ зиравор-лари сотилади. Чиял бозорининг бошқа ҳеч бир бозор билан қиёслаб бўлмайдиган ўз қиёфаси бор.

Қачонлардир, Чиял бозори уч хусусият-га эга эди. Йилнинг исталган фаслида: ёз-нинг иссиғи ва кишининг изғирини бўлма-син, одамлар ҳаммаша бир вақтда, хўро-знинг илк қичқирғиданоқ тўпланишади. Бу қизгин олаговур бор-йўғи иккинчи-уч соатги-на давом этади. Соат ўн-ўн бирларда кел-ган киши ҳеч кимни учратолмайди. Фа-қат чағ, оломон ва ҳайвонлар топтаган, ҳувиллаб қолган майдон сал аввал бозор ҳаёти жўш ўрганидан гувоҳлик беради. Кўз очиб-юмгунча туғаб кетиши бозорнинг ўзига хос биринчи хусусиятидир. Иккинчи хусусияти эса, Октябрь ғалабасидан сўнг барҳам топди: бу даврга қадар аёллар-нинг Чиял бозорига кириши тақиқланар-ди. Улар бозорга олиб бориш учун мол тайёрлаганлар ва эрларини, ака-укаларини, ўғилларини бозорга кузатиб қўйганлар. Эндликда ҳаммаси ўзгача, замон ўзга, ахлоқ ўзга. Йигирманчи аср инқилоб билан бирга катта ўзгаришлар олиб келди. Бу ўлкада инқилоб одамларнинг ўзаро муно-сабатлари ва маросимларида ҳам юз бер-ди.

Чиял бозорининг учинчи хусусияти шун-даки, ҳеч ким ҳеч қачон бировнинг нарса-сига кўз олайтирмайди. Чиял бозори ўғир-лик нималигини билмайди. Бу ерга келган-лар ўз юкларини — чамадон, сумка, қоп, халта ва хуржунларини ўнғай жойда қол-дирадilar. Улар махсус майдонларда уюм-уюм бўлиб, тахланиб ётади. Соқоллари оп-поқ оқарган ҳурматли бир отахон ўғирлик қилишга уринган кишини охириги марта 30-йилларда кўрганини гапириб берди. Ушан-да ўғрини тутиб оладилар ва эшакка чап-па миндириб, сезойи қилиб, чўлга ҳайдаб юборадилар. Одамларнинг ғазабига учра-ган ўғри, ана шу тарзда, кимсасиз чўлга қувилади. Шундан буён Чиял бозорида би-ровнинг ўғирликда айбланганини ҳеч ким эслолмайди.

Чиял бозори ўзининг ёрқинлиги, бетак-рор хусусиятлари билан диққатни жалб этади, кишини ҳайратлантиради. Аллақачон Ўзбекистоннинг кўпчилик бозорлари пеш-тахталаридан йўқолган анъанавий ўзбек ҳунармандчилигига доир молларнинг бу ерда борлиги ва хилма-хиллиги харидор-ларни қувонтиради. Қўлда тўқилган ажойиб нақшли сержило гиламлар бозорда истал-ганча топилади. Зотан, бу сермашақат ҳунар авлоддан-авлодга ўтиб келади. Нақшлар ҳар бир чизғининг равшанлиги, жимжимадорлиги, ва шикаста хатни эсла-тадиган шарқона фалсафий безаклари би-лан мафтун этади. Айни пайтда, уларнинг

тасвири шунчалик ёрқин акс этганки, шу орқали чеварнинг қисмати, орзу-армони-ни осонгина пайқаб олиш мумкин. Бу ерда турли-туман рангдаги бешикларни ҳам уч-ратасиз. Ана шу оддий бешикларда қанча-дан-қанча ўзбек алломалари алла эшитган. Шунингдек, йўловчига асқатадиган, қўлда тўқилган, ҳамма нарсани жойлаш ўнғай турфа хуржунларни ҳам бемалол танлаб, харид қилишингиз мумкин. Пештахталарда-ги ҳар хил молларнинг кўп қисми қўлбола йўсинда тайёрланган. Дўппиларнинг кўз қамашадиган нақшларига қараб, уларнинг қаерда тикилганини бехато аниқлай ола-сиз. Улар бу ерда турли-туман: юмшоқ яшил бахмалли самарқанд, ажойиб нақш-ли чуст ва рангдор шаҳрсабз гилам-дўп-пилари. Буларнинг барчаси халқ чеварлари томонидан меҳр-билан пишиқ-пухта тикил-ган.

Ўзбек дўппилари. Уларни бошқа бирор халқнинг бош кийимига қиёслаб бўлмайди. Ҳар бир дўппида ўзига хос гул, безак, рамз бор. Бу дўппиларда чеварлар ўз элининг характерини ифодалашга эришган-лар: бир қарашда улар бирмунча сеҳрли ва жимжимадор кўринса-да, аслида рав-шан, очик, рўй-рост чизилган нақшлардир. Уларда чеварлар эндиликда халқ фахрла-надиган кўп фазилатларни, жумладан эзгу-ликка, адолат ва гўзалликка мангу инти-лишни тасвирлаган. Дўппи ўзбеклар учун алоҳида хосиятга эга бўлган бош кийимдир. Дўппи ҳаммаша одам билан бирга, жануб қуёшининг аёвсиз қиздиришидан сақлайди. Уни ҳатто ёмон кўздан асрайди, деб ҳи-соблайдилар. Анча вақт ўз андозасини сақлай оладиган энгил дўппилар билан ён-ма-ён маҳаллий тулки мўйнасидан тикил-ган сархил телпақлар териб қўйилган. Улар қуёш нурида ял-ял товланади. Истасанг со-тиб ол, истасанг мириқиб томоша қил.

Бир кичик растада пойабзаллар уюми. Бу қўхна пойабзаллар ўзининг ихчам ва энгиллиги билан шарқда доврў қозонган эди. Мингларча йўллар ва миллионларча оёқлар синовидан ўтган пойабзалнинг но-ми — қавуш. Қавушлар қалин ҳўкиз те-рисидан тикилган. Тери дағал, лекин қав-уш нозик ва нафис. Бундай буюмга ҳар қандай моҳир этиқдўз устанинг ҳам ҳаво-си келади. Асрлар оша халқ ўз маҳорати-ни авлоддан-авлодга узатмоқда. Халқ ама-лий санъати буюмларининг турфа хиллари бугун ҳам Чиял бозорида кенг намойиш этилмоқда. Қишлоқ темирчисининг нозик ва ихтирочилик жиҳозларини мириқиб то-моша қилиш мумкин. Қаранг; сочтароғидан тортиб, то гилам тўқувчининг тароғигача турибди. Йўнғичка бедасини ўрадиган ўроқми, тут шохларни қирқишга мўлжал-лаб ясалган дасткалами, мол боғлайдиган темир қозикми — дўконлардан осонликча топилмайдиган ашёларнинг бари шу ерда.

Ҳар хил эгарлар худди кўрғазмадагидек қаторлаштириб қўйилган. От эгари, эшак эгари, чавандозлик эгари. Бу эгарлар чи-ройли, уларга юмшоқ қизил саҳтиён тери қопланган. Чопқир от эгар-жебдуги эса, қўйма тунж ва миқ узангилар кандакорлик нақшлари билан безатилган.

Бозорнинг от-улов абзалига сероблиги тасодифий ҳол эмас. Ахир, Чиял бозори Чироқчи қўлининг марказида жойлашган. Чироқчининг чавандозлари яқин-яқингача

пойга ва кўпқариларда донг таратган эди. Хусусан, Қашқадарё машҳур учқур тулпор — қорабайир маскани. Афсонавий учқур отнинг ватани — Қорабайир қишлоғи Чиял бозоридан эллик чақирим нарида, Косон йўлидадир. Қишлоқ ҳамон мавжуд, қорабайир зотли отлар эса, минг афсуски, бу жойларда оз қолди. Ажойиб эгарлар, уларни ясайдиган усталар йилдан-йилга камаймоқда.

Ёшлар борган сайин кўпроқ техникага интилиб, усталар санъати сирларини эстафетадек қабул қилиб олишга унчалик хоҳиш билдирмайдилар. Бозор дарвозасида турган трактор, аравали трактор, автомобилларга эгар уриб бўлмайди, албатта. Эгарлар чинакам санъат асарининг ўзгинаси, эгарқоши мағрур оққушнинг бўйни каби қайрилган. Унда ўтириш ўнғай ва қулай. Лекин чавандоз қани?! Бу мавзунинг ниҳояси йўқ, бу ҳақда сўз юритишнинг ўзи ҳам қайғули.

Қўлда ўрилган қамчилар эгарларга ёндош ётибди, уларни ўриш — бутун бир санъат. Бузоқнинг пайдан ўрилган чиройли нақшлари ўзига хос, жимжимадор. Пайлар ўрама қайишади, буралади, дастаси эса узоқ вақт кунжут ёки зиғир ёғида тезоб бериб бўялади. Энг яхши қамчи дастаси тошдан мустақкам, камон ипидан тараңг, камон ўқидек тўғри бўлади. Бунга эришиш учун улар бир неча йил шундай ёғларга солиб қўйилади.

— Қамчи савалаш эмас, отни бошқариш, қичаш учун керак...

Юзини ажин босган кекса киши шундай дея жилмайиб, молини менга кўз-кўз қилди:

Рўзғор анжомлари, ёғоч идишлар — қошиқ, чўмич, коса, товоқ, лаган сотаётганлар харидорларни ўз қаршисида бир дам тўхташга таклиф этишади. Қўшни растадан куллар жой олган. Улар ёзининг иссиғида сувни салқин сақлайдиган хумлар, кўзалар,

пиёла ва лаганларини сотиб олишга ундайди. Бу ерда пақирнинг ҳажмидан чоғроқ гулдонлар ҳам бор. Куллар замонининг талабига қараб мол тайёрлайдилар. Фантазияси нечоғли кенг бўлмасин, улар миллий шакллар доирасидагина ижод қиладилар. Ана шу хунармандларнинг хизмати тўғрисида миллий шаклларда ўз ифодасини топаётган халқ донишмандлиги ҳамон яшаб келяпти.

Хива ва Самарқанд саройлари нима? Булар — тарихнинг тилсиз гувоҳлари. Чиял бозори бўлса тирик тарих. Бу ерда этнографлар, санъатшунослар учун материал етарли, рассомлар учун ҳам ошиб-тошиб ётибди, ёзувчи ва шоирлар учун эса баъзи мисоли сирлар уммони, афсоналар ҳазинаси. Сира ўхшаши йўқ бу Чиял бозоридан бой таассурот олиб қайтасиз. Бу ерда ҳамма нарса кинематографияга монанд. Йигирманчи аср гўё ўн саккизинчи аср билан қўшничилик қилади.

Чиял бозори!.. У ҳақда батафсил сўзлаб бериш қийин. Уни кўз билан кўриш керак. Чехраларнинг бетакрор галереяси! Уларни кўриб қолишга ошиқиш керак. Ахир, улар ортга қайтмас бўлиб кетиб қолиши мумкин, вақт шафқатсиз...

Чиял бозорига биринчи мартаба келган эсам-да, бозорчиларнинг бари менга таниш: кекса ва ёши улуғ кишилар бўлиб туюлди. Улар бу ерга гўё ўз ўтмишлари билан учрашгани келадилар. Бу одамларнинг ён-верини ҳамиша янги муҳит қуршаб туради, Чиял бозорида эса анча қадимги нарсаларга дуч келиши мумкин. Болалик ва ёшлик билан учрашишни ким истамайди дейсиз.

Чиял бозори, айна маҳалда, биз ва замондошларимизга зарур бўлган, ўз турмушимиз ва ҳаётдаги ўрнимизни англашимиз учун ўтмишни ўзида собит сақлаб турган вақтнинг рангин товланувчи чарх-палагидир.



Алекс Ла Гума

## БИР ҚУЛТУМ ҚАҲВА

Ҳикоя

**М**ашина тонгги кумушранг туманлик пардасини қийинчилик билан ёриб борарди. Лекин, бу тасаввур алдамчи — машина тезлиги ниҳоятда катта эди. Тош йўл чеккаларидаги сийрак бутазорлар бир-бирига тутшиб, машина ойнасидан поёни йўқ тасмадек бўлиб кўринарди. Бу ерларда на бир тепалик, на бир дарахт, на бир рорта уй бор эди. Йўл четида ора-чора учраган флюгерлар<sup>1</sup> унумсиз ва қумлоқ ернинг хароблигига янада аянчли тус бағишларди.

Орқа ўриндиқ бурчагида, чамадон ва тўр, целлофан халталар орасида қислиб ўтирган қизча:

— Ойи, бутерброд егим келяпти, — деб ялинди.

Бу олти яшар қизчанинг исми — Зайда. Агар унинг ёшида сиз ҳам машинада узоқ сафарга чиққудек бўлсангиз, қаршингизда намоён бўлаётган янги дунёдан, ажиб манзарадан кўзингизни узолмаган бўлардингиз. Аммо, Зайданинг нигоҳи аллақачон олдинги ўриндиқ-

Редакциядан:

*Жанубий африкалик ёзувчи Алекс Ла Гума 1925 йилда Кейптаун шаҳрида туғилган. Ёшлигидаёқ ирқчилик ва зўравонликка қарши курашчилар сафига қўшилади. 1956 йилда ирқчилар ҳокимияти томонидан қамоққа олинади. Унинг биринчи романи — «Тундаги дарбадарлик» ёзувчининг ҳаёт йўлини акс эттирган. 1962 йилда босилиб чиққан мазкур роман ва авторнинг «Уч қайта чигаллашган тугун», «Тош мамлакат», «Ёмғир мавсумининг сўнгида» китоблари уни дунёга танитди. Алекс Ла Гуманинг кўпгина асарлари рус тилига таржима қилинган. Осиё ва Африка ёзувчилари Ассоциациясининг Бош секретари Алекс Ла Гума бир неча бор мамлакатимизда, хусусан республикамизда меҳмон бўлган. Унинг мазкур «Бир қўлтум қаҳва» ҳикояси Халқаро «Нилуфар» мукофотида сазовор бўлган.*

<sup>1</sup>Чексиз даштларни кесиб ўтган катта йўл четига қўйиладиган шамол йўналишини кўрсатувчи асбоб. Бу асбоб ёрдамида саҳрода бўлиб турадиган қуюнларни билиб олиш мумкин.

нинг суянчиғига қадалган, ундаги болаларча қизиқиш ўрнини чарчоқ ва очлик эгаллаган эди.

Машина рулини бошқараётган аёл ўткир нигоҳини олис-олисларга тикиб борар, уфққа тутатиб кетган асфальт йўл уни толиқтириб қўйган эди. Шунинг учун у қизининг илтимосига дарров жавоб қила-қолмади. Бир оздан кейин:

— Тўрхалтадан олақол... Узинг ола биласан-ку, а?— деди ҳорғин товушда, сўнг ўғлига қаради.— Рэй, сенинг қорнинг очмадимми?

— Йўқ, очикмадим,— унинг ёнида ўтирган бола онаси томон ўгирилмай жавоб қилди. У атрофни томоша қилишдан, бошини машина ойнасидан ташқарига чиқариб, юзини қуруқ ва иссиқ дашт ша-молига тутишдан зерикмаганди.

— Кейптаун ҳали узоқми?— деб сўради Зайда тамшаниб.

— У ерга эртага эрталаб етиб борамиз,— деб жавоб қилди онаси.

— Дадам бизларни кутиб оладиларми?

— Албатта.

Юзи, қовоқлари ва очиқ елкаларига иссиқ шабада келтириб ура-ётган қум зарралари унинг ғашини қўзғарди.

Улар дам олиш учун ўтган тунда кичик шаҳарча чеккасида тўх-ташганди. Ҳамма меҳмонхоналар фақат оқ танлилар учун эди. Ви-лоятнинг бу қисмида аёлнинг бирорта ҳам таниши йўқлиги ва тунаш-га жой топиш мушкуллигидан машинада ухлашга мажбур бўлишди...

— Ойи, қаранг, анави ғалати қушнй!— Бутун йўл давомида уч-раган ягона жонли мавжудот болани ҳайратга солган ва у қушнинг яшин тезлигидаги парвозини назардан қочирмасликка интиларкан, қаттиқ бақариб юборди.

Аёл уни эшитмади, у беихтиёр, лекин авайлаб педални босаркан, вужудидаги толиқишни енгигиша ҳаракат қиларди. У болалари, эрйни ўйларди. «Поездда келсак бўларкан... Болалар жуда қийналишди... Аммо Билли...» Билли ўз хатида хизмат юзасидан кўп сафарда бў-лишини, машина жудаям зарурлигини ёзган эди.

— Ойи, қаҳва ичсам майлими?— сўради Рэй онасига қараб ва саволига жавоб кутмай, орқа ўриндиқдаги термосли флягани қўлига олди. Рэй сафар давомида ўзига зарур баъзи майда-чуйда ишларни мустақил бажаришга ўрганганди.

— Мен ҳам, мен ҳам қаҳва ичаман!— Зайданинг илтижолли ово-зи эшитилди.

Рэй термоснинг бурамали қопқоғини очиб, унинг ичига қаради. Сўнг, тўсатдан бақрайганча онасига тикилиб қолди:

— Қаҳва қолмабди-ку!

— Чанқадим, чанқадим! Қаҳва ичаман!— Зайда хархаша қила бошлади.— Чанқадим!

Қуёшнинг оташ гардиши оч-мовий, чексиз осмонда сузиб борар, еру кўкни беаёв қиздирарди.

Иссиқдан лоҳасланган аёл мудраган, пуч ёнғоқдек карахт мия-сига ҳеч нарса сигмайдиган бир кайфиятда машинани ҳайдаб бо-рарди.

— Қаҳва ичгим келяпти.— Зайда ютиниб, яна ғингишиди.

— Сотиб оламиз,— деб жавоб қилди она босиқлик билан.— Ал-батта, сотиб оламиз. Бирорта қаҳвахона ёки магазин учраса термос-ни қаҳвага тўлдириб оламиз. Бир оз чида. Яна бутерброддан олиб е!

— Емайман, чанқадим!

...Машина тош йўл билан темир йўл кесишган жойдан ўтиб, ве-лосипед минган қора танли йигитчага йўл берди. Сўнг станция меҳ-монхонаси томон бурилиб, унинг қаршисида тўхтади. Меҳмонхона ёнида қатор магазин ва дўконлар кўринди, уларнинг рўпарасидаги панжара ортида соябонлар тагидаги стулларда юзлари, баданлари офтобда қорайган, дашт шамолида чиниққан оқ танли эркаклар муз-

дск ичимлик ичиб ўтиришарди. Рулда ўтирган қора танли аёлга ногоҳ назарлари тушиши ҳамон, кўзларида нафрат алангаси ёнди...

Машина ортида енгил чанг қолдириб, қизил тош ётқизилган катта йўлга кескин бурилди.

— Бу қанақа жой, ойи? — оҳиста сўради Рэй.

— Билмайман, — она ички бир титроқ билан жавоб қилди, — оддий, кичик шаҳарча, холос.

— Бу ерда қаҳва бўладими?

— Албатта, бўлади. Агар сизлар одоб сақлаб ўтирсангизлар ўша замон қаҳва муҳайё бўлади. Балки, қаҳва ўрнига бирорта муздек ичимлик ичарсизлар?

— Йўқ, муздек ичимликдан кейин одам яна чанқайди, — деди Рэй.

— Жудаям кўп қаҳва ичгим, қанд егим келяпти, — деди Зайда тамшаниб.

— Хўп майли. Етар, жим ўтиринглар, одамни чарчатиб юбординглар!

Она олдинда қаҳваҳона биносини кўриб, машинанинг тезлигини оширди.

Қаҳваҳонанинг автомобиллар тўхтайдиган жойида бир кичкина уй бўлиб, у шаҳарчанинг қора танли аҳолисига маиший хизмат кўрсатар эди. Қора танли ялангоёқлар ўша уй дарчаси атрофида уймаланишар, гоҳи-гоҳида бошларини дарчадан тикиб, ичкарига мўралашарди. Лекин, қаҳваҳона хизматчиси уларнинг ҳузурига келишни хаёлига келтирмасди.

Аёл машинани қаҳваҳона қаршисида тўхтатди. Қаҳваҳона ичкарисидан қандайдир куй таралиб турар, деразалардаги пардалар топ-тоза эди.

— Қани, менга термосни олиб бер-чи, — деб у ўғлига юзланди ва машина эшигини ёпаркан, қўшимча қилди, — шўхлик қилмасдан ўтиринглар! Мен тезда қайтаман...

Қаҳваҳона зали салқин ва осойишта эди. Аллақердан қовурилаган картошканинг иштаҳани кўзгатувчи ҳиди димоққа уриларди. Пештоқдаги электр вентилятор бир маромда айланади. Рўпарадаги устун ёнида иккита катта куб — қозонларнинг бирида чой, бирида қаҳва шакиллаб қайнамоқда. Қаҳваҳонада бурнини дам-бадам тортиб, новот шимаётган оқ танли боладан ўзга харидор йўқ, залнинг ўнг бурчагидаги ойнаванд тўсиқ ортида бир семиз аёл ҳисобот варақаларининг кичик боғламини эринчоқлик билан варақлаб ўтирарди. У бошини оғир кўтарди, залга кириб келган аёлнинг мақсадини билиш учун саволга оғиз жуфтлаган ҳам эдики, нигоҳи ҳиндининг қора баданига тушди. У ғазабнок, нафратли кўзлари билан аёлга еб қўйгудек тикилди.

— Илтимос, термосимни қаҳвага тўлдириб берсангиз. Болаларим ташналикдан қийналишяпти, — деди ҳинди аёл босиқлик билан.

Семиз аёлнинг нафрати кўзиб кетди.

— Қаҳва?! Э, парвардигорингдан-эй... Қораялоқ, шайтонбашара...

У қорамағиздан келган чиройли чехрага, бежирим қора кўзойнакка, шаҳарликлар киядиган жигарранг кастюмга қисик, ҳасадли кўзларини қадади:

— Қораялоқ, диндан қайтган келгинди, дарбадарлар, ҳали сен бу ернинг тартиб, қондасини билмайсанми?! Билмасанг, билиб қўй, ахир инглизчада вайсашга устаси фаранг экансан-ку!

Кутилмаган ҳақоратдан довдираб қолган ҳинди аёл бир неча дақиқа қаҳваҳона бекасига тикилиб қолди. Сўнг ўзини тутолмай, алам билан бақирди:

— Лаънати оқ гўрсўхта, ўзинг шайтонбашарасан!

Аёл ўзини идора қилолмай, қўлидаги термосни шиддат билан қаҳваҳона бекасига отди.

Бека ўкирганча, қўлларини қон сизиб чиққан даҳанига босди.

Кичкина бола кўрққанидан қўлидаги новвотини тушириб юборди ва йиғлаганча ташқарига отилди. Қаҳва олиш ниятида дарича олдида турган қора танли харидорлар нарироқ кетишди.

Ҳинди аёл орқасига кескин бурилиб, жаҳл билан қаҳвахонадан чиқди. Қаҳр-ғазабдан юзлари оқариб, йўлакни кесиб ўтиб, машина эшигини шиддат билан очди. Автомобилни ўрнидан жилдираркан, тўхташ жойининг четида тўпланиб турган қора танлиларнинг унга ҳайрат билан тикилаётганларини кўрди. У ҳаяжондан бир оз титраётган қўллари билан рулни маҳкам тутди ва газни қаттиқ босди. Кутилмаган ҳаракатдан автомобиль олдинга ўқдек отилди. Ҳинди аёлни асаби тараф тортилганидан нозик бармоқлари титрар, пешонасини тер қоплаган эди.

Вақт ўтиши билан у аста-секин ўзига келиб, хотиржам тортиди. Лекин бу хотиржамлик вужудидаги чарчоқни, ҳаяжонини яққол сездириб турарди. Унинг юраги ҳамон бесаранжом урарди.

Шаҳарчадан чиқиб кетгунларигача болалар чурқ этмай ўтиришди. Ҳамма жим эди.

— У ерда қаҳва йўқ эканми?— уларни исканжага олган жимликни Рэйнинг маъсум овози бузди.— Термосимиз қаерда қолди?

— Йўқ экан,— жавоб қилди она,— қаҳвасиз ҳам кунимиз ўтар, деб ўйлайман.

— Жудаям қаҳва ичгим келаятувди,— деди кичкина Зайда ўтирган жойида зорланиб.

— Чиданглар ахир! Мен ҳам жуда чарчаганман,— деб ўтинди онаси,— бирпас жим бўлинглар, илтимос!

— Термосни йўқотиб қўйдингизми?— яна сўради Рэй.

— Бўлди бас...— деди оҳиста онаси. Орага яна сукунат чўкди. Фақат моторнинг овози ва шиналарнинг шиғиллаши бу жимликни бузарди.

Улар шаҳарчанинг сўнгги бинолари: чанг босиб ётган бензоколлонка, техник хизмат кўрсатиш станцияси, қушлар учун қурилган қўноқлар ва тўртўсиқли тахтадан қад кўтарган омборхона олдида ўтиб кетишди.

— Дадам бизларни ҳам сафарга олиб чиқадиларми?— Рэй онасининг ҳозирги кайфиятини сезган, унинг бу саволи кўпроқ синглисига тегишли эди.

— Албатта, олиб чиқадилар,— деб жавоб қилди қизча,— автомобилимиз Айка амакиниқидан яхши!

— Саёҳатга олиб чиқсалар зўр бўларди-да! Боя кўрган қушимиз ёдингдами? Қанийди уни яна бир марта кўрсак...

— Ойижон, яна қаҳвахона учраса сотиб оламизми?— Зайда дилидаги саволни беришдан ўзини тиёлмади. У ниҳоятда чанқаганди.

— Албатта, қизим, шароитга қараймиз.

У олдинда йўл тўсиб турганларни кўриб, машина тезлигини кескин пасайтирди. Ойналарига панжара тутилган, «лэндровер»— полиция фурғони ва устини чанг қоплаган енгил автомобиль йўл ўртасида кўндаланг турарди. Улар орасидан битта машина зўрға ўта оларди, холос.

Уларнинг олдида кетаётган автомашина текширувдан бемалол ўтди ва полициячи уни тўхтатмай, қўли билан «ўтавер» деган ишорани қилди.

Воқеа аёлни хавотирга солди, юраги бетоқат ура бошлади, шундай бўлса-да, оёғини газ педалидан олмади.

Чарм фуражканинг ялтироқ соябони остидан унга навқирон, офтобда қорайган чеҳра кулиб қараб турарди. У пистолет солинган филофни ёнбошига суриб, ҳамкасабалари томон ўгирилди:

— Худди ўшанинг ўзи!

Фургон машина устида тиззаларига автоматини қўйиб ўтирган полициячи ўрнидан турди. Лекин тезда улар ёнига келиш ниятидан қайтди. Енгил автомашина рулида ўтирган полициячи ҳам ўткир

нигоҳини ҳинди аёлга тикди. Бир эмас, уч жуфт кўкиш, газабнок кўз уни таъқиб остига олганди.

— Биз сизни кутиб турибмиз,— деди биринчиси сохта кулги билан,— бу ерга қўнғироқ қилиш мумкинлигини, балки ўйламагандирсиз!

Кўзлари даҳшатдан мўлтиллаган болалар чурқ этмай, жойларида қисинишиб ўтиришарди.

— Нима гап ўзи?— она бетоқатлик билан сўради.

— Нима гаплиги ўзингизга аён бўлса керак, шундайми?— кесатик билан таъкидлади полициячи ва ўша замон унинг муомаласи жиддийлашди.— Қора бадан, қора кўзойнак, жигарранг костюм... Ҳаммаси мос келяпти! Сиз қамоққа олиндингиз!

— Нима гап ўзи? Нима учун?— такрор сўради она ҳаяжон билан. У кўпроқ болаларидан ташвишланарди.

— Ҳеч нима! Борганда биласиз!— деди полициячи совуқ оҳангда.— Қолаверса... Қора сафсатабозлардан бири бу ерларнинг сувини лойқалатиб юрибди... Майнавозчиликни бас қилиб, машинани орқага бурилинг!

Аёл индамади.

— Яхши... Билиб қўйинг! Анави автомобиль олдингизда, биз эса орқангиздан кузатиб борамиз.

— Бизни қаерга олиб бормоқчисиз? Болалар билан Кейптаунга кетяпмиз ахир.

— Қаерга кетаётганингиз билан ишим йўқ,— кескин жавоб қилди у,— қилгиликни қилдингизми, марҳамат қилиб, жавобини ҳам беринг!

Полициячи енгил автомашина томон ўгирилиб, шофёрга қўл силтади. Автомобиль аёл бошқараётган машина орқасига ўтиб тўхтади.

— Мана шу автомобиль ортидан борасиз.

Аёл индамай машинасини орқага буриб, кўрсатилган ерда тўхтатди.

— Яна найранг қилишга урина кўрманг!— деб таъкидлади аёлга фургонга ўтираётган бояги полициячи.

Аёл қаҳрли кўзларини унга қадади, сўнг машинани ўрнидан жилдирди.

— Қаерга кетяпмиз, оий?— қўрқибгина сўради Зайда. Она уни тинчлантирди:

— Қўрқма, жимгина одоб сақлаб ўтир!

Яна уларнинг рўпараларида чексиз мовий осмон бўм-бўш турар, қизғиш, унумсиз қумлоқ ер ястаниб ётар эди.

— Афсус... Қанийди ҳозир бир қултум қаҳва бўлса,— деди Зайда оғир хўрсиниб...

Русчадан МУЗАФФАР таржимаси



Ҳамдам Содиқов

# ЁДГОРЛИКЛАР ҲИКОЯСИ

## Иккинчи ҳаёт

**М** аҳаллий аҳоли «ярим подшо» деб атаган Туркистон генерал-губернатори Константин фон Кауфман Тошкентда ўн тўрт йил яшади. Россия императорининг Туркистондаги ноиб бўлган бу генерал ўлкани рус империясининг мустаҳкам мустамлакасига айлантириш бобида кўп иш қилди. Худди шу фон Кауфман император Александр II шарафига Тошкентнинг номини Александроград деб ўзгартириш тўғрисида ҳарбий министрликка мурожаат қилган эди.

Генерал Кауфман империя пойтахти Петербургни эслатувчи манзарани Тошкентда ҳам бунёд этишга киришган. Шу мақсадда 1872—1873 йилларда Тошкент шаҳрини кенгайтириш ишлари бошланди. Тез орада шаҳар марказида буюк князь Константин номи билан аталган хиёбон вужудга келди. Шаҳарни марказдаги хиёбондан нурсимон тарзда планлаштириш Петербург планидан кўчирма бўлиб, бу услуб Урта Осиёда биринчи марта — Тошкентда қўлланилди.

Тошкентнинг бош архитектура — планлаштириш маркази бўлмиш собиқ Константин хиёбони — эндиликда Революция хиёбонига осмондан туриб назар ташласангиз, айланма магистраллар кесиб ўтадиган проспектлар бамисоли нур каби таралганини кўрасиз.

Хиёбонни ободонлаштириш ишлари 1898 йилда тугалланди ва у янги шаҳардаги рус амалдорлари, буржуазиянинг оромгоҳига айланди. Тошкент ҳаётидаги муҳим воқеалар, турли оммавий-сиёсий тадбирлар худди шу Константин хиёбонида ўтказилар эди. Туркистон қишлоқ хўжалиги ва саноати кўргазмалари ҳам шу ерда ташкил қилинган.

1917 йил октябрида қуролли қўзғолон кўтарган ишчи ва солдатлар контрреволюциянинг сўнги таянчи — Тупроққўрғонга ҳужум олдидан Константин хиёбонидан ўтган эдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси хиёбон тарихида янги саҳифа очди. У Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Революция хиёбони деб атала бошлагани бежиз эмас. Айни шу жойда, марказий хиёбонда революция бўронлари йилларида оммавий митинглар бўлиб ўтган. 1918 йил 1 майда эса Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси эълон қилиниши шарафига шу хиёбонда байроқ кўтариш маросими бўлди. У қизил байроқлар, лола ранг алвонлар, транспарантлар, Карл Маркс сиймоси туширилган паннолар, кўм-кўк шодалар билан безатилди. Уша куни Тошкент меҳнаткашлари бутун Туркистон меҳнат аҳли билан бирга бирданига икки шонли воқеани нишонладилар: бутун дунё меҳнаткашларининг халқаро пролетар бирдамлиги куни Урта Осиё халқларининг эркин миллий Совет Социалистик Республикасини барпо этиш йўлидаги биринчи куни бўлиб қолди.

Улуғ Ватан уруши йилларида хиёбонда «ЎзТАГ ойнаси» агитация плакатлари намойиш қилинган. Шу ерда Совет Информация бюросининг ахборотини тинглаш учун ҳар куни юзлаб кишилар радиокарнайлар ёнига йиғилишар эди. Урушдан кейин 1947 йилда хиёбон ёнида халқнинг буюк жасоратидан хотира сифатида, ғалаба шарафига Тошкент куранти қурилди. Курантга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган тошкентликларнинг номлари ёзилган ёдгорлик лавҳа ўрнатилди. 1968 йил 5 майда пролетариатнинг буюк доҳийси Карл Маркс туғилган куннинг 150 йиллигида Революция хиёбонининг марказий қисмида, гиламдек ранг-баранг гуллар ўртасида унинг монументи ўрнатилди. Қадимий чироқ асосини эслатувчи баланд супачадаги Карл Маркснинг улуғвор ҳайкали инсониятга олов инъом этган афсонавий Прометейни ифодалайди.

Тошкентликларнинг ҳордиқ чиқарувчи кўркам ва сўлим оромгоҳи — Революция хиёбонидаги Тошкент курантига эътибор беринг-а!

У кўхна, лекин доимо навқирон шахримиз тарихида очилган янги давр саҳифаларини варақлайди. Унинг миллари социализмнинг Шарқдаги машъали, ҳур республикамиз пойтахтининг порлоқ истиқболи сари чопаверади.

## Ишчилар қалъаси

Ўтган асрнинг охирларида подшо ҳукумати Туркистонни империя марказига яна ҳам чамбарчас боғлаш мақсадида Урта Осиё темир йўлини кўрди. Бу темир йўл ўлка боикларини ташиш ва уни асоратда сақлаш, тегишли ҳарбий қисмларни келтиришга қўлайлик тўғдирадди. Рус капиталистлари, дворян-помешчиклари учун ўлкани арзон хом ашё манбаига айлантиришга хизмат қиларди. Аммо пўлат излар чоризм истагига қарама-қарши бошқа бир тарихий вазифани ҳам бажарди. Темир йўллар Урта Осиёга инқилобий ғояларни олиб кирди.

1900 йилда Тошкент бош устaxonаси барпо этилганда мустамлакачи маъмурлар бу корхонанинг Тошкентдаги барча революцион ҳаракатлар марказига айланажагини, ҳудди шу даргоҳдаги ишчилар чоризм мустамлака режими илдизига болта уришини қаяқдан билибди дейсиз!?

Туркистондаги революцион ҳаракат айна шу ердан бошланди. 1904—1905 йилларда Бош устaxonада дастлабки социал-демократик тўғараклар ва группалар ташкил этилади. 1904 йилда ишчилар биринчи намоишда қатнашадилар.

Биринчи рус революцияси йилларида устaxonа Туркистон большевистик ташкилотларининг ўзагига айланади. Ишчилар митинг ва намоишлар, забастовка ва иш ташлашлар ўтказишди. Шу устaxonада, 1905 йил февралда, Тошкентда биринчи ишчилар забастовкаси ўтказишга муваффақ бўлинди, ишчилар орасидан сайланган стачка комитети эса 1905 йилнинг октябрь—ноябрда темир йўлнинг ҳақиқий хўжайини бўлди. 1906 йилнинг май—июнида ўтказилган ва ишчиларнинг ғалабаси билан якунланган бир ойлик забастовка Бош темир йўл устaxonаси ишчилари матонати ва уюшқоқлигининг улўғвор тимсоли бўлди.

Бош устaxonада ишлаган саботли большевиклар, коммунизм иши учун мард курашчилар — А. Я. Першин, Н. В. Шумилов, В. С. Ляпин, А. А. Казаков, Д. И. Манжара қабилар ишчилар ва меҳнаткашлар орасида революцион иш олиб бордилар.

Устaxonа ишчилари бутун Туркистонга таъсир ўтказа бошлаган Тошкент большевикларининг асосий таянчи эди.

Улар Февраль революцияси билан Октябрь революцияси ўртасидаги даврда маҳаллий ишчилар ва солдатларнинг буржуа Муваққат ҳукуматининг халқ манфаатларига зид сиёсатига қарши кўпдан-кўп революцион ҳаракатларнинг ташаббускори бўлдилар. Масалан, 1917 йил 30 апрелда устaxonа ишчилари Туркистон комитети раиси лавозимида Муваққат ҳукумат сиёсатини ўтказган кадетлар партиясининг раҳбарларидан бири «Шчепкин фаолиятига тўла ишончсизлик билдиришга» қарор қилдилар. Ишчиларнинг зўр ғайрат билан қилган ҳаракатлари натижасида, Шчепкин истеъфога чиқишга мажбур бўлди.

Бош темир йўл устaxonасининг большевиклар ташкилоти кучли эди. Шу ташкилотнинг тақлифи билан корхона ишчилари 1917 йил августдаёқ ҳокимиятни дарҳол Советлар қўлига олиш тўғрисида резолюция қабул қилдилар. Сентябрь ойида большевикларнинг даъвати билан Тошкентда генерал Коровиченко қўмондонлигидаги жазо экспедициясининг келишига қарши норозилик билдирилиб, яппи иш ташлаш бошланган пайтда (20—27 сентябрь) устaxonа ишчилари биринчи бўлиб ишни тўхтатдилар. Улар кетидан трамвайчилар, матбаачилар ва бошқалар ҳам забастовка бошладилар.

Тошкент большевиклари омманинг кучайиб бораётган революцион жўшқинлигига таяниб, қуролли кўзғолонга актив ҳозирлик кўрдилар.

Петроградда ишчилар ва солдатларнинг қуролли кўзғолони ғалаба қозонгани тўғрисидаги хабар 27 октябрь куни Тошкентга етиб келди. Эртаси куни, 28 октябрда, эрталаб соат 6 да темир йўл устaxonасининг тревога гудогига мувофиқ Тошкентда кўзғолон бошланди. Бош устaxonа қуролли кўзғолон штаби, маркази «Ишчилар қалъаси» бўлиб қолди.

Устaxonада кўзғолонга раҳбарлик қилувчи Революцион комитет тузилди. Бу комитет партия ташкилотларининг, Тошкент Советининг, темирйўлчи ва солдат комитетларининг вакилларидан иборат эди. Механика цехининг тоқари, Тошкент Советининг аъзоси, большевик В. С. Ляпин Ревком раиси қилиб сайланди.

Ишчилар 1-Сибирь запас ўқчи полкининг устaxonа яқинида жойлашган омборидан қурол-ярғоқ олишди. Икки кун — 28 ва 29 октябрь мобайнида ишчилар юнкерлар билан казакларнинг ҳамма ҳужумларини муваффақиятли қайтариб турдилар. Устaxonа ҳақиқатан ҳам Муваққат ҳукумат қўшинлари ўтолмайдиган қалъа эди.

30 октябрда революция қуролли кучларининг шаҳар марказий районларига қатъий ҳужуми бошланди. Шу куни армия сафидан бўшаган еттисувлик 600 солдат Тошкентнинг кўзғолон кўтарган ишчи ва солдатларига келиб қўшилди, улар орасида большевиклар катта тушунтириш ишлари олиб борган эдилар. Туркистон ўлкасининг ҳамма томонларидан Тошкент Совети Ижроия Комитети номига бирдамлик изҳор этилган телеграммалар келиб турди. Революцион қўшинларнинг сафлари тўхтовсиз ўсди. Шу кунгек ўзбек ишчилари дружинаси «Ишчилар қалъаси»га етиб келди, бу дружина Ўзбекистонда социалистик революциянинг ғалабаси учун курашда актив қатнашди.

1917 йил 1 ноябрь куни Тошкент Совети бутун ҳокимият Советлар қўлига ўтгани тўғрисида ўлкадаги барча Советларга телеграф орқали хабар қилди.

Тошкентдаги Октябрь қуроли кўзғолонининг муваффақияти аввало большевикларнинг зўр тайёргарлик иши, улар Лениннинг қуроли кўзғолон тўғрисидаги таълимотини амалда моҳирона қўллагандликлари, кўзғолон кўтарган ишчилар ва солдатлар маҳаллий аҳоли оммаси билан бошлашганлиги, кўзғолон қатнашчиларининг қаҳрамонлиги ва матонати, ўлкадаги бошқа шаҳарлар меҳнаткашларининг актив ёрдами билан таъминланди.

Гражданилар урушининг даҳшатли йилларида Бош устaxonа Совет ҳокимиятининг мустаҳкам таяничи бўлиб турди. Бу ерда Қизил Армия қисмлари учун ўқ-дори ишлаб чиқарилди. Советларга қарши 1919 йилги исённи бостириш вақтида устaxonанинг «Ишчилар қалъаси» сифатидаги роли яққол намоён бўлди.

Совет ҳокимияти йилларида собиқ темир йўл устaxonаси Совет Ўзбекистонининг йирик индустриал корхонасига айланди. Завод ишчилари революцион анъаналарни муқаддас билиб, ардоқламоқдалар. Контрреволюциянинг таянч нуқталарини ўққе тутган олти дюймли тўп турган жойда ишчилар 1924 йил 7 ноябрь куни ўз қўллари билан В. И. Ленин ҳайкалини ўрнатдилар. Бу улуг йўлбошчининг Урта Осиёдаги биринчи бюсти эди.

Ер куррасини ифодаловчи пойдеворга квадрат тарзида жойлаштирилган ва поршенлар, ричаглар ҳамда регуляторлар билан ўзаро боғланган саккиз жуфт паровоз гилдираги ўрнатилди. Поршенлар пролетариатнинг ҳаракатлантирувчи кучи, гилдираклар — тарихнинг юриши, ричаг ва регуляторлар — революцион кураш йиллари рамзи эди. Иншоот устига В. И. Ленин бюсти қўйилди.

1927 йилда бюст ўрнига йўлбошчининг ганчдан ясалган ҳайкали тикланган.

1966 йил 26 апрель зилзиласи вақтида ҳайкал шикастланди. 1966 йил 4 ноябрь куни завод ишчилари В. И. Ленин ҳайкалини учинчи марта очдилар. Рассом Л. М. Торич — Трапезников лойиҳаси асосида икки метрлик бронза ҳайкалини Ленинград усталари ва ишчилари қўйиб юборишган эди. Завод биноларидан бирига ўрнатилган ёдгорлик лавҳаси қуроли кўзғолонга раҳбарлик қилган Ҳарбий-революцион комитет шу ерда мажлис ўтказганлигидан дарак беради.

1920 йил 6 сентябрда Бош темир йўл устaxonасига М. В. Фрунзе келиб, ишчилар митингида нутқ сўзлади. Шу воқеа шарафига М. В. Фрунзе бюсти ва ёдгорлик лавҳа ўрнатилган.

Завод территориясида Улуг Ватан урушига бағишланган ёдгорлик барпо этилган (бу ерда С. Раҳимов бюсти ўрнатилган ва у цехлардан бирининг ишчилари рўйхатига абадий ёзилганлиги тўғрисидаги ёдгорлик лавҳа қўйилган, урушда ҳалок бўлган ишчилар обидаси қурилган).

Заводда революция ва меҳнат шўхрати музейи очилган.

## Қутлуғ зиёратгоҳ

Туркистон ўлкасининг бошлиғи — генерал-губернатор фон Кауфман бир вақтнинг ўзида Туркистон ҳарбий округи қўмондони ҳам эди. Унинг буйруғи билан 1868 йилда ҳарбий парадлар учун майдон барпо этилди. Бу майдон рус қуролининг Урта Осиёда эришаётган ғалабаларини нишонлаган кўпдан-кўп парадларнинг гувоҳи бўлди. Генерал-губернатор округ офицерлари билан бу майдонда ҳарбий қўшинлар жағовар тайёргарлигини кўриқдан ўтказган. Дабдабали намоишлар орқали рус қуроли қудратини кўз-кўз қилган.

Октябрь революциясининг ғалабасидан сўнг бу ҳарбий майдонча Қизил майдон номини олиб, кўп кишилик митинглар, парадлар ва халқ сайиллари ўтказиладиган жой бўлиб қолди. Шаҳарни қайта қуришнинг бош планига мувофиқ 1930 йилда архитектор С. Полупановнинг лойиҳасига биноан губернаторнинг уйи ўрнида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг биноси қурилди.

СССР Советларининг II съездида қабул қилинган қарорни бажариш юзасидан Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети, 1934 йил 24 январда майдонда В. И. Лениннинг монументал ҳайкалини ўрнатишга қарор қилди.

1936 йил 15 ноябрда Қизил майдонда Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети биноси олдида Ўзбекистон Советларининг VI Фавқулодда съезди делегатлари иштирокида В. И. Ленин ҳайкали очилди. Ҳайкал В. И. Ленин ҳаёт чоғида уни кўриш ва расмини чизишга мушарраф бўлган кишилардан бири — москвалик ҳайкалтарош профессор Б. Д. Королев лойиҳасига биноан яратилган эди.

Ҳайкалга Ленин — нотик деган асосий ғоя сингдирилган бўлиб, шу ғоя монументнинг тегишли композициясини ҳам белгилаб берган эди. Гавданинг қатъий туриши, ҳаракатларнинг кескинлиги, Лениннинг олға интилган қўли ва танаси — Б. Д. Королев композициясининг ўзига хос хусусиятлари эди.

1952—1954 йилларда майдон яна қайта қурилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг биноси деворлари ўзбек архитектураси унсурларига мувофиқ безатилди.

В. И. Ленин ҳайкали Урганчга олиб бориб ўрнатилиб, унинг ўрнига 1956 йил 30 апрель куни ҳайкалтарош М. Г. Манизер ясаган В. И. Ленин монументи қўйилди. Қизил мармар ва қора лабрадордан ясалган сува устига ўрнатилган ҳайкалда доҳий тарихий апрель кунлари Петрограддаги Финляндия вокзалида броневик устида туриб қўлини баланд кўтариб нутқ сўзлаётган қиёфада бошдан-оёқ тасвирланган эди. Уша йили Қизил майдоннинг номи ўзгартирилиб, В. И. Ленин майдони деб аталди.



1966 йилги zilzilaдан кейин шаҳарнинг бош планига мувофиқ майдон яна қайта қурилди. 1974 йилда, Ўзбекистон Коммунистик партияси ва Ўзбекистон ССРнинг 50 йиллиги байрами арафасида қайта қуриш ишлари тугалланди. Натижада майдон беш баравар кенгайди. М. Г. Манизер ясаган ҳайкал энди майдоннинг умумий архитектура ансамблига мос келмай қолганлиги учун у Самарқандга берилди. 1974 йил 20 октябрь куни В. И. Лениннинг янги ҳайкали тантанали равишда очилди. У майдондаги жами архитектура ансамблидан биригина эмас, балки, умуман, энг муаззам иншоот бўлиб, шаҳар узра, бутун республика узра салобат тўкиб тургандек. Бу улғувор монументни атоқли совет ҳайкалтароши, Ленин ва СССР Давлат мукофотларининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. В. Томский билан тошкентлик архитектор С. Р. Одилов яратдилар.

Бу монументни бунёд этишда бутун мамлакат қатнашди. Ҳайкални ленинградлик мутахассислар бронзадан қуйиб келиб, шу жойда монтаж қилдилар. Гранитни Украина, металлни уралликлар юборишди. Иншоот учун керакли турли ускуналар мамлакатнинг кўпгина жойларидан олинди. Бу ҳайкалда меҳнаткаш халқ билан чамбарчас боғланган, совет халқининг чексиз куч-ғайратига ишончи комил бўлган, эзгу орзумидлар билан ўз халқига тўғри йўл кўрсатиб турган йўлбошчининг ёрқин сиймоси акс эттирилган.

## Қардошлик рамзи

Ўтган асрнинг 80-йилларида Тошкентда барпо этилган, шаҳар тарихига «Сентябрь воқеалари» сифатида кирган қудратли ҳаракат бошланган, ҳозирда санъат музейи ёнида салобат тўкиб турган «Коммунарлар боғи» ўша вақтда Александр хиббони деб аталарди.

1917 йил февраль буржуа-демократик революциясидан сўнг Туркистон ўлкасининг ҳамма шаҳарларида революция ғалаба қозонганлиги шарафига бағишланган митинглар бўлиб ўтди. Турли ташкилотлар, иттифоқлар таркиб топа бошлади. Март ойида уларнинг сони биргина Тошкентнинг ўзида қирққа етди.

Урта Осиё Бош темир йўл устaxonаларининг 1917 йил 2 мартда сайланган Ишчи депутатлари Совети Тошкент ишчи депутатлари Советининг асосий ядроси бўлди ва биринчи кунларданоқ ўлкадаги меҳнаткашлар оммасининг энг кучли ҳамда обрўли ташкилотига айланди. 28 мартда ишчи депутатлари Совети ва солдат депутатлари Советининг қўшма мажлиси қақирилди. Бу мажлисда ишчи ва солдат депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети сайланди ва шу тариқа ҳар иккала Совет расмий равишда бирлашди.

Миллий буржуазия ва собиқ амалдорлар ҳам ўз навбатида меҳнаткашлар ташкилотларига қарама-қарши Муваққат ижроия комитет тузишди. Унинг 19 аъзосидан 5 таси ишчилардан ва бир киши маҳаллий ўзбек буржуазиясидан бўлиб, қолганлари собиқ амалдорлар, меньшевик ҳамда эсерлардан иборат эди. Муваққат ижроия комитет ўлкадаги бутун ҳокимиятни ўз қўлига олганлигини эълон қилди. Миллий буржуазия эса руҳонийлар билан ҳамкорликда Тошкентнинг эски шаҳар қисмида «Шўроно исломия» ва Уламолар жамиятини тузди.

Туркистонда ишчи ва солдат депутатлари Совети ҳамда Муваққат ҳукуматнинг ижроия комитети билан бир қаторда чоризмнинг эски мустамлакачилик идоралари ҳам ўз ишини давом эттирди. Генерал-губернатор Н. А. Куропаткинни Муваққат ҳукумат ўлка бошлиғи сифатида ўз мансабида қолдирди.

Тошкент Советидаги большевиклар группаси подшонинг бу содиқ ноибини қамоққа олишни қатъий талаб қилганидан кейингина Куропаткин ишдан четлатилди.

1917 йил баҳор ойларида ўлкадаги ҳар бир сиёсий партия ва ташкилот кенг оммани ўз тарафига оғдириш учун курашарди. 1917 йилнинг июнь ойида меҳнаткаш ўзбекларнинг биринчи касаба союзи, Тошкент бинокорлари союzlари — «Иморатчи усталар жамияти» ташкил топди. Очил Бобононов ва ака-ука Акбархўжа ва Султонхўжа Қосимхўжаевлар унинг правление аъзолари қилиб сайландилар.

Қисқа вақт ичида «Иморатчи усталар жамияти» аъзолари сони мингдан ошди. Июнь ойи охириларида Кўкалдош мадрасаси территориясида Очил Бобононов, Султонхўжа Қосимхўжаев ташаббуси билан ўтказилган йиғилишда пойабзалчилик касаба союзини ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди. Тез орада эски шаҳарда ўндан ортиқ касаба союз ташкилоти вужудга келиб, уларга раҳбарлик қиладиган марказий орган — «Мусулмон касаба союzlари кенгаши» тузилди. Унга ҳар бир касаба союздан иккитадан вакил кирди. Большевикларнинг ташаббуси билан РСДРП Тошкент ташкилоти қошида «Касб комиссияси» тузилиб, унинг асосий вазифаси ишчиларни касаба союzlарига уюштириш, корхоналарда йиғилиш ҳамда митинглар ўтказишдан иборат эди. Большевик А. Першин тавсиясига кўра Очил Бобононов бу комиссия аъзолигига сайланиб, Н. В. Шумилов, В. С. Ляпин, Д. И. Манжара каби большевиклар билан ҳамкорликда ишлай бошлади.

1917 йил ёз ойларида ўлкадаги синфий табақаланиш жараёни кучайди. Иқтисодий қийинчиликлар, социал ҳамда синфий зиддиятлар тобора кескинлашиб бормоқда эди. Генерал-губернатор Куропаткин қамоққа олиниб, Петроградга жўнатилганидан сўнг ҳокимият 7 апрелда Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети қўлига ўтди. Тўққиз кишидан иборат бўлган бу комитетга кадет Шчепкин раис қилиб тайинланди.

Турккомитет империалистик буржуазия ва помешчиклар диктатурасининг Туркистондаги органи сифатида иш қўриб, ўлкадаги мавжуд тузумни сира ўзгартир-

масликка, уни мустамлака сифатида сақлаб қолишга интилди. Туркистон сиёсий муштақиллиги масаласига оид кенгашда комитет ўлканинг ўзига хос хусусиятлари бунга йўл қўймаслигини таъкидлади.

Чоризмнинг революциядан аввал ўлкада ўрнатган тартиби ўз ҳолича сақлаб қолинди. Агар илгарилари областларни ҳарбий губернаторлар, уездларни уезд бошлиқлари идора қилишган бўлса, эндиликда улар область ва уезд комиссарлари деб атала бошланди.

Турккомитет ўз сиёсатини ўтказишда ўзбек буржуазиясига таяниб иш кўрди. Февраль революциясигача сиёсий фаолликка ҳафсаласи бўлмаган миллий буржуазия эндиликда бир қанча мусулмон комитетлари тузди. Бу комитетлар тез орада «Шўрои исломия»га уюшди. 16—23 апрелда «Шўрои исломия»нинг биринчи қурултоида Туркистон мусулмонлари Улка Совети тузилди. Унга ўзбек буржуазияси ва зиёлилари вакиллари М. Абдурашидов, Б. Бехбудий сайланди.

Туркистон ўлкасида баҳор, ёз ойлари рус ва ўзбек буржуазияси ҳамда рус, ўзбек меҳнаткашлари манфаатларини ўзида этувчи синфий ташкилотлар учун кучларни группалаш даври бўлди. Муваққат ҳукумат Петроградда ишчиларнинг июль намоишини ўққа тутиши, бош кўмондон генерал Л. Г. Корниловнинг ҳарбий диктатура ўрнатиш мақсадидаги исёни синфий кучлар ўртасидаги курашни жиддий босқичга кўтарди.

В. И. Лениннинг «Апрель тезислари» Тошкент большевикларининг пропаганда ишида, оммани ҳал қилувчи курашга тайёрлашда катта роль ўйнади. Улар сулҳ, ер тўғрисидаги ва саккиз соатлик иш куни ҳақидаги масалалар юзасидан аниқ талабларни илгари сурдилар, меньшевик ва эсерларнинг келишувчилик сиёсатини фош этдилар, ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш устидан ишчи назорати ўрнатишни талаб қилдилар.

1917 йил 28 августда Тошкент темир йўл узели, Тоштрам ва Тошкент шаҳридаги турли корхоналар ишчиларининг кўп минг кишилик митингида Туркистонда биринчи марта большевикларнинг «Бутун ҳокимият — Советларга!» шиори ўртага ташланди.

1917 йил 12 сентябрда Александр хиёбонида (ҳозирги «Коммунарлар боғи») ўн мингга яқин киши тўпланди.

Ўзбек меҳнаткашлари етакчилари Очил Бобононов ва Султонхўжа Қосимхўжаев бошчилигида эски шаҳардан мингдан ортиқ ўзбек ишчилари ва ҳунармандлари келиб, янги шаҳарликлар сафидан ўрин эгаллашди. Бу рус ва ўзбек ишчиларининг биринчи йирик сиёсий бирдамлиги намоиши эди. «Йўқолсин империалистик уруш!», «Барча ҳокимият — Советларга!» шиорлари уларни бир мақсад сари бирилаштирди.

Одамлар большевик Александр Першиннинг нутқини ҳаяжон билан тинглашди. У большевиклар фикрини, программасини баён қилиб, очликка қарши кураш зарурлигини гапирди. Империалистик урушни қоралаб, уни мадҳ қилаётган Туркистон комитетини танқид қилади. Сўл эсер ва анархист нотикларни ҳуштаклар билан қаршилаган оломон унинг нутқини гўлдурас қарсақлар билан олқишлайди. Қўлбола минбардан большевик Николай Шумилов гапирди. У ҳам Першин фикрини тўлдириб, марказда исён кўтарган Корнилов Туркистондаги унинг издошлари Черкес, Шендриковларнинг алоқаси мавжудлигига ишора қилади.

Ўрта ёшлардаги солдат сўз олади.

— Агар большевиклар, — дейди у дона-дона қилиб, — урушга, помешчик ва қишлоқ бойларига қарши ҳамда ерни камбағал деҳқонларга бериш тарафдори бўлсалар, ундай ҳолда, мен ҳам большевиклар тарафидаман!..

Анархист, сўл эсерлар ва большевиклар резолюциялари овозга қўйилди.

Эски шаҳар вакиллари етакчилари Очил Бобононов, Султонхўжа Қосимхўжаев, Мирзааҳмад Мирҳодиевларга эргашиб, большевиклар учун овоз беришади. Чунки, шу большевиклар улар дилидагини топишганди.

Бу резолюцияда капиталистлар, бойлар ихтиёрдаги озиқ-овқат маҳсулотларини дарҳол мусодара қилиш, ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат тақсимоти устидан назорат ўрнатиш, шаҳар ва қишлоқ ўртасида мол айирбошлашни тўғри йўлга қўйиш, барча ерларни меҳнаткаш деҳқонларга бериш каби ҳаётий масалалар кўтарилган эди.

Резолюцияда мана шу барча тadbирлар ҳокимият ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советига ўтган тақдирдагина амалга ошиши мумкинлиги алоҳида уқтириб ўтилганди.

Большевиклар резолюцияси қабул қилинган, муваққат Революцион Комитет тузилди. Першин, Шумилов қаторида унга бир неча сўл эсерлар ҳам сайланди. Революцион Комитетга ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Совети йиғилишида митинг резолюциясини ўқиб бериш топширилди.

Октябрь революциясининг ғалабасидан кейин 1917 йил 5 ноябрда революция рамзи бўлиб қолган шу парктаги қардошлик мазорига қуролли кўзғолон вақтида Тошкент кўчаларида ҳалок бўлган 79 ишчи ва солдатнинг жасади дафн этилди. Қардошлик мазорига ўрнатилган умумий ёдгорлик — кулранг мәрмардан ясалган сулачадаги 20 метр узунликдаги олти қиррали обидага қуйидаги сўзлар ўйиб ёзилган: «Туркистонда Совет ҳокимиятининг ғалабаси учун бўлган Октябрь жанглири вақтида қаҳрамонларча ҳалок бўлган темир йўл устахонаси ва шаҳардаги бошқа корхоналарнинг ишчиларидан, Сибирь 1—2-ўққи полklarининг солдатларидан 79 кишининг жасади шу ерга дафн этилган».

1912 йил 1 июлдан, 2 июлда ўтар кечаси Тошкент яқинидаги Троицкий лагерларида (ҳозирги Чирчиқ шаҳри) 1- ва 2-сапёрлар батальонларининг солдатлари қўз-

ғолон кўтардилар. Қўзғолонда 300 солдат қатнашди. Бу қўзғолон офицерларнинг кўпол муомаласига, овқатнинг сифати ёмсонлиги кабиларга қарши стихияли чиқиш эди. Шу тундаёқ қўзғолон шафқатсизларча бостирилди. 14 киши ўлимга ҳукм қилинди, 220 сапёр Сибирга ҳайдалди, турмага ташланди.

В. И. Ленин бу қўзғолонга жуда қизиқиб қаради ва сапёрлар қўзғолони билан боғлиқ ҳамма материалларни юборишларини сўради. В. И. Лениннинг Краков-Пороинин архиви материалларида сапёрлар иши юзасидан чиқарилган айбнома бор. Унинг устига «Ильичга» деб ёзиб қўйилган. Шу воқеа муносабати билан В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Туркистонда, Болтиқ флотиди ва Қора денгизда солдат ва матросларнинг қўзғолонлари ва қўзғолон қилишга уринишлари Россияда... янги революцион юксалиш бошланганлигини кўрсатадиган янги объектив далилдир» (В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, 22-том, 185-бет).

1912 йилда подшо жаллодлари қатл этган туркистонлик 14 сапёрнинг хоки сапёрлар қўзғолонининг олти йиллиги куниди — 1918 йил июлида Тошкент Советининг қарори билан шу ердаги қардошлик мазорига кўчирилди. Обида қирраларидан бирига уларнинг номлари қўйидагича ёзилган: «Бу ерга 1912 йилда чоризмга қарши қўзғолонда қатнашганлиги учун қатл этилган 1-ва 2-Туркистон сапёрлар батальонларининг 14 солдати хоки дафн қилинган».

1919 йил 26 январь қаҳратон қиш кўни Тошкент меҳнаткашлари Советларга қарши исён вақтида оқғардиячилар ваҳшиёна қийнаб ўлдирган 14 Туркистон комиссари билан видолашдилар. Уларнинг жасаdlари қардошлик мазорларига дафн этилган. Обида тошига шундай сўзлар ёзилган: «Коммунизм иши учун мард курашчилар — 14 Туркистон комиссари шу ерга дафн этилган».

1918—1920 йилларда граждaнлар урушида ва босмачиларга қарши курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган Қизил Армия командирларининг жасаdlари ҳам қардошлик қабристонига қўйилган.

Обида теварағида шу ерга дафн этилган замондошларимиз — Ўзбекистон Коммунистик партиясининг атоқли арбоби, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биринчи Раиси Йўлдош Охунбобоев (1885—1943), Туркистон Компартияси Марказий контрол комиссиясининг Раиси, уч революция қатнашчиси М. П. Кафанов (1882—1923), Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг секретари С. К. Емцов (1899—1950), таланти ўзбек шоири Ҳамид Олимжон (1909—1944) ларнинг гранит ва бронза бюстлари турибди. Уларнинг бутун ҳаётини жасорат деса бўлади.

ВЛКСМ Марказий Комитети Урта Осиё бюросининг биринчи секретари С. И. Стрелков (1906—1933), большевик-журналист З. Бурас (1905—1933), ҳарбий фaнлар доктори, профессор, генерал-лейтенант А. К. Коленковский (1880—1942), атоқли совет химиғи, СССР Фaнлар академиясининг фаҳрий аъзоси И. А. Каблуков (1857—1942), Тошкент университетининг ташкилотчиларидан бири, профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фaн арбоби А. И. Бродский (1882—1943)ларнинг қабрлари ҳам шу ерда.

1945 йил май ойида генерал Собир Раҳимовнинг (1902—1945) хоки ҳам келтириб, шу ерга дафн этилди.

## Озодлик уйи

Совет кўчаси билан Гоголь кўчаси бурчағида, «Комсомол 30 йиллиги» кинотеатри биноси деворида қўйидаги лавҳалар бор: «Шу ердаги собиқ Озодлик уйида 1917 йилда Ишчи, Солдат ва Деҳқон депутатлари Тошкент Совети тузилиб, 1921 йилгача ишлади».

«Бу бинода 1918 йил июнда Туркистон большевикларининг Биринчи ўлка съезди бўлиб ўтди.»

«Бу ердаги собиқ Озодлик уйида 1920 йил февраль, май, июнда Туркистон фронти кўшинларининг кўмондони М. В. Фрунзе нутқ сўзлади».

«Бу ердаги собиқ Озодлик уйида 1920 йил январь, май, июнда РСФСР Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети билан Халқ Комиссарлари Совети Туркистон комиссиясининг раиси В. В. Куйбишев нутқ сўзлади».

Февраль буржуа-демократик революцияси чор самодержавиесини ағдариб ташлади. Петроград ва Москва намунаси асосида Туркистон ўлкасининг маркази — Тошкентда ишчи ва солдат депутатларининг биринчи Советлари тузилди. 1917 йил 2 март кўни Вокзал ёнидаги майдонда Урта Осиё темир йўли бош устахонаси ишчиларининг митинғида ишчи депутатлари Советини тузишга қарор қилинди. Унинг составига 12 ишчи, жумладан А. Я. Першин, В. С. Ляпин, А. А. Казаков киритилди. 3 март кўни заводлар, устахоналар, демократик ва социалистик группалардан сайланган вакиллардан иборат ишчи депутатлари Тошкент Совети тузилди.

1917 йил 4 мартда Тошкент гарнизонининг революцион кайфиятдаги оммаси вакилларидан солдат депутатлари Совети тузилди. 28 март кўни у ишчи депутатлари Совети билан бирлашиб, Тошкент Янги шаҳар ишчи ва солдат депутатлари Совети деб атала бошлади. Тошкент Советининг босма органи «Наша газетани» чиқаришга дарҳол киришишга қарор қилинди, унинг биринчи сони 1917 йил 2 апрелда чиқди.

Тошкент Советининг мажлиси дастлабки кўнларда шаҳар думаси залида ўт-

казилди, сўнгра Совет собиқ Жамоат йиғилиши биносига кўчирилди, энди бу бинонинг номи «Озодлик уйи» деб атала бошлади.

Февраль буржуа-демократик революциясининг ғалабасидан кейин вужудга келган бошқа кўпгина Советларда бўлгани каби Тошкент Советида ҳам меньшевиклар билан эсерлар кўп эди, ишчилар ва солдатлар аввал уларга ишонар эдилар.

Большевикларнинг тинимсиз кураши туфайлигина Советлар ишчилар ҳокимияти органи сифатида тобора катта обрўга эга бўла бошлади. Советлар халқ оммасининг ташаббуси билан ва унинг революцион ижодкорлиги натижасида вужудга келиб, ғоят кенг демократик ташкилот сифатида иш кўрди. Улар подшо амалдорларини лавозимидан олиб ташлади, корхоналардаги меҳнат ва турмушнинг баъзи жорий масалаларини ҳал этди. Пролетариат ҳокимиятининг куртаклари бўлмиш Советлар аста-секин, аммо муттасил большевиклашиб борди.

Рус ва ўзбек меҳнаткашлари ўртасидаги алоқа большевиклар раҳбарлигида мустақкамланди. Россиядаги фронт орқаси ишларидан қайтиб келган ва синфий курашнинг революцион сабоғини олган ишчиларнинг ташаббуси билан Тошкент мусулмон ишчи-депутатлари Совети тузилди. Тошкент Советининг раҳбарлигида мусулмон Советининг Устави ишлаб чиқилиб, 1917 йил 14 июлда тасдиқланди. 15 июлда Совет состави ҳам сайланди, унга 32 аъзо, шунингдек 8 кишидан иборат Советнинг ижроия комитети киритилди. Совет маҳаллий камбағаллар ўртасида катта сиёсий ва маданий-оқартув ишларини кучайтириб, уларни Совет ҳокимияти учун курашга сафарбар этди. (1919 йилдан 1929 йилгача Эски шаҳар Совети ўрнида Ўзбекистон ёш томошабилар театрининг биноси жойлашган).

Генерал Корниловнинг август охиридаги исёни буржуазиянинг монархиячилик мақсадларини, меньшевиклар, эсерлар ва буржуа миллатчиларининг хиёнаткорлигини фош этди. Бутун мамлакатда бўлгани каби, Туркистонда ҳам революцияга қарши ҳарбий фитнага йўл қўйган Муваққат ҳукуматнинг халққа зид фаолиятига қарши норозилик кучайди. Корниловчилик тор-мор этилгандан кейин. Советларнинг большевиклашув даври бошланди.

Тошкентдаги «Сентябрь воқеалари» деб аталган воқеалар этилиб келаётган революцион ҳаракатнинг яққол намунаси бўлди. Сентябрь воқеаларининг моҳияти бутун ҳокимият шаҳар солдат ва ишчиларига, улар томонидан сайланган Муваққат революцион комитетга ва Тошкент Советининг ижроия комитетига топширилишидан иборат эди. Бу ҳол Туркистон большевикларининг оммага таъсири кучайганлигининг, омма большевиклар раҳбарлигида Советларга жипслашганлигининг натижасида рўй берди.

1917 йил 18 октябрда Тошкент Советининг касабасоюзулари ва полк комитетлари вакиллари иштирокидаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб, унда большевиклар таклиф этган ҳамда бутун ҳокимиятни Советларга топшириш талаб қилинган резолюция депутатларнинг кўпчилиги овози билан қабул этилди. Советларнинг большевиклашуви ўлкада Октябрь революциясининг ғалабаси учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. 1917 йил 25 октябрда Тошкент Совети президиумининг ёпиқ мажлисида қуролли кўзғолонга тайёргарлик кўра бошлаш ва революцион кучларни жанговар ҳолатга келтиришга қарор қилинди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки даврида Тошкент Советининг фаолияти жуда хилма-хил эди. У давлат ва маданий қурилишнинг ҳамма масалалари билан, эски буржуа мустамлакачилик аппаратини тугатиш ва Совет давлати ҳокимияти органларини тузиш, қуролли кучларни ташкил этиш, контрреволюция ўчоқларига барҳам бериш, Туркистонда Совет автономиясини барпо этиш ва шу каби масалалар билан муваффақиятли равишда шуғулланди.

Тошкент Совети гражданлар уруши ва чет эл ҳарбий интервенцияси йилларида большевиклар раҳбарлигида кенг меҳнаткашлар оммасини Совет ҳокимияти ҳимоясига сафарбар этишга муваффақ бўлди. Тошкент Советига Совет ҳокимияти учун актив курашчилар, Коммунистик партиянинг содиқ фарзандлари В. Д. Вотинцев, Н. В. Шумилов, В. Н. Финкельштейн бошчилик қилдилар.

1929 йил бошларида Янги ва Эски шаҳар Советлари бирлаштирилди, бу тадбир шаҳар хўжалигига раҳбарликни анча яхшилади, Тошкентни чинакам социалистик шаҳарга айлантириш имконини берди.

1918 йил 17 июндан 25 июнгача «Озодлик уйи»да Туркистон большевиклар ташкилотининг 1-таъсис съезди бўлиб ўтди. Бу съезднинг тарихий аҳамияти шундан иборат эдики, у РКП (б)нинг таркибий қисми бўлган ягона Туркистон Коммунистик партиясини ташкилий жиҳатдан расмийлаштирди.

1918 йил 21 апрелда шу бинода Туркистон халқ университети очилди. Унинг муаллимлари орасида В. И. Романовский, Н. А. Зарудний, Г. Н. Черданцев, А. А. Диваев, Р. Р. Шредер ва бошқа таниқли олимлар бор эди.

Бу уй революцион жанглارнинг алангали йилларини бизга эслатиб турувчи табаррук жойлардан биридир.

Баҳодир Жўраев

## ҚАРДОШЛИГИМИЗ САҲНАСИ

**Ў**збек совет драматургияси намуналарининг республикамиздаги рус театрларида, аввало, М. Горький номли рус академик драма театри саҳнасида намойиш этилиши, яъни уларнинг кўп миллатли совет театр маданияти хазинасига қўшилиши социалистик турмуш тарзими ривожда муҳим аҳамиятга молик маданий ҳодисадир. Ва у меҳнаткашларни интернационалистик руҳда тарбиялашда, халқлар ўртасидаги дўстликни, ўзбек ва рус театрларининг ўзаро ижодий алоқаларини мустаҳкамлашда, айниқса, кўп миллатли томошабинлар оммасини ўзбек халқининг тарихи, бугунги ҳаёти, ўзига хос фазилатлари, ажойиб меҳнати, маданияти, анъаналари билан таништиришда амалий аҳамиятга эгадир.

Бу жараён 1939 йилнинг январь ойида, М. Горький номидаги рус драма театри саҳнасида илк бор Зиннат Фатхуллиннинг «Сотқинлар» пьесаси қўйилиши билан бошланади. Ҳақиқатан ҳам Ҳамзанинг ўлмас «Бой ила хизматчи» драмаси ҳам саҳналаштирилди.

«Сотқинлар» пьесасида театр ўша йиллар учун жуда долзарб масала — совет селекционер олимларининг серҳосил ёза навлари яратиш борасида олиб борган курашлари акс этган эди. Мамлакатимиз чет элдан Миср чигитини жуда қимматбахона нархда сотиб олар, бу нав сифат жиҳатидан ҳам, ўлкамиз табиий шароитига мос эмаслиги жиҳатидан ҳам талабга жавоб бермасди. Бу масаланинг бадий талқин этилиши, табиийки, замон тақозоси эди.

Атоқли ўзбек театр арбоби Маннон Уйғур билан режиссёр В. Чиркин ҳамкорлигида «Бой ила хизматчи» драмасининг саҳналаштирилиши М. Горький номли театр ижодий коллективи ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Маннон Уйғур рус театрига маслаҳатчи режиссёр сифатида таклиф этилди. У театр саҳнасида ўзбек халқи ҳаётининг ўзига хос кирраларини, миллий хусусиятларини аниқ, тўғри гавдалантиришда ёрдам бериши лозим эди. Энг муҳими эса, Маннон Уйғур Ҳамзанинг яқин сафдоши бўлгани, В. Чиркин ва у раҳбарлик қилаётган ижодий коллективни кўпроқ шу нарса қизиқтирарди. Ҳақиқатан ҳам, бу санъаткор асар устида ишлаш жараёнида қимматли маслаҳатлар берди, ўз

устози фаолиятига, ижодига хос инқилобий руҳни спектаклга сингдирди.

Инқилоб арафасида Туркистонда рўй берган ижтимоий уйғониш, халқнинг ўз эрки учун олиб борган кураши, кескин синфий зиддиятлар В. Чиркин томонидан қўйилган спектаклда ўз аксини топди. Режиссёр, айниқса, Солихбой образининг саҳнавий талқини устида кўп тер тўкди. Чунки спектаклдаги асосий воқеалар пул ва бойлик қудратига суянувчи, разил ва маккор Солихбой образи билан боғланган. Хизматчи Гофир унга қарши қатъий курашади, асар ана шу зиддият, ана шу кураш асосига қурилган.

Салбий қаҳрамонлар ичида Ҳожи она образи ўзининг серкирралиги билан ажралиб туради. У рус театри саҳнасида ислом маънавий оламнинг вакили, кўз олдини дин тумани қоплаган шахсларнинг намояндаси, шариат қонунларининг тарғиботчиси сифатида пайдо бўлади. Солихбой характерининг шаклланишида ҳам Ҳожи онанинг таъсири катта. Ҳақиқатан ҳам ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида ҳар қандай тубанликдан қайтмайди, шариат қонунларини ўзига қалқон қилади.

Спектаклда салбий қаҳрамонларнинг ички дунёси, мавжуд шарт-шароит яхши кўрсатиб берилганлиги ижобий қаҳрамон Гофир образини тўлақонли яратишга, унинг ҳаракат доирасини кенгайтиришга имкон туғдирган. Агар Солихбойнинг ҳаётдаги раҳнамоси, маслаҳатгўйи ва ишонган кишиси Ҳожи она бўлса, хизматкор Гофирнинг топган энг ноёб нарсаси, кўнглини ёритиб турувчи чироғи — Жамилага муҳаббатидир. Бу икки боғланиш саҳнада мавжуд кишиларнинг шахсий туйғусигина эмас, балки эзувчи синфлар ва оддий меҳнаткаш халқ маънавиятининг диққатга сазовор жиҳатлари сифатида кўрсатилган.

Асардаги Жамила образини актриса Г. Загурская моҳирона ижро этган эди. Бу образ рус санъаткорига ҳам ажойиб шухрат келтирди. Орадан кўп йиллар ўтган бўлса-да, Г. Загурская талқинидаги Жамила (Сора Эшонтўраева яратган Жамила каби) театр жамоатчилиги ва минглаб томошабинлар ёдида яшаб келмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, режиссёр В. Чиркин спектаклни саҳнага қўяр экан, аввал шаклланган ва анъана тусига

кириб қолган Жамила — Гофир Дуэтини такрорламади. Хизматкор Гофир В. Изеков ижросида кенг кўламадаги бўйсунмас курашчи сифатида гавдаланди. Гофир ва Жамила ўртасидаги муносабат, беғубор муҳаббат билан ҳар қадамда ошкора разиллик, алдоқчилик, хиёнат рўй бериб турадиган Солиҳбой мансуб муҳит таққосланади. Бу муҳитда муҳаббат ва бахт, яхшилик туйғуси разолат қурбони эканлиги ишонарли тасвирланади.

Рус театрининг «Бой ила хизматчи» спектакли Гофир ва Солиҳбой тимсолида икки қарама-қарши синфнинг ижтимоий-психологик табиатини очиб берди, бу билан эзувчи синфнинг инқирозга юз тутиши муқаррарлиги ва афкор омманинг инқилобий кураши ғалаба қозонажagini таъкидлади. В. Чиркин сахналаштирган «Бой ила хизматчи» спектаклидан келиб чиқадиган табиий хулоса, асосий ғоя шундан иборат эди.

М. Горький номидаги театрда режиссёр Ю. Иоффе томонидан Назир Сафаровнинг «Шарқ тонги» пьесасининг қўйилиши ҳам ўзбек халқининг инқилобдан аввалги даврдаги ҳаётини тарихан ҳаққоний ёритиш йўлидаги муваффақиятли қадамдир. Бутун асар давомида Туркистонда Совет ҳокимияти Россия пролетариати ёрдамида ғалаба қозонгани, бу курашда революция доҳийси В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси раҳнамолик қилганлиги равшан сезилиб туради. Ю. Иоффе большевиклар партияси раҳбарлигининг самараси ўлароқ, душманга қарши адолатли курашда ўзбек, рус ва бошқа миллат вакилларининг муқаддас дўстлиги кундан-кунга мустаҳкамланиб борганлигини ғоят ишонарли тасвирлашга эришган. Бу спектаклда ҳаётий воқеалар, таъсирли эпизодлар орқали шарқда истиқбол тонги қандай отганлиги, ўзбек меҳнаткашлари асрлар давомида ҳукм суриб келган жаҳолат, дин зулматидан, феодализм асоратидан қандай халос бўлганлиги теран ифодаланган.

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри сахнасида Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» пьесаси намойиш этилганда, бу асар мамлакатимизнинг кўп театрлари репертуаридан жой олишга муносиб эканлиги ҳеч кимда шубҳа қолдирмаган эди. М. Горький номидаги театр ҳам бу қизиқарли, долзарб мавзудаги комедияни 1952 йил апрелида сахналаштиришга киришди. Бу асар республикамиз маданий ҳаётида чуқур из қолдирди.

Театр коллективининг ўзбек адиблари пьесаларини сахналаштириш йўлидаги таърибаси ошиб борди. 1956 йили режиссёр Ф. Шейн Ҳамзанинг яна бир асари — «Паранжи сирлари»ни томошабинларга туҳфа этди. 1960 йили «Майсаранинг иши» спектакли Ҳамза театри режиссёри Тошхўжа Хўжаев томонидан рус театри сахнасида қўйилди ва катта муваффақият қозонди. Комедия Самарқанд ва Фарғонадаги область рус театрлари репертуаридан ҳам мустаҳкам ўрин олди.

Республикамиздаги рус театрларининг 60—70-йиллардаги фаолиятига назар ташласак, ўзбек авторларининг асарларига қизиқиш янада ортиб борганлигига гувоҳ бўламиз. Бу ҳол, айниқса, А. Чехов номи-

даги Самарқанд область рус драме театри фаолиятида яққол кўринади. Театр 60-йилларда бешта ўзбек пьесасини сахналаштирди. Ҳамзанинг «Майсаранинг иши», Сарвар Азимовнинг «Юлдузлар жамоли», Зиннат Фатхуллин ва Шуккур Саъдуланин «Ватан ишқи» пьесалари шулар жумласидандир. Лекин бошқа рус театрлари бу йилларда ўзбек пьесаларини сахналаштиришда унча фаоллик кўрсатмадилар. Масалан, Фарғона область рус драма театри 1964 йили фақат «Майсаранинг иши»ни сахнага қўйиш билан кифояланди. Ҳолбуки, бу коллектив аввал Уйғуннинг «Ҳаёт қўшиғи», Баҳром Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» асарларини муваффақиятли намойиш қилган эди. Тошкентдаги рус Ёш томошабинлар театрида ҳам шунга ўхшаш вазиятни кўрамыз. Бу ерда узоқ вақт (1950—1965-йиллар) давомида фақат Ҳамид Олимжоннинг «Семурғ», И. Аҳмедов ва А. Толиповнинг «Сирли сандиқ», Адхам Раҳматнинг «Абдулла Набиев», ва ниҳоят, Э. Раҳимовнинг «Каша сизники, қошиқ бизники» асарлари сахналаштирилди, холос.

60-йилларда М. Горький театри ҳам бу соҳада кўнгилдагидек иш олиб бормади. «Майсаранинг иши» (1960) спектаклидан сўнг фақатгина Иzzат Султоннинг «Номълум киши» ва Сарвар Азимовнинг «Қонли сароб» асарлари сахналаштирилди.

«Қонли сароб» спектакли театрга катта муваффақият келтирди. Бу асарда, қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, ҳар бир одам учун Ватан, она тупроқ ҳаётдаги энг муқаддас нарса эканлиги теран ифодаланган. Муаллиф тақдир тақозоси билан ўз она юртидан йироқларда умр кечираётган ватандошлари ҳаётини қаламга олади. Чет элда тузилган Туркистон миллий комитетидан Совет ҳокимиятининг ашаддий душманлари ўрнашган, лекин улар орасида буржуа пропагандасининг тузоғига илинган, «жаннат» қидириб, йўлидан адашган кимсалар ҳам бор.

Спектаклда ўзбек муҳожирларининг фожиялари, садоқат ва хоинлик, поклик ва разиллик, хуллас, эзулик ва бадбинлик ўртасидаги нисбат аниқ кўрсатилган. Режиссёр М. Спивак ва ижрочи-актёрларнинг ўзига хос хизмати шундаки, улар социализмнинг ғоявий душманлари психологиясини чуқур, ишонарли очиб берганлар. Мир Алихон (М. Мансуров), Аслзода (Л. Колесникова), Элейн Бендшаль (К. Ефремова), Жеймс Тейлор (М. Любанский) каби шахсларнинг ҳаёл қилган ишлари бе-самаралигидан дилларида пайдо бўлган қўрқув, улар пинҳон тутишга қанча уринмасинлар, шундоқ сезилиб туради. Улар ўз хоинликларини оқлаш ва ўз ҳамкорлари билан муносабатни бузиб қўймаслик учун турли-туман ғоялар туқиб чиқарадилар, лекин бу ғоялар тухмад ва ёлғон асосига қурилгани бос дунёдаги оламшумул ўзгаришлар таъсирида тумандай тарқалиб кетади. Янги замон нафасини қалбан ҳис қилган Мавлоно Фигоний (В. Русинов), Муяссар (И. Ледогорова) ва Ақиқа (С. Аникин)лар бунга ишонмайдилар.

М. Горький театри сахнасида қўйилган ўзбек адиблари пьесалари ҳақидаги баъзи мулоҳазаларимизни яқунлар эканмиз, театр кейинги йилларда ҳам бу борада ташаббусни бир оз сусайтириб қўйганини

таъкидлашни истардик. Айни пайтда, Самарқанд область театри Мақсуд Шайхзоданинг улкан драматик асари «Мирзо Улуғбек»ка мурожаат қилди. Уша йиллари «Мирзо Улуғбек» спектаклини — бу бир актёр спектакли, Улуғбек ролини эса — фақат Шукур Бурхонов роли, деган қараш мавжуд эди. Аммо А. Чехов номидаги Самарқанд рус драма театри бу асарни талқин қилиш имкониятлари ҳали кўплигини, ҳамма нарса спектаклнинг умумий йўналиши ва бош қаҳрамон образини қандай тушунишга боғлиқ эканлигини исботлади.

Шундан сўнг М. Горький театри ҳам бу асарга ўзига хос равишда ёндашди. Режиссёр Н. Шомуродов ва Улуғбек роли ижроси М. Любанский бош қаҳрамонни ўз даврининг улуғ кишиларидан бири, яъни маънавий юксак, фозил, илғор инсон сифатида талқин қилишни тўғри деб топдилар. Улуғбек, энг муҳими, мутафаккир, инсонпарвар, ўз давридан ўзиб кетган одам. М. Любанский унинг, аввало, мана шу хислатларини ёрқин кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У Улуғбек образини яратар экан, томошабин кўз олдига ҳаёт машамаларидан, қалбида рўй берадиган ботиний қарама-қаршиликлар курашидан хориган, лекин имон-этиқоди мустақкам буюк шахс гавдаланади.

Спектакль муваффақиятини таъминлаган омиллардан бири — Е. Яворский яратган Пири Зиндоний образидир. Биз бу образ тимсолида халоскор-жангчини, кекса-ю, меҳнаткаш халқ бахти ва озодлиги йўлида курашиш умидида яшаётган инсонни кўрамыз. Е. Яворский талқинида оёғини зўрға судраб босувчи Пири Зиндоний забардаст саркардага, улкан шахсга, ўз қалбида халқ виждони ва этиқодини асраб келаятган жўшқин одамга айланади. Улуғбекнинг бу кекса тутқун билан суҳбатидан шу нарса ойдинлашадики, буюк мутафаккирни қийнаётган саволларнинг жавоби тахт остидаги зиндон маҳкуми — яримжон Пири Зиндонийнинг букилмас этиқодиди яширинган экан...

70-йилларга келиб республикамыз рус драма театрларида замонавий мавзудаги асарлар асосий ўринни эгаллай бошлади. Иззат Султоннинг «Кўрмайин босдим тиконни», Туроб Тўланинг «Қизбулоқ», Уйғуннинг «Парвоз», Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзғолони» асарлари шулар жумласидан.

«Келинлар кўзғолони» комедиясини рус сахнасида қўйиш ҳақида гап очилганда, театр жамоатчилигимизда турли фикрлар, қизгин баҳслар пайдо бўлди. Чунки муаллиф бу асарни Ҳамза театрининг моҳир ва танikli актёрлари — Зайнаб Садриева (Фармон биби) ва Ғани Аъзамов (Уринбой)ларни кўз олдига келтириб, шуларга мослаб ёзганлиги ҳеч кимга сир эмасди. Улар спектаклни тайёрлаш давомида ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, драматургининг бу асарини тўлдирган ва бойитган эдилар.

М. Горький театрида мазкур спектаклни режиссёр Баҳодир Йўлдошев сахналаштирди. У ўзи хизмат қиладиган театрда ҳам бу асар устида ишлаган, шу боисданми, кўпчиликда «Келинлар кўзғолони» Ҳамза театридагидан ҳам чуқур, янгича бўлади, деган ишонч бор эди. Афсуски, Б. Йўлдо-

шев пьесани янгича талқин этолмади, аввалги сахнавий манзаралардан узоқлаша билмади, ишни мутлақо янгидан бошлай олмади. Хуллас, Ҳамза театрида қўйилган яхши спектаклнинг рус сахнасида рўёбга чиқиши, бизнингча, асарнинг русча такрори бўлди, холос. Бироқ баъзи актёрларнинг маҳорати туфайли, бари бир, спектакль бирмунча муваффақият қозонди. Бунда Фармон биби образини яратган актриса В. Александрованинг улуши каттадир. Маълумки, Фармон биби оилада «ҳокимият»ни ўз кўлига олган. Тўғри, унинг баъзи камчиликлари бор, аммо оила аъзолари ўртасида самимий ҳурмат ва оналик обрўсига эга. Аслида Фармон биби — жуда меҳрибон ва ҳалол она.

Зайнаб Садриева талқинида Фармон бибидаги ижобий хислатларни бўрттириб кўрсатиш асосий ўринда туради. В. Александрова эса бунга тўлдирди. Фармон бибининг ижобий хислатлари фақат шахсий ҳодиса эмас, балки совет кишилари орасида яшаётганлигининг, жамият тарбиясининг маҳсулидир. Бу билан В. Александрова ижросидаги Фармон биби тор миллий чегарадан чиқиб, ижтимоий салмоқ ва интернационал оҳанг касб этади.

Мана, бир неча йилдирки, «Келинлар кўзғолони» театр афишасидан тушмай келаётир. Ҳамон Ф. Александрова ижросидаги Фармон биби, Н. Мигнова яратган Сотти, Л. Хўжаева талқинидаги Меҳри, И. Авдюшкина ижросидаги Нигора, К. Михайлов ўйнаган Уста Боқи образлари томошабинларни мафтун қилмоқда.

Шуни таъкидламоқ лозимки, кейинги йилларда республика рус театрлари ўзбек драматурглари асарларига янада фаол ёндашмоқдалар. Театрлар репертуаридан замонавий мавзудаги пьесалар кўпроқ жой олаётгани қувончли ҳолдир. Зотан Улмас Умарбековнинг «Қиёмат қарз», Максим Каримовнинг «Инсонликка номзод», Абдуқаҳор Иброҳимовнинг «Зўлдир» каби драмалари сахналаштирилди.

Айниқса, А. Чехов номидаги Самарқанд рус драма театрининг «Қиёмат қарз» спектакли диққатга сазовордир. Режиссёр А. Гринберг бу сахна асарида оддий меҳнаткаш Сулаймон ота образи орқали инсон тақдирини таъсирчан ифодалаган. Сулаймон отанинг 40 йил давомида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган бири одамнинг қабрини излаши — ҳар бир томошабинга, у қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, қаттиқ таъсир қилади, урушга нисбатан ғазаб уйғотади. Бу — спектаклнинг ўз миллий қобигидан чиқиб, интернационал характер касб этганидир.

Биз ушбу мақолада республикамыздаги драма театрлари томонидан сахналаштирилган ўзбек совет драматургияси намуналарининг баъзилари тўғрисидагина фикр юритдик. Бу жараёни батафсил ўрганиш, матбуотда акс эттириш санъатшуносларимиз олдига турган долзарб масалалардан биридир. Чунки ўзбек пьесаларини рус сахнасида қўйиш, ўзбек драматурглари билан рус санъаткорларининг ижодий ҳамкорлиги ажойиб тарихга эгадир. Умид қиламизки, бу жараён, бу хайрли иш келгусида ҳам республикамызда ўзбек ва рус театр арбоблари томонидан муваффақиятли ривожлантирилади.

# Бизнинг календарь

## «...ШАФАҚ КАБИ НУРЛАНУР»

Николай Алексеевич Заболоцкий совет шеърятини ўзининг нозик, лиризмга бой, нафис, инсон рухий кечинмаларини борлиқ манзаралари ила ўзвий боғлиқликда ифода этган асарлари билан бойитган ижодкор. У ижодий имкониятларини тўла намоён қилиш борасида мураккаб изланишлар йўлини босиб ўтди. Шундай изланишлар давомида унинг ижоди ранг-баранглашиб, ўсиб борди. Шоирнинг табиатга нисбатан бекиёс меҳри, борлиқнинг турфа ҳолатларини шеърларининг маъзига айлантириши боиси

олис болалиги кечган жойлар, хусусан Сернур қишлоғи қолдирган хотираларга бориб боғланади. Н. Заболоцкий бу хусусда таржимаи ҳолида шундай ёзган: «Сернур қишлоғи ва унинг атрофидаги жойлар жуда ажойиб эди. Менинг табиатга боғлиқ биринчи таассуротим худди шу ерларда кўнглимга ўрнашган... Онгли ҳаётимнинг асосий қисми гарчи катта шаҳарларда ўтса-да, Сернурнинг бекиёс табиати ҳамиша қалбимга нур бериб турган ёғдуга айланди. Кўп шеърларимдаги тасвирларнинг томири шунга туташ».

Унинг «Устунлар» ва «Иккинчи китоб» тўпламларига кирган шеърлари ҳамда ўлимидан кейин нашр этилган «Рубрук Мў-

ғилистонда» номли тарихий поэмаси шоирнинг ўзига хос иқтидорини равшан кўрсатади. Николай Заболоцкий истеъдодининг яна бир қиррасини таржимонлик фаолияти ташкил этади. У «Игорь полки жангномаси», «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» сингари нодир эпик достонларни ҳамда грузин адабиётининг турли авлодига мансуб ижодкорларининг асарларини маҳорат билан таржима қилиб ўзига хос мактаб яратган.

Унинг бу борадаги хизматлари муносиб тақдирланган. Николай Заболоцкийнинг асарлари ва таржималари китобхонларнинг кўнгил мулкига айланиб, шоирнинг умрига умр қўшмоқда.

## Николай Заболоцкий

### Васият

Ёшим ўтиб, вақти қазо етса агар,  
Умрим тугаб, узлат сари этсам сафар,  
Қучоғига тортса ўшал мавҳум дунё,  
Бу оламни янги авлод мисли зиё  
Тўлдирса-ю, мўъжизалар қилса бунёд,  
Бера олса табиатга жило шён,  
Сувга сепинг ҳоким, майли, бўламан шод,  
Майли, мени қучоғига олса ўрмон.

Шунда ўлим билмай, гуллар атри ила  
Бу оламда бўлар эдим мен барҳаёт,  
Рух-жонимни зўр эманлар илдири-ла  
Маҳкам қучиб, қилар эди кўп эҳтиёт.  
Ошён этар хаёлларим япроқ кўксин,  
Фикрларим япроқ ёзар бутуқларда!  
Уйларимни бошинг узра тутай, дўстим,  
Орзуларим тутсин сени қучоқларда.

Бошинг узра вазмин қушдай қоқиб қанот,  
Ўтадирман, эй эварам, мен эҳтимол.

Шафақ бўлиб нурланурман мен умрбод,  
Қуйилгайман майсаларга ёмғир мисол.  
Гўзалликда тенгсиз эрур ёруғ олам,  
Узлат қора сукунатдир, мубҳам демак.  
Умр кўрдим, ошно бўлди шодлиғу ғам,  
Ҳаловат йўқ бу дунёда қайга борсак.

Мен ўзимни санамаган эдим одам  
Кўзим очиб, бу дунёни кўрганим чоғ.  
Уйғонганда фикр, дилни уйғотган дам,  
Тиниқ ёмғир томчиларин сезганимда,  
Нур остида товланишин севганимда,  
Мен ҳаётга талпингандим жуда чанқоқ.

Бу оламда беҳуда кун кўрганим йўқ!  
Гар авлодим ҳоқларимни олса қўлга,  
Мен янглишган ишларимни солса йўлга,  
Бўлар эдим ўзим ҳам шод, кўнгил ҳам тўқ.

Русчадан таржима



# ҒАЗАЛХОН БУЛБУЛ

(Шоир ва драматург Амин Умарийнинг 70 йиллигига)

Кўкда милт-милт юлдузлар кўп, рангсиз ва қонсиз,  
Кремлда ёнган юлдуз фақат дурдона.  
Ер юзида мамлакат кўп, чеги поёнсиз,  
Мен туғилган Ватан фақат тўнғич, яғона.  
Шу юлдузнинг нури билан ўсар ижодим,  
Шу Ватаннинг қучоғида яшнар ҳаётим!

Ёниқ гражданилик туйғулари билан йўғрилган, Ватанга ошуфта шоир қалбининг зарблари баралла уриб турган бу мисралар Амин Умарий қаламига мансубдир. Амин Умарий 30-йиллар тонгида Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шайхзода, Миртемир каби забардаст шоирлар билан изма-из ўзбек адабиётига кириб келган, ўзига хос шеърий истеъдоди билан эл оғзига тушган ва ҳанузгача эъзозланиб келаётган шоирдир. Шу кунларда баҳор шалоларидек шўх ва қайноқ, офтоб нурларидек тиниқ ва тансиқ шеърлар муаллифининг таваллуд топганига 70 йил тўлади. Ана шу салмоқли умрининг ақалли ярмини ҳам яшаш шоирга насиб бўлмади. У этиги ўттиз баҳорни кўрди, холос. Аммо шу бениҳоя қисқа ҳаёти давомида у ўзбек совет адабиёти тарихининг олтин саҳифаларидан жой олган боқий асарлар яратиб қолдирди.

Юлдузлар олами фақат қуёшдан, ранглар хазинаси фақат қизилдан, садолар салтанати фақат булбул сасидан иборат бўлса, бу кўхна дунё қанчалик камбағал бўлур эди. Насрда Толстойдан, назмда Навоийдан, саҳна санъатида эса Шекспирдан бўлак адиб бўлмаса, ижод гулшани нечоғлик рангсиз ва сеҳрсиз бўлур эди. Адабиёт ҳам юлдузлар, ранглар ва садолар олами янглиғ бой ва хилма-хил. Ҳозирги ўзбек адабиётида Ҳамза билан биргаликда Эркин Воҳидов, Ойбек билан биргаликда Абдулла Орипов, Ғафур Ғулом билан бирга Асқад Мухтор, Зулфия билан бирга Гулчехра Нуруллаевалар борки, уларнинг ҳар бирининг ўзига муносиб ўрни, ҳар бирига яраша ҳэтиёж бор. Шу маънода биз ўзбек совет адабиётини унинг жўшқин кўйчиларидан бири, истеъдодли лирик шоир Амин Умарий ижодисиз тасаввур этолмаймиз.

Амин Умарийнинг баъзи бир тароналаридан Ҳамид Олимжон торининг жаранги эшитилади. Айрим мисраларининг муסיқий оқимида эса Уйғун шеърятининг мавжи ва жилваси бор. Аммо у ўзининг энг яхши ва етук асарларида бу ҳар икки наҳрдан ажралиб, ўзига хос оҳанг ва садолар, нур ва бўёқлар касб этиб, ўзбек назми уммониға ўзининг дилбар жилғаси билан келиб қўшилади. Бу жилға ўзбек шеърятини учун ҳам, унинг мухлислари учун ҳам бағоят азиз.

30-йиллар ўзбек шеърятига назар ташласак, унда ранг-баранг услуб соҳиблари эжиб бир гулшани бунёд этиб турганларини кўрамиз. Бу ғаройиб гулшанда алвон ранглар билан порлаган гуллар тизими оз эмас. Инқилоб байроғи, янги ҳаёт ва янги маданият байроғи ана шу гулларнинг латиф ҳуснида ўз аксини ва ифодасини топган эди. Янги ҳаётга, Советлар Ватанига, коммунистик истиқболга муҳаббат бу асарларнинг алвон ғоялар билан товланишини таъмин этган эди. Лекин ижодий услублар ранг-баранг бўлгани сабабли уларнинг ҳар бири ўзгача бир жилвага, ўзгача бир оҳангга эга эди. Шунинг учун ҳам 30-йилларнинг шеърый гулшанида Ғафур Ғулом ундирган садарайҳонлар Усмон Носир чечакларидан, Ҳамид Олимжон эккан гуллар эса Амин Умарий бинафшаларидан яққол ажралиб туради.

Амин Умарий шеърятинида ортиқча ҳайқиреқ, қуюқ бўёқлар йўқ. Унинг найқаламидан нафис чизмалар ҳосил бўлади. У ҳаётни нозик ранглар силсиласи оша кўради ва акс эттиради. Шунинг учун ҳам унинг шеърларида акварель ранглар айнақса мавжланиб туради. Лекин шоир бошқа жанрларда — проза ва драматургияда ижод этар экан, ўзининг нафақат лирик, балки эпик санъаткор сифатидаги имкониятларини ҳам намойиш этади. Худди шу фазилати — серқирра истеъдоди туфайли у қисқа вақт ичида кўп ва хилма-хил асарлар яратишга эришди.

Амин Умарийдан бизга ўн икки нафар шеърый ва насрий китобча мерос қолган. Булар орасида бир дoston эскизлари ҳам бўлиб, у Яшиннинг «Нурхон» драматасида тасвирланган воқеаларга жўр ва ҳамоҳанг ўлароқ, озодлик ва янгилик душманларининг бегуноҳ қурбони — машҳур ўзбек қизининг фожиясидан ҳикоя қилади. Амин Умарий билан Яшиннинг бир мавзуга, бир ҳаётый материалга мурожаат этиши тасодифий эмас. Бу ҳар иккала санъаткорнинг жанр имкониятлари асосида ҳурлик билан қуллик, саодат билан ғурбат ўртасидаги ҳаёт-мамонт курашини тасвирлаши Шарқ халқлари тарихининг мудҳиш саҳифаларидан бирини авлодлар наздида тиклаш, акс эттириш ва курашлар обидасини яратишга уриниш эди. Амин Умарий Яшин билан ҳамкорликда «Ҳамза» пьесасини яратиш устида катта меҳнат қилди (бу асар шоир вафотидан бир неча ой илгари саҳна юзини кўрди). Туйғун билан биргаликда «Қасос» драматасини яратди. Шунингдек, у А. Н. Островскийнинг «Момақалдироқ», М. Горькийнинг «Егор Буличев ва бошқалар» ҳамда «Душманлар» пьесаларини таржима қилди.

Шоирнинг «Нурхон» дostonи эскизлари билан Островскийнинг «Момақалдироқ»и бамисоли опа-сингиллар қиссасидек бир-бирига яқин бўлса, «Ҳамза» ва «Қа-

сос» драмалари билан М. Горький пьесалари ўртасида ҳам муайян умумийлик мавжуд. Бу яқинлик, менимча, синфий курашнинг шу асарларда тасвирланган воқеаларни ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб келишида. Агар Амин Умарийнинг «Қиз қабрида», «Водий» сингари шеърлари оша унинг лирикасига ёндашсак, унда икки ҳаёт ва икки қисматнинг контраст тасвири шоир ижодининг пафосини белгилаб келганини кўрамиз. Бинобарин, ёшликни «курашлар баҳодири» деб таърифлаган шоир ўз лирикаси билан ҳам, драматургияси ва таржимонлик фаолияти билан ҳам нурхонларни маъв этган кечмиш кўланкасининг бартараф бўлиши, янги ҳаёт офтобининг баралла нур сочиб туриши учун курашди.

Жўшқин шоир, ўткир драматург, фозил таржимон, умидбахш прозаик ва танқидчи Амин Умарий атиги ўттиз йил яшади. Бу овозни созлаш, зеҳни чархлаш, нигоҳни тийранлаштириш учунгина даркор бўлган муҳлат эди. Шунинг учун ҳам Амин Умарий бисотида ғур ва жўн шеърлар учраши табиий. Лекин шунга қарамай, унинг аксар асарларида юксак истеъдоднинг ўчмас бир муҳри борки, худди шу ҳол унинг номи кейинги авлодлар қалбига ҳам пайванд этиб туради.

Амин Умарий ўғли 1913 йилда «шоирлар шаҳри ва фозиллар фаҳри» ўлароқ шуҳрат қозонган Қўқонда туғилди. Унинг болалик йиллари Гулханий ва Махмур, Нодира ва Увайсий, Муқимий ва Фурқатлар сиймоси ҳали ҳамшаҳарлар хотирасида хира тортмаган, улар қолдирган мерос табарруқ бир сўздек эъзозланаётган ва улар элтган илғор адабиёт машъаласини Ҳамза янги юксакликка эндигина кўтара бошлаган даврга тўғри келди. Унинг ёшлик ва ўсмирлик йиллари эса Ҳамза бошлик янги ўзбек адабиёти халқлар бахти ва озодлиги учун, янги ҳаёт учун кураш қуролига айланаётган даврга ҳамнафас бўлди. Амин шеърхон ва фазалхон ҳамшаҳарларидан шеърятни тушуниш ва севиш санъатини ўрганди. Янги воқеликда рўй бераётган ҳодисаларга янгроқ қофиялар оша муносабатда бўлаётган ҳамзалардан ўз таассуротлари, ҳис-туйғулари, фикр ва уйларини шеърнинг сеҳрли дарёсига қуиш илмини ўрганди.

Амин ўқувчилик йилларидаёқ шеърӣ машқлар билан шугулланиб, шеърят деб аталмиш гўзаллик қошонасига атак-чечак қилиб кириб кела бошлади. У 1930 йилда ўрта мактабни битиргач, шоир бўлиб етишиш иштиёқида Самарқандга бориб, Ўзбек Давлат педагогика академиясининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирди. Бу йилларда Улуғбек ватанида билим олаётган Ҳамид Олимжон, Уйғун, Миртемир, Усмон Носир, Ойдин, Йўқсил, Шукур Саъдулла, Тошпўлат Саъдий янглиғ ўзбек адабиётининг бўлажак арбобларини ўз бағрига олган мескан чин мазмуни билан шоирларимиз учун дорилфунун бўлди. Амин Умарий бу ерда назарий билимлар олиш, ўзбек адабиёти ва фольклорини кунт билан ўрганиши, рус ва жаҳон адабиёти хазинасидан баҳраманд бўлиш билан бирга, академия аудиторияларидан талабалар ётоқхонасига кўчувчи, юлдузлари чаман бўлиб очилган кечаларни ўрик гулларидек оппоқ тонлар билан улаб юборувчи адабий баҳслар ва ижодий учрашувларда ўзининг адабий билимларини бойитиб, шеърӣ истеъдодини обдан тоблади.

Ўзбек адабиёти ва маданиятининг йирик ўчоғи бўлган Самарқанд бўлажак шоирнинг ҳар тарафлама шаклланиши ва улғайишида муҳим босқич бўлди. Амин Умарийнинг Самарқандда кечган ижодий ўйлар, изланишлар ва дастлабки ютуқлардан файзиёб йиллари унинг бутун ҳаётида чуқур из қолдирди. (Унинг ҳатто 1941 йилда ёзилган «Имтиҳонда» шеъриси ҳам ана шу йилларнинг қайноқ нафаси эшитилади.) Кейинчалик у баҳор ва ёшлик тароналарини куйлар экан, Самарқанддаги таҳсил йилларида Рустамнамо куч ва ирода билан илм-фан ва ижод сирларини эгаллаб, «овози ҳаёт билан жўр» бўла бошлаган «закий, жаҳоншунос» ва ҳатто «космоншунос» ёшликдан — ўзининг, тенгдошларнинг, элу юртининг ёшлигидан туганмас илҳом олди.

**Ширинсан-да, чунки ёшликсан,  
Октябрдир сув ичган чашманг.**

Октябрь чашмасидан сув ичган ёшлик мавзуи Амин Умарий ижодини Сомон йўли каби ёритиб, нурафшон этиб ўтади. Ёшликни куч ва қудрат, ғайрат ва шижоат майдони деб билган шоир қарийб ҳар бир шеърисида шарафлайди, ҳамду сано ўқийди. Лекин бу шунчалик навқирон фаслни олқишлаш эмас, балки истиқболи яна ҳам порлоқ бўлган ёш мамлакатни, янги турмушни, янги инсонни улуғлаш ҳам эди:

**Бошинг омон бўлсин, барваста ёшлик,  
Бутун фазилатлар — сенинг чиройинг.  
Зулматларни тешар тигдек нигоҳинг,  
Бутун босган йўлинг донгли, кўёшли,  
Бошинг тошдан бўлсин, барваста ёшлик!**

Амин Умарий янги жамият ва янги инсоннинг ана шу навқирон фаслидан илҳом олиб, жўшиб ва ёниб ижод этишга киришди. У шеър иштиёқида қора тунларни оқ қилди. Ҳар бир тонг шабадасини янги шеър, янги тарона билан кутиб олишга уринди. «Янги кўшиқ, янги шеър билан тонг, юлдузни кутиб оламани», деб ёзди у. У ҳар бир шеърисида «сувдай тиниқ, боладай эрка...» қалбининг ҳолатларини, бепоён мамлакатимизда рўй бераётган тарихий ўзгаришлардан, қурилишлардан, бунёдкорлик юмушларидан олган таассуротларини, кечинмаларини, тугёнларини тасвир этишга интилди. У ўзининг руҳий ва маънавий оламини ифодалар экан, бу оламнинг сўз ёрдами билан мужассамланган ёғдулари кишилар қалбини ёритишига,

уларга ҳарорат ва завқ-шавқ бағишлашига астойдил ишонди. Шунинг учун ҳам у «Шеърларим — чечагим, ҳаётим, шеърларим — бойликдир, бисотим», деб ёзди. Шеърятга бундай муқаддас туйғулар билан ёндашиш тез орада ўз самараларини берди. 30-йилларда шаклланган янги қаҳрамон — курашчан фидокор ва фаол инсоннинг барча муҳим фазилатлари, дилбар ва олижаноб туйғу ва кечинмалар олами унинг шеърларида, унинг ижодида ҳайратланарли даражада катта санъат билан тажассум этилди. Унинг лирик қаҳрамонида шу даврнинг етакчи гоёлари ўз ифодасини топди. Унинг ижодида урушгача бўлган даврнинг ва уруш йилларининг қаҳрамонлик билан йўқрилган романтикаси тўла акс этди.

1932 йилда Амин Умарийнинг биринчи шеърлар тўплами — «Янгроқ садолар» билан бирга «Асад» деб аталган илк ҳикоя китобчаси ҳам босилиб чиқди. У ёшлиқнинг бутун ғайрат ва шижоати билан шеърят уммониغا отилди: кўп ўқиди, ундан ҳам кўп машқ қилди.

1933 йилда Педагогика академияси базасида Ўзбекистон Давлат университети ташкил этилди. Университетни 1935 йилда юксак кўрсаткичлар билан тугатган Амин Умарийни ўзбек адабиёти кафедрасида олиб қолдилар. 1935—1936 йилларда у ўзбек классик ва совет адабиёти тарихидан лекциялар ўқиди ва илмий ишлар билан шуғулланди.

1937 йил шоир ҳаётида қутлуғ йил бўлди. Амин Умарий Тошкентга кўчиб келиб, Ўзбекистон Ёзувчилар союзига аъзо бўлиб кирди, «Фарзанд» деб номланган шеърлар тўпламини босмадан чиқарди. Бу — шоир ижодида сезиларли бурилиш ясаган, уни етуклик ва маҳорат сари шахдам етаклаган, унинг шеърларига шира ва ранг бағишлаган шарофатли йил эди. Энди унинг овози равонлашиб, латофат ва жозиба касб эта бошлади. Шоир Тошкент педагогика институтида ўзбек совет адабиёти курсини олиб борадими, «Гулистон» редакциясида адабий ходим бўлиб ишлайдими, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журнали ёхуд «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакцияларида хизмат этадими, унинг учун шеър энг муҳим нарса бўлиб қолади. «Ижод, шеърсиз юриш менга кайф эмас» деган сўзларни шоир қилиб олган шоир 1938 йилда «Шеърлар», «Садоқат», «Болалик қўшиқлари», «Қозон йўлида» деб сарлавҳаланган учта шеърлар ва битта очерклар тўпламини эълон қилади. У шеъринг камолотга эришининг бирдан-бир йўлини топиб олган эди. Бу — бетиним-меҳнат ва ижод йўли эди.

Ҳаёт жуда ғаройиб нарса. Агар беш-олти йил яшабоқ оламдан ўтувчи қуён бутун умри бўйи елиб-югурса, ҳаёти асрлар билан ўлчанувчи тошбақа эса ошиқиш нималигини мутлақо билмайди. Ҳаётнинг бу пинҳона қонуни одамзодга ҳам баъзан тааллуқли туюлади. Пушкин, Лермонтов, Добролюбов каби буюк зотлар ўзларининг фавқуллодда қисқа умрларида юксак суръатлар билан талай-талай ёзиб, айтиб қолишлари лозим бўлган ғапни халққа етказиб улгурганлар. Амин Умарий ҳам ўзининг қисқа ҳаётида адабиётимиз равнақиға муносиб ҳисса бўла олувчи асарлар яратолди.

Шоир 1942 йилнинг 14 сентябрида касалликдан вафот этди. Амин Умарий «Дўстларга хат» шеърда:

**Бизнинг ижод битмас булоқдир,  
Унда қайнар ҳаёт, тантана.  
Шу булоқдан тошиб чиққан сўз  
Жаҳонларга солсин пўртана!**

дея баралла ҳайқирган эди. Бу булоқдан отилиб чиқувчи сўз унинг шоирона тасаввурида мумтоз сатрлар бунёд этиб, юксак санъат уфқларидан қуёшдай балқиб чиқиши керак. Шоир ана шундай маҳоратга эришиш учун «Навоий «Ҳамса»си қандили»дан тафаккур чирогини ёқишга интилди, «лирамга сайқал бер», деб Пушкин ижодиға мурожаат этди.

Амин Умарий асарларидаги юракни жимирлатувчи нарса — шоирнинг ҳамisha қайноқ ва некбин ҳолати. Унинг шеъри она юрт шалолаларидан ирмоқ олгандек жўшқин, хушсадо, ўлка қуёшидан ҳарорат олгандек оташли ва ёруғ. Шу маънода Амин Умарий шеъри у тўғилиб улғайган юрт табиати ва иқлими билан ҳамоҳанг бўлибгина қолмай, унинг маҳсули ҳам эди. Гёте: «Шоирни тушуниш ва билиш учун унинг юртиға бориш керак», дер экан, эҳтимол, ана шу нарсани кўзда тутган бўлса.

Амин Умарий шеърларини гўзал бир гулдастаға қиёс этгудек бўлсак, унда шоирнинг Ленинград, Қрим ёхуд Волга бўйларига қилган сафарлари чоғида терган чечаклари ҳам оз эмас. Бу шеърларда Советлар дийрени «бахтли ҳамхона» деб билган ватанпарвар шоирнинг кечинмалари жўш уриб туради. Аммо шунга қарамай, у ниҳоятда миллий шоир. У бир шеърда гарчанд Волга сохилларига «Репин берган бўёқлар билан» назар ташлаганини эътироф этган бўлса-да, унинг лирикасида «алла айтиб инсон тилин ўргатган» серқуёш юртнинг бўёқлари жавлон уриб туради. Ариқларида сувлар шилдираган, боғларида булбуллар хониш қилган жаннатмақон ўлканинг фусункор табиати унинг шеърларида ўзининг беқиёс ранглари билан ял-ял товланиб туради.

Амин Умарий ижодидаги ана шундай ранглар шалоласида баҳор жилвалари айрича бир мавқе касб этади. Ёшлиқ куйчиси бўлган шоир баҳор манзараларини ўзгача бир меҳр билан чизади. У баҳорнинг гулгун ҳолатларида ўз руҳи ва кечинмаларининг акс-садосини кўради.

Мана, қандай равон ва қуйма сатрларда у ўз руҳининг, кечинмаларининг ҳаракатини ифодалашға эришади:

**Либос кийди гул-лолалардан  
Республикам чаман боғлари.  
Булут ўпган қорли тоғлари  
Қўшиқ тинглар шалолалардан.**

**Гул очилар бўлиб қатма-қат,  
Булбул этмас сийнасини чок.  
Рухим — баҳор, мен эмас ғамнок,  
Менда роҳат, шодлик бор фақат.**

Ана шу тарзда ёшлик ва баҳор тароналари унинг лирикасида Ватан ҳақидаги улғу қасидага келиб қўшилади.

Шоир ва Ватан... Бу — фарзанд ва она дегандек узвий муносабатга эш тушунча. Амин Умарийнинг Москва, Қрим ва Фарғонага бағишланган шеърини туркумларида ҳамда бўлак қатор шеърларида Ватан образи пурвиқор ҳайкал янглиғ қад кўтариб туради. Шоир Россиянинг қўм-қўқ ўрмонларида туғилиб, Волга бўйларида улғая олмаганини аллақандай ғусса билан айтса, «жаннатмакон Қрим»ни зиёрат этар экан, унга ошиқ меҳри билан кўнгил боғлайди. Лекин у олис Волга бўйларида «янги шуур ва янги қўшиқлар билан» қайтар экан, ҳали бетидеги йўллар чангини ҳам артмай, Зарафшон мадҳини ёзишга, унга бўлган ўтли туйғуларини ифода-лашга тушади. У Волга ва Қримни ошиқ каби улғулаган ва сезган бўлса, Зарафшонни фарзанд каби эъзозлаб ардоқлайди.

Амин Умарий «Янги алла» шеърисида фарзандини «севган болам, оппоғим, алла, мавж урувчи булоғим, алла», деб эрқаласа, «Баҳорим» шеърисида ўзи эрка фарзанд бўлиб, «жаннат каби навбаҳор ерим, ўлғунимча сенга эрқаман», дея она юрт бағрига кириб эрқаланади. У Ватанини, халқини эҳтирос билан севади. Халқ шодиёналарини, хашарларини кўриб завқланади, унинг бошига тушган мусибатлардан қайғуради. У табиат манзараларидан сархуш ҳолатга тушади, «асрларнинг маст уйқусига бошни қўйиб шўнғиган чўллар»ни кўриб, уларнинг обод бўлишига, ўзлаштирилишига астойдил ишонади. У ҳатто «кунлар келар, ёзган шеъримдан «чўл» сўзини олиб ташларман», деб башорат қилади.

Амин Умарий табиатни рассом кўзи билан кўрди. У гўзал диёр манзараларини тасвирлар экан, табиатнинг «қош ва кўзларини тавсифлашга маҳлиё бўлмади. Тўғри, у гўзалликни бутун вужуди билан идрок этиб, ундан завқ туйди. Аммо бу билангина чегараланмади.

Мана, унинг «Куз қўшиқлари» шеъри. Шоир тўкин ўзбек кузи тасвирланган бу шеърни якунлар экан:

**Кузим, чиройлигингни,  
Мўлу кўл бойлигингни,  
Кечаси ойлигингни  
Биз ўзимиз бор этдик,  
Сени чаманзор этдик,—**

деб ёзади. Инсон ана шу тарзда унинг табиат лирикасида ҳам етакчи қаҳрамон бўлиб қолади. Шоир ўзининг меҳнати сингани учун ҳам Ватанини алангали севади. Ватанининг тобора ҳусн-тароватга тўла бораётганини кўриб, ўз меҳнатидан мамнун бўлади:

**Обиновот билан тўлганда диёр,  
Ижод ва ишингдан мамнун бўласан.**

Ўз юртини, элини, давру давронини бениҳоя севган ва уларга бутун илҳомини, ижодини бахшида этган шоир «Олтинжамол фаслсан» шеърисида она диёрини гулзорга, ўзини эса ғазалхон булбулга бежиз қиёс қилмаган эди. Зеро у ўзининг бутун ижодий ҳаёти мобайнида буюк Советлар диёрини ғазалхон булбул ўлароқ куйлади ва дoston қилди.

Амин Умарий бизга булбул наволаридек оташин муҳаббат туйғулари билан йўғрилган шеърларини, асарларини мерос қолдирди. Шоирнинг ўзи улар ҳақида «Шеърларим — чечагим, ҳаётим», деб изҳори дил қилган эди. Ҳа, шоирнинг шеърини чечаклари йиллар ўтса-да сўлмай, бизнинг ҳам бисотимиз ва бойлигимиз бўлиб келмоқда.

**Наим КАРИМОВ,  
филология фанлари кандидати**

# Мушоҳаза, мушокама, мунозара

Нажмиддин Комилов,

филология фанлари кандидати

## ИЛҲОМ ВА МУҲАББАТ ФАРЗАНДИ

Иттифоқ миқёсида ҳам, республикамиз доирасида ҳам бадий таржима масалаларини ўрганиш, унинг турли томонлари, муаммоларини назарий жиҳатдан тадқиқ этишга эътибор кучайиб бормоқда. Чоп этилаётган монографиялар, адабий-танқидий тўпламлар, марказий матбуотда тез-тез кўзга ташланаётган мақолалар, жамланган назарий фикрларни конкрет адабий жараён билан боғлаш ва шу асосда таржима танқидини ривожлантириш бизда суствик билан амалга оширилмоқда. Шу маънода Ортиқбой Абдуллаевнинг «Мен на дейма-у, қўбизим на дейди»<sup>1</sup> мақола-сида кўтарилган масалалар, гарчанд «эски» бўлса ҳам, бугунги шеърини таржима таҳлилига бағишлангани учун киши эътиборини тортади. Ундаги танқидий руҳнинг ўткирлиги ҳам менга ёқди. Чунки таржимачилигимизда мавжуд бўлган камчиликларни рўй-рост очиб кўрсатиш, таржима асарларини қиёсий йўсинда ҳолисона баҳолаб, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш, савияси паст, бўш таржималар ҳақида «қаттиқроқ гап қилиш» вақти келди. Шу баҳонада адабиётимизнинг ва таржимачилигимизнинг ҳозирги босқичида юз бераётган ўзгаришлар, янгиликларни кўздан кечириш имкони туғилади; назария бошқа, таржима амалиёти бошқа, деган нотўғри тасаввурларга барҳам берилади.

Таржима ҳақида гапирганда, кўпинча: «муаллиф услубини акс эттириш», «асарнинг ўзига хос хусусиятларини бериш» сингари талаблар тилга олинади. О. Абдуллаев ҳам Расул Ҳамзатовнинг ўзбек тилида босилган «Бир хонадон фарзандлари» китобидаги шеърларни таҳлил этар экан, гапни шундан бошлаган. Бу тўғри аслида. Чунки бадий таржиманинг ибтидоий аксиомаси шу: муаллиф услубини тўғри акс эттирмасдан туриб, асарнинг ғоявий-бадий қиймати, эстетик таъсир кучини янги тилда ифодалаш мумкин эмас. Бироқ, ҳамма гап шундаки, таржимада услуб деганда фақат муаллифнинг индивидуаллиги эмас, шу билан бирга таржимон услуби ҳам назарда тутилиши керак. Бошқача айтганда, таржимон — ижодкор, таржима — ижод экан, иш жараёнида у ўзлигини четлаб ўтолмайди, таржимон, шаффоф ойна нурни юқтирмай ўтказганидек, асарнинг барча қатта-кичик хусусиятларини механик равишда ўз тилига ўтказадиган машина эмас. Ўзга тилдаги асар таржимон шоирнинг тобланган илҳоми кўрасида қайта пишиб, янгидан етилиб, дунёга келади. Зеро, оригиналдан аввало таржимоннинг ўзи китобхон сифатида завқланади, унинг ғоялари, оҳанги, образлар оламини дилига жойлайди ва ана шу завқини, ўзлаштирган янги «эстетик воқелигини» ўз китобхони билан баҳам кўриш учун таржимага киришади. Натижада ўзлигини, ўз овозини асарга «юқтиради», муаллифга қўшилиб, жўр бўлиб кетади. Бу ижоднинг алоҳида тури бўлмиш таржима табиати-дан келиб чиқадиган муқаррар зарурий ҳодиса. Бадий таржима нусха кўчириш эмас, балки санъатдир, деган гапнинг маъноси ҳам шу. Шунинг учундирки, таржимон эркинлик бор, таржимоннинг ҳам муаллифлик ҳукуқи бор, деймиш. Айниқса, мада эркинлик бор, таржимоннинг ҳам муаллифлик ҳукуқи бор, деймиш. Айниқса, таржимоннинг ўзлигини акс эттирадиган, бошқа тилда қайта яратилган янги вариант-дир. Бу, демак, муаллиф «ўзлиги» ўрнига батамом ўзини қўйиб эмас, балки ўша «ўзлигини» ўз ижодий қудрати билан етказишдир. Миллийлик, давр колорити ва ҳоказолар ҳам худди шундай ижодий «аралашув» билан янгича ҳаёт топиши мумкин. Адабиётимиз тарихидаги энг яхши таржималар бунинг мисолидир. «Иблис» — М. Ю. Лермонтов поэмаси, айни вақтда, унинг ўзбекча нусхаси — Усмон Носирнинг

<sup>1</sup> «Шарқ юлдузи» журнали 3-сон, 1983 йил.

ижоди, унинг шеърятидан дарак бериб турадиган феномен воқелик, демакки, агар Усмон Носир қўл урмаса, айнан шу таҳдиддаги таржима яратилмаган бўлув эди. Шу қонуният таъсиридирки, таржимоннинг ўзига хослиги қанчалик ёрқин, индивидуал услуби нечоғлик буртиб турса, ижодий имкониятлари устивор, баракали бўлса, таржимада асарнинг ўзига хослигини, муаллиф фазилатларини шунча аниқроқ ва тўлиқроқ ифодалай олади. Бу бир қарашда ғалати бўлиб туюлса ҳам, аслида ҳақиқатни акс эттирадиган фикрдир. Чунки муаллиф маҳорати таржима асариде таржимон маҳорати орқали рўёбга чиқади. Таржимоннинг ижодий қудрати етишмаган жойда муаллиф маҳорати ҳам, услуби ҳам сояда қолиб кетади.

Иттифоқ китобхоналари Р. Ҳамзатов асарларини русча таржималарда ўқиб, уни танидилар ва севиб қолдилар. Бунда Ҳамзатов маҳорати билан бирга рус шоирларининг ижодий ҳиссаси, овози борлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Н. Гребнев, Я. Козловский совет шарқи халқлари шеърятидан кўплаб ажойиб таржималар ижод этганлар, жумладан, улар Ҳамзатов шеърларига меҳр қўйиб, уни русча янграта олдилар. Энди булар соф аварча кўшиқлар эмас, балки рус шеърятининг заминига кўчирилган. Доғистон шоирининг шеърларидир. Ўзбекчага таржима қилинганда эса бу аварча-русча чапишув устига учинчи бир ижодкор — ўзбек шоирининг овози ҳам «қўшилиши» лозим эди. Эркин Воҳидов ва Муҳаммад Али таржималарида уларнинг ўз қиёфалари кўриниб тургани сабабли Ҳамзатов шеърларининг таровати ҳам акс этган. Гап Ҳамзатов асарлари таржимаси ҳусусида борар экан, шунга айтмоқчимизки, яхши таржималар қатори китобхонани қаноатлантирмайдиган бир қисм таржималарнинг пайдо бўлишига русча матнларга керагидан ортққ ёпишиб олиш, эркин ижод қилишдан, индивидуал шоирлик услубини кўрсатишдан ўзини тийиш сабаб бўлган. Бу ерда гап фақат сўзма-сўзлик устида бораётгани йўқ (бу умуман зарарли метод), балки шеърини таржима принциплари, унинг асосини ташкил этадиган ижодийликнинг бузилиши ҳақида бормоқда.

Расул Ҳамзатов — шарқу гарб руҳини ўз ижодида омухта этган, авар фольклори оҳанглари, рус классик шеърятини ва айниқса Саъдий, Ҳайём, Ҳофиз меросидан баҳраманд бўлган одам. Шарқона маром, тамсилчилик усули, ҳикматомузлик унда яққол кўзга чалиниб туради. Шундай экан, нега бизнинг таржимачиларимиз бундан фойдаланмайдилар, ўзларини эркин тутиб, русча матнга қараганда ҳам, шарқона руҳни ёрқинроқ ифодалаб, аварча аслига яқинлаштириб таржима қилмайдилар? Расул Ҳамзатов шеърларининг тожикча нашрида бу жиҳат яхши акс этган. Бежиз эмаски, тожик бастакорлари таржималар асосида бир неча кўшиқлар яратганлар. Шоирнинг «Агар юзта бўлса ошиғинг» шеъри эса ўзбеклар орасида куйланиб келинади (афсуски, бир неча яхши таржимаси бор бу шеър «бир хонадон фарзандлари» тўпламига киритилмаган). Айтмоқчиманки, Ҳамзатов руҳан ва услубан бизга яқин ва биз бунга таржима орқали исботлашимиз керак эди.

Тадқиқотчиларнинг тасдиқлашича, Шайхзода «Ҳамлет»ни Б. Пастернак вариантдан ўйрган бўлса-да, аммо ўзбекча таржима инглизча аслига яқинроқ бўлиб чиққан. Сабаби, Шайхзода тафаккуридаги «шарқона» фалсафий руҳ, калом санъатига кучли эътиқод Шекспир даҳосининг рус таржимони илғай олмаган қирраларини интиутив равишда кашф этишга йўл очган.

Талантли ёшларимиз Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Миразиз Аъзам, Сулаймон Раҳмон, Абдулла Шер, Тилак Жўра, Усмон Азимов, Муҳаммад Раҳмон, Муҳаммад Солиҳ, Тоҳир Қаҳҳор, Отаёр ва Хуршид Давронлар ҳам шу ижодий анъанани давом эттириб, кейинги йилларда бир қанча ажойиб асарларнинг муносиб таржималарини ўзбек ўқувчисига туҳфа қила олдилар.

Таржимада тўғри ижодий методга амал қилмоқ қанчалик муҳимлиги, русча таржимадан фойдаланганда матн орқасида яширинган муаллиф ниятларини илғаб, уни ўзбекча шеърини тил, муносиб оҳанг билан юзага чиқаришга «Миндаугас изтироби» асари таржимаси яхши мисол бўла олади. Ю. Марцинкявичюс ижоди мутлақо европача анъаналар ичиде шаклланган. Бироқ унинг мазкур драматик достони мазмунан бизга жуда яқин, бизнинг дардларимизга ҳамоҳанг. Шу сабаб у Омон Матжонга қаттиқ таъсир этди, муҳаббатини қозонди ва, натижада, унинг таржимонлик маҳорати бунда ўзлигини намоён қила олди. Асардаги теран мазмун, кучли драматик коллизиялар ичра ўқиб борадиган барваста характерларнинг қалб изтироби, тарих ва миллат, халқ ва шоҳ орасидаги муносабатлар диалектикаси, шекспирона ташбеҳ ва ҳикматли сатрлар О. Матжон тафаккурига, унинг ижодий мақсадларига эш эди. Омон ўзи бунгача тарихий мавзуда иккита драматик дoston яратиб, шу муаммоларга дуч келган эди. «Миндаугас изтироби» — Литва тақдири, унинг мустақиллиги ҳақида ҳаяжонли ҳикоя. Асар оқ шеърда ёзилган, аммо ботиний оҳанг зўр. Омон Матжон оқ шеърнинг ўзига хос тилини, ритминини шоирона дард билан, ўзи ёзаётгандай қилиб ижод этган. Ҳикматона нуққ оҳанги, ихчамлик ва бурролик мавжуд. Донишмандона тадбирлар, қурбонлар эвазига тикланган ватаннинг Миндаугас қалбидеги аччиқ фарёди эшитилиб туради.

Балки ҳар давлат,  
Ватан  
Шундай  
тинимсиз  
меҳнат билан келар дунёга балки!  
Сал тиндингми — тамом,  
ўлада Ватан!



тушиб, Шавкатнинг ўз ижоди учун бунинг хавфли оқибатлари борлигини таъкид-  
ладилар. Аммо таржима учун шундай севиш зарур эди. Шавкат испан шоирининг  
виждон ҳайқириги, ҳаёт нидосига айланган серифода шеърларини тасвирийлиги,  
куюқ, ёрқин ранглари билан ўзбек тилида тиклади. Шеър — ҳақиқат портрети, ҳаёт-  
нинг сўз ила чизилган мусиқий сурати. Лорканинг ўзбек тилига ўгирилган ҳар бир  
шеъри бунга мисол бўла олади:

**Тиним билмай йиғлар гитара,  
Йиғлагандай дарёларда сув,  
Йиғлагандай денгизда шамол,  
Сукут сўраб ялинма энди!  
Шундай йиғлар тонгни қўмсаб шом,  
Шундай йиғлар нишонсиз ўқлар.  
Шундай йиғлар ловиллаган кум  
Тароватли гулларни йўқлаб.  
Илон нишин таҳликасида  
Қушлар шундай ўлар жонсарақ.  
О гитара, шўрлик гитара,  
Бешта ханжар санчилган юрак!**

Ажойиб шеър, ажойиб кўшиқ! Шавкат илҳоми Лоркага кўшилиб жўш урган, ўз  
салафининг юрагига кириб, дарду ҳасратларини янгидан куйлаган. Гитара — соз,  
Лорканики, унинг матни, унинг оҳанги; аммо иккочи янги одам — ўзбек шоири  
Шавкат Раҳмон. Маҳорат билан сидқидилдан «эзиб» ижро этилган куйлар. Улар  
Шавкат Раҳмоннинг майин овозини ҳам бизга етказди.

Евгений Евтушенконинг «Оқ қорлар» тўпламига кирган лирик шеърларнинг  
асосий қисмини Маъруф Жалил таржима этган. Танланган шеърлар ҳақгўй улкан  
совет шоирининг ижоди билан бизни таништира олади. Агар таржима дуруст чиқ-  
қан бўлса, ҳатто битта шеър ҳам муаллиф ижодининг қудратини англашиб, унга  
ҳавас уйғотиши мумкин. «Оқ қорлар» тўпламида эса бундай таржималар анчагина.  
Мен «Безовта қилар зўр исъёдоод...», «Она», «Елғизлик», «Шаккоклик», «Менинг ё-  
жимланган ҳаётим...», «Илтижо» (негадир «Сеҳрлов» деб ўгирилган), «Учинчи хо-  
тира», «Болалик манзараси», «Севгилим, ухла», «Рим нархлари», «Нозим юраги»,  
«Виждон азоблари», «Шошмоқ, бу — асрнинг лаънат тамғаси» шеърларини назарда  
тутаяпман. Бу шеърларда аслиятдаги хос оҳанг, поэтик манتيқий бутунлик, ҳис-  
ҳаяжон нисбатан тўлиқ ифодасини тополган. Шуни ҳам айтиш керакки, Евтушенко  
серқирра шоирлар сирасига киради, унинг шеърлари усул ва интонация тарафи-  
дан турлича. Унинг ижодида, яхлит олиб қаралганда, бир неча хил шакл ва оҳанг-  
ларнинг синтези, кўшилиши кўзга ташланади. Вазнлар, қофиялар тартиби, оҳанг-  
дорлик ҳам ҳар бир шеърда ўзгача. Пушкин ва Есениннинг лирик мусаффолиги,  
Маяковскийнинг ҳайқирик, серэхтирос ритми, Ғарб шеъриятининг мураккаб ибо-  
расозлиги ҳам бор. Унинг ўзи эътироф этгандай, бу чашмаларнинг ҳаммасидан сув  
ичиб, шоир бўлиб вояга етган. Гоҳ серқофия, жарангдор шеър, гоҳ босиқ-вазмин  
сатрлар, гоҳ сарбаст усулига дуч келамиз. Буларнинг ҳаммасини бирлаштирган Е.  
Евтушенконинг ўзига хос овози ҳам ҳар асариде янграб туради. Шундай экан, тар-  
жимон умуман Евтушенкога хос услуб белгиларини илғаш билан баробар, ҳар бир  
алоҳида шеърнинг интонацион йўналиши, тизилиш хусусиятларини ҳам эътиборга  
олиши лозим.

**Улишни ўйламай яшамоқдамиз,  
Уят эсимиздан чиқар шу ваздан.  
Аммо ҳар қадамда кўзга кўринмай,  
Покиза аёлдай турибди виждон.  
Унинг болалари саргардон, ҳароб,  
Гадойтўрва осиб юрар афтода.  
Виждон изтироби — ғалати азоб,  
Виждонсизлик билан тўла дунёда.**

[«Виждон азоблари» шеърдан].

Русчаси:

**Мы живём, умереть не готовясь,  
Забываем поэтому стыд,  
Но мадонной невидимой совесть  
На любых перекрестках стоит.  
И бредут ее дети и внуки  
При бродяжьей клюке и суме —  
Муки совести — странные муки  
На бессовестной к стольким земле.**

Диққат билан қиёсласак, мисрама-мисра мазмун-маънонинг таржимага кўчга-  
нини кўрамиз. Русча шеър силлабо-тоник вазнда (бандларнинг биринчи ва учинчиси  
10 ҳижоли ямб, иккинчи ва тўртинчи 9 ҳижоли ямб) қофияланиши классик усулда,  
қатъий. Маъруф Жалил таржимасида ҳамма мисралар 11 бўғинли бармоқ, қофия-  
ланиш қатъий тартибда, бой, жарангдор қофиялар. Натижа равшан: шеърнинг



интонацион пафоси акс этган, Евтушенкога хос кучли гражданлик руҳи билан суғорилган сиёсий-ижтимоий лириканинг зарблари муҳайё! Шоирнинг куйинишларини, дардини, публицистик ўткирлигини бериш учун қилинган ижодий иловалар яхши мева берган. Ўзгаришлар («мадонна»—«покиза аёл», «перекрестка»—«ҳар қадамда»), аниқ ўгирилган ифодалар («саргардон», «хароб», «гадойтўрва осиб юрар» каби).

Бироқ Маъруф Жалил таржималарининг ҳаммаси ҳам шундай ёрқин чиққан эмас. «Асал», «Кучугим», «Добоча» шеърларида ёпишмайдиган нотабий мисралар, ноаниқ, мавҳум жойлар учрайди. Бу манзур шеърларнинг Маъруф Жалил ижод тарзига, шоирлик қиёфасига мос келмаслигидан эмас, балки оригинал матнга жуда ҳам яқинлашишга интилиб, ўзини кишанлаб қўйиш, «эркинлик ҳуқуқидан» фойдалана билмаслик оқибатидир. Тўғри, Маъруф Жалил сарбаст шеърни куш кўрмайди, у анъанавий бармоққа садоқат билан хизмат қилиб келмоқда. Лекин, шундай бўлса-да, Маъруф Евтушенконинг сарбастда ёзилган «Нозимнинг юраги» шеърини аслидаги усул билан қойиллатиб ўгирган. Демак, ёзилиш усулидан қатъи назар, шеър таржимон қалбидан жой олган ва у «ўз хоҳишига зид» ўлароқ, асарнинг яхши таржимасини яратиб, сарбаст таълимини татиб кўради. Муваффақиятли чиқмаган таржималар ичида ҳижо вазнида ёзилгани ҳам борки, бу ҳам асосий сабаб, ижодий усулни тўғри қўлламасликда эканини тасдиқлайди.

«Асал» шеъри шундай бошланади:

**Я расказу вам был про мед.**

Ўзбекчада:

**Мен бол воқеасин айтаман сизга.**

Бу шоирона мисра эмас. Агар «Асал афсонасин айтаман сизга» қабилида бўлса, шеърий нафосат дафъатан кўзга кўринармиди?

Шоирнинг сероҳанг «Илтижо» шеъри сатрма-сатр ўгирилган, сатрий таржима бўлиб қолган. Жумлалар ҳам тўмтоқ. Сўзлар орасидаги, сатрлар ўртасидаги боғланиш, изчил шеърий оҳангга деярли эътибор берилмаган. Натижада атоқли шоир қаламига мансуб шеър ҳаваскор шоир ижодидаги нотугал, хом-хатала бандларга айланган:

Илтижо қиламан — жимжитлик чоғи,  
Ё ёмғир шовуллаб турганда ёғиб.  
Ё қор қуюнига уйингдан боқиб,  
Тушлар кўрганингда, ё бедор ётиб,—  
Наврўз кечасида мени ўйлагин  
Ва ёз кечасида мени ўйлагин,  
Ҳам куз кечасида мени ўйлагин.  
Аёз кечасида мени ўйлагин.

Е. Евтушенко ёзган эди:

«...Поэзиянинг дилбарлиги, насрга нисбатан жозибадорлиги фақат фикр ва сюжет қурилишида яширинадиган нарсда эмас, балки сўзнинг ўз мусиқасида, интонация мавжланишларида, истиоралар нурланишию сифатлашларнинг нафислигидадир». «Оқ қорлар» тўпламига кирган Омон Матжон, Маъруф Жалил, Жуманиёз Жабборов, Миразиз Аъзам қаламига мансуб энг яхши таржималар бу талабга жавоб беради, ўзбек китобхони қалбини банд эта олади. Шеърнинг соддалиги замирида тил жарангдорлиги, шеърий жозоба бор. Таржимон Маъруф Жалил эса содда асарни яна соддалаштираман, деб уни яланғоч ҳолга келтирган. Натижада у қуруқ, бетасир бўлиб қолган. Шу усул «Асал» шеърда бир қанча нотабий, зўраки мисраларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Чунончи:

Ҳамма яшарди оч,  
совқотган ҳолда,

Асал тушди  
бозордаги қор устига.

Бу «на снег базарный бочку выставили» мисрасининг ўгирмасидир. Бундай камчилик фақат Маъруф Жалилнинг айрим таржималарига хос эмас. У бирмунча томир отиб бораётган нуқсондир. Нашриётларимиз чоп этган бошқа тўпламларда ҳам, матбуотда эълон қилинаётган айрим шеърий таржималарда ҳам шу аҳволни кўрамиз. Н. Грибачевнинг «Дала қамалаги» китобидаги баъзи мисолларга мурожаат қилайлик.

Тўлқин таржима қилган «Йўлда» шеърдаги бир банд:

Фол очиб мен асло кашф этмайман. (?)  
Асрим хаёлимда ўсди бахтиёр. (?)  
Аниқ кўраяпман ўз кўзим билан:  
Қайнзор оралаб юлдузли йўл бор.

«Янги одам» шеърда эса бундай банд бор:

Оҳ-воҳ эшитмоққа асло йўқ ҳушим, (?)  
Кунлар варағига томмасин ёшим.  
Атом замонида кўпдир йўл-йўриқ, (?)  
Аммоки, дўстлигим қовушганча йўқ! (?)

Бу сатрларнинг маъносини ҳақиқатдан фол очиб англамасангиз, оддий таразда ўқиб, ҳеч нарса тушуниб бўлмайди. Ўз ишига, ижодига ҳурмат билан қараган одам буларни «шеър» деб тақдим этмайди. «Дала камалаги» тўпламида шунақа таржималар анча-мунча. Улар маҳорат билан амалга оширилган, яхши таржималар (мен Сулаймон Раҳмон, Раҳзот Абдурашид, Шукур Қурбонов, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Раҳмон, Муҳаммадали Қўшмоқов таржималарини назарда тутяпман) ёнида куруқ дарахтдай серрайиб турибди.

Ижод учқунидан маҳрум таржималар А. Софроновнинг «Жанубда баҳор», Мўмин Қаноатнинг «Этиқодим», Жубан Мўлдағалиевнинг «Қўл баҳори», О. Шестинскийнинг «Дўстларимга» номлари остида «Дўстлик кутубхонаси» туркумидан нашр бўлган китобларда ҳам учрайди.

Мўмин Қаноат шеърларини Нормурод Нарзуллаев билан Мукаррама Ғаффоровалар таржима қилишган. Мукаррама Ғаффорованинг оригинални яхши тушуниши, уни севиши, оҳанглари ўзбекчада тиклашга интилиши сезилади. Лекин бу интилиш, муҳаббат қутилган амалий натижа бермаган.

Дилбарим лобарлигидай дўст тутарман мен уни,  
Ҳам онам сарварлигидай дўст тутарман мен уни

(«Тожиқ тили васфида»).

сатрлари ўзбекча эмас, албатта. Ҳозирги ўзбек тилида севаман, яхши кўраман деган сўзлар бор. дўст тутарман эса йўқ. Бу тожиқча дўст медорамнинг нотабий калкаси. Демак, маълум бўладики, оригинал таъсирга берилишнинг салбий оқибати ҳам бор, муаллиф услуби доирасидан чиқолмай, оригинал тили сеҳридан қутула олмаслик таржимани майиб қилади. Бу ҳам ижодий иқтидорнинг етишмаслигидан. Зеро, оригинал таъсирини кучли ҳис этган ҳолда уни ватан адабиёти хусусиятларига бўйсундира олиш катта қобилиятни тақозо этади. Таржима шундай бўлсинки, унинг таржима эканлиги билинмасин. Аниқлики мазмун аниқлиги деб қарашга сабаб бўладиган нарса ҳам асл матнга садоқатни баҳона қилиб кўрсатишдир. Заиф, бўш таржималарни ясовчилар шундай аниқлики рўқач қиладилар-да!

Мўмин Қаноат дostonлари таржималари шеърини асарини ана шундай «аниқ» қилиб назм тизмаларига айлантиришнинг яхши мисоли бўла олади. Улар ўқувчига таъсир этишдан ожиз, пафос, шеърини санъат, ҳарорат сундирилган. Қофияланган сўзма-сўз таржималарга — тағламаларга ўхшайди улар. Дostonларга янги руҳ бағишлаш, ўқиладиган шеърини асарга айлантириш учун уларни қайта таржима қилмоқ зарур. Профессионал назмсозлик оригинал ижодга ҳам, таржима санъатига ҳам зарар келтирмоқда. Бу «оқим» вакиллари яхши шоирларни бебурд қилиб, обрўйини туқишга сабабчи бўладилар. Иккинчидан, ўртамеъна ва паст асарларнинг таржима қилиниши ҳам шулар «ташаббуси»дир. Улар «адабий алоқага хизмат қилиш» баҳонаси билан ўзлари тенги кишиларнинг шеърларини ўзбекча «ясаб» чиқараверадилар. Тўғри, фақат классика билан кун кўриб бўлмайди, замондош қардошларимиз ижодидан ҳам хабардор бўлиб туришимиз керак. Демак, таржима адабиёти ватан адабиётини бойитадиган чинакам бадиий обидалар ва адабий ахборот бўладиган асарларга ажралади, лекин шунда ҳам халққа манзур бўлганини танлаб олиб, ўша манзур ютуқларни кўрсатишга эришайлик. Асар ҳақиқий қиёфаси билан китобхонга етмаса, адабий алоқа вужудга келмайди. Шундай қилиб: 1) ўзига ёққан ижодкор асарини танлаб таржима қилувчилар; 2) бир хил равию, бир адабиётга мансуб муаллифлардан таржима қилувчилар; 3) турли даврларга мансуб, хилма-хил адабий аънаналарга оид асарларни таржима қилувчилар; 4) ҳеч бир оқимга, адабий-услубий йўналишга мансуб бўлмай (тўғриси мансуб бўлолмай), тўғри келган шеър таржимасига киришиб, уни ўзига хос қиёфа, фазилатдан маҳрум этувчилар бор. Таржима адабиёти ана шу кейинги гуруҳдан кўп жафо чекади. Зеро, ўз ижодий қиёфанг, услубинг бўлмагандан кейин, ўзганинг услуб хусусиятлари, маҳоратини қандай ифодалаш мумкин? Шундай бўлгач, ширкат йўли билан амалга оширилган таржималар, услубларни «бирдай қилиб созлаш»нинг иложи бўладими? Йўқ, албатта. Услуб — истеъдод белгиси, агар истеъдодли адиблар бирлашиб таржимага киришсалар, бир-биридан фарқ қиладиган шеърлар яратилса ҳам, аммо улар ҳар бири ўзига хос жозоба билан китобхонга маъқул ва муаллиф ижодининг руҳига ҳам мос бўлади. Шундай экан, қалбимиз ва шууримизни яйратадиган, янги завқ, янги илҳом бағишлайдиган шеърини китоблар қанча кўпайса, шунча яхши. Шунда фақат китоб дўконларимиз эмас, адабиётимиз хазинаси, китобхонларимизнинг маънавий дунёси ҳам тўлишади, поэзия ривожланади. Адабиётга хизмат қилмай туриб, унинг ривожи учун қайғурмай туриб, халққа, замонга хизмат қилиш мумкин эмас. Адабиёт олдидаги граждонлик ҳисси таржимон адибларимизни тарқ этмасин. Ёзувчи, шоир, таржимон, аввало, санъатнинг, гўзалликнинг фидойиси, агар улар ҳам гўзаллик маъбудасига хиёнат қилсалар, унда санъат кимдан ҳимоя кутади!..

Мирзо Абдулқодир Бедил буюрадилар:

Ҳарфи номанзури дил як нуқта ҳам беш аст, пас  
Маънии дилхоҳ агар сад нусха ҳам бошад кам аст.

Яъни:

Кўнгилга манзур бўлмаган сўз битта бўлса ҳам кўпдир, демак,  
Дилга ёқадиган маънолар юз нусха бўлса ҳам кам.

# Танқид ва адабиётшунослик

Оллоберган Худойберганоф,

филология фанлари кандидати

## ОЧЕРКДАН РОМАНГА

**О**черкни адабиётнинг разведкачи жанри деб атаймиз. Бунинг маъноси шуки, кўпгина ёзувчилар ҳаётни ўрганишни очерк ёзишдан бошлайдилар, кейинчалик эса катта асарлар яратишга ўтадилар. А. С. Пушкин «Капитан қизи» тарихий повестига киришишдан олдин Пугачёв исёни ҳақида бир қанча очерклар ёзган. Булар унга ҳаёт материаллини пухта ўрганиш, ёзувчилик маҳоратини ошириш мактабини ўтаган. Ўзбек адабиётидан ҳам шунга ўхшаш мисолларни келтириш мумкин. Ҳамид Олимжон 1937 йилда «Зайнаб» сарлавҳали очерк ёзган эди. Орадан сал ўтмай у ана шу материални бадиий умумлаштириш асосида китобхонга «Зайнаб ва Омон» дostonини тақдим этди. Асқад Мухтор «Пўлат шаҳри» очерклари материаллари асосида «Дарёлар туташган жойда» повестини ёзди. Ойбек ўзининг «Фидокор қизлар», «Соҳибкор чоллар» очеркларидан кейин «Олтин водийдан шабадалар» романини яратди.

Рассом катта картиналар яратишдан олдин бир неча эскизлар чизиб машқ қилганидек, ёзувчи ҳам очерк ёзиш жараёнида ҳаётнинг маълум қирралари билан танишиб, қаҳрамон характерини ўрганади, ўзини синовдан ўтказиши. Адиб шу объектга қайта-қайта мурожаат этар экан, ҳаётнинг номаълум ҳўриқлари очила боради. У янги одамларга, янги характерларга, катта воқеа ва ҳодисаларга, муаммоларга дуч келади. Энди унинг айтмоқчи бўлган фикри очеркка сиғмай қолади, йирик асарлар, полотнолар ижод қилишга киришади.

Ўзбек очеркчи-ёзувчилари 60—70-йилларда ва 80-йиллар бошларида адабиётдаги бу анъанани янада ривожлантирдилар. Назир Сафаровнинг «Турсуной» очеркидан сўнг «Узоқни кўзлаган қиз» ҳужжатли қиссаси, Иброҳим Раҳимнинг «Омборчи» очеркидан кейин «Тақдир», «Тошкентликлар» ҳақидаги очерк ва публицистик мақолаларидан кўп ўтмай «Тинимсиз шаҳар», «Биродарлар ерида ҳашар» очеркидан сўнг «Оқибат» романлари, Одил Ёқубовнинг «Фарзандлар бурчи» очерклари материаллари асосида «Диёнат» романи яратилди. Суннатулла Анорбоевнинг «Оқсой», Йўлдош Шамшаровнинг «Чироқ» романлари ҳам очерк жанрида қилинган кўп йиллик меҳнатнинг самарасидир.

Иброҳим Раҳимнинг «Омборчи» очеркида Жарқоқ — Қоровул бозор газ промисласининг бошлиғи, ёш инженер Фаффор Қаҳҳоров ҳақида ҳикоя қилинади. Бухоро, Самарқанд, Тошкентда ёнаётган «зангори олов» омборлари калити унга ишониб топширилган. Фаффор — ўз касбини жондилдан севувчи, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, иродали йигит.

Фаффор Қаҳҳоровга хос бундай характер хусусиятларини романдаги қаҳрамонларнинг айнан бирига ўхшатиш қийин. Муаллиф уни асарнинг бир қанча қаҳрамонлари фаолиятига сингдириб юборган.

Қаҳҳоров — олий маълумотли, билимдон геолог. У ўзининг касбу кори билан романнинг бош қаҳрамони Бардош Дадашевга ўхшайди. Бироқ у Дадашев қаби «тезкорлик методи» деб аталган сохта новаторликка қарши кураш олиб бормайди, бу ишда кўп қийинчилик, зиддиятларга ҳам дуч келмайди. Лекин Қаҳҳоров роман қаҳрамонидек хушмуомала ва принципиал раҳбар, ҳамиша арзон ва сифатли газ учун кураш олиб боради. «Бухоро газини энг арзон, энг сифатли ёқилғи қилиб олиш мумкин, — дейди Дадашев обком секретари Сарваровга, — мана бу қорозлар ҳам шуни исботлаётти». Романнинг яна бир жойида Дадашев ҳақида қуйидаги фикрларни ўқиш мумкин: «Аввало унинг хушфезъллиги, қолаверса, газ саноатининг муаммоларини ҳал қилиш йўлларини билиши Корабельниковнинг дидидаги одам эканидан далолат эди».

Очеркда Қаҳҳоровни «келажак ёқилғиси» — газга катта ихлос қўйган, бу болада ўз ҳисоб-китобига эга бўлган, ишлаб чарчамайдиган мутахассис сифатида

кўрамыз. «Қаҳҳоров газни «келажак ёқилғиси» деб атайди. Унинг хомчўтига кўра, энергия аста-секин газ базасига ўта бориб, келажак йигирма йил ичида Ўзбекистон саноати ва аҳолиси истеъмол қиладиган энергия балансининг бешдан тўрт қисмидан кўпроғини қамраб олиши керак». «Қаҳҳоров гоҳ қазувчилар орасида қазувчи,— дейлади у ҳақда яна,— гоҳ дизелистлар ёнида ёрдамчи, дам фонтан арматурачилари билан газ «хулқини» текширади, дам контроль ўлчов ускуналарининг қулоғини бураш билан банд».

Ёзувчи Қаҳҳоровдаги бу хусусиятларни Дадашевнинг турмуш ўртоғи Ягонага ҳўчирган. Унинг фикрича, «Газ фақат шу куннинг эмас, келажакнинг ҳам ёқилғиси». Ёки «Унинг ҳисобига кўра, бу коннинг запаси Жарқоқ ва Юлдузқоқдаги газ қудуқларининг ҳаммасидан кўра кўпроқ газ бериши турган гап». Қаҳҳоров каби у ҳам ҳеч тиниб-тинчимайди. Бу тўғрида: «У гоҳ вишка монтажчилари, гоҳ дизелистлар, гоҳ пармачилар олдида пайдо бўлар, юриб чарчамас, тиниб-тинчимас эди» дейлади романда.

Очерк қаҳҳорони газни атом энергиясидаи мамлакатимизнинг бебаҳо бойлиги деб билади. Унингга, атом энергияси давлат экономикасининг резерви, ҳозирча энг арзонбаҳо газдан мумкин қадар тўғри фойдаланган маъқул. «Эҳтимол, келажакда атом бирдан-бир асосий энергия манбаи бўлиб қолар,— дейлади очеркда,— аммо ҳозирча тайёргина газ қўл остимизда турибди. Уни қаёққа бошласак юради, нима ишга чорласак кўнади». Худди шундай гап романда обком секретари Сарваров тилидан берилади. «Зарафшонда келажак ёқилғиси етиштиряпмиз,— дейди у Дадашевга.— Эҳтимол, келажакда атом, энергияси бирдан-бир ва асосий энергия манбаи бўлиб қолар, аммо ҳозирча эса, у коммунизм экономикасининг резервидир. Газ эса, ўз қўлимизда. Уни қаёққа бошласанг юради, нима ишга чорласанг кўнади... Биз бу саноатни тезроқ ва баракалироқ ишга солишимиз керак. Сиз шу ишни бошқарасиз».

Буларгина эмас. Очерк ва романда воқеаларнинг содир бўлиш ўрни, адреси ҳам бир-бирига тўғри келади.

Хуллас, мазкур очерк «Тақдир» романи ва унинг қаҳҳоронлари образини яратишда қимматли материал бўлиб хизмат қилганлиги яққол кўриниб турибди.

Иброҳим Раҳимнинг «Оқибат» романи вужудга келишида ҳам очерк материаллари катта ёрдам берган.

Маълумки, Россиянинг шимолий қисми қадимдан нам тупроқли ерлар ҳисобланади. Кейинги йиллардаги кучли ёнғингарчилик бу ўлкадаги намгарчиликни янада кучайтирди. Минг гектарлаб ғалла, зиғир, картошка майдонлари сув остида қолди. Кўплаб дов-дарактлар нобуд бўлди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1974 йил 4 мартда «РСФСРнинг ноқоратупроқ зонасида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида» қарор қабул қилиб, бу хавфнинг олдини олди. Шундан кейин мамлакатимизда ноқоратупроқ ерларни ўзлаштириш ва ободонлаштириш бўйича бутуниттифоқ ҳашари бошланди. Бу хайрли ишга ўзбекистонликлар биринчилардан бўлиб қўл урдилар.

Ҳамюртларимизнинг биродарлар еридаги ҳашари — меҳнат байрамлари ёзувчи ва журналистларимизга бениҳоят илҳом бағишлади. Ёзувчи Иброҳим Раҳим ҳам уларнинг олдинги сафида бўлиб, партия ва ҳукуматимизнинг сағизтупроқ ерларни ўзлаштириш юзасидан қабул қилган қарорига, «лаббай» деб жавоб берган юртдошларимизнинг олижаноб меҳнатини мадҳ этувчи бир неча очерклар ёзди. Кейинчалик улар жамланиб «Биродарлар ерида ҳашар» туркум очерклари ҳолида «Қадриабод одамлар» тўпламига киритилди ва рус тилида «Знамя» журналида чоп этилди. Сўнгра у ўн бешта қардош тилларга ўгирилиб, бутуниттифоқ адабиётида шўҳрат қозонди.

Ёзувчи шу билан бу хайрли ишини тўхтатгани йўқ. Мазкур очерк материаллари асосида «Оқибат» романини ёзишга киришди. Романини ёзишда олдинги тажрибаларига таянди. Объектга яна бир неча марта борди, қаҳҳоронлари билан учрашди, қўшимча ҳужжатлар йиғди ва уларни эпик жанр қонуниятлари асосида умумлаштирди.

Очерк ва романда ёзилишича, ўзбекистонлик ҳашарчилар бир вақтнинг ўзида икки жойда — Иваново ва Новгород областларида бунёдкорлик ишлари олиб бордилар. Романда Ивановодаги қурилиш трестига Мирзачўл, Таллимаржон, Жиззах чўлларида ишлаб катта тажриба тўплаган мутахассис Қудратов бошчилик қилади. Унинг бир неча ишончли ёрдамчилари бор. Қудратов ҳақиқатда ҳам ўз исми-жисмига яраша қудратли, иродали, ҳар нарсага қодир инсон. У ташкилотчи, тадбиркор, ишчан ва меҳрибон, шу билан бирга талабчан раҳбарлардан. Ҳар доим ишчилар орасида бўлади, орзу-истакларига қулоқ солади, улар билан бирга ишлайди, ботқоқликка бирга тушиб, техникани сақлаб қолишда қатнашади. Ундаги бу хусусиятларни очерк қаҳҳоронларининг айнан биридан топиш қийин. Автор Қудратов образини яратишда очеркдаги бошқа меҳнат кишилари характерларини умумлаштиради.

Очеркда «Ивановоирсовхозстрой» трестига Георгий Павлович Пензин бошчилик қилади дейилган. У иштирок этган воқеаларнинг бир қисми Қудратов образи орқали романга кўчган. «Ивановоирсовхозстрой» трести бошлиғи бўлмиш Георгий Павлович Пензиннинг шахсан ўзини самосвалда олиб юрдим,— дейлади очеркда шофёр тилидан.— Одатим шунчаки — рулда секин юролмайман. Йўллар яхши эмас. Унқир-чўнқир. Бунинг устига қалин қор қоплаган». Ёзувчи шундай ҳолатни романда қуйидагича беради: «У... «Уз Ивановоирсовхозстрой» трести бошлиғи бўлмиш Қудратовни самосвалда олиб юрганидан мамнун эди. Аммо, дала йўлларида безор

эди. Йўллар ўнқир-чўнқир, қор босган, зийраклик қилмаса машина четга чиқиб, зовурга муқкасидан тушарди».

Очеркда ҳам, романда ҳам биродарлар ерига қурилиш материаллари республикадан келтирилиши, уларни вагонлардан ўз вақтида тушириб олинмаса катта ғалва бўлиши таъкидлаб ўтилган. «Георгий Павловичнинг сочини тикка қилган нарсалар ана шу ёзувлар билан қаторлашиб «жарима йўлида» турган вагонлар эди» дейилади бу ҳақда очеркда. Романда эса шу ҳолат Қудратов фаолиятига боғлаб тасвирланади.

Романдаги мана бу эпизод заминига ҳам разм солайлик: «Қудратов техникани қутқариш операциясига раҳбарликини ўз қўлига олди-да, Набижоннинг самосвалини ҳам шатакчилар гуруҳига қўйиб қўйди. Шатакчиларнинг ҳайқириги, тракторларнинг гулдурос овози бутун Ивановони тутган, моторлардан чиққан қора тутундан одамлар бир-бировларини кўролмасдилар». Ҳақиқатда эса, техникани ботқоқликдан қутқариш ишига қурилиш колоннаси бошлиғи Бойбеков раҳбарлик этади. Бу тўғрида очеркда шу жумлаларни ўқиймиз: «Бойбеков техникани қутқариш операциясига раҳбарликини ўз қўлига олди-да, менинг самосвалимни ҳам шатакчи гуруҳига қўшиб қўйди. Шатакда ҳайқириб, бақириб жар солган техниканинг тириллаган овози Ивановога етгандир. Моторлардан чиққан қора тутундан ҳеч нарса, на одам, на техника, ҳатто терак бўйи қад кўтарган эски бутхона ҳам кўринмасди». Бу ва юқоридаги кўчирмалардан аёнки, ёзувчи ҳаётдаги реал шахслар — Георгий Павлович ва Бойбеков характерларидаги ижобий хусусиятларни роман бош қаҳрамони Қудратовга ўтказиб, унинг образини тўлдирга борган.

Аслида, Қудратовнинг ўзи ҳам ҳаётда бор шахс, очерк қаҳрамонларидан бири. У ҳам юртошларимиз қатори дўстлар диёрида беминнат, ҳалол, чин дилдан меҳнат қилади. Лекин, у трестни эмас, қурилиш колонналаридан бирини бошқаради. Унинг характерида роман қаҳрамони Қудратовга хос бўлган анча хусусиятлар мавжуд. Жумладан, очеркда Қудратовнинг «Ўзбекистон» совхозидagi биринчи қурилишга ёшит қўйиш тантанасига бош бўлиши, пойдеворни бузишга буйруқ бериши, «Келажак авлодга мактуб» ёзилиши каби эпизодлар бу мулоҳазаларимизни далиллайди. Демак, ҳаётдаги Қудратов романдаги Қудратовга учинчи прообраз сифатида киритилган.

Романда бош қаҳрамоннинг турмуш, оиласида юз берган қувончли ва аянчли кунлар тўғрисида ҳам ҳикоя қилинади. Лекин ўқувчи бу тасвирларни очеркда ўқимайди. Ўз-ўзидан маълумки, ёзувчи Қудратов образини тўла очиш учун бадиий тўқима ҳамда қўшимча материаллар, бошқа ёрдамчи прототиплардан унумли фойдаланган.

«Ўзбекновгородводстрой» трести бошқарувчиси Йўлдошев романда ўз ишини, касб-корини сеувчи, Коммунистик партиянинг аграр сиёсатини маъқулловчи, янги ер ўзлаштиришда техниканинг куч-қудратига таянувчи, янгиликка мойил раҳбар сифатида пайдо бўлади. Очеркдаги Йўлдош Муҳаммадиев касб-кори, мансаби, ижобий хусусиятларига кўра Йўлдошев образига прототип бўлганлиги кўриниб турибди.

Ёзувчи Йўлдошев образини очишда бошқа прототиплардан ҳам фойдаланади. Масалан, Шукор Муҳаммадиев ўз иш вазифаси, характерига кўра Йўлдошевга яқин туради. «...ноқоратупроқ ерларда куч синиб кўришни аввалдан орзу қилиб юрарди,— дея сўз юритилади бу ҳақда.— Чунки у партияизмнинг аграр сиёсатини чин қалбдан маъқуллар ва партияизмнинг мўл-кўлчилик яратиш бобидаги кенг кўламдаги катта ишига ўз коммунистик ҳиссасини қўшиш орзусида эди». Романдаги Йўлдошев ана шундай орзулар билан яшаганини юқорида кўрган эдик. Дарҳақиқат, бу прототип ҳам Йўлдошев образини тўлдиришда катта роль ўйнаган.

Романда Йўлдошевнинг бир вақтлардаги муваффақиятлари, обрўси билан мағрурланиб, кибр-ҳавога берилиб кетиши кўрсатилган эпизодлар бор. У ўзидан мансаби катталарга ҳушомдагўйлик қилади-ю, кичикларни кўзга илгиси келмайди. Уларнинг қимматли таклиф-мулоҳазаларини эътиборга олмайди. Ишнинг сифатидан кўра сонига кўпроқ аҳамият беради. Ҳеч ким унга «тегмаслиги» керак. Ундаги иллат ўринбосари Ҳамид Ҳакимович билан биринчи учрашувдаёқ кўзга ташланади. Бундай нуқсонлар очерк қаҳрамонларида йўқ, албатта. Романда Йўлдошев образи орқали ифодаланган нуқсон ва конфликтлар ёзувчининг ўйлари, бадиий тўқимаси маҳсули бўлса ҳам табиий бўёқларда чизилгани учун ўқувчида яхши таассурот қолдиради.

Хуллас, «Биродарлар ерида ҳашар» очерклар туркуми «Оқибат» романининг яратилишига асосий негиз бўлиб хизмат қилган.

Одил Ёқубов «Фарзандлар бурчи» туркум очерклари муқаддимасида: «Тўғриси айтсам, мен ҳам «Ҳазинадан кейин янги бир нарса бошлаб юбораман, деб юргандим. Бу «нарсас» бугунги кун ҳақида ҳикоя қилувчи, тўғрироғи, Улуғ Ватан урушидан бошланиб, шу бугунга келиб тақаладиган йирик асар бўлиши керак эди... Асарни ана бошлайман, мана бошлайман, дейман-у, лекин негадир бошлай олмайман. Нимадир халақит беради, нимадир етишмаётгандай бўлади... Ахийир бундоқ дўппини олиб, ўйлаб қарасам, асарни бошлашга мажбур этадиган зўр бир туртки етишмас экан!.. Уйлаб-ўйлаб... бир-иккита очерк ёзишга аҳд қилдим!» деб ёзади.

Ҳақиқатда ҳам, ёзувчи мазкур очеркларидан кейин кўп ўтмай ўқувчи «Диёнат» романини тақдим қилди. Романини ўқишга киришар экансиз, ундаги кўпгина воқеа ва ҳодисалар, қаҳрамонлар характери, ҳаёт зиддиятлари, тўқнашувлар «Фарзандлар бурчи»да акс эттирилган муаммолар, мулоҳазалар асосида туғилганига шубҳа қилмайсиз.

Отақўзи Умаров — «Диёнат» романининг бош қаҳрамонларидан бири. У меҳнатсевар, жўшқин табиатли, янгиликка интилувчи шахс. Қаерда бўлса ҳам халқ, хўжалик ғамини ўйлаб юради. Қўмтепаларни бузиб, янги ерлар ўзлаштиради, қаердандир маблағ топиб, чўл ўрнида шаҳарча қуради.

Романда бу ҳақда шундай ёзилган: «Мана, икки йилдан ошди, Отақўзининг бир оёғи қишлоқда бўлса, бир оёғи саҳрода. Аввалги йили канал келди дегунча, Отақўзи уч-тўрт минг гектар ер ўзлаштириш мажбуриятини олиб, у ерда бутун бир шаҳарча қурадиган бўлди». Иккинчи бир ўринда унинг шаҳарча қурилишидаги иши кўнглидагидаи юришмаётганлиги айтилади: «Отақўзи тирсакларини столга тираб, бошини чаггаллаб олди... Шу кеча-кундузда камида йигирма уй қуриб битирилиши керак эди. Ҳозиргача биттасиям битмади».

Отақўзи унинг бу ижобий характер — хусусиятлари билан «Фарзандлар бурчи»даги машҳур раис Аҳмаджон Одиловга ўхшайди.

У ҳам шаҳар қурилишида кўпгина қийинчиликларга дуч келади. «...Мана бу уйлар бултур қуриб битирилиб, бизга топширилиши керак эди,— дейди у қурилиш ташкилотларидан шикоят қилиб,— биттасиям топширилмади!.. Уям майли! Йилнинг охиригача ўттиз уй топширилиши шарт эди. Шу кеча-кундузгача биттасини ҳам топширишмади азаматлар».

Отақўзи характерида анчагина салбий хусусиятлар ҳам бор. У совхоздаги, ҳатто оиладаги ишларни фақат ўз режалари асосида боришини талаб қилади. Бошқалар билан фикрлашишга тоби йўқроқ. Ошна-оғайнигарчилик йўли билан совхоз учун зарур нарсаларни — ўғит, қурилиш материалларини бошқаларга қараганда икки-уч ҳисса зиёд олади. Уғли Ҳайдарнинг хом илмий ишини илмий совет муҳокама-сига қўйдиради, ўз обрўсидан фойдаланиб, унинг бошқа бир жиноятини яширишга уринади.

Отақўзидаги шунга ўхшаш камчиликлар табиий равишда, очеркдаги Аҳмаджон Одиловда учрамайди. Очерк аниқ адрес, материаллар, ҳаётда бор бўлган кишилар ҳақида ёзилади. (Гап адресли очерклар ҳақида бораяпти). Қаҳрамонда йўқ хусусиятларни, уйдирма факт, рақамларни очеркка киритиш қийин. Романда эса ёзувчи ўзини эркин тутди. Ундаги қаҳрамоннинг бир ёки бир неча «прототиплари» бўлиши мумкин. Адиб уларнинг ҳар биридан керагини олиб, умумлашма образ яратди.

«Тўғри, Отақўзининг бош «прототипи» Аҳмаджон Одилов,— деди ёзувчи Одил Ёқубов биз билан суҳбатда,— лекин мен романда унинг фақат ижобий хусусиятларидангина фойдаланганман. Салбий томонларини эса бошқа раҳбарлардан йиққанман».

Очерклар қаҳрамонларидан бири Мирзажон Эминов ўзининг вазмин характери, ташкилотчилиги, тўғри сўзлиги, принципааллиги, ҳатто кийиниш, юриш-туришларига романдаги райком секретари Аброр Шукуровичга яқин туради. Масалан, Мирзажон Эминовнинг «...анча ёш кўринади. Қорачадан келган, юзлари офтобда қорайиб кетган, озгин, хушбичим йигит» сифатида чизилган портрети романдаги Аброр Шукуровичнинг «...сипогина кийинган, хушбичим одам... Ёш, лекин ишчан, принципаал раҳбар» деб қайд қилинган белгиларини эслатади.

Ёки бўлмаса, Мирзажон Эминовнинг ўз тилидан берилган «Ишим юришмаганда қурилиш ташкилотларидан чиқмай, бошлиқларнинг столларида тунаб қолган пайтларим кўп бўлган» сўзлари унинг ишчанлик, ташкилотчилик хусусиятларини билдирса, Аброр Шукуровичнинг шунга монанд характери романда қуйидагича тасвирланади. «Аброр Шукурович Тошкентда бир иш битириш, айниқса катта ташкилот раҳбарларининг қабулига кириш осон эмаслигини яхши биларди. Бироқ бирда «чўл» ва «чўлқувар» сўзларини писанда қилиб, бирда берухсат «бостириб кириб», ишни хийла жадаллаштирди».

Романдаги кўпгина персонажлар ўзларининг хулқ-атвори, дунёқараши билан мазкур очерклар туркумида тасвирланган қаҳрамонларга ўхшайди. Уларни китобхон очеркдан ҳеч қйналмасдан топа олади. Романда Отақўзи шаҳарча қурилишини тезлаштириш мақсадида обком секретари бошқарган «летучкани» ўз штабида ўтказишга эришади. Бу ерда маиший комбинат қурилишини пайсалга солаётган область маиший комбинат бошлиғи Шокирова бошқалар билан бир қаторда танқид қилиб ўтилади. У танқиддан қутулиш учун айбни министрликка тўнкайди: «Бултур кўкламда, маиший комбинат пойдеворига фишт қўйилаётган маҳалда, ўзига хўп бино қўйган бу жонон нутқ сўзлаб, чўлқуварлар олқишига сазовор бўлганди. Аммо, ўша қорасини кўрсатмай кетган бу париваш энди ҳамма айбни маиший хизмат министрлигига тўнкаб, ўзи сувдан қуруқ чиқишга уринмоқда эди!»

Очерклардаги район маиший комбинат директори Мелихон опа мазкур қаҳрамонга «прототип» эканлигига ҳеч кимда шубҳа туғилмайди. Негаки, у ўз вазифаси, хатти-ҳаракати, ишга бўлган масъулиятсизлиги билан Шокированинг худди копияси.

Хуллас, «Фарзандлар бурчи» очерклар туркуми «Диёнат» романининг яратилишига тўла маънода пойдевор хизматини ўтаган. Очеркдаги каби романда ҳам ёзувчини хушбўй бедазорлар, сўлим боғлар, бедана ва шу каби ноёб қушларнинг йўқолиб кетаётганлиги ташвишга солади. Юлғичлик, лаганбардорлик, текинхўрлик сингари иллатлар аёвсиз қораланади.

Баъзан катта полотнолар бир қанча очерклар материаллари асосида, кўп йиллик изланишлар натижасида яратилади. Йўлдош Шамшаровнинг «Чироқ» романи ана шундай асарлардан бири.

Романда 20-йиллар воқеалари, ер-сув ислоҳоти даври акс эттирилган. Ёзув-

чининг очерклариди эса замонамиз қахрамонлари тўғрисида ҳикоя қилинади. Бундай очерк материалларининг романга қандай ўтиши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Йўлдош Шамшаров кўп ҳолларда очеркларини янада ўқишли, ишонарли ва таъсирчан чиқиши учун ўтмишга мурожаат қилиш усулидан фойдаланади. Уларда халқимизнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясидан олдинги оғир аҳволи, граждандар уруши, ер-сув ислоҳоти даври воқеалари ҳаёт тажрибасини ўтаган, кекса қахрамонлар тилидан ҳикоя қилинади. Бундай экскурслар ўқувчининг дунёқарадини кенгайтиришга, она-ватанга муҳаббат, душманга нафрат, интернационализм руҳида тарбиялашга ҳам баракали ёрдам беради.

Ўтмиш воқеалари қанчалик муҳим, қизиқарли бўлмасин, уларнинг ҳаммасини бугунги кун мавзусида ёзилган очеркларга сиғдириб бўлмасди. Ёзувчи очерк учун тўплаган, унга кирмай ёндафтарда қолган кўпгина воқеа ва ҳодисаларни умумлаштириб, катта полотно яратишга қарор қилди. Бу унинг «Чироқ» романи эди.

«Нур байрами» очеркидаги Назарали отанинг чироқ, «Боғбон»даги сув тўғрисидаги афсоналар ва босмачилар билан олишиш воқеаси, «Пахтақайнар»даги Шарифжон онасининг мусофирчиликда чайлада касал ётиб ўлиши, «Фарҳодлар»даги синфий кураш, қулоқлар ҳужуми, улар билан бўлган қўрбон бўлган ўқитувчилар, қишлоқ активлари, ўтмиш ҳақидаги ҳикоялари романга асосий материал бўлиб хизмат қилганлиги шубҳасиздир. Ёки «Ошиқлар», «Кўнгил жаҳон кўради», «Ойдин кўллар», «Ишқ ўти» очерклариди ер ва сув проблемаларининг қўйилиши шу полотнога мавзу қилиб олинган десақ, янглишмаймиз.

Бугина эмас. Очерклардаги баъзи образ ва характерлар роман қахрамонларига кўчган. «Дарёлар» очеркидаги Катта Фарғона канали қурилиши, сув учун кураш темаси аввало романнинг асосий ғояларидан бири бўлса, иккинчидан, шу қурилишнинг бевосита раҳбари Усмон ота Юсуповнинг баъзи хусусиятлари роман қахрамони Шароф домла характерига ўхшайди.

«Чироқ» романидаги Карим полвон образи хатти-ҳаракати, чинордек бақувват ва бир сўзлилиги билан ёзувчининг «Қоровой полвон нима дейди» очерки қахрамони Қоровой характери хусусиятларига яқин. Қоровой характериди баъзи белгилар эса романдаги собиқ бой қароли Исоққа кўчган. Исоқ Октябрь революциясидан кейин ҳам бой ва эшонларнинг қанғалидан бирданига қутула олмайди, ҳақ-ҳуқуқини тушуниб етмайди, эски турмуш «қонун-қоидалари» билан яшайди. Қоровой ҳам кўп вақтгача мамлакатимизда бошланган колхоз тузуми моҳиятини англамаган эди. У дастлаб колхозга кирмай якка хўжалик бўлиб пахта ўстирган. Колхозга киришни ташвиқот қилган Назаровга «...бизнинг ота-боболаримиз шу Мирқодир бойларнинг мана шу ерларини экиб, ўшаларга обод қилиб берди. Қараб турсам, унинг бир ўғлини — Мираҳмадни, колхозга мирза қилибсиз, биттасини оғборчи, тагин биттасини яна бир нима... Илгариям мени шулар ишлатарди, энди ҳам шулар ишлатадими? Йўқ, мен ҳозирча якка хўжалик бўлиб тура тураи, пахта ни кам бераётганим йўқ», дейди. Лекин у ҳам Исоққа ўхшаб камчиликларини кейинроқ тушунади, коллектив хўжаликнинг афзалликларини атрофидаги кишилардан ўрганади.

Романга очерклардаги мавзу, қахрамонлар образларигина эмас, балки баъзи объект ва пейзаж тасвирлари ҳам ўтган.

Демак, очерк адабиётнинг оператив, ҳозиржавоб жанридир. Бу жанрда ижод қилган адиблар кун сайин қаламини чархлаб, маҳоратини ошириб борадилар. Айни бир пайтда ҳаётни, турмушни, одамларни чуқур ўрганадилар. Натижада катта полотноларга пухта пойдевор яратилади. Очеркчи ёзувчиларимиз бу яхши анъаначи давом эттириб, янада кенгайтирсалар, катта ижодий ютуқларни қўлга киритишлари шубҳасиздир.

## Ҳалима Худойбердиева,

Ўзбекистон Ленин комсомоли  
мукофоти лауреати

# ҚУВОНЧ ЮКИ

Келажак!

Кўлларим етмаса-етмасин,

Кўйларим битмаса, ҳеч қачон битмасин!

Келарлар қўли-ла битилур...

Зулфия

Чўпоннинг йироқлардаги шиддатли, тўфонли, поёнсиз денгизлардан кўра ўзининг қўй боқиб умри ўтаётган тошларидан қайнаб чиқаётган булоққа сифинишни тушунса бўлади. Чунки бу булоқ — уники. Бу булоқдан у умр бўйи завқланган, ташналигини қондирган...

Катта адабиёт дунёсидаги бири-биридан тик, бири-биридан юксак, улуғвор чўққилар қадр қимматини ҳис этган, уларга бўлган қайноқ муҳаббатимни заррача камайтирмаган ҳолда болаликнинг қайноқ тошларини териб ўтказган ўз тоғларимиз, чўққиларимиз олдида ҳамиша менинг ҳайратим янгидир, ниҳоясииздир.

Шундай шеърят чўққиларидан бири — маним назаримда Зулфия бўлиб юксалди.

Мен устоз Зулфиянинг ижоди, ҳаёти ҳақида ўйлаганимда кўпинча хаёлимда улуғ Навоийнинг мана шу сатрлари жонланади.

**Ишқ аро лозим дурур ўртанмоқ — ўк,  
Ўт аро куймакдан ўзга чора йўқ.  
Ишқ барқи хонумонни куйдирур.  
Хонумон йўқки, жаҳонни куйдирур.**

Зеро, бугунги кунда ва ҳамиша яшашнинг, бир мартагина бериладиган умрининг маъносини теран, чуқур англаган ҳар бир инсоннинг ишқ аро, ўт аро, ўз имон, эътиқодлари аро куйниб, ўртаниб яшашдан ўзга чораси йўқ.

Зулфия ана шундай кураш ғалаёнлари ичра яшовчи, Эдуардас Межелайтис тили билан айтганда номи катта ҳарфлар билан ёзиладиган ИНСОНлар тоифасидан.

Энг улуғ ҳикмат — шеърят эса, бу — куйманиб, курашиб яшайдиган оловрух, олов вужудга ёндашган иккинчи ишқ, иккинчи ўт.

Зеро, бу иккинчи майдон — шеърят майдони шундай ўт майдони эканки, ундан қайси ёшингда бўлмасин Сенинг юрагингга тушган лаҳча чўғ умрбод куйиб-суйиб яшашингга қудрат ато этаркан. Ахир бу беназир бахт ҳар кимга насиб қилмайди.

«Шоир деган сўз — юксак ва муқаддас сўздир. Бу сўзда мангу шухрат бор», — деган эди Белинский. Камолининг ҳам, заволинга ҳам мана шу шухрат — ўт майдони сабаб бўлса ажабмас.

Шеърятни — фидойилик, тақдир эканлиги сир эмас. Бу майдонда ёниб турган ўтини қўл билан ушлайдиган, чатнаб турган тошини тишида тишлайдиган, орому ҳаловатдан кечган, фидо жонларгина яшашга ҳақли кўринади.

Навоийнинг танҳолик, руҳий безовталиқда кечган узун умри, яшиндай чақнаган ўлмас Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Машрабнинг ҳавасу ҳасратларга қоришиқ умрлари, фожиалари ўйлаб кўрган одамга кўп нарсаларни ҳикоя қилади.

Ўзимизнинг Нодиранинг ҳаёти-чи? Агар шоир бўлмаганида оламда бахтли аёл бўлармиди? Шаҳаншоҳнинг кўнгил гули, севган жуфти ҳалоли. Хизматқору канизаклар эртаю кеч атрофида парвона.

Аммо у шоирлик бурчи, ҳақ сўзни айтиш бурчи олдида бу ҳамма беҳиштий имконлар, афзалликлардан воз кечмадимми?

Ночорларга чора истаб, қашшоқ авомнинг кўз ёшини оқизмаслик йўлидаги курашчан шеърлари учун уни қатл этмадиларми?

Шеърят ҳамма замонда мана шундай ҳақ майдони, ёнмоқ майдони, кураш майдони бўлиб келган. Ўзининг, ўзгаларнинг дардидан ўртанишга руҳий кучларинг етмай қолган кунни бу майдонни тарк этишга мажбурсан.

Устоз, бу узун ҳаёт йўлларида, бу ўт майдонларида қандай катта қудрат билан чарақлаб юрибсиз?

Гоҳо ўз дардинг ўзингга оғирлик қилиб, дунёдан қўл силтагинг келади. Ўз дардларини кўтара олмаган, ўзини енголмаган инсонга бу ҳикмат қандай ёндашин?

Шеърят эса, ўз-ўзингдан ғолиб келиш баробарида, ўзгаларни ҳам енгизиши, ўз сўзинг ортидан ўзгаларни эргаштиришга хизмат қилиши керак.

**Нега жимиб қолдинг, хаста, мунғайиб  
Ўзингни урасан яккаш тўшақка.  
Нега келиб-қелиб энди нақ ғариб  
Курашда енгмоқчи бўласан якка!!**

**Узоқ йўлда ким ҳам қолмайди толиб,  
Бир дам дўст қатиди ҳордиқ чиқаргин.  
Меҳринга чўзилган дил бўлса олиб,  
Энг ёрқин йўлларга солиб юборгин.**

Бу ҳорғинликдаги тушқун ҳолат эмас; бу ўз-ўзини чуқур англаш манзараси, нималарга қодир эканлигини дилдан ҳис этиш, эзгуликка томон қадам ташлаш манзараси.

Шундай толғин кайфиятда ҳам «меҳрига чўзилган қўлни энг ёрқин йўлларга солиб юбориш» ҳақида ўйлайдиган кимсалар кўпроқ бўлса қанийди...

**Кел, куйсиз юракка кўшиқ бағишлаб,  
Кулгисиз лабларга ўргат табассум.  
Бахтинг соч, дард бўлса тишингга тишлаб,  
Енга олсанг енг-у, бўлма ҳеч таслим.  
Фақат сени тошдай тортган кунжақдан  
Қаламингга муҳтож дунёга отғил.  
Эй ҳақим! Даво топ, тошдан, чечакдан,  
Худоми, табиат, барин эт хижил.**

Бу бир-бирини тўлдириб келаётган шиддатли, тор симларидай таранг сатрлар кўнгилга ёшлик нафасини уфурмайдими?



Бу туйғулар ҳар қандай «тошдан», «чечакдан» даво топиш, шеър топиш салохиятига эга масрур, ёшариб бораётган юракнинг замзамалари эмасми?

**Ҳаёт китобимни бехос варақлаб,  
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим.  
Табассум ўрнида кулдим чарақлаб,  
Сўйиш керак бўлса телбача сўйдим.**

Суймоқ, телбаларча, ақлдан озмоқ даражасида суймоқ...

Шу ерда ўлмас арман шоири Паруйр Севакнинг телбалик ҳақидаги шеъри эсимга тушди. Шеърнинг сатрма-сатр таржимаси мана шунга яқин.

**Ақлдан озмасдан севишиб бўлмас,  
Ўт — ақлдан озгач ёнади.  
Ақлдан озмасдан гўдак тўғилмас,  
Етуклик — бу тўлиқ телбалик асли.**

Бу шеърлар менинг назаримда ҳаяжон, тугёнларнинг авж пардаси — шоирона телбалик, етуклик онларида тўкилган меваларга ўхшайди.

**Кийганим ипакми, читми ё кимҳоб,  
Юрак бойлигидан қилмабман парво.  
Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,  
Янги қўшиқталаб унда ҳар сабоҳ.  
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,  
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш,**

**Сўйдим,  
Эркаландим,  
Айрилдим,  
Куйдим,  
Иzzат нима билдим,  
Шу-да бир яшаш!**

Бошқа кўпгина ижодкорлардан фарқли ҳолда, Зулфиянинг учинчи ўт майдони ҳам бор. Бу беқиёс, улкан бахтнинг тиник, зилол майдони. Бахтнинг бевақт заволи майдони...

**Сени бирдан жонсиз кўрдим,  
Жоним чиқди менинг-да.  
Эс-ҳушимдан ажраб турдим,  
Туйғум кетди сенинг-ла.**

**Кирмасмидим мен қонингга,  
Бермасмидим жонни ҳам.**

**Кошки эди, мен бошингда  
Турган бўлсам ўша дам,**

**Кошки эди, сўнг қўлингда  
Эркаланиб берсам жон.  
Сўнгги нигоҳ сенда қолса,  
Мен кўз юрсам беармон.**

Юракдан қандай силқиган бу сатрларни титрамай ўқий оладиган юрак тошдан бўлиши керак.

Кўнгилдаги, ёнидаги улкан бахтга суюнган ҳолда ҳатто ўлимга ҳам тик, бепи-санд бориш мумкинлиги, суюкли инсон тобути устида фарёд солиб тирик қолишдан кўра унинг меҳрли қўлларида жон бериш осонлигини кўз олдингизга келтирмайдими бу юқоридаги тизмалар. Устоз етмишинчи йилларнинг бошларида менга тақдим этган ёшлик йилларидан эсдалик бир суратларини орқасига қуйидаги ёзувларни ёзган эдилар.

**«...Ҳалимажон, Ҳалима,  
Бахмалда-ю дил қийма,  
Энг гуллаган ёшлик чоғида  
Ўйнамаган бир опам дерсан,  
Қўлдан берган бахтин доғида  
Куйлаб ўтган бечорам дерсан...»**

Сўнгги шеърларидан бирида ўзбек халқининг катта умиди, ишончи Абдулла Орипов ҳам «йўқ дўстим, мен сендан бечорароқман» деган сатрни ёзди. «Куйлаб ўтган бечоралик»ка деярли ҳамма улуғ сўз санъаткорларининг ҳаётини мисол қилиб келтириш мумкин. Балли, инсон йириклаша, майда ҳаёт ҳодисоти доирасидан кўтарила борган сари бу «бечоралик»ни чуқурроқ ҳис эта боришининг ўзи энг гўзал, оддий одамлардан маънан юксакроқда яшовчи инсонлар характериғагина хос энг гўзал фандир! Чунки яна қайтараман «бечораларга чора исташ», азал-абад меҳр-муҳаббатга муҳтож инсонга фидойилик, ғамхўрлик, шафқат каби эзгу туйғуларнинг туб илдизини мана шу фандан қидириш мумкин.

Бу фан — меним назаримда, бу—«чоп-чоп, югурик» замонда югуришдан бир лаҳза тўхтаб, ўйлаб кўришга арзийдиган фан; бу—сирли ҳаёт, яшамок, ҳақиқат — тариқат каби ҳодисотни билганинг сайин билмаслигинини чуқур ҳис этабориш — ғалати тескари ҳақиқат.

Зотан бу тилсими гардунни бутунича билиб олган деб қайси у улуғ зотни кўрсатиш мумкин? Ҳеч ким, ҳеч кимни...

Биз сиғинган даҳоларнинг деярли ҳаммаси билишнинг нисбийлиги, моддий олам, чексиз олам, чексиз одам характерларининг олдида билишнинг чекланганлиги ҳақида қайғуриб ўтганлар.

Балли, шу туйғу нури билан соҳир кўнгилларини фаровон қилган инсонларнинг умри узоқ бўлсин!

Чунки тириклик боғи, бунгача бўлганидай бундан кейин ҳам ғамхўрлик, шафқат, меҳр-муҳаббатнинг жон озуғи, эпкинларидан баҳра олиб турмаса қуриб қолади. Сурур кўнғироғи — В. Висоцкийнинг кўшиқларидан бирида мана бу сўзлар бор:

**«Азизим, юракка ниш урмасалар  
Туғилмагай сира буюк кўшиқлар.»**

Юракка ниш теккандан, тиф теккандан кейин сачраган қон рангида эмасми куйидаги сатрлар?

**Ишққа маскан юрагим  
Топиб бер деб қистайди,  
Нима қилай бераҳм —  
Рўҳим сени истайди.**

Бу ҳам маънан, ҳам жисман балоғат ёшидаги аёлнинг юрак нидоси, бахтга интиқлик илтижоси!

**Севги қурғур бунча зўр экан,  
Ҳижрон қўшар экан ҳарорат,  
Улғудайин муштоқ бўлибман —  
Висолингга, йўқ чоғи тоқат.**

**Сени кўмсаб оқшом чоғида  
Кйриб келдим шу таниш уйга.**

Мен устоз Зулфиянинг мана шу биз учун беқиёс табарруқ инсон бўлган, устод Ҳамид Олимжоннинг «қадрдон хотира» юки билан якка... яшаётганлиги ҳақида кўп уйлайман.

## Қувонч юки

**Кўксингизни авайланг, устод,  
Унда яшил барг яшаяпти.  
Унда икки ўлим билмас зот  
Иноқ, бахтга ғарқ яшаяпти.**

**Қоп-қора кўз, қоп-қора сочли  
Сор йигитни кўркин ошириб,  
Кетиб бораяпсиз қувончини,  
Рашк қилибми, кўздан яшириб.**

**Бу ёш — қувонч, бу эмас дард, оҳ,  
Бу яшамоқ тўзиб, кўкариб.**

**Биз бир чоқлар яшаган уйда  
Тунаб қолдим хаёл-ла бирга.**

**Сен куйлаган ўрик шу кеча  
Бурканди оқ, оппоқ чечакка.  
Мен қадрдон хотира билан  
Жўнаб кетдим уйимга якка.**

**Ҳижрон қирқ кун кўтарилмас гоҳ,  
Сиз кетяпсиз қирқ йил кўтариб.**

**Тағин тўхтаб олмайсиз ҳам тин,  
Мушкулмасми, нақ гоғ янглиғ, гоғ.  
Катта халқнинг катта қувончин  
Кўкрагида кўтариб юрмоқ!**

**То тозадир шеърият кўки,  
То садоқат яшаркан ёниб,  
Бу юк — асли барчанинг юки  
Кўтармоқлик керак қувониб.**

## ҲАЁТ ВА ҒАЗАЛ

(Ҳайдар Яҳёев портретига чизгилар)

Истеъдодли ғазалнавис шоир Ҳайдар Яҳёевнинг ғазаллари халқ ҳаётини равон ва ўйноқи лирик образларда акс эттириши, давримиз ва замонамизга оҳангдошлиги, элнинг ҳис-туйғуларини ифода этиши билан қадрлидир. Шоир ғазалларининг халқ қалбига йўл топаётганлигининг боиси мана шунда.

Шоирнинг эълон қилинган шеър ва ғазаллари, «Гулдаста», «Урмим борича», «Ғазалим сенга» ва яқинда чоп этилган «Юлдузим» шеърый мажмуалари шундан далолат берадики, бундан ярим аср муқаддам муаззам Самарқандда туғилган шоир она шаҳрининг, она юртининг, машҳур меъморлик обидалари, дилбар табиати ва гўзал кишилари образини, умуман, жона-

жон республикамиз, совет воқелиги образини ҳамиша юрагида ардоқлаб, камарбасталик билан куйлади.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетини муваффақиятли тугатиш шоир ижодига назарий пойдевор ва илмий қувват бахш этди. Ленин комсомоли чақириғи билан совет милицияси соҳасига ишга ўтган Ҳайдар Яҳёев совет давлат ҳуқуқий системаси, коммунистик ахлоқ ва шеъриятнинг муайян жиҳатлардан яқин эканлигини ўз меҳнати ва ижодий фаолиятида бевосита ҳис этди.

Шоир шеъриятининг бош мавзуси муҳаббатдир, Ватанга, халққа ва маҳбубга фидойи севгидир, хусусан, ишқий муҳаббат шоир ғазаллари эстетик мазмунининг

асосий томонларидандир. Шоиr ўзининг «Умрим борича» номли мухаммасида бу ҳақиқатни шундай баён этади:

**Ёру диёр севгиси севгим, жонимда,  
Меҳнатимнинг ғурури кезар қонимда,  
Партияга солдатман, қалбим, жонимда  
Ҳақ йўл ила садоқат сўнмас шиирдир,  
Солдатлигим шиирдир умрим борича.**

Шоиrнинг юраги Ватан ишқи билан ёнади: у, ўзини ҳақли суратда элу юрт посбони сифатида, демакки, элу-юрт хизматкори сифатида жанговар постда, деб билади. Тинчлик ва ижодкор меҳнатни қўриқлаб турган бу посбоннинг «Қўзларида шуҳрат, шижоат, ҳеч туганмас ғайрат ёнади. Дўстга мадад, элларга шафқат, ёвга қарши нафрат ёнади...» («Гулдаста», 11-бет). Бу Ватаннинг мард йигитлари, зарур бўлиб қолса, майдон аро тулпор елдиришга, тинчликни ҳимоя қилиш учун она-Ватан топширган қурол ва техникани адолатли жанг жабҳаларида ишга солишга тайёр эканликларини шоиr бир жанговар жангчидек ёзади.

Ҳайдар Яҳеев севиқли Ўзбекистонга равон байтлар бахшида қилади; Ватан ишқи ўзбек эли, хусусан Самарқанд ва Зарафшон мисолида конкрет гавдалантирилади. Шоиr Ўзбекистонга қарата: «Онам меҳрин жилосидан ато бўлгач ширин жоним, Очиб кўз кўрганым бўлди, жамолинг боғу бўстоним», дейди («Олдузим», 111-бет).

Шоиr она Ватанимизнинг алангали кураш йиллари билан ифтихорланади; бу ифтихор туйғуларини барқарор этган она тупроқдан умри борича чексиз миннатдорлигини самимий мисраларда изҳор этади («Умрим борича», 42—43-бетлар). Бундай туйғулар социалистик революциянинг рамзи бўлмиш қизил байроққа аталган бағишловда янада теранлашади:

**Бу алвон ҳар баҳор бошин кўтаргай  
лолазорларда,  
Ватаннинг бағрида, эл қалбида — бўстон  
қизил байроқ.  
Мислсиз жангу бўронлар, шаҳидларнинг  
гувоҳисан,  
Элим кўз мардумида порлабон ҳар он,  
қизил байроқ.**

Шоиr ана шу қизил байроқ, яъни зафарбахш советлар байроғи Ўзбекистон пахтасидан тўқилганини шавқ билан куйлайди («Гулдаста», 9-бет).

«Олтин қўллар» сарлавҳали шеърида Яҳеев ўзбек пахтакорларининг заҳматли ва ибратли меҳнатини шарафлайди; бу элни заршунос олим, бобо деҳқон, тенги йўқ заргар, қўли гул шифокор, моҳир бинокор, ҳаётпарвар ижодкор, доврўқли қаҳрамон, ҳимматпарвар ва қалби пок авлод деб таърифлайди. Олтин қўлларнинг улғуворлиги шоиr назаридан коинот янглиғдир:

**Эй азиз халқим, сенинг аҳдинг буюк,  
азминг буюк,  
Қудратинг улкан, ишинг, ижод ила  
жазминг буюк,  
Нафратинг ҳам, ғайратинг ҳам, бахт  
куйинг, назминг буюк,  
Коинот янглиғ кучинг, мардона олтин  
қўлларинг.**

Яҳеев элу юрт гўзаллигига чексиз шайдо шиирдир. Ватан гўзаллиги шоиr наздида ҳамма нарсада: заррин қуёшда ҳам, кўм-кўк майсазорда ҳам, сўлиим боғда ҳам, тонг сабосида ҳам, эртанги шабнамда ҳам ўз жамолини мудом намоён қилиб туради («Зар қуёш» ғазали).

Табиат ва инсон нафосатининг ўзаро муносабиблиги она табиат ва жонажон эл латофатининг ҳамда севиқли диёр ва маҳбуб гўзаллигининг ўзаро уйғунлиги тимсолида янада барқамол қиёфа касб этади. Бу жиҳатдан тонг образи жуда характерлидир. Чунончи, «Тонг қўшиғи» шеърида офтоб эндигина ноз уйқудан уйғона бошлаган бир фурсат бадий ифода этилади: субҳидам пардаси орқасидан қуёшнинг заррин уфқлари кўринади; ғунча ўз қирмизи қалбини жом қилиб, унда ўз булбулига асал тутлади... Бундан илҳомланган шоиr ўз ҳижронининг кучини, лекин бўлажақ висолнинг ундан ҳам кучлилигини эҳтирос ила куйлайди. Бу куй маҳбубга мактуб шаклида изҳор этилади («Гулдаста», 40-бет). Шу зайл, табиат ва ҳаёт, шоиr ва маҳбуб, ҳижрон ва висол, ҳаёт қўшиғи ва ғазал эгизак эканлиги шеърхон тасаввурда ёрқин гавдаланади. Яҳеев бир тўртлигида ўлка тонгининг мусаффо куйларини «Муҳаббат бирла бахт оҳангига ўхшатади. («Умрим борича», 44-бет). Яҳеевнинг Тонг образидаги ўзига хос диалектикаси шундаки, бу—ҳам интизорлик гувоҳи, ҳам ширин висол даракчиси; бундаги бирлик шундаки, шоиr қалби беғуборлик маскани бўлса, субҳидам мусаффолик фурсатидир («Олдузим», 71-бет).

Шоиr фақат тонгни эмас, Наврўзи оламини ҳам, кумуш қишни ҳам, қорни ҳам мадҳ этади. Масалан, «Янги йил оқшоми» шеърида «Кумуш либос кийган изғирин оқшом» борлиққа ўзгача бир жило бериб, ўз хусну жамолини кўз-кўз этиши тасвирланса, «Келмай баҳор...» ғазалида Наврўзи олам чаманларини қор уйғотиши зикр қилинади; «Қор» ғазалида бўлса, она табиатнинг бу ҳодисаси бобо деҳқон учун кумуш туҳфа эканлиги, қор остидан зар тупроғимиз ором олиши, «қор ёғди — дон ёғди» дейилгандек, сиймин қорнинг дала заҳматкашлари учун сув, ҳосил, пахта ва зафар рамзи эканлиги айтилади.

Табиат нафосати билан ёр хусни қиёс этилган мисраларда табиат образи тағин ҳам реаллашади, маҳбуб образи янада ёрқинлашади. Айтайлик, «Қалам ва санам» мусаддасида яратилган манзарага кўра, бир томондан, «Табиат кўрки инсонга либосдир», «Қуёш акси муҳаббатдан қиёсдир»; иккинчи томондан эса, «Гўзал бўстонга кирса, ғунча лолдир, гўзал кўрки бари гулшанга ҳолдир» («Ғазалим сенга», 109-бет).

Шу тариқа, табиат нафосатининг олий рамзи бўлмиш гулшан (навбахор, лолазор, гулзор) гўзаллиги мадҳидан севиқли ёр гўзаллиги мадҳига шиирона йўналиш содир бўлади. Бунда шоиr, бошқа шиирлар каби, кўпинча қиёслаш ва параллелизм усулидан ўринли фойдаланганининг гувоҳи бўлаимиз.

Ҳайдар Яҳеев ғазалларидаги вазн, қофия, рафид, шеърий усуллар ва шеърий воситаларга келганда, шуни қайд этиш за-

рурки, улар бир томондан, ўзбек классик шеъриятидаги бадий шакл анъаналарига асосланади; иккинчи томондан, замонавий ўзбек тилининг бой имкониятларига таялади; учинчидан, ана шуларнинг ҳаммаси шоирнинг эстетик принципларини муайян бадий шаклда, бир бутун яхлит бадий асар сифатида рўёбга чиқаришга мослаштирилган. Яхеевнинг талқинича, умуман, ҳаётдаги гўзаллик шеърятдаги гўзаллик тасвирининг манбаидир. Бироқ бу гўзаллик шоир учун даставвал муҳаббатда ва маҳбуб гўзаллигида намоён бўлади. Шунинг учун у ўзининг «Қалам ва санам» номли мусаддасида «Жаҳоннинг рамзи, ороси гўзаллик, Вафо-ю, севги дунёси гўзаллик, Муҳаббат мулки, Лайлоси гўзаллик» деган мисраларни битади («Умрим бори-ча», 31-бет). «Дебоча»да шоир мана бу эстетик платформани ўзига тайин қилиб олади:

Тилаб ошиққа бахт-у, мардга омад  
айлагин ижод,  
Ватанга арғумон этгин мудом ширин  
каломингни.

Сўз санъати, умуман, она тилисиз рўёбга чиқа олмайди. Бинобарин, шоир ҳаёт гўзаллигини, халқнинг гўзал тилини ва ҳаёт ҳақиқатини жамулжам ифода эта олсагина, ўз муддаосига эришади. Шоир ҳақ сўзни, ҳаёт оҳангларини куйлайди, мунофиқлик, тубанлик, сохталик, ичи қоралик, бахиллик, ифвогарлик сингари хунук иллатларни доим фош этиш йўлидан боради.

Яхеев шеърятдаги камчилик ва нуқсонларга келганда, шунини айтиш глизимки, улар баъзи ғазаллардаги поэтик бир бутунлиқнинг бузилиши ҳамда сўз танлаш ва сўз ишлатишдаги айрим нотўқисликларда, баъзан вазнга хос ички оҳанг сақланмаслигида кўзга ташланади.

Умуман олганда, шоир Яхеев ҳозирги ўзбек совет ғазалнавислари қаторидан муносиб ўрин олган таниқли шоирларимиздан биридир. Унинг муваффақиятли ёзилган асарлари ҳаёт нафосати ва ғазал гўзаллиги ўзаро алоқадор, яхлит эстетик ҳодиса эканлигининг яна бир ёрқин далилидир.

Маҳмуджон НУРМАТОВ,  
фалсафа фанлари кандидати

## ОЛТИН УЗУКНИНГ ШАРОФАТИ

1776 йили Англиянинг кичик бир қишлоғида, ўлим тадвасида ётган ёш жувон атрофидаги одамларга: «Мабодо куним битиб, қазо қилсам, мени қўлимдаги узугим билан кўминлар», деб васият қилади. Жувоннинг нафаси тўхтади. Уни дафн этадилар. Мотамда жувоннинг васиятидан бохабар иккита ўғри ҳам бор эди. Ўғрилар кечаси яширинча марҳуманинг қабрини очишади ва олтин узукни олмоқчи бўлаётганларида, бармоғи оғриган «мурда» қичқариб юборади. Бундан ўтакаси ёрилаётган ўғрилар тумтарақай қочиб қолишади. Бемаҳалда шовқин-суронни эшитган қабристон қоровули очиқ қабр тепасига келиб, аҳволни тушунади. У шошмай жувонни лаҳаддан чиқариб олади ва уйига олиб келиб, унга иссиққина шўрва беради, дармонга киритади. Сўнг қоровул жувоннинг эрига хабар беради. Қайтадан дунёга келган аёл уйига қайтгач, тезда соғая бошлайди. Шу воқеадан беш йил ўтгач, жувон фарзанд кўради. Олтин узук шарофати билан дунёга келган бу бахтли бола кейинчалик жаҳонга машҳур ёзувчи бўлган Вальтер Скотт эди.

## «ҲАМЗА» — РОМАН-ЭПОПЕЯ

Комил Яшин. Ҳамза. Роман. Фафур. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1982.

Ўзбек совет адабиётида роман-эпопеянинг туғилиши кўп жиҳатдан Садриддин Айний ва Ойбек номи билан боғланади, аммо мазкур жанр турининг шаклланиб бораётгани 60—70-йилларга тўғри келади. Бу даврда юзага келган дилогия, трилогия ва ҳатто тетралогия каби кўп китобли романларнинг ҳаммаси бирдек гоёвий-бадий жиҳатдан юксак даражада бўлмаса ҳам, уларда ҳаётий-тарихий воқеа-ҳодисаларнинг кенг кўламли тасвирланиши, коллектив қаҳрамон образи — халқ образини яратишга интилиш муҳим эди. Хусусан, Ойбекнинг «Болалик», «Қутлуғ қон», «Улуғ йўл», Назир Сафаровнинг «Кўрган кечирганларим», «Наврўз», «Момақалди роқ», Ҳамид Фуломнинг «Машъал», Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли», «Ғолиблар», Иброҳим Раҳимнинг «Чин муҳаббат», «Фидойилар», Саид Аҳмаднинг «Уфқ», Асқад Мухторнинг «Чинор», Мирмуҳсиннинг «Илдизлар ва япроқлар», Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча», Жуманиёз Шариповнинг «Хоразм», Ҳабиб Нуъмон ва Аҳмад Шораҳмедовларнинг «Ота», Исҳоқ Содиқнинг «Фарғона зулмат кўнида», «Водийда баҳор» каби романлари шундай асарлар сирасига кирарди.

Айниқса, Ойбек, Назир Сафаров, Шароф Рашидов, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор каби адибларнинг бу соҳадаги изланишлари алоҳида қимматга эгадир. Улар ўз асарларида халқнинг оммавий ҳаракатини оммавий саҳналарда ва коллектив қаҳрамонлик тарзида санъаткорона ифодалаб, адабиётимизда роман-эпопея турининг шаклланиши ва янги босқичга кўтарилишида ўз ҳиссаларини қўшдилар. Атоқли адиб Комил Яшиннинг яқинда нашр этилган «Ҳамза» роман-дилогияси ҳам худди шундай асарлардан.

Роман композицион қурилиш жиҳатдан икки катта китоб, тўрт қисм ва олтинчи тўрт бобни ўз ичига олади. Гап фақат романнинг ҳажман катталигида эмас, албатта, балки, унга сингдирилган гоё ва мақ-

саднинг улканлигида, теранлигидадир. Бинобарин, «Ҳамза» романнинг ҳар бир боби, ҳар бир қисми, ҳар бир китоби асарда илгари сурилган ягона ва муҳим гоёни — Туркистонда инқилобий фикрнинг туғилиши ва амалга оширилишини ифода-лашга хизмат этади. Юзаки қараганда, романда оташин революционер Ҳамзанинг бадий портрети, ҳаёт йўли умумлаштири-лаётгандек туюлади. Аслида эса, инқилобий гоё Ҳамза каби атоқли шахснинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий ва адабий фаолияти воситасида умумлаштирилган. Шундай қилиб, ижтимоий индивидуал характернинг шаклланиш жараёни мисолида ўлкага инқилобий гоёларнинг кириб келиши ва ғалабаси ўз ифодасини топади. Романдаги тарихий мазмуннинг теранлиги, воқеалар кўламининг кенглиги, оммавий ҳаракат саҳнаси ва коллектив қаҳрамон яратиш маҳоратининг етуқлиги, бизнингча, «Ҳамза» романи — тарихий-инқилобий мавзудаги роман-эпопея, деган хулоса учун асос бўлади.

Маълумки, атоқли олим ва адиб Комил Яшин ўз устози Ҳамза ҳақида кўпгина илмий-танқидий мақолалар, турли жанрларда бадий асарлар ёзди. Ана шу катта илмий-адабий тажриба, Ҳамзанинг ҳаёти ва у яшаган даврга оид бой тарихий манбалар муаллифининг ўзига хос насрий полотно яратишига замин ҳозирлади. Романда адибимиз Максим Горький, Садриддин Айний, Михаил Шолохов ва Ойбек каби улкан ижодкорларнинг осойишта, вазмин тасвир услубидан, эпик услубдан унумли ва ижодий фойдаланган. Илк саҳифаларда Шохимардонга бораверишдаги қишлоқлар, манзилгоҳлар, ажойиб табиат олами ва одамлар, тарихий-этнографик қатламлар ўзига хос бўёқларда жонли бир манзара касб этади. Сўнг Водил тасвири, Шохимардондаги ижтимоий турмуш кўринишлари китобхон «тиборини жалб этади. Худди шу ҳаёт қайнаган ерда, Шайх Миён Кудрат ҳузурда биринчи бор асар қаҳрамони Ҳамза билан учрашамиз. Мақбарада, қандайдир бир қори тиловат қилаётганида, Ҳамза кўнглида «ўзи ҳам билмайдиган туйғулар уйғониб, уни оний муддатга афсонавий олам сари учириб олиб кети-

ши»ни, сўнгра Мебуза исмли бир бечора ўғлининг дардга чалиниб, нажот излаб Миён Қудрат шайх ҳузурига келишини кузатамиз. Ҳамза шунда, отаси Ибн Ямин ёнида туриб, «олабўжи»ларни кўради. Пировардида, фожиа юз бериб, Мебуза ўз фарзандидан айрилгач: «Ўғлимни ўлдирдингиз, шайх. Мен гўл бўлмасам, сизга ишонармидим, қотил!» деб таъна қилганда, шайх уни тошбўрон қилишга буюради. Буни кузатиб турган ёш қаҳрамон: «Йўқ, йўқ! Бу бобога тош отманглари!» деб фарёд чекади ва оломон диққатини ўзига тортади. Бундан ғазабланган шайх Ибн Яминга, болангизга жин тегибди, чиллаёсин қилдириб юборинг. Акс ҳолда «катта бўлганда бола эмас, бошингизга бало бўлиб юрмасин», дейди. Ёш Ҳамза эса, ана шу воқеалардан сўнг, тунни билан ухлаёлмай чиқади. Тушида нуруний бир чол: «Мард бўл, ўғлим, бўй эгма, тик қара, қоқиндинг, ётма, тур, ўғлим, қаддингни тикла!» деб хитоб қилади, бу Ҳамзага туганмас шижоат, дадиллик ва маънавий рзиқ беради. Ёзувчи шу тарзда ўз қаҳрамонини ўнқирчўнқир йўллардан халқнинг аччиқ қисматидан бохабар этиб, келажакка ишора ҳам қилади. Романнинг сюжет ривожига, воқеаларнинг боришида, қаҳрамон характери ва тақдирида бир-биридан мураккаб зиддиятлар пайдо бўлиб, у катта бир тарихий-ижтимоий гирдобга айланади. Ана шу зиддиятлар силсиласи жамиятдаги ижтимоий-синфий курашлар моҳиятини, натижасини англашга ундайди. Қаҳрамон аста-секин ҳаётини-ижтимоий тўлқинлар гирдобига кириб боради. Бунгача адиб китобхонни ана шу сиёсий-инқилобий кўтарилишларнинг туб манбалари, конкрет тарихий шароит билан таништиради. Ижтимоий-тарихий зарурият Ҳамза каби оддий халқ вакиллари буюк инқилоб сари етаклаганлиги алоҳида қайд этилади. Қисқаси, адиб асар қаҳрамонининг Фарғона водийсидаги ривожланган шаҳар — ҳам савдо, ҳам маърифат, ҳам хурофот маркази Қўқонда вояга етганлиги, ёшлигиданоқ она тили билан биргаликда араб, форс тилларини ҳам изчил ўрганиб, билимини муттасил ошира борганига урғу беради. Шу тарзда Ҳамза фаолияти, характериға хос уч муҳим хусусиятга — Ҳамзанинг кенг қамровли санъаткорлик истеъдоди, интернационалист шахслиги ва, ниҳоят, инқилоб намояндаси даражасига кўтарилиши масаласига эътиборни тортади. Бу хислатлар қаҳрамон фаолиятининг моҳиятини очишда калит вазифасини ўтади. Ёзувчи ғоявий ниятини шошмасдан, осойишта, бобмабоб, қисмма-қисм, китобма-китоб амалга ошира боради. Бинобарин, Ҳамза синфий онгининг уйғониши дастлаб заводчи бой — Содиқбойвачча қўлида гумашталиқ қилиб юрганда бошланади. Кўча-кўйда тўда-тўда бекорчи-ю, қиморбозларга дуч келиши эса, ўз миллати тақдирига ачиниш ҳиссини уйғотади. Ана шу жаҳолатдан қутулишнинг бирдан-бир тўғри йўли маърифатда деб англайди. Аммо Ҳамза кўп вақтгача ана шу зиддиятли ҳаётни чуқур таҳлил қилиб, уни ўзгартиришнинг энг тўғри йўли инқилоб эканлигини англаб етмайди. Шунинг учун ҳам у дастлаб маърифатпарвар сифатида эътибор топади. Бу борада у

Муқимий, Фурқат, Завакий каби демократ шоирларнинг ижодий анъаналарини давом эттиради. Кейинроқ Максим Горький, Владимир Маяковский, Абдулла Тўқай каби рус ва қардош адабиётларнинг илғор вакилларига эргашади. Айниқса, интернационалист сифатида қардош халқлар, биринчи галда рус большевиклари ва ишчилари, рус маданият арбоблари билан ҳамкорлик қилади. Аввалига: «Ахир, адолатни қон тўкмай ўрнатса бўлмайдимиз?» деган Ҳамза аста-секин ишчилар ҳаракатига қатнаша бошлайди. У завод эгаси Содиқбойга қарата: «Ҳозир ҳамманинг ҳақини бермасанг, пахтагга ўт кўйиб юбораман!», «Ёниб кетсам ҳам, ёндираман!» деб, очиқ исенга ўтади. Ана шу борадаги биринчи ғалаба — ишчилар ҳақини ундириб олиниши эса, Ҳамзага янги куч, янги шижоат бағишлайди. Шундан сўнг у дин, хурофот, синфий зулмни лаянатловчи асарлар ёзади. «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона» газеталарида эълон қилинган асарлари Содиқбойвачча ва Миён Ҳазратларни, Исмоил шайх ва Мединский каби амалдорларни қўрқувга солади. Шу қўрқув уларни Ҳамзага нисбатан суиқасд уюштиришга, уни тошбўрон қилишдан иборат чиркин ниятга етаклайди. Шу туфайли Ҳамза чет элларга («ҳажга») кетишга мажбур бўлади. У ерда ҳам зулму зулматга маҳкум меҳнаткаш халқ тақдирига дуч келади. Оқибатда, унда зулм ва ноҳақликка қарши кураш тугёни яна ҳам алангланади. Бунинг устига, Биринчи ҳажон урушининг бошланиши, мардикорликка олиш воқеалари, Февраль революциясининг мағлубияти ва қўш ҳокимиятчиликнинг юзага келиши меҳнаткаш омма ташвишини яна ҳам ортттиради. Бударнинг ҳаммаси Ҳамзанинг кўнглида умидсизлик туғдиради, мавжуд тузумнинг халққа ҳеч нарсга бера олмаслигига ишонч уйғотади. Шу билан романнинг биринчи китоби ўз ғоявий мантқиқига етади. Ҳамзанинг инқилобий ғоялар ва курашлар йўлига ўтганлиги тўла асосланади.

Шу китобнинг иккинчи қисмида Ҳамза «Биз ишчимиз!», «Яша, Шўро!» каби машҳур инқилобий шёърлар ижодкори, революция ишининг жонкуяри, ташвиқотчиси ва тарғиботчиси, оташин курашчи сифатида гавдаланади. Шу тарзда Ҳамза йирик шахс даражасига кўтарилади. Қаҳрамоннинг бундан кейинги фаолияти Шўройи исломия, Қўқон мухторияти, икки ҳокимиятчиликка қарши туриб чинакам меҳнаткашлар шўросини — совет ҳокимиятини ҳимоя қилишга қаратилади.

Романнинг мазкур қисми хронологик жиҳатдан Ҳамза фаолиятининг кичик бир даврини акс эттирса ҳам, ундаги кенг қўламли сиёсий-ижтимоий воқеаларнинг муҳтасар ифодаси, драматизмга тўлаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Худди шу даврга келиб Ҳамза ҳам оташин революционер, ҳам атоқли санъаткор, ҳам интернационалист сифатида қамол топганлиги романнавис томонидан ишонарли тасвирланади. Айниқса, Ҳамзанинг инқилоб тарғиботчиси сифатида Қизил Шарқ поездида Закаспийгача бўлган катта бир территория аҳолиси ва жангчилар ўртасида олиб борган сиёсий-тарбиявий, адабий-ижтимоий фаолияти чуқур маънога эга.

Романининг иккинчи китобида Ҳамзанинг инқилоб иши учун жон фидо қилиши, социализм қурилишидаги фидойилиги, янги маънодаги халқчил адабиёт ва санъатни яратишдаги жонқуярлиги атрофлича бадиий таҳлил қилинади. Хусусан, «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши», «Заҳарли ҳаёт» чириб бораётган тузумни, руҳонийлар, бойлар, эшонлар ва шайхларни, хуროфот ва зулми, ноҳақлик ва тенгсизликни аёвсиз фош этиши, бу пьесаларни ўз труппаси ижросида халққа кўрсатиши Ҳамза фаолияти ва характери мазмунини янада ёрқинроқ очиб беради. Унинг Олчинбек, Назирий каби кўршапалакларга қарши дудил кураш олиб бориши, фош этиши романдаги конфликт мантиқини, мураккабликларини тушунишга имкон яратади. Шундай қилиб, Ҳамза дунёқарашидagi инқилобий ғояларга содиқлик, келажак учун тўла ишонч туйғуси умрининг асосий мезонига айланганини реалистик тарзда кўрсатади. Ҳамза социализм қурилишида улкан маданий-инқилобий ишларни амалга ошириш билан бирга унинг ҳар хил кўринишдаги душманларига қарши кескин кураш ҳам олиб боради. У, айниқса, саводсизликни тугатиш ва хотин-қизларни паранжи зулматидан озод этишда фаоллик қилади. Бу ишда унинг сафдошлари — Соколов, Степанов, Йўлдош Охунбоев, Алижон, Омонтой, Рустамжон каби содиқ дўстлари ҳамisha бирга бўлдилар. Аммо бу кураш қанчадан-қанча фожиа, ўлим ва зулмни енгиб ўтишни тақозо этади: Пировардида, Ҳамза партия топишириги билан Шоҳимардонда дин ва хуросот ўчоғини қуритиб, у ерда социалистик қурилиш ҳаракатини авж олдириб юборади. У ерда В. И. Ленин ғояларининг тантанаси рамзи сифатида дохий ҳайкалинини ўрнатади. Бундан ғазабланган синфий душманлар Ҳамзанинг қатлига фатво берадилар. Душманлар Ҳамзани жисман ҳалок этсалар-да, у ёқлаган, ардоқлаган инқилобий ишларга, Ленин ғояларига ғов бўлишдан ожиз эдилар. Шундай қилиб, романда олға сурилган мақсад тўла-тўқис рўёбга чиқади: ўлкамизда инқилобнинг тантанасини таъминлаган асосий ҳаётий-тарихий манбалар Ҳамза фаолияти, ижоди, оманинг сиёсий-ижтимоий кураши мисолида ўз умумлашмасини топади.

Асарда бир қатор ижобий қаҳрамонлар борки, уларнинг ҳар бири романдаги яхлит инқилобий кураш ғоясини очишга, тўлдиришга хизмат қилади. Романда Ойжаҳон, Ачахон, Зулфизар, Шаҳзода, Меҳри, Аксинья, Санобар, Зубайда каби ўнлаб аёллар образи ҳам бор. Улар ўзларининг исёнкорлиги, озод ҳаётга, эркин муҳаббатга ва порлоқ келажакка ташналиги билан китобхон эътиборини қозонади. Бу аёллар баъзан кўрқок, андишали, баъзан жасур, исёнкор сифатида намоян бўлади. Бу персонажлар орқали адиб ўлкамизда Улуғ Октябрь инқилобининг ғалаба қозонишида мана шу ожиза аёлларнинг ҳам ўзига хос ўрни борлигига урғу беради.

«Ҳамза» романидаги бир қатор салбий типлар ва персонажларни ҳам ёзувчи санъаткорона тасвирлаган. Хусусан, хуросотчилар, тақводорлардан бўлмиш Миён Қудрат, Исмоил шайх, Бузрукхўжа, «Оқ-

соч дарвеш»лар ва уларнинг ҳамтовок думлари — Содиқбой, Миркомилбой, Қора Қоплон, Эргаш, Олчинбек, Назирий, Гиёсхўжа каби образларнинг ҳар бири индивидуал характерга эга. Мақсадлар, ғоялар муштараклиги уларни боғлаб турса ҳам, аммо бу типларнинг ожизликлари, вақти келганда бирини бири ғажиши, қонини ичиши, ёвузликлари романда ҳаққоний акс этган.

Албатта, романинг муваффақияти фақат шулар билангина белгиланмайди. Ёзувчи маҳорати тарихий материалга, фактларга, шахсларга муурожаат қиларкан, юксак ғоявий-бадиий мақсад маҳорат билан ифодаланганида, персонажлар портретини, табиат, жой манзараларини гўзал ва аниқ, бўёқларда чиза олганида ҳам кўзга ташланади. Ҳар бир манзара қаҳрамон ҳаётига, унинг ички кечинмаларига ва романдаги воқеалар ривожига қараб ўзгариб боради. Шу тарзда асар ғоясини очишга хизмат этади. Худди шу ҳол Шоҳимардондаги мадраса, мақбара, мазор кўринишлари тасвирида ҳам кўзга яққол ташланади. Гуё ёзувчи мана шу жойларни бирмабир расмга олгандек, ҳар бир эшиги, ғишти, бурилиши, ҳужрасигача шундай таъвирлайдики, ўқувчи ҳайратга тушади. Бу, албатта, адибнинг ўз материални яхши билгани, йиллар давомида чуқур ўргангани ва севгани, катта истеъдоди самарасидир.

Асар тилининг ниҳоятда ширадорлиги, сўз-ибораларга, ўхшатишларга бойлигини алоҳида қайд этмоқ керак. Ҳар бир персонаж ўз тили, индивидуал нутқига эга, бу хислат асар мазмунини теранлаштиришга, ғоясини чуқурлаштиришга кўмаклашади. Ёзувчи тайёр мақола ва маталлардан, иборалардангина фойдаланиб қолмай, балки янги-янгисини кашф этади, халқимизнинг бой, жонли тилини қаҳрамонлар характери, маънавий оламини ёритишда асосий меъёр қилиб олади. Жумладан: «ҳар киши ўз тақдирининг темирчисини», «дунёнинг моли дунёда қолади», «латтани чўққа ташлаб бўлмайди, сассиғи чиқади», «янтоқ ўзини бог ўйлар, тентак ўзини тоғ ўйлар» каби мақол-маталлар, иборалар ҳар бир персонаж характери, синфи, ижтимоий ўрнини ҳаққоний белгилашда адибга қўл келган.

Аммо романда баъзи камчиликлар ҳам бор. Романининг дастлабки қисмлари, нисбатан 4-қисми тасвир услуб жиҳатидан яққол фарқланиб туради. Агар аввалги қисмларда эпик услубга хос осойишта, вазмин тасвир ҳокимлик қилиб келган бўлса, бу қисмда воқеалар ва қаҳрамон фаолияти тасвири анча тез ривожланади. Оқибатда публицистик руҳ етакчилик қилиб қолаётгандек туюлади. Бундан ташқари, профессор Ҳафиз Абдусаматов тўғри қайд этганидек, романда айрим тарихий факт, ҳужжатлар ноаниқ, баъзан чалкаш берилади («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 11 февраль, 1983). Баъзи қисмларда композицион тарқоқлик ҳам сезилади. Бунинг устига, наشريёт айби билан бўлса керак, имловий хатолар, сўзларнинг нотўғри ишлатиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Шунингдек, ана шундай ажойиб бир

асарни нашр этишда олабайроқ тарзидаги қоғоз ишлатилганлиги ҳам китобхон гашига тегади. Нашриёт бундай нуқсонларга йўл қўймаслиги керак.

Энг муҳими, атоқли адабимиз Комил Яшин ўз романида ўзбек совет адабиётининг асосчиси, оташин инқилобчи-интернационалист, санъат ва маданият арбоби Ҳамза Ҳакимзоданинг ижтимоий-сиёсий ва адабий фаолияти воситасида бутун бир халқ ҳаётидаги тарихий сўзлашларни — Улуғ Октябрь инқилоби томон қилишидаги кураш йўлини маҳорат билан кўрсатиб берган. Шунингдек, романда олға сурилган гоа ҳозирги нотинч ва суронли давр-

да яна ҳам муҳим маъно касб этади. Чунки, империализмнинг босқинчилик сиёсати авж олаётган бугунги кунларда кишиларни инқилоб иши учун янада дадил кураш олиб боришга чорлаш руҳи романга чуқур замонавийлик бағишлайди.

Хуллас, улкан драматург, катта жамоат арбоби, публицист Комил Яшин бу асари билан моҳир прозаик эканлигини ҳам намойиш этди. Энг муҳими, у ўз устозиге ўзбек совет насрида тарихий-бадиий ҳайкал ўрнатди.

Собир МИРВАЛИЕВ,  
филология фанлари доктори, профессор

## СЎЗ ҲАҚИҚАТИ

Оноре де Бальзак. Гобсек. Сағри тери тилсими. Повесть ва роман. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1981.

«Бальзак ижоди ҳақида хотирлаш — мен учун унумсиз, зерикарли водий бўйлаб бораётган йўловчининг бир вақтлар кезиб ўтган сермахсул, гўзаллик ва қудратга бой ўлкаларни эслашидек мароқли... «Инсон комедиясини йигирма ёшларимда ўқиб чиқдим. Бу китоб мендаги шакланмаган романтизмга зарба берди. Ва мен унда Бальзак даҳосини ҳис этдим... Унинг истеъдоди ўз эпки кўлами билан мени лол ва асир этди. Ундаги режалар кенглиги, фикрлар дадиллиги, сўз ҳақиқати ва бугунги кун билан кўп жиҳатдан исбот этилган келажакни доҳиёна кўра билиши уни дунёнинг энг улуғ мураббийлари қаторига қўяди».

«Сўз ҳақиқати». Максим Горькийнинг бу ибораси Бальзак ижодининг бутун моҳиятини аниқлаганидек, Бальзак китоблари бугунги кун, бугунги кишилар учун ҳам нақадар қимматлигини, инсониятнинг маънавий қамолотида асосий мезонлардан бири бўлган сўз ҳақиқатининг жамият мафкуравий ҳаётида нақадар кераклигини ҳам таъкидлайди. Шу маънода Бальзакнинг икки асари — «Гобсек» ва «Сағри тери тилсими»нинг ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилиши таҳсинга сазовордир.

Маълумки, ёзувчиларнинг истеъдод даражаси, буюклиги уларнинг жамият манзараларини нечоғли ҳаққоний акс эттирганлари ва у жамиятга мансуб кишилар ҳаётини типлар шаклида нечоғли кўп ё оз ярата олганлари билан белгиланади. Айни шу маънода «Гобсек» повести Бальзак ижодининг муҳим тараққий нуқталаридан бири ҳисобланади. Гобсек — адиб яратган Горюо ота, Грандье, Растеньяк, Вотрен, Рафаэль каби машҳур типлардан бири. «Гобсек» қиссасини ўқигач, у ёки бу даражада Гобсека ўхшаб кетадиган адабий қаҳрамонлар — Гоголнинг Плюшкини, Абдулла Қодирийнинг Солиҳ Маҳдуми, Садриддин Айнийнинг Қори Ишқамбаси беихтиёр ёдга тушади. Аммо, Гобсек очофатлик, ҳасислик, разиллик жиҳатлари билан баъзи адабий қаҳрамонларни эслатса-да, у жуда кўп хислатлари — нақадар жиддий, ақлли, табиат ва жамият қонуниятларини беш қўлидай билгич, муҳитдаги ҳукмрон кишилардан бири эканлиги билан ажралиб туради. Бальзак Гобсек тимсолида олтинга кўмилган француз жамиятини, унинг гўзалликлари ва хунукликларини ва энг муҳими, бу ялтироқ жисмнинг чириб бораётган бир даврини кўрсатган: Гобсекнинг чириб-сасиб кетган неъматлар, бойликлар тўла кимсасиз хонадонида ёлғиз ўлим топиши худди ана шунга ишорадир.

Гобсек — ҳасислик, худбинлик, ёвузлик рамзи. У буржуа жамияти, Париж муҳитининг барча яхши-ёмон жиҳатларини биладиган ва шу «билимини» тор доирада — ўз манфаатлари йўлида (бировларни хонавайрон қилиб бўлса-да) фойдаланадиган «кучли одам», корчалон; шунингдек, у эзгулик ва ёвузликни, бу икки улуғ тушунча ўртасида рўй берадиган энг нозик тебранишларгача теран англай оладиган тадбирли, тажрибали шахс; Бальзак таъкидлаганидек, «У — ҳам фаришта, ҳам иблис, аммо, фаришталигидан кўра иблислиги кўпроқ» кимса. Унинг маънавий қиёфасини ўзининг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари — адвокатга айтган кўйидаги сўзлари ҳам яққол белгилаб бера олади: «Менинг ёшимга етсангиз, дунёда бахт-саодатдан ҳам ишончли, кетидан қувса арзийдиган фақат бир нарса борлигини биласиз. Бу... олтин. Инсоннинг барча кучи олтинда мужассамлашган... Хулқ-атвор масаласига келсак, одам ҳамма ерда бир хил: ҳамма ерда камбағаллар билан бойлар ит-мушук. Шундай бўлиши табиий. Демак, сени эзишларига йўл қўймай, ўзинг бошқаларни эзганинг тузук».



Гобсек характери, ўзига хос нуқтаи назарини ифодалайдиган бу гапларни таржимон Мирзиёд Мирзоев жуда тўғри, нозик, муқобил сўзлар билан ўзбек китобхонига етказишга ҳаракат қилган. Русчада бундай: «Вот поживете с мое, узнаете, что из всех земных благ есть только одно, достаточно надежное, чтобы стоило человеку гнаться за ним. Это... золото. В золоте сосредоточены все силы человечества... А что касается нравов, человек везде одинаков: везде идет борьба между бедными и богатыми, везде. И она неизбежна. Так уж лучше самому давить, чем позволять, чтобы другой тебя давил».

Гарчи, Гобсек баъзан «чол ёшидаги бола»ни эслатса-да, граф нафрат билан айтганидек, у «шарму ҳаёсизлар мактабининг худо урган файласуфи» бўлса ҳам (русчадаги «философ из школы циников» иборасини таржимон жуда яхши ўйрган), аслида, адвокатнинг у ҳақдаги сўзлари адолатлидир: «Бордию унинг молиявий принципларини ва одамзоднинг табиати ҳақидаги мулоҳазаларини олиб ташланса, бу хусусиятларсиз у бутун бошли Парижда энг инсофли одамдир. Унда икки нарса мавжуд: зикналик ва файласуфлик, пастарин ва улуг инсон». «Русчаси: «А если отбросить его финансовые принципы и его рассуждения о натуре человеческой, которыми он оправдывает свои ростовщические ухватки, то я глубоко убежден, что вне этих дел он человек самой щепетильной честности во всем Париже. В нем живут два существа: скряга и философ, подлое существо и возвышенное.») Тўғри, Гобсек туриш-турмуши, олди-сотдиси, судхўрлик фаолияти, «одамзоднинг табиати ҳақидаги» бир ёклама, буржуача, шахсий манфаати ва худбинликка асосланган мулоҳазалари билан ўқувчини жиркантиради; аммо Бальзакнинг маҳорати шундаки, у Гобсек образини бағоят жонли гавдалантирган: унинг барча ёмон хислатларини ҳаққоний тасвирлаганидек, унинг яхши жиҳатларини ҳам ишонarli акс эттира олган — шунинг учун ҳам Гобсек китобхон кўз ўнгида оддий, хасис судхўр даражасидан Париж муҳити, киборлар жамиятининг фош этувчиси, унинг жазокори даражасига юксалади, бу таназзул ёқасида турган инсонлар ҳаётининг барча иллатларини очиб ташлагандан сўнг эса, ўқувчи уни бир ҳақиқатгўй, доно чол сифатида яхши кўриб қолади.

Қиссада тасвирланган воқеалар — адвокатнинг ўзи ҳақидаги фикру мулоҳазалари, хотиралари, бошқа персонажларни изоҳлайдиган, воқеалар, ва ҳолатларни боғлайдиган сўзлар, Гранлье хоним оиласи, хотинидан куйган бадбахт граф хонадони, уларнинг киборлар муҳити учун типик бўлган фожиалари гўё Гобсекнинг кимлигини кўрсатиш учун ёзилгандай туюлади. Ҳақиқатан ҳам, Гобсек образи ва унга боғлиқ ҳамма ҳолатлари тафсилотлар ёна-ёна бир машъалга айланадики, асардаги қолган персонажлар ва улар ҳаёти Гобсек — бу улуг ва тубан, гўзал ва хунук одам тақдири қаршисида чўғдай милтиллаб қолади.

Повестдаги персонажларро муносабатлар, зиддиятларнинг иплари айни Гобсекка боғланади, худди инсон вужудидаги қон томирлари юракка боғланганидек; Гобсек — қиссанинг юраги. Гобсекнинг ана шу марказий образ — бирлаштирувчи, умумлаштирувчи ва яқунловчи образ эканлиги заминида жуда катта маъно, тимсоллар мавжуд. Хусусан, Гобсек — Парижнинг тимсоли, Парижни қўлида тутиб турган энг кучли одамлар — пулдор судхўрлардан бири. «Менга ўхшаган одамлар Парижда ўнта; сизларнинг тақдирингизнинг жилови бизнинг қўлимизда, аммо, ўзимиз ювш, фақир киши панада қабилда юрамиз. Ҳаёт — пул ҳаракатга келтирадиган машина эмасми?... Ҳозирги жамиятнинг бутун маънавий моҳияти олтиндир», — у адвокатга ўз тили билан ана шундай дейди. (Русчаси: «Таких, как я, в Париже человек десять; мы властители ваших судеб — тихонькие, никому ведомые. Что такое жизнь? Машина, которую приводят в движение деньги.») Ҳа, Гобсек — олтинлари, моддий бойликлари, ноз-неъматлари одам киролмас омборларда чириб ётган хасис мулкдор: у шу жиҳатлари билан ҳам буржуа тузуми тимсоли, Париж муҳити деган одамнинг худди ўзи.

Гобсекнинг ҳаёт шомини, унинг уйдаги дабдабали ва фожиали манзарани — очофат чолнинг, ҳадсиз-ҳисобсиз мол-мулки бўла туриб ҳам, совуқдан дир-дир титраб, ўлим талвасасида ётган бир пайтда ўрни иситиш учун ўт ёқтирмагани, сўнгги марта қўлига тушган тиллани одамлар кўзидан беркитиш учун кулга кўмганини... эсласак, Гобсек — ночорларни эзиб, қонини ичиб, улар ҳисобига бойлик орттирган, аммо ана шу ўзи тўплаган мол-давлат орасида умрини тугатувчи капиталистик муҳитнинг рамзи эканини тасаввур қиламиз. Зотан, бу повестнинг бошқа персонажлари — Гобсек мансуб муҳитнинг жонсиз мурватлари — граф ҳам, графинья ҳам, худди Гобсек каби моддий манфаат, мерос, буржуа тузумининг ёвуз маъбудиди — Олтиннинг қурбони бўладилар. Инсоннинг бойликка ҳирс кўйиши ва бу йўлда не-не ёвузликлар қилиб, охир-оқибатда аянчли қисматга мустаҳиқ бўлуви — бу повестнинг асосий мавзуси, туб йўналиши ва моҳиятини ташкил этади. Шу жиҳати билан ҳам бу повесть бугунги кунда айни замонавий асар сифатида, кишиларнинг маънавий баркамол бўлишлари йўлида хизмат қила олади.

Қобилиятли таржимонимиз Мирзиёд Мирзоев «Гобсек»ни ўзбекчага маҳорат билан ўйрган: асар қоқилмай, бир зайлда ўсиб, тўлқинланиб борадиган юксак рух, мароқ билан ўқилади; Бальзакка хос шиддат, эҳтиросли наср оҳанги таржимода ҳам тўла сақланган; персонажлар нутқи жуда жонли, ўзига хос мақомда ўйрилган. Адабиётимизни ўнлаб классик асарлар билан бойитган М. Мирзоев қаламига мансуб бу таржима повесть ҳам китобхонларимизнинг маънавий мулки, севиб ўқийдиган асарларидан бири бўлиб қолажак. Бальзакнинг ўзи «поэма», «драма» деб атаган асар — «Инсоният комедияси» сирасига кирадиган «Евгения Грандьё» (Даврон таржимаси) ва «Горио ота» (С. Муҳаммаджонов таржимаси) романларини ўзбек ки-

тобхонлари илиқ кутиб олган эдилар. «Гобсек» повести билан адибнинг яна бир машхур романи — «Сағри тери тилсими»нинг ўзбекчада нашр этилиши эса китобхонларга катта тухфа бўлди.

«Сағри тери тилсими» романи 1831 йилда, нашрдан чиқиши биланоқ, Бальзакка шухрат келтирди: ўзининг нозик лиризми, ёш йигитнинг азобу интилишлари ва фожиасини акс эттирадиган бу роман Гётенинг «Ёш Вертернинг изтироблари» қиссаси каби юксак маҳорат билан ёзилгани ва ҳатто, ижтимоий йўналишлари жиҳатидан ундан кўра теранлиги боис ўқувчиларни дарров жалб қилди, Бальзак адабий жамоатчилик томонидан етук адиб сифатида тан олинди. Таржимон Маҳкам Маҳмудов китоб сўнггида романга оид бирмунча изоҳ берган. Биз қуйида ана шу изоҳни бир оз тўлдирмоқчимиз.

«Инсон наслининг ҳаёти беш-олти минг киши иштирок этадиган бир драмадир. Менинг китобим худди шу драманинг ўзи», деб ёзади Бальзак. Адибнинг бу шарҳи «Инсоният комедияси»га кирган барча насрий асарларни, қисса ё романлигидан қатъи назар, драматик руҳдаги насрий дoston дея аташга ҳуқуқ беради. Жумладан, «Сағри тери тилсими» романи ҳам шаклан ва руҳан кўпроқ драмага ўхшаб кетади.

Бальзак бу асарни не мақсадда ёзганини қуйидагича изоҳлайди: кўпчилик ёзувчиларнинг табиати, феъл-атвори уларнинг ўз асарларида ҳаққоний равишда акс этган, аммо бошқа бир адибларнинг ҳаёти ва табиати ўзлари ёзган асарларидан мутлақо фарқ қилади, ҳатто, уларнинг ўзлиги билан яратган типлари ўртасида кескин зиддият мавжуд. «Сағри тери тилсими» ижодкор салоҳияти ва унинг табиати орасидаги ана шу ғалати номувофиқлик замирини очиб берадиган китоб («Сағри тери тилсими»нинг биринчи нашрига сўзбоши, 1831», 24-том, 233-бет). Бальзак бу романга асос бўлган замон ва макон тўғрисида, воқеликнинг адиб ва адабиётга муносабати ҳақида яна шундай ёзади: «Ёзувчиларнинг бугунги замон кирдикорларини жасорат-ла фош этишида, унга қарши чиқишида жуда катта ҳақиқат бор. Жамият биздан гўзал, шоирона тасвирларни талаб қилади; аммо қани ўша ҳаётдаги гўзал тасвир? Сизларнинг ғарибона либосларингиз, сизларнинг пучга чиққан инкилобларингиз, сизларнинг вайсаки буржуларингиз, сизларнинг ўлик дину эътиқодингиз, сизларнинг бузғун, разиллашган ҳокимиятингиз, сизларнинг тож-тахтсиз қиролларингиз — бирортасям шоиронамидики, адибнинг тасвирига арзиса?.. Биз фақат мазах қилишимиз мумкин — бошқа чорамиз йўқ. Мазах — ўлиб бораётган жамиятнинг адабиёти шу!..» (24-том, 241-бет.) Бальзак ўз асарини айни мана шу маънода ёзганини ва бу китоб жамиятнинг «янги айбномалари» эканини таъкидлаган.

«Сағри тери тилсими» романида шахс ва жамият, ижтимоий келиб чиқиши ва дунёқарашлари бир-бирига қарама-қарши инсонлар ўртасидаги муносабатлар ҳаққоний кўрсатилади. Худди «Гобсек»даги сингари бу асарда ҳам ёзувчи моддий манфаат ва бойлик деб маънавий ҳаётини хароб қилган, худбинона истаклари тўғайли фожиага мустаҳиқ бир гўруҳ буржуа муҳити вакилларининг умр таъаззулини акс эттиради. Романнинг уч асосий қаҳрамони — Рафазель, Феодора, Полиналар моҳияти, мезони олтин ҳисобланган буржуа муҳитининг кўрбонлари. Рафазель — қамбағал ижодкор, қўли калта одам, шунга қарамай, киборлар муҳитида яшашни орзу қилади, Парижнинг энг гўзал, энг бадавлат аёлини севиб қолади ва албатта, унга этишмоқ учун афсонавий бойликка — ҳар бир истаги эъзига умрини қисқартирадиган сирли терига қўл уради, яъни ўз умрини бойликка эришув йўлида кўрбон қилади. Рафазель аввал Полинани қамбағаллиги учун хуш кўрмай юради, унинг пок севгисини хўрлаб, давлатманд Феодорани севади, Феодора уни рад этиб, хароб қилган, у телбага, инсон зотини кўрса вазасаси тутадиган совуқ бир, бойваччага айланади ва худди шу пайтда узоқ вақтдан бери кўришмай юргани Полинани (энди, у бадавлат қизга айланганди) учратиб қолади, қиз уни аввалгидай севади, йигитнинг хаёллар билан унга уйланади, аммо у бу пок қизни ҳам бахтиёр этолмайди. Бу аламқаш тақдирлар, бу фожиалар сабабчиси инсоннинг ихтиёр ва имконларини чегаралаб қўйган буржуа муҳитидир — ёзувчи ана шу бадбахтликларни кўрсатаркан, унинг яратувчиси, ёвуз ижодкори тузум эканига ишора қилган. Полина уни телбаларча севади, аммо ҳамма номутаносиблик, фожиа шундаки, Рафазель қизнинг муҳаббатига жавоб беришга ноқобил, у аллақачон руҳан мажруҳ, вазасаси бўлиб қолган. У ўлимдан кўрқади: яшашни эмас, дам-бадам яқинлашиб келаётган ҳаёт шомини ўйлайди, оғзи ошга етганда — сирли тери тўғайли бошқаларда йўқ қудратга, сеҳрий кучга эгалик қилиб турган бир пайтда ҳамма имкониятлардан айрилиб, ўлиб қолишдан ҳадикда. Улим эса муқаррар: у қанчайин ҳою хавасларига, истакларига эришса, сағри тери — ўлчамли «ҳаёт териси» ҳам шунчалик қисқариб бораверади!..

Романнинг Рафазель тақдири ҳақидаги ҳаяжонли саҳифаларини ўқий туриб, ким ҳам умр, ўз турмуш тарзи, қисмат, инсонлик моҳияти тўғрисида — яшаш тилсими борасида оғир хаёлга ботмайди дейсиз? Ким ҳам сирли тери соҳиби — истагани ижобат бўладиган Рафазелнинг яшашини, яшаганда ҳам айни Полина — Асл Гўзаллик тимсоли билан бирга ҳаёт кечиришини, эртақлардаги каби «мурод-мақсадига етишини» хоҳламайди дейсиз? Бу истақлар фақат китобхоннинг эмас, Рафазелнинг ҳам, Полинанинг ҳам шуурида пинҳона барқ уриб ётибди-ку, ахир!.. Аммо, ҳамма фожианинг туб илдизи мана шу истақ-эҳтирослардадир. Рафазелни шу кўйга, шу алам-

1 Оноре де Бальзак. Собрание сочинений в 24 томах. 24-й том. стр. 221. (Бундан кейинги изоҳлар «Правда» нашриёти 1960 йилда чиқарган ана шу 24 томликка оид).

ли, азобли ва охири муқаррар ўлим билан тугайдиган бахтиёрлик комига итариб юборган кучли қўллар ҳам шу истак-эҳтирослар-ку! Тилсимдаги арабий сўзлар маъноси ҳам шуни таъкидлайди: «Менинг эгам ҳамма нарсага эга бўлади, аммо унинг жонига мен эга бўламан. Тангри иродаси шу. Истаганингни тила, ижобат бўлмай. Лекин тилагингни ҳаётингга мосла. Жонинг — менда. Ҳар бир тилагиндан умринг кунлари камайгани сингари мен ҳам камайман...» Русчаси: «Обладая мною, ты будешь обладать всем, но жизнь твоя будет принадлежать мне. Так угодно богу. Желай — и желания твои будут исполнены. Но соразмеряй свои желания со своей жизнью. Она — здесь. При каждом желании я буду убывать как твои дни». Таржимон мана шу жумлалардаги кескин, қодир бир руҳни аслидагидай, шу билан бирга, жуда оддий сўзлар воситасида ифода эта олган.

Романнинг «Тилсим» ва «Тошюрак» қисмларида романтизмдан кўра реалистик йўналиш анча кучли. Охириги «Талваса» қисми эса афсонага ўхшайди. Унда реализмдан кўра романтизм, воқеалар йўналиши ва қаҳрамонлар ҳолатини идеаллаштириш, афсонавийлаштириш, эртакнамо юксак бир нуқтага кўтариш — инсон ғуссасини, қисмат қаролиги ва чархи қаҳрафторнинг бадрафторликларини янада кескин, баланд бир мақомда тасвирлаш устивордир. Шунинг учунми, баъзи адабиёт муҳиблари, романдаги композициянинг ўзи романтизм услубига оид-ку, деган гапни айтишади. Аммо, сағри терига боғлиқ воқеа ва ҳолатлар, қанчалик афсонавий, сирли бўлмасин, унда бир ҳақиқат — англашилмагану лекин ҳеч ким шак келтира олмайдиган бир ҳақиқат борки, у ҳаётнинг ўзидай сирли, бепеён оламнинг чексизлигидай, мавҳумотидай асрорли; ана шу ҳақиқатда биз ҳали инсон идроки англаб етмаган сирлар ва ҳақиқатлар тимсолини кўрамиз. Бу — ҳаёт ва ўлим сирларининг бир киши — ёзувчи нуқтаи назаридан ахс эттирилган гўзал ва машҳум манзараси. Бу ҳақда романнинг персонажларидан бири — антиквар чол шундай дейди: «Сизга ҳозир икки оғиз сўз билан инсон ҳаётининг буюк сирини айтиб бераман. Уйламай иш қилвериб одам ўзининг тинкисини қуритади. Ўлимнинг барча сабаблари икки хилга бўлинади ва иккита сўзга — тилак ва имкон деган сўзларга бориб тақалади. Одамзод ҳаётининг мана шу иккала чегараси ўртасида учинчи бир ақида борки, бунинг фақат доноларгина билишади. Мана шу ақида менга бахт ва узоқ умр берди. Тилак бизки куйдиради, имкон — вайрон қилади, билиш эса бизнинг заиф вужудимизни абадий сокинликка олиб келади...»

Таржимон Маҳкам Маҳмудов бу пурмаъно сўзларнинг ўзига хос оҳанги, шиддати, тиниқлиги ва соддалигини сақлаб қола билган. Русча матни шундай: «Сейчас я вам в кратких словах открою великую тайну человеческой жизни. Человек истощает себя безотчетными поступками, из-за них-то и иссякают источники его бытия. Все формы этих двух причин смерти сводятся к двум глаголам желать и мочь. Между этими двумя пределами человеческой деятельности находится иная формула, коей обладают мудрецы, и ей обязан я счастьем моим и долголетием. Желать сжигает нас, а мочь — разрушает, но знать дает нашему слабому организму возможность вечно пребывать в спокойном состоянии».

Зотан, Рафаэлнинг бир парча эски тери деб телбаланиб қолиши, уни умрининг ўлчови, ажал йўли деб билишининг ўзи мушоҳадали китобхонга кулгили туюлиши мумкин. Аммо, бу тери оддий тери эмас, балки, «адабий тери» — ёзувчи фикрининг тимсоли эканлигига эътибор қилсак, бу тери замирида ётган, адиб бевосита очиқ ифодаламаган-у, лекин ишора этган фикр-мулоҳазаларни ўз идрок нигоҳимиз билан илғай оلسак, кўп ҳақиқатларни кўришимиз (англашимиз) мумкин. Чунончи, сағри тери инсон умрига, жисму жоннинг «иланг-биланг ҳаракатига» (эпиграфдаги тимсолий чизгини эсланг), охири ўлимнинг тубсиз жарига кулаш билан тугайдиган вужуднинг қисматига ишора эмасми? Мана, Рафаэлни азоблаётган, телбалантириб қўйган ҳақиқат. Мана, уни ерда тўриб дўзах азобларига гирифтор қилган сирли куч. Мана, уни бутун жамиятдан, ўлчамли инсон умрини қадрламаган, ҳўрлаган муҳитдан юз ўгиришга — Феодордан жирканишга ва нафратланишга, Полинага — ҳаёт гўзалликларига қўл чекиб, ундан қочиб юришга, узлатга чекинишга мажбур қилган шафқатсиз руҳ. Мана, китобхонни ҳам қаттиқ ўйлашга, руҳан уйғонишга, атрофига кўзини очиқ қарашга ундайдиган, уни борлик ва йўқлик, жамият ва шахс, гўзаллик ва эзгулик, қабоҳат ва бешафқат ёвузликлар ҳақидаги ўйга толдирадиган ўлмас ҳақиқат. Бизнингча, китобдаги мана шу шиддатли руҳ китобхонни маънан «қайтадан яратади», поклайди, кўнгил кўзини равшан қилади. Асарнинг қиммати ҳам ана шунда.

«Сағри тери тилсими» романи ўзбекчага муносиб даражада таржима қилинган. Бунинг исботлаш учун русча ва ўзбекча нусхадан парчалар келтириб, қиёслаб, журналхонларнинг қимматли вақтини олиб ўтирмаймиз. Ундан кўра, таржимада бизга нуқсон бўлиб туюлган баъзи ўринлар ҳақидаги ўз мулоҳазаларимизни ўртоқлашмоқчимиз.

Роман уч қисмдан иборат: «Тилсим», «Тошюрак қиз», «Талваса». Русча нусхада бағишлов сўзидан кейин тасвирий эпиграф, унинг остига «Стерн. «Тристрам Шенди», гл. СССХХП», кейин эса «I. Талисман» деб сарлавҳа қўйилган. Ўзбекча нашрда бу изоҳлар чалкаштириб юборилган.

Асарнинг русчаси бальзакна аниқ насрий усулда: «В конце октября 1829 года один молодой человек...» деб бошланади. Таржимада эса: «Ўтган йилги октябрь ойининг охирилари эди», деб ўгирилган. Тўғри, таржимон асл нусханинг ҳам хўжаси, ҳам қўли: аммо таржимоннинг бу ўриндаги «хўж»лиги — эркинлиги, бизнингча, меъёридан ортиқдир. Зотан, «Ўтган йил» ибораси 1829 йилни англамайди.

Бир неча ўринда ўзбек ва чет тилдаги кўпгина сўзлар бузиб ёзилган: болохона сўзи — болаҳона, томоқни кириб — томоқни кириб, аммо сўзи — амма, майиб-маж-руҳлар ибораси эса — майиб-машриқлар каби кулгили бир тарзда берилган. Шу-

нингдек, шарлатан сўзи — шарлатон, французча мозаика сўзи — мозойиқо каби «ўзбекчалаштириб» юборилган.

Таржимон бир жойда ҳатто халқ мақолини ҳам «таҳрир» билан қўллайди: «Уроқда йўқ — машоқда йўқ, хирмонда тайёр», туғриси: уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир.

Ўзбек тилида бир эмас, бир неча муқобили бўлган сўзлар ҳам таржимасиз берилган: «эшафот», «порфирдан ясалган... антиқа ваза», «гигант ҳайвонлар», «лакей», «обуначиларимиз», «янги чиққан талант», «нафосатга ўч прозаиклар», «визит лавҳаси», «ҳал этиб бўлмас проблема», «этикетка қоғоз», «каптекачи», «шу принципда ишлайди», «нормал ҳолатда», «организмнинг кундалик фаолияти, функцияси» кабилар. Шунингдек, «табиб рецетп ёзаркан» (русчада «пока врач писал рецетп»), «бир маромдаги тоқзорлар туғаб» (русчада «после однообразных виноградников») каби жумлалар ўқувчига эриш туюлади.

Романда (74-бетда) шундай жумлани ўқиймиз: «Камея унга, Искандарнинг ғабаларини эслатди, иликли аркебуза — камалак Писарро қирғинини, дубулганинг учи эса мажнунларча, қайноқ, шафқатсиз диний урушларни эслатди». Ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун русчасини келтирамиз: «Камея привела ему на память победы Александра, аркебуза с фитилем — бойни Писарро, а навешие шлема — религиозные войны, неистовые, кипучие, жестокие (стр. 352, том 18). Ўзбекча нухсадаги камалак, мажнунларча, қайноқ каби сўзлар муаллиф ва таржимон фикрини тушунтиришга эмас, аксинча «тушунтирмасликке» хизмат қилади. «Живопись отверзла небеса и он узрел деву марию, парящую в золотом облаке среди ангелов, затмевающую свет солнца... (стр. 351—352) жумласи ҳам бузиб, бирмунча ғализ таржима қилинган: «Мусаввирлик (?) осмонни ёритиб юборди. Йигит олтин булутларда (?) фаришталар орасида парвоз этаётган, нури билан қуёш ёруғлигини ҳам сундираётган (?) Биби Марямнинг жамолини кўрди» (73—74-бет). «Банкомёт снял карты» (стр. 343) — «Банкчи картани очди» (66-бет) тарзда ўгирилган. Биринчидан, карта эмас, қарта дейилади ва шундай ёзилади. Иккинчидан, банк, банкир, банккомёт каби сўзларнинг ўзбекча дов, довчи, довгир каби муқобиллари бор. Таржимон баъзан аниқ, сўзма-сўз таржима қилман деб ҳарфхўрлик кўчасига кириб кетиб қолган. Масалан, «Анави ерда Руйш музейида сақланиб қолган, мумдан ясалган бола мудраб ётәрди. Бу ширин (?) вужуд (?) унга шодон болалик чоғларини эслатади» (74—75-бет); русчаси: «Вон там дремал восковой ребенок, уцелевший от музея Руйша, и это прелестное создание напомнило ему о радостях юных лет» (стр. 363). «Преданный республике господин» (стр. 382) — «республикапарвар жаноб» ибораси ҳам «республикага берилган жаноб» дея сўзма-сўз ўгирилган.

Шунингдек, романи ўқиётганда китобхонга эриш туюладиган, қоқилтирадиган ғализликлар ҳам учрайди. «Бу кўриниш Камбасерсенинг порлоқ хотирасини улуғлаши мумкин эди, бу сахнани Брийа-Саварен улуғлаши мумкин эди... базминг биринчи қисмини классик фожианинг муқаддимаси дейиш мумкин эди» (96-бет). «Версаль гўзаллари бу ерда худди савдогар қичқирғи билан уйғонган, тонг отиши биланоқ бир имо билан кўздан гойиб бўладиган. Шарқ чўриларига ўхшардилар» (109-бет). Яна: «мармардай оппоқ бўйнига тушган узун, қоп-қора зулфи нур тушганида ажиб товланиб, ажиб бир ҳуснига ўн ҳусн. қўшарди» (110-бет).

Баъзи ўринларда таржимон ҳескари иш тутади: таржимасиз қолдирилиши керак сўзни ўзича ўгиради, ўгирилиши лозим бўлган сўзни эса таржимасиз қолдиради: «... взыв кофе, налитый ею в чашки...» (стр. 397) жумласи «у, Акилина келтирган сопли пиёлалар (чашка)ларга кофе (қаҳва) қўйиб йигитларга узатди» (111-бет) тарзда берилган.

Биз мана шундай жузъий нуқсонларни санаш билан тирноқ ичидан кир қидирмоқчи, «таржимонни уриб чиқмоқчи» эмасмиз, албатта; Бальзак асарлари бундан кейин ҳам кўп бор таржима қилинади, биз фикр юритган юқоридаги роман ҳам қайта нашр этилади — ана шу нашрларнинг майда-чуйда қусурлардан ҳам холи бўлишини, мукамал санъат асари даражасида чоп этилишини истаймиз, холос.

«Гобсек» ва «Сағри тери тилсимини» шубҳасиз, ҳаяжон ва мароқ билан ўқилади. Бу таржимонларнинг энг катта ютуғидир. Энг муҳими, бу қисса ва роман халқимизни буюк реалист ёзувчи ижоди билан янада яқинроқ таништиради. Аини шу ўринда Мирзиёд Мирзоидов ва Маҳкам Маҳмудовнинг, шунингдек, бошқа Бальзак асарлари таржимонларининг ишини қўллаб-қувватлаган ҳолда, бу ишнинг муттасил давом этиши, келажакда «Инсоният комедияси» ўзбек тилида ҳам тўла нашр қилиниши лозим, деган эзгу истагимизни ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Зотан, «Инсоният комедияси» каби жаҳоншумул маданий обидалар халқимиз маънавиятининг камол топишида қанчалик аҳамиятга эга бўлса, реализмнинг юксак намунаси сифатида адабиётимиз ва ёзувчиларимиз ижодий равнақи учун ҳам шунчалик таъсир кўрсатади.

Тоҳир ҚАҲҲОР

# ИЛК ТЎПЛАМ МУКОФОТИ

Мирза Кенжабоев. Мактубларим. Шеърлар. «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1982.

Тунд, рутубатли осмоннинг бирдан тиниқлашиб, ёришиб кетган дамларини кузатганмисиз? Уша чоқда кўнглингизда қандай ҳаяжон кечган, эслайсизми? Илк баҳор кунларининг бирида кўзингиз туйқусдан куртакларга, яшил кўкатларга тушиб қолганми? Шунда руҳингиз беихтиёр яйраб, кўнглингиз нечоғли ўсганлиги, ёдингиздами?.. Яхши шеър, яхши асар таассуротини ҳудди ана шундай қувончларга таққослаш мумкин.

Қўлимда ёш шоир Мирза Кенжабоевнинг илк тўплами. Уқиб чиққач, ўйлайман: ундаги шеърлар билан танишган ўқувчи ҳам ўша қувончли ҳиссиётни бошдан кечирармикин? Ҳўш, Мирзанинг шеърлари қандай фазилатларга эга? Унинг мазкур тўплами ҳар йили нашр этилаётган ўнлаб илк тўплалардан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади? Ушбу саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламан.

Авалло, Мирзанинг шеърларига руҳ бериб турган нарса самимият. У ўзини тўлқинлантирмаган, ўзи учун янгилик бўлмаган туйғу-фикрларни ўқувчи учун асло раво кўрмайди. Аксинча, юрагини чинакам ҳаяжонлантирган завқу дардларига ўқувчини ҳам шерик деб билади ва унинг хайрихоҳлигига, ҳамдardлигига ишонган ҳолда ўз кечинмаларини куюниб изҳор қилади.

«Синглимининг хати», «География дарсларида», «Қорбобо» каби шеърлари замирида ана шундай беғубор самимият ётади.

Шоирлик — қарздорлик туйғуси, демакдир. Шоир ўзини таний боргани сари унинг қарздорлик туйғуси ҳам ортиб боради. Барча даврларнинг барча шоирлари бир туйғу олдидан мангу қарздор бўлиб ўтганлар. Бу туйғу — Ватан туйғусидир. Ҳар бир ёш қаламкаш бу қалб масъулиятини эртами-кеч илғайди, албатта. Лекин ҳамма гап унга теран ва муносиб ёндашишдадир. Хусусан, Мирзанинг шеърларидаги ана шу кўр ўқувчининг меҳрини қозона олган. Бу ўринда унинг Ўзбекистон номли шеърини эслаш кифоя. У юрт мадҳига бағишланган шеърини шундай сатрлар билан яқунлайди:

**Ернинг ҳар бурчида одамлар гоҳо  
Менга ўз тилимда сўзлар, гумон йўқ.  
Ўзбек кўп курраи заминда, аммо  
Оламда бошқа ҳеч Ўзбекистон йўқ!**

Адабиётга кириб келаётган ҳар бир бошловчи ижодкор қалбида самимият ҳам, эзгулик ҳам, хуллас, энг пок, беғубор туйғулар, шак-шубҳасиз, тўлиб-тошиб ётган бўлади. Зеро, бу соҳага ҳаваснинг ўзи шунга тақозо қилади. Лекин бу туйғулар сатрларга кўчмас экан (кўчганда ҳам чинакам бадиият билан!). қаламкаш ҳеч қачон ҳақиқий ижодкор сифатида шакланмайди, зотан, мақсадга етишиш учун ниятнинг ўзигина кафил бўлолмайди, уни амалга ошириш ҳам зарурдир. Ўз-ўзидан равшанки, қалам аҳли риёзати сўз меҳнатидан иборат. Бу меҳнатни севиш ва ундан ҳеч

қачон бўйин товламасликка одатланиш чинакам ижод йўлидаги энг муҳим шартдир. Ёш шоир Мирза Кенжабоев буни яхши тушунади, шунинг учун ҳам унинг тўпламига кирган шеърларда юксиз, муаллақ, «ғовак» мисралар кам учрайди, сатрлардаги ҳар бир сўз ёнидагиси билан эшлиги ва хайрихоҳлиги туфайли шеър кайфиятига ёхуд ғоясига сидқидилдан хизмат қилади. Масалан, унинг «Ёз» шеърисидаги ушбу сатрларга эътибор беринг:

**Юрак ёнди, вужудим куйди,  
Тўюб ҳаёт талошларини,  
Оёқларим унутиб қўйди  
Тўпроқ йўлининг оташларини.**

Бу сатрларга ёзнинг ҳарорати, ҳовури сингдирилган. Ҳар сидра ўқиганингизда бу ҳовур юзингизга урилгандек бўлади ва беихтиёр олис болалиқнинг тўпроқли кўчалари ёдингизга тушади, унга яна қайтгингиз, ялангоёқ кечиб, тафтида роҳатлангингиз келади. Эндиликда шаҳарликка айланиб қолган, аммо болалик лаҳзаларини ҳануз дилида ардоқлаб келаётган лирик қаҳрамоннинг дил озиқишини муаллиф шеър якунида қўйидагича «безаҳа» ва равон ифодалайди:

**Болалиқнинг қуёш кўпчиган —  
Кўчасидан бир бор ўтурман;  
Тўпроқ йўлининг қайноқ тафтидан  
Оёқларим билан ўпурман.**

Ёш шоир тўпламидаги шеърларнинг ўқувчи меҳрини қозонган яна бир жиҳати шундаки, у фақат ўз туйғулари доирасида ўралашиб қолмайди, одамлар тақдирига ҳаёт мураккабликларига тийрак нигоҳ ташлаб, улардан аниқ хулосалар топишга ҳаракат қилади. Бу интилишлар унинг «Броун ҳаракати», «Энг баланд дарахтлар», «Отишмалар», «Фаластин шоири Муин Бсисуға мактуб» каби шеърларида равшан акс этган.

Муъжаз илк тўплам ҳеч қачон унинг муаллифи тақдирини тугал белгилаб бера олмайди. Лекин ундаги етук шеърлар, теран туйғулар ёш шоир истиқболига умид боғлашимизга, унинг ҳали ёзилмаган шеърлари ҳам юксак талаблар билан ёндашимизга асос бўла олади.

Биз келгусида Мирза Кенжабоевдан асл кечинмаларга бой, мукамал, юракда ўчмас муҳрини қолдира оладиган шеърлар кутамиз. Унинг тўпламдаги айрим сатрларида учраган саёзлик, яланғочлик каби нуқсонлардан, мавҳум, мантиқан ғализ шеърлардан (масалан, «Бандаргоҳ») тобора қутула боришига ишонамиз.

Илк тўплам учун ўқувчи меҳридан бўлак олий мукофот йўқ. Бу меҳрни қанчалик пок сақлаш, ардоқлаш эса шоирнинг тинимсиз изланишлариغا, ўзига нисбатан қаттиққўллигига ва ҳамisha оқ қоғоз устидаги ростгуйлигига ҳамоликдир.

Мирпўлат МИРЗАЕВ

# ИЗЛАЙМАН ҲАЗИМНИ...

Икром Отамуродов. Вақт ранглари. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент —1982 й.

Баҳорнинг илк кунларида — боғлар оппоқ ўрик гулига, тоғлар ям-яшил майсаю рангин чечакларга, бепоён чўлу биёбонлар қип-қизил лолақизғалдоқларга тўлган ажиб лаҳзаларда ким ҳам қувонмайди, ким ҳам қудратли ҳаётга шукрона айтмайди дейсиз!.. Ана, қуёш чўлнинг беғубор осмонига гулранг ёғдулар сочиб уфқда улкан бир қизғалдоқдай жилва қилди... Чечаклар, ўтланларнинг анвойи ҳидини таратиб шабада қанот қоқди, қушлар, капалаклар парвоз этди — улар қуёшга пешвоз чиқиб, янги кунни қутламоқда!.. Айниқса тўрғайнинг парвози баланд: у худди офтоб ва замин ўртасида учатуриб куйламоқда. У митти кўзларига бутун еру осмон кенглиklarини сингдириб, ундан ҳайратланиб наво қилмоқда. Унинг олислардан эшитилаётган овозида кенглиklar садоси тўлқинланиб таралмоқда...

Ёш шоир Икром Отамуродовнинг «Вақт ранглари» тўпламини ўқигач, китобхон ана шу кенглиklar садосини тўйса, қалбан, фикран кенглиklarни кезса, ажабмас. Ёш ижодкор бу қадим дунёни, сирли ва гўзал табиатни, воқеликни, мавжуд ҳақиқатни ўз нуқтаи назаридан талқин этишга, ўзи кўрган, ҳис қилган дунёвий ранглар ва оҳанслар воситасида тасвирлашга интилади. Муаллиф шоирона нигоҳи билан вақтнинг рангларини ҳам равшан кўради. У «тонгнинг оқлигида», «туннинг қоралигида», «гўдакнинг қулги ўйнаган чехрасида», мўйсафиднинг «юзларига соя ташлаган ажинларида», «ғўзаларни яшнатган бобо деҳқоннинг меҳнатида» намоёнدير («Вақт ранглари»).

Тўплагма кирган шеърларнинг аксарияти сарбастда ёзилган. Маълумки, бугунги кунда Рауф Парфи, Миразиз Аъзам, Раззоқ Абдурашид, Сулаймон Раҳмон, Тилак Жўра каби шоирлар сарбастда самарали ижод қилмоқдалар. Уларнинг муваффақиятли чиққан шеърларида теран фикрни мухтасар, янги образлар, янги деталлар воситасида ифодалаш фазилати яққол кўзга ташланади. Икром Отамуродов шеърлари ҳам бундай хислатдан холи эмас. Унинг сарбастларида ўзи яшаётган муҳит манзараларини деталлаштириш, болалиги ўтган Қашқадарё воҳасининг кенглиklarини куйлаш, образлаштириш алоҳида ажралиб туради («Қалбимнинг поёнсиз кенглиklarни», «Тўрғай балладаси», «Лайлаклар келмади», «Тўриқ балладаси»).

Ижодкор дунёнинг негизи инқилобий ўзгаришларда эканини яхши англайди. Шу боис ҳам у «Дарс» шеърисида инқилобни

**«У катта-катта ҳарфлар билан ёзилиши  
керак оламга  
кўм-кўк майсалар каби»,**

дея хитоб қилади. Дунё, «юрак зарбига қулоқ тутгандек», инқилоб дарсини тинглайди. Шоир инқилобнинг диалектик қонуния-

тини, унинг моҳиятини ана шундай оддийгина талқин этади. «Улуғ Октябрь Социалистик Революцияси мавзуини ўтишга камида Ер шари каби дарсхона керак», дейди у.

Муаллиф Улуғ Октябрь революциясининг беланчаги бўлган мамлакатимиз, она диёримиз табиатини қайноқ меҳр билан тасвирлайди. Оё Ватанга чексиз муҳаббатини изҳор этишга чоғланган лирик қаҳрамон «уфқларга елка тутган буғдойзорларнинг мавжига қонмоқни», овози «нурлар мисол кенглиklarнинг бағрига» сингиб кетишини истайди («Кенглиklarга бошлагин мени»). Узини ўраб турган борлиқдан баҳра олиб, уни «чақалоқ сингари» авайлашга интилади («Қулочларим керилган...»).

Икром Отамуродовнинг «нега керак юракни қабр қилиб сўзларга кўзларни қийнамоқ» («Сиз мени алдаманг...»), «туннинг тили тугилиб, кўзи кўр бўлиб, қулоғи битди-да, дунё қолди ғафлатда» («Улуғбекнинг ўлими»), «Ой кўшиқ куйлар берилиб, кўшиқдирки, тунни парчалар» («Ой кезади») сатрлари унинг фикр ва туйғуларни бадиий ифодадай билиш, борлиқни нозик ҳис қилиш каби хислатларидан дарак беради.

Сарбастда ёзилган шеърлар, муваффақият билан бир қаторда, жузъий камчиликлардан ҳам холи эмас. Масалан, автор мавзуни кенгроқ очиб, фикрни янада ойдинлаштираман деб, ўз-ўзини такрорлайди. Жумладан, мазкур тўплагмадаги «Дўстларим» шеърисида шу ҳолни кўрамыз:

**Йигирма саккиз ёшли Дўстим  
негр Харрисни,  
ишчи Харрисни,  
кўшиқчи Харрисни**

**Америкада ўлим жазосига ҳукм этиб,  
турмага олдилар йигит ёшида.**

Бу парчадаги таъкид учун ишлатилган такрорлар шеър мазмунини кучайтиришга хизмат қилган деб бўлмайди.

Турли фикрларнинг бир тушунча ёки образ орқали очилиши, масалан, кенглик ҳақидаги шеърларида маълум даражада такрорни келтириб чиқарган ва мазкур шеърларнинг бадиий қимматини туширган. «Уфқлар» ҳақида ҳам худди шуни айтиш мумкин.

Икром Отамуродов «Вақт ранглари» тўпламини куйидаги бир банд шеър билан тугатади:

**Излайман ўзимни  
уфқларга кетган йўллардан,  
уфқларда битган йўлларда  
қолдириб ўзимни.**

Шоир шеърятда ўз ўрнини топиш учун тинимсиз изланмоқда. Ҳар бир шеър қалбнинг бир бўлагидан бини бўляпти. Биз ёш ижодкорнинг ана шундай шеърлари кўпайган сари қалби, маънавий дунёси тобора бойиб боришини истардик.

**Рустам ШАРИПОВ,  
ТошДУ талабаси**

# Нодир саҳифалар

## «ФАСИХ СОЛНОМАСИ»

Адабиётдаги каби тарихнависликда ҳам махсус жанрлар мавжуд бўлиб, улардан бири тарих ва тарихий ҳодисаларни йилмайил қисқа ибораларда воқеаномалар асосида баён қилишдир. Фасих Аҳмад ибн Жамолдин Мухаммад Ҳофийнинг «Фасих солномаси» («Мужмали Фасиҳи») асари мазкур жанрда яратилган мазмундор тадқиқотлардан саналади.

Фасих (1375 йилда туғилган) Шоҳруҳ ва Бойсунқур Мирзо саройининг мутасаддиларидан бўлган, даврнинг аччиқ-чучугини татиган, ҳукмрон доираларнинг таъқибига учраб маъбуслик онларини ҳам бошидан кечирган олимдир. Замондошлари ва сўнги давр олимларининг ёзишлари, Фасих дурустгина шеърлар ҳам ёзган, лекин у, асосан, тарихчи сифатида шуҳрат топган.

«Фасих солномаси» муқаддима, икки мақола (боб) ва хотимадан, иборат. Муқаддимада муаллиф Шарқ тарихнавислиги анъаналарига амал қилиб, дунёнинг афсонавий яратилишдан то Мухаммад пайгамбарнинг таваллудигача бўлган давр тарихини баён қилган. Биринчи мақола Мухаммаднинг Маккадан Мадинага кўчиб келишигача бўлган тарихий-хронологик воқеаларга бағишланган. Асарнинг асосий — иккинчи мақоласида 622—1442 йиллар воқеалари солномаси тузилган. «Фасих солномаси»нинг энг қимматли қисми — муаллиф яшаган давр ҳақидаги маълумотлар ҳисобланади. Асарда муаллиф ўзи гувоҳ бўлган ёки шахсан ўзи иштирок этган тарихий воқеа ва ҳодисалар илмий изчиллик билан баён этилган.

Атоқли рус, совет ва чет эл шарқшунослари Б. Дорн, В. Розен, В. Бартольд, Э. Броун ва бошқалар унинг фаолиятига юксак баҳо берганлар; бу ўринда улар «Фасих солномаси»ни аниқ ва муайянлиги ҳамда ижодкор фойдаланган баъзи манбалар бизгача етиб келмаганлиги сабабли у қайд этган факт ва маълумотлар эндиликда нодир ва қимматли бўлиб қолганлигини ўқидириб ўтадилар.

«Фасих солномаси»нинг ўзбек олимаси Дилором Юсупова томонидан рус тилига (лозим бўлган шарҳ ва адабиётларни илова этган ҳолда) қилинган таржимаси 1300—1442 йиллар воқеаларига бағишланган бўлиб, бу қисм Эрон тупроғида ташкил топган (XIII аср) Элхонхулоқулар давлатининг ҳокими Фазанхон (1295—1304) даври воқеаларидан бошланади. Элхонхулоқулар давлати инкирозга юз тутгач, унинг харобаларида, Эроннинг шимоли-ғарбий ўлкаларида туркий озарбайжон қабила ва элат-

ларининг фаол иштирокида Қорақўюнлулар ҳокимияти ўрнатилади, Эроннинг Шарқий ўлкалари темурийлар (Шоҳруҳ) давлатига бўйсундирилади. «Фасих солномаси»да Мовароуннаҳрда ўша даврда кечган воқеалар ҳам изчиллик билан баён этилган.

«Фасих солномаси» ўрта асрларда яратилган бошқа асарлардан бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради, бу ерда келтирилган факт ва маълумотлар диққатга сазовор асос вазифасини ўтайди. Мисолларга мурожаат этайлик: ташқи кўринишдан яхлит ва мустақкам ҳисобланган Шоҳруҳ давлати аслида ички-феодал ва синфий курашларга тўла эди. Фасихнинг ёзишича, Шоҳруҳ ҳокимиятини ўрнатиш ва мустақкамлаш мақсадида Мовароуннаҳр (Самарқанд)га уч, Озарбайжон (Табриз), Форс, Шероз ўлкаларига бир неча марта шахсан ўзи кўшин тортиб боришга мажбур бўлган. Ёинки, Самарқанд тахтига даъвогар Халил Султон Шоҳруҳга қарши Амударё соҳилларига кўшин тортиб келди. Лекин дарё ниҳоятда серсув ва нотинч эди; ҳар икки томон кўшинлари ҳам уни кечиб ўтишга ботиниша олмайди; натижада, ўртада битим тузилиб, битимга мувофиқ Халил Султон соҳибқирон (Темур)дан қолган ҳазинани Шоҳруҳ кишиларига топширишга ваъда беради. Ҳазинани келтириш вазифаси элчилар — амир Абдусамад, Бакана ва Фасихлар зиммасига юклатилади. Аммо элчилар ҳазинани олиб келиш у ёқда турсин, Халил Султон фармонига мувофиқ уюштирилган суиқасдан зўрға қочиб қутуладилар. Фасих яна шундай воқеани ҳикоя қилади: Шоҳруҳнинг фавкулудда вакили саналмиш Хўжа Аҳмад Тусий Хуросоннинг Зовеҳ вилоятида кишиларга ноҳақ айбномалар қўйиб қатл эттиришда давом қилади. Шу аснода Зовеҳда бўлган Фасих зудлик билан саройга келиб, бу қабиҳ ишдан Шоҳруҳни огоҳ этади; ҳатто қатл этилаётган шахсларнинг айбсиз эканликларини исботлайди ҳам. Шоҳруҳ эса Фасихга қараб бамайлихотир: «Тақсир, бу — худонинг иродаси», деб жавоб беради, холос.

1435 йилнинг ноябрида Шоҳруҳ учинчи бор Озарбайжонга юриш қилмоқчи бўлади, бу хусусда машварат (кенгаш) ўтказилганда сарой ахлларида ҳеч ким мазкур тадбирни маъқул кўрмайди; чунки бу даврда Ҳирот ва бошқа шаҳарларда вабо тарқалмоқда эди. Ҳоқон эса ўз сўзида туриб олади. Аҳолига ёрдам кўрсатиш ўрнига уруш сафарига катта харж қилина-

ди; натижада, биргина Ҳиротнинг ўзида очлик ва касалликдан ўн мингга яқин кишининг ёстиги қуриydi.

«Фасих солномаси»да мўғул-турк ҳукмдорларнинг зулм ва истибодига қарши қаратилган сарбадорлар ҳаракатига бағишланган воқеаларга катта ўрин берилган.

Фасихнинг таъбирича, сарбадорлар қўзғолони Эроннинг Сабзвор шаҳридаги Баштин даҳасидан бошланган. Ака-ука Ҳасан Ҳамза ва Ҳусайн Ҳамза хонадонларига келиб тушган беш нафар мўғул элчиси еб-ичгач, кайф таъсирида хонадон аёллари билан маишат қилишни талаб қилган; ака-укалар ўз номус-орларини ҳимоя қилиб, уларни қилич билан қолиб ташлаганлар ва кўчага чиқиб, бор гапни халққа айтиб, «биз энди сарбадор (яъни бошимизни дорга тиккан)лармиз», дейдилар. Сарбадорлар хусусидаги воқеаларни қузатган ўқувчи Фасихнинг бу ҳаракатга хоҳишманд эканини англаб олади. Унинг ҳикоя қилишича, «барча сарбадорларнинг розилиги билан» (яъни, демократик асосда — И. Н.) Сабзвор ҳокими этиб тайинланган Хўжа Али Шамсиддин ўзига ортиқча эрк бериб, зулм ва жабри ортириб юборгани учун қасособ Ҳайдар томонидан ўлдирилади ва сарбадорлар давлатида ҳокимият Хўжа Яхё Карроний (бошқа манбаларда Керобий) қўлига ўтади. Фасих 1355 йил воқеаларини тасвирлар экан, бир жойда шундай ёзади: «Хўжа Яхё Карроний ва Ҳофий Шўғонийлар Туға Темурхонни ўлдирадилар». Бу — ҳақиқат эди. Воқеа тафсилоти қуйидагича бўлган: сарбадорлар ҳаракатининг тобора ўсиб ва кучайиб бораётганидан чўчиган Элхонхулоқлар давлатининг сўнги ҳокими Туға Темурхон сарбадорлар билан келишиб олишлик учун Хўжа Яхё Карроний ва сарбадорларнинг уч юзта вакилини саройга меҳмондорчиликка таклиф қилади. Шу йўл билан у сарбадорлардан ўч олмоқчи эди: Лекин унинг фикрини сезган Хўжа Яхё Карроний бозм авжига чиққан паллада гўё илтимос қилган кишидек ҳоқонга яқинлашади ва икки киши шоҳни ўлдиради ва тез орада сарой аҳли қириб ташланади. Шундай қилиб, Элхонхулоқлар давлатига барҳам берилди (1355 йил).

Фасих таснифида Урта Осиё ва Эрон халқлари маданий ҳаётига оид қизиқарли материаллар ҳам кўп; ундан замонасининг етук олимлари, фозиллари, шоирлари, хонанда ва созандалари, котибу хатотлари ва уларнинг асарлари ҳақида қисқа лекин қимматли маълумотлар олиш мумкин. Масалан, Абдулқодир Гўянда номи билан танилган Низомиддин Абдуқодир Ғайбий Бағдодий (вафоти, 1435) «муסיқа назариясининг машъали», моҳир хатот, лирик шоир эди деб кўрсатади Фасих: «Ашула ва оҳанг» номи рисола унинг қаламига мансуб, Темур фармоишига кўра, Абдулқодир Гўянда Бағдоддан Самарқандга келган. Фасихнинг маълумотига кўра, те мурийлар даврида Самарқандда «боғи дилқушо» (1396), Жомеъ масжиди (1399), Улуғбек расадхонаси (1420) қад кўтарган. Кеш (Шаҳрисабз)да ҳам кўп қурилышлар бунёд қилинган. Чингизхон томонидан вайрон этилган «Фанакент» шаҳри қайтадан тикланиб, унга «Шоҳруҳия» номи берилган. Ҳирот шаҳри ва унинг теварак-атро-

фида «Боғи шаҳр», «Ихтиёридин қальаси» (1415), Шерозда «Боғи сафид», «Дориссафо», Балхда «Ҳисори ҳиндивон» боғ ва қальалари, Ҳерируд дарёсига «Пули миёна» кўприги қурилган.

Фасих келтирган маълумотлар орасида халқларнинг урф-одатлари, сарой расм-русумларига оид эътиборга молик фактларни ҳам учратishi мумкин. Масалан, Элхонхулоқ ҳукмдорлари кишига нисбатан ҳурмат ва эътиборларини у ҳузурига кирган вақтда, қўлларида тутиб турган таомдан едириш билан билдирганлар.

Фасихнинг «Фасих солномаси» асарини те мурийлар давлатининг хоржиқ мамлакатлар билан олиб борган иқтисодий-савдо ва дипломатик-сиёсий муносабатларини ўрганиш ва ёритишда ҳам қимматли манбалардан бири ҳисобланади. Асарда кўрсатилишича, 1408 йил бошларида Хитойдан элчилар келиб, Ҳиротда қарийб бир йил туриб, сўнг ўз ватанларига қайтиб кетганлар, уларнинг асосий нияти Темурнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиришдан иборат эди. Орадан тўрт йил ўтар ўтмас яна Хитойдан император Дай Минг Ханнинг (бу ерда «Ди» сўзи «Дай», «Минг» эса «Минг» ўқилган; Хитой хоқонининг асли номи Чжи Ди (1403—1424), ҳокимиятни қўлга олган сулола Мин деб эълон қилинган эди) Бу Тажин ва Би Тажин номи элчилари келади. Фасихнинг таъкидлашича, номларга қўшимча қилинган «Тажин» сўзи — «сарой ходими» деган маънони билдирган. Элчилар келиши олдидан Ҳирот кўчалари ва бинолари ясаиб безатилган.

1417 йилда Хитойдан Ли Тажин ва Лу Тажинлар бошчилигида катта элчилик келган; улар орасида уч юздан ортиқ суворий бўлган; элчилар Шоҳруҳга ўз хоқонлари номидан ов қуши қирғийлар, атлас, духоба, хитой қоғози ва бошқа ҳар хил мато ҳамда буюмлар ҳада этганлар; шунингдек, Хитой императорининг дўстлик ва бирдамликни мустаҳкамлашга қаратилган номасини топширганлар. Чамаси, Шоҳруҳ Сайид Аҳмад Тархон номи шахсни элчи қилиб, у орқали Хитой подшоҳига зотли от совға қилган бўлиши керак, чунки Хитойдан келган элчилар мазкур отнинг Хитой мусаввирлари чизган суратини ва Сайид Аҳмад Тархон номига атаб алоҳида совға-саломлар берадилар. «Фасих солномаси»да Хитой императорининг Шоҳруҳ номига юборган номасининг тўла мазмуни келтирилган. Нома дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ёзилган бўлиб, унда Ҳирот элчиси Бек Бука келтирган совға-саломлар — арслон, от, бўрсик ҳамда хилма-хил матолар маъқул қилгани, яқинда Бек Букага ҳамроҳлик қилувчи хитойлик элчилар Ли Да ва Жанк Кулар орқали қирғий, духоба ва бошқа турли буюм ҳамда матолардан иборат совға ва тортиқлар юборилгани таъкидланади.

Шундай қилиб, Фасих ёзиб қолдирган факт ва маълумотлар XV асрнинг биринчи ярмида те мурийлар давлати билан Хитой ўртасида изчил ва самарали сиёсий ва маданий муносабатлар ўрнатилганлиги ҳамда бу хилдаги муносабатлар асосида томонлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик мустаҳкамланганлигидан далолат беради.

Фасих асарида Ҳиндистон билан бўлган



муносабатларга оид маълумотлар ҳам мавжуд. 1411 йили Хиротга Ҳиндистон элчиси сифатида Мултон қозиси келган, у Деҳли султони Хизрхоннинг Ҳиндистонда Шохруҳ номидан пул зарб қилгани хабарини етказган. Бу ерда шуни эслатиб ўтмоқ жоиздирки, Хизрхон Темурнинг қўллаб-қувватлаши билан Мултон ҳокими бўлиб олган ва 1414 йили Деҳлини забт этиб, Ҳиндистонда сайидлар сулоласига асос солган эди. Темурийлар хонадонига миннатдорчилик билдириш ва, асосан, Шохруҳнинг Ҳиндистонга ҳужум қилишининг олдини олиш мақсадида Хизрхон ўзини Шохруҳ вассали қилиб кўрсатган. Шу мақсадга биноан у 1417 йили яна Хиротга элчи юбориб, Шохруҳ билан бир қаторда ҳоким сифатида Хизрхон номи ҳам хутбага киритилишига рухсат сўраган. Унинг тушунтиришича, агар шундай йўсинда иш тутилмаса (яъни, Хизрхон Ҳиндистоннинг ҳақиқий ҳокими деб эълон қилинмаса — И. Н.) мамлакатда норозилик — ички феодал курашлар бошланиб кетиши эҳтимол. Уз ҳокимиятининг ички ишлари билан

банд бўлган Шохруҳ бу таклифга рози бўлмасликка иложи йўқ эди.

Хиротдан ҳам Ҳиндистонга элчилар юборилган, уларга Мавлоно Амирхўжа ва Ҳасан Сўфи Тархонлар бошчилик қилганлар. Хирот элчилари (Ҳасан Сўфи Тархон Ҳиндистонда вафот этган эди) 1421 йилнинг баҳорида ҳинд элчилари ҳамроҳлигида ўз юртларига қайтадилар.

«Фасих солнома»да, шунингдек, темурийлар давлатига Рум, Миср ва Қорақўюнлу давлатларидан келган ва бу мамлакатларга юборилган элчиликлар ҳақида ҳам сўз юритилган. Умуман, Фасихнинг «Фасих солномаси» асари Урта Осиё ва Эрон халқларининг ўрта асрлар даври тарихи ва маданиятини ўрганишда нодир ва қимматли манбалардан ҳисобланади. Шунга кўра, мазкур асарнинг асосий қисми бўлмиш иккинчи мақоласи (боб)ини ҳам рус ёки ўзбек тилига тўла таржима қилиб, уни яхлит ҳолда чоп этдириш мақсадга мувофиқдир.

**Илём НИЗОМИДДИНОВ,**  
тарих фанлари доктори

## «ТАРЖУМОН» — ЎЗБЕК ТИЛИДА



туркий халқлар тарихи ва тилини ўрганишга қизиқиш анча қадимдан бошланган. XI—XVI асрлар давомида Урта Осиё, Кичик Осиё, Миср ва бошқа улкаларда Шарқ филологлари томонидан яратилган тилшуносликка доир кўплаб асарлар бунинг далилидир.

Бу асарларнинг кўпчилиги ўша давр аънанасига кўра араб тилида ёзилган, яъни буларда туркий тилларнинг сўз бойлиги ва грамматикаси араб тилида изоҳланган. Шунинг учун бу асарларнинг муаллифлари, уларнинг қайси халқдан бўлишдан қатъи назар, араб филологлари деб аталиб кетган.

Араб филологларининг бундай асарлари ўша даврлардаги сўзлашув тили материали асосида ёзилган бўлиб, туркий тиллар тарихини ўрганиш, уларнинг тараққиёт йўллари ва қонуниятларини аниқлаш соҳасида, айниқса туркий тилларнинг тарихи учун муҳим манба ҳисобланади. Шунингдек, бу асарларда келтирилган лексик материал эса туркий халқларнинг ўша даврлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини акс эттиради. Бу жиҳатдан ўшбу асарлар туркий халқлар тарихини ўрганиш учун ҳам қимматли материаллар беради.

Туркий тиллар ҳақидаги бундай манбалардан энг қадимгиси, XI аср филолиги Маҳмуд Қошғарийнинг машҳур «Девону лугатит турк» («Туркий сўзлар девони») асаридир. Номи дунёга машҳур бўлган хоразмлик олим Маҳмуд Замахшарийнинг XII аср бошларида яратилган «Муқаддиматул адаб» асарининг айрим нусхаларида араб лексикаси ва грамматикасига оид материал форс ва мўғул тилларига ҳамда туркий тилга таржима қилинган. XIII—XIV асрлар филолиги Ибн Муҳаннанинг «Китобу ҳулятул инсон ва ҳулбатул лисон» («Инсон зийнати ва тил нозиклиги ҳақидаги китоб») асари ҳам туркий тиллар ҳақида ёзилган мукаммал асарлардан биридир.

Туркий тиллар ҳақидаги асарларнинг кўпчилиги XIII—XIV асрларда Мисрда яратилган. Асириддин Абу Ҳайёнинг «Китобул идрок лил-исонул атроқ» («Турклар тилини идрок этиш китоби») асари, Жамолиддин Абу Муҳаммад Абдуллаҳ ат-Туркийнинг «Китобу булғатул муштофи луғатит турк вал кифчоқ» («Турк ва қипчоқ тилларига қизиқувчиларни қониқтирувчи китоб») асари, муаллифи номаълум бўлган (Аттуҳ-фатуз закияту филлуғатит туркия) («Туркий тиллар ҳақида ноёб тухфа»), «Алқаванинул куллия лазабтил луғатит туркия» («Туркий тиллар қурилишининг умумий қондалари»), «Китобу мажму-у таржумон туркий ва ажамай ва мўғулий» («Турк, форс ва мўғул тилларини шарҳловчи умумий китоб») каби асарлари шулар жумласидандир.

Мисрда бундай асарлар яратилишининг маълум сабаблари бор эди. Маълумки, Миср мамлукларининг кўпчилиги туркий халқлардан (асосан қипчоқлардан) бўлиб, улар анча юқори мавқега эга эдилар.

XIII аср ўртасига келиб ҳокимият бутунлай мамлуклар қўлига ўтгач, туркий халқларнинг мавқеи янада кўтарилди. Бу даврда мамлакатни бошқариш, расмий

хужжатлар, дипломатик алоқалар асосан туркий тилда олиб борилар эди. Бу ҳол туркий тилни ўрганиш ва бу тил ҳақида қўлланмалар яратиш заруратини туғдирди.

Туркий тиллар ҳақида Мисрда яратилган асарлардан дастлабкиси «Китобу мажму-у таржумон туркий ва ажами мўғулий» («Турк, форс ва мўғул тилларини шарҳловчи умумий китоби») бўлиб, бу асар кўпинча қисқартирилган ҳолда «Таржумон» деб аталади.

Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, «Таржумон» милодий 1245 (ҳижрий 643) йилда ёзилган, муаллифи номаълум. Асарнинг ҳозир мавжуд бўлган учта қўлёзма нусхасидан биттаси Голландиянинг Лейден кутубхонасида, иккитаси АКШнинг Оксфорд шаҳрида сақланади. Булардан Лейдендагиси нодир нусхадир. У куниялик Халил ибн Муҳаммад ибн Юсуф исмli шахс томонидан кўчирилган.

«Таржумоннинг Лейден нусхаси катта ҳажмли, 76 varaқдан иборат, 62 varaғи туркий тилларга бағишланган, қолганларида мўғулча-форсча, арабча-мўғулча луғат берилган. Мавжуд маълумотларга кўра, асар муаллифи туркий тилларни ҳамда араб, форс ва мўғул тилларини яхши билган, пухта тилшунослик билимига эга бўлган.

Асарнинг туркий тилларга бағишланган бўлими қисқача киришдан ташқари тўрт қисмини ўз ичига олади. Киришда туркий тилларга хос товушлар ва булар учун қўлланган қўшимча белгилар, асарда кўрилган масалалар ҳақида гапирилган. Биринчи қисмда исмлар берилган, булар 26 фаслга ажратилган. Ҳар бир фаслда маълум гуруҳга оид сўзлар келтирилган. Масалан, биринчи фасл — осмон ва унга тегишли нарсаларнинг номи, иккинчи фасл — ер ва ундаги жойлар номи, учинчи фасл — сувлар ва унга алоқадор нарсаларнинг номи, тўртинчи фасл — дарахтлар, мевалар, ўсимликлар ва уларга яқин нарсаларнинг номи, бешинчи фасл — экинлар ва донларнинг номи ва ҳоказо. Иккинчи қисмда феъллар берилган бўлиб, II шахс бирлик формасида келтирилган. Масалан, чызғыл (чизгин), ачқыл (очкин), силгил (силагин, артгин), силиккил (силкитгин) каби. Учинчи қисмда феъл тусланиши — феълнинг буйруқ, ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон шакллари, уларни ҳосил қилувчи воситалар ҳақида маълумот берилган. Тўртинчи қисмда гап тузилишига оид баъзи қоидалар тўғрисида гапирилган.

Демак, асарнинг биринчи ва иккинчи қисмлари луғатдан иборат, учинчи ва тўртинчи қисмлари грамматикага оид тадқиқотдир.

Асарда келтирилган сўзларнинг асосий қисми қипчоқча бўлиб, муаллиф буларни асл туркий сўзлар, деб атайди. Бошқа сўзларнинг қайси тилга оидлиги ўз ўрнида кўрсатилган. Бу ҳақда асарнинг кириш қисмида муаллиф шундай ёзган: «Мен асл туркий тил билан туркман тили орасидаги фарқни ва ҳозирги халқ орасида форс ва бошқа тиллардан олинган сўзларни белгиладимки, унинг баъни кейинчалик ўз ўрнида зикр қилинади».

«Таржумон» асарининг қимматли томонларидан яна бири — унда «фатҳа», «мадда», «замма», «кесра», «ташдид», «сукун» деб аталувчи диакритик белгилардан унумли ва ўринли фойдаланилганидир. Бу ҳол асарда келтирилган сўзлар ва грамматик формаларнинг тўғри ўқилишини таъминлаган.

Муаллиф туркий тилларни араб тилидан фарқловчи ўзига хос товушларни тўғри аниқлаган ва булар учун махсус белгилар қўллаган. Масалан, туркий «п» товуши арабча «б» ҳарфининг остига уч нуқта, туркий «ч» товуши арабча «ж» ҳарфининг остига уч нуқта, туркий «нг» товуши арабча «кк» ҳарфининг устига уч нуқта қўйиш ёки «нун» ва «коф» орқали берилган.

Асар лексикаси ўша даврда Мисрда яшаган туркий халқларнинг ҳаётига оид бўлган турли соҳаларни акс эттиради. Қисқаси, «Таржумон» асари туркий халқлар ва туркий тиллар тарихини ўрганиш соҳасида қимматли манбадир.

«Таржумон» асарининг биринчи марта Лейден нусхаси асосида голландиялик шарқшунос М. Т. Хоутема томонидан ўрганилган. Унинг асар ҳақидаги тадқиқотлари 1894 йили Лейденда «Туркча-арабча глоссарий» номи билан нашр қилинган, китоб кириш ва икки қисмдан иборат. Киришда асар қўлёзмасининг муфассал тавсифи, унинг яратилиш тарихи ва мазмуни, асарда қайд қилинган сўзлар ва тиллар ҳақида маълумот берилган. Биринчи қисм асар тилининг фонетикаси ва морфологияси ҳақидаги тадқиқотни ўз ичига олади. Иккинчи қисмда асар материали асосида тузилган туркча-немисча луғат берилган, туркий сўзлар лотин графикаси асосидаги транскрипцияда келтирилган. Китобда асарнинг литография усули билан тайёрланган тексти илова қилинган.

М. Т. Хоутема наشري орқали «Таржумон» илм оламига машҳур бўлди ва мутахассислар ўртасида асарга катта қизиқиш уйғотди. Лекин асар ҳақида мукаммал маълумот берувчи ушбу нашр вақтлар ўтиши билан ноёб асар бўлиб қолди.

1970 йилда қозоқ олими А. Қ. Қуришжоновнинг «Таржумоннинг лексикаси ҳақидаги тадқиқоти эълон қилинди». Ушбу китобнинг асосий қисмини «Таржумон» материали асосида тузилган туркча-русча қиёсий луғат ташкил этади. Кириш қисмида асар ва унинг яратилиш тарихи, ўрганилиши ҳақида кенг маълумот берилган. М. Т. Хоутема наشري танқидий таҳлил қилинган.

Китобнинг «Туркча-арабча луғат лексикаси» деб номланган бўлимида қўлёзма-нинг график хусусиятлари ҳақида гапирилган. Китобда асарда қайд қилинган туркий сўзлар рўйхати илова этилган.

<sup>1</sup> Курышжанов А. К. Исследование по лексике старокыпчакского письменного памятника XIII в. «Тюркско-арабского словаря». Алма-ата, Изд-во «Наука», Казахской ССР, 1970.

Асар лексикасини ҳозирги ва қадимги қипчоқ тиллари материаллари билан қиёслаш асосида А. А. Куришжонов қатор сўзларнинг ўқилиши ва маъносини аниқлаган ва М. Т. Хоутема нашрига тузатишлар киритган.

Ниҳоят, яқинда Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти филология фанлари кандидати А. Юнусов томонидан тайёрланган «Таржумон» ҳақидаги китобни чоп қилди<sup>1</sup>. Китобнинг мундарижаси кириш, таржима, луғат ва грамматик кўрсаткичдан иборат.

Китобнинг кириш қисмида асар ва унинг ўрганилиши ҳақида қисқача маълумот, қўлёзмага текстологик характеристика, тилининг морфологияси ва лексикаси бўйича тадқиқотлар берилган.

Текстни синчиклаб ўрганиш асосида А. Юнусов асарда туркий тилларга хос бўлган товушлар учун қўлланган белгиларни, имло хусусиятларини, муаллифнинг туркий тиллар фонетикасига оид қайдларини тегшли мисоллар билан изоҳлаб берган бошқа тилларга ёки шевага хос деб кўрсатилган сўзларнинг нисбатини аниқлаган, буларнинг тўла рўйхатини келтирган.

Айрим туркий сўзларнинг арабча изоҳида муаллиф томонидан йўл қўйилган ноаниқликларга берилган тузатишлар ҳам диққатга сазовор. Буларнинг ҳаммаси А. Юнусовнинг чуқур текстологик тадқиқот олиб бorganидан далолат беради.

Асар тилининг морфологик хусусиятлари сўз туркумлари, сўз ясовчилар, форма ясовчилар ва сўз ўзгартирувчилар бўйича тадқиқ қилинган.

Киришнинг охирида асар тилининг лексикаси тематик гуруҳларга ажратиб кўрсатилган, синонимлар, омонимлар ва антонимлар ҳақида маълумот берилган.

Китобнинг луғат қисмида асарда қайд қилинган сўзлар алфавит тартибида ҳозирги ўзбек тилига таржимаси билан келтирилган. Ҳар бир сўзнинг ўзбекча таржимасидан кейин асарнинг шу сўз қўлланган саҳифаси ва сатри кўрсатиб берилган. Луғат охирида асарда учрайдиган атоқли отлар, географик ва астрономик номлар берилган бўлиб, ҳар бир ном сирасида унинг ҳозирги ўзбек тилидаги ёзилиши, саҳифаси ва сатри кўрсатилган.

Грамматик кўрсаткичда асарда учрайдиган сўз ясовчи, форма ясовчи ва сўз ўзгартирувчи формантлар алфавит тартибида келтирилган. Ҳар бир аффикснинг вазифаси кўрсатилган ва бунга мисоллар берилган, унинг қўлланиш даражаси тавсифланган.

Китобда асарнинг ҳозирги ўзбек тилига тўла таржимаси ҳам берилган.

Китобда айрим нуқсон ва ноаниқликлар ҳам бор.

«Таржумон»ни махсус ўрганган М. Т. Хоутема ҳам, А. Қ. Куришжонов ҳам, бошқа олимлар ҳам асар милодий 1245 (ҳижрий 643) йилда, яъни XIII аср ўртала-рида ёзилган, деб кўрсатганлар. А. Юнусов эса ушбу асарни XIV аср обидаси сифатида қараган (китоб ҳам шундай номланган). Лекин бу ҳақда ҳеч қандай изоҳ бермаган.

Китобда фойдаланилган транскрипцион белгилар ва транскрипцион принцип-лар ҳақида изоҳ берилмаган. Натижада бир қатор сўзларнинг ёзилишида ноаниқ-ликлар юзага келган.

Тил олди э (е) унлисининг сўз бошида ҳам ев (уй), ев (тезлатмоқ, шошилмоқ), евдаш (хотин), ет (этмоқ) тарзида е орқали берилиши бу сўзларнинг ўқилишида но-қулайликлар туғдирди. Бундай сўзларни эв, эв, эвдаш, эйви, эт тарзида э орқали ёзилиши ҳар жиҳатдан қулай бўлар эди.

Айрим сўзларнинг ёзилишида асар тексти (таржимаси) билан луғат ўртасида ҳар хилликлар бор. Масалан, узунғыл, уйанғыл, уйанақ сингари сўзлар таркибидаги у унлиси луғатда юмшоқ вариантда берилган.

Уз вақтида А. Қ. Куришжонов М. Т. Хоутема нашрига бир қатор тузатишлар киритган эди. Шу билан бирга, А. Қ. Куришжонов томонидан ҳам камчиликларга йўл қўйилган<sup>2</sup>. М. Т. Хоутема ва А. Қ. Куришжоновнинг асар ҳақидаги тадқиқотлари-га муносабат билдирилганда, А. Юнусов китобининг илмий қиммати яна ҳам ошган бўлар эди.

Китобда учрайдиган айрим нуқсон ва ноаниқликлардан қатъи назар А. Юну-совнинг ушбу асари қадимги туркий обидаларни ўрганиш соҳасидаги қимматли тадқиқот ҳисобланади. «Таржумон»нинг китобдан жой олган ўзбекча тексти эса М. Т. Хоутеманинг ўтган аср охиридаги немисча нашридан кейинги ягона таржи-мадир.

**Шамсиддин ШУКУРОВ,**  
филология фанлари доктори

<sup>1</sup> Таржумон — XIV аср ёзма обидаси. Нашрга тайёрловчи А. Юнусов. Масъул му-ҳаррирлар: ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари У. И. Каримов, Э. И. Фо-зилов. Тошкент. «Фан» нашриёти, 1980.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Фазылов Э. И. К изданию тюркско-арабского словаря. — «Изве-стия Академии Наук Казахской ССР». Серия общественная. Алма-Ата, № 6.

# Меросимизни ўрганамиз

Комрон Мирзо

\* \* \*

Сендин айру тушкали кўнглум асири ҳамдурур,  
Жонима ҳижрон ғамидин юз туман мотамдурур.

Васлинг ўлса, найлайн, наврўзу байрамким, манга  
Ҳар замон наврўздур, ҳар лаҳзае байрамдурур.

Оламу олам эли душман эса, сен бор эсанг,  
Олам аҳли бирла оламдин манга не ҳамдурур?<sup>1</sup>

Сендин айру не осиг<sup>1</sup> эмди рафику ёрдин,  
Фикринг ўлмиш маҳрагим, зикринг манга ҳамдамдурур.

Ғунча янглиғ лаълидин гоҳе кўнгулдур ғарқи хун,  
Гоҳ паришон зулфи янглиғ хотирим дарҳамдурур.<sup>2</sup>

Улки ўзи жондуру ширин лаби обихаёт,  
Ҳеч билманким, малакур ё баниодамдурур?

Комрон, дедимки, олам ичра йўқ расми вафо,  
Ёна айтурменки, шояд бор экин, оламдурур.

\* \* \*

Ишқ аро девона бўлсам, не ажаб,  
Ақлдин бегона бўлсам, не ажаб.

Холи ўлмиш хилватим ағёрдин,  
Ёр ила ҳамхона бўлсам, не ажаб.

Ёрутур кулбамни ул шамъи жамол,  
Бошиға парвона бўлсам, не ажаб.

Зоҳир ўлди кўйида расволиғим,  
Шаҳр аро афсона бўлсам, не ажаб.

Ул паривашқа бўлибмен ошно,  
Комрон, девона бўлсам, не ажаб.

---

Совет адабиётшунослари сўнги йилларда Бобур аънаналари билан боғлиқ бўлган тарихий-адабий ёдгорликларни излаб, уларни илмий асосда ўрганиш ишига жиддий киришдилар. Булар орасида Бобурнинг фарзанди Комрон Мирзо девони алоҳида диққатга сазовордир. Бу девоннинг фотокопиясини йирик ўзбек олими Ҳамид Сулаймонов Ҳиндистондаги «Худобахш» кутубхонасидан келтирган эди. Девон 1556 йили Маҳмуд бин Исҳоқ аш-Шаҳобий ал-Ҳиравий томонидан кўчирилган. Унда Комрон Мирзонинг ўзбек ҳамда форс-тожик тилларида яратган 1500 мисрадан иборат шеърлари тўпланган. Комрон Мирзо ижоди билан танишиш жараёнида, ижодкорнинг ўзбек тили, адабиёти ва маданиятининг жонкуяр тарғиботчиси, ўзбек ҳамда форс-тожик адабиётларида мавжуд бўлган илғор аънаналарнинг давомчиси эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Унинг ижодида Бобур шеърлятининг таъсири айниқса кучли сезилади. Шоирнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган ижодий намуналари филология фанлари кандидати Саидбек Ҳасанов нашрга тайёрлаган нусхадан олинган.

<sup>1</sup> Осиг - фойда.

<sup>2</sup> Дарҳам - чигал, чалқаш.

\* \* \*

Ул шўх, (а)гар боштин-оёғ кони намактур,  
Бу қатла ишим фурқатидин ўзгачарактур.

Девона бўлур аҳли хирад, жилвагар ўлса,  
Ул шаклу шамойил билаким ҳуру малактур.

Қуллоби<sup>1</sup> муҳаббатму экин хаста кўнгулга,  
Ё бошида санчилган анинг эгри кажактур.

Ўзлук юкуни ташламағунча ета олманг,  
То суръат ила гардишида чархи фалактур.

Хуш вақт ўшал риндки дайр ичинда мендек,  
Эгнидаги хилъат анга эски капанактур.

\* \* \*

Ушбу тун кўнглумда ёру<sup>1</sup> кўзум эрди маст хоб,  
Қим етишти қойилим юз ноз ила айлаб итоб.

Хаста кўнглум музтарибдур зулфи тобиға тушуб,  
Шаст аро тушган балиғ янглиғки айлар изтироб.

Хоки раҳ бўлдум, гузар гар қилмаса, эрмас ажаб,  
Мен гадойи бенаво, ул Хусрави олийжаноб.

Қимки жонон чехрасида ишқ сиррин билмағай,  
Не ажаб андин деса «ё лйтаний кунту туроб»<sup>2</sup>,

Қомрон, жонон таманноси мени пийр айлади,  
Эй дариғо, онсиз ўтти аҳди айёми шабоб.

\* \* \*

Кўргач сени, ишқингдин афсона бўлубтурмен.  
Кўрмай сени, ҳажрингдин девона бўлубтурмен.

Бас ҳусн кўрубтурмен тожику араб ичра,  
Девонаи ул ҳусни туркона бўлубтурмен.

Бу қулбадаким, доим ҳамхона нишот эрди,  
Эмди ғаму меҳнатқа ҳамхона бўлубтурмен.

То ишқу жунун хайли бўлмиш манга ҳамхона,  
Хушу хирад аҳлидин бегона бўлубтурмен.

Зулмунг била лутфунгдин юз қатла мени Мажнун,  
Девона бўлубтурмен, фарзона бўлубтурмен.

\* \* \*

Эшитиб ҳуснунг сифотин, бўлмишам зоринг сенинг,  
Ё раб, ўлғайму муяссар бизга дийдоринг сенинг.

Эй Масиҳо дам, етургил муждаи васлингниким,  
Ўлғали етмиш фироқинг ичра беморинг сенинг.

Кўзларим гавҳарфишон бўлди, анингдекким саҳоб  
Шакарафшон бўлғали лаъли шакарборинг сенинг.

Гарчи кўйингда басе эл ишқ лофини урар,  
Борму эркин мен киби бир ошиқи зоринг сенинг.

Шавқини парвонадек бошингдин эврулсам, не тонг,  
Тийра қулбамни ёрутса шамъи рухсоринг сенинг.

Ҳар шикастеким етар даврондин, ўлғай муртафиъ,  
Бир назар қилса синук кўнглумга дийдоринг сенинг.

Қамрон, Хусрав киби шеъринг топар ҳусни қабул,  
Буйла бўлса ҳусн эли васфида гуфторинг сенинг.

<sup>1</sup> Қуллоб — илган.

<sup>2</sup> Қўлёзмада «ёр» ўрнида «бор».

<sup>3</sup> «Қани энди тупроққа айлансам».

*Нодира ўзбек классик поэзиясида ўзининг юксак табиати ва рангин ғазаллари билан машҳур шоиралардан биридир. У ҳам ўзбек, ҳам тожик тилида ижод қилиб, тожикча ғазалларида Макнуна тахаллусини қўллаган.*

*Макнуна ғазаллари мазмундорлиги, муסיқийлиги ва жо-зибаси билан катта аҳамиятга эга. Қуйида шоиранинг то-жикча ғазалларидан қилинган таржималардан бир жуфтини эътиборингизга ҳавола этамиз.*

\* \* \*

Ғунчаи дил очилдию, бўйи баҳор келаду,  
Гул ели бирла ҳар нафас муждаи ёр келаду.

Шисаи сарв майга лиқ, лола пиёлаи чаман,  
Ул бути сарвқомату лолаузур келаду.

Қошлари тиғидан яна тўкиб ошиқлар қонини,  
Ғамзаи чашми мастидан фитнасавор келаду.

Фурсати айб бебақо, ғунчаи дил этмасе во,  
Субҳи нишот кетаду, шоми хумор келаду.

Ҳажрида дил бўлди қон, куйди бу жони нотавон,  
Икки тарафда, тингла, жон, нолаю зор келаду.

Келдию кеттиси била нозу итоби ўзгаду,  
Барқшитоб кетаду, мисли шарор келаду.

Макнуна кўнглига яна субҳи азон бўлар фараҳ,  
Эссе шамоли кўйидин, дилга баҳор келаду.

\* \* \*

Фасли баҳор лолаю райҳон ғаниматинг,  
Булбул ила ҳавои гулистон ғаниматинг.

Жонингни асра, анжуман ичра виқор ила  
Бир неча кун суҳбати жонон ғаниматинг.

Чун барқу бод фурсати висол ўтиб кетар,  
Ошиқлара карашмаи хубон ғаниматинг.

То сурмаи жаҳоннамо кўзингни ёритур,  
Тиз чўк, ғубори дарғаҳи султон ғаниматинг.

Соқий, ҳаётнинг ташвишин кўйиб тур бир томон,  
Бир жом кетурки, лаҳзаи даврон ғаниматинг.

Макнуна, кўз ёшинг била ғарқ этма васл уйин,  
Бу кеч базми жилваи чароғон ғаниматинг.

Олимжон БҮРИЕВ таржимаси.

Юрий Ковалев,  
Алексей Карасек

## Бўри из қолдиради

Повестъ

9

**Т**елефон кўнғироғидан кейин Ҳожихоновни шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимида кутиб ўтиришганди, пайдо бўлиши билан уни бўлим мудири ҳузурига бошлаб киришди.

— Тартиб ва осойишталикнинг шавкатли посбонларига хизматга тайёрмиз!— бўлим мудири кўзойнагини олиб, унга хира кўзларини қисиб тикилди.

— Энг аввал стоматологик хизмат бўйича жавоб берадиган ходимингизни бу ёққа таклиф қилишингизни истардим.

— Наҳотки, ўртоқ полковник, сиз ўзингиз мавжуд қондани бузиб, навбатда турмай, ишингизни битказиб кетмоқчисиз?— ҳазиллашди шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.— Сизга стоматологик хизматнинг ҳали унчалик зарурати йўқ...— у котиба қизни чақирди:— Марҳамат, Елизавета Андреевнани ҳузуримга таклиф қилинг!

Хонага Ҳожихонов шаҳар совети мажлисларида бир неча марта учратган тўладан келган, ўрта бўйли, кулранг костюм кийган хотин кириб келди.

— Менинг сизда нозик бир ишим бор,— гап бошлади Ҳожихонов, Елизавета Андреевна ёнига келиб ўтиргач.— Сиз фақат «менга нимагадир ишонмаяпти, беҳуда гапиряпти», деб ўйламангиз бўлгани. Чин сўзим, ҳеч қандай тузоқ йўқ. Таққиланган бўлишига қарамай, ўз уйида одамларга ёрдам қўлини чўзиб турадиган ясама тиш кўювчиларни менга чақириб беришингиз жуда зарур.

— Сиз бизнинг ўз-ўзимизни жазолашимизни истайсизми?— кулди мудир. Елизавета ҳамон жиддийлигича жим турарди.

— Биласизми, ўртоқ Ҳожихонов,— ниҳоят тилга кирди у,— ҳуфия «хусусийчи»ларни жазолаш учун буни билиш сизга ҳақиқатан ҳам зарурлигини сезиб турибман.

— Йўқ, йўқ! Ундай эмас!

— Менда, тўғриси, ҳеч қандай аниқ маълумотлар йўқ... Булар ҳаммаси фақат тахминларга кўра... лекин сизга мен уч-тўрт фамилияни санашим мумкин...

1 Давоми. Боши ўтган сонларда

— Адресларини ҳамми?— деб сўради полковник қониқиш ҳосил қилганини яшириб ўтирмай,  
— Албатта!  
— Мен бўлса, бизда ҳали хусусий йўлга амал қилишларини билмас эканман, чинакамига ажабланди соғлиқни сақлаш бўлими мудирини.  
— Хусусий усул мавжуд эмас,— унинг гапига тузатиш киритди Елизавета Андреевна,— бу мутлақо тўғри. Лекин айрим ҳолларда, афсуски, хусусийлик бундан истисно эмас...

\* \* \*

Ҳожихонов чақирилмаса ҳам кириб борганида, сўнгги оператив кенгаш вақтидагидан кўра генералнинг кайфияти анча яхши эди.

— Абдулла Ҳожихонович, ҳозиргина... бизнинг талабимиз бўйича Кавказдан кўнғироқ бўлди...

— Хўш, нима гап?

— Шаҳримизда қўлга тушган «ёзув» уларга бир неча йил муқаддам таниш эканини хабар қилишди. Ҳарбий формада талончилик билан шуғулланган киши (бундан ўзингизнинг ҳам хабарингиз бор, ўртоқ полковник) айнан Робик Абрамян бўлиб чиқди!

Демак, бу унинг иши эканлиги аниқ!

Ҳожихонов ўриндиққа чўкди ва чўнтагидан кичик тугунчани чиқазиб, уни оҳиста ёзди. Стол устидаги олтин хира ярқиради.

— Бу — жиноятчилардан бирининг тепа жағи синиғи.

— Сўзлаб беринг!— буюрди генерал.

Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ходимаси фақат адресларни берибгина қолмай, балки ўзи ҳам Ҳожихонов билан бирга хуфий ишлайдиган тиш техниклариникига боришга талабгор бўлди. «Сиздан кўра, менга улар тезроқ иқрор бўлишади... Лекин мен жазога тортилмасликлари ҳақида ваъда бера оламанми?» Ҳожихонов уни: «Сиз айтганча бўла қолсин. Мен қаршилик қилмайман. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бирор чора қўллар, бу — уларнинг иши», деб уни ишонтирди.

Бир неча уйни айланиб чиқдилар, ҳеч қанақа натижа бўлмади. Шунда, Елизавета Андреевна яна бир жойга боришни таклиф қилди.

— Аввал бошда у менинг «қора рўйхатим»да йўқ эди,— тушунтирди у,— лекин кимчи шайтон йўлдан урмайди, дейсиз? Еш йигит, яқинда институтни тугатган. Тиш техникларига эса талаб катта. Қистов-илтижоларга учиб ҳеч гап эмас...

Институтни яқинда тугатган тиш техниги уларда энг бой таассурот қолдирди. Юзи думалоқ, болаларникидек сепкил босган, кўзлари қувноқ, кулағон. У дарҳол гап нима ҳақда бораётганини тушунтирди ва ўтинди.

— Сиз Елизавета Андреевна, очиқдан-очиқ иқрорим учун менга ҳеч нима бўлмаслиғига қасам ичасизми?

— Қасам ичаман!— жиддий жавоб берди у.

— Унда, марҳамат, ошхонага ўтамиз,— таклиф қилди у. «Қаҳва» деган ёзувли банкадан у олтин жағ парчасини чиқазди ва уни полковникка узатди.

— Бунинг ўрнига сиз мижозга нима бердингиз?— сўради Ҳожихонов.

— Иккита оддий пластмассадан ясалган яроқсиз жағни бердим.

— У сизнигига яна келишга ваъда бердимми?

— Афсуски, йўқ. Унинг кўзлари бежо, тавшишли, негадир олазарақ эди.

— Сиз уни тўла тасвирлаб бера оласизми?

— Фақат умумий белгиларини... Аслида мен ундан тезроқ қутулишни ўйлагандим...

— У билан бирга ҳеч ким келмаганмиди?— савол беришда давом этди Ҳожихонов.

— Ҳузуримга ёлғиз ўзи кирди... Лекин кўчада бир аёл кутиб турарди. Мен дераза орқали қараганимда, улар қарама-қарши томонга қараб кетишди.

10

Белгиланган оқшомда машинистка қизни ва темир йўл пәселкасидан «балиқчи»ни қўлга тушириш операциясига катта лейтенант Мелкумовнинг кўнғироғи кутилмаган ва муҳим тузатишлар киритди.

— Ўртоқ полковник!— Ҳожихонов унинг йўғон товушини эшитди.— «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деб бежиз айтишмаган экан. Мана, «балиқ» тўрға тушди.

— Қанақа балиқ, қанақа тўр?— энди фаҳмлай бошлаб сўради жиноят қидирув бошқармасининг бошлиғи.

— Боягина бизнинг «балиқчи» «Навбахор» ресторанида ўз дўстлари билан жанжал бошлади. Ҳаммасини тутдиқ, албатта, ҳозирча шу ерда, хизмат хонасида ушлаб турамиз... Қандай буйруқ бўлади?

— Улар ресторанда анчадан бери ўтиришганмиди?

— Тушдан бери кўнгил очиб ўтиришганди.

— Бу ҳали ҳеч гап эмас!— кулиб қўйди Ҳожихонов.— Тушликдан ароқ ичишни бошлаб, кечки овқат маҳали жанжаллашишибди-да. «Балиқчи»нинг фамилияси Красильников, шекилли.

— Худди шундай! Красильников Анатолий Фомия...— тасдиқлади Мелкумов.

— Красильниковни бу ёққа — бизга етказинг,— буюрди полковник,— қолган



ларни район бўлимига олиб боришсин. Эрталабгача ҳеч ким қўйиб юборилмасин! Красильниковдан бир иш чиқиши мумкинми?

— Эҳтимол, бир иш чиқмас, ўртоқ полковник, у ғирт маст...

— Майли, олиб келинглار, қани у нимага яраркан. Қолганларнинг ҳаммасини, айтганимдек, район бўлимига етказинглар. Эртага ҳар бири билан алоҳида гаплашиб кўрамиз. Эҳтимол, улар орасида Красильниковнинг шериклари бордир... Йўқ, майда безорилик бўйича чиққан Фармонга мувофиқ жазоландилар... Нима? Керакмас! Соқчилик хизмати машинасини олманглар; ўз иши билан машғул бўлсин! Сизга машинами юбораман, фақат тезроқ етиб келинглар... Кутаман!— у телефоннинг дастасини қўйди.

— Галина Алексеевна!— бир минутдан кейин Ҳожихонов яна телефонда гаплашди.— Ҳўжаев билан бирга ҳўзуримга кининглар... Ҳа, ҳозирнинг ўзида... Вазият шундай бўлиб қолди, балки сизнинг машинисткангизни олишга тўғри келади...

Мелкумов кўнғироқ қилди: «Балиқчи» ҳалигина «Навбахор» ресторанида мушшлашшдан сабоқ берибди... Шериклари билан бирга ушлашди. Ҳўш, қизга дарак бериб қўймасликлари учун... Кининглар, ҳаммаси шу ерда гаплашиб оламиз.

\* \* \*

Райко уй комитетининг раисини ҳам таклиф қилиб, Ҳўжаев билан бирга машинистка қиз яшайдиган учинчи қаватга кўтарилдилар. Унга эргашиб келаётган ҳамроҳларининг ҳансираб, оғир нафас олишлари ҳали анча пастдан эшитиларди. Кўнғироқ тўғмаси босилганда, эҳтишомига қия очилди, лекин занжир илинганича қолди. Тирқишдан аёл киши мўралади.

— Сизга ким керак?— шубҳа билан сўради у ва келганларга рэзм солиб қарашга уринди.

— Марҳамат, очинг... Биз милицияданмиз,— секин жавоб берди Райко.

— Ҳозир қанақа милиция уйма-уй юришини биламиз! Милиция келади-ю, сўнгра уйда бирорта латта-путта ҳам қолмайди; йиллар давомида орттирган нарсларимиздан бирпаста бенасиб бўламиз... Очмайман, гап тамом!

— Тўхта, шовқин солма, Васильевна!— уй комитети раиси оғир нафас олиб, ҳарсиллаб эшикка яқинлашди.— Милициядан — бу одамлар! Оч...

— Э, ҳа! Бу сизмисиз, Анвар ака?— гап оҳангини ўзгартирди аёл.— Унда бошқа гап! У занжирни туширди.— Кининглар, агар ишларинг бўлса... Қанақа гап? Ёки сен, ҳой шайтон, бирор ножўя иш қилдингми?— мурожаат қилди уй бекаси стол теварагидан ўтирган қизига. У китобни бир четга қўйиб, қақирилмаган меҳмонларни қаршилаш учун ўрнидан турди ва одоб билан саломлашди.

Райко хонага тезгина кўз ташлаб, сўнгги кунларда ўзини кўп қизиқтирган нарсани дарров кўрди: дераза олдида, стул устида «Москва» машинкаси турар, филофига кўлда тўқилган кичик гиламча ташлаб қўйилганди. Бўш вақти топилса, Райко хизматини ўтаб бўлган пайпоқлардан шундай гиламчалар тўқишни ёқтиради. Бу машғулот уни овутади, тўқиш давомида истаган нарсаси ҳақида хаёл сўради.

Уй бекаси келганларга стулларни суриб қўйди.

— Бизни сиз тушунтира оладиган ва тушунтиришингиз зарур бўлган баъзи бир вазиятлар қизиқтиради, яхши қиз,— таклиф қилинган стулга ўтириб, гап бошлади Райко.

— Мен?— самимий ҳайрон бўлиб сўради у.— Милицияга менинг қандай фойдам тегиши мумкин?

— Уша танишларингни йиғиштир деб,— онаси унга ташланди,— мен сенга неча марта айтдим! Ана, иш кўзгадан ўхшайди...

Райко уни имо-ишора билан гапдан тўхтатди.

— Керакмас, марҳамат, сиздан сўрайман: Бу машинка сизникими?— сўради Райко «Москва»ни кўрсатиб.— Сизникими, Вера Васильевна?

— Сиз мени биласизми?— паст товўшда сўради қиз ҳайрон бўлиб гоҳ Райкога, гоҳ онасига қараб.— Қаердан биласиз?. Мен сизга нима учун керак бўлиб қолдим?

— Ҳаммасини кейин тушунтираман, марҳамат, саволларга жавоб беринг: машинка сизникими?

— Меники...

— Сиз уни қачон ва қаердан сотиб олдингиз?

— Ярмаркадан... нархи туширилган моллар магазинидан... Бир ойдан ошиб қолди.

— Мана буни мабодо сиз ёзмаганмисиз?— Райко унга «ёзма буйруқ»ни узатди.

Вера унинг кўлидан қоғозни эҳтиёт бўлиб олди.

— Буни? Буни... Мен... У сизларга қандай тушиб қолди? Айтарлик ҳеч гап йўқ. Бу шунчаки оддий ҳазил!

— Ҳозирча саволларни мен бераман деб келишиб олдик-ку,— хотиржам жавоб берди Райко.— Бу текстни ўзингиз ёзишга қарор қилдингизми ёки кимдир сиздан илтимос қилиб сўрадимми?

— Ким илтимос қилди?— гапга қўшилди унга яшинлашган онаси.— Эҳтимол, Толькадир. Бу нарса ўшаникига ўхшайди, вой, худди ўзи!

— Қайси Толька?— шошиб сўради Райко.

— Қайси-қайси!— зардаси қайнаб тақорлади онаси.— Қайсиллиги маълум-ку!

Елғиз уғина бунинг олдиға келиб туради. Топган йигитини қаранглар-а! Ушани уйға йўлатма деб, унга неча марта айтдим, ахир! Йўқ, ўшаси жуда топилмас матоҳ экан-да! Қайси Толькалиги маълум-ку! Красильников-да!

— Чиндан ҳам сиздан Красильников илтимос қилдим!

Райко ранги оқарган, саволларға қийнадиб жавоб бераётган қизға ҳақиқатан ҳам ачинди.

— У... «Қани, кўрсат-чи, ёзишни ўрганиб олдингми?»— деди. Узи текстни айтиб турди... Бу қоғозлар ўшанда стол устида қолган эди...

— Мана, кўриб турибсизки, столда қолмаган экан,— Райко чуқур нафас олди.— Шунақа «Ёзма буйруқ»дан сиз қанча ёздингиз?

— Бир босма... беш нусха... У... ана шу қоғозлар билан бирор иш қилдим?

— Агар бирор иш қилмаганда, бизниқига келмаган бўларди!— Райконинг ўрнига онаси жавоб берди.— Ҳалигача паспорт олмаган, уч йил болалар колониясида ўтириб чиққан йигитдан бирор жўяли иш кутиш мумкинми? Ана энди катталарнинг колониясига тушса ажаб эмас. Шундай бўлгани дуруст!— жон-жаҳди билан қўлини ҳар мақомда силкиб, ғазабланиб галирди онаси.— Мана, колониядан чиқди-ю, бир йилнинг ўзида ишини неча марта ўзгартирди.

— Ойи! Қўйинг, керакмас...— деди қиз кўзларида ёш, йиғламсираб секингина.

— Йўқ, керак!— жаҳл билан қизининг гапини бўлди онаси.— Керак! Сен менга қулоқ солмадинг, сенга ақлли кишилар гапираётганда қулоқ соласан. Шу йилнинг ўзида унинг ишлаб кўрмаган жойи қолмади. Заводда, вагон депосида ҳам ишлади, проводник ҳам бўлиб юрди. Кўряпсизми, ҳеч бир жой унинг кўнглига ўтирмайди. Фон-барон чиқиб қолди! Хўш, ниманинг ҳисобига яшайди? Бунақа совғаларга пулни қаёқдан олади?

— Қанақа совғалар?

Красильниковнинг башанг кийиниб юриш сабабини Райко фақат энди тushунди.

— Таниш қизга мановдақа совғаларни тортиқ қилиш учун минг сўмлаб пул топиш керак.

Онаси югуриб бошқа хонага кирди ва ўша заҳоти парча энларини қўлларида кўтариб чиқди...

\* \* \*

Рестораннинг хизмат хонасида ҳам, йўлда машинада олиб қайтаётганларида ҳам Красильников сўкинди, қўйиб юборишларини талаб қилди, ўч олишини айтиб дағдаға солди.

— Сабр қил,— хотиржам жавоб берди унинг ёнида ўтирган Мелкумов,— аввал машина олиб кетаётган ёққа борайлик-чи.

— Машина қаёққа боряпти?— бирдан Красильниковнинг эсига тушиб қолди.— Район бўлими ресторандан бир қадам-ку? Сиз мени қаёққа олиб боряпсиз?

— Ҳозирча шаҳар бошқармасига, кейин, тўғриси, ундан нарироққа...

— Мени тушириб қолдинг!— яна бақирди Красильников.— Мени тартиббузарларни олиб кетишган ёққа— район бўлимига элтинглар! Ун сутқани орттирдим, майли, суд ҳукм қилсин! Финг демай, ўтириб чиқаман.

— Уйлашимча, сутка эмас, балки бир неча йил ўтиришга тўғри келади,— жавоб қилди Мелкумов. Шу пайт Красильников ўриндиққа орқа ташлаб, кутилмаганда ювош бўлиб қолди.

Ҳожихонов уларни бино йўлагига кутиб олди. Ювош тортиб қолган, хомуш Красильниковни кўриб, бугун «балиқчи» билан гаплашиш фойдасиз эканини тushунди.

— Уни, ҳушёрхонага элтинглар!— буюрди у.— Елғиз хонага қўйилсин! Яқинига ҳеч ким йўлатилмасин! Район бўлимига олиб кетишгани ҳам шунақаларданми?— у Красильниковдан ҳазар қилиб узоқлашди.

— Ҳеч бир қолишмайди, ўртоқ полковник!— жавоб берди Мелкумов.

— Саралаш учун мен ўзим ўша ёққа бормоқчи эдим,— деди афсус билан Ҳожихонов,— у ердагиларнинг ҳаммаси ҳушёрхонага тушадиган эмас, балки баъзи бировлари жиддий жазога тортиладигандир, деб ўйлайман... Майли, булар билан гаплашишни эрталабгача қолдирамиз... Райко билан Хўжаев машинистка қиздан қандай янгилик олиб қайтишини кутаемиз.

\* \* \*

Майор Харченконинг кайфияти кун оша тушиб борарди.

Биринчи зарбани унга ўн биринчи автопарк такси ҳайдовчиси берди: «Ичимдан топ» одам грипидан зўрға қутулиб, жиноят юз берган вақтда ўша жойда бўлмаганини исботлаб, узини шу қадар муфассал оқладики, Бошқармада ҳамма аниқ бир фикрга келди: «Такси шоферининг Угловая кўчасидаги таловчиликка ҳеч қандай алоқаси йўқ».

Иккинчидан эса, «Гўзаллик салони»да қимматбаҳо буюмларни сотиб олишга таклиф қилган «истараси иссиқ» йигит, бахтга қарши у ерда бошқа кўриниш бермай кўйди. Қимматли буюмлар билан савдо қилувчи олибсотарни қўлга тушириб, путур етган ўз обрўсини мана шу машҳур, мисли кўрилмаган тергов иши билан

кўтаришни ўйлаган эди. Худди бир нимани сезгандек олибсотар «Ўзгаллик сало-ни»га келмай қўйди...

У аҳволи руҳияси тушкун ҳолда сартарош ва кассирлар билан яна бир мар-та сўзлашгани ва биратўла соқол қирдиргани эрталабданоқ, «Ўзгаллик сало-ни»га йўл олди. Одатда сартарошхонанинг эркаклар бўлинимасида навбатда турганлар кўп бўларди, бугун эса бир ўриндик «мана мен» деб бўм-бўш турарди.

— Соқол олдирасизми ё соч? А, ўртоқ майор?— дея унга яқин келди сарта-рош чол. Харченко бугун граждана кийимда бўлса ҳам, бу ерда уни били-шарди.

— Фақат соқол... Нима, ҳар кун олдирайми сочи— тўнғиллади майор. Бироқ, бўш турган ўриндик унга омадли туюлди.

Сартарош эринмасдан совун кўпиртиб, Харченконинг сариқ тук бўртиб тур-ган юзини кўпиклай бошлади. Шу пайт залга қимматбаҳо моли бўлган йигит ҳақи-да хабар берган маникюрчи хотин шошиб кирди.

— Соқолни бошқа вақт олдиришга тўғри келиб қолди!— деди Харченко онг-танг қотиб қолган сартарошга ва тезда салфетка билан юзини артди-ю, хотин-қиз-лар бўлинимасига отилди.

Кенг кутиш залида хотинининг пардоз-андози чўзилганидан толиққан бир ҳо-латда майор сабрсизлик билан кутган ўша одам ўтирарди. Оёқлари ёнида кичик бир чамадонча.

— Ташрифингиздан фоят хурсандимиз!— севинчини яширолмай Харченко эшик олдини тўсди.

— Кечирасиз...— йигит ҳайрон бош эгди.

— Зарурати йўқ...

— Бўлади, бўлади!— ишонтаришга уринди Харченко ва шу гап устига етиб келган ва салонда беш кундан бери пойлоқчилик қилган бўлима хизматчисига буюрди:

— Бу ўртоқни зериктирмай туринг... Мен машина чақиртираман...

— Тушунмай қолдим, бу мулозаматнинг нима ҳожати бор?— бамайлихотир ку-либ сўради йигит.— Кимгадир ўхшатапсизлар шекилли... Аммо, майли, бўлиб тура-ди, кечирарли.

— Ким ҳам адашмайди дейсиз...

— Бунинг яна бир хатолик бўлишини ҳеч ҳам истамасдим,— тўнғиллаб қўйди Харченко. Навбатчи машинани чақириб, яна хотин-қизлар бўлинимасига қайтиб кир-ди.— Мана энди яқинроқ танишсак ҳам бўлади!— Йигит ёнидан жой олди.

— Чамадонингизни очиб кўрсатсангиз малол келмайдими?

— Хўш, қанақасига?— довдираб қолмай сўради йигит.

— Мана бунақасига!— Харченко чамадончани унинг қўлидан юлқиб олди.

«Салон» бошлиғи хонасига сартарошхона ходимларидан икки гувоҳ чақириб, у тантана билан чемадончани очди. Тартиб билан тахланган яшил фланель парча-ларини ёзди, йиғилганларга чамадончадаги буюмларни кўрсатди. Ҳамманинг нафа-си ичига тушиб кетди. Харченко чамадончадан узук, сирга, билагузук қаби зеб-зийнатларни бирма-бир олиб, «Салон» ходимларига кўрсата бошлади. Олтин ва гавҳар товланиб кўзни қамаштирарди...

Ҳожихонов кабинетида Харченко ўзини яна ҳамшагидай қувноқ ва ўктам, сермутойиба тутди. Йигит бўлса, бир оз кайфи қочган бўлса ҳам, сиртига сув юк-тирмасликка ҳаракат қиларди.

— Ҳозироқ жабрланувчиларни олиб келинг, молини таниб олсин,— буюрди Ҳожихонов,— чемадонча эгаси шу ерда тура турсин... Кейин, яна ўйлаб кўрамиз...

— Менга ҳамма нарса ҳозироқ аён!— ҳозиржавоблик билан гапга аралашди йигит.— Молу мулк мусодара қилинмай, умумий режимни икки йил, республика Жиноят мажмуаси, 129-модда, биринчи пункт...

Ҳожихонов унга қизиксиниб қараб қолди.

— Хотирамдан нолимайман. Шу нарса равшанки, сиз билан биринчи бор кўришиб турибмиз... Демак, меҳмон узоқлардан ташриф буюрган, дейман? Жиноят мажмуаси билан анча дурустгина танишишга улгурибсиз, чамамда...

— Илож қанча?— ажабланиб йигит.— Бир қўшиқда куйланганидек: «Сени не-лар кутар, билмоқ истайман...»

— «Бахтим қўлга киритсам дейман»...— унинг гапини тўлдирди Ҳожихонов.— Афсуски сиз танлаган йўл билан фақат бахтсизлик сари борилади...

Йигит чимирилди, оғзига аччиқ бир луқма солган мисол, афтини бужмайтирди.

— Шундай фозил одамлардан чиқадиган гапми бу, гражданин полковник?— эътироз қилди йигит ва иззат-нафси озор топган кишидек, чуқур хўрсиниб қўйди.

...Теракзор кўчаси ва Олмазор мавзеидан майор Харченко олиб келган жабр-дийдалар эпчил йигит чемадончасидаги заргарлик буюмлари орасида ўз моллари-ни таниб ололмадилар. Заргарлик буюмлар магазинларидан чақирилган мутахассис-лар бу ҳамма тақинчоқ — дур шодалари, зирагу билагузуклар қалбаки, тунж, мис ва оддий шишадан моҳирона ясалган, деган хулоса чиқардилар.

\* \* \*

Ҳожихонов ноқулай ҳолга туширган гапни унинг ўзи кўзгади.

— Жиноятчилар тузоғимизга илинади, деб ўйлаган эдим, ўртоқ генерал... Ма-на, нима бўлди денг! Тузоқ бир неча жойдан узилди...

— Министрликка ҳам, шаҳар партия комитетига ҳам кўринишга юзим йўқ.—

тан олди Сафаров.— Жунгина саволлариға жавоб беролмай қолдим. Шаҳарда бирин-кетин талончилик содир бўлмоқда, биз эса мана, жиноятчининг изига тушиб олдик, деб ўзимизга тасалли берамиз. Аслини олганда, бирор қадам ҳам олға силжиганимиз йўқ. Менга, мана, бугун-эрта жиноятчиларни тутамиз деб ахборот бердилар, текширганда-чи, қуруқ ваъда бўлиб чиқди.

Генерал жимиб қолди ва бир оз тин олгач, давом этди:

— Биздан нон ёпинг, этик-маҳси ёки костюм тикинг, деб сўрашмайди. Ҳамма нарса билан тўқис тазминлашади. Абдулла Ҳожихонович, биздан бир нарсани — жиноятчиликка қарши унумли курашмоқни талаб қилишади. Биз эса жиддий бир жиноятнинг тагига етолмаймиз... Айтилик, ўрганишга ўрганамиз,— полковникнинг беҳузур бўлаётганини кузатди.— Лекин биздан фақат шуни кутишмайди. Бир тўда қуролсизлантирилди, шаҳарда йўлтўсарлик босқинлари тугатилди, деб аниқ айта олишимиз лозим. Қўлимизда нима бор? Ҳамма умид энди Невструевдан. Мен ҳозирча билмаган бирор хабар борми ундан?

— Сиз, биз билганларнинг барчасидан хабардорсиз, ўртоқ генерал, ҳатто кўпроғидан.

Генерал унга бармоғини бигиз қилди:

— Хушомад қиялсиз, Абдулла Ҳожихонович. Хушомадни танқидга қалқон қилмоқчимисиз?

— Чин сўзим, йўқ, Икром Ғаффорович! Ҳар қандай жазога лойиқлигимни биламан... Лоф қилмаяпти, аммо бу бўрилар кечаси ҳам тушимга кириб чиқади. Ҳаммасида бир ҳол: шаҳодат бармоғимдай келадиган олтин тишлар!

— Сиз менга тушингизни гапирманг, уни таъбир қиладиган кушноч ҳам эмасман сизга,— генерал бир оз нари кетди.— Нима, Красильников лом-мим демасини?

— Олдин ҳеч илож бўлмади! «Мен арз қиламан!» дейди, ишчи одамни ҳақорат қилишга ҳақларинг йўқ! Ундай пайтлар ўтиб кетган!» Мен уни бардош бериб эшитдим-да, шундай дедим: «Яххиси, Анатолий Фомич, шойини ҳам сендан тортиб олганларини гапир». У дарҳол сергақланди: «Яна қанақа шойи? Бўлмаган гапларни бўйнимга илмоқчимисизлар?» Мен унга: «Сен, Анатолий Фомич, анави аэропортда юклаганинг, сўнгра ўз шерикларинг билан Чорсуда олганингни гапир», дедим. Шунда у: «Ўша нарсаларни ҳам қўлга туширдингларми?»— деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. «Бундай ишларга бизда йўл кенг»,— жавоб бердим мен. Уни дарҳол Райкога топширдим. Райко машинистка қиз билан ҳам шуғулланди, шойининг дастлабки тўпини топди. Майли, шу ишга бош бўлсин, ҳозирча унга асосийсини топшираман...

— Фақат қачонлардир бўлади! Шундайми? Лекин қачон?— генерал ўрнидан турди, кабинет бўйлаб юра бошлади ва Ҳожихонов ёнида тўхтади.

— Агар кун ва соатини аниқ айта олсайдим!— оғир хўрсинди полковник.— Ўзимни жуда бахтиёр ҳисоблардим!— бир оз сукутдан сўнг қўшиб қўйди:— Лекин бунинг тез орада ҳал бўлишига сизни ишонтиришим мумкин, Икром Ғаффорович. Ҳали яқиндагина қўлимизда, «булер»дан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Энди-чи...

— Яна қанақа «булер»?— сўради генерал.— Учарлар дунёси «лой» дейишади... Костандов бу нотаниш сўзни эслаши билан унинг парчасига устаси фаранг ўғрининг қўли текканини дарров тушундим. Ҳозир у қўлимизда: яқинда ҳибсга олинди. Унинг жиноятчи шериклари ҳам қўлга тушди.

— Красильниковни энди биламан,— генералнинг рўпарасига ўтирди у.— Улар, ким, уларнинг шериклари ким?

— Гапириш уят, ўнғайсиз, ўртоқ генерал! Ишчи одамлар. Бочарников — авиатехник, Икром — темир йўлда ҳайдовчи... Маошлари ҳам кам эмас, тирикчилиги яхши кечаётган эди. Ҳаром пуллар! Бироқ, мана шу ҳаром пуллар уларнинг ҳаётини хароб қилишни унутяптилар!

— Кўпинча, ўзимиз ҳам айбдоримиз, қовоғини қолди Сафаров,— тарбиявий ишларни йўлга яхши қўя олмаяпмиз.

— Сизга юз фоиз қўшиламан, Икром Ғаффорович!— қизишди полковник ва ўрнидан туриб кетди.— Кетишга рухсат этинг, ўртоқ генерал! Невструев ўзи ҳақида хабар қилмаганидан кейин энди уни ўзим излайман...

— Боринг!— генерал рухсат берди.— Билиб қўйинг, Невструевни мен ҳам соғиниб қолдим! Ҳозир унга бутун ставка кўз тикаяпти!

— Нимадир аён бўлиши биланоқ сизга маълум қиламиз, ўртоқ генерал!— жавоб берди Ҳожихонов.

\* \* \*

Невструевнинг барча уринишларига қарамай, ҳали ҳеч нима оидинлашмади. У Кочнева — Мартова ва оласи ҳамда унинг эрининг изини сира топа олмади. Шу кунлар ичида анча озди, ўзини олдириб қўйди, доимий югур-югурлардан тўйиб ухламаётгани шундоқ кўриниб турарди. У Ҳожихонов билан учрашганда, ўзини ҳамма иши силлиқ кетаётгандек кўрсатишга интиларди. Бироқ полковник Невструевнинг киртайган кўзларидан айбдорлик маъносини англади.

Кеча, аниқроғи, тунда Невструев участка инспектори билан Қорасувнинг қарерида ва қачон учрашишни келишиб, дам олиш учун қолган вақтини шу масалани ечишга сарфлади. Масала ҳақиқатан ҳам осон эмас эди. Улар шу иш бўйича кимни излашни ҳам билмасдилар, агар аввалги Лида Кочнева Лида Мартова бўлиб ўзгарган бўлса, унинг онаси қайси фамилияда юрибди, унинг исми ҳам маълум

эмас. Улар, ҳақиқатда, Қорасувда Мартова қариндошларикинг үйи борлиги ва уни Лидага қолдириб, районда ишлашини билардилар.

Бахтга қарши бу эринг участка инспектори шу районда ҳали бир ой ҳам ишламаган эди. Лекин аввалгиси пичоқланган бўлиб, улар-ўлмас бўлиб ётибди. Унга ҳужум қилган тўда ўша кундаёқ ушланган, лекин уларнинг кейинги жиноятга алоқаси бўлиши мумкин эмас эди.

Яқиндагина милиция мактабини битказган ёш лейтенант ўз участкасини яхши билмагани учун жуда-жуда уяларди. Лекин Невструев унга ҳеч қандай эътироз қилолмасди.

Тўғри-да, шу бир ойча вақт ичида нимани ҳам билиш мумкин? Ҳатто кўчаларни эса қолдириш қийин, ахир, бу ерда одамлар, юзлаб, минглаб одамлар ҳақида гап кетяпти. Унга почта ҳам, қонадонлардан тушадиган солиқларни текшириб боровчи район молия бўлими бошлиғи ҳам, ҳарбий комиссариат ҳам, эски Қорасув билан боғлиқ корхоналар ҳам ёрдам бера олмади: улар, энг асосийси, Лида — Мартова истиқомат қилган уйнинг эгаси фамилиясини билмасдилар.

— Демак, ҳамма умид таваккал қилишда экан-да? — тасдиқ ва сўроқ оҳангидан гапирди лейтенант. Юзларидаги тер томчиларини сидирди ва сочини кафти билан сийпалаб қўйди.

— Бизнинг ишимизда тасодиф билан ҳам ҳисоблашмаслик мумкин эмас, — жавоб берди Невструев, — ҳозир фақат унга юзма-юз бориш лозим. Кутишга вақт йўқ! Вақт ўтяпти, лейтенант!

— Ҳа, шундай, — унинг фикрига қўшилди лейтенант.

— Лекин «беҳуда кучаниш белни синдиради», деб бежиз айтишмаган.

— Ҳа, бунинг учун кўп чиниқиш керак. Борди-ю, милиция мактабида чиниқмаган бўлсанг, милиция хизматида чиниқишинг шарт! — Невструев лейтенантнинг елкасига қоқиб қўйди.

Кутилмаган жойдан ёрдам келиб қолди.

Улар узоқ вақт натижасиз юришлардан ҳориб, лаблари қовжираб, эшиги устига «Озиқ-овқатлар» деган лавҳа қоқилган мовий павильонга кирдилар.

— Хоҳ таниқ, хоҳ нотаниш бўлсин, ҳамма харидорларнинг хизматига тайёрмиз! — ёшгина сотувчи улар билан шўхлик қилиб саломлашди. — Келинг, ҳурматли меҳмонлар, сизга борини сотамиз! Бизда йўғини бошқа жойдан ҳам тополмайсизлар!

— Ичишга бирор нимангиз бордир? — деди участка инспектори.

— Бунақасиданми? — сотувчи томоғини чертди. — Қўйиб бермаймиз... Участка инспектори буни жиддий тақиқлаган.

— Мен сизнинг янги участка инспекторингиз бўламан... — лейтенант ўзини тутолмади ва Невструевга кўзи тушди-ю, лабини тишлаб қолди.

— Унда қандай гап бўлиши мумкин! — сотувчининг юзларига табассум югурди.

— Нимани хоҳлайсиз? — кўзбойлоқчиларга ўхшаб, стаканларни пештахта остидан чаққон-чаққон олиб қўйди. — Буюринг, ўртоқ инспектор! Янги танишув шарафига менинг ҳисобимдан бўлади.

— Гўё эски танишларга магазинда қўйиб бермайдигандек гапираяпсиз-а, — кулимсираб қўйди участка инспектори.

— Фақат энг эскисига, лекин бекитиқча, — сотувчи иқроп бўлди. — Бошқа вақтда сира ҳам... Сизга нима? Минералми? Боржоми ҳам беришим мумкин...

— Бу бошқа гап! — Невструев хурсанд бўлди. — Боржоми ичмаганимга ҳам кўп бўлувди.

Пештахта устида музхонада «терлаган» икки шиша пайдо бўлди.

— Музхонадан! — Сотувчи мақтанди. — Ўзимиз учун олиб қўйганмиз! Дўстлар учун ҳам!

— Демак, сен бизни дарҳол дўстларинг ҳисобига қўшиб қўйдингми? — сувдан хўплаб-хўплаб сўради участка инспектори.

— Яхши бўларди! Жуда яхши бўларди, ўртоқ инспектор! — ҳатто кўзини ҳам қисиб қўйди сотувчи. — Бир нарса ёмон бўлаяпти-да: анавдан ичмаяпсизлар! Газак ҳам тайёрласак бўларди! — хўрсиниб қўйди. — Қандай замон бўлаяпти ўзи! Эркаклар ичиш, чекишни ташлаяпти, аёллар эса, аксинча, ароққа ружу қўйишди! Шу ерда, эҳтимол, бизга қўшни бўлиб яшар, битта аёл худонинг берган куни сумкалаб ароқ ташийди.

Невструев ва участка инспектори бир-бирига қараб қўйишди.

— Шунча кўп ичадими? Ичкиликка мубтало аёлми? — талмовсираб луқма ташлади.

Сотувчи хўштак чалиб юборди.

— Қайда? Шунчасини ўзи бир йилда ҳам ичиб адо қилаолмайди! Улфатларига ташийди! Бугун ичадилар, эртага бош оғриққа!.. Шу тариха ҳафта кетидан ҳафта ўтиб бораверади.

— Нима, улфатлари учун ароқ олиш ва ташиш бир бечора аёлнинг бошига тушганми? — аввалги оҳангдан давом этди Невструев.

— О-ҳо, у камбағал эмас! — деди сотувчи, — унинг валюталари мана бу ерда, — кўкрагини кўрсатди сотувчи, — ошиб-тошиб ётибди.

— Унга ҳеч ким ёрдам бермайдими? Мен бундай улфатлардан воз кечардим? — қўшилди участка инспектори. — Нега у бутун улфатлари учун эшакдай югуриши керак?

— Бор-йўғи бир мартагина у бу ерга машинада келди, — жавоб берди сотувчи, — бошқа вақтлари бир ўзи пойи пиёда. Ушанда орқасида бизнинг мусулмон биродорларимизга ўхшаган битта йўғони ўтирган эди. Унинг исми...

Ю. КОВАЛЕВ, А. КАРАСЕК ◆ БУРИ ИЗ ҚОЛДРАДИ

— Балки янглиш эшитгандирсан?— деди участка инспектори киссасидан майда пул олатуриб,— оти Анварми-Сарварми...

— Эҳтимол, янглиш эшитгандирман,— сотувчи инспекторнинг фикрини маъқуллади, узатган тангаларни истамайгина олаётиб.— Сумкалаб спиртли ичимлик ташийдиган соҳибжамолни истасангиз кўришингиз мумкин. Павильон ёпилишидан олдин етиб келади! Кечаси шаҳардан арақ ахтариб овора бўлиш кимга ёқади?!

Кечга яқин Невструев участка инспектори билан «Озиқ-овқат магазини» ёпилгунча кўчанинг икки томонида навбатчилик қилишди. Сумкали аёл келмади. Иккинчи, учинчи кунлари ҳам кўринмади.

— Кўтарасига ароқ оладиган харидоринг қалай?— шунчаки сўраган бўлди магазинга ёлғиз кирган участка инспектори. Невструев эса, шубҳа уйғотмаслик учун муволиш орқасида кутиб турарди.— Ҳалиям планни бажаришингга кўмаклашаяптими?

Семизгина, қувноқ сотувчи сохта жиддийлик билан жавоб қилди:

— Уша ўртоғингиз билан қириб, боржоми ичганларингдан бери кўринмайди. Бир марта ҳам келмади-я! Бошқа жойдан олаяпгандир.

\* \* \*

— Арқон дедингми?— қайта сўради Ҳожихонов Кочнева-Мартованинг изига тушиш йўлидаги уринишнинг барбод бўлгани ҳақида ахборот берган Невструевдан.— Арқон...— ўйчан такрорлади у.— Арқон. Фақат ёдимдан кўтарилмаган бўлса, Юрий Иванович... Балки мен баъзи нарсаларга кўмаклашарман...

Невструев кўнгли ёришиб, кабинетдан чиқди.

Полковник кресло суянчиғига гавдасини ташлаб, бир зум ўйланиб ўтирди. Ёдидан чиқмаганини ким тасдиқлайди. Муқаррам Иброҳимовна! У районда болалар хонаси инспекторидан вояга етмаган болалар инспекциясининг бошлиғи лавозимигача кўтарилган. Капитан Иброҳимовнани районда ҳамма танийди. Ҳожихонов аппаратни олдига тортиб, номер терди.

— Муқаррам Иброҳимовна! Салом!— деди у трубкадан таниш овоз эшитилгач.— Ҳожихоновман... Ҳа... Иш кўп... Муқаррам опа... Эсингиздами, бир неча йил олдин бир йигитчанинг тарбияси билан шуғуллангандик? Тўғриси, кўпроқ сиз шуғуллангансиз. Фамилияси ёдимдан чиқибди, аммо лақаби хотирамга ўрнашиб қолган... «Арқон» эди...

— Э, уни эсламай бўладими,— трубкадан хўрсиниқ эшитилди.— Юз йилдаям унутмасман! Рўйхатда турганларнинг ҳаммаси бир тараф-у, унинг якка ўзи бир тараф бўлиб сочимни оқартирган! Кенжа Турахўжаевни унутиб бўладими!

— Муқаррам опа! Илтимос, унинг делосини қидириб топиб менга жўнатсангиз! Жуда зарур!

— Унинг делосини аллақачон қидириб топганман,— жавоб қилди инспектор бошлиғи,— болалар колониясида тузалмаяпти. Ичкиликвозликдан чиққан тўполон, жанжал кўшнилари жонига тегибди.

Бир жойда ёлччиб ишләмас экан...

— Ҳалиям ўша жойда яшашадими?

Шайқани тузоққа туширишда, «Арқон»нинг асқатиб қолишига Ҳожихонов шу тобда ҳеч ҳам шубҳа қилмасди.

— Муқаррам опа, агар дело сизга керак бўлмаса, менга зудлик билан жўнатсангиз! Кутаман! Соғ бўлинг!

У трубкани қўйди-да, яна кресло суянчиғига ҳорғин суяниб кўзларини юмди, аммо телефон жиринглашидан чўчиб кўзларини очди ва трубкани шошиб кўтарди.

— Уртоқ полковник, сизни қизғин табриклайман!— трубкадан бошқарма бошлиғининг овози эшитилди.— Бутун аппаратни ҳам табриклаш мумкин!

— Нима? Жинойтчилар топилдими?!— қувончдан қичқириб юборди Ҳожихонов.

— Ҳа, топилди!— жаҳл билан жавоб қилди генерал.— Олмазордан яна бир туналган хонадон топилди! Яна ўша нопок излар!..

Трубкадан қисқа гудоклар эшитила бошлади. Ҳожихонов трубкани тутганича, бир зум гангиб қолди.

11

Ҳожихонов генерал кабинетига кириб келганида, полковник кейинги пайтларда доим ҳорғин ҳолда кўрадиган, аммо эгнига худди аввалгидай ҳафсала билан дазмолланган костюм кийган Невструев ўтирарди.

— Мана, Абдулла Ҳожихонович, Юрий Ивановичга қидирувда кўмаклашган кўкбулоқлик майор Петелин нима ёзганини ўқиб кўринг,— деди генерал унга қозларни узатар экан.

Сафаровнинг уни ва Невструевни исми шарифлари билан аташи Ҳожихоновга яхшилик аломатидай туюлди. Одатда, генерал бирор нарсадан норози бўлсагина, қўл остидагиларга унвонини айтиб, мурожаат қиларди.

Кўкбулоқ шаҳар ички ишлар бўлимининг бошлиғи жинойтчилар аэропортгача етиб борган автофургонни ахтариш натижаларини хабар қилган эди. Фургонлар шаҳар хўжалиқларида анча камлигидан машинани топиш унча қийин бўлмабди. Ҳайдовчи жинойтга алоқадор эмас. Сўроқда дарров иқрор бўлган, кейин қолган тафсилотларни оператив ходимлар кузатувида ўша жойнинг ўзига чиқиб, бирма-бир тушунтириб берган.

Ишчиларни элтиб қўйиб, бўш қайтиб келаётганида тўқай ёнида иккига эркак ва бир аёл уни тўхтатишган. Уларни кўрган одам ҳеч қандай шубҳага бормас, аёлнинг қўлида бозор сумкаси бор эди. Аэропортга етай деганда улар кабинани тақиллатишиб, бир минутга тўхташни сўрашади. Аёл тушиб, бутазорга кириб кетади. Бир неча минутдан сўнг у ердан яна қайтиб чиқади. Ҳайдовчининг назарида, аёл бутазорга туғун кўтариб кириб, у ёқдан ҳеч нарсага чикқандай туюлади. Лекин у бунга аниқ биламан, деб ишонтиролмади. Йўловчилар машинадан тушар экан, аёл ҳайдовчига ўн сўмлик чўзади. Шофер майдаси йўқлиги ва шунчаки йўл-йўлакай ташлаб ўтгани учун пулни олмайди... Лекин аёл ўн сўмликни унинг чўнтагига салади-ю, эркаклар билан аэропорт биносига шошилиб кетишади.

— Аёл кирган бутазордан қамоқхона кийимлари топилган,— изоҳ берди Невструев.— «Халоскор» далилни йўқотишга аҳд қилган.  
 — Аёлнинг ташқи кўриниши қандай экан?— сўради Ҳожихонов.  
 — Шофернинг тасвири «халоскор» тунаган квартира эгасининг тасвири билан бир хил,— деди Невструев.  
 — Иккинчи ҳужжатни ўқишга шошилманг, Абдулла Ҳожихонович,— деди генерал,— Петелиннинг ахборотидан аввал мени ва Юрий Ивановични эшитсангиз.  
 — Ихтиёрингиз, ўртоқ генерал,— деди Невструев.  
 — Бўлмаса воқеани бир бошдан тушунтирай,— деди генерал,— Юсуф Хўжаев милиция формасини яқинда кийган бўлса-да, тажрибали оператив ходимдай иш тутаяпти, шундайми Юрий Иванович?

— Шундай!  
 — Хўжаев қочган жиноятчиларнинг аввалги алоқа нуқталарини аниқлаган. Қораев ва Абрамян қочишдан аввал колониядан озодликка чиққанларнинг белгиланган пунктга етгунича ҳар бир қадамини ҳисобга олган. Бундайлар, Хўжаев ва Юрий Ивановичнинг айтишича, етти киши. Шундайми, Юрий Иванович?— Невструев индамай бош силкиб қўйди.— Уларнинг бирортаси ҳам жиноятчиларнинг ниятларини амалга оширишга ёрдам бермагани аниқ. Фақат собиқ маҳбус...— генерал очик блокнотига энгашди.— Ибодуллин Илёс Зарифович... Шубҳа остига олинмоқда. У худди шу колониядан йил бошида озодликка чиққан... Бу ўша... кассирдан жиноятчилар учиб кетган самолётга билет талаб қилган чамадончали нусха... Нима учун у ҳамманинг кўз ўнгида чайқалиб юргани тушунарли: ичганим рост, ҳамманинг кўз олдида сандироқлаб юрганим ҳам, қолгани қип-қизил тўхмат, демоқчи бўлган... Энди, Абдулла Ҳожихонович, иккинчи маълумотни ўқинг.

Майор Петелиннинг иккинчи маълумотида Ибодуллинни қўлга олиш борасида кўрилган тадбир ёзилган эди. Унинг ишлайдиган жойини топишибди, комбинат ЖЭКида ишлар экан. «Бош почтадаги қиз уни фотосуратдан таниган. Алиқинг кассаллиги тўғрисидаги телеграммани ҳам у жўнатган. Лекин Ибодуллин топилмаган. Учиб кетган пассажирлар рўйхатида унинг фамилияси қайд этилмаган. Рейслардан қайтган шоферлардан суриштириш ҳам натижа бермаган. Петелиннинг тахминича, ё у бошқа фамилия билан самолётда учган, ё бирорта транзит машинага тушиб кетган.

— Биринчи телеграммани ҳам, демак, Ибодуллин жўнатган...— деди маълумотни ўқиб бўлгач Ҳожихонов.— Ибодуллиннинг сурати қаерда? Зудлик билан уни кўпайтириш керак.  
 — Бу ҳақда буйруқ бердим,— деди генерал.— Энди сиздан сўрасак, Абдулла Ҳожихонович, эски танишингиз Арқон қалай?  
 — Ҳозирча янги гап йўқ, ўртоқ генерал!— деди хафа бўлиб Ҳожихонов.— Утмишни хотирада тикладим, аммо «озик-овқат» магазини сотувчисидан Юрий Иванович эшитган гапдан бошқа ҳеч қандай янги ахборот йўқ...  
 — Айтмоқчи, Юрий Иванович, магазинни кузатиш давом этаяптими?  
 — Кузатаяпмиз, ўртоқ полковник!— деди Невструев.— Ҳозирча магазин Кочнева-Мартованинг изига тушадиган ягона имконият-ку...

\* \* \*

...Ҳожихонов Мукаррам Иброҳимова жўнатган қалин «дело»ни шошилмасдан варақлай бoshлади. «Бошланган... Тугалланган...» Папка устига «Болалар ўйининг инспектори лейтенант Иброҳимованинг қўли билан катта ҳарфларда «Балоғатга етганлиги сабабли», деб ёзиб қўйилган.

«Ҳаммасига сабаб,— маънос ўйлади Ҳожихонов Мукаррам Иброҳимованинг хулосасини ўқир экан,— ифлос ўтмишдан воз кечгани эмас, балоғатга етгани... Бола билан уйда, мактабда, милицияда шуғулланишиди, уч йил болалар колониясида бўлди, аммо кенг, ёруғ йўлдан кўра жар ёқасини афзал кўрди...»

Кенжа Тўрахўжаевнинг мактабда, адабиёт кабинетида ухлаб ётганини кўришиб, ҳайрон бўлишди. Бунинг сабабини билиш қийин эмас эди. Боланинг кўзлари бежо бўлиб, оғзидан спиртли ичимлик ҳиди анқиб турарди. Уқитувчилар ҳайратдан ёқа ушлашди. Агарда бошқа биров бўлганида бўлак гап эди, аммо ҳаммиша озода, ҳаммиша босиқ, ўқимишли оилада ўсган, кундалигидан фақат «ўрт» ва «беш» баҳолар аримайдиган Кенжадан бу иш чиқишига ақл бовар қилмасди.

Мактабдагилар бу ҳақда шов-шув кўтармасликка аҳд қилишади. Тасодиф! Бунинг устига Кенжа зор йиғлаб, бу ишни иккинчи бор такрорламасликка сўз беради. Аммо Мукаррам Иброҳимовага мактабда юз берган ана шу хунук воқеа етиб боради.

«Йўқ, бу шунчаки оддий тасодиф эмас!— ўйлайди инспектор.— Ҳаммага ўр-

нак бўла олган бола мактабда ичиб юриши шунчаки тасодиф эмас...» Хуллас, у боланинг оиласи билан яқиндан танишишга қарор қилди.

Оила унда яхши таассурот қолдирди. Ота — илмий ходим, она эса — врач. Кенжа оиланинг энг кенжаси эди. Икки акеси институтни битириб ишлаяпти, опаси медицина институтини яқинда тугатади. Уйда ҳамма нарса муҳайё. Аммо инспектор қўшни болалардан поликлинника деворига ҳақорат гапларни ким ёзганини суриштирганида, улар бу ноҳўя ишни Кенжа қилганини айтишди. Олтинчи синф ўқувчисининг ота-онаси билан бўлган суҳбат улар учун ноҳуш ўтди. Шундан кейин Кенжа икки ойча ўзини яхши тутди. Уйдагилар, мактабагилар, болалар уйдагилар хотиржам бўлишди.

Кутилмаганда мактаб буфетига ўғирлик юз берди. Бу ишни қилганлардан бири Кенжа Тўрахўжаев эди. Афтидан у катта холалар ва амакилар фақат нўписадан нарига ўтишмайди, деб ўйлаган бўлса керак. Иброҳимова яна бола тарбияси билан шуғуллана бошлади. Маълум бўлишича, Кенжанинг ўғирлик қилишини қўшнилар ҳам билишар экан. Бир куни у дорга ёйиб қўйилган қимматбаҳо кўйлакни ўғирлаган.

— Нима учун ўтган сафар келганимда, бу ҳақда ҳеч нарса демадинглр?— сўради ҳайратланиб Иброҳимова.

Қўшнилари бир-бирларига қарашиб, елка қисиди: Тўрахўжаевлар билан қўшничилик муносабатлари ёмонлашишини исташмаган, шекилли.

Кейин воқеалар худди кино экранигадайд тез ривожлана бошлади. Иброҳимова кичик Тўрахўжаевга очган «дело»га биринчи ёзувини битишга улгурмасданоқ, Кенжани ва унинг ота-онасини балоғатга етмаган болалар билан ишлаш район комиссиясига чақиришга тўғри келди. У бир неча тенгдоши билан кўчадан ўтиб кетаётган маст кишини дўппослаган. Ота-онасига жарима солиниб, Кенжа қаттиқ огоҳлантирилади. Кенжа Тўрахўжаевни махсус техника билим юртига йўллаш ҳақида қарор қабул қилинади.

Бу қарорга унинг ота-онаси тиш-тирноғи билан қарши турди. Улар барча таниш-билишларини ишга солиб, комиссия қарорини бекор қилдиришга эришади. Кенжани кечки мактабда ўқиш шарти билан заводга ишга жойлашади. Лекин у на ўқийди, на ишлайди. Иброҳимова неча бор боланинг ота-онаси билан очиқ суҳбатлашиб, ҳимоя қиламан деб, аслида фарзандларига ёмонликни раво кўраётганликларини тушунтирмоқчи бўлди. Аммо Тўрахўжаевлар инспектор билан гаплашишни ўзларига эп билмайди.

...Кўп ўтмай, Кенжа бир неча ёши каттароқ болалар билан ўғирлик устида қўлга тушиб, болалар тарбия колониясига уч йилга ҳукм қилинди. Ун саккиз ёшида колониядан кутулиб чиқди. Милиция болалар хонасида унга очилган «дело» эса балоғатга тўлиши муносабати билан ёпилди. Кенжа ҳам энди милиция ходимлари ихтиёридан кетди...

Ҳожихонов яна бир кишининг жиноятчилиги йўлга кириб кетмаслиги учун жуда кам иш қилган Иброҳимовадан, район ички ишлар бўлими ходимлари ва ўзидан хафа бўлганича, делони аста ёлди. Кенжа Тўрахўжаевнинг «Арқон» эканлиги-ю, кейинги пайларда шаҳарда юз берган жиноятларга бевосита алоқадорлигига полковник шубҳаланмасди. Буни яна текшириб кўришга қарор қилди.

У Харченконинг телефон номерини терди. Майор дарров телефон дастасини кўтарди. Бир қоқ зарбоф матонинг ўғирланиши ва «заргар» тўғрисидаги таҳминлари нотўғри чиққанидан бери майор анча руҳи тушиб, ҳатто букчайиб юрадиган бўлган эди. Ҳожихонов аввалги башанглигидан асар қолмаган Харченкони яқинда коридорда учратиб, раҳми келди.

— Максим Алексеевич,— деди Ҳожихонов,— ишимиз шунақа. Бехато ишлаш қийинлигини мендан яхши биласиз. Лекин нотўғри йўллар ё ўз-ўзидан йўқолади, ё ўзимиз йўқотамиз, шундан кейин ягона тўғри йўл қолади... Мана, зарбоф ўғирларини топдикми? Топдик! «Заргар»ни эса ўзингиз қўлга туширдингизми? Туширдингиз! Демак, битта қаллоб қамайди! Доира торайди... Сиз бўлсангиз, ўзингизча азият чекиб ўтирибсиз. Келинг, бэрига чек қўяйлик! Худо ҳаққи, чек қўядиган пайт келди.

Шу гапдан кейин Харченко ўзини анча қўлга олди. Жиноят қидирув бўлими бошлиғининг янги топшириғини у «Бўри операцияси»даги мағлубиятини кечириш, деб билган ҳолда бажаришга жон-жаҳди билан киришди. Ҳожихонов таҳмин қилганидай, бошқарма картотекасида ва болалар тарбия колонияси архиви делосида «Арқон» лақаби билан фақат битта одам — Кенжа Тўрахўжаев қайд этилган эди.

Тўрахўжаевларникига полковникнинг ўзи Харченко билан биргаликда боришга қарор қилди. Ҳожихоновни бу сафар ҳам ички сезгиси алдамаган эди. Бу сезги йиллар давомида орттирилган, фактларни солиштириш йўли билан вазиятни аниқ баҳолаб, сўнг ё жуда тўғри, ё ҳақиқатга яқин ҳулоса чиқара олиш малакаси эди.

Кенжа уйда йўқ эди. Милиция ходимларининг ташрифи Тўрахўжаевларни хурсанд қилмади. Уй эгаси уларни совуқ қарши олди. Стол атрофида у билан бирга қора сочларини бошига турмакляб олган қиз ҳам ўтирарди.

Ҳожихонов ўзи ва шергини таништирганида, остонада патнис кўтарганича қотиб турган тўладан келган аёл йиғлаб юбораёзди. Қўлидаги патнис титраб, идишлар бир-бирига урилиб секин жирингларди. Афтидан, Кенжанинг опаси бўлса керак, қизнинг кўзларида қўрқув акс этди. Оила бошлиғи эса қизариб-бўзариб, туксиз бошини зўр бериб сочиқча арта бошлади.

— Келишингиз сабабини ҳеч тушунаолмаяпман... Лекин кексалар меҳмон қувонч олиб келади, дейишади,— у кулмоқчи бўлди.— Қани, дастурхонга марҳамат.

Ҳожихонов ва Харченко столга ўтиришиб, уй эгаси қўлидан чой олишди.



— Кошкиди, бизнинг келишимиз сизга қувонч бағишласа,— деди Ҳожихонов.

— Дада, наҳотки Кенжа туфайли келишганини сезмаётган бўлсангиз?!— деди қиз алам билан.

— Турғуной катталарнинг гапига аралашмай, чойни ошхонага чиқиб, онанг билан ич... Биз бу ерда гаплашиб олишимиз керак!

Қиз ўрнидан туриб, меҳмонхонадан чиқиб кетди.

— Ҳа, биз чиндан ҳам ўғлингиз Кенжа масаласида келдик,— деди Ҳожихонов хотиржам оҳангда.

— Нима, у яна бирор нозуя иш қилиб қўйдими?— ҳайратланиб сўради ота сочиқни қўлига олар экан.— Кейинги вақтларда анча қуюлиб қолувди... Шикоятлар ҳам бўлмаётганди...

— Ҳозир у қайда?— қатъий сўради Ҳожихонов.

— Ётоқхонададир-да,— у сочиқни гижимлади.— Яна қайдаям бўларди? Тун бўлса...

— Нега уйда эмас?— гапга аралашди Харченко.

Уй эгаси унга қарамай жавоб берди:

— Узи шу қарорга келган. Ётоқхона ёқиб қолибди... Соғлом маънавий муҳит деганларидай... Ҳозир бу ҳақда газеталарда ҳам кўп ёзишяпти.

— Уйда-чи?— давом этди Харченко.— Ундай муҳит йўқми?

Уй эгаси заҳархандали кулди:

— Меҳмон мезбонга таъна қилмайди, деган гап бор. Сиз эса, йигитча, мезбонга таъна қияласиз...

— Йигитчалик ёшидан аллақачон ўтганмиз...— деди Харченко Ҳожихоновнинг ишорасини пайқаб қолиб, ўзини босди.

— Қайси ётоқхонада? Кенжа қайси корхонада ишлаяпти?— Ҳожихонов мезбондан сўради.

— Уша ишлайдиган жойида... Механика заводида...— деди елка қисиб уй эгаси.

— Яқин-ўртада кўрдингизми уни?— Ҳожихонов уй эгасига тикилди.— Ётоқхонага қачон боргансиз? Анча бўлгандир?

— Нега анча бўларкан?... Ҳарҳолда ўғлим... Узингиз биласиз, ота-она учун ўғил қадрли... Доим кўриб тураман! Фақат ётоқхонага боришимизга у рози эмас. «Кичкина эмасман, заводда ишлайман! Нима, болалар кулги қилишсинми?— дейди. Шунга ҳозирча бормаяпмиз. Кейин докторлик диссертациям яқин...

«Ана энди тўғриси айтдинг!»— хаёлидан ўтказди Ҳожихонов.

Улар Тўрахўжаевларникидан чиқишгач, Ҳожихонов Харченкога завод ва ётоқхонага боришни топширди.

Механика заводи ётоқхонасининг коменданти Харченкога Кенжани бир ойдан бери кўрмаётганлигини айтди.

— Балки яна ота-онасиникида яшаётгандир?— тахмин қилди комендант.— Фақат, ўртоқ майор, ростини айтсам, Кенжа ётоқхонада йўқ маҳалларда энгил нафас оламан.

— Нега энди, шунақа шўхми у?— деб сўради Харченко.

Комендант кўл силтади.

— Шунақаям шўхки, асти қўяверасиз! Бир сўз билан айтганда — газанда!

Заводда ҳам майорга Кенжа тўғрисида бирорта тузук гап айтишмади. Кадрлар бўлимида деярли комендант хотиннинг гапларини сўзма-сўз такрорлашди.

— Бир ой бўлди: уни иш жойида кўрмайман,— деди Кенжа ишлайдиган йиғув цехининг бошлиғи.— Балки яна ота-онасиникидадир?

— Бу қанақаси?— ҳайратланди Харченко.— Ишчингиз бир ой мобайнида ишга келмаса-ю, ётоқхонада ҳам бўлмаса, ҳеч бирингиз унинг қаердалигини билмасангиз! Ахир, у заводда ишлайди-ку, бўшатилмаган-ку?

— Бўшатилмаганининг сабаби,— деди қовоғини солиб цех бошлиғи,— у «тарбияланадиган»лардан... Бошқаси бўлганида, аллақачон паттасини қўлига берган бўлардим! Унга тегиб кўринг-чи, юзлаб ҳимоячи топилади! Шунинг учун ҳам, уни ҳисобот учун ушлаб турибмиз.

— Э, бундай ишлашда сизнинг «тарбияланувчи»нгиз тузалақолмайди,— деди Харченко.

— Биз учун эса, унинг цехда бўлмагани маъқулроқ!— деди қовоғини уйғанича цех бошлиғи.

— Тушунарли,— деди Ҳожихонов Харченконинг сўзларини тинглаб бўлгач.— Демак, Максим Алексеевич, бу ишда четдан ёрдам кутишимиз бефойда.

Эртаси куни яна чақмоқдай хабар келди: 3-Дальний тупигидаги квартирага ўғри тушган, ўша усул.

— Ҳеч бўлмаса чой ичинг!— дея қистади Хадича сахар пайти ишдан қайтган эрини.— Ўзини бир оз аяйди-да, одам деган. Иш экан деб туни-куни бирдай...

— Нима қилай Бошқармадан бир қадам жилиб бўлмаса?... Генерал қидириб қолади.

Хадича бари бир аччиқ чой дамлади. Газда кеча кечқурун пиширилган варақиларни қайта иситиб келди.

— Қийма, гурунчлик... Узингиз яхши кўрадиган. Ей қолинг. Кўзларингиз ичичига тушиб кетибди...

— Қўйсанг-чи! Мунча раҳминг келмаса?! Абдулланинг жаҳли чиқа бошлади.—



Нима, мен шунчалик ачинарли аҳволга тушиб қолибманми? Заиф, бечораларга ачинса бошқа гап. Тўғри, бир оз омадим келмайроқ турибди. Бу вақтинча... Бор, ухла...

— Вой, анави кишини қаранглар!— Хадича эрини эркалагандай бўлиб, ёнига ўтирди.— Яқинда бир китоб ўқидим. Унда офицерлар клубида бўлиб ўтган хотин-қизлар мажлиси тасвирланибди. Унда биттаси туриб: «Биз офицер хотинларигина эмас, балки ҳамнафас — эрларимиз билан бирга хизмат қилувчи ҳамкасблармиз!», дейди. Мана мен ҳам сиз билан бирга хизмат қиялман. Сиз ухламайсиз-ку, мен ухлашим керакми?

Абдулла хотинини биринчи бор кўраётгандай, узоқ тикилиб қолди. Кейин аста бағрига босди.

— Майли, чойингдан қуй. Варақингниям опкелавер,— у овозининг борича гапирмоқчи эди-ю, бошқа хоналарда болалари ухлаётгани эсига тушиб шивирлади.

\* \* \*

Эрталабданоқ генерални министр ҳузурига чақиришди: Москвадагилар ҳам ҳар куни ўша ишнинг оқибатини суриштириб туришади. Генерал қайтганидан кейин ўрталарида кўнгилсиз гап-сўз бўлиши муқаррар. Буни Ҳожихонов билади. Иложи қанча? Ахир, ўғрилар ҳамон қўлга тушмаган, одамларни зор қақшатиб юрибди!

Сафаров уни ўртага чиқариб, қаққайтириб турғизиб кўяди... Ҳожихонов у ёғини тасаввур этишга улгурмади. Навбатчи офицер телефон қилиб қолди. Унинг докладини эшитар-эшитмас Ҳожихоновнинг зардаси қайнади. Кеча кечқурун Қорасувдан бир эркак кишининг мурдаси топилибди. Прокуратурага хабар қилишибди. Жасад ҳозир шаҳар мурдахонасида экан. Чўнтакларидан унинг кимлигини аниқлашга ёрдам берадиган ҳеч нима топилмапти.

— Бу қанақаси?!— Ҳожихонов ўзини босишга қанчалик уринмасин бари бир оғзидан чиққан сўзларни котиба қиз ўтирган қабулхонадан ҳам бемалол эшитса бўлар эди.— Жасад кеча топилса-ю, биз бугун эшитсак?! Бу қанақаси? Биз қаерда ишлаяпмиз?! Милициядами ёки потребкооперациядами?!

Навбатчи район бўлиmidан ахборот кечикиб келганидан ваз қилиб тушунтира бошлаган эди, полковник қулоқ солмай трубкани қўйиб қўйди-да, бақирди:

— Лида,— қабулхона эшиги очилиб останада котиба қиз кўринди.— Невструевни топинг. Тезда пастга тушсин. Машинада кутаман!

Ҳожихонов билан Невструев мурдахонага етиб келишганларида район бўлими, прокуратура, судмедэксперт ходимлари бари йиғилган эди. Ҳаммалари биргаликда зангламайдиган тунука қўпланган стол устида ётган сувга чўкиб ўлган киши жасадни текширишга киришишди. Камзулини ечиб, кўйлагининг энгларини шимаришди. Бир қўлида ханжўрга ўралган илон, бошқа билагида қабрнинг расми-ю, тагига «Не забуду мать родную!» деб ёзиб қўйилган татиуровка.

Невструев қўйин чўнтагидан фотокарточка олиб гоҳ жасадга, гоҳ фотога тикилиб турди-да, полковника берди. Иккови ҳам бир-бирига бош ирғаб қўйишди. Қаршиларида қамоқдан қочган жиноятчиларга ёрдамлашишда гумонсираган Ибодуллиннинг жасади ётарди. Ҳа, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ эди.

Ҳали охиригача улаб битирилмаган тафтиш занжир ҳалқасидан яна бири... энг зарурларидан бири узилди. Полковник шу ҳақда ўйлар экан, бошини ҳам қилганча аста юриб ташқарига чиқди.

Бошқармада генерал йўқ экан. Раиса Степановнанинг айтишича, Сафаров министриликдан кўнғироқ қилиб, у ердан тўғри шаҳар партия комитетига ўтишни айтибди. «Генерални кўп қизартиради», деб кўнғилдан ўтказди Ҳожихонов. Узининг бугун ўртада қаққайиб туриб жавоб бериши унинг олдида ҳали халво.

Полковник Невструевани бошлаб ўз кабинетига кетди.

— Юрий Иванович, илтимос,— деди у ичкарига киришлари билан.— Ибодуллиннинг ҳалокати сабабларини прокуратура билан биргаллашиб аниқланглар. У мастликдан сувга чўкканми ёки қасддан бировлар ташлаганми, жароҳатланганми, сувда қанча вақт ётган, қаердан қаергача оқиб келган, балки бирор жойда шох-шаббага тармашгандир... ипидан игнасигача аниқлаб, албатта хабардор қилинглр.

— Тушундим, Абдулла Ҳожихонович,— дея жавоб қилди катта лейтенант.— Мен ҳам шуни ўйлагандим.

— Жуда сози!— полковник жиринглаётган телефонга қараб юрди.

Невструев жиноят қидирув бўлими бошлиғининг афти-ангоридаги ўзгаришни кўриб, беихтиёр тўхтаб қолди: яна бирор фавқулодда ҳодиса юз бердимикан?

Ҳожихонов қаршисида телефон трубкасини қўлидан қўймай, хомуш турар эди. Сўрамаса ҳам кўриниб турибди, лекин сўрамасдан тура олмади:

— Яна «ЧП»ми?

— Темир йўл бозори маҳалласида биттасининг уйини ўғри урибди,— деди Ҳожихонов унга қарамай. Мен билан юрасизми? Йўқ, қўяқолинг, Ҳалиги топширикни бажаринг. Натижасини менга айтинг.

Жиноятчилар бутун шаҳар милициясини гаранг қилишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишганга ўхшайди. Уй бекаси ҳам, унинг олдида кирган қўшниси ҳам арзигулик, илғари таланглардан айтганларидан ортик, бирор янгилик айтишмади.

...Ташқарида машина тўхтаганини, кейин эшик тақиллаганини эшитишибди. Қўшни хотин кирганида кўча эшик очиқ қолган эканми, уч киши бостириб кирибди. Биттаси ҳарбий кийимда, погонлик, милициядан келдики, тинтув ўтказамиз, дебди... Кейин иккала аёлни уйга қамаб, жон керакми, мол? Жон керак бўлса, қимматбаҳо буюмларинг, пулларингни чиқар, дейишибди пичоқ кўрсатиб. Албатта жон ширин, уй бекаси бармоқларидаги узукларига қадар ўз қўли билан топширибди. Уғрилар кетишартиб, ярим соатгача эшикдан тумшукларингни чиқара кўрманглар, бўлма-са бошларинг кетади, деб дўқ уришибди. «Уй яқинида турган машина мотори гуруллаб жўнаб кетгач, аёллар дир-дир қалтираб ташқарига чиқишибди. Қарашса, ҳеч ким йўқ. Қўшни хотин ҳар қалай тетикроқ экан, тезда эс-ҳушини йиғиб, мўюлишдаги телефон-автоматга чопибди. Милиция чақирибди. Уғриларнинг қиёфалари қандай, аниқ бир нима дейишаолмади. Фақат полковникнинг мўйлови қоп-қора, қуюқ, қолган иккитаси мўйловсиз, соч-соқоллари ҳам унча ўсмаганими...

Генерал бу хабарни анча совуққонлик билан эшитди, Ҳожихонов ўйлаганича бўлиб чиқмади.

— Эшитавериб ўрганиб ҳам қолар экансан, деди у тиши орасидан чиқариб.— Лекин сизлардан пичоққа илинадиган бирор гап эшитиб бўлмаяпти. Қачон?— деди у Ҳожихоновга тик боқиб.— Қачон қўлга тушди, деган дарак эшитаман? Ана шу хабарни фақат бу ердигиларнинг эмас, Москвадагилар ҳам кутишяпти... Маълумингиз бўлсинким, Абдулла Ҳожихонович, министрга Москвадан агар сизларнинг кулларинг етмаётган бўлса, СССР МВДси оператив ходимларини юборишимиз мумкин, дейишибди.

Ҳожихонов икки букилиб қолди. У бир қизарди, бир бўзарди. Ҳар кимда ҳам иззат-нафс бор. «Министр, ахир, юбора қолинглар, ёрдамталабмиз, демагандир?»

— Нима қилайлик? Мундирингиз ҳурмати полковник Ҳожихоновнинг тадбиркор оператив раҳбарлиги остида ўзимизнинг шаҳар жиноят қидирув ходимлари кучи билан, бир йил кейинроқ бўлса-да, жиноятчиларни фош қиламиз, деб жавоб берайликми?— генерал кулиб туриб бигиз суқди.

— Биламан, ўртоқ генерал, бундай тошбақа юришлар учун бошни силамайдилар... ҳар қандай таъна-тасарруф, жазога лойиқман. Шаҳарда шунча вақтдан бери милиция ходимлари номи остида ўғрилар тўдаси бемалол талон-торож қилиб юришса-ю, мундир ҳурмати ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Сиз, ўртоқ генерал, министр билан менинг тўғрида қандай қарор қилсаларинг бош устига, тайёрман!

— Биламан, сизга ишонаман,— деди генерал анча юмшаб.— Ибодуллинни ҳам шериклари ўлдирган деб ўйлайсизми?

— Бир нима дейиш қийин...— Ҳожихонов нафасини ростлаб, гапини давом эттирди:— Иккала ўғрибоши ҳам уй туновчилар. Ҳарченко тили билан айтганда, «домушник»лар. Қўлларини қонга белаш улар учун ноқулай... Бировларнинг уйини ургани учун бир хил модда. Одам ўлдиргани учун бошқа модда... «дор»га тортилиши ҳам мумкин. Бу масаланинг бир томони. Бошқа томондан ёндашилганда, Ибодуллин— уларнинг қочишида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Кочнева— Мартованинг «Алик бетоб», деб телеграмма берган ҳам у, ерости ахлат қувури этагидаги темирпанжарани эгвляб йўл очган ҳам у... Ҳамма далиллар шуни тақозо қилади. Бирор кор-ҳол юз берганда у— жиноятчилардан бири, шунигдек, анави икки қочқинга қарши бош гувоҳ ҳам. Икки фамилияли Лидани фош қила оладиган гувоҳ ҳам аслида у. Шундай бўлгач, Ибодуллин Қораев билан Абрәмяндан чўтал

талаб қилиши ҳам мумкин. Унинг талаби эса ўғриларга жуда ноинсофликка ўхшаб кўринган бўлиши мумкин...

— Энг сўнггисидан бошқа ҳамма асосларингизга қўшилса бўлади,— дея эътироз билдирди генерал.— Улар ўғирликка тушган ҳар бир уйдан беҳисоб улжа ўмаришяпти. Тақсимотда, сиз ўйлаганча, хасислик қилишмаса керак.

— Ҳа, ўғриларнинг айғоқчиси биларон экан,— деб қўйди Ҳожихонов.— Ҳеч адашмай мўлжалга уришяпти. Одамларга ҳайронсан, шунча бойликни нима қилишар экан уйда сақлаб?

Етти-саккиз минг пулни сервант, жавоң тортмасида асрашади-я!

— Ҳеч тушунмайман!

— Тушунишга тушунасиз, Абдулла Ҳожихонович,— дея кулимсиради генерал.— Агар ихтиёр таланганларнинг ўзларида бўлса-ку, индамай қўяқолишар эди-я. Қўшниларига раҳмат, куюнувчан экан, милицияга ўшалар хабар қилишяпти. Пул, бойлик ҳалол йўл билан топилмаган бўлса керакки, ўзлари очикчасига келиб айтишга қўрқишган. Ҳа, майли... Ҳўш, шундай қилиб, Ибодуллинга бундай «ташаккур» билдиришларининг сабаби нима?

— Ҳозирча, Икром Сафарович, Ибодуллиннинг ҳалокати сабабини билмай-миз, фақат тахмин қиламиз. Невструевни кутайлик-чи. Лекин, менимча, ўлимига ичган пайтида ҳаддан ташқари жангари бўлиб кетиши сабаб бўлгандир... Кўкбулоқ аэропортида ўзини қандай тутганини бир эслаб кўринг-а...

— Унча ишонгим келмайди,— дея бош чайқади Сафаров.— Касса олдидаги жанжал, автобусдаги тегажоглиги қочоқларга менинг алоқам йўқ, кўриб турибсизлар-ку, манэ эртдан кечгача ичиб маст бўлиб юрибман, деб ўзини кўрсатиши учун қилинган ҳаракат.

— Шундай бўлиши ҳам мумкин... Бу ҳам тахмин. Аниқ далиллар топиш учун Ҳўжаевга бир-иккита болани қўшиб жўнатдим. Улар исқовуч ит билан бутун Қорасув ёқалаб кезиб чиқишади. Невструев ҳам далиллар қўдириш билан банд.

— Негадир ўринбосаринг — Усмонов кўринмайди. Нима, у ишдан бош тортди-ми?

— Йўғ-э, ўртоқ генерал! Шокир Усмонович бизнинг фикрлаш марказимиз-ку. Болалар нимаики топишса, олиб келиб, ўртага тўкишади. Усмонов ўтириб олиб ўша далилларни солиштиради, боғлайди...

— Улар боғланмаяпти-ку! — генерал найза санчиб олишдан ўзини тия олмади.

— Ҳозирча, тўғри... боғланмайроқ турибди,— Ҳожихоновнинг бўйинга олишдан бошқа иложи қолмаган эди.

\* \* \*

Лекин тезда боғлаш имкониятини берадиган ҳалқа топилди. Невструев топиб келган гап Ибодуллиннинг ҳалокати сабабларини аниқлашга андак зиё сочгандай бўлди. Экспертиза унинг ўлими боиси сув ютишдан, деган хулосага келган.

Экспертиза хулосасини Невструев ўқиб берганида Ҳожихонов афтини буриштирди.

— Лўнда қилиб айтса бўлмас эканми,— дея тўнғиллади.— Ҳа, хайр, давомини ўқи.

— «...Баданидаги алкоголь энг сўнгги босқичга етган».

— Бу ...бадани етарли спиртланган, ортиқча кетмайди, деганларими?

— Худди шундай, ўртоқ полковник! — катта лейтенант хулосани ўқишда давом этди.— «...зўрлик ишлатиб ёлдирилди, дейишга асос берадиган бирор из йўқ. Фақат бармоқлари ва ўнг елкаси кўкарган».

Ҳожихонов ўйлаиб қолди: аниқлашларича, Ибодуллиннинг жасади, тутиб олинган жойгача уч-тўрт километрча оққан. Ҳа, сув тагида узоқ ётмаган. Мажнун-тол шохига тиралиб қолган-у; одамлар кўриб қолиб тортиб олишган.

— Биласанми, Юрий Иванович! — полковникнинг кўзларида нимадир йилт этди. «Ҳа, бу аломат Невструевга таниш: демак бошлиқнинг кўнгли бир нимани сезгани — чувалган қалаванинг учини толгани аниқ». — Ахир, бу ажабтовур салмоқли далил-ку, Лида! — дея чақирди полковник эшикни очиб.— Мен фожейи ҳодиса юз берган жойга кетдим. Усмонов қолади. Жойдан қимирламай ўз иши билан шуғулланаверсин. Кетдик! — деди у катта лейтенантга.— Олдин мурдахонага ўтиб, кейин Қорасувга жўнаймиз.

\* \* \*

— Бугунам, ўртоқ катта лейтенант, Қорасувни бошдан-оёқ кезиб ўлчаб чиқамизми? — дея сўради участковой эрталаб Невструев келиши билан.

— Йўғ-э! — Невструев кулди.— Юр, яхшиси «Боржом» ичамиз.

— Ичсак ичаверамиз-да! — деди участка инспектори Невструевнинг гапи чинми-ёлғонми билолмай.

У озиқ-овқат магазинига биринчи бўлиб кирди. Сотувчи ўзгариб қолганини кўриб ажабланди:

— Анави ёш, юзлари қип-қизил, қорни чиққанроқ ходим қани? — деб сўради.

— Отпусқада... — дея жавоб қилди ҳамкасбининг бутунлай акси, баланд бўйли йигит. У азбаройи озғин бўлганлигидан эгнидаги оқ коржомаси бировники бўлса

керак, шалвираб турарди.— Есентукига кетди. Хомсемиз-да. Путьека оёқ остидан чиқиб қолди... Даволанмоқчи.

— Оғайни, сен медицинадан ҳам хабардормисан дейман-а?— участка инспектори қўл бериб сўрашди.— Яша, билганинг маъқул. Қўл келиб қолади...

— Салом ўртоқ, катта лейтенант!— сотувчи Невструев билан ҳам сўрашди.

— Саломат бўлинг, ўртоқ кичик лейтенант!— Невструев участка инспекторининг биқинига тўртди.— Яхшимисан, Юсуф! Танишинглар!— у лейтенантга янги «савдо ходими»ни танитди.— Жинъят қидирув инспектори, кичик лейтенант Юсуф Хўжаев.

### 13

Ибодуллиннинг охириги марта ичкиликбозлик қилган жойини Ҳожихонов билан Невструев ҳар қалай тез топишди. Унинг сувга қулаган ёки ташланган жойини ҳам экспертларнинг ҳар хил таҳминларидан қатъи назар деярли аниқлашди. Полковник сув бошидан то жасад тўтиланган жойга қадар зах қирғоқдан кўзини узмай, қадам изи борки, тикила-тикила солиштира-солиштира текшириб чиқди.

Невструев эса оралиқни қадамлаб ўлчеди. Полковник бута ёки қамиш тагини тимирскилаб тўхтагундай бўлса, у ҳам тўхтар, ҳисобдан янглишмаслик учун бармоғини букар эди. Полковникнинг пешонасидаги чуқур ажинларга қараб туриб, Невструев унинг ҳозир ҳамма нарсани унутгани, ақл-қуши қўлга илинган ипда, аммо чуваланиб қолган ўрам тугунларини эҳтиёткорона ечиш билан банд эканини аниқлади.

Улар мажнунтол тагига етиб келгунларича, салкам уч километр йўл босишди. Топталган кўкатлар ва зах тупроқда айрим қадам излари яхши сақланган эди. Ҳожихонов бу изларни ўлчамасданоқ таниди. Уша ариқ ёқалаб келган излар. Аммо улардан бири шу ерга келганда йўқолган, нари ўтмаган эди.

— Сенингча, Юрий Иванович, бу излар анави қочқинларники эмасми?— Ҳожихонов катта лейтенантга боқди.

— Йўқ. Абдулла Ҳожихонович,— бош чайқади Невструев.— Хатто Кенжаники ҳам эмас. Кенжа 41-размер, анавилар 42-оёқ кийими кийишади. Манави ахир 44-размер-ку!

— Ундан чиқди яна бир номаълум одам пайдо бўлибди-да?

— Шундай бўлиб чиқади,— қувватлади унинг фикрини катта лейтенант.

— Хўш...— полковник ўйланиб туриб соат милага боқди.— Шу бугун, йўқ, айни дақиқада бизнинг қўлимизда нима далилларимиз бор? Ибодуллин қандайдир номаълум одам билан айш-ишрат қилган. Атрофда бўшаган шишалар кўринмади, демак, сувга ташлашган. Бўлмаса далил бўларди. Манави пиёла синиқлари?... Овора бўлиб кўтариб келишмагандир узоқдан. Газсув автоматидан стакан олган бўлишлари эҳтимолга яқинроқ. Экспертларнинг хулосасига қараганда, қам ичишмаган. Газагига... ушоқ, қолган-қутган нарсалар кўринмайди. Шапка ҳидлаш билан қаноатланишмагандир, ахир? Қолган-қутган нарсаларни сувга отишдимикан? Балки. Лекин изи бўлиши керак-ку? Райко билан оператив-техника бўлими ходимларига машина юбордигизми? Яхши. Яна бир фикр, улар табиат қучоғига сайрга отланишгунча, бирорта ошхонада мириқиб овқатланишган бўлишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас.

— Кочнева — Мартованинг уйида ўтиришгандир, балки!— Невструев ўз таҳминини айтди.— Шундай озиқ-овқат магазинининг рўпарасида.

— Бу гапингиз ҳам тўғри, Юрий Иванович. Барини ҳисобга олиш керак. Бу атрофдаги ошхонаю газакхоналарни барини айланиб чиқиш керак. Ошпазу сотувчилар орасида Ибодуллинни расмига қараб танийдиганлар топилиб қолар. Ёнидаги шеригини ҳам кўрганлар бордир.

— Шундай қиламиз, ўртоқ полковник.

— Қирғоқда мен кўп нарсани пайқадам,— дея ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди Ҳожихонов.— Ибодуллиннинг қотили у жон-жаҳди билан сувдан чиқмоқчи бўлиб, шох-шаббага, қамишга тармашганида тепган. Жасаднинг бармоқларию елкасидаги жароҳатлар шуники... Ибодуллинни барваста одам дедигизми?

— Шундай, Абдулла Ҳожихонович!— Невструев тасдиқлади.— Колониядагилар, аэропортдаги милиционер, почтамтдаги қизлар ҳам уни гавдали киши дейишган эди.

— Демак, полвон полвонга дуч келибди-да... Ҳисобга олиб кўямиз. Ҳа, айтгандай, Қорасув этакроғида қотил қирғоқ бўйлаб бир пой туфли билан чопган. У тепганида Ибодуллин унинг оёғига ёпишган бўлса керак... Мана яланг оёқ излари...— полковник энгашиб ердан сигарет қолдигини олди-да, хидлаб кўрди.— Ҳа, албатта, қотиллик юз берган жойда бусиз иш битар эканми?— полковник сигарета қолдигини катта лейтенантга кўрсатди-да, кителининг ички чўнтагидан салфетка-қоғоз олиб ўрар экан сўзланди:— Наша чекишган. Юрий Иванович, сизам бир нима топдигизми дейман?

Невструев ерга қараганча кетиб борарди. У Қорасув ёқасига тикка кесиб тушган сўқмоқ билан то шудгор қилинган далагача борди-да, кетига қайтди.

— Яна янги из топилди, Абдулла Ҳожихонович!— деди Невструев. У бир оз ҳаяжонлангандай эди.— Пошнаси унча баланд бўлмаган аёл киши туфлисининг изи. Унг пойининг пошнаси яқинда ремонтдан чиққан...

Полковник Невструев толган изни бориб кўрди.

— Райко билан оператив-техника бўлими ходимлари учун ҳам ҳали иш кўп,— деб қўйди полковник қайтиб келгач.— Биласизми, шу изни анави икки ошна базм қурган мажнунтол тагига ҳам кўргандай бўлувдим. Бироқ бу ишга алоқаси йўқ тасодикий издир, деб ўйлагандим. Ахир, сув бўйида кимлар дам олмайди дейсиз.

Кўрайлик-чи, охири нима билан тугаркин. Балки телевидение орқали аҳолига му- рожат этиш зарур бўлар... Кеча бу ёққа йўли тушганлардан бирортаси, эхтимол кўргандир... Арзимагандай туюлган кичкина бир далил ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Менимча, Юрий Иванович, жиноятчилар шу атрофда, юрагим сезиб турибди. Сен нима деб ўйлайсан?

— Мен бўлсам уларнинг қўлга тушишдан қўрқиб, кесакдай гезарган башара- ларини аниқ тасаввур этаяпман.

— Кесакдай гезарган?— полковник тушунмадим, дегандай катта лейтенантга боқди.

— Ҳа, қўрқувдан гезарган, қўллари қалт-қалт титраган!— ишонч билан такрор- лади Невструев.— Улар бир-бирига кеккайишади. Аслида жазо кўзларига кўрин- ганда, мулойим бўлиб қолишади...

— Ахир, колониядан қочишди-ку?— полковник эътироз билдирди.— Бундай қи- лиш учун ҳам юрак ҳерак.

— Қочиш сабабларини аниқ билмаймиз, Абдулла Ҳожихонович, жонларини гаровга тикиб бундай хавфли ишга қўл уришларига нима мажбур қилди экан. Бал- ки колониядаги ўғри ҳамтовоқлари олдида айб иш қилишгандир...

— Балки,— Ҳожихонов қўшилишди.— Ўғрилар олами турган-битгани зулмат ва даҳшатдан иборат. Бугун бирга ичишади, умрининг охиригача содиқ бўлиб қолиш ҳақида қасам ичишади; эртага қарабсизки, худди қашқирдай бир-бирининг гирибо- нидан олишади...

\* \* \*

— Уртоқ полковник!— селекторда навбатчининг овози эшитилди.— Иккита аёл хузурингизга киришмоқчи. Нима қилай?

— Иккита аёл? Шундай вақтда-я?— полковник соатига қараб қўйди. Катта-ки- чик миллар 12 рақами устида турарди.— Ярим кечада-я? Майли, бирорталаринг бошлаб кира қолинглар. Тез!

Эрталабгача тоқат қилолмай келган бу аёлларнинг менда қандай ишлари бор экан, деган ўй билан Ҳожихонов йўлакка чиқди.

— Бу сизмисиз, Марья Федоровна?— Ҳожихонов икки аёлнинг бирини таниб ажабланди. Уша уйини ўғрилар тунаган бека.— Яна бирор кор-ҳол юз бердимми?

Аёлларни қўлтиқлаганча хонасига бошлаб кириб, стул қўйиб берди.

— Биласизми, ўртоқ начальник,— дея шоша-пиша гап бошлади Марья Федоров- на билан келган аёл,— мен сартарошхонада устаман. Отим— Феня, Марья Федо- ровна олдимга келиб турарди. Келмай қолди, касалмасмикан деб, ташвишланиб хабар олгани борсам, аваниндақа гаплар бўлиб ўтибди!..

Дугонаси гапирётганда юзини кафлари билан бекитганча ўтирган Марья Федоровна бошини столга қўйиб, ўкириб йиғлаб юборди.

— Йиғламанг-э, қувониш керак, Марья Федоровна!— дея овулган бўлди Феня- нинг ҳикоясини диққат билан эшитиб ўтирган полковник.— Йўқотган нарсаларингиз- нинг бари ўзингизга қайтади. Ишонаверинг!— Дугонангизга ҳам кўпдан-кўп раҳмат айтасиз!

— Базўр бошлаб келсам-а уни, ўртоқ начальник!— елкасини қисди Феня.— «Вой кўрқаман. Буларни айтсам, улар мени сўйиб кетишади», деб оёғини тираб туриб олса бўладими! Қанор-қопдаги нарсалардан бошқа зеб-зийнатларини ҳам кў- тариб кетишган экан-да.

— Раҳмат, миннатдорчилик билдираман,— дея полковник унинг қўлини қисар- ди.— Исми шарифингиз?

— Сиз ҳам Феня деб қақираверинг,— у кулиб қўл слтади.

— Янглишмаяпсизми?— такрор сўради полковник.— Бари аниқми?

— Нега янглишар эканман, ўртоқ начальник?— Феня бир оз ачиққангандай ҳам бўлди.— Мен мижозларимнинг зеб-зийнатларини ўзимникидан ҳам яхшироқ би- ламан. Марья Федоровнаникини бўлса, гапирмасаям бўлади. Неча марта билагузу- гу бўйинга тақадиган тақинчоқларини тақиб ҳам кўрганман... Уша! Бекордан-бекор- га сизнинг бошингизни айлантирармидим!

— Анави сотмоқчи бўлгани ҳам илгари кўрганман, дедингизми?

— У лаънатиними? Кўрганман! Бироқ қаерда кўрганимни ҳеч эслолмапман!

— Қўлидаги чамадон эмас, портфель ҳам эмас, чарм қути, шундайми?— Ҳожихо- нов аниқлашга ҳаракат қилди.

— Ҳа, қопқоғи иккита зулфин билан бекитилади, чамадонга ўхшаб.

— Ҳозир, андак сабр қилинг!— полковник телефонга томон бораётиб сўз- ланди.— Навбатчи, эксперт шу ердами? Илтимос, уни менинг олдимга юборинг. Ас- поблари билан келсин.

Кўп ўтмай останада елкасига чарм қутича осган милиция кийимидаги киши кўринди. Ҳожихонов унинг честь беришига эътибор бермай, елкасидаги қутичага ёпишди.

— Мана шундай қутичами?— дея Феняга кўрсатди.— Ухшашми?

— Жуда! Худди шундай! Қимматбаҳо буюмларни олиб юриш учун чиқарилган- дай!— дея хитоб қилди Феня.

— Бу ниманинг қутичаси, биласизми?— Ҳожихонов кулди.— Фотоаппаратники! Феня пёшонасига турс этказиб урди-да:

— Эсладим!— дея бақириб юборди.— У фотограф-ку! У ё театр олдида ёки кўлда ишлайди!

— Ишимиз ўнгидан келаётганини кўряпсизми, азиз аёллар!— дея уларга миннатдорчилик билдирди полковник. Лекин бу ишни бугуноқ охирига етказишимиз керак! Бир кеча уйқудан қолишга розимисизлар? Бу жуда муҳим. Бизга сизларнинг ёрдамларинг керак.

— Бир ҳафта десангиз ҳам ухламаймиз!— дея кескин жавоб қилди Феня.— Маша, сен-чи?

— Мен туфайли-ку, бу гаплар...— деди Марья Федоровна кўзини арта туриб.— Сўраб нима қиласизлар? Нима керак бўлса, барини қиламан...

— Невструевмисиз?— телефон қилиб сўради полковник.— Хайрли тун десамми ёки хайрли эрта, билиб бўлмайди... Зудлик билан фотокомбинат директорининг адресини аниқла, меҳмонга борамиз! Кейин менинг олдимга кел!

...Фотокомбинат директори кекса, хомсемизроқ киши Ҳожихонов билан Невструев ўниқига таширф буюрганига, албатта, доддираб қолди. Уйқусираб нима гапларига ақли етмади. Фақат хотинининг кўмагида кутилмаган тунги меҳмонлар ким ва мақсадлари нима эканини англагачина чехраси очилди. Уларни кадрлар бўлими бошлигининг уйига ўзи бошлаб борди.

Бошига тушган аҳвол яна такрорланмаслиги учун ҳамроҳларини ташқарида қолдирди.

Албатта, уни уйқотиш, тушунтириш, кийинтириб идорага олиб бориш учун анча вақт кетди. Униси ҳам майли-ку, Ҳожихонов комбинат ходимларининг делолари партия-партишмасмикан, деб кўрққан эди, йўқ, бари жойида экан. Кадрлар бўлимининг бошлиғи унинг олдига батартиб тузилган делоларни тахлаб қўйди.

Полковник Феня тасвирлаб берган одамнинг қиёфасини аниқ тасаввур эта олгани учун ҳам фотосуратлардан ёш, қирмизи юз эканликлари кўриниб турган усталарнинг делоларини тез-тез ўқиб ҳам ўтирмай, бир четга қўйиб, шу кечасиёқ қўлга олиш керак бўлган одамнинг делосини кидира бошлади. Ниҳоят:

— Шуми?— дея у шахсий варақа четига фотосурат ёпиштирилган делони Феняга кўрсатди. У бир фотога, бир полковникка қараб:

— Қандай билдингиз, ўртоқ начальник?— дея ажабланди.— Уни танирмидингиз?

— Демак, шу экан-да?

Феня тасдиқлаб бош ирғади.

— Шу! Шу, ўртоқ полковник! Ўзининг чарм кутисини ушлаган ҳолатда, ҳалиям шундай кўз ўнгимда турибди.

Полковникнинг қўлидаги шахсий дело папкасини бир четга қўйиб, қолганларини кадрлар бўлими бошлиғи олдига сурди.

— Раҳмат, катта раҳмат!— у, комбинат директори, кадрлар бўлими бошлиғининг қўлларини қаттиқ қисди.— Узр, сизларни кечаси безовта қилдик... Шароит шундоқ бўлиб қолди... Агар қидирувни кечиктирсак, жиноятчи жиноят изини йўқотиши мумкин. Жуда катта ёрдам бердинглар! Яна қайта узр!

— Йўғ-э, ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас... Узрингиз нимаси... керак бўлгандан кейин...— фотокомбинат бошлиқлари безовталиқни кўнгилларидан чиқариб ташлаб, самимий хайрлашишди.

Ҳожихонов билан Невструев аёлларни уй-уйига кузатиб қўйди.

\* \* \*

Феняга қимматбаҳо зеб-зийнатлар кўрсатган сураткашнинг эшик очиши анча қийин бўлди. Кўп савол-жавоблардан кейингина илгак сўғурилди.

— Хатолик ўтганга ўхшайди,— деди у хосхоналаридан ич кийимда, сочлари хурпайганча чиқиб келган хотинига.

— Бу сафар ҳеч қандай хатоликка йўл қўйилмади,— дея жиддий боқди уларга Ҳожихонов.— Биз сиздан ўша қимматбаҳо зеб-зийнатларни сотиб олгани келдик... Балдоқ, билгазузук-соат ва бошқа буюмларни... Мабодо ёқса...

— Э-э, шу мақсаддами? Шунанга демасизми! Лекин у буюмлар меники эмас. Менга сотиб бер деб беришганди... Эгасига учранглар! Ундақа буюмлар менда нима қилсин? Ишлаб Розага бозор-учарига етарли пўл топиб келиб турсам ҳам катта гап,— уй эгаси ранги ўчганча қаққайиб турган хотинига қараб қўйди.

— Сиздан бир нарсани сўрасак бўладими?— деди полковник мулоимгина.

— «Сўрасак бўладими» дейишларини қаранглар!— уй эгаси елкасини қисди.— Эшитяпсанми, Роза? У киши мендан руҳсат сўраптилар! Гўё анави погонлар у кишининг елкаларида эмас, менинг елкаларимда. Сўрай қолинг! Худо ҳаққи, сўранг! Ниманики билсам бари сизга бахшида!

— Мен эгасини билмоқчи эдим,— Ҳожихонов кинояга киноя билан жавоб қилди.— Нарх-навосини келишиб олиш учун қаерда учрасак бўлади?

— Мендан қаерда, деб сўраяпсизми?— маънос сўлиш олди уй эгаси.— Қаердалигини биллади, деб ўйлайсизми мени?

— Менимча, биласиз,— ишонч билан жавоб қилди Ҳожихонов.— Буёққа қаранг, мен боғдан келсам, сиз тоғдан келасиз. Бунақа бекинмачоқ ўйнашдан натижа чиқмайди. Икковимиз ҳам ёш бола эмасмиз. Бир-биримизни яхши тушуниб турибмиз. Шундай бўлгач, айлантиришининг нима кераги бор? Бир битимга келамиз-ку,— полковник унинг кўзига тикилганча жилмайди.

Уй эгаси яна чуқур сўлиш олди.

— Сўранг.

— Ўша ўзингиз билган савол: қимматбаҳо, буюмларнинг «эгаси» ким?

— Агёр билсам эдим, агёр билсам эдим, Роза, бундай ноқулай аҳволга тушиб қолишимни билганимда-чи, одамларга зеб-зийнатлар таклиф қилиш ўрнига фото-

аппарат қаршисида чақчақлашиб кулиб туринглар, деган бўлардим! Ушга сиз қизиқаётган буюмларни қанчаданга пуллаш кераклигини сиз биласизми, ўртоқ полковник?

— Бизни баҳосимас, эгаси қизиқтиради!— дея сўзини кесди Ҳожихонов.

— Агар эгаси қаерда туришини билганимда аллақачон бошлаб борган бўлардим!

— Яхши!— деди полковник.— Сот деб берилганларда яна нималар бор.

— Нима, у менинг бошлиғимидики буюрадиган? У мендан илтимос қилишигина мумкин. Роза бўлсам сотаман, бўлмасам йўқ!

— Яна қандай зеб-зийнатлар бор қўлингизда?

— Худо ҳаққи!— сураткаш қасам ичгандай кўкка қўл чўзди.— Бошқа ҳеч нима йўқ. Еруғ жаҳонни кўрмай агар бўлса!

— Ўзларинг тинтинглар, демоқчимисиз?— Ҳожихонов унга тикилди.— Тинтув ўтказайликми?

— Роза, эшитяпсанми!— уй эгаси елкасидан шолрўмоли тушиб кетганини ҳам пайқамай, бир чеккада қаққайганча турган хотинига мурожаат этди.— Шундақа кунга қолдик, эшитяпсанми? Уйимизни тинтишмоқчи! Ҳеч қандай қарор-парорсиз!

— Бор, ташвишланманг!— полковник уни тинчлантирди.— Нима қилайлик? Бошлайверайликми?

— Марҳамат, буюринг!— сураткаш иложим қанча дегандай қўлини ёзди.

— Яхши! Ишондик... Лекин ҳозирча сиз билан фотоательенгизга борамиз. Хотинингиз ёлғиз ўзи қўрқмаслиги учун у киши билан бирга бу ерда ўртоқлар қолишади. Юрий Иванович,— Ҳожихонов Невструёвга мурожаат этди.— Машина юбориб, ёрдамчингизни олдинг.

Кўп кутишга тўғри келмади. Ташқарида деразадан таниш «Волга» кўриниши ҳамон полковник сураткаш билан пешвоз чиқишди. Уй бекаси ўз тилида нималардир деганча қолди.

Сураткаш ателье эшиги, сигнализация ва кулф-калит билан овора экан, полковник Невструевнинг ёрдамчиси Ҳўжаевга иш буюрди:

— Машинада темир йўл транспорти институти ётоқхонасига боринг-да, халқ дружинаси аъзоларидан учтасини олиб келинг.

Орадан ярим соат ҳам ўтмай машина қайтиб келди. Кичик лейтенант Юсуф Ҳўжаев бошчилигида учта студент ательега кириб борганларида қуюқ қошлари пахта ёпиштирилгандай оппоқ қушбурун сураткаш бурчакдаги қора креслода бе-шафқат тақдирнинг зарбаларига тоб беришдан бўлак иложинг қанча, дегандай бир қиёфада хомуш ўтирарди. Уртада, шундай чироқ тагида турган Ҳожихонов эса чуқур ўйга толган, шу туришида қандайдир жумбоқни ечиш билан банд одамга ўхшаб кўринар эди.

— Бу ерда ҳам ҳеч нарса йўқ, денг?— Ҳожихонов бошини кўтариб, хира ёритилган хонага назар ташлади.

Сураткаш эски креслога қунишиб, баттароқ чўкди.

— Сиз, балки бугунги учрашувимиздан эсдалик сифатида бизни суратга оларсиз?— полковник сураткашнинг рўпарасида тўхтади.— Хўш... Тушунарли,— у сураткашдан кўзини узмай, оғир уч оёқ устидаги каттакон фотоаппаратга яқинлашди. Ақлини таниганидан бери мана шундай фотоускуналарда расм олиб юрган одамдай, уни ўрнатариб, гармондай аппарат ичидан бир тугунча олди. Яна қўл суқиб, иккинчи, учинчи тугунчани олди. Очмаса ҳам бармоқлари буларнинг ичида нима яширинганини сезибди.

— Сиз бир нима демоқчи эдингиз, шекилли?— дея Ҳожихонов сураткаш рўпарасига келди. У эса бўлар иш бўлди дегандай, қўл силтади.

— Энди барини айтиб бераман...

— Ҳа, бу бошқа гап. Илгарироқ бошлаш керак эди...— полковник нурқайтаргич оқ парда ёнидаги курсига ўтирди. Унинг қиёфаси бу пайт ҳолдан толган одам ҳолатига кирган.

\* \* \*

— Уғлим, қатиғинг яхшими ё кечагими?— тўладан келган, кекса аёл сотувчидан сўради.

— Янги, Катя хола!— деди сотувчининг ўрнига харид қилган нарсаларини тўр халтага солаётган йигит.— Бугунги ҳам эмас, эртаги. Шишанинг оғзидаги қопқоққа босилган тамғага қаранг!

— Ҳой, Игормисан? Яхшимисан, артист! Чиндан ҳам эртаги число! Бу сутза-воддагилар бизни аҳмоқ қилишмоқчи, шекилли!

— Аҳмоқ қилишмоқчимас, Катя хола,— деб кулди Игорь.— Улар шунчаки биздан бир кун олдин яшадади, Лекин айтинг-чи, мени нега артист дедингиз? Ёки ҳамма ҳам бу дунёда жиндак артист, деб ўйлайсизми?

— Бошқаларнинг бунга нима алоқаси бор?— тўладан келган аёл эътироз билдирди.— Мен бошқалар артистлик қиладими-йўқми билмайман. Фақат сени биламан... Чунки холанг марҳум Петямнинг ҳарбийча кийимларини сўраб кирганида: «Игорга керак экан. Қандайдир пьесани байрамга қўйишармиш», деган эди. Сен қандайдир қаҳрамон қомандирнинг ролини ўйнар экансан-ку?!

Йигит аёлга ҳайрон бўлиб қараб қолди.

— Ё сиз, ё менинг холам ниманидир чалкаштириб юборган бўлсаларинг керак. Ҳа, холам... илгариям пайқагандай бўлгандим... Гаплари ғалатиноқ туюлган-ди-я...

Қулоқ солиб туриб Катя хола ҳам ажабланди.

— Нима Петямнинг ҳарбийча кийимларини сенга бермовдимми? Холангни яқин ўртада кўрганмидинг?



— Бир ойдан ҳам ошиб кетди! Ҳар ким ўзи билан ўзи овора...

Катя хола бош чайқади:

— Балки мен чалкаштириб юборгандирман... Ёшям ҳам анчага бориб қолди. Петя амакингнинг вафотидан кейин...— унинг овози титраб йиғламсиради,— чинимни айтсам, эсим қирарли-чиқарли бўлиб қолган. Қанча йил бирга яшади! Бутун уруш давомида фронтда бўлди, жангдан эсон-омон қайтди. Аллақандай бўлмағур бир тарвуздан кетди-ворди! Айт-чи, чидаб бўладими? Шундақа, Игорь, чалкаштириш ҳам гапми. Бундақада ақлдан озиш ҳам мумкин.

— Сиз кефир олмоқчимисиз ёки қатиқ?— сотувчи мулојимлик билан сўради.— Сизнинг танишингиз, онажон, тўғри айтди, бизда бари янги!

— Унда, ўғлим, икки шиша унисидан, икки шиша бунисидан ҳам бер.

14

Оператив группа деярли тўла составда ярим тунда Ҳожихонов кабинетиде тўпланди. Кейинги вақтда бундай йиғилишлар деярли одат тусига кирган эди.

Полковник мажлисга хулоса ясади:

— Фотограф билан зеб-зийнатлар «хўжайини»нинг учрашуви...— дея аста гап бошлади у,— индига кечқурунга белгиланган... Шундай қилиб ихтиёримизда яна икки кун бор. Ҳозиргача тўқиган тўримиш деярли тайёр. Лекин уни сувга ташлаб ов қилишга кириша олмаимиз: чунки пишиқ боғланмаган жойлари бор, катта ба-лиқ чиқиб кетиши мумкин. Аммо илгаригидай бемалол ҳаракат қилишга ҳам ортиқ-ча вақтимиз йўқ. Ҳаммаларини бирдан қўлга туширишимиз керак. Оч бўрилар га-ласидан бирортаси омон қолса ҳам қанчалик зиён-заҳмат етказишини ўзларинг ях-ши биласизлар. Қўрага қамалган бўри ҳатто айрига ҳам ташланармиш. Биз ўшан-дай ваҳшиёна ташланишни даф қилишимиз керак...

— Рухсат этинг, ўртоқ полковник,— остонада терлаб-бўғриқиб кетган кичик лейтенант Юсуф Хўжаев турарди.

— Кириш, ўтириш,— дея таклиф қилди полковник.

Аммо Юсуф ўтирмади. Полковникка шошганча яқинлашиб, бир парча қоғоз берди.

— Нима бу?— Ҳожихонов қўлидаги қоғозга қаради.

— Кочнева — Мартованинг адреси...— дея жавоб қилди кичик лейтенант.

\* \* \*

Деразалар полга теккудек узун, тўқ новвотранг қалин матодан тикилган дар-пардалар билан беркитилган, девор эса ярим метр қалинликдаги бетон қуймалар-дан тикланган бўлишига қарамай, у мана неча кундирки, юпқа ойнабанд равонда қипяланғоч юргандай сезади ўзини. Атрофга назар ташлаб қўйиб, эгнидаги кийи-мини тузатди... Жунжикқандай елкаларини қисди. Қўли тегиб кетдими, столдаги ли-коплар жаранглади. Қўлоғи тагида эса гўристон черкови кўнғирогининг жарангидай шовқин. Тезроқ келақолишса эди йигитлар. Улар ёнингда бўлишса ҳеч нимадан кўрқмайсан, ичинга ичкилик киргандан кейин кайфинг ҳам кўтарилади. Эри... Ҳа-ҳ, эр бўлиб эр эмас, ўйнаш бўлиб ўйнаш эмас, ҳа-ҳ! Уша айтмоқчи, уларсизоқ «ярим-тани отиб олсан» қандоқ бўларкин? Болалар ишларини тезроқ басарлашсади. Дунёнинг у чеккасига бўлса-да, кетиб, бежавотирроқ яшашнинг илжои топи-лармикан?..

Столга учта фужер қўйса-чи? Кўп келишса, сервантдан олиб қўяқолади.

Лекин томоғи тақиллаб борапти. Озгина ичмаса бўлмайди.

Зарҳал тикинни усталик билан бураб очди-ю, шишани фужерга тиқиб тўнкар-ди ва арақ гулдор дастурхонга тошиб тўкилмагунча қуяверди. Ҳўллаб-ҳўллаб ичди, вилка билан бир тўғрам тузланган бодрингни санчиб, энди оғзига олиб келган ҳам эдики, эшик аста тақиллади.

Худога шукр, болалар келишди, алвидо, ёлғизлик ва мубҳам хаёллар! У эшик-ни очди-ю, айтмоқчи бўлган сўзлари оғзида қолди. Оёқларидан мадор кетди. Ор-қага тисарилиб, қўли билан стул суюнчиғидан тутди. Бироқ бўшашиб гилам тўшал-ган диванга қулади.

— Қайтадан «Кутишмаган эди...» деган сурат чизса ҳам бўларкан. Нима дей-сан, катта лейтенант?— полковник Ҳожихонов кетма-кет кириб келган Невструевга имо қилди.

— Кутишга кутишган-а, фақат бизнимас, ўртоқ полковник!— катта лейтенант ясатиғли турган столга ишора қилди.

У, полковник катта лейтенант деб мурожаат этган фуқароча кийимдаги йигит-га бакрайганча қараб қолди. Уни муюлишдаги озиқ-овқат магазини олдида... аниқ ўша ерда учратган... ўшандаёқ шубҳали одамга ўхшаб туюлган эди. «Изига тушган бўлса-чи?» Уша учрашув бежиз эмаслигини, тезроқ кўздан ғойиб бўлиши керакли-гини юраги сезган эди-я! Афсус, улгурмади...

— Ахири топдингизми?...— дея алам ва нафрат тўла кўзларини Невструевга қадади.

— Бошқача бўлишим мумкинми?— деди биринчи бўлиб ичкари кирган буғ-дойранг чорпахил киши. У столга яқинлашиб сўради:— Уч кишига мўлжалланган базм дастурхони муҳайё... Учинчи киши ким? «Арқон»ми?

— Буниям биласизларми?— дея қўрқа-писа пичирлади. Чунки ҳозироқ олиб кетишда, олиб кетишгандаям кўтариб ёки оёқ-қўлидан судраб юмалатганча олиб кетишда (ахир, ўзи юра олмайди-ку), буни ҳали ухлашмаган кўни-қўшнилар кў-ришади-да, йил-ўн икки ой гап-сўз қилишади, деб ўйлади титраб-қақшаб.

Яна эшик тақиллади. У сапчиб турмаса ҳам секин турмоқчи эди, ammo оёқлари ўзидан-ўзи букилиб кетаверди.

— Қимирламанг!— дея буюрди Ҳожихонов.— Кўришишга кўришасиз, бари бир...

Эшик очилди. Дупур эшитилди, Ҳожихонов эшик пардани шир этиб очиб юборди-да, ғира-шира даҳлизда турганларга:

— Кираверинглар, ўз уйларинг...— дея таклиф қилди.

Эшик парда ортида турган чўнтагига қўл солган ҳам эдики, шартта йиқитиб қўлини орқасига қайиришди.

Полковник унинг тепасига энгашиди-да, бошини кўтариб:

— «Арқон» қани?!— деди Невструевга.

— Эшитмаяпсизми тапир-тупурни?— деди киноя билан ерда ётган.

— Наҳотки?!— полковник эшикка чопиб чиқиб кетаётиб, катта лейтенантга буюрди:— Буларга кўз-қулоқ бўлинг!

Тапир-тупур оёқ товушлари узоқлашгандан-узоқлашарди. «Тўхта, отаман!» деган ҳайқириқ. Пақ-пақ этган тўппонча овози.

— «Арқон»ни қўлдан чиқардик... Яна бошдан бошлаш керак... Операцияда лапашанглик қилиб бўлар эканми?— Ҳожихонов орқага қайтаётиб йигитларни койиди. Ичкарига киргач, ҳамон полда юмалаб ётган жиноятчи билан диванда қимир этмай ўтирган Коचेва— Мартовага ишора қилиб, Невструевга буюрди:— Ҳар қайсисини алоҳида-алоҳида машинада бошқармага олиб боринглар. Мен Ҳарченконинг олдига кетдим. У ерда ҳам панд беришган бўлишмасин мабодо!

\* \* \*

...Жигаранг дермантин билан қопланган эшик олдида Ҳарченко Райкога «бошлаймизми?» дегандай қараб қўйди. У бош ирғаши билан электр-кўнғироқ тугмачасини босди.

Ичкаридан қиз боланинг овози эшитилди:

— Кимсиз?

— Шошилинч телеграмма!— дея жавоб қилди Райко.— Марҳамат, олиб қўл кўяқолсангиз.

— Менинг «қария»ларимдан бўлса керак... Телеграмма олиб келишди,— ичкаридан ўша қиз боланинг кимгадир гапиргани-ю, кулфнинг шиқирлаб, занжирнинг туширилгани эшитилди.

— Четланинг, Галина Алексеевна,— дея шипшиди Ҳарченко ва орқароқда турган ходимларга «кетимдан» дегандай ишора қилди-да, ўзини эшикка ўрди.

— Бу нимаси?! Кимсизлар?!

Ҳарченко эйтибор, этмай, уни деворга қисиб олдинга интилди.

— Э-ҳа, Рая сартарош ҳам шу ерда-ку!— деди у оққа мойил малла сочлари кўнғироқ-кўнғироқ жувонга назари тушиб. Ҳа, Ҳарченко бу жувон тўғрисида эшитган, уни ғойибона билар, ammo биринчи юзма-юз келиши эди.— Яна кимлар бор? Йигитлар тезда хоналарни текширинглар!

— Бошқа ҳеч ким йўқ...— деди Люда сартарош бидирлаб. Унинг афти-башараси бу пайт кимёвий бўёқлар билан рангсизлантирилган сочларидай сарғайиб кетган эди.— Бу уйнинг хўжайини Галя. Ундан рухсат сўраш керак.

— Галина Дмитриевна!— Ҳарченко ёш уй бекасини чақирди.— Илтимос, бўёққа келинг. Ҳали даҳлизда, деворга қапишганча қолган Галя ичкари кириб, эшик кесақисига суянди.

— Хонагизда яна кимлар бор? Қаерга яширинишган?

— Бошқа ҳеч ким йўқ... Кимни қидираяпсиз?

— Ҳеч ким йўқ?— Ҳарченконинг жаҳли чиқди. У стол устидаги кулдонга назари тушиб сўради:

— Анави сигарета қолдиқлари кимдан қолган?

— Биз...— дея пичирлади Галя.— Люда икковимизники...

— Тўғри, сизлар чеккан қолдиқларда помада изи бор, манави бўёқ юкмаганларни ким чеккан?

Галя нима дейишини билмай лабини бурди.

— Сиз билмасангиз, мен биламан!— Ҳарченко шундай деди-да, деразага тутилган бахмал пардани шартта очиб юборди.

Ойна чуқурчасига тиқилганча, деярли қипяланғоч бир киши турарди. Дераза очилса тамом... Ҳарченко сапчиб, уни қўлидан тутди.

— Парашўтсиз тавсия этмасдим... Ҳар қалай учинчи қаватдасиз. Пастда ҳам пойлаб турганлар кўп...

Майор силтаб пастга тортганида, ҳалиги яланғоч одамнинг қандайдир оппоқ бир нарчаси тақ этиб полга тушди-ю, стол тагига юмалади.

— Безагингизни кўтаринг!— деб буюрди Ҳарченко.— Олиб столга қўйинг!

Энкайди, тўнқайди. Майорнинг айтганини қилди. Ясама суяк тишлар экан.

— Кувёв тўрағиям хўб топган экансиз, Галина Дмитриевна!— деди Ҳарченко киноя билан.— Илгария кўрганмидингиз? Кўрмаган бўлсангиз, кўриб қолинг! Чиройи бир дунё! Сал қалтираброқ турибди... Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади.

Галя беихтиёр қараб қолди: қаршисида сочлари оппоқ оқарган, ясама тишлари оғзидан тушиб кетганига ўроқ бурни энгагига теккундек бўлиб, кампирдаҳан бир чол турарди. Уни одам қилиб турган ясама тишлари-ю, кийимлари экан. Бироқ қордай оппоқ пароходда Галянинг ўзидай сарвақад хурмо дарахтлари соя солган тилла кумли денгиз қирғоқларига, Парижга саёҳат нима бўлади. Демак, бари

рўё! Энди ресторанларда ўтиришлар, тунги базмлар ҳам, ҳатто қўллари, бўйинларидоги безакларини кўрганда ичи куядиган Паша холанинг ҳасад билан боқишлари ҳам тугайди. Бари барҳам ейди. Узи бўлса кўзига кум тўлгандай ор-номусидан айрилиб, кўпчилик олдиди шармандаи шармисор бўлиб, умр бўйи ота-онасининг таънаю дашномларини эшитиб қолаверади.

— Йўқ! Йўқ!!!— дея чинқирди Галя. У шу биргина сўздан бўлак барча сўзларни, бир неча дақиқа олдин озгидан маржондай тизилиб чиқаётган гапларнинг ҳамма-ҳаммасини унутган эди. Унинг роҳат ва фароғатда яшашга оид юракни қитқловчи орзулари бари анави даҳшатли чақирилмаган меҳмонлар келгунларига қадар собиқ куёви ерга отиб синдирган чинни товоқчадай чилпарчин бўлиб тирқираб кетди...

\* \* \*

— Уртоқ катта лейтенант!— дея Невструевга мурожаат этди операцияни амалга оширган гуруҳ иштирокчиси сержант.— Жиноятчиларни машиналарга ўтказайликми?

— Бир дақиқа сабр қилинг...— Невструев қўлидаги эркаклар оёқ кийимини... у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрар экан, Кочнева — Мартовага мурожаат этди.— Бу қирқ тўртинчи размер туфли кимники?

— Почтамники,— дея тўнғиллади у.

— Демак, «Бўри» ўзининг халоскори Ибодуллинни сувга чўктириб ўлдирганида унинг оёқ кийимидан фойдаланган экан-да?

— Мен ҳеч нарса билмайман! Билмайман! У ерда бўлмаганман!— кўкқисдан бақириб юборди Кочнева — Мартова. Алик ўлдирмаган! Алик атиги ўзини татардан Ҳимоя қилди, холос!

— Ким ўлдирганию ким Ҳимоялангани тергов-тафтишда маълум бўлади! Невструев унинг сўзини бўлиб, столда турган балдоқли пиёлани чертиб қўйди.— Опангизнинг сервисидан битта идишга зиёнларинг тегибди-да, а? Синиқлари Қорасув ёқасида ётибди... Уни сиз олиб боргандирсиз?

— Сизларни кўрага кўзим йўқ! Нафратланаман!— Кочнева — Мартова шаллақилик қилишга тушди.— Бир сўз ҳам эшитолмайсиз мендан! Айтмайман!

— Бизлар ва шаҳар аҳолисининг сиз ва сизнинг разил жинояткор галангиздан нафратланишга асосимиз бор! Лекин биз сизга ўхшаб додламаймиз. Бир оғиз айтмаслигингизга келсак, эртага маълум бўлади. Воз кечасиз! Сизга ўхшаганлар жиний жавобгарликдан қутулиб қолиш учуноқ бир-бирингга тўнкаб, бир-бирингни чўктира бошлайсизлар... Ибодуллинни нега чўктирдийлар? Ундан қутулмоқчи бўлганларининг сабаби нима? Абрамян билан Қораевни колониядан чиқариб олган сиз билан у эмасми, ахир?

— Ичгадда ёмон бўлиб кетади... Баримизни сотиб қўйиши мумкин. Дўқ урдиям...— дея Кочнева — Мартова тўнғиллади.

— Шунинг учун ҳам «халоскор»дан тезроқ қутула қолдинглар? Шундайми?— кинояли жилмайди Невструев.— Ана, сизнинг «бир сўз ҳам эшитмайсиз» деб ичган қасамингизнинг қиммати! Шунинг учун ҳам, мен сизга терговда фақат ҳақиқатни айтишингизни маслаҳат берардим. Чунки сизнинг қилган жиноятингиз ниҳоятда оғир. Сержант!— дея чақирди Невструев.— Ёнингизга яна бир одам олинг-да, эрталабга-ча шу ерда қолинг. Ҳеч нимага тегманглар.

— Ахир... ўртоқ катта лейтенант!— сержант азбаройи хафа бўлганидан қизариб кетди...— Ахир, биз нима?..

— Мени тўғри тушунамбасиз, сержант!— Невструев уни тинчлантиришга ҳаракат қилди.— Оператив ва терговчи ходимлар ҳали бу ерда тинтув-текширув ўтказишади. Сизлар ўз изларинг билан уларни чалкаштирмаслик учун хонада кам юриб, у-бу нарсаларга кам қўл тегизинглар демоқчиман. Ўғриллар галасининг бу учрашув жойларида ҳали очилмаган кўп сир бор. Сиз, Кочнева — Мартова, опангизнинг адресини беринг...

— Унинг адреси стол лампаси тагида,— лоқайдлик билан жавоб қилди у.

\* \* \*

...У тепасига «Фотоателье» деб дабдабали қилиб ёзиб қўйилган ҳўримсизгина бинога етмай, муюлишдан бериди машинадан тушди. Ательенинг эшиги очиқ бўлиб, бу томондаги қаноти деворга қоқилган миҳга, илгари келишилгандай, қизил латта билан боғлаб қўйилганини пайқайди-ю, жонга теккан ишга қўл уриши керак бўлган одамдай, бамайлихотир қадам ташлаб бораверди. Сураткаш, ана, кўчага қараган дераза олдиде ўтирибди. «Демак, ҳамма нарса ёғдан қил суғиргандай силлиққина битибди». У қадамини тезлатди.

— Ҳа, қария, ишлар жойидами?— деди у сўрашиш ўрнига ичкари кирибоқ.— Олганларингни чайқадингми?

Сураткаш ух тортиб бошини қаттиқ силкитганда, оппоқ оқарган сочлари ҳурпайиб кетди.

— Ишлар жойида десак ҳам, демасак ҳам бўлади... Буни мендан кўра анавилар яхши билишади. Улардан сўра!— деди-да, сураткаш, одатда, қассеталар алмаштириладиган қоронги ҳужрага, ишора қилди. Кўчадан кирган киши шахт билан қайрилганида кулранг костюмли икки кишига назари тушди.

— Бизнинг шахсий ишимизга уларнинг нима алоқаси бор?— деди у андак довдираб. Шунда унинг қорамтир юзи баттар тундлашиб кетди. Аммо у яна ўзини

кўлга олди.— Майли, қария, бошқа вақт кирақоларман!— деди у дўстона бир қиёфада, ҳатто фотографнинг елкасига қоқиб ҳам қўйди.— Омон бўл, қария, йўталигинг арисин! Хайр!

— Нега шошиласиз? Борарсиз,— кўлранг костюмли елкадор киши унга яқинлашди.— Кўпдан сиз билан танишмоқчи эдим... Тўғрироғи, кўпчиликка алоқадор иш юзасидан... Сиз бўлсангиз, шошилинич жўнаб қолмоқчисиз! Танишайлик, полковник Ҳожихонов!

— Уртоқ полковник! Сизнинг овозангизни эшитганман,— қорачадан келган биққа семиз киши зўрма-зўраки илжайиб кўл узатди.

— Кўл бериб сўрашмай қўяқолайлик,— деди полковник.— Гигиенага хилоф... «Пўлат билагузук»ка қандай қарайсиз? Қўлингизга тақайликми ёки ўзингизни яхши тутасизми?

— Қанақа «билагузук»? Мени ким деб ўйлаётсиз, ўртоқ полковник...

— Мени, яхшиси, «гражданин полковник» деганингиз маъқулроқ,— деди Ҳожихонов жиддий.— Бундай аҳволда сизга ўхшаганларга ўртоқ бўлишни ўзимга эп кўрмасдим...

— Нима гап ўзи? Бу қанақа бедодлик!— қорачадан келган киши норозилик билдиришга уриниб кўрди.— Арз қиламан.

— Кичик лейтенант!— дея буюрди полковник қорачадан келган кишини ўртага олиб хушёр турган Хўжаевга.— Қамоққа олинган жиноятчини машинага олиб чиқинг... Сиз ҳам ўрнингиздан туринг!— полковник сураткашга ишора қилди.

— Менинг хўжалигим нима бўлади? Ёки бирор нарса йўқолса сиз тўлайсизми?

— Нега йўқолар экан?— дея босиқлик билан жавоб қилди Ҳожихонов сураткашга.— Бугуноқ ўрнингизга бошқа одам келиб ишлайди. Таланган зеб-зийнатлар билан савдо қилувчи олибсотар эмас, ҳақиқий фотограф— сизга ҳам тушунарли бўлгандир, Турғунов, умумий овқатланиш муассасаларининг масъул ходими! Қапгир-чўмичдан қоқиб қолишлар камлик қияпти, дейман-а, ўғрилар билан ҳамтовоқ бўлибсиз!

Турғунов зўрма-зўраки тиржайди.

— Менимча, тушунмовчилик бўлган. Кимдир устимдан ифво тарқатганга ўхшайди. Текшириб кўрарсиз... бегуноҳман...

— Энди барини суд аниқлайди,— деди полковник унга тик боқиб.— Сизнинг ишингиз ҳам, мовий «Жигули»да ўғрилар билан алоқадор фоҳиша ўйнаши билан кўчама-кўча айш қилиб юрган, ҳатто машинасида тунги тунаш-талашларда иштирок этган укангизнинг иши ҳам ўша бўрилар галаси билан бирга қўшиб кўрилади. Олиб боринг уни, кичик лейтенант!

\* \* \*

Кун ботган, хона ичи қоронғи тортган бўлишига қарамай, Ҳожихонов чироқ ёқишни истамади.

— Агар қарши бўлмасанглар, фақат манави тунги чироқни ёқсак,— деб ўтирганларга тегишди у стол чироғига кўл чўзиб.— Қоронғида мия хужайралари яхши ишлармиш... Балки ажойиб фикр келиб қолар! Фикрлаш маркази шунақа, бутун диққат-эътиборни жамлаб, ишга киришиш керак.

Стол атрофида ўтирган Усмонов, Харченко, Невструев индамай бир-бирига қараб қўйишди.

— Эҳ, ўшанда Кочнева — Мартованинг уйида, Кенжа Тўрахўжаев, «Арқон»ни қўлдан чиқармаганимизда, Москвага ўғрилар шайқаси тўла-тўқис тугатилди, деган ғалаба рапорти юборилган бўларди! Мана энди сувга чўккандай дом-дараксиз... Бошқа жойда айш қилиб юргандир... Озмунча таладимиз аблаҳлар!

— Бу ҳодиса бутун Бошқарма ходимларига фотога бўладиган бўлди, Абдулла Ҳожихонович,— деди Усмонов ерга қараганча ўйчан ўтириб.— Бошқаларни билмадим, лекин бизнинг соҳамиздагиларга боқибеғамлик асло тўғри келмайди.

— Жуда доно фикр, Шокир Усмонович, энди нима қилайлик, ҳар биримиз алоҳида аттанглайликми ёки хор бўлиб куюнишайликми?— полковник ўринбосарини сўз билан узиб олди.— Йўқ, ўртоқлар, айбингга иқроор бўлиб, ич-ичингдан куюниш яхши. Бироқ ундан нима фойда?! Ҳаракат қилиш, қидириш керак. Кенжанинг қаердалигини аниқлаб, қандай қилиб қўлга тушириш режасини тузиш керак. Шу билан очиқ делони ёпиш ҳақида бош қотириш керак!

— Уртоқ полковник,— Харченко Усмоновга мурожаат этди.— Битта савол берсам майлими?

— Агар Абдулла Ҳожихонович бизга савол-жавоблар билан шуғулланишга руҳсат берса, унта савол берсангиз ҳам майли.

— Сўранг, жавоб берамиз!— деди Ҳожихонов.— Лекин менинг саволимга жавоб берадиган одам топилармикан?

— «Арқон» қаерда демоқчимисиз?— Невструев гапга аралашди.

— Бошқа қандай савол бўлиши мумкин?— Ҳожихонов чимирилди.— Уйда хотин, бола-чақалар билан гаплашиб ўтириб ҳам хаёлим ўша аблаҳда бўлади! Яхшиям хотин, бола-чақалар бизнинг ишимизга кўникиб қетишган. Бўлмаса,— у шаҳодат бармоғи билан чеккасига ишора қилди,— савдойроқ бўлиб қолмаганим отамиз, деб ўйлашлари ҳам мумкин эди. Ҳа, майли, Максим Алексеевич, Шокир Усмоновичга қандай савол бермоқчи эдингиз?

— Ака-ука Турғуновлар изига қандай тушдингиз? Бошқаларни озми-кўпми билмаман.

— Максим Алексеевич, Абдулла Ҳожихонович бу ишга алоқадор ҳамма да-

лилларни тўплаш, таҳлил қилишни менга топширганидан хабарингиз бор. Ҳаммаларинг топиб келган ахборот, гап-сўз, тахмин-далилларни бир-бирига солиштирдим, бош қотирдим... Тўда кўпчилик бўлса керак, деган тахмин тезда йўққа чиқди... Ялтироқ кўш қулфли чарм чамадонча... тўғрироғи, чарм қутича эгасини тоганимиз бунга қўл келди. Париклар ва погонлар тез-тез алмаштирилса керак, деган ҳаммамизнинг умумий тахминимиз ҳам кейинча тўғри бўлиб чиқди. Абдулла Ҳожихонович билан бирга далилларни бир-бирига солиштира-солиштира, текшира-текшира, уларнинг айдоқчилари ким экан, деб ўйланиб қолдик. Уғрилар, ахир, уйни тунашдан олдин у ерда қанча пул, қанча 3% ли заём obligationлари, қандай зеб-зийнатлар борлигини деярли аниқ билишган-ку! Бундай аниқ ахборотни улар ким орқали олишган? Абдулла Ҳожихоновичнинг руҳсати билан мен талаганлар кимлар билан яқин мулоқотда бўлганларини ўргандим. Шуниси қизиқки, ака-ука Турғуновлардан бирортаси меҳмондорчиликда бўлган ёки бошқа сабаблар билан қадам ранжидан қилган бадавлатроқ хонадон борки, эртами-кеч талонга учраган! Ичганда кишининг қулф-дили очилиб кетади, албатта. Ака-укалар одамларнинг шу соддалигидан фойдаланишган. Улариям гапга солиш учун мақтанишган бўлишса керак. Мезбонлар ҳам уй-жой кооперативига ёзилиш ҳаракатида экани-ю, машина сотиб олиш истагида юрган ёки чет эл савҳатини қўмсагани борми гуллаб қўйган, ҳа, хотинлар бундай меҳмондорчиликда бор зеб-зийнатларини тақиб, кўз-кўз қилишлари турган гап. Буларни кўриб-билиб «бўри»ларга етказганлар Турғуновлар бўлишса керак, деган тахмин туғилди. Бу тахминни текширишда эса экспертиза техникаси ёрдам берди. Турғуновлар навбатда кимни тунаш муҳокамасига оид ўзларининг гап-сўзларини магнитофондан эшитганларида, албатта, ажабланишлари мумкин. Шубҳасиз, бу ишда Зайчиков билан Лидангнинг хизматлари катта...

Столдаги сигнал чироғи бир неча бор ёниб ўчди. Ҳожихонов Усмоновга ишора қилди-ю, ўзи трубкани кўтарди.

— Гражданин начальник!— деган овозни эшитганида полковник ўрнидан туриб кетди.— Бир таклифим бор... Лекин тез жавоб беринг... Бу — «Арқон». Эсдан чиқармаганмидингиз? Айтиб қўйяй, ўз шайтонларингизга қаердан гапирялганимни аниқла, деб буйруқ беракўрманг, бари бир улгурмайсизлар!

Ҳожихонов «Арқон» дейиши биланоқ ўринбосарига қўли билан бўйнига сиртмоқ аломатини қилиб, кўзи билан телефонга имо қилиб улгурган эди.

— Шартнома тузсак,— Кенжа Тўрахўжаев гапида давом этди.— Агар сиз мени қўлга туширишдан воз кечсангиз, шаҳарда бошқа бирорта ҳам уй таланмайди. Розимисиз, начальник?

Оёқ учида юриб, қабулхонага чиққан Усмонов билан Харченконинг Кенжа қайси телефондан кўнғироқ қилганини билиб, оператив группа жўнатишга улгуришлари учун Ҳожихонов вақтдан ютиши зарур. Шунинг учун у:

— Битим таклиф қиялсанми? Менга-я?— полковник чўзиб гапирди.— Мен бўлсам, Кенжа менинг тўғримида бошқача фикрдади, деб ўйлагандим... Бу йилгинамас, кўп йилдан бери танишмиз. Бир-биримизни билишимиз керак эди-ку... Гаплашишни истасанг, яхшиси, учрашайлик, ўшанда бафуржа маслаҳатлашамиз...

— Э-э начальник, гапингизга учадиган аҳмоқни бошқа ёқдан қидиринг! Мен сиз билан учрашгани ўз оёғим билан бориб, тузоғингизга илина қолсам-а? «Академия»га кўзим учяпгани йўқ! Мени анави тоши оғирларга қўшиб, қўлимга улгуржигина «червон»ни тутқазмоқчисиз-а! Тезроқ айтақолинг, начальник; оёқни қўлга олиб жўнашим керак! Ёки менга аллақачон «ғишт» отган бўлманг тагин!

— Кенжа, эртами-кеч оладиган муҳлатингни олсан. Буни мен сенга олдин аниқ ваъда қилишим ҳам мумкин! Шунингдек, тезда кўришамиз ҳам деган умиддаман. Мени биласан-ку? Энди айбингни бўйнингга олиб, ўз оёғин билан келсанг, қайтага ўзинг учун яхши! Ҳозир ҳатто ойда ҳам яшириниш қийин, бари кўринади. Ерда эса, биз сени тезда топамиз! Унда ўзингга қийин...

— Яқин орада яна кўнғироқ қиламан, начальник!

— Биз сени олдинроқ қўлга оламиз!— полковник овозини баландлатди. Жавоб ўрнига телефон калта-калта дут-дут қилди.

Тўрахўжаев отчопар томондаги автоматдан телефон қилгани аниқланди-ку, аммо тутишга улгурилмади. Усмонов билан Харченко анчадан кейин хомуш қайтиб келишди. Айланма йўлдан минглаб машина ўтади. Биттасига ўтириб, бир ёққа жўнаворган.

— Шундай бўлиши маълум эди,— деди Ҳожихонов хотиржамлик билан.— Майли, бошқа томондан айлимай ўтиб кўрайлик-чи! Мен энди умумий танишларимизни ўртага солиб кўраман. Балки учрашишга рози бўлар... «Арқон»нинг аҳволи эски таниш-билишларнинг ёрдамига қўл силтайдиган даражада эмас! Ахир, ўғирлик билан орттирган нарсалар керак-ку! Агар яқин кунларда «Арқон»ни қўлга олмасак-чи, ҳей, отимни бошқа қўяман!

Хонада ўтирган оператив ходимлар полковникнинг ўйлаб қўйган ўз режалари борлигини сезишиб, бир-бирларига қараб қўйишди.

\* \* \*

...Аллақачон куз бошланганини унутгандай, Қуёш ҳамон қиздирарди. Дарахлар кўча чангидан оғирлашган, иесиқ ва сувсизликдан шалвираган барглари осилтирганча шумшайиб қолишган эди. Оёқ боссанг, билқиллаган асфальтдан жимирлаб қайноқ ҳаво кўтарилар, газ дўконлари ва автоматлари олдида чанқоқдан қйналган одамлар ўймалашарди. Айвони устига ёпилган брезенти шалвираб қолган пивохонага-ку, умуман яқинлашиб бўлмас эди. Шунга қарамай, қулоқни батанг қил-

гудек шовқин-суронли бу жойга оқиб келувчилар сони тобора кўпаймоқда эди. Бу ерда кўкракка келадиган баланд столларга қуритилган шўртак балиқларини ташлаб қўйиб, кружка қўлларида, аммо оғизлари гапдан бўшамаётган доимий пивоҳўрларни, шунчаки чанқов босдига кириб қолиб, тамаки тутуни, балиқ ҳиди босган ва гоҳо оғизларидан ҳаёсиз сўзлар чиқиб кетаётган бу курама тоифа ичида ўзларини ноқулай ҳис этаётган ёш қиз-йигитларни ҳам учратиш мумкин эди. Ана, ўшандайлардан бир жуфти айвон четида кружкаларини панжара устига қўйганча гаплашиб туришибди. Муздай пивони оз-оздан ҳўплаб-ҳўплаб қўйишларига қараганда, улар бу ердан, қанчалик ноқулай бўлишига қарамай, яқин ўртада кетишни ҳаёлларига келтиришмаётганга ўхшайди. Ҳолдан тойдирадиган даражада иссиқ, дим кунлари бир кружка муздай пиво ичиш имконияти ҳар қандай бетоқат одамни ҳам матонатли қилиб юборди, шекилли, бу ёш қиз билан йигит атрофида нима бўлиб, нима қилаётгани билан ишлари йўқ, фақат пивою бир-бири билангина банд эди. Ана, пивоҳона айвонида яна бир ёш йигит пайдо бўлди. Оёғида шиппак, эгнида калта энгли қўйлак, ёзги энгил шим. Озроқ ичган кўринади — тугмалари солинмаган, ёқасидан офтобда қорайган кўкраги кўриниб турибди.

— Бўш кружка йўқми?— дея сўради у қиз-йигитдан.— Хиёбонга бориб роҳатижон есаларинг бўлмайдики? Мен сизларнинг саломатликларинг учун пиво кўтарган бўлардим... Мўсква роҳатижони кеган...

Лекин бу жуфт ҳам, нариги жуфт ҳам унинг гапини безътибор қолдирди. Фақат айвоннинг у бошида турган қиз-йигитгина, раҳми келди, шекилли, йигитни чақиришди:

— Ма, ҳей биродар! Бошқа пайт сен бизга яхшилик қила қоларсан.

— Яшанглар. Раҳмат-э!— калта энг қўйлакли йигит қувониб қолди. Менам биттагина кружка ичаман-у, роҳатижон егани бораман!

Москва роҳатижони ҳақидаги гап, бари бир, оғзининг сўлагини келтирдими, қайдам, тезда бошқа жуфтлар ҳам хиёбон томонга қараб жўнаб қолишди. Улар билан бир вақтда яқин жойда турган шахсий машиналар ҳам қўзғалишди.

Хиёбон олдидаги айланмада шахсий машинадагилар худди рўлга энди ўтирган ўргамчиклардай, «авария ҳолати» вужудга келтиришди. Тартиб жорий этувчи милиционер хўштагини чуриллатган эди, улар баттарроқ гангиб қолишиб, олдинроқдаги иккитаси «сўзишиб» кетишларига оз қолди ва орқадан қўшдай учиб келаётган қора «Волга»нинг йўлини тўсиб қўйди. Иккита «Жигули» эса орқадан йўлини бекитди. Натижада, катта йўл юзасида машиналардан ромба шакли ясалиб қолди.

— Ҳей, пешонадаги кўзми у ё пўстакнинг йиртиғими?— эшикни очибоқ ўдайғайлади «Волга»даги шофер.— Авария қилишларингга оз қолди-я! Ана, инспекторлар келишвотти! Пачава бўлди-ку, ишлар.

— Узингизни босинг, оғайни...— йўлак яқинида тўхтаган «Жигули» эгаси «Волга»га қараб юрди. ГАИсиз ҳам ўзимиз келиша оламиз...

Яқинда муздай пиво ичиб роҳатланган қиз-йигитлар ҳам машиналардан тушиб, унинг кетидан чопишди. «Жигули» эгаси «Волга» эшигини шартта очиб, орқа ўриндиқдаги йигитга тикилди:

— Кенжа, айтмабмидим сенга тезда учрашамиз деб!

— Куролингни ташла!— бошқа эшиклар ҳам очилиб, бақувват йигитлар Кенжани икки томондан сиқиб, ўртага олишган эди.

— Ички ишлар бошқармасига ҳайда!— дея буюрди ёнма-ён ўтирган Ҳожихонов, ханг-манг бўлиб қолган «Волга» шоферига.

«Жигули»лар, «Волга» жойидан қўзғалди. Айланмада пайдо бўлган «тиқин» очилди. Тўпланиб қолган йўловчилар кўз ўнгида шаҳар ҳаётига оид тарихнинг оддий шу билан бирга мураккаб ва чигал варақларидан бири варақланганини деярли пайқашмади ҳам. Ҳолбуки, бу тарихнинг ҳар бир қадами жиноят ва жасоратдан иборат эди.

15

Улар генералнинг хонасида тўйболадай қувнаб ўтиришар эди. Сафаровнинг ҳам чехраси очик.

— ...Қадрдон ўртоқлар, дўстлар, мен ҳозирча сизларга дилдан миннатдорчилигимни айтдим, холос!— дея гапида давом этди генерал «Бўри» операциясида қатнашганларнинг ҳар бирига меҳр билан боқиб.— Ҳаммаларинг бутун имкониятларингни ишга солиб хизмат қилдинглар. Ҳар бирингиз, албатта, тақдирланишга сазоворсиз. Министр менга шуни сизларга айтиб қўйишни топширди.

Биламан, милиция соҳасида айримларинг бир-икки йил, айримларинг эса ўн йиллаб хизмат қилгансизлар. Лекин бундай масъулиятли, оғир ишни бажариш ҳозирча бирорталарингга ҳам насиб бўлмагандир-ов. Мана, лейтенант...— генерал-лейтенант сўзига алоҳида урғу бериб, Юсуфга тикилди.— Ҳўжаевга магазинда сотувчи бўлиб ишлашга, кичик Райко... жанговар дўстимиз Наташага официантка бўлиб ишлашга, Зайчиков ва Мелкумовга эса такси шофери бўлиб хизмат қилишга ёки ашаддий «ичувчи» ролни бажаришга, айрим ходимларимизга кутубхонада газета-журнал подшивкаларини титкилашга тўғри келди. Ҳа, тун-кун мижжа қоқмай, оилаларингизни кўрмай хизмат қилишга тўғри келди.— Бу ишлар бари сиз билан биз аҳоли кўзига тўғри қарай оладиган мана шу кун келиши учун қилинди. Зероки, сиз билан биз аҳолининг тинчлигини сақловчи посбонлармиз! Атиги икки сўз: «Уғрилар тутилди!» деб юқори органларга кўнғироқ қилишим учун шунча ишлар қилинди!

С. АНВАР ва М. ХИДИР таржимаси



Умринисо Асқарова

## БЕДАВО

Ҳикоя

**Р**айон газетаси редакциясига иккинчи марта боришим. Уша ўрта бўйли, тўладан келган оқ-сарикъ киши эски танишлардек жилмайиб қарши олди.

— Сизга шеърларимни ташлаб кетгандим,— дедим.

Ходим тортмасини очиб, бир оз у ёқ-бу ёқни титкилади-да, шеърларимни олиб ўз фикрини изҳор эта бошлади:

— Биласизми,— деб гап бошлади у.— Шеърларингиз билан танишиб чиқдим. Ёмонмас, ёмонмас. Фақат камчиликлари ҳам йўқ эмас. Деярли ҳамма шеърларингизда камчиликлар бор. Бу камчиликлар унча-мунча нуқсон бўлгандаям майли эди-я, у ер-бу ерини тўғрилаб чиқариб юборардим. Хафа бўлмайсиз-да, энди, сиз ҳали кўп изланишингиз, кўпроқ ўқишингиз керак. Менимча, сиз Фафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон ва Уйғунни... Хўш, кейингилардан Рамз Бобожонни ҳам ўқисангиз зарар қилмайди. Ана ўшанда шеърларингиз жозибали чиқади. Мисол тариқасида «Севги ҳам баҳор» шеърингиздаги камчиликка тўхталадиган бўлсак... Хўш, сарлавҳаси ёмонмас, лекин шеърингизнинг ичи бедаво...

«Бедаво» сўзини эшитганимдан сўнг бошимдан совуқ сув қуйиб юборгандай музлаб кетдим.

Ноқулай аҳволга тушиб қолдим. Аммо ходим бўлса ўзининг фикрини исботлаш учун шеърларимни шатирлатиб варақлади-да, орасидан «Севги ҳам баҳор» шеърини топди ва кўзларини ярим юмган ҳолда ниманидир эслаган бўлди. Сўнг, «қи-қиҳ» дея кулиб кўйиб, сўзини давом эттирди.

— Синглим, ранжиманг, аввало, сиз бу шеърингизда булбул билан хаёлан суҳбат қургансиз. Ахир, бундай бўлиши мумкин эмас-ку? Наҳотки билмасангиз? Булбул ҳеч қачон инсонлар билан суҳбатлашмайди. Сиз эса гаплашгансиз. Қизиқ. Булбул фақат сайрайди, бунга ёдингиздан чиқарманг.

— Э, майли,— адабий ходим қўл силтади,— сиз яна гулни ҳам гапиртириб юборибсиз. Бундай бўлиши мумкин эмас. Наҳотки сиз гул фақат ўсиши мумкинлигини билмасангиз. «Япроқ тўқади гуллар»— бу мисрангизга ҳам қўшила олмайман.

Энди ходим табиат манзараси тасвирини танқид қилишга ўтган эди.

— Агар совуқ тушмаганида эди, у безбет гуллар ўлсаям баргларини тўкмаган бўларди! Сиз эса мана шу сабабларга тўхталмагансиз ва ҳатто тўхталишни лозим кўрмагансиз. Натижада фикр ривожлантирилмай, конкретлаштирилмай қолиб кетган.

Адабий ходим шу тариқа шеърларимнинг роса «пўстагини қоққандан» сўнг, мени эшиккача эҳтиром билан кузатиб қўйди ва шеър ёзиб туришимни қайта-қайта таъкидлади.

Редакцияга қатнашни тарк этмадим. Шеърга жуда ҳавасманд бўлганим учун ёзавердим. Адабий ходим ҳам шеърларимни таҳлил қилиб, дашном беришдан чарчамади. Ҳар сафар ходим «Бедаво» сўзини такрорлаб кўяр ва Фафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон ва Уйғун ҳамда кейингилардан Рамз Бобожон асарларини ўқишимни, ўрганишимни қайта-қайта уқтирар эди. Бу насиҳатлардан сўнг менда ходимни синаб кўриш истаги пайдо бўлди. Бу истак менга ҳеч тинчлик бермади. Ходим ўзбек поэзиясининг таниқли намояндалари бўлмиш шоирларнинг номларини-ку яхши биларкан, лекин шеърларини ўқиганмикан? Шу савол қалбимни тинмай пармалар эди. Мени-ку, роса «синов»дан ўтказаяпти. Уни ҳам бир синовдан ўтказмоқчи бўлдим.

Юқориди тилга олинган шоирлардан бирининг ўқиш китобларига кириб, маълум ва машҳур бўлиб кетган асаридан тоғ манзараси тасвирланган мисраларини кўчирдим-да, тагига ўз номимни қўйиб редакцияга олиб бордим.

Ходим ҳар доимгидек мени очикъ чехра билан қарши олди. Ҳол-аҳвол сўради. Сўнг шеърни олиб бир неча маротаба қайта-қайта ўқиб чиқди. Ручкасининг орқа томони билан бурун катагини қашлар экан, таҳлилни бошлади:

— Э, синглим, ёмонмас-ёмонмас. Лекин... Лекин... Ҳалиги. Ҳа, ҳали ҳам ол-

динги шеърларингизда учрагани каби бедаво камчиликлар бор. Биринчидан, шеър жуда чўзилиб кетган. Мужмал жумлалар ниҳоятда кўп. Ухшатишингиз жонли чиқмаган. Одамнинг энсаси қотади, ҳеч қандай завқ бермайди. Янги фикрлар айтилмаган. Одам деган сал масъулиятни ҳис этиши керак. Сиз масъулиятни ҳис этмайдиган хилдан экансиз, шекилли. Сизга неча марогаба Ғафур Ғуломни, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Уйғунни, кейингилардан Раъз Бобожонни кўпроқ ўқинг деб айтдим. Сиз эса шу пайтгача ҳам ўқимагансиз. Уқисангиз ҳам, уқмагансиз.

Ходим шахт билан ўрнидан турди. Унинг кўк кўзлари қизариб кетган эди.

— Сиздан шоир чиқмайди. Шеър ёзмасдан ҳам яшаса бўлади-ку!— деди у. Мен бўлсам ўзимизнинг айнан мана шу район газетамизда шеърларим чиқишини хошлаб қолгандим. Чунки шу ерда туғилиб ўсганман. Қавм-қариндош, ҳамма таниш. Палончининг шеъри чиқибди, вой, деб... Ешлик ғурури экан-да. Лекин редакцияда манави одамнинг ишлашини билганимдами... Ичимдан ғижиндим.

— Мана шу мисраларни ҳам сизнингча ёзмай қўя қолиш керак экан-да?— деб, у ҳамон менсимагандай қўл учида ушлаганича силкитаётган дафтардаги шеърини мисраларини ёд ўқиб бердим.

— Албатта!— бақирди адабий ходим кўзларини кўкартириб.— Иложинг бўлмай қолгандагина ёз. Иложинг бўлса ёзма.

— Тўғри, тўғриси, бу ҳикматни буюк устозлардан бири айтгани учун ҳам тўғри,— дедим ғазабимни базўр босиб.— Лекин анави мисраларни мен эмас, сиз менга ибрат қилиб кўрсатадиган катта шоир...— мен шоирнинг номини айтдим,— ёзмай иложи йўқлигидан ёзган, менимча.

Адабий ходим отахон шоирнинг номини эшитганда кўзлари ола-кула бўлиб, каловланиб қолди.

Мен унинг қўлидан шеър дафтаримни олдим-у, эшикка қараб юрдим.


Тўғриси, бу эшикдан биринчи марта хафа бўлмай кулиб чиқишим эди.

## БОЛАЛАР ИЖОДКОРЛАРИ КУЙЛАГАНДА...

### ҲАКИМ НАЗИР


Мен — бобонгиз Ҳақим Назир,  
Айланайлар,  
Зўр ҳикоя ёздим ҳозир,  
Айланайлар.

Сизга, софдил болакайлар,  
Айланайлар,  
Юз йил хизмат қилсак арзир,  
Айланайлар.




### ЛАТИФ МАҲМУДОВ

Болажонлар, туним бедор,  
Динғир-диқ.  
Қўлгинамда эски дутор,  
Динғир-диқ.  
«Эски дуторнинг сирлари»н,  
Динғир-диқ,  
Бир қиссада қилдим ошкор,  
Динғир-диқ.








**ПУЛАТ МУМИН**

Бир пайтлар митти эди,  
 Кулгандим осон,  
 Кулгандим осон.  
 Катта жойда ишлар энди  
 Салимжон-нимжон,  
 Салимжон-нимжон.



**ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ**

Оламга кўз югуртиб ров,  
 Во-ҳей, бола,  
 Англолмасанг ўнги-терсин,  
 Во-ҳей, бола,  
 Анграймасдан ўқи дарров,  
 Во-ҳей бола,  
 Табиатнинг алифбесин,  
 Во-ҳей, бола.



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган

# Маданий ҳаёт

\* \* \*

Бир ҳафта давомида (10—16 март кунлари) республикамизда ўзбек совет адабиётининг асосчиси, оташин инқилобчи шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллуди нишонланиб, ҳамзахонлик кунлари бўлиб ўтди. Уни шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, Ҳамза ижодининг тадқиқотчилари, Тошкент шаҳар, хусусан Ҳамза райони меҳнаткашларининг вакиллари Тошкентдаги инқилобчи шоир ҳайкали пойига гулдаста қўйиш билан бошладилар.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳайкали ёнида кўп кишилик митинг бўлди. Митингни ЎзКП Ҳамза район комитетининг секретари Д. Маткаримова кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари С. Кароматов Ҳамзанинги ҳаёт йўли ва ижоди ҳақида қисқача нутқ сўзлади. Ёзувчи ва шоирлардан И. Раҳим, З. Туманова, Ч. Али, Э. Охуноев, Ҳ. Шарипов, Р. Фарҳодий, Ю. Ковалёв, Тошкентдаги 1-ўйсозлик комбинати бетончилар бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Орипов сўзга чиқиб, дил сўзларини изҳор этдилар.

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган куннинг 94 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Кечада филология фанлари доктори, профессор Л. Қаюмов шоир ижоди ҳақида доклад қилди. Ёзувчи ва шоирлардан А. Иванов, А. Орипов, М. Али ва бошқалар сўзга чиқиб, Ҳамза ижодининг ўзига, хос фазилатлари ҳақида фикр юритдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси академик Комил Яшин йиғилишга раислик қилди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида ҳамзахонлик кунларига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Кечада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла, шоирлардан А. Орипов, М. Али, шоира Ҳ. Худойбердиевалар сўзга чиқиб Ҳамза асарларининг аҳамияти ва умрбоқийлиги ҳақида сўзладилар, ўзларининг инқилобчи шоирга бағишлаган шеърларини ўқидилар. Бир неча олий ва ўрта ўқув юртлирининг талабалари, мактаб ўқувчилари ҳам анжуманда Ҳамза шеърларидан намуналар ўқидилар. Тошкент Давлат педагогика институтининг студенти Ҳ. Тилабоева шоир кўшиқларидан қўйлади.

Кечани Ўзбекистон ССР маориф министрининг ўринбосари И. Мўминов бошқариб борди.

Қорақалпоғистон АССР ва Хоразмда, шоир туғилган Қўқон шаҳри ва Фарғона водийсининг бошқа шаҳар ва қишлоқларда анъанавий ҳамзахонлик муносабати билан шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, тантанали кечалар, Ҳамза ижодига бағишланган илмий конференциялар бўлди.

\* \* \*

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида 16 март куни Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретариатининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Йиғилишда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов республика Ёзувчилар союзининг ўтган 1982 йилдаги фаолияти ва навбатдаги қилинадиган ишлар хусусида доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда ёзувчилардан Мирмуҳсин, Лазиз Қаюмов, Олег Сидельниковлар сўзга чиқдилар.

Секретариат мажлисида Эркин Маликов, Тошпўлат Аҳмедов, Абдусайд Кўчимов, Мирзакарим Пирматов, Хайрулла Эргашев, Малик Муродов, Арон Шаломаев, Маматқул Ҳазратқуловлар СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилиндилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Маданият бўлимининг сектор мудири Барот Бойқобилов иштирок этди.

\* \* \*

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Бадий адабиётни пропаганда қилиш бюросининг XIII пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда мазкур бюро директорининг ўринбосари Ю. Ковалёв республика Ёзувчилар союзи Бадий адабиётни пропаганда қилиш бюросининг ўтган 1982 йилдаги фаолияти ҳақида доклад қилди. Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар союзи Бадий адабиётни пропаганда қилиш бюросининг директори Д. Муротбоев, республика Кўнгилли китобсеварлар жамияти правлениеси раисининг ўринбосари Ф. Пўлатов, Бадий адабиётни пропаганда қилиш бюроси Хоразм область бўлимининг бошлиғи М. Бобононова, ёзувчилардан А. Иванов, Н. Умеров, «Шарқ юлдузи» журналининг масъул секретари Т. Малик, «Ёш гвардия» нашриётининг бош редактори Н. Нарзуллаев, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Тошкент область бўлимининг консультанти Ж. Абдуллаҳонов, республика Ёзувчилар союзи Самарқанд, Наманган, Бухоро область бўлимларининг масъул секретарлари С. Сирожидинов, Ҳ. Саъдуллаев, Т. Аҳмедов ўроқлар доклад юзасидан бўлган музокараларда сўзга чиқдилар.

Пленумни Ўзбекистон ССР Ёзувчилар

союзи правлениесининг секретари С. Кароматов бошқариб борди. Республика Ёзувчилар союзи Бадий адабиётни пропаганда қилиш бюросининг XIII пленумида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари ўртоқ С. Азимов нутқ сўзлади.

\* \* \*

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида атоқли ўзбек совет адаби Шароф Рашидовнинг «Дил амри» қиссаси юзасидан китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда профессор-ўқитувчилар Н. Маллаев, С. Утанов, Т. Бобоев, А. Баллич, С. Тўрабекова, С. Иброҳимова, Х. Ҳомидий ҳамда студентлар сўзга чиқиб, «Дил амри» қиссасида ўзбек адабиётида биринчи марта том маънодаги рус характери яратилганлигини таъкидлашди. Жангчи шoir сифатида урушни қораловчи, жангчиларимизнинг фронтдаги жасоратини ифодаловчи шеърлар яратган, урушни лаънатлаб қатор публицистик мақолалар ёзган таниқли адибнинг бевосита жанглр манзараси чизилган бу асари ҳам урушнинг машаққати, даҳшатларини, қаҳрамонликларнинг илдиэларини теран таҳлил этиб бериши жиҳатидан диққатга сазоворлиги ҳақида фикр юритдилар.

## АДАБИЙ ЖУРНАЛЛАР ИЮНЬ ОИИДА

Журналнинг бу сони «Асрлар оша» номли бош мақола билан очилади. Журналхонлар С. Анорбоевнинг «Сузиб борар архарлар» қиссаси, М. Шевердиннинг «Жайхун» романининг охири, М. Қориевнинг ҳикоялари, Н. Нарзуллаев, А. Калмиков, Э. Азаматов, О. Щевчукнинг шеърлари, Ю. Кружилнининг «Муборакнинг кумуш қувурлари», В. Фафуровнинг «Ғалабага тенг» публицистик мақолалари билан танишлари мумкин.

Тошкентнинг 2000 йиллиги олдидан А. Ершовнинг «Дўстлик шаҳри» мақоласи, «Мерос» рубрикаси остида Машраб ғазаллари, Э. Маципулонинг «Қора кўрғаз» фантастик қиссасининг давоми, шунингдек, Ф. Гладков таваллудининг юз йиллигига бағишланган мақола, «Китоблар оламида» ва бошқа рубрикалар остида ҳам қизиқарли материаллар ёритилган.

**Звезда  
Востока**

Журналнинг май-июнь сонидан РСДРП II съездининг 80 йиллиги муносабати билан В. Исмоиловнинг «Давримизнинг ақли, виждони ва номуси» публицистик мақоласи, «XI беш йиллик илғорлари» туркумидан Э. Қуртнезировнинг «Ота ва ўғиллар», М. Муҳтарамовнинг «Ғалабага шундай эришилган» очерклари, наср бўлимида Р. Алининг «Сени қидиряпман, ҳамқишлоқ» қиссаси, Ж. Сейдамаднинг «Ҳаммом оралиғи» ҳикояси. назм бўлимида Жевайре, М. Аблялим, Р. Мўйдинов, М. Жавҳарийларнинг шеърлари босилган. Заҳириддин Бобирнинг 500, Фафур Ғулломнинг 80, С. Азимовнинг 60 йиллик юбилейларига бағишланиб А. Қаноатов, Ч. Али ва К. Яшинларнинг мақолалари, шунингдек, «Жанговар шуҳрат изидан», «Йиллар, одамлар, тақдирлар» ва бошқа рубрикалар остида ҳам ўқишли материаллар босилган.

**ЙИЛЛАРИЗ**

Наср бўлимини У. Назаровнинг «Соҳил» қиссаси, С. Исҳоқовнинг «Тоға», А. Жўраевнинг «Кўзмунчоқ» Ё. Акромова-нинг болаларга аталган «Ажиб оҳанглар», С. Муҳамедовнинг «Бўсаға» ҳикоялари беэаган. Назм бўлимида Р. Парфи, С. Ҳаким, Қ. Саидмурод, М. Ҳамроеваларнинг шеърлари, О. Ҳожиевнинг «Болалик дostonи» дostonи, Т. Адашбоевнинг болаларга аталган шеърлари, «Адабий дўстлик» рубрикаси остида М. Қаноат шеърлари берилган.

«Устозларимиз» рубрикаси остида С. Азимов туғилган куннинг 60 йиллиги муносабати билан О. Ёкубов ва А. Ориповларнинг юрак сўзлари, шунингдек, «Ёзувчининг кунгил дафтаридан», «Она юртинг омон бўлса...» рубрикаси остида Ҳ. Назирнинг «Масъуллик» мақоласи ва бошқа ранг-баранг материаллар урин олган.

**Ёшлар**

Бош редактор Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Н. ВЛАДИМИРОВА, Ж. ЖАБ-  
БОРОВ, ЗУЛФИЯ, Т. МАЛИК (масъул секретарь), МИР-  
МУҲСИН, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Ҳ. НИЁЗОВ, У. НОРМАТОВ,  
А. ОРИПОВ, И. РАҲИМ, Т. ТУЛА, Х. ТУХТАБОЕВ (бош  
редактор ўринбосари), УЙҒУН, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМО-  
НОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ,  
Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, И. ЮСУПОВ, Н. ҚОБУЛ, Ҳ. ҚУЛОМ.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)

Орган Союза писателей Узбекской ССР

№ 6

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,  
Ташкент—1983.

Рассом **О. Арутюнов.** Техник редактор **М. Аҳмедов.** Корректор **А. Билолов.**

Редакцияга келган бир босма табақчага бўлган материаллар авторларига қай-  
тарилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши  
шарт.

Теришга берилди 28.03.83 й. Босишга рухсат этилди 3.05.83 й. Р-02929.  
Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Қабариқ босма. Физ. листи 13. Шартли босма  
листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 176500. Заказ № 448.

© «Шарқ юлдузи» 1983.

Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

**БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:**

**700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КЎЧАСИ, № 1.**

**«Шарқ юлдузи» редакцияси.**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

**БОШ РЕДАКТОР—332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ—332181,  
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ—330918, ПРОЗА, ПУБЛИЦИСТИКА—332181, ПО-  
ЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК—332479.**